

*Ойлик  
адабий-бадиий,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал*

# Шарк қолағузи

---

*Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органи*

---



*50-йил чиқиши*

---

ла  
или  
а ғ

---

*Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти*

# МУНДАРИЖА

## ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

В. Козимов. Қадимий ва навқирон шаҳар . . . . .	3
В. Архангельский. Юракдек бетиним . . . . .	13
Э. Самандар. Оддий ҳақиқат. Шеърлар . . . . .	52
С. Анорбоев. Сузиб бўрар архарлар. Қисса . . . . .	56
Б. Бойқобилов. Умр қадри. Сонетлар . . . . .	103
А. Убайдуллаев. Аждаҳо комида. Қисса . . . . .	111
Ш. Раҳматуллаев. Рубойлар . . . . .	128
С. Исҳоқов. Юлдуз кўкда сўнади. Қисса. Давоми . . . . .	131
Ҳ. Темиров. «Ака-укалар». Ҳикоя . . . . .	165

### ОЧЕРКЛАР

Н. Саъдуллаев. Давр билан пойга . . . . .	171
Ғ. Расулов. Кино устаси . . . . .	175

### ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

А. Қулжонов. Ижод заҳматини тортиб . . . . .	178
--	-----

### ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Н. Йўлдошев. Инсон моҳиятини очувчи калит . . . . .	180
---	-----

### МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

У. Долимов. Атоқли маърифатчи . . . . .	186
---	-----

### ТАҚРИЗЛАР

О. Шарафиддинов. Курашларга чорлар шеърият . . . . .	191
Э. Шодиев. Машраб девонининг янги нашри . . . . .	195
Б. Йўлдошев. Машаққатли синов . . . . .	198

### ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

У. Исмонлов. Горький билан учрашувларим . . . . .	200
---	-----

### ГУЛҚАЙЧИ

Р. Қодиров. Интеллект. Ҳажвия . . . . .	203
Т. Адашбоев. Сўна. Шеър . . . . .	205
Маданий ҳаёт. «Звезда Востока» апрель сониди . . . . .	206



**Т**ошкент — жонажон республика-  
мизнинг пойтахти. Неча-неча силси-  
лалар, неча-неча зилзилаларни бо-  
шидан кечирган. Бугунги кунда ҳар биримиз  
учун қадрдон, жаҳон маданияти ва сиёсий ҳа-  
ётида сезиларли ўрни бўлган Тошкент, худди  
Бухоро, Марв, Хива, Самарқанд сингари Урта  
Осиёдаги йирик ва кўҳна шаҳарлардан. Бой  
ва гўзал диёримизнинг сиёсий ва маданий  
ўчоқларидан бири. 1966 йил ер қимирлашидан  
кейин қардош халқларимиз ёрдамида, партия  
ва ҳукуматимиз ғамхўрлигида қайтадан оёқ-  
қа туриб, янада кўркамлашган шаҳри азим.

Тошкентнинг бугунги қудрати, унинг кела-  
жакка ташлаётган залварли одимлари ҳақида  
ўйлар экан, киши беихтиёр тарихга, халқимиз  
тарихига, бепоен мамлакатимизнинг узвий бир  
бўлаги бўлган республикамиз тарихига назар  
ташлагиси келади. Зероки, партия ва ҳукума-  
тимиз келажак ҳақида ғамхўрлик қилиш би-  
лан бирга ўтмишимизни ўрганишга ҳам жид-  
дий эътибор бериб келмоқда. УзССР Фанлар  
Академиясининг Археология институти зил-  
зиладан кейин, Тошкент улкан қурилиш май-  
дончасига айланган пайтларда, кенг миқёсда  
археологик изланишлар олиб борди. Урта аср-  
лар археологияси бўлимида махсус Тошкент  
археология отряди тузилди.

Изланишлар Урта Осиё шаҳарларининг  
юзага келиши, тараққий этиши хусусидаги  
умумий қонуниятларнинг очилишига сабаб  
бўлди. Тошкентнинг жуда қулай географик  
шароитда жойлашгани — тепаликда эканли-  
ги аниқланди. Чирчиқ воҳасида бўлгани учун  
бу тепалик табиий жиҳатдан «ювилиб» тура-



Тошкентнинг  
2000 йиллиги  
ОЛДИДАН

ди. Яъни, дарёнинг суви чиқиндиларни узоқларга олиб кетади. Шунинг учун ҳам Тошкент атрофларида шўр йиғилмайди.

Қадимданоқ шаҳарнинг сув билан таъминланиши кенг ирригация системалари орқали амалга оширилган. Тошкентимиз ичидаги Салор, Бўзсув, Қорақамиш, Бўрижар ва бошқа шу сингари биз анҳор деб атайдиган сув иншоотларнинг бари қадимий аждодаларимиз очган каналлардир. «Катта Тошкент»нинг ўзлаштирилиши бир даврда рўй бермаган. Аммо, суғориш тармоқларининг кенглиги, археологик маданий қатламларнинг жуда катталиги ва ўзига хослиги бу ерларнинг қадимий деҳқончилик, ҳунармандчилик ўлкаларидан бири эканлигини кўрсатади.

Қорақамиш атрофларида топилган палеолит даври қурооллари, Тошкентнинг ғарб тарафида, Қўшилиш даҳасидаги мезолит даврига оид қишлоқда топилган топилмалар суғорилишгача бўлган маданиятимизни ҳам ёрқин ифодалайди. Шимоли-ғарб тарафдаги Аччиққўлда, шимоли-шарқ тарафдаги Ёнариқда эса бронза даврига оид қишлоқларнинг ўрни топилган.

Салор, Қорасув ариқларининг воҳаларида Буғли тепа, Қўғай тепаларда илк ўрта асрларга оид (I—XII асрлар) қўрғонлар, шаҳарчалар топилган ва улар қисман сақланиб ҳам қолган. Қорасувнинг ўнг тарафидаги Олтинтепа ва Чилдухтарон тепаларидаги хилхоналарида бронза даврига оид кулоллик анжомлари, маржонлар ва бронза тақинчоқлари топилди.

Салорнинг ўнг тарафида Минг ўрик (IV аср), Оқтепанинг ўнг тарафида Оқтепа (V аср) кентлари жойлашган эди. Шаҳримиз кейинчалик Ўрда суви деб ном олган Бўзсув канали билан ажратилган бўлиб, ғарбдаги қисми Қайковуз, Қўкча, Ўрда, Шакар, Танишаҳар каналлари ҳамда Лабзак, Чорсу, Чуқурсой, Жангоб сингари изза сув ариқларидан иборат ирригацион системалар билан таъминланган.

Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг юксак деҳқончилик маданиятидан далолат беради.

Чирчиқ воҳасидаги шаҳримиз ҳақидаги энг биринчи маълумот эрамизгача I асрга тааллуқли йилномаларда келтирилган.

Чоч номи биринчи марта «Қаъбаи Зардушти»га форс шоҳи Шопур I томонидан битилган ёзувда эслатилади. Чирчиқ воҳасининг бош шаҳри ҳақидаги кейинги маълумотлар бешинчи асрга тааллуқлидир. Унда айтилишича, Шош аввал турк ҳоқонлигига, олтинчи асрда эса Ғарбий Турк ҳоқонлигига кирган.

Унинчи асрда шаҳримиз Бинкент номини олган. Ибн Ҳайкал ушбу давр ҳақида гапираркан, Хуросон ва Мовароуннаҳрда Шошдек мачитлари, қишлоқлари кўп ва обод, одамлари жасур бўлган ўлка йўқдир, дейди. Бу пайтда Осие савдо йўлларидаги муҳим нуқта бўлганлиги Шошнинг равнақини таъминлаган.

Бошқа бир араб сайёҳи Мақдисий Шошдан эгарлар, камон ва ўқлар, хаймлар (палатка), ёмғирпўшлар, қайчи, игна, жойнамоз гиламчалар, совут, ип-газлама, буғдой олиб кетишларини ёзиб, кулолчилик маҳсулотлари Шошга шуҳрат келтирганлигини таъкидлайди.

XIV—XV аср йилномаларида, бошқа манбаларда Тошкент гоҳ ўзаро жанжаллашиб юрувчи Чигатой шаҳзодаларнинг сулҳ тузган жойи, гоҳ Темур лашкарининг қароргоҳи, гоҳ эса мўғул, ўзбек, қозоқ хонлари ўртасидаги талаш ўлка сифатида эслатилади.

Аммо, фақат Октябрь инқилобидан кейингина Тошкент ўзининг ҳақиқий бахтини топди.

Севикли Тошкент ҳақида, унинг икки минг йиллик тўйига тайёргарлик ҳақида гапирар эканмиз, аввало унинг бугунги жамоли, келажакда янада кўркамлашишини ўйлаймиз. Дарҳақиқат, хизматимиз юзасидан жуда кўп чет эллик меҳмонлар билан учрашишимизга тўғри келади. Уларнинг ичида ёзувчилар, рассомлар, режиссёрлар, катта давлат арбоблари ҳам бор. Лекин Тошкентимизда кимки бир бор сайр қилмасин, ҳуснига мафтун бўлганини яшира олмайди.

Менинг танишларимдан бири ер қимирлашдан кейин бир неча йилга бошқа ёққа кўчиб кетганди. Тошкентга қайтиб, шаҳар айлангандан сўнг, у ўзининг туғилиб ўсган шаҳрида адашиб қолганлигидан нолиганди. Ҳа, дарҳақиқат, Тошкент кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгарди, ўсди.

Авваламбор, шаҳарнинг марказий, зилзила офатидан энг кўп талафот кўрган қисми ўзгариб кетди. Ахир зилзиланинг маркази худди шу ерда, 4—8 км чуқурликда эди-да!

Бугунги кунда Абдулла Тўқай, Самарқанд, Чоштепа, Лугин, Лохутий, Қашқар маҳалла кўчаларининг ўрнини кенг майдонлар, фавворалар, сайроғоқлар, гўзал меъморий ансамбллар эгаллаган.

Пойтахтимизнинг марказини бошқатдан қурилган В. И. Ленин номидаги майдон, доҳийнинг янги, улуғвор ҳайкали безаб турибди. Урта Осиёда энг баланд иморатлардан бири — йигирма қаватли маъмурий бино, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг биниси майдонга ўзига хос кўрк беради. Марказий В. И. Ленин музейининг Тошкент филиали буларга бевосита ёндашиб тушган. «Тошкент» меҳмонхонаси, Ўзбекистон Рассомлари уюшмасининг Кўргазма зали, ўн олти қаватли Матбуот уйи, унинг соатли минораси ҳам майдонга кўрк бағишлайди. Ун етти қаватли «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ҳам шаҳримизнинг кўз-кўз қилса арзийдиган иншоотларидан биридир.

Бу ерларда сайр қиларкан, киши беихтиёр, дил баҳра олувчи яшилликнинг, сувнинг, гулларнинг кўплигини сезади. Гуллар, гуллар, гуллар... Улар биноларни, ям-яшил ўтлоқларни, йўлларни чулғаб олган. Шу ўринда шаҳарда олти миллионга яқин атир гул кўчатлари экилганини айтиб ўтмоқчиман. Сайр қилган кишини, албатта, фавворалар, Анҳорнинг салқин соҳиллари мафтун этади. Канал бўйлаб юрсангиз, унинг ҳар бир муюлиши сизни янги чаманзорларга олиб боради. Анҳор соҳили таъмир этилганда унинг бўйидаги ноёб дарахтлар сақлаб қолинди, паст-баландликларнинг ҳар бирига ўзига хос жило берилди. Аммо, бу қилинган ишларнинг ҳаммасини Анҳор бўйлаб яратилажак Тошкентни кесиб ўтувчи яшил «камар»нинг бир дебочаси деса бўлади.

В. И. Ленин майдонидан Намойишлар хиёбони орқали ўтиб, икки томонида зилол сувлари лим-лим тошиб турган улкан косалар ўрнатилган тош зиналардан кўтарилсангиз, болаларнинг доҳий номидаги томошабоғига чиқасиз. Фақат дарвозаси ва икки бурчи сақланиб қолган эски Тупроққўрғон ўрнида бунёд этилган бу боғда кичкинтойларнинг кўнгил хушликлари учун ҳамма нарса муҳайё.

Агар жужуқлар билан бирга «чархифалак»ка ўтириб, аста-секин юқори кўтарилсак, кўз ўнгимизда Тошкентнинг яхлит манзараси очилади. Аммо, қай тарафга назар ташламайлик, шаҳар манзарасининг адоғи кўринмайди. Зероки, пойтахтимиз диаметрининг ўзи йигирма километрдан узун, майдони эса, 25 минг гектарни ташкил этади. Мамлакатимизда кўлами жиҳатидан Тошкент билан тенглашадиган шаҳар, унча кўп эмас.

Аҳолиси эса икки миллионга яқинлашмоқда ва бу нуфуз жиҳатдан у Москва, Ленинград, Киев шаҳарларидан кейинги ўринда туради.

Тепаликка кўтарилганда кўзга дарров ташланадиган нарса янги қурилишлардир. Тарихан жуда қисқа муддат — ўн йил ичида, ер қимирлашдан кейин, тошкентликлар ўн миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой олдилар. Ҳозирги кунда шаҳар атрофи худди маржондек янги массивлар билан ўралган. Шаҳарга ажратилган бўш жойлар атрофидаги экинзорларга янги иморатлар қуриб бўлинган, қолганларига яқин йилларда қуриб битирилади.

Яқин келажакда Тошкентнинг жамоли қандай тус олади, жумладан ўзининг икки минг йиллигини қандай кутиб олади? Бу саволларга жавоб беришдан, келажакнинг, бугуннинг ютуқларини кўриб чиқишдан

аввал яна бир карра яқин ўтмишга назар ташлаб олсак. Уйлайманки, шунда кўп нарса ойдинлашади.

Мана, 1912 йилги нашр қилинган «Тошкент ўтмишда ва бугун» деган китобдан бир кўчирма: «Шаҳарда сурункали кўтарилиб турган безгак, чечак, терлама, қизамиқ, сўнгги йилларда эса вабо каби офатлар ўлкадаги олий ҳокимият вакиллари — шаҳар бошқармасининг диққатини антисанитария аҳволга қаратишга мажбур этди.

Кўп мунозаралардан сўнг, дума «Ҳовлилардаги ахлатни, кўчалардаги ифлосликларни бошқармага қарашли араваларда чиқариб ташлаш ҳақида қарор қилди. Тозалаш ишларини асосан тош ётқизилган ёки катта йўл очилган кўчаларда олиб бориш раво кўрилди. Йўли яхши бўлмаган кўчалар енгил супуриш билан чекланилади. Тош ётқизилган ва катта йўл очилган кўчалардан йилига 3—4 марта ахлат олиб чиқиб кетилади...»

Ёки шаҳар думасининг эски шаҳарга оид бир ҳужжатини олиб кўрайлик: «Шаҳарнинг осие қисми битта ҳам кўча фонусига эга эмас, йўллардан ўтиб бўлмайди, кўприклар ўта ачинарли аҳволда, касалхона йўқ. Умуман шаҳарнинг бу қисми ибтидоий тарздадир».

Бундай ҳужжатларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Совет ҳукуматининг қўлига Тошкент ана шундай аҳволда ўтган эди. Агар ҳужжатлар ёзилган пайтдан кейин орадан Биринчи жаҳон ва Гражданлар урушлари ўтганлиги ҳисобга олинса, аҳволнинг бундан ҳам аянчли эканлиги равшан бўлади.

Янги тузилган Совет ҳукумати олдида ҳал қилиниши зарур бўлган юзлаб масалалар турарди. Шундай бўлишига қарамай, у диққат-эътиборини ўзининг моҳиятидан келиб чиқиб, энг аввало, меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилашга қаратди. Шаҳарнинг таъмир қилиниши эса қаттиқ меҳнат талаб қиладиган иш эди. Совет ҳукумати, жонажон Коммунистик партия раҳбарлигидаги халқ бунинг уддасидан чиқди.



«Совет шаҳарлари эртасидан қўрқини билмайдиган шаҳарлардир, чунки, улардаги уйларнинг шахсий хўжайини йўқ, кризислар — таназуллар йўқ, врачлардан келувчи тўлов қоғозлари йўқдир. Улар ҳавоси мусаффо, юксак маданиятли, юзлаб миллат вакиллари оға-инидек яшовчи, маънавий ва иқтисодий таназуллар, солиқлар эзмайдиган шаҳарлардир. Эзувчиларсиз, харобаларсиз, махсус ирқий маҳаллаларсиз, жиноятчиларнинг уюшмасисиз, зўравонликнинг мадҳиясисиз шаҳарлардир... Олтмишинчи йилнинг ўрталарида, АҚШда негр маҳаллаларига қарши «ифлос уруш» қизиган пайтда Совет Иттифоқида биз бутунлай бошқа вазиятга дуч келдик. Мен Тошкентни назарда тутяпман». Бу Америкадаги «Дейди уорлд» газетасининг мамлакатимизда бир неча йил ишлаган мухбири Майк Дэвидовнинг «Кризиссиз шаҳарлар» деган китобидан бир лавҳа.

Бу лавҳа Тошкентимизнинг ҳозирги таровати, олтмиш тўрт йил аввалги аҳвол билан бугуннинг фарқини жуда яққол кўрсатади. Ҳа, Тошкент ҳақида гапирар эканмиз, Совет Иттифоқида туғилганимиздан яна бир карра хурсанд бўламан. Фақатгина бизнинг социалистик тузумимизгина, мулкнинг ижтимоийлигини, табиий бойликларнинг халқники эканлигини хўжаликни раво юритишга, ишлаб чиқариш кучларини жадал ривожлантиришга ва тўғри тақсимлашга имкон беради. Мен кўп хорижий мамлакатларда бўлганман, кўп чиройли шаҳарларни кўрганман, аммо инсоният тарихида энг номақбул ҳол — ернинг, ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулклиги жуда кўп жирканч ҳоллар туғдиришини ҳам кўрганман. Капиталистик оламда шаҳар қурилиши, шаҳар ободончилиги масалаларига улар учун одатий бўлган шахсий фойда кўриш нуқтаи назаридан қаралиб, меҳнаткашларнинг эҳтиёжи назардан четда қолиб кетади. Худди шу сабабли ҳам капитал дунёсидаги

шаҳарларда миллионерларнинг муҳташам кўшклари билан бир қаторда, улардан сал нарироқда камбағалларнинг ярим вайрон кулбалари туради. Ишсизликнинг ортиб бориши туфайли уйлар бўшай бошлайди. Сабаби, ижара ҳақи тўлай олмаганлар кўчага итқитилади. Ижара ҳақи эса у ерда жуда қиммат, маошнинг деярли ярмига тенг келади. Бизнинг мамлакатимизда эса ижара ҳақи маошнинг тўрт фоизини ташкил этади, холос.

ЮНЕСКОнинг «Курьер» журнали берган маълумотга қараганда, Осие, Лотин Америкаси ва Африка қитъаларидаги йирик шаҳарлар аҳолисининг энг камида учдан бир қисми вайрон, ташландиқ кулбаларда сувсиз, канализациясиз, электрсиз яшайдилар.

Ана шуларни ўйлар эканман, Тошкентнинг 1966 йил зилзиласидан кейин, чароғон шаҳарга айланганини, бундаги қардош халқларнинг ёрдамини гапиргим келади. Ана шу қардошларча ёрдамни назарда тутиб, биз учун оғир дамларда ҳолимиздан хабар олган Леонид Ильич Брежнев шундай деган эди: «Биз ўйлаймизки, ана шу ёрдам, ҳукуматнинг ёрдами — тураржой биноларини тиклашдагина эмас, шаҳар қиёфасини бутунлай ўзгартиришда ҳам энг асосий омил бўлиб қолади. Образли қилиб гапирганда бу — илгаригидан анча гўзал, анча мустаҳкам, ҳеч қандай зилзилалар таҳдид сололмайдиган янги Тошкент бўлади... Биз Тошкентни, унинг янги жамолини, келажак шаҳар учун ўрناق бўладиган аҳволда кўриш ниятидамиз».

Бугунги кунда Леонид Ильич Брежневнинг кароматли сўзлари ҳақиқатга айланди. Лойиҳа ва макетлардаги ўзига хос бино ансамбллари шаҳар кўчаларига кўчдилар, янги тураржой бинолари ва массивлари қад кўтарди. Бунёдкорлик ишлари аввалги шиддат билан давом этмоқда.



Маълумки, Совет Иттифоқида шаҳарларнинг юбилейини ўтказиш анъанага айланиб, у шаҳар қайси халқники бўлмасин, бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланади. Ереван, Самарқанд шаҳарларининг яқинда бўлиб ўтган юбилейлари ҳамманинг ёдида бўлса керак. Энди эса, Киев шаҳрининг 1500 йиллиги, Тошкентимизнинг 2000 йиллиги ҳам партия ва ҳукуматимизнинг қарорига биноан кенг нишонланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовнинг шахсан ўзлари Тошкент шаҳрининг иқтисодий тараққиёти, илмий потенциали, қурилиш ишларининг жараёнини оширишга, ободончиликка, аҳолининг моддий ва маиший аҳволи яхшилашига доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар.

Республикамиз пойтахти меҳнаткашлари бу ғамхўрликларга жавобан фидокорона меҳнатлари билан Тошкентни коммунистик меҳнат шаҳарига айлантириш учун ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқдалар. Бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман: Тошкент юбилейига тайёргарлик ўн биринчи беш йилликка мўлжалланган бунёдкорлик ишлари доирасида, СССР 60 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантаналарга қўшиб олиб борилади. Шу маънода, Тошкент меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларида белгилаб берилган ижтимоий ва иқтисодий программаларни бажаришга қатъий бел боғлаганлар.

Саноат корхоналари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йил планини муддатидан аввал бажардилар. Пландан ташқари 5,7 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 74,1 фоизи меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди. 20 мингдан зиёд ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари беш йилликнинг биринчи йил планини Улуғ Октябрнинг 64 йиллиги санасига битирган эдилар. Улар орасида КПСС XXVI съезди делегатлари Б. Жўраева, Н. Маннопов, Ю. Степаненколар; Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегатлари З. Г. Абдуллаева, Л. А. Вале-

това, Т. А. Самигов, М. Мўйдинов, Н. М. Железнова ва бошқалар бор эди.

Юбилейни Тошкент шаҳри ўзининг ишлабчиқариш индустриясини янада мустақкамлаган ҳолда кутиб олади.

Бу йил СССРнинг 60 йиллигига Тошкент трактор заводининг биринчи навбатини реконструкция қилиш ишлари тугалланади. Унда пўлат қуувчи биринчи комплекс ишга туширилиши мўлжалланмоқда. В. П. Чкалов номидаги авиация бирлашмаси, «Ўзбексельмаш» заводи, «Технолог» илмий саноат бирлашмаси, «Ташсельмаш», «Миконд», В. И. Ленин номидаги электрон ускуналар заводи, Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонтни заводларини кенг миқёсда реконструкция қилиш ишлари давом эттирилади. Абразив комбинатида юксак самарадорликка эга бўлган олмосли ускуналар тайёрлаш бошланади.

«Эталон» заводининг реконструкция қилиниши эса тугалланди.

Шаҳар қурувчилари ўз планларини шараф билан уддаламоқдалар.

XI беш йиллик вазифаларини бажаришда, Тошкент шаҳар партия ва ижроия комитетларининг меҳнаткашларнинг меҳнат ва сиёсий фаолигини ошириш йўлидаги ташкилий ва сиёсий фаолиятларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигини муносиб нишонлашга қаратилган тадбирлари катта роль ўйнади.

Шаҳар партия ва ижроия комитетлари, райком ва райижрокомлар, комсомол ва касаба союз ташкилотлари томонидан ҳамма меҳнат коллективларида Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик муносабати билан ташкилий ва сиёсий ишлар кенг авж олдирилди. Шаҳар ва районларнинг юбилейни ўтказиш ташкилий комитетлари тузилди.

Шаҳар ташкилий комитети йиғишларида ҳамма районларнинг, министрликларнинг ва тармоқ бирлашмаларининг юбилей тайёргарликлари муҳокама этилди. Ҳамма район ва министрликларда, тармоқ бирлашмаларида тузилган юбилей ташкилий комитетлари ҳам ўз навбатида ҳар бир коллективни (у ҳоҳ меҳнат коллективи бўлсин, хоҳ билим ўчоғи коллективи бўлсин), ҳар бир тошкентликни 2000 йилликка бағишланган фаолиятини йўналтириб, бошқариб турмоқдалар.

Тайёргарлик ишларига мувофиқ равишда Тошкент герби устидаги ишлар тугалланди. 2000 йилликка бағишланган эсдалик нишони, юбилей значокларига эълон қилинган конкурслар якунланди. Шунингдек, шаҳримиз юбилейига бағишланган ёдгорликка эълон қилинган конкурс натижалари ҳам ниҳоясига етди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва шахсан Ш. Р. Рашидовнинг топшириғига биноан Тошкентнинг 2000-йилгача бўлган ривожланиш бош лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу лойиҳа ўз ичига янги тураржой ва жамоат бинолари, метрополитен, саноат корхоналарини Тошкент об-ҳавосининг таъсирига қараб қайта жойлаштиришгача бўлган масалаларни ўз ичига олади.

КПСС XXVI съезди қарорларига биноан озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналаридаги ишлаб чиқариш жараёнлари янада янгиланади ва техник жиҳатдан қайта жиҳозланади. Халқ моддий фаровонлигининг даражасига бевосита алоқадор «Ўртоқ» фабрикаси, ЎзССР ва ЎзКомпартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик бирлашмаси, «Қизил тонг» фабрикалари сингари корхоналар биринчи навбатда юқори поғона қувватга эга бўладилар.

1981 йилда «Малика» тикувчилик бирлашмасида, Химфармзаводда янги йирик бўлимлар, Тўқимачилик комбинатида эса ип-бўёқ фабрикаси ишга туширилди.

Келажак йилларда Тошкентнинг қурилиш индустриясининг базаси анча бақувватлашади. 4-уй-жой қурилиши комбинати тўла қувват билан ишлай бошлайди. Бу эса уй қурилиш ҳажмининг тобора кўпайиб боришини таъминлайди. Тошкент юбилейгача шу беш йиллик ҳисобидан камида 3 млн. кв. метр уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилади.



Шунингдек, юбилейгача, яъни 1983 йилгача Тошкентнинг қайта бунёд этилишида ҳамма қардош республикаларнинг берган ёрдамларини тараннум этувчи «Халқлар дўстлиги» меъморий ёдгорлиги қуриб битказилади. Йўлдош Охунбобоев, Ҳамид Олимжон, Акмал Икромов, Космонавтлар номидаги майдонлар бутун атроф иморатлари билан ниҳоясига етказилади.

«Москва» меҳмонхонаси, телевизион минора, Бош почта, Кино уйи, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети уйи, Узгипросельхоз, Халқ хўжалиги, Автомобиль-йўллар институти бинолари ҳам қуриб битказилади.

Умуман олганда, юбилей объектлари қаторидан 18 йирик иморат ва шаҳар қурилишида катта роль ўйнайдиган иншоотлар, 17 монумент ва ҳайкаллар, соғлиқни сақлаш ва савдо, маиший хизмат кўрсатиш объектларини ўз ичига олади.

Бу юбилей объектларини битиришга Республика Давлат план комитети, Молия министрлиги қўшимча маблағлар ажратади. Шунингдек, республика областларининг ҳам ёрдам беришлари ташкил қилинмоқда.

Шаҳримиз меҳнаткашларини, унинг саноат корхоналарини энергия ва иссиқлик билан таъминлашни янада яхшилаш борасида ТошГРЭСнинг реконструкция қилиниши ва ундан иссиқлик олиб келувчи йўлларнинг қурилиши мўлжаллаб қўйилган.

Бу мўлжалланган режаларни амалга оширишда Ростов шаҳрининг меҳнаткашлари тажрибасидан фойдаланиб, фақатгина ремонт, қурилиш, маҳаллий Советларини ва фойдаланувчи ташкилотларни жалб қилиш билангина чекланиб қолмай, барча транспорт ва қурилиш ташкилотлари, маиший хизмат кўрсатиш маҳкамалари, илмий ташкилотлар ҳам жалб қилинган. Уларнинг ҳар бирига маълум объектлар бириктириб қўйилган. Айтиб ўтиш керакки, бу ташкилотларнинг аксарияти юбилей программасини амалга оширувчи тадбирларга сидқидилдан ёндашмоқдалар.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси Тошкентнинг Бош меъморий бошқарма ва бўлак лойиҳа институтлари томонидан ишлаб чиқилган 1990 йилгача бўлган қурилиш плани асосида олиб борилади. Бу план 1981 йилнинг ноябрь ойида СССР Давлат граждан қурилиши комитетининг кўчма эксперт комиссияси томонидан маъқулланган.

Шаҳримизнинг энг чиройли майдонларидан бири бўлиб қоладиган ана шу лойиҳадаги Ҳамид Олимжон майдони москвалик бунёдкорлар ёрдамида қурилади. Бу майдоннинг шимоли-шарқ ва жануби-ғарб томонларида остида тўла хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган кўп қаватли иморатлар ўрин олади. Йўловчилар учун ер ости йўлларни, майдоннинг иккинчи чиқиш жойи ва транспорт йўлининг чорраҳаларини ўз ичига олган қўшчорраҳа ниҳоясига етказилади. Ўзбекистон ССР ва ЎзКомпартияси 50 йиллиги кўчаси шу майдонга туташтирилади.

Охунбобоев номидаги майдон қиёфасини Бош универмаг, «Средазгипродхлопок», Кўкалдош мадрасаси, Сув хўжалиги министрлигининг тураржой биноси, «Москва» меҳмонхонаси белгилайди. Буларни эса, бўлажак янги Чорсу маҳалласи, усти ёпиқ бозорнинг гумбазлари ҳамда этнографик музей тўлдириб, чирой бериб туради. «Москва» меҳмонхонасининг олдида республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоевнинг ҳайкали ўрнатилади.

Чорсу ва Жангоб ариқларининг таъмирланиши билан эса, майдондаги транспорт йўлининг қўшчорраҳаси ниҳоясига етказилади.

Шаҳримизнинг эски Туркман бозори ўрни ва унинг атрофларида Космонавтлар майдони ҳусн бериб туради. Бу майдон 16 қаватли тураржой биноси, маъмурий ташкилотларнинг иморатлари, Пойафзал биноси, В. И. Ленин проспектидаги бўлажак Билимлар уйи бинолари билан қуршалиши мўлжалланган. Майдоннинг комплексига Космонавтлар кўчасини Привокзальная кўчасигача, В. И. Ленин проспектини Са-

пёрлар майдонигача очиш, Сапёрная кўчасини кенгайтириш, метро йўллари ва ер ости йўллари ўтказиш ҳамда икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Жонибеков бюстини ўрнатиш киради.

Максим Горький майдони ҳам ўзининг тугал қиёфасига эга бўлади. Бунинг учун Комсомол қирқ йиллиги кўчасига янги тўққиз қаватли тураржой биноси қурилиши керак. Шу мақсадда республика озиқ-овқат саноати министрлигига консерва заводини бошқа жойга кўчириш маслаҳат берилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг шаҳарнинг шаклланиб бўлган қисмида қурилиш ва реконструкция қилиш ҳақидаги кўрсатмасини амалга ошира бориб, Бош ободонлаштириш бошқармаси ҳамда унинг бўлимлари янги йирик кўчаларни очишга киришдилар. Бу кўчалар транспорт масаласини ҳал этиш билан бирга улардан келажак қурилишларни таъминловчи барча коммуникациялар ўтади.

Халқлар дўстлиги майдонидан Маннон Уйғур кўчасигача олти метр кенгликдаги Янги Ўзбекистон проспекти, Охунбобоев майдонидан Янги Ўзбекистон проспектигача тўрт қаторли ҳаракатни таъминлайдиган Самарқанд дарвоза кўчаси очила бошланади. Уйғур ва Аҳмад Дониш кўчаларида ҳам талай ишлар қилинади.

Тошкентнинг қадимий жойлари бузилиши билан у ердаги одамларни кўчириш масаласи ҳам диққатга лойиқ масаладир. Маълумки, маҳаллалар тузилиши кўҳна замонларга бориб тақалади. Улар илгари асосан касабаларнинг турмуш тарзи бирлигига асосланган. Эгарчи маҳалла, Уқчи маҳалла деган номларнинг ўзи ҳам шундан далолат беради. Албатта, бу деган гап ҳамма маҳаллалар ҳам шу тарзда тузилган деган маънони билдирмайди. Энг муҳими, маҳалла тирик вужуддек гап. Бирон ҳовлида бирон маърака бўлса, бутун маҳалла бир тан-бир жон бўлиб чиқади. Ҳар бирининг мактаби, мачити, чойхонаси бўлган.

Совет ҳукумати тузилаётган йилларида маҳаллаларнинг ана шундай бирлиги инқилобий тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда қўл келганлигини айтиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, бундай маҳаллаларда ҳамма бир-бирини яхши билгани учун тартиббузарлик ва жиноятчилик ишлари ҳам бошқа жойларга нисбатан жуда кам содир бўлади.

Ана шуларни назарда тутиб, ҳамда меҳнаткашларнинг талаби билан янги жойларга кўчирилаётганда бутун-бутун маҳаллалар аҳолиси бир жойга кўчириш мақсадга мувофиқ деб топилди...

Маълумки, Тошкент ҳақондаги катта шаҳарлар сирасига киради. Катта шаҳарларда эса транспорт ҳаракати уларнинг нормал ҳаётини таъминловчи масалалардандир. Шу маънода юбилейгача кўприк қурувчилари олдига қатор вазифалар қўйилган. Фурқат — Навоий — Аҳмад Дониш — Ҳамза кўчаларининг чорраҳасида янги қўшчорраҳа бунёд этиш вазифаси қўйилган. Бу билан Ҳадрадаги транспорт ҳаракати учун анча енгиллик туғдирилади. Яна шундай, транспорт ва умуман ҳаракатни енгиллатиш мақсадида Охунбобоев майдонида — ГУМ (бош универсал магазин) олдида, Пушкин кўчасида — Ҳамид Олимжон майдонида, Олой бозорнинг олдида — Энгельс кўчасида ер ости йўллари Тошкент юбилейгача қуриб битказилади.

Умуман олганда, юқоридагиларга қўшимча равишда, юбилейга катта ва кичик 47 объект битказилади, жами 90 млн. сўмдан ортиқ ободончилик ишлари бажарилади.

Бош архитектура бошқармаси томонидан 200 таъмир объекти белгиланган. Уларнинг ҳар бири учун аниқ ҳужжатлар тайёрланган. Ҳар бир объект ўзига хос кўринишга эга бўлиши таъминланади. Бу ишлар Архитекторлар ва Рассомлар союзи билан яқин алоқада туриб бажарилди. Шунинг учун ҳар бир объектнинг ранги, олд томони қандайлиги, балконларнинг кўриниши — ҳаммаси аниқланган ва уларнинг айримлари устидаги иш ниҳоясига ҳам етказилган.

Эски йўллари таъмирлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Биз 3 миллион квадрат метр йўлни капитал ремонтдан чиқаришни

мўлжаллаган бўлсак, шундан учдан бир қисмини бажариб қўйдик. Бундан ташқари, корхоналар ва ташкилотларнинг ресурсларини жалб қилган ҳолда 280 минг квадрат метр йўлни таъминлаш назарда тутилган бўлса, шундан 266 минг квадрат метри 1981 йилда қўлдан чиқарилди.

Маълумки, Тошкентимиз ўзининг «яшил либоси» билан ҳам гўзалдир. Юбилей йилигача унинг яшиллиги янада ортади. Шу мақсадда 1983 йилнинг сентябригача маҳаллий советлар ва корхоналарнинг кучи билан бирга 3,9 миллион дона кўчат ўтқазилади. Шу ниятда ҳамда шаҳар озодалигини сақлаш мақсадида 600 километр ариқлар таъмирланади. 12 минг ёритиш нуқтаси қўшимча равишда қўйилишини, 458 километр йўлдаги чироқлар ремонтдан чиқарилишини қўшсак, тунгги Тошкент кўчаларининг ойдинлиги, мафтункорлиги ортишини тасаввур этса бўлади.

Юбилей тантаналаригача Тошкентда жами харажати 19,8 миллион сўмни ташкил этувчи янги 14 ҳайкал ва ёдгорлик ўрнатилади. Н. В. Гоголь, Акмал Икромов ҳайкаллари, «Хўжа Насриддин эл қадрдони» композицияси, «Халқлар дўстлиги», «Шарқнинг озод аёли» ёдгорликлари қурилиш жараёнидадир. Шулар сирасидаги Зокиржон Холмухаммад ўғли Фурқат ҳайкали эса 1982 йилнинг арафасида қуриб битказилди. Кўчалар ва майдонларнинг бадий-сиёсий жиҳатдан жиҳозлаш режалари ҳам ишлаб чиқилган. Бунинг учун жами олтмишта бадий-сиёсий панно тайёрлаш мўлжалланганди, 1981 йилда шулардан ўнтаси жойига қўйилди.

Аҳолининг тураржой биноларини, болалар спорт майдончаларини ремонт қилиш ишлари ҳам қизғин тус олган. Бу борада 57 микрорайонни ва 57 тураржой эксплуатация идораларини намунали қилиб тайёрламоқчимиз. Шунга айтиб ўтиш керакки, тураржой биноларини, уларнинг ҳовлиларини, атрофларини озода тутишда «Намунали ва юксак маданиятли уй» деган ном учун курашишга аҳоли кенг жалб этилиши керак. Балконларнинг эстетик жиҳатдан талабга мувофиқ сақланиши, ҳовлиларнинг озодалиги, экилган кўчатларнинг тутиб кетиши одамларга боғлиқ.

Тошкент ХХI аср бўсағасида турибди. Шу бўсағада Тошкент аҳолиси уч миллионга етиши мумкин. Унинг келажак авлод олдида қай тарзда туриши ҳар биримизга боғлиқ.

Маҳаллий советлар томонидан шу жабҳада олиб борилаётган тарбиявий ишлар туфайли 1981 йилда 400 уй «намунали» деган номга мушарраф бўлди. Бундай уйлар қанча кўп бўлса, атроф муҳитимиз шунча гўзаллашади.

Тошкентнинг юбилейини санъат асарларида авлодлар учун сақлаб қолиш, бугунги ҳаётимизни, шарафли меҳнатимизни тараннум этиш борасида ҳам талай ишлар қилинди ва қилинмоқда.

Рассомларимиз, санъат арбобларимиз томонидан меҳнат қаҳрамонлари, новаторлари, шаҳримизнинг энг яхши одамлари ҳақида асарлар яратилмоқда. 1966 ва 1980 йилда Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатишда СССР халқларининг кўрсатган ёрдамларини ҳамда юбилей тайёргарликлари ва унинг ўтишини акс эттирувчи тўлиқ метражли «Биз Тошкентданмиз» деган фильм яратиш мўлжалланмоқда. 12 босма қоғозли «Тошкент — 2000 ёшда» деган илмий-оммабоп альбом-очерк ҳам тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг кутубхонаси 1982 йилнинг биринчи ярмида Тошкент тарихини ёритувчи эски китоб ва қўлёзмалар кўرғазмасини тайёрлаши керак. Худди шунингдек, Академиянинг тарих институти ЎзССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўрғазмасида Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган экспозиция очишда иштирок этади.

1983 йилда 2000 йилликка бағишланган Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси ҳамда тематик лекциялар ўтказилиши мўлжалланмоқда.

1982, 1983 йилларда «Ўзбекистон» нашриётида «Тошкент» деб ном-

ланган ўзбек ва рус тилларида фотоальбом, фотоплакатлар, «В. И. Ленин майдони бўйлаб» деган китобни чиқаришни режалаштириб қўйган.

Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1983 йилнинг биринчи ярмида Тошкентга бағишланган «Яшна, Тошкент» деган шеърӣ тўпламни, Л. Маньковскаянинг «Тошкентнинг ўрта асрлардаги меъморӣ обидалари», Ф. Турсуновнинг «Тошкент марказининг меъморчилиги» деган китобларини чиқариши керак.

Жуда ҳам ноёб бўлиб қолувчи Тошкентнинг қомусий луғати устида иш олиб борилмоқда. Бу луғат 80 босма табоқ ҳажмида бўлиши кўзда тутилади. Унда чоп этилиши лозим бўлган 2500 мақоладан 1200 таси ҳозир нашриётга тушган.

Шаҳримиз юбилейи моҳият эътибори билан халқаро аҳамият касб этиши ҳам керак. Шунинг учун унинг ўтмиш ва келажagini акс эттирувчи мақолалар, материаллар чет мамлакатларнинг матбуот органларида ҳам босилипти. Қўлимизга келиб тушган мана шундай материаллар ҳозир ўндан ошиб кетди. Ҳиндистоннинг «Совет ледд» ва «Юсреть» журналлари, Руминиянинг «Аврора» журналлари ва яна бошқалар шулар жумласидандир.

Эски Тошкентнинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетиши, албатта, табиий ҳол. Лекин ўтмишнинг, ота-боболаримиз турмуш тарзининг ҳам ўрнатқан бўладиган, ҳам тараққиётимиз даражасини кўрсатиб туриш учун эски шаҳарнинг маълум қисми сақланиб туриши лозим. Шу мақсадда Кўкалдош мадрасаси, унинг ёнидаги Жомеъ мачити ҳамда Тоштрам парки ўрталарида очиқ этнографик музей ташкил этилади. Бу ердаги эски уйлар ўз ҳолига келтирилиб, консервация қилинади. У ерда миллий безак, кийим-кечак тикиладиган устахоналар очилиши мўлжалланмоқда.

Тошкентнинг кўҳна тарихини ҳам сақлаб қолиш, уни меҳмонларга кўрсатиш ниятимиз бор. Шу мақсадда юқорида айтиб ўтилган Тошкент ичидаги кўҳна (V—VIII асрларга тааллуқли) Оқтепа шаҳарчаси бутунисича туризм ва томоша объектига айлантирилади.

Тошкент юбилейига, Тошкент келажагига қўп ишлар қилиняпти. Яна бир қарра таъкидламоқчиманки, қилинаётган ишларнинг, ташаббусларнинг барчасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, шахсан Шароф Рашидович Рашидовнинг доимо ғамхўрлигини ҳис этиб турибмиз. Бу эса бизни янгидан-янги ниятларга рағбатлантирмоқда.



В. Архангельский

# Юракдек бейиниш

Буюк Ленин ҳаёти, ишлари  
ва номи билан боғлиқ  
ҳамма нарса муқаддас.

Л. БРЕЖНЕВ.

## 1

**И**ўқ, учрашувни хаёлимга ҳам келтирмагандим. Балатонда дам олардим. Соҳилда яланғоч баданлар ағанайвериб текислаб ташлаган бир тўп нимжонгина яшил ўт устида узала тушиб, узун ёздан кейин чарчаган елкаларимни октябрь қуёшига тоблаб, ним лойқа илиқ сувни шапиллатиб ётардим. Курорт ҳаётини ташкил этадиган ҳамма нарсадан — таниш-билиш орттириш, кўнгил очиш, маишат, экскурсиялардан ўзимни олиб қочаман. Ҳатто гапиргим ҳам келмайди. Вужудимни қаттиқ тутиб, қуруқ ғувиллаб турувчи ички торлар худди Останкинодаги телеминора қувуридаги сим арқонлар сингари бўша-ша бошлади, бошимнинг ғувиллаши босилиб қолди.

Ана шундай пайтда, бирданига будапештлик ошнам келиб қолса бўладими. Йўл жуда яхши, пойтахтдан салкам икки соатларда етиб келиш мумкин. Меҳмон-

нинг кўкрагидан итариб бўлмайди-ку, ахир. Уша куни оқшомдаёқ ошнам ва унинг хотини билан қаҳвахонага — барга кирдик. Муסיқа тингладим, оппоқ, нозик-ниҳолгина ашулачи аёлни, рақсга тушаётганларни томоша қилдим. Лекин кўп ўтмай сим арқонлар таранглашаётганини сезиб қолдим, қулоғим шанғиллай бошлади. Қулай фурсатни топиб, бардан қочиб чиқдим. Бу гуноҳимни ювиш учун эртаси куни, ошнам мақтаган, бутун Европага машхур кўл атрофини бирглашиб сайр қилишга розилик бердим.

Дастем билан биз бир йилда туғилганмиз, бирга ўқидик, бир вақтда уйландик, ўзимизнинг ёш хотинларимизни қаттиқ севдик, уларга арзимаган ўйинчоқлар совға қилдик, тузукроғига ҳаменимиз касаллик қилди. Оламнинг аҳолиси фаришталардан иборатдек туюлар ва бизлар ўзимизни бахтиёр ҳис қилардик. Унда ҳам, менда ҳам на ўз бошпанамиз, на ҳовли-жойимиз бор эди. Энди Дастем элчи. Венгрияда иккинчи муддатга қолдирилган, мамлакатни яхши кўради. Аввалгидай романтик ва табиатан камгап. Курортчи учун ана шуниси айни муддао эди.

«Форд»ми, «Пежо»ми ё «Ситроен»ми — чаққон ва абжир қўнғиз нусха паканагина кулранг машинага тўрт киши ўтириб, жўнаб кетдик. У жойларнинг гўзаллиги чиндан ҳам ақлни шошириб қўяди. Ажиб манзаралар бир-биридан жозибалироқ, аниқроқ қилиб айтганда, қадимги расомларнинг қўлидан чиққандай. Йўлда давом этасан, шундоққина кўл қирғоғи усти бўйлаб кетган илон изи текис йўлнинг навбатдаги қайилишида ўрмонзор намоён бўлади, унда ғор, ғорда эса қўллариди асо, инжилхон улугвор мўйсафидлар илоҳий гўдак устида энгашиб туришибди. Қуёш майин, беозор эркалайди. Ҳаво қилт этмайди, яскиқ, акация, сув, қамиш исини уфуради. Ер сатҳига сийрак тутун тўшалган — чорбоғчилар ҳазон ёқишган. Ҳузур, ҳаловат ҳукмрон.

Уша куни Дастем мени Руста кўчасига боришга кўндирди. Уйга учиб кетиш олдидан Будапештдаги машхур разведкачи билан кўришиш, гаплашиш, дардлашиш — бунақа оддий инсоний хоҳишни Сент-Экзюперининг ўзи ҳам табриклаган бўлур эди. Мен розилик бердим-у, мана энди Балатонда кечирган қисқа ҳаётимда барча ҳодисалар элчи билан тиқилинч пойтахт магистралидан четга бурилиб, қўнғиз нусха машинада пастга қараб тик кетган, тинч, тор, тилларанг хазон тўшалган кўчадан эҳтиёт билан тушиб бораётганимизда, хаёлимдан кўтарилиб кетди.

Ёзиш ниятим йўқ эди. Уз қадрини биладиган қанақа газетчи — мен бўлсам, товба қилдим, ўшаларнинг биттасиман — тирик афсонани ҳикоя қилиб беришга журъат этади. Ном дунёнинг ярмисига таниш одам бўлса тагин у. Унинг ҳаёти ва жасорати ҳақида бутун бир адабиёт яратилган ва у кун сайин тўлдирилмоқда. У ҳақда бадиий фильмлар қўйилган, уни миллионлаб кишилар кўрган. Унинг ўзи ёзган китобча босилиб чиқиши билан машхур бўлиб кетди ва йигирма уч тилда, жумладан рус тилида чоп этилди. Йўқ, инсон оёғи етган сўқмоқлар фақат сирдангина тўғри, текис бўлиб кўринадилар, улардан тойиб кетиш ҳеч гап эмас. Биқини эзилишдан, пешонаси ғурра бўлишдан қўрқмаган одамгина саёҳатга жўнаб кетатуриб, газета очерки эса, нотаниш йўлдан юришнинг худди ўзгинасидир, тоғ қиямаликлари ва инсон зоти кирмаган ўрмон чангалзорини афзал кўради. Соғлигига ҳам фойдали, ҳам олам жилвали кўринади... Бу орада биз оддийгина кўкиш иморатнинг 9 рақамли эшигига етиб келдик — афсона шу ерда турарди. Мен қисиниб-қимтиниб, қўнғироқ тугмачасини босдим.

Ҳаммаёқ саранжом-сариштадек таассурот қолдирарди. Уй эгасининг гирдикапалақ бўлишидан таъсирланиб кетдик. У бизларни яхшироқ жойга ўтказмоқчи бўлиб зир югурар, лекин бу иши энг яқиндан туриб қараганда, анча қийинчилик билан бўлаётгани кўриниб турарди.

Уйдаги ўтириш мумкин бўлган барча нарса — стуллар, креслолар, диванлар ва улардан баланд — столлар, шкафлар, этажеркалар, ҳар хил токчалар, телевизор, рояль — ҳаммасига китоб тахлаб ташланган, газеталар, папкалар, хариталар, қўлёзмалар қалашиб ётарди. Улар орасида ёзув машинкаси ҳам бор.

Афсонанинг номини айтиш вақти етди. У — Шандор Радо. Ҳа, ҳа, худди ўша «Швейцариялик». Иккинчи жаҳон урушидан анча илгари бу бетараф мамлакат қаламровидан эфирга морзеда нозиккина «Пи, пи, пи, пи» деган овоз қимтинибгина чиқиб турганини ким билмайди. Мўртгина, ҳуркаккина. Чертилиб чиқиб, шимоли-шарққа йўналарди. Бироқ вақти келиб у ўзини тутиб олди, дадиллашди. Битта радиоузаткичга иккинчиси қўшилди, кейин учинчиси ва тўртинчиси чиқди. Қлара билан Алоис Гидлерларнинг ўғли австрия армиясининг собиқ гефрейтори (унтер-офицери), у армиядан қочган, ўртоқларига, ичган қасамига энг ифлос итдан баттар хиёнат қилган, урушдан кейин эса, почта откриткаси бўёвчиси бўлган, Исо туғилгандан буён ҳеч қандай она бунақасини туғмаган, бориб турган муртад (башарият уни онаси қурсоғидалигидаёқ бўғиб ташламагани учун ҳеч қачон ўзини кечирмайди), Германия фюрери деган иблисона мартабани қабул қилган, халқларнинг қонини тўкиб, ўлдириб, қириб, ўз галасини Совет Иттифоқи томон олиб келган пайтда эса, унинг йўлига қўлга тушмас Дора даҳшатли тўсиқ бўлди. Энди якка-ёлғиз, «пи, пи, пи» билан эмас, Швейцариядан Марказга маҳфий разведка маълумоти гиммлерчи жаллодларга даҳшат солиб қудратли оқим бўлиб келарди.

Учрашувга бораётиб, мен уни тасаввур қилишга уриндим, у қанақа зот экан. Машҳур шахслардан Зорге, Лауренс, Абел, Филбаларнинг қиёфаларидан, яна киноадабиёт қаҳрамонлари — Холмс, Мегрэ, Штирлицлардан оз-оздан олиб, унинг образи хомқолипини фикран чиздим. Уларнинг тақдирларини Радога қиёсладим, улар тушган вазиятларга қўйиб кўрдим. (Энди бу осон. Бизлардан ҳар биримиз ҳам разведкачи, ҳам изқувар, ҳам терговчи — детектив адабиёт томонидан биз шундай жосушлаштириб қўйилганмиз). Уларни афсонавий жасорат кўрсатишга мажбур қилдим, мисли кўрилмаган характер белгилари билан безадим. Аллақандай сунъий-синтетик, сохта бир нарса ҳосил бўлди.

Орзу қилиб юрган уйнинг остонасидан ичкарига киришим билан бунга амин бўлдим. Хаёлан қурган иморатим босиб тушди. Радо ўзидан бўлак ҳеч кимга ўхшамас экан. Ҳеч нарсаи билан, даставвал ўзига бутун бир авлодга кифоя қиладиган шундай қудратли ҳаёт қатламини жо этган ўзининг ажойиб, бетакрор тақдири билан ўхшамас экан.

У Габсбурглар империясида туғилиб, катта бўлди, унинг равнақи ва қудратини ўз кўзи билан кўрди, ундан кейин эса баҳайбат қуроқ давлатнинг миллий ва синфий зиддиятлари билан дабдаласи чиққан ўнгалмас таназзулини кузатди; окопларда лой кечди, битларга таланди, биринчи жаҳон урушининг бемаънилиги, халқлар манфаатига душманлигига муқаррар суратда ишонч ҳосил қилиш учун ўша уруш қозонидан сасиган от гўштини еди; Русларнинг Октябри кунлари қисмида қизил байроқ кўтарди ва бунинг учун 17 ёшида умрида биринчи бор қамоққа олинди; Венгрия Совет Республикасининг туғилишига шоҳид бўлди, ва унинг баррикадаларида қўлига қурол олиб жанг қилди, республика енгилгандан кейин эса, Австрияга қувилди, ундан кейин Бавария ва Германия революцион отрядларида бўлди; азоб-уқубатлар кечди, узилиш билан ўқишни бошлади ва ташлаб юборди, яна қўлга қурол олиш учун ёки таъқиб ва кўпроқ дордан ҳадик олиб, Европа бўйлаб навбатдаги сафарга чиқди, тирикчиликнинг янги йўлларини излади, чет эл табаалигининг бирини тўқиб чиқариб, бошқасини қабул қилди, у ерда бир кун туришга ҳам рағбати бўлмаса-да, узоқ йиллар қолиб кетди; юзлаб тўсиқлардан беғоналарнинг паспорти ва фамилиялари — улар қанчадан-қанча эди! — билан революцион Россияга ўтиб келди, планета устидан эсган энг буюк ижтимоий бўроннинг қоқ марказига тушиб қолди; коммунистларнинг бутун жаҳон из-

диҳами — Коминтерн конгрессида қатнашди, яна ғарбга борди, яна кураш тўлқинида иштирок этди, турли-туман агентликлар, фирмалар, бюрлар ташкил этди, салкам барча европа мамлакатлари, шу жумладан Испания республикаси учун харита ва атласлар тайёрлади, мўътадил ватанини, хотин-бола-чақаларини қаттиқ соғинганда уларнинг ҳаётлари, соғ-саломатликлари ташвишини тортди,— бир сўз билан айтганда, ўзининг эзгу ниятини амалга ошириш учун унга яқин туриш, яхши кўрган ҳунарига ўзини бағишлаш, унинг юлдузлари орасида ўз номини қарор топтириш, ҳаётида энг асосий нарсани амалга ошириш ва тақдирида кутилмаган бурилиш яшаш, айни чоқда онгли суратда, мутлақо ўз ихтиёри ва хоҳиши билан разведкачи бўлиш ниятини юзага чиқаришдек орзу билан яшади.

Ўттизинчи йилларнинг ўрталарида, материк марказидан оғзидан ўт пурковчи юз бошли фашист аждари қад кўтараётганида, башарият бошида қандай хавф пайдо бўлганини Радо тушунди. У кўзга кўринмай туриб душманни қақшатадиган жуда катта кучга эга қуролни танлади. У бу қурол ҳақида ҳали яқин ўрталаргача тасаввурга ҳам эга эмасди.

Разведкачи Радо шундай бошланганди.



Шундай қилиб 1935 йил октябрида Москвага келиб, биринчи галда «Қатта Совет Атласи» редакциясига йўл олдим.

Ҳамишагидек, мени редакция ходимлари, географлар билан картографлар меҳмондўстлик билан дўстона кутиб олишди.

Уларнинг аксарияти ёшлар эди. Мен шунингдек Қатта Совет Қомуси география бўлими (биринчи нашри) билан мустаҳкам алоқада бўлган йирик совет олими Николай Николаевич Баранский билан ҳам кўришишга муяссар бўлдим. Унинг топшириғи билан ўз вақтида бир неча мақола ёзгандим. Бу сафар ҳам «Қомус» учун бир қатор илмий ишлар қилишимга тўғри келарди.

Москвада мен ўзимнинг венгер ҳамда немис дўстларимдан кўпларини бориб кўрдим. Улар билан Инпресснинг (Радо томонидан Парижда барпо этилган агентлик — В. А.) тарқатиб юборилиши хусусида маслаҳатлашиб олиш керак эди. Бироқ ҳодисалар мутлақо мен учун янги, кутмаган томонга қараб оғиб кетди.

Бир куни меҳмонхонада ўтирган эдим, битта венгер ошнам қўнғироқ қилди, кейин эса меҳмонхонага келди — мен уни журналист сифатида билардим. Суҳбатда англашилдики, Инпресснинг аҳволи танглиги бу ўртоққа маълум; унга ўтган куни бошимизга тушган мушкулотни айтган менинг москвалик венгер ошналарим гапириб берган эканлар. Меҳмоним мен билан Қизил Армия Бош Штабининг баъзи ходимлари қизиқишаётганини хабар қилганида, мен жуда ҳам ҳайрон бўлдим. Кейин билсам, мен ва менинг ишларим ҳақида у улар билан гаплашган экан. Унинг гапларига қараганда, Бош штабдаги ўртоқлар, агар мен Инпрессдаги ишимни қўйиб, бошқа соҳага ўтсам, фашизмга қарши кураш ишига янада жиддийроқ фойда келтиришим мумкинлиги ҳақида битта фикрда эканлар; агар мен рози бўлсам, меҳмоним мени Бош штабдагиларнинг баъзиларига кўрсатмоқчи экан. Бу суҳбатдан гап разведка ишлари устида бораётганини фаҳмлаб қолдим.

Мен, албатта, бундай фаолият ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасдим. Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси Бош штабида танишларим йўқ эди.



Хатто бундан бир йил муқаддам «Катта Совет Қомуси» редакцияси чақириғи билан Москвага келганимда ва «Прага» ресторанида ўзимнинг берлинлик танишим Рихард Зоргени кўққисдан учратиб қолганимда, совет ҳарбий разведкасининг ходимларидан бири билан суҳбатлашаётганимни хаёлимга ҳам келтирмагандим. Дарвоқе, бу менинг Зорге билан сўнги учрашувим эди. Фақат бир неча йилдан кейингина унинг жасорати ҳақида эшитиб билдим.

Танишимнинг таклифи шунчалик дабдурустдан бўлдики, табиий, дафъатан жавоб қила олмадим. Менинг олдимда бир қатор чигал масалалар турарди. Бундан ташқари, мен разведкачиликка ярашимга ишонмасдим.

— Барча масалаларни сиз Бош штабдаги ўртоқлар билан учрашганингизда ҳал қиласиз,— деди меҳмон, гапларимни эътибор билан эшитиб бўлгач.— Энг асосийси — сизнинг принцип бўйича розилик беришингизда.

Ўйлаб кўришга ваъда бериб, суҳбатдошим билан хайрлашдим.

Яширмайман, совет разведкаси билан ҳамкорлик қилишга таклиф этиб, менга юксак ишонч билдиришаётганини ўйлаганимда, вужудимни аллақандай ёқимли туйғу силаб ўтгандек бўлди. Буни мен катта ишонч сифатида баҳолаган эдим. Биз, революционер-интернационалистлардан ҳар биримиз, жаҳонда биринчи социализм мамлакатига сўзимиз, ишимиз билан кўмаклашишни, унинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга ёрдам беришни, илмий коммунизм ғояларини оммага етказишни бурчимиз деб билардик.

...Меҳмонхонада гаплашганим венгер журналисти мени Москвадаги қайсидир квартирага бошлаб борди. Мен у ерда Ишчи Деҳқон Қизил Армияси разведка бошқармасининг раҳбар ходимларидан бири Артур Христианович Артузов билан танишдим. У, мен билан бошқарма бошлиғи, тажрибали подполчи, революцияга қадар ҳам большевик бўлган Семен Урицкий учрашмоқчи эканлигини хабар қилди....

Урицкий билан биз худди ўша квартирада учрашдик. Хонага қадқомати тарангдан келган кенг юзли навқирон ҳарбий киши кириб келди. Унинг гимнастержасида иккита Қизил Байроқ ордени ярқираб турарди.

Семен Петрович ўзимнинг илмий ишларим бўйича Москвада узоқ бўлиш-бўлмаслигим, қандай жойлашганлигим ҳақида сўраб олгач, гапнинг индаллосига кўчди. У танишишга вақт сарф қилмади: мен ҳақимда, шубҳасиз, тўла маълумотга эга эди.

— Менинг эшитишимга қараганда,— деди столга ўтираётиб Урицкий,— агентликларингнинг иши пачава бўлибдими?

— Ҳа, ҳозир ишлар жуда мушкул. Агарда Европада уруш бошлангудек бўлса, афтидан, Инпрессни бутунлай ёпиб қўйишса керак. Мен агентлигимизнинг аҳволи тўғрисида батафсил гапириб бердим.

Урицкий иккита бармоғи билан мўйловчасини силаб ва ўзининг ўтқир кўзлари билан менга қараганича ўй суриб қолганди. Унинг дадил чимирилган қошлари қаншари устидаги терисини буриштириб, бир-бири билан тутатиб кетди.

— Яхши, — деди у, ўзининг қандайдир фикрларини жамлаб.— Менга сизнинг бизларга ёрдам бермоқчилигингизни хабар қилишди. Лекин сиз учун, афтидан, брдақа мамлакатни танлаш керак бўлар. Башарти уруш юз бергудек бўлса, биз сизнинг қаерда ўрнашиб олишингиз мумкинлигини ўйлаб кўрмоғимиз лозим бўлади.

Урицкий ўрнидан турди, папирос чекди, хонада у ёқдан бу ёққа бориб кела бошлади.

— Мен бизнинг ишимизнинг мақсади ҳамда вазифаларини сиз аниқ тасаввур этишингизни истайман. Биз яширин ишда сизнинг янги эмаслигингизни биламиз, шунинг учун ҳам сизни таклиф этдик. Лекин яхши конспирация — ҳали совет разведкачиси учун бу ҳаммаси эмас. Мураккаб ва алдоқчи сиёсий вазиятга тезда тўғри баҳо бера билиш керак. Умуман разведка — сиёсий иш. Биз, даставвал, айти пайтда эҳти-

молдаги ҳарбий рақибимизни аниқ билиб олишимиз, шундан кейингина аппаратимизни унга қарши ишга солишимиз лозим.

Урицкий яна столга ўтирди, ҳафсала билан папирোসини ўчирди.

— Хўш дегандан билсак — бу нарсаларга умуман назар солиш учун, — деди у. — Энди эса келинг, қаерга кўчиб ўтишингизни ҳал қилиб олайлик. Сиз, менга маълум бўлишича, бир неча европа тилларини биласиз... Хўш, ўзингиз қаерга, ким сифатида жўнаб кетишни хоҳлардингиз?

— Менинг назаримда, — дея жавоб қилди у, — энг яхшиси, хусусий илмий-картография агентлиги очиш. Бельгия ёки Швейцарияда ўрнашиб олиш мумкин».

(Ш. Радонинг «Дора тахаллуси остида» чиққан китобидан).



Яқинда Русту кўчасида юбилей бўлиши лозим. Радо 80 ёшга тўлади. Жуда муборак ёш, бу ёшга кирганлар одатда олам ташвишларининг сергалвалигига эпикурона вазминлик ҳамда фалсафий тарки дунёчилик билан қарайдилар, қарилик чоқларида ўз ҳузур-ҳаловатларини ва ўзгаларнинг ишига аралашмасликни афзал кўриб, ишдан четга чиқадилар. Радо бунақа эмас. Кекса, лекин бутунлай чол эмас, ҳали тетик, ҳаракатчан. Бўйи ўртача, бирмунча тўладан келган, бўйни калта, калладор, бошининг катта қисмидаги тепакали ялтирайди. Гўё кимдир бошини қиртишлагану, қолган-қутган сочларини энсасига суриб қўйган, оппоқ сочларининг қолдиғи тўғри, узун кокил бўлиб костюми ёқасига тушиб туради.

Юзи катта, сал кўпчиганроқ, териси йилтирайди, битта ҳам ажини йўқ. Қирғий бурун, қирра учи кенг парраклари билан теп-текис юқори лаби устига осилиб туради. Қарашлари хотиржам, уйга қўққисдан учиб келиб қолган қушни нишонга олаётгандек туюлади. Шох гардишли қалин кўзойнаги ичида суҳбатдошига сон-саноксиз учқун сочувчи ақлли, ҳаракатчан, сал чақчайган яшиндай кўзлари сизни маҳкам ушлаб олади. Кўллари қаттиқ, қадами майда, товонини полга сал сургаброқ юради. Уй эгасининг энг ҳайратомуз томони — у ҳам бўлса, хотираси. — Сиз унинг олдида ўтириб, бўлиб ўтган гапларни эслашга зўр бериб тиришасиз. Радо эса ҳар бир йил, ҳар бир кунни белгилаб қайд қилиб қўйган. Сизга йигирма-ўттиз, эллик-олтмиш йил илгари бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни, исмлар, фамилиялар, саналар, фактлар, рақамларни, гоят аниқ маълумотларни осонгина, ҳеч қандай кучанмай тўкиб солади.

Лекин бу Радонинг ҳаммаси эмас. Тийраклик, жуда тез ишлайдиган фаҳм-фаросат, жонли нигоҳ, мутлақо самимий диққат-эйтибор, электрон ҳисоблаш машинасидан ҳам маҳкам хотира — буларнинг барчаси ҳали тахи бузилмаган жисмоний ва ахлоқий кучнинг нусхасигина оқос. Тўғри, улар қайнамайди, ҳаддидан ошмайди ҳам. Худди тўлиб оқадиган азим дарё сингари ўзида ҳаёт кемасини тинчгина олиб боради. Радонинг режалари, ғам-ташвишлари, умид-орзулари кўп. Атрофимизга сочилиб ётган китоб — газет-қоғозлар, журнал столи устида, меҳмонларнинг келиши шарофати билан бўлиши керак, нафас ростлаётган ёзув машинкаси, одатдаги, уй шаронтидаги пойжома ўрнига костюм кийиб, галстук тақиб олгани — тўғридан-тўғри ана шундан далолатдир.

Бошқача бўлиши мумкин эмас. Мақола ёзиб беришни сўрашган — ёзиш керак, сазаларини ўлдиришга одатланмаган. Хатлар тўхтовсиз келиб туради — жавоб қайтариш керак, айниқса болаларга. Китобнинг навбатдаги наشري тайёрланмоқда — яна битта ташвиш. Салкам ҳар кун лекциялар, нутқлар, учрашувлар, суҳбатлар. Мажлислар, маслаҳат маъракалар, комиссиялар, секциялар. Булар ҳам керак. Совет Иттифоқига, Англияга, Японияга, Америкага сафарга чиқиш лозим — миқёс-ни қаранг-а. Боради, албатта, боради. Бориши керак! Бу ерда эса бошқа иш қуригандек яна юбилей. Эҳ, шу юбилейлардан ҳам тўйиб кета-

сан киши. Қанча оворагарчилик, қанча куч сарф этасан, қанча вақтингни олади бу юбилей. Шуниси ҳам борки, ўз ўзингдан қочиб, қаёққа ҳам борардинг.

## 2

Бошлаш кераклигини сезиб турибман.

— Уртоқ Радо, сиз қаҳрамонсиз, бинобарин сизнинг ҳаётингиз кам-ёб ва бетакрор, ҳар жиҳати билан қизиқарли. Сиз учун ҳар қалай қайси воқеа унутилмас ҳамда қимматли?

— Мени Александр Гаврилович деб атайверинг, мен ўрганиб кетганман, сиз учун эса қулайроқ, унча расмий ҳам эмас,—дея таклиф қилди бирданига у ва тушунтириб берди: — совет дўстларим мени анчадан буён шундай деб аташади. Шандор — бу венгерчадан русчага ағдарганда Александр бўлади, Габор эса, отамнинг исми, Гавриил дегани.

— Яхши, Александр Гаврилович, шундоқ бўлақолсин. Яна қайта-раман — ҳаётингиздаги энг унутилмас воқеа нима?

— Ленин билан учрашув.

Лениннинг номи Будапештдаги Рустидеган кўчада шу тарзда янгради. Бирданига, қутилмаганда, меҳмонлар учун, албатта, янгради. Яширмайман, юмшоқ чуқур креслога ўрнашиб ўтириб, ғоят аччиқ дамланган қаҳвани ичиб, лаззатланиб, мен Юлиан Семеновнинг суперразведкачиси, эсэсчиларнинг олифта формасидаги замонанинг энг нафис кипоқаҳрамони Штирлицнинг саргузаштлари руҳидаги жуда қизиқарли жажжи воқеани ҳикоя қилиб беради, маза қилиб эшитаман, деган илинжда эдим. (Киночи-биродарлар, сизларнинг экранларингизда энгига ўлим тимсоли — инсоннинг илик ва бош суяги ҳамда эвастика сурати туширилган қора кийим кийган, совуққонлиги ҳамда сабр-тоқатига майдонлардаги мисдан қўйилган монументлар ҳам ҳавас қиладиган, ниҳоятда келишган, хушқад, сонлари тиқмачоқдек таранг, бошлиқлари олдида тик турувчи, нацистларнинг саломига қўлларини олдига жуда ўрнига қўйиб ташлаб чиройли ва чаққон жавоб қилувчи, (уларнинг юқумлигига ҳайратланасан киши) фашистларнинг олий иерархиясига улфат даражасига чиқиб олган шоввоз азаматлар кўпайиб кетмаяптимики; учинчи рейх пойтахтини Мартин Борменнинг машинасида шунчаки сайр қилишади, гитлер разведкасининг ўзини эса, худди бепаросат лақмалардек лақиллатиб юраверишади; уларнинг ҳайратомуз саргузаштлари хилма-хиллигини кўриб, ҳайрон бўласан: агар биз ҳамма нарсани билган эканмиз, агар ҳамма ерда ўзимизнинг шахсий кўзу қулоғимиз бор экан, урушнинг дастлабки палласида нега муваффақиятсизликлар юз берди? Агар разведкачиларимиз яхши бўлишган экан, демак, уларнинг ёмон маълумотларидан фойдаланиш кимга боғлиқ бўлган. Хулоса мантиқли, лекин у тўғрими. Тўғримас деб ўйлайман. Ҳаддидан ошириб юбормайпмизмики, киночи-биродарлар? Ахир муштдек-муштдек болакайлар ўзларини эсэсчилар формасидаги штирлицлар деб хаёл қила бошлади-лар!). Радо эса, дабдурустан Ленин деди!

— Сиз Ленин билан учрашганмисиз?

— Ҳа, 1921 йилнинг ёзида, Коминтерннинг III конгрессида.

— Афв этасиз, қандай қилиб у ерга бориб қолдингиз? Сиз жуда ҳам ёш эдингиз-ку, ахир.

— Ёшлик — жасурлик даври, деган Стендал. Афтидан, мен қоидадан мустасно бўлмаганман. Йигирма ёш — ўша замонлар учун энг революцион ёшдир. Лекин Москвага қандай бориб қолганимни айтиб берсам, бу анча романтик воқеа.

— Уни эшитишдан умидвормиз. Ибтидосидан бошланса дуруст бўлмасмики: Сиз — Шандор Радо кимсиз? Қаерда туғилиб, ўсгансиз? Отанонгиз ким бўлган? Ҳаётга қандай қадам қўйгансиз?

— Деярли икки аср чегарасида, 1899 йил ноябрида туғилганман. XIX аср ўзининг сўнгги ҳафталарини ўтказиб бўлиб, ғизиллаб ўтиб кетди. Мен уни Маркс билан Энгельс асри дейман. (Генерал, Маркснинг дўстини шундай атардим, бундан тўрт йил муқаддам вафот этди). Унинг ўрнига Ленин ҳамда рус Октябрининг шафқатсиз ва буюк асри — XX аср кириб келди. Менинг дунёга келишим арзийдиган ҳеч нарса билан нишонланмаган. Замбараклардан ўқ отилмаган, майдонларда жарчилар одамларга хабар қилмаган, сайллар ўтказилмаган. Башариёт сафига битта гўдак келиб қўшилганидан олам беҳабар қолган. Бу менинг жаҳлимни ҳазилакам чиқармаган. Еспирай! Ҳамма парвойи фалак бўлса-я! Мен ёруғ дунёга яхши ният билан келиб жар солсам-у, у бўлса парво қилмаса. Кечирасиз-у, унга қаратиб чоптириб юбордим — нега туғди бўлмасам. Қаҳр-ғазабимга чидолмай ўйинчоқларни синдирдим — уни заррача ҳам писанд қилмадим. Ҳаддан ошиш мана бунақа бўлади!

«Тентаккинамсан, аҳмоқ болам, — дея онам қўлбола бешикчам устига энгашиб, мени меҳрибонлик билан тинчлантирди. — Нега қутуряпсан? Жим бўл, биз кичкина, камбағал одамлармиз, сен бу улкан, бегона, совуқ оламда мен билан отангдан бошқа ҳеч кимга керак эмассан. Ҳали ўсиб улғаясан, ўшанда курашсанг бўлади. Ҳозир эса, ма, мана бу конфетни шими» деб оғзимга латта сўрғични тиқиб қўйди. Мен жаҳлимдан тушиб, маза қилиб ухлаб қолдим.

Шандор туғилган Уйпешт — венгерчасига Янги Пешт — Будапештнинг шимолий чеккаси, ўша пайтда Дунай соҳилидаги ифлос, пасқам, ишчилар посёлкасининг тутундан ис босган шаҳарча бўлиб, йирик металл заводлари жойлашганди. Яқинда у Венгриянинг энг бой ер эгалари графлардан Корольяларнинг мулкларига кирарди.

Унинг отаси пойтахтдан шимолда жойлашган Вац шаҳарчасидаги лўлилар маҳалласида улғайган. Омонат кулбаларда ўз қисматларидан худо ва самога ҳасрат-надомат қилиб камбағал тоифа кун кечирадиган гетто шундай деб аталарди. Отаси лўлилар тилини биларди, бу ҳол можорлар ўртасида сийрак учрайди. Лўлилар табиятан оқ кўнгил, хушчақчақ, ғам-ташвишдан холи халқ. Уни «ўз одамлари» ҳисоблашар, кўнглини кўтаришар, қувонч бахш этишарди. Буvasи қишлоқ ўқитувчиси бўлиб, болаларини ўқитадиган оилалар ҳисобига яшаган.

Онаси қишлоқ этикдўзининг қизи бўлган, уларнинг оиласи ҳам отасиникидек қашшоқ кун кечирган. Ёзда Шандорни мамлакатнинг ғарбидаги Қацуварада турадиган бувасиникига (онасининг отаси) юборишади. У шкафчадан қўрғошин ўқни олиб, болага кўрсатади. Унинг гапига қараганда, ўқ танасидан олинган, уни 1848 йилги қўзғолонда ўша ўқ ўлдириши керак экану, лекин ярадор қилибди холос. Венгриядаги катта оилаларнинг аксарияти тирикчилик ўнидан муҳожирлик қилишарди. Шандорнинг ота-онаси ҳам бундан холи бўлмаган. Отаси Америкага кетмоқчи бўлиб йўлга чиққан, бироқ пули Гамбургдаёқ тугаган; онаси ўз омадини қўшни Австриядан излаган, кўйлак-лозим тикувчи бўлиб ишлаган. Тақдирнинг тақозоси билан отаси ҳам бу ерга, Венага келиб қолган. Улар учрашиб, танишишади, турмуш қуришади, лекин омадлари келмай, ўз юртларига қуруқ қўл билан қайтишади. Отаси узоқ вақт бировларга хизматкор бўлиб ишлайди. Кейин танишларидан қарз кўтариб, дўконча очади. Ниҳоят иши юришиб, тирикчилиги яхшиланади. Кичкина Шандор ўқиш ёшига етади. Ота-онаси борларини бозор қилиб, уни гимназияга берадилар, у яхши ўқувчи бўлади.

Отасининг зўри билан у аввалига немис, инглиз ва француз тилларини ўрганади, кейин эса, музика — фортепьяно, сивизга, скрипкани ўрганади, партитурани ўқишни билиб олади ва ҳатто гимназиядаги оркестрга дирижёрлик қилади.

Музикага муҳаббат бутун умр бўйи сақланиб қолган. Кўнглида йиғилиб ётган дард-ҳасратларини, юрак чигилини у ҳамон музика билан ёзади.

Кейинчалик Шандор рус тилини, испан ва итальян тилларини ўр-

ганади. Тақдирнинг тақозоси билан Европа бўйлаб дарбадар юрган пайтларида у қайси мамлакатда бўлса, ўша ернинг халқи тилида гаплашган, бу эса унинг мушкулни анча енгиллаштирган. У спортнинг футбол, енгил атлетика, сузиш, теннис, чанги, шахмат сингари турлари билан болалигидан шуғулланган. Шунинг учун ҳам организми ҳаётнинг барча кўрсатган ўйинларига бардош бериб келмоқда.

1905 йил охирлашиб борарди. Россияда революция юз берди. Олти яшар Шандор революция нималигини билмасди. Бир куни кечқурун отаси креслога ўтириб олиб, «Непсава» газетасини кўздан кечиравди. Россиядан берилган телеграммаларда ўзига нотаниш Ленин деган янги исмга кўзи тушиб қолди. Ленин деб тақрорлади. Майин, ёқимли, мулойим исм. Бошқа хабарларга кўз югуртирди, Ленин тўғрисида бўлак ҳеч нима ёзилмаганди. Бундан олдинроқ, июннинг охирларида социал-демократлар партиясининг расмий органи бўлган ўша «Непсава»да Лениннинг дастлабки асарлари венгер тилида, муаллифнинг номи кўрсатилмай босилганлигини у билармиди...

Узоқ қиш кечасида уларнинг уйларига Ленин шу тариқа кириб келди. Йиллар ўтади, гўдак катта бўлади, болаликда кўрган хаёлий нарсалар учиб кетади, ўрнини реал ҳаётнинг Шандор ўзгартирмоқчи бўлган шафқатсиз картиналарига бўшатиб беради, у Россия давлатининг пойтахтига бориб, бу янги давлатнинг яратувчиси, бошлиғи Ленин билан учрашади ва бу учрашув унинг бундан буёнги ҳаётини нурафшон этади — буларнинг ҳаммасини, Ленин ўз юрагининг тегишидай бир умрга унда қолишини ўшанда на отаси, на онаси, айниқса на тиниб-тинчимас, шўх Шандор хаёлига келтирган.

1912 йил май ойида Шандор биринчи бор ижтимоий норозилик изҳор қилди. Мактабга бўйнига қизил шарф тақиб борди. Ун икки ёшли исёнкор қизил рангнинг маъносини билмасди, лекин унинг энг яхши ўртоғи Ласло шундай қиларди, у эртадан то кечгача бекасининг мижозларига озик-овқат солинган оғир саватни ташигани-ташиган эди, бойлар, камбағаллар ҳақида ғалати гапларни гапириб берарди. Бир куни улар Уйпешт ишчиларининг оммавий иш ташлашини кўришди, митинг бўлди, ғазабнок нутқлар сўзланди. Кейин колонна қўшиқ айтиб, Шандор бунақа қўшиқни сира эшитмаганди, Будапештнинг асосий кўчасидан марказга томон тетик ва дадил қадам ташлаб юриб кетди, у ерда эса полиция уларни ўқлар билан қарши олди. Қизил шарф тақиш ана шундан одат бўлди. Болалар «инқилобчилар»га қизиқиб тикилиб қолдилар, муаллим эса уларни сочларидан ушлаб, синфдан чиқариб юборди, ота-оналарига фарзандлари ёмон йўлга кириб кетаётгани ҳақида хатлар ёздилар.

Жазо тарбиялиликни оширмади. Турмушдан яшириниб бўлмайди, у ёш қалбда ўзининг хунук томони билан тобора чуқурроқ акс эта бошлади. Полицияга нисбатан адоват ортди. Уйларининг орқасида полиция маҳкамаси бор эди, қаттиқ қийноққа бардош беролмаганларнинг чинқириқлари шундоққина эшитилиб турарди. Ҳар куни шу аҳвол. Онаси деразани ёпиб, Шандорни кўчадан ҳайдарди, лекин ҳеч нарса ёрдам бермасди. Нега уришяпти? У шўрликлар нима гуноҳ қилишган? Ҳеч қанақа гуноҳ қилишмаган, камбағал холос улар, деб тушунтирарди билан Ласло, қўлларча яшашни исташмайди, шунинг учун уларни жазолашяпти.

Шандор гимназияни битириб етуклик аттестати олди. Ҳамма уни қутлади, бу ҳодиса бутун она учун байрам бўлди. Шу қувончли кунда бирдан эшик тақиллади. Қора формали амалдор кириб келди-да, аллақандай хат топширди.

— Эртага тўпланилади,— деди қисқа қилиб ва ишини битказиб, орқасига қайтди.

Отаси хатни очиб қарадию, ранги оқариб кетди. Бу Шандорни армияга қақирув қоғози эди. Э, худо, нима гуноҳ қилдикки сенга, бизни қийнайсан, дея кўнглидан ўтказди-да, кўзларидан ёш оқиб кетди.

Онаси орзу қилган консерватория эмас, Шандорнинг ўзи ўйлаган

университет ҳам эмас, балки армия казармаси, Балатон кўли яқинидаги Хаймашкер деган жойда қўргон артиллерияси офицерлар мактаби кутарди уни. Уруш офати ажал тегирмонини муттасил юргизиб турар, у янги-янги қурбонлар — улар ўғил болаларми, катта кишиларми, фарқи йўқ, талаб қиларди.

Табиатда бирон ҳодиса рўй берса, қанчалик кучли, шиддаткор бўлмасин, ундан панага қочса бўлади, ижтимоий бўрондан эса, яшири-ниб бўлмайди.

Радо армияда хизмат қилиб юриб, Будапешт университетига кирди, отасининг қистови билан (бу пайтда у бойиб қолган, либерал буржуа партиясига кирган ва унинг вакили сифатида пойтахтдаги советда кенгашлар ўтказиб турарди) юридик ҳамда давлат фанлари факультетини танлади. Отаси кўзи тириклигида ўғлини сиёсат майдонида кўришни орзу қиларди. Гарчи сиёсат, бутунлай бошқача сиёсат, чиндан ҳам ҳаёт йўли бўлиб қолган бўлса-да, у отасининг умидини оқламади. Ҳуқуқ ва экономикани ўқиб ўрганиб юриб, Маркс ва Энгельс асарларига дуч келди. «Коммунистик партия манифести», «Капитал»ни мутолаа қилди. Унинг олдида ижтимоий тараққиёт қонунлари намоён бўлди.

Жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик юзасидан туғилган кўп саволлар бошини анчадан буён қотириб, унга тинчлик бермай юрган бир пайтда бирданига Маркс, Энгельс ҳамда Ленинга дуч келди! Ун тўққиз яшар Шандор худди қоронғи зиндондан ёруғликка чиққандек бўлди.

1918 йил декабрида, партия барпо этилгандан кўп ўтмай, Шандор коммунист бўлиб олади. У партия ячейкасидаги ўртоқлари олдида ўзини ҳамон ёш йигит ҳисоблайди. Кимдир: «Ўртоқ Радони Венгрия коммунистик партияси сафига қабул қилинсин деган таклиф бор» дейди. Беш-олтита мушақдор қўл кўтарилади. Ячейка кичкина эди. «Бир овоздан. Табриклайман, ўртоқ Радо, сиз энди коммунистсиз». Осон ва табиий. Партиявий муомала ана шунақа бўлган.

— Энди, Александр Гаврилович Владимир Ильич Лениннинг помини биринчи бор қачон эшитганингизни айтиб берсангиз.

— Аниқ эсимда, Россияда февраль революцияси ғалабасидан кейин кўп ўтмай, 1917 йилнинг баҳорида. Мен ҳали социалист ҳам, коммунист ҳам эмасдим. Австрия армиясида хизмат қилар, унинг мен, можора, ёт бўлган сиёсатининг буюк давлатчилик манфаатларидан, ақлни ўтмаслаштирадиган казарма руҳи ва прусча таълимидан нафратланардим. Нафрат менга ўзига хос мерос эди. Отам ҳам ёшлигида Австрия аскарлари мундирини кийган, ёт ерлик офицерларнинг таъналарини эшитган, тутқунликнинг «шарбатидан» тўйган эди.

Бирдан момагулдирак гумбурлади: Австро-Венгриянинг ҳарбий рақиби Россияда революция бўлди. Халқ қўзғолон кўтариб, подшоно тахтдан қулатди. Ҳокимиятни буржуазия эгаллаб олди. Лекин ишчилар ўзларининг органлари — Марказий Советни барпо этдилар. Ташаббусни большевиклар партияси қўлга олди, уларга Ленин раҳнамолик қилди. У урушга қарши чиқди, уни таловчилик, босқинчилик уруши деб атади, аннексиясиз, тўловсиз тинчлик талаб қилди.

Ленин — бу исм ҳамманинг оғзидан тушмай қолди. Газеталар ҳам Ленин ҳақида ёзиб турдилар. Масалан, «Непсава» Ленин муҳожирликдан қайтиб келгандан кейин, 1917 йил майда шуларни ёзган эди:

8-МАЙ. «Кеча Невский хиёбонида Ленин тарафдорлари билан қўшинлар ўртасида яна тўқнашув бўлди. Ленин тарафдорларидан 5 минг кишига яқини шаҳар кўчаларидан намоён қилиб ўтди».

9-МАЙ. «Петроград горнизони ҳукуматга содиқ қўшинлар билан алмаштирилади, деган хабар пайдо бўлди. Бу ҳафсалани пир қилди. «Ленин тарафдорлари омманинг кайфиятидан тўлалигича фойдаландилар. Улар катта-катта группа бўлиб, шаҳарнинг асосий кўчаларидан байроқ кўтариб ўтдилар ва ҳамма ерда Вақтли ҳокимият ишчиларни алдаётганини дангал айтдилар».

10-МАЙ. «Кеча ишчи, солдат депутатлари Совети ҳуррият заёми юзасидан овоз бериш ўтказди. Овоз бериш натижасини: Йўқолсин уруш!

Йўқолсин буржуйлар ва капиталистлар ҳокимияти! Миллюковга бир тийин ҳам пул берилмасин! деган шиорларни олдинга сурган Ленин тарафдорлари ҳал қилдилар. Заёмни қўллаб гапирган нотикларнинг нутқларига ҳеч ким қулоқ солмади».

13-МАЙ. Италия газеталарининг Россиядан берган сўнгги ахборотларига қараганда, тинчлик ғояси армия ўртасида ҳам тобора кенг қулоқ ёзаётганидан далоят беради. Петроградда, Москвада ва Киевда солдатлар Ленин томонидан олдинга сурилган тинчлик шартларини қувватлаб, намойиш уюштирилди».

15-МАЙ. «Ленин яна актив кампания ташкил этди... пролетариат ҳокимиятни ўз қўлига олишни ва ундан буржуазия ҳокимиятини бутунлай четлатишни талаб қилмоқда»...

— Энди, Александр Гаврилович, Совет Россиясига биринчи марта борганингизни гапириб бериш хонаси келди.

— О, бу Жюль Верн руҳидаги саёҳат бўлганди, Совет Россиясига кириб олиш, ҳа, «кириб олиш», бошқача ибора топиш мушкул, ўша пайтда ниҳоятда қийин эди. Мен янги ишимга тезда қўниқиб кетдим ва курашга киришдим. Австрия пойтахтида Роста — Вин (Роста — Вена) информация агентлигига асос солдим.

Тўсатдан Москвага боришимни таклиф қилишди. Бу мени бутунлай эсанкиратиб қўйди. Уни менга «ўртоқларнинг топшириғи билан» менинг ажойиб дўстим Константин Уманский келиб айтди. РСФСРнинг Австриядаги биринчи сиёсий ҳамда савдо вакили Мечислав Бронскийнинг номини гап орасида беҳосдан эслаб ўтгандек бўлди.

Уманский билан биз ошначилик қилардик, у ўзимизнинг йигит эди, ҳали бутунлай ёш бола, эндигина ўн саккиз ёшга кирганди, лекин ўз ватанида анчагина ном қозонган санъатшунос эди. Бу ҳол ва немис тилини билиши, афтидан, нарком Луначарскийга уни совет санъатининг янги шаклини тарғиб этиш мақсадида ғарбга юбориши учун сабаб бўлган бўлиши керак.

1920 йилда ёш тарғиботчи Венага келди, Австрия ташқи ишлар министрлигида таржимон бўлиб ишга жойлашиб олди. Ақли тиниқ, ўтқир, мушоҳадаси кенг, революция ишига содиқ, оловқалб йигит эди. Уманский билан биз бир умр дўст бўлиб қолдик. У урушдан сўнг СССРнинг АҚШ ҳамда Мексикадаги элчиси лавозимида ишлаб юрган чоғида авиация ҳалокати пайтида фожией суратда ҳалок бўлди.

— Ҳозирлигингни кўравер, Шандор, Москвага, Коминтерн конгрессига борасан, — деди менга Костя, кўкиш қора кўзларини йилтиратиб.

— Москвага? Коминтерн конгрессига? — қулоқларимга ишонмадим. Агар Венага Юлий Цезарь легиони яқинлашиб қолди, деб айтишса бунчалик ҳайратланмаган бўлардим. Қалби озодлик иштиёқи билан ёнган ёш йигит учун Совет Россиясига боришдан ҳам юксакроқ орзу бўлмаса керак. — Нима учун мен боришим керак? Ахир мен ҳали ҳеч қанақа революция қилганим йўқ-ку?

Уманский менинг хитобларимни хотиржам тинглади-да, мулоҳаза билан жавоб қилди:

— Шандор, ҳали сен ҳам революция қиласан. Камтарлик қилмасанг бўларди, биттаси — венгер революцияси бўлиб ўтди. Жаҳон революциясини кўрасан ҳали. Энди тайёрлигингни кўравер, Сен Роста — Вин вакили сифатида конгрессга таклиф этилгансан. Бошқа одамнинг номи остида борасан. Ўзингнинг янги исм, фамилиянг ва қолган нарсаларни эртага биласан. Авлод-аждодингни яхшилаб билиб олишингни маслаҳат бераман, катта бувинг ва бобакалонингни ҳам унутма. Керак бўлиб қолади; Тушундингми?

— Тушундим, — деб юбордим, ҳеч нарса тушунмаган бўлсам ҳам.

— Яна. Уртоқ Бронский билан битта поездда борасан, лекин сен у билан таниш эмассан.

— Нега таниш бўлмас эканман? Уртоқ Бронскийни жуда яхши танийман!

— Яхши, яхши. Лекин энди танимайсан. Сенинг хавфсизлигинг

учун, бу ахир, тентак. Вокзалда учрашасан, тагин «ура!» деб бақириб юборма, қучоғингни очиб югуриб юрма. Умуман эҳтиёт бўл. Коминтерн конгрессларининг делегатлари Россиягача етолмаган, охраникнинг қўлига тушиб, ҳалок бўлиб кетган ҳоллар ҳам бўлган.

(Кейинчалик, Москвада, Коминтерннинг учинчи конгресси очилган кўп қанотли улкан залда, делегатлар ўринларидан туриб, ҳалок бўлган ўртоқлари, жаҳон революцияси учун курашчиларнинг хотираларини ҳурматлаганларида, у Костянинг сўзларини эслайди. Ундан олдинроқ, 1919 йилнинг баҳорида иккита можор коммунисти Ласло Рудаш билан Табор Мейсарош Коминтерннинг таъсис конференциясига кетаётганларида Галицияда ҳибсга олиниб, турмага ташланган эдилар. Конференция очилиши олдидан Ленин уларнинг номларини эслатиб ўтади).

Шундай қилиб, у умрида биринчи бор ўзи, яъни Шандор Радо бўлмай қолди. Бўлажак роли бамисоли репетиция қилаётгандек ёки артистлар тили билан айтганда, образга кираётгандек эди. Вена вокзалда Бронский билан поездга чиқишди, бошқа-бошқа купеда ўтириб Берлинга жўнашди. Атрофда жосуслар изғишиб юришар, ҳар бир қадам, ҳар бир нигоҳни кузатишарди. Радонинг ҳужжатлари буржуа венгриясиники эди. Лекин Берлинда паспортини брак қилишди. Сохталигини биринчи текширувдаёқ билиб қолишди. Нима қилиш керак? Шандорни рус ҳарбий асрлари билан жўнатишни ўйлаб топишди. Улар денгиз йўли билан ватанларига қайтар эдилар. Совет паспорти тўғрилашди. Яна ўзи билан ўзи танишиши керак бўлди. Бу сафар битта бувиси қолди, буваси шажарадан ғойиб бўлди. Бироқ паспортда Германиянинг кетишга рухсатномаси етишмасди. Яна йўлга чиқди. Штеттингга жўнади. Ёнида ишончли ўртоққа тавсиянома. Етиб бориб, кўрсатилган адрес бўйича тўппа-тўғри полиция бошқармасига тушиб қолди. Хиёнат қилишдими? Фикран таржимаи ҳолини кезиб чиқди, бирон ерни унутдими?» «Меҳрибон» бувисини унутган экан.

Полиция бошлиғи меҳмоннинг каловланиб қолганини кўриб, ўридан турди-да, самимийлик билан деди:

— Хавотирламанг, ўртоқ, сиз адашмагансиз.

Шандорни ресторанга олиб борди. Стол устидаги икки кружка пивони паналаб, чўнтагидан печатни сездирмай олди-да, ҳужжатга босди. Шу билан тўсиқ кўтарилиб, Россияга саёҳат йўли очилганди. Яна поездга ўтирди. Алмисоқдан қолган кўҳна паровоз шалдироқ аравага ўхшаб, минг жойда тўхтаб, Помераниянинг баҳорги ўрмонлари, ғарбий ва шарқий Пруссия орқали аста эмаклаб борарди. Рус чегарасига яқинлашган сайин ҳужжат, чамадонлар қаттиқроқ текширила бошланди. Совет паспорти тўпалон кўтарди, бу эса бизнинг қаҳрамонимизга озмунча ҳузур бахш этмади.

Полициячи ёки божхона амалдори ҳужжатни қўрқиб-писиб қўлига олади, қўрқув ва нафратдан афти бужмайиб, кўзи чақчаяди. Худди Маяковский тасвирлагандек. Шандорга не қилиқлар кўрсатишмади. Поезддан тушириб, участкага олиб бориб, сўроқ қилишди, чамадонини қайта-қайта ағдариб текширишди, қамоқ билан қўрқитмоқчи бўлишди, агар большевикларнинг олдига нега кетаётганини айтмаса отиб ташлаймиз, ҳам дейишди. Битта станцияда уни қип яланғоч қилиб ечинтиришди, қайноқ сувли ваннага ўтқазишди-да, супурги билан уришди, «большевик агентидан» яширин хат излашди. У ўша «ваннани» бир умрга эслаб қолган. Тўғри, қўполроқ қилиб, қашлашдию, лекин ювинтириб қўйишди, шунисига ҳам шукр.

Немисларнинг Эйдткумен деган чегара пункти орқада қолиб кетди. Делегация Рагода совет элчиси Яков Станиславович Ганецкийнинг паноҳига тушди. Кўзга кўринган марксист, Лениннинг сафдоши бўлган Ганецкий уларда жуда яхши таассурот қолдирди, оқиллиги, билимдонлиги, камтар ҳамда уятчанлиги билан ҳайратга солди. Жаҳон буржуазиясининг Совет Россияси билан курашида яқин кунларгача истеҳком бўлиб келган собиқ Болтиқбўйи давлатлари, деди Яков Станиславович, ифвогарлик сиёсатининг ўлимга маҳкумлигини ниҳоят, англадилар ва



тинчлик сўрадилар. Шартномалар тузилди. Ленин уларга ғоят катта аҳамият берди. Лекин кураш тўхтамади, бошқача, маккорона шакл олди. Латвия, Литва, Эстония ўз буржуазия ҳокимиятлари советларга қарши ҳар хил ипринди-суприндиларни ўз қаноти остига олди. Ғарб разведкаси актив ҳаракат қилмоқда. Жанжаллар, исёнлар чиқарилмоқда, иғволар уюштирилмоқда. Хуллас, вазият ғоят мушкул. Фронтда маълум — душман олдинда бўлади. Бу ердачи — ҳамма ёқда...

Мана, ниҳоят, рус чегара станцияси Себежга келишди.

— Салом, ҳурматли ўртоқлар,— деган дастлабки олқишлар янгради. — Совет Россиясига хуш келибсизлар.

Совет Россияси! Жаҳонда биринчи социалистик революциянинг ватани! Мана тўрт йилдирки, буларнинг ҳаммаси унинг қувончлари, қайғуси билан яшайди, жуда кўп душманлар билан бемисл курашини кузатишади, европалик мазлум халқларнинг тақдирини у ўз ибрати билан ҳал этишини умид қилишади, кутишади. Кимдир «Интернационални» бошлаб юборди, пролетариат гимнининг тантанавор оҳанги баҳор нашидасига қўшилиб кетди, қудратидан еру осмон, уйларнинг томлари, пўлат излар ларзага келди, станциягача туташиб кетган ўрмон унга ҳурмат юзасидан жимиб қолди. Қўшиқ эса тобора авж олар, кучайиб борар эди. Баъзилар биринчи марта беҳадик, дадил, ўз революцион нафасларининг бутун қудрати билан айтар эдилар.

Москвага майнинг ўрталарида етиб келишди. Кун иссиқ, дим эди. Шаҳар ғалати таассурот қолдирарди. Халқ кам, кўча ва майдонлар бўм-бўш, хусусан кечқурунлари. Шаҳарда терлама авж олган, ҳатто улар келиб тушган «Национал»дан ҳам беморларни олиб кетиб туришарди. Ҳа, Москва бошидан оғир кунларни кечирарди. Конгресс делегатларига бир кунлик овқатлари учун битта тузланган балиқ, ўн дона папирос ва бир бурда нон беришди.

Лекин меҳнат аҳли ҳеч нарсадан нолим: сди, Радода большевиклар партиясига чексиз содиқ омманинг ғайрат ва ташаббускорлиги, келажакка қаттиқ ишончи катта таассурот қолдирди. Ишчилар ўз мамлакатларининг хўжайини бўлиб олгач, энди эскичасига яшаш мумкин эмаслигини тушунардилар. Қалблар асрий мутелик ва қарамлик чиркидан тозаланганди. Кундалик қайноқ ҳаётда шахсий масъулият туйғуси ўсиб борар, янги онг, янги туйғу, янги шуур, янги муносабат ахлоқи шаклланарди. Бир сўз билан айтганда, москваликлар шоир ифодалаганидек:

«Революциончасига қадам ташлардилар».

Радо вақтни бой бермай, дарҳол ишга киришди, унинг навқирон ёшига кўра иши фахрланадиган ва масъулиятли эди. Конгрессда «Москва» — ҳозирги тил билан айтганда, кўптиражли газета чиқарди. Унда немис, инглиз ва француз тилларида докладлар, нутқлар, мажлисларнинг ҳисоботлари, мунозараларнинг обзорлари, турли баёнотлар чоп этиларди. Газета конгресснинг барча ишларидан хабардор қилиб, барча комиссияларни қамраб олишга ёрдам берарди.

Нотиқ тилларни жуда яхши биларди ва бу Шандор Радонинг ишини осонлаштирарди. Лекин немис тилидан француз ва инглизчага таржима қилганда Лениннинг ажойиб нутқидаги ўзига хосликни, унинг услуби ҳамда манерасини, образлилигини, сўз бойлигини қандай сақлаб қолиш унинг вазифасига кирарди. Ленинча тафаккур юксаклигига қандай кўтарилиш, ўқувчига мунозарачи — Ленин маҳоратини, ғайрат-шижоатини, унинг қаттиқ мантиқини қандай етказиш керак. Шандор редакцияда овқатни ҳам, уйқуни ҳам унутиб, кечалари билан ўтириб чиқар, атрофидаги луғат, қўлланма адабиётларга, классикларнинг асарларига қарарди. Хуллас, унга берилган паёкни оқларди.

Редакцияда у ягона можор эмасди. Коллективга унинг ҳамюрти — рассом аёл — Тиборнэ Самуэли, венгер коммунасининг 1919 йил августда ҳалок бўлган машҳур комиссари хотини, ҳам файз киритарди. Тиборнэ ҳам Австрияда муҳожирликда эди. Москвага келган, конгресс мажлисларига қатнашар, лавҳалар чизарди.

— Александр Гаврилович, Ленинни сиз биринчи марта қачон кўргансиз?

— Уни кўрганим йўқ, балки номини эшитдим. Бунга ҳайрон бўлмаглар. Ленин номини бошқатдан эшитдим. Бу ерда, Москвада, у туғилиб, катта бўлган тупроқда анчадан бери таниш, сеvimли, сеvimли бу исм энди бутунлай бошқача жаранглади, олдингисидан бошқача таассурот қолдирди. Ёзининг ўша иссиқ кунда (1921 йил 22 июлда очилди) мен, Лениннинг меҳнаткаш омма учун аҳамиятини биринчи бор чинакамига тушунган бўлсам керак.

Олдинга залда «Интернационал» гулдиради, кейин турли халқларнинг, жумладан венгерларнинг Рякоисини — революцион қўшиқларини айтишди...

Лекин бирдан залга жимлик чўкди. Большой театрнинг пастидан юқорисигача лиқ тўла каттакон зали азоб-уқубат билан ҳалок бўлган курашчиларнинг хотираси ҳурмати юзасидан бир дақиқа жимиб қолди. Кейин иш тартиби масалалари кўрилди. Бирдан ўртоқ Ленинни конгресснинг фахрий раиси қилиб сайлаш тўғрисида таклиф киритилди. «Ўртоқ Ленин» деб айтишди! Зал ларзага келди. Гувиллади, бирдан оёққа турди. Зал қайнаб тошди. Тепасида улкан биллурий қандил порлаб турган шифт, деворлар, тилла суви юритилган, ҳозир камтаргина бўлиб москвалик ишчилар ўтирган собиқ подшоҳ ложаси — ҳаммаси гулдурос овация залварини кўтаролмай, партерга қулаб тушгандек бўлди. Жаҳон пролетариати ўз доҳийсини олқишламоқда эди.

Шундан кейин энди ўзини кўрдим.

Ленин мажлислар залига асосий эшиклардан олдинга тик қараганча майда қадам билан президиум томон қараб тез юриб келди: Бутун делегатлар конгрессга унинг келишини орзиқиб кутиб ўтиришарди. Улар, худди электр токи ургандек бирданига ўринларидан туриб олишди. Баъзилар стулларнинг устига чиқиб кетишганди. Бутун зални гулдурос олқиш бўрони, тантанали хитоблар тутиб кетди-да, бора-бора анча нотекис, лекин қудратли ва улуғвор «Интернационал» бир варакайига, барча халқлар тилларига куйга айланиб кетди!

— Лекин бир кун, — дея давом этди Александр Гаврилович, — эҳ, роса бир қизиқ иш бўлди-да, Ленин қўлида қалам, тиззасидаги қоғозга қараб энкайиб нарвон зинасида мук тушиб ўтиргани олинган фотосурат бор. Мен бу манзаранинг аслини ўз кўзим билан кўрганман.

Биз Тиборнэ билан биринчи қаторларда ўтирардик, чапдан ён томонда, у ерда матбуот вакиллари учун устига қизил мовут ёйилган стол қўйилганди. Бирдан яқиндаги эшик сал очилди-да, Ленин аста кириб келяпти. Четдаги делегатлар президиумга ўтишни таклиф қилишиб, ўринларидан кўтарилишди, лекин Владимир Ильич нигоҳи билан миннатдорчилик билдирди ва жим, нотиққа халақит бермайлик, дегандек, бармоғини лаблари устига босди-да, бирдан зинага ўтириб олди.

Мен тошдек қотиб қолдим. Ленин — даҳо. Энг буюк социалистик революциянинг доҳийси, партия ва давлат бошлиғи шундоққина зинага ўтириб қўяқолди-я! Ачиниб кетдим, ёзишга осон бўлсин учун ҳатто зинага ўрнашиб олди. Вақти-вақти билан нотиқ томон кўз қирини ташлаб қўяр, гапига қулоқ солар, яна қоғозга тикиларди. Бу — Ленин эди! Унинг олдига югуриб бориб, қучоқлаб олгим, қўлларимда баланд кўтариб, бутун залга қараб — Ленин! Ленин! Ленин! — деб бақиргим келарди.

Юрагим қинидан чиққудек бўлиб тошиб кетди. Халқ доҳийсининг қандайлигини қаранг! Содда, камтар, оддий инсон. Қиёфаси ҳам, феъл-атвори ҳам, қалбининг ҳаракати ҳам — барчаси табиий ва ҳақиқий.

— Владимир Ильичнинг қиёфасида қайси белгисини биринчи ўринга қўйган бўлур эдингиз?

— Доноларча соддаликни.

— Қанақа соддаликни назарда тутяпсиз?

— Олий фазилат сифатидаги соддаликни, даҳоликнинг намоён бўлиш мезони ва шаклини — бунда бемисл даражадаги соддалигини, гу-

манизм, одамийликнинг вужудга келишида пролетар революцияси даври майдонга келтирган янги ахлоқий категорияни, янги типдаги сиёсий арбоб қиёфасидаги ажралмас хусусиятни назарда тутаман. Турмуш тарзидаги, тафаккури, характери, нутқи, ташқи қиёфаси, хулқ-атвори — ҳамма нарсадаги соддаликни назарда тутаман. Чинакамига ҳам Ленин ҳақиқат сингари содда бўлган. Горькийнинг мана шу ҳикматли сўзларига мен фақат: унинг ҳаёти, унинг таълимоти, унинг муқаддас ишлари худди ҳақиқатдай, деб қўшиб қўйган бўлурдим.

Конгрессда мунозаралар алангаси ловулларди. Мунозара баъзан жуда ҳам шиддатли тус олиб кетарди. Троцкийнинг провинциаль ношуд актерниқидай сохта кеккайма қиёфаси. Зиновьевнинг мужмал, узундан-узоқ қуруқ нутқлари, уларда бемаъни сўзлардан кўра такаббурилик ва туман кўпроқ эди; даканг хўрозга ўхшаган Радекнинг нотикларга қарата ташлаган заҳарли луқмалари, асабга тегувчи гаплари эсимда.

Владимир Ильич бир неча бор сўзга чиқди. У минбар нотиғи эмасди. Лекин унинг овозидаги сал тутилинқировчи нутқи маҳлиё қилиб қўярди. Ҳеч қандай сунъий ҳаракат, усул ва имо-ишора, дабдаба йўқ эди унда. Ҳар битта сўзи қисқа, ўлчовли бўлиб, нишонга бехато урарди. Далиллари рад қилиб бўлмас эди. Нутқ сизни дарҳол ўзига бутунлай ром қилиб оларди. Гоҳ бир текис эргаштириб кетар, энг мушкул муаммолар чигилини ҳам осонгина ечиб берар, гоҳ тик осмонга кўтариб чиқиб, гоҳ бирдан шрапнел бўлиб портлаб, бошингизга исбот, факт, мисоллар ёмғирини ёғдирардики, сиз уларни санашга аранг улгурардингиз. Йўқ, Ленин нутқлари эҳтироссизлиги билан ажралиб турмасди, у қизғинлик билан, ёниб гапирарди.

### 3

— Владимир Ильич билан гаплашиш шарафига муяссар бўлганмисиз?

— Муяссар бўлганман. Москвада менинг завқ-шавққа тўла қалламга битта ажойиб гоё келди. Бу — Совет Россияси харитасини яратиб Европада чоп этиш эди. Социалистик давлатнинг биринчи харитаси! Агар буни амалга оширсам, жаҳон тескарчиларига зарба бўларди, деб умид қилдим мен. Аблаҳ золимлар тилларини тишлаб қолардилар. Аммо битта харитани қилиш учун кўп ва айни чоқда турли хариталар керак бўлади. Уларни қаердан олиш керак. Ешлик — ҳаракатчанлик даври бўлади, монелик ва чегарани билмайди... Мен саҳнанинг орқасида Склняскийни кўриб қолдим, у республика революцион ҳарбий советида хизмат қиларди. Мана шу одам менга ёрдам беради! Ҳарбий муассасаларда харита биринчи ўринда турадиган нарса. Олдига бориб, ўзимни танитдим. Склняский эшитди-ю, лекин унча тушунмаганини сезиб қолдим.

— Сезиб турибман, таржимонсиз гапларинг қовушмаяпти, — деган иборани эшитиб қолдим бирданга, орқамга қарасам — Ленин, бизларга қараб, жилмайиб турибди. — Хўш, нима гап, ўртоқ? — деб сўради мендан немисчалаб.

Қисиниб, қимтиниб, қизариб-бўзариб илтимосимни баён қилдим. — Хўш, сўрасам майлими, Россиянинг харитаси сизга нега керак бўлиб қолди? — деб сўради Владимир Ильич, мен тушунмайдиган қизиқш билан.

— Мен, ўртоқ Ленин, картография билан шуғулланаман... афв этасиз... уни ўрганаман. Европа учун Советлар республикалари харитасини яшашга уриниб кўрмоқчиман.

— Европа учун! Буни қаранг-а, жуда қизиқ-ку, — дея яна-да жонланиб кетди Владимир Ильич. — Ғоят қизиқ, ўртоқ... ҳам...

— Менинг фамилиям Шандор Радо.

— Гоят қизиқ ва мақтовга лойиқ, ўртоқ Радо, сиз нима — венгер-мисиз?

(Ленин менинг фамилиямни атади!)

— Ҳа, ўртоқ Ленин. Рост, ҳозир Венада муҳожир бўлиб яшайман.

Ленин менинг тирсагимнинг юқорироғидан ушлади-да... биз учовлон зални айландик. Саволлар берди. Неча ёшдасиз? Оилангиз борми? Ота-онангиз қаерда? Улар ким, нима иш қилишади, дунёқарашлари қанақа? Ғурбатда қийналиб қолмаяпсизми?

— Муҳожирлик — туғилган уйинг эмас, — деди у ўйчанлик билан, ўзининг муҳожирлик йиллари эсига тушиб кетди, чамаси, — кишидан озмунча мардлик ва чидам талаб қилмайди.

— Ҳечқиси йўқ, ўртоқ Ленин, — деб ғурур билан жавоб бердим, — бу токайгача давом этарди дейсиз. Буржуйлар гарданига таёқ билан уриб, тупроғимиздан супуриб ташлаймиз-у, уйимизга қайтиб борамиз. Жаҳон революцияси байроғи, ўртоқ Ленин, венгер тупроғи устида яна ҳилпирайди.

Тортинчоқликдан асар ҳам қолмади, гўё Ильичнинг қўлларидан менга ҳаётбахш қувват қўйиларди.

— Венада нима иш қиласиз, ўртоқ Радо? — дея яна сўроққа тутди.

— РостА бюллетенларини европа тилларига таржима қиламан, сўл матбуотларга тарқатаман.

— Бюллетенларини? Георгий Васильевич тунов куни улар тўғри-сида бир нима деганди. У ерда агентлик борми?

— Ҳа, ўртоқ Ленин, агентлик бор. РостА — Вин деб аталади.

— Худди ўша. Эсимга тушди. Чичерин иккита-учта бюллетен юборишга ваъда қилганди. Жоним билан кўриб чиқаман. Лекин, ўртоқ Радо, хариталарга қайтамиз. Менинг мана бу саволимга жавоб беринг-а: харитада империализмнинг йиртқичлик моҳияти ҳамда сиёсатини акс эттириш мумкинми, агар мумкин бўлса қандай қилиб акс эттирса бўлади?

(Ленин худди ўз тенгидай мен билан маслаҳатлашяпти-я!)

Менга мурожаат қилишининг ўзиёқ ақлимни шошириб қўйди. Айниқса саволнинг туб маъзини қўяверасиз. Картография, олимлар кабинетларини ижтимоий ғалаёнлардан асрлар давомида холи қилиб, яшириб келган, ўзи ҳали билмаган ҳолда революцион портлаш бўса-ғасига эскилик қонун-қоидаларини бузиб бориб қолган менинг камтаргина фаним. Ленин масала қўйди. Бу буюк инсон ишлари бошидан ошиб ётганлигига қарамай, харитага фурсат топганини қаранг. Яна қачон денг? Коминтерн конгресси ишлаб турган бир пайтда! Демак, масала шунчаки бекорчи, ички таъсир натижасида юзага келган масала эмас. Йигирма яшар ёш йигит, уни тушуниб, қадрига қараб баҳолай олармидим? Афсус...

— Жавоб беришга қийиналаман, ўртоқ Ленин. Бу билан ҳали ҳеч ким шуғулланмаган.

— Биаламан, ўртоқ Радо, биаламан. Хўш, бордию бир уриниб кўрилса-чи?

— Балким мумкин, — деб жавоб бердим дудмал қилиб.

— Бўлади, ўртоқ Радо. Ишонтириб айтаман, қилса бўлади. Энг муҳими — қилиш керак. Ишчилар синфига ва унинг авангарди коммунистларга дунёни қайта қуриш учун курашда керак бу. Пролетар революцияси ҳам ўтмиш даврлардан қолган мерос эмас. XX аср маҳсулотининг мағизи. Бизнинг маънавий оталаримиз ва устозларимиз Маркс билан Энгельс унинг муқаррарлигини ва капитализмнинг ҳалокатини доҳиёна исботлаб бердилар. Революцияни қилиш эса сиз билан бизнинг зиммамизга тушди.

Қаранг, ўн тўртинчи йилгача олам қанақа бўлган. Ун еттинчи йилдан кейин қандай бўлиб қолганини қиёслаб кўринг. Бир ҳовуч халқаро каллакесарлар томонидан бошланган, ўн миллионлаб кишилар ҳаётига завоқ бўлган қирғин-барот уруш юз берди. Россияда, Венгрияда, Словакияда, Баварияда революциялар, бошқа кўп мамлакатлардаги син-

фий курашлар, Европадаги энг қадим сулоланинг тугатилиши, янги давлатларнинг ташкил топиши. Коммунистик Интернационалнинг майдонга келтирилиши. Булар билан бирга янги бозорлар, мустамлака чегараларини кенгайтириш учун ўзаро бир-бирлари билан муттасил ғажизишлари, зиддиятларнинг ортиб бориши ва янги босқинчилик урушларининг муқаррарлиги. Энди менга айтинг, ўртоқ Радо, картография фан сифатида бу тарихий жараёнлардан четда тура оладими?

— Туролмайди, ўртоқ Ленин! — дея ишонч билан хитоб қилдим мен.

— Мен ҳам: четда туролмайди, дейман. Четда турмаслиги лозим. Фанга кескин ва мурасасиз суратда синфий мазмун олиб кириш керак. Гапимга розимисиз, ўртоқ Радо?

— Мутлақо розиман, ўртоқ Ленин!

— Мана бўлмаса, биз келишиб ҳам олдик, — дея хулосалади, Владимир Ильич мамнуният билан. Кейин Склянскийга қараб кўзини қисиб қўйди-да, бирдан таклиф қилди: — Балким бизда, Россияда қоларсиз, ўртоқ Радо. Бизга ҳозир қобилиятли мутахассис — картографлар ниҳоятда зарур. Биз бу ерда битта катта ишни бошлаб қўйдик, лекин муносиб одамлар етишмаяпти. Бир ўйлаб кўринг-а.

Мен бутунлай довдираб қолдим. Ленин менга Россияда қолиб, севимли картографиям билан шуғулланишни таклиф қиларди!



Конгресс кунлари мен Совет давлатининг баъзи арбоблари билан ва кўпгина таниқли кишилар билан танишишга мушарраф бўлдим. Биринчи навбатда ташқи ишлар халқ комиссари Георгий Васильевич Чичерин ҳузурига кирдим, чунки биз Венада эълон қиладиган «Ҳаммага! Ҳаммага! Ҳаммага!» деган белгиси бор телеграммани ана шу халқ комиссарликнинг матбуот бўлими эфирга жўнатарди. Чичерин «Метрополь» меҳмонхонасида қабул қилди. Ташқи ишлар халқ комиссарлиги ўша ерда жойлашганди.

Кечаси соат икки (наркомнинг одатдаги қабул вақти). Қоғозлар уюлиб ётган ёзув столидан ҳорғин туриб, менинг олдимга келди, уйқусизликдан қизариб; қовжираб кетган кўзлари билан бошдан-оёқ қараб чиқди-да, хитоб қилди:

— Бизнинг Венадаги бош тарғиботчимиз наҳотки сиз бўлсангиз? Сиз салобатли бўлиб кўринишингиз керак эди. Сизнинг бунақа ёшгиналигингиз — асосий хатойингиз! — деб кулиб юборди.

...Москвада Уманский билан яна кўришиб қолдик... У мени Маяковский билан таништирди. Москва циркининг сахнасида Маяковскийнинг «Мистерия — Буфф» пьесасини кўрсатишга тайёргарлик кўрилар, кечаю-кундуз репетиция қилишарди, шаҳар транспорти ишлагани учун режиссёр, Маяковскийнинг ўзи ҳам артистлар билан бирга циркнинг ложасига жой солиб ётиб қоларди.

Мана яна Венадаман. Менинг ҳаётим бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган икки йўл билан борди. Вақтимнинг кўпроқ қисмини илгаригидай Роста-Винга сарф этдим. Иш миқёси ҳаддан ташқари ортиб кетди. Қолган соатларни географиядан семинарларни канда қилмасликка интилиб, ўқишга бағишладим.

Кейинроқ, Австрия билан Совет Россияси ўртасида мустақкам дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан кейин, Роста-Виннинг ахборот вазифаси Венадаги совет элчихонасининг матбуот бўлимига юклатилди. Менда — университет маълумотини тугатиш, фанга ўзимни бутунлай бағишлаш имконияти юзага келди.

Шу ўринда Роста-Вин ҳақида айтганларимни «кремленологлар» деб аталмиш советшуносларнинг ҳаётимнинг ана ўша даври ҳақида ўйлаб чиқарган гаплари билан қиёслаш фойдадан холи бўлмас деб ўйлайман. Масалан, Давид Даллин ўзининг «Совет жосусчилиги» деган дабдабали номдаги китобида ёзади: «Гарчи Радо Будапешт воқеалари

ва Советлар республикаси даврида бор-йўғи 19 ёшда эса-да, Москвада муҳожир Радо тез фурсатда эски гвардиянинг катта эътиборли вакиллари билан бири бўлиб қолди. Коммунистик Интернационалнинг олий доиралари билан муносабатда бўлди...» Муаллифнинг фантазияси қандай ишлашини кўринг: қаламининг бир зарби билан мени, ёш йигитни эски гвардиянинг вакилига айлантириб қўйибди!

Лекин бу ҳам Даллинни қониқтирмайди. У, Совет Россияси ташқи дунё билан ҳеч қандай расмий алоқага эга бўлмаган бир пайтда «бу жуда ёш болани» (яъни мени) Москвадан Гапарандага, швед чегарасига, у ерда биринчи совет-матбуот агентлиги Ростанинг филиалини тузиш вазифаси билан юборишган, бу фаолдирнинг асл мақсади эса — журналистикани разведкачилик ишлари билан бирлаштириш, деб тасдиқлайди. Жаноби Даллин фақат негадир мен 1919 йилда Венгрияда бўлатуриб, венгер революциясининг мағлубиятидан кейин қандай қилиб дарҳол Россияга бориб қолганимни изоҳлаб беролмайди. Ҳолбуки, унинг ўз сўзи билан айтадиган бўлсак, бу пайтда ташқи дунёдан тамомила кесиб қўйилган мамлакатга бора оламан-у, кичкина швед шаҳари Гапарандада (у ерда бир марта ҳам бўлмаганман) Роста агентлигини тузишдан нима фойда — буларни тушунтириб беришга ожизлик қилади.

Бу — менинг ҳаётим ҳақида ёзадиган ғоявий душманларимиз қўллайдиган хилма-хил ёлғон, сохталаштириб кўрсатишларнинг ва ғаразли бўҳтонларнинг бир заррасидир, холос. Бу шўринг қургур жаноблар шу даражага етдиларки, ҳатто фамилиямнинг ҳақиқийлигига шубҳа билан қарайдилар. Биринчи марта швейцария журналисти Шон Кимхенинг 1961 йилда Лондонда нашр этилган китобида мен Фамилиямни Радо эмас, балки Радольфи деб ўқидим. Бу «кашфиёт» ҳеч қанақа ёлғондан ҳазар қилиб ўтирмайдиган француз журналистлари А. Аккос ҳамда П. Кёларнинг «Уруш Швейцарияда ғалаба қилганди» — деган китобларидагина эмас, балки холис ҳарбий тарихчиликка даъвогар фон Шрам томонидан ҳам давом эттирилган. 1968 йилда ҳинд ва япон матбуотида эълон қилинган ғаразли бўҳтонда ҳеч кимдан қолишмайдиган мақолаларда мени нима учундир энди Родомски деб аташади.

(Ш. Радо. «Дора тахаллуси билан»).

## 4

Энди Атласга қайтайлик. Дастлабки сабаблар номаълум, лекин Лениннинг «атласга» оид биринчи ҳужжати — Петроград Советига ёзганлари мавжуд. Уларда шундай дейилган:

«Россияда темир йўллар» китобига (А. Ильиннинг картография мурассасаси нашри, Петроград, 1918 г., 1 сентябрь) ўхшаш атлас нашр этишни илтимос қиламан».

1) яъни кичик форматдаги битта китобчада;

2) китобнинг икки саҳифасича келадиган, иложи борица букланмайдиган харита;

3) ҳар бир харитада губернияларнинг янги чегаралари (худди Ильинда ҳар бир губерния учун қандай ранг берилган бўлса худди ўшандай ранг берилсин). Барча уезд шаҳарлари қўйиб чиқилсин;

4) Ҳар бир станция кўрсатилган темир йўл;

5) Янги давлат чегаралари;

6) Собиқ Россия империяси қўлидан кетган областлар ва қаламровлар (алоҳида харитада);

7) 1917—1920 йилларнинг турли даврларидаги фронт чизиқлари (гражданлар уруши) кўрсатилган бир неча тарихий харита илова қилинсин».

— Ё раббим! — дея хитоб қилди Радо, — ахир бу бутун бир программа-ку! Сиёсий арбобнинг кўрсатмаси эмас, балки мутахассис — олим топширган вазифа.

Ҳар бир ишни, у қанақа бўлмасин, революцион миқёсда охирига ет-

казиш бу — ленинчасига иш тутиш бўларди. Ун кун ҳам ўтмай Петербургда иккинчи хат жўнатилади. Владимир Ильич атлас иштиёқи билан ёнади. Масала чуқурлаштирилади, аниқланади, конкретлаштирилади. Халқ Комиссарлари Совети қошида махсус комиссия бўлиши лозимлиги ҳақида фикр билдирилади, энг зарур хариталар рўйхати келтирилади, бир қатор янги, жумладан ГОЭЛРО плани бўйича харита қўшиш тавсия этилади. Ҳаммаси 39 та харита.

Иигирма биринчи йилнинг 22 апрелида (туғилган кунининг эртасига!) Ленин «Россия Атласи»нинг хомаки нухаси билан танишади, ундан бир кўп хато ва камчиликлар топиб, ранжийди. Дарҳол атласни атрофлича тақриз қилишга ўтиради ва 24 апрелда Петроградга ўзининг фикрини ёзиб юборади. Яна бир кундан кейин атлас чиқариш бўйича ҳарбий инженер Кайсаров раислиги остида Алоҳида комиссия тuzилади ва унга академик Д. Анучин, профессорлардан А. Барзов, Ю. Шокольский ва бошқалар киритилади. Унга комиссиянинг иши бўйича ҳар ойда Халқ Комиссарлар Советига — Ленинга ҳисоботлар юбориб туриш тайинланади...

— Александр Гаврилович, — қизиқиб сўрадим мен, — харитани-ку олдингиз, Кремлдагилар ўшанда нима сўрашди?

— Бошқача бўлиши мумкинмиди? Катгагина тугунчани тўппа-тўғри меҳмонхонага элтиб беришди. Уни олиб келиб менга топширган ВЦИК ходимининг фамилияси ҳам эсимда — Егоров эди. Уртоқ Лениндан, деди. Унда Европа Россияси топография харитасининг тўла серияси, Россия империясининг, янги маъмурий бирликлари хариталари. Дағал, нурсизгина шалдироқ қоғозга босилган, ялтироқлиги, бўёғи билан мен таълим олган Вена ҳамда Лейпциг университетлари хариталариники сингари лол қолдирмасди. Аммо буларни Ленин юборган эди!

— Бундан чиқди, сизнинг илмий фаолиятингизнинг бошида Владимир Ильич турган экан-да?

— Ҳа, мен бу билан фахрланаман... Конгрессдан кейин Австрияга қайтдим-у, Ленин асарларини мутолаа қилишга ўтирдим. Москвадан бир чамадон китоб, шу жумладан Лениннинг «Материализм ва эмпириокритицизм», «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали», «Империализм капитализмнинг юқори босқичи», «Давлат ва революция» асарларини олиб келгандим. Энди уларни ўқимас, балки ўрганар, мутолаа қилардим.

Ленин тафаккури лабораториясига кириб бориш ақл учун қанчадан-қанча роҳат бахш этади. Унинг ибтидоларини топиб оласан, юлдузи томир уришини, гоҳ текис, секин, гоҳ бирданига илон изи бўлиб, сакрашлар, портлашлар билан оқиш ва ривожланишнинг спекторини кузатасан; далиллар, исботлари, факт ва мисолларни танлаши ва таҳлил қилиш системаси бўйича борасан. Ленин тафаккурининг худоси — мантиқ. Автор барча билимлар билан қуролланганлиги, лекин жангга узоқдан ҳозирлик кўриб, ўз жангчилари — мисолларни сафга тизишни, шундан кейин кескин, худди моҳир стратег сингари ҳаммасини сарторози қилиб, ўйлаб, чамалаб, қўшинни штурмга ташлашини ва мухолифларининг даъволари билан мустаҳкамланган қўрғонларидаги оқ байроқларини бирин-кетин улоқтириб ташлаб, ўз позициясини мустаҳкамлашини ва ўз фикрларига йўл очишини, шундай кейин эса, кўз олдингизда ҳозирги дунёнинг энг мураккаб назарий ҳамда сиёсий проблемаларининг нақшланган, қирралари чиқарилган, лўнда ифодаланганини кўрасиз: яна жанг давом этади, лекин энди бошқача тактика қўлланади: қанотлар бир-бирига қараб яқинлашиб келади, ўраб олиш маневри охирига етади, қанотлар бирлашади-да, рақиб рад қилиб бўлмайдиган мантиқий саф исканжасига олинади, энди унинг таслим бўлишдан ўзга иложи қолмайди; яна тактик усул — сал-пал орқага чиганилади, лекин бу чекиниш эмас, йўқ, фақат кучларни қайта группалаб, чексиз ақл хазинасидан янги резервларни ишга тушириб, рақибни яна бурчакка қисиб қўйиш холос.

Менинг шунга имоним комилки, ер юзида Ленин тафаккуридан ор-

тиқ ҳурматга лойиқ ҳеч нарса йўқ. Россия оқилларга бой, аммо Ленин — ягона, у — замон, давр, революция фарзанди. У — мардонавор, муросасиз, эркин ва олижаноб. Ленин тафаккурига қўшилиш кишини юксакликка кўтаради. У самовот сингари чексиз, унинг ичкарасига кириб борган саринг, у керакли бўлиб бораверади; худди локатор сингари у даврнинг ҳар қандай тебранишларини, титрашларини илиб олади ва унга жавоб қайтаради, билим билан, Дидронинг ибораси билан айтганда, ақлига қайта олиб бўлмайдиган миҳ қилиб қоқиб юборилган чуқур мантиқ билан жавоб беради. Ленин тафаккури олмос ёмбисидек учкун сочади, ҳисобсиз қирралари билан, қирралари билангина эмас — донишмандликнинг бебаҳо гавҳари бўлиб товланади, донолик эса, фикримча, озод инсонга муносиб асосий ва бирдан бир бойликнинг мазмунидир.

Лениннинг фикрлари ҳамиша дадил ва новаторона, исботланган, мисоллар билан мустаҳкамланган, гап нима ҳақда бўлмасин, ўша масаланинг моҳиятига, нарса, ҳодиса, фактларнинг юрагига олиб кирадиган, ўйлатадиган, ҳамиша лўнда, равон, мантиқли бўлиб, ҳеч қандай эътироз ҳамда муҳокамага ўрин қолдирмасди.

Империализм бўйича атлас тузиш ғояси мени ҳеч тарк этмади. Ленин вафот этганидан сўнг бир неча йил ўтиб кетди, мен университетни тугатдим, лекин бу йил ичида Лениннинг харита тузиш ҳақидаги фикри хаёлимдан ҳеч нари кетмади. Бу орада рус Октябри янги вақтнинг тамал тоши бўлиб қолди. Бу билан бирга империализм, гарчи, калтакланиб, монополия ҳуқуқини бутунлай йўқотган, ҳийла ишлатишга, олғирлик қилишга, янги халқро вазиятга мослашишга мажбур бўлган бўлса-да, ўзининг йиртқичлигини ташламади. Бўри, гарчи унга қўй терисини ёпсанг ёки профессорлик мантиясини кийдириб, Миллатлар Уюшмаси минбарига чиқариб қўйсанг ҳам, бўрилигича қолаверади.

Замон Лениннинг: оламдаги ўзгаришларни харитада акс эттириш, ҳар бир меҳнат ақлига тушунарли расм ва чизиқлар орқали империализмни унинг бутун йиртқичликлари билан кўрсатиш керак, деган вазифасининг нақадар муҳимлигини муқаррар равишда кўрсатди. Фан тор академик ва кабинет «маникиси»дан ижтимоий фаолиятнинг кенг йўлига чиқишга, пролетар революциясига хизмат қилишга даъват этилган. Ҳа, худди шундай: Октябрь доҳийси революция билан картография битта аравани тортаётганини кўришни хоҳлаган. Мен ҳам: умримни тикаман, лекин Ленин васиятини амалга ошираман, деб қарор қилдим.

Қаттиқ меҳнат йиллари ўтиб кетди, муддат келди ва ўртоқ Ленинга, империализм бўйича тайинлаган атласингиз тайёр, деб фикран хабар қилдим. Унинг биринчи нашри 1930 йилда Берлинда олам юзини кўрди, ундан кейин Токио, Лондон, Прага ва бошқа мамлакатларда чоп этилди. Атлас жаҳонга тарқалди. Яқинда ГДРдаги касбдошларим менинг юбилейимга қутилмаган совға қилиб, ўша атласни айнан нашр этишга қарор беришибди. Мен янги сўз боши ёздим, буюк илҳомчим ҳамда аслида менинг ҳамкоримнинг ролини сўзлаб бердим.

Шандор Радо ўз тақдирини бир умрга Советлар мамлакати билан боғлайди, унда ўзининг иккинчи ватанини топади. Москвага тобора тез-тез келиб туради, баъзан бу ерда қолиб ишлайди.

1924 йили буюк доҳий хотирасига атаб Радо ғарбда биринчи марта СССРнинг сиёсий харитасини тайёрлайди, уни Брауншвейгдаги машҳур немис нашриёти Вестерманн чоп этади. Шундан кейин унинг йўл кўрсатгичи Москвада босилади. Немисларнинг «Мейер» энциклопедияси буюртмаси билан Совет Иттифоқига оид барча мақолалар Александр Гаврилович томонидан ёзиб берилади, Германияда нашр этиладиган барча катта атласлар учун хариталар қилинади. Ишчилар ҳаракатининг географияси ва картографияси Радо илмий фаолиятининг бошқа томони бўлиб қолади.



— Александр Гаврилович, сизга битта қизиқ фактни маълум қилман.

— Қанақа факт экан?

— Владимир Ильич сиз билан бўлган суҳбатда Роста-Вин агентлигини эслади, дегандингиз.

— Худди шундай. Ҳатто бизнинг нашрларимизни кўриб чиқишга ваъда берган. Чичерин унга юбориши лозим эди...

— Биласизми, Ленин ваъдасига вафо қилди — битта бюллетенни кўриб чиқди.

— Ростингизми? Унда бирон белги йўқмикан?

— Белги ҳам бор, Лениннинг қўли билан чизилган. Бюллетень 1921 йил 26 июнда чиққан, номери 270, Лениннинг қўлига ойнинг охирида келиб теккан. Коминтерн конгресси ишини давом эттирарди.

— Тахминан ўша кунлари мен у билан учрашгандим. Кремлда ёшигина картограф билан учрашиб қолиб, Чичеринга унинг агентлиги тўғрисида эслатган, у эса бюллетенни юборган бўлиши керак. Қанақа белги экан ундаги?

— Муқовасига: «архивга» деб ёзилган ва бу сўзнинг тагига битта қалам билан уч марта чизилган, бу одатда: қизиқиб ўқиб чиқдим — муҳим, керакли, ёдда тутилсин, демак эди.

— Лениннинг қўли теккан ўша нусха ҳозир қаерда?

— Узоқ вақт Владимир Ильичнинг Кремлдаги кутубхонасида турди. Ҳозир Марказий партия архивида сақланмоқда. Айтганча, сизнинг агентлигингиз тўғрисида гапириб беролмайсизми? Ўз олдига қанақа вазифа қўйган эди?

— Агар умумийроқ қилиб айтсам, ғарбда Совет Россияси тўғрисидаги ҳақиқатни тарқатиш вазифасини қўйган эди. Чунки Антантанинг «марҳамати» билан у ташқи дунёдан тўла равишда ажратиб қўйилганди. Алоқа қилиш учун фақат радио қолган эди, унинг ихтиёрида. У ҳам революция ишига жони борича хизмат қиларди. Ҳар куни эфирга «Ҳаммага! Ҳаммага! Ҳаммага!» деган нидо тарқаларди. Бу Москва — Совет ҳукуматининг баёнотини, Чичериннинг ғарбни бомбардимон қилган машҳур ноталарини, граждандар уруши фронтларидан берилган маълумотларни, мамлакатдаги ижтимоий ўзгаришлар таъқидига хабарларни бериб турарди. Радионинг аудиторияси, албатта, ғоят катта бўлган, лекин бу ҳар ҳолда қулоқ холос, ишончли кўз бўлолмасди. Приемник ҳам бўлиши керак, у пайтда унга ҳамманинг ҳам кучи етавермасди, эшиттириш вақтини пойлаш, Москвага тўғрилаш, тўлқинни топишга улгуриш керак бўларди.

Қани энди «Ҳаммага! Ҳаммага! Ҳаммага!»ни барча эшитадиган бўлса! Ғоя булоқчаси отилиб чиқди, етилди, кучайди. Мен маслаҳатлашгани Костя Уманскийнинг олдига бордим, у радио маълумот олар, немис тилига таржима қилиб, ахборот учун Австрия ички ишлар министрлигига топширарди. Нега бўлмас экан, дея жонланиб кетди қувноқ топқир Костя — бўлади. Ўша заҳоти, материалларни европа тилларига таржима қилиб, сўл матбуотлар учун кўпайтиришни таклиф қилди.

Россия тслеграф агентлигининг Вена бўлими Роста-Вин (Роста-Вена) шу тариқа майдонга келди. Мен фахрланиб раҳбарлик қилдим, Костя — секретарь бўлди, нашрнинг масъул муҳаррирлигига... Германиядаги энг оқсуяк оилалардан бирининг авлоди граф Ксавер Шаффофгочни унафдик. У уруш йилларида асирга тушган, Россиядаги бўронли ҳодисаларни янглишмай тўғри кузатар ва либерал-демократик қараш билан «касаланган» хушфёъл келишган одам эди. Аммо граф, ўз-ўзидан тушунарли, бошпанагина эди холос. (У ота-бувасидан қолган Юқори Силезиядаги мулкида ов қилишни яхши кўрарди), ҳамма ишлар билан биз Уманский иккимиз шуғулланардик. «Ёш қариялар» дейишарди бизларни.

□

Маълумки, 1919 йил 21 мартда Венгрияда совет республикаси эълон қилинди. Бу тўсатдан ҳамда ўзига хос шароитда содир бўлади: коммунистлар яширин ишлашдан очиққа чиқиб, дарҳол давлат лавозимларини эгалладилар. Ҳукуматга шунингдек социал-демократлар ҳам киришди. Венгрия компартияси нуфузи бу пайтда камчилик эди, социал-демократларнинг сафлари эса миллиондан ошарди.

Венгрия Совет республикаси эълон қилингандан кейин кўп ўтмай, боярлар Руминияси Трансильваниядан унга қарши ўз қўшинини юборди, шундан бир оз кейин Франция ҳамда Италия буржуазиясининг қутқуси билан Чехословакия буржуазия давлати ҳужум қилди. Югославия чегарасида Франция қисмлари тайёр турардилар.

Венгрия республикаси ғоят мушкул аҳволга тушиб қолди.

Мен Венгрия Қизил Армиясига жуда зарур бўлган топография хариталари ясаш билан шуғулландим: Мени 6-дивизиянинг картографи қилиб тайинлашди.

Штабга келиб дивизиянинг сиёсий комиссари Ференц Мюннихга учрадим. Гапимни эшитиб, Мюнних хахолаб кулиб юборди.

— Ҳозир коммунистларнинг сураткашлик қилиб ўтиришга фўрсатлари йўқ! Сизни эллик биринчи пиёдалар полкига комиссар қилиб тайинлайман...

— Мен пиёда эмас, балки тўпчиман, — деб юбордим ногоҳ.

— Яхши, бўлмаса дивизиянинг артиллерия колоннасига сиёсий комиссар қилиб тайинлайман.

Кўп ўтмай шиддатли жанглар бошланиб кетди. Дивизиямиз Будапештдан узилиб, қуршовга тушиб қолди. Лекин Қизил Армия қўмондонлиги бизга ёрдам берди, аҳвол тезда ўзгарди. Қисқа муддат ичида. Венгрия Қизил Армияси Словакиянинг деярлик ҳаммасини озод қилди — у ерда Словакия Совет республикаси эълон қилинди.

Аммо ғалабадан кейинги қувончимиз узоққа чўзилмади. Франция бош министри Клеменсо сиёсий найранг ишлатди, Венгрия ҳукуматида кўпчиликни ташкил қилган социал-демократлар Клеменсонинг битимига рози бўлдилар. Бу битим бўйича Венгрия Совет республикаси Словакиянинг озод этилган қисмини қайтариб бериши, бунинг эвазига руминлар босиб олган Тисса дарёсидан шарқ томондаги областни қайтиб олиши керак эди... Бу орада Дунайда контрреволюционерлар исён кўтардилар... Ички контрреволюцияни ҳар қалай бостира олдик. Аммо интервентлар томонидан ҳар томонлама қуршаб олинган, иқтисодий қамалга маҳқум этилган Венгрия совет республикаси ўзининг сўнгги нафасини олмоқда эди, июнь охириларига бориб, у тугади. Ҳокимиятни эгаллаб олган буржуазия революция жангчиларига нисбатан шафқатсиз террор уюштирди.

Бир куни сал бўлмаса дорга осилиб кетаёздим. 1919 йилнинг августида юз берди бу ҳодиса... Яшириниш керак эди. Буда Будапештнинг оккупация қилинмаган бирдан-бир қисми эди. Биз ўртоқларим билан бирга Жанубий вокзалдан поезд жўнаб кетаётганини эшитиб, Будага бориб, ўша поездга бир илэжини қилиб чиқиб олдик...

Австрияга ўтиб кетишнинг ўзи бўлмади. Махсус рухсатномасиз чегарадан ўтказишмасди. Мен ўшандай ҳужжат топдим-у, лекин унга ишониб бўлмасди. Чегарагача бордик. Ҳужжатим, ўзим кутганимдек, ёрдам бермади, мени ҳибсга олишди. Чегара патрули мени коммунист Полачек деб гумон қилган эди. Полачекни Бутун Венгрия бўйлаб излашаётган экан. Мен у эмаслигимни зўр бериб тушунтироқчи бўлдим, қулоқ солишмади, қайси дарахтга оссалар яхши бўлишини ўзимдан сўрашарди, Полачекни ушлаб олганларидан севиниб. Солдатлар мени вагондан судраб туширишди, юзимга уришди, таҳқирлашди. Мени тасодиф қутқариб қолди, бўлмаса сўзсиз осган бўлишарди.

Бизни ўраб томоша қилиб турганлар орасида Капуварлик битта таниш йигитни кўриб қолдим, у менинг опамга ишқ изҳор қилиб юрар-

ди. Уни қақриб, ҳақиқий исмимни тасдиқлашини илтимос қилдим. У асл исмимни тасдиқлади. Хортичилар гувоҳномамга яна бир бор разм солиб қарашди-да, иккиланиб туриб, кейин қўйиб юборишди, лекин гувоҳномамни олиб қўйишди...

Коммунист Полачек ҳақиқатан ҳам бор одам экан. Тақдирнинг тақозосини қаранги, у билан яқинда ватанимизда учрашиб қолдик. Полачек Совет Иттифоқда муҳожир бўлиб яшар, врач бўлиб ишларкан. Венгрияга олтишинчи йилларда қайтиб келибди. Деярлик ярим асрдан сўнг биз у билан соғ-омон қолганимизни нишонладик.

(Ш. Радо «Дора таҳаллуси билан»).



Муҳожирлик унга минг хил найранглар кўрсатишини; қутириб ёнаётган ўт алангасига юз марталаб ташлашини; қайнаб, кўпириб ётган шаршарага отишини, мингта туйнукдан олиб ўтишини, калласидан ёшлик шўхликларини, романтик хаёлларни топ-тоза қилиб супуриб кетишини, ўттиз олти йилдан кейин ватанига қайтиш учун мандат берилгунигача абжир йигитни дунёнинг пасту баландини кўрган, аччиқ-чучугини тотган катта ёшдаги одамга айлантириб қўйишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

Коммунист-интернационалист, у пролетар курашчилари сафидаги ўз ўрнини билган, мақсадини кўрган, нимага ўз ҳаётини тиккани унга маълум бўлган. Сиёсий душманларининг хили кўп бўлган. Мана улар: қахрамонона коммунистнинг худди юрагига ханжар урган отнинг қашқаси Кунф ва К. сирасидаги венгер буржуазияси ва сотқин социалистлар, румин боярлари ҳамда Италия каллакесарлари — ўзларининг тўтиқушлари дуче бошчилигидаги қорақўйлакчилар, испан исёнчи-фалангистлари ҳамда миллий манфаатларни ва мамлакатни энг нафратли ва хавфли душман герман фашизм ҳокимлигига хоинона топширган Франция корчалонлари, Швейцария жандармаси, шунингдек — пацифистлар, центристлар, битимчилар, ислоҳчилар, оппортунистлар, ўнг социал-демократлар, ҳокимият тепасига чиқиб олиш учун жон жаҳди билан интилаётган сиёсий нғвогарлар, антикоммунистлар, антикоммунистлар ва турли ранг ва қиёфадаги антисоветчилар.

Европанинг урушдан олдинги чигал ва мураккаб сиёсий ҳаётини аралаш-қуралаш партиялар, министрлик кабинетлари, ижтимоий оқимлар, программалар, идеологиялар, концепцияларни, халқ манфаатига зид хилма-хил блоklar, иттифоқ ва бирлашмалар, кенг доврўқли битимлар ва декларациялар, озодлик, тинчлик ва синфий уйғунлик каби сохта шиорлар остига яширинган, ҳаддан ошган сиёсий ҳамда ижтимоий найрангбозларни билиб олиш осон эмасди. Ҳатто Адольф Гитлер (собиқ австрия «гефрейтори» отасининг фамилиясидан орқа этагини очиб қўядиган «д» ҳарфини ахир ташлаб юборди — Гедлер бўлиб туғилди-ю, Гитлер бўлиб қолди — ҳаромзода бир куни ногоҳ ўзининг партиявий «сафдошларининг» филология соҳасига шубҳали қизиқишларини фаҳмлаб қолиб, кўрқиб кетди) ўзини ишчи ва социалист деб атади.

Компос керак эди, у — ленинча таълимот — Радода бор эди. Бу компас универсал, беҳато, ҳаётнинг ўзида чиниққан, синовдан ўтган йўл кўрсаткич эди. У оғишмай тўғри йўлни — ишчилар синфи манфатини, меҳнат аҳлининг озодлик ва бахт йўлини — кўрсатди.

Муҳожирлик йилларида Радо Лениннинг Венгер ишчиларига ёзган хатини тез-тез эслаб турарди. Бела Куннинг илтимоси билан ёзилган бу хатни революцион Будапештга 1919 йил май охирлари Тибор Самуэли аэропланда омон-эсон олиб келган ва Москвага ўша шалоғи чиққан машинасида соғ-саломат етиб олганди. Ушанда Шандор фронтда эди.

Аввал Владимир Ильич пролетар диктатураси, Октябрь сабоқлари ҳақида гапирарди. «Венгер пролетар революцияси, — деб таъкидланарди хатда, — ҳатто кўрларга ҳам кўришга ёрдам беради. Венгрияда про-

летар диктатурасига ўтиш формаси Россиядагига мутлақо ўхшамайди. Буржуа ҳукумати ўз хоҳиши билан истеъфога чиқди, ишчилар синфининг якдиллиги, коммунистик программада социализмнинг бирлиги дарҳол тикланади. Совет ҳокимиятининг аҳамияти яна ҳам тушунарлироқ бўла боради. Энди жаҳоннинг ҳеч қаерида совет ҳукуматидан, пролетариат диктатурасидан бўлак, меҳнаткашлар ҳамда пролетариат томонидан улар бошчилигида қўллаб-қувватланиладиган ҳеч қандай бошқача ҳукумат бўлиши мумкин эмас».

Хат оптимизм билан йўғрилган оташин жумлалар билан, узил-кесил ғалабага ишонч ва умид сўзлари билан тугалланади.

«Сизлар бирдан-бир қонуний, адолатли, чинакамига революцион уруш олиб боряписизлар, — дея мурожаат қилади Ленин венгер ишчиларига қарата, — мазлумларнинг золимларга қарши, меҳнаткашларнинг эксплуататорларга қарши социализм ғалабаси учун уруш олиб боряписизлар. Жаҳондаги ишчилар синфидаги барча ҳалоллик сизларнинг томонингиздадир. Ҳар бир ой жаҳон пролетар революциясига яқинлаштирамоқда.

Бўш келманглар! Сизлар ғалаба қозонасизлар!»

Лениннинг хати венгер коммунистларининг партия тарихига олтин саҳифалар бўлиб кирган, унинг ижодий меросининг гавҳарларидан бирини ташкил этади. У битимчилар, ўнг ва марказчи социал-демократлар билан курашда бебаҳо ёрдам кўрсатди, улар билан иттифоқнинг мустақамлиги ҳақидаги хомхаёллардан огоҳлантирди. У революция қилишни, ҳокимият учун курашни ўргатди, сабот, матонатга, мардликка даъват этди.

## 6

— Александр Гаврилович, Ленин этикасида сизга нима яқин? Унинг характеридаги қайси чизгилар айниқса жалб этади?

— Ленин кўп томонлама, чексиз ҳодиса. Коинот сирларига кириб бориш осон бўлмаганидек, даҳонинг характери чизгисини олиб қараш ва аниқлаш ҳам осон эмас. Лекин мен биринчи ўринга одатдан ташқари мақсадга қаратилганликни қўйган бўлардим. Истакда инсон моҳияти ифодаланади, деган эди Спиноза. Ленинда башариятни бахтиёр кўриш истаги бор эди.

Маркс ва Энгельс томонидан кашф этилган ижтимоий тараққиёт қонунларини билиш, уларни ривожлантириш ва янгиларини кашф этиш, марксизмни қолюқ, капиталистик ижтимоий муносабатлар нуқтаи назаридан мутлақо классик бўлмаган мамлакат чор Россиясининг реал ҳаётига, татбиқ қилиш, Маркс таълимотини миллионлаб меҳнаткашларнинг амалиётига айлантириш, пролетариатнинг илғор отряди большевиклар партиясини барпо этиш ҳамда вояга етказиш, партия билан халқни ғолибкор социалистик революцияга бошлаб бориш ва ер юзидаги энг реакцион режим — чоризмни ағдариб ташлаш, унинг вайронаси устида янги ҳокимият шаклига эга янги давлат — ишчи-деҳқон давлатини барпо этиш, чет эл босқинчилари ҳамда оқ гвардиячи ғалаларга қарши даҳшатли жангларда сақлаб қолиш ва, ниҳоят, инсонга у қул, мияси йўқ, тилсиз маҳлуқ эмас, балки Инсон, ер юзидаги барча мавжудотга хўжайин. табиатнинг энг олий шаклдаги ижоди ва тожи сифатидаги ибтидоий моҳиятини қайтариш — буни фақат буюк мутафаккир ва ниҳоятда қобил ва мақсадга қаратилган одамгина уддалай олади.

Фақат Ленин шундай қила олади.

Ҳар бир кишининг кўзда тутган маълум мақсади бўлади, деганди бир вақт Маркс. Бунақа мақсад, ҳеч бўлмаганда унинг ўзига буюк бўлиб кўринади ва агар уни энг теран ишончи, қалбининг энг самимий

садоси буюк деб тан олса, у чиндан ҳам буюкдир... Лениннинг қалб садоси инсонни озод қилиш мақсадини кўнглига солди. Бу мақсадни инсоният буюк деб тан олди. Бундан кейин мен ленинча тафаккур мантиқи ва оқилликни кўрсатган бўлур эдим. Менинг назаримда, ленинизм номи билан машҳур изчил революцион таълимот ўсиб, ривожланган пойдевор мана шу.

Энди характери белгисига келсак, менга у инсон наслининг минг йиллар давомидаги тадрижий, такомилли давомида яратилган нарсалардан энг саралари саҳийлик билан жойлаштирилган қандайдир қимматбаҳо идишга ўхшаб намоён бўлади. Ҳар бир халқдан табиат зарра-зарра олиб, олмос бунёд этган. Аммо Ленин Лениндир. Табиат тўхфасига у ўз-ўзига қаттиқ тарбия қилиш йўли билан халқ доҳийси, революционер, олимнинг ажойиб белгиларини қўшган. Ана шуларнинг барча қўйилмаси, менинг назаримда, ленинча шахсни ташкил қилади. Бу идишдан чўмичлаб олаверасан, тагига етолмайсан. Юз йиллар ўтди, ер юзнда одамлар авлоди алмашади, лекин бу идиш ибтидосидаги янгилик билан хуш бўй таратаверади. Унга мурожаат қилган бизнинг узоқ авлодларимизнинг ақллари ёришади, қалблари ёшаради.

Ерда яшовчиларга саҳийлик билан истеъдод берилган. Улар оқибат-натияда нафақат Ленин таълимотигагина, балки ленинча қиёфа, кишиларга ленинча муҳаббат, ленинча донолик ва соддалик, ҳар қандай сохталик ва ёлгонга нисбатан ленинча мурасасизлик, меҳнатсеварлик, тиришқоқлик, башарият ишига масъулият, порлоқ келажак учун ишончга эга бўлдилар.

— Жаҳон тарихида сиз пролетар революционери шахси кимда идеал даражада мужассамланганлигини кўрасиз?

— Шубҳасиз, Владимир Ленин шахсида.

— Биз, ленинча иш услуги, деб айтамыз. Бу тушунчада сиз, шахсан, қандай мазмунни алоҳида кўрсатган бўлардингиз?

— Мен, бугунги кунда бу услубни ўзида мужассам қилган одам — Леонид Ильич Брежнев, деб айтаман ва бунга ишонаман. Сиёсатдаги донишмандлик ва сптимизм, кучлар нисбатини баҳолашдаги реализм, тақдирларни бошқарувчи — халқнинг битмас-туганмас кучига ишонч ва инсонпарварлик, коммунистик идеалларни ҳимоя қилиш, тинчлик ва халқларнинг порлоқ келажаги учун кураш йўлидаги қатъийлик ва принципиаллик, шунингдек камтарлик, демократияпарварлик, соддалик ва шахсий жозоба ленинча қиёфадаги ажралмас чизгилардан бошқа нарса эмас. Менинг ватандошларим, бошқа мамлакатлар халқлари Леонид Ильични шундай деб билишади, у ўзининг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» ва «Эсдаликлар» асарлари саҳифаларида худди мана шундай чизгилар билан гавдаланади. Уртоқ Брежневни ҳақли равишда тинчлик меъмори, конструктори дейишади. Чиндан ҳам шундай. Советларга қарши бевош кампания жазавога тушаётган, Вашингтоннинг ноғораси билан ҳарбий васвасалар авж олдириляётган бир шаронгда ўзини тута билиш ҳамда чидам кўрсатиш, иғволарга берилмаслик, ёвузлик ва босқинчи кучларни қутуртириб юбормаслик учун миллионлаб кишиларнинг кўнглига халқаро муносабатларда ғалаба соғлом фикрлилар томонида, иғвогарлар фирромлик қилганлари сабабли ютқиштиларига бўлган ишончни жо қилиш учун чиндан ленинча мардонавор бўлиш керак, Кремлнинг беғубор овози, худди башорат қилувчи қўнғироқдай, жаҳон бўйлаб таралмоқда.

Ленинча услуб қирралари, бу ҳали дарёдан томчи. Лекин буларнинг кўпчилиги ичидан биттасини алоҳида кўрсатишни истайман. Бу — мунозара санъати. О, бу борада Ленин беқиёс санъаткор бўлган! У муҳолифига ўзининг катта нуфузи кучи билан тазийқ ўтказмаган. Амр қилиш, рақибини менсимаслик Ленинга ёт эди. У ўзи билан тенгма-тенг тортишадиганларни ҳурматлар, ҳақиқатни ҳимоя қилар, рақибини масҳара қилмас, хўрламас, балки уни шахс сифатида ҳурматлар, ундаги инсоний фазилатларни қадрларди. Хуллас, у ажойиб, иштиёқманд, омадли мунозарачи эди.

— Сиз коммунистларнинг ҳозирги авлодида Ленин — инсон, Ленин революционернинг қайси белгиларини кўришни истардингиз?

— Мен бу саволга йўл-йўлакай қисман жавоб бердим. Лекин яна тўлдираман. Даставвал — ленинча Инсонийликни олайлик. Маяковский нима дегани эсингиздами: энг инсоний инсон. Ғоят тўғри гап!

Владимир Ильич ўзини минбарга урмас, унда қанотини ёзиб залга дабдаба билан кўзларини қадаб, мисдан қуйилган монументдек савлат тўкиб турмасди. Балки эшитувчи, гапимга тушунаятими, дегандек, уларга кўз ташлар, кўзларига, юзларига, нигоҳларига қарарди.

Ленин пайдо бўлганда зал ҳар гал гулдиродан ларзага келар эди. У тан олинган доҳий эди ва доҳий бўлиб қолди. Октябрь революциясидан икки ойдан кейинроқ «Непсава» газетаси 27-январь сонида Оздадаги металлургия заводи ишчиларидан 6—7 минг киши бўлиб ўз муассасалари яқинидаги футбол майдонида митингга тўпланиб, уни Ленин майдони деб аташга қарор берганларини хабар қилади...

— Ҳаётингизнинг қайси даврида сиз Ленин шахсига фикран мушоааат этгансиз?

— «...Ўзимнинг бутун онгли ҳаётим давомида мен Ленин билан бирга бўлганман. Бир кун ҳам айрилмаганман. У ҳамма вақт мен билан бирга бўлган. Айниқса, тепамда булутлар айланишиб, атрофимда ажал хавфи изғиб қолган бир пайтда, мен Ильич билан маслаҳатлашганман, нима қилиш, қандай чора қўллаш юзасидан фикран йўл-йўриқ олганман.

Қирқ тўртинчи — энг оғир йил эсимда. Рацияларимизни пеленгаторлар сезиб қолишди. Кўпчилик ўртоқларим гестапо ҳамда австрия контрразведкаси қўлига тушиб қолди. Уларни қийнашди, азоблашди. Менинг орқамдан жосуслар изма-из юришар, мен, хотиним, қайнонам ва болалар турадиган уй уларнинг кўз остида эди. Ҳалқа қисилиб келар, исталган пайтда қопқон ёпилиб қолиши мумкин эди.

Биз Лена билан яширин ишлашга ўтдик. Уғилларим охранка қўлига тушиб қолди. Бир танишимизнинг омборхонасида турдик, бутун кенглик — битта ёғоч каравот, бутун ёруғлик — девордаги тирқишдан иборат эди. Полиция формасидаги ёвузлар уларни мактабдан ҳайдаб юборишди, уйдан қувиб чиқаришди, озиқ-овқат карточкасидан маҳрум этишди. Ота-оналарнинг қаерга яширинган, деб ғазабга олишди, лекин болалар, кенжаси энди ўн учга қадам қўяётган бўлса ҳам, индашмади. Шундай танг ҳолатда ҳам Ильич билан маслаҳатлашдим. Таниш овозни эшитдим: бўш келма, Радо, ўзингни хор қилма. Эсингда бўлсин: бешинчи йилда, чор реакцияси авжига минган бир пайтда, ўн еттинчи йилларда уларга осон бўлганми? Уларни зиндонларга солдилар, осдилар, паровоз ўтхонасига ташладилар, тириклайин ерга кўмдилар. Большевиклар таслим бўлмадилар, ўртоқ Радо, ҳаммаси чидади, бардош берди. Пировардида барча ўлимларни енгиб чиқди. Венгер коммунарларини эсла, ўртоқ Радо...

Ленин бизга куч-қувват берди, тушқунликка тушишга йўл қўймади. Биз оғир аҳволдан омон қолдик ва болаларни ҳам қутқардик, озодликда қолган ўртоқларимизни гестаподан асрадик ва яна курашга қатнашдик.

Англиялик публицист Айвор Монтегю бир куни шундай деган эди: «Ленин томонидан ёзилганлар — архив эмас, балки хазинадир. Жанг соати етганда, биз унинг китоблари саҳифаларини худди атака олди-дан пулемет ленталарига ўқ жойлагандек варақлаймиз.

Бундан яхши айтиб бўлмайди.

Ўзини темир интизомга солиш, ички шайлик, мақсад сари интилиш, одамларга, идеалларга ишонч, буларнинг барчасининг табиийлиги — Лениннинг барча қоидалари Радонинг қоидалари бўлиб қолди. Унинг Швейцариядаги ҳаётини тасаввур қилайлик. Ҳокимият, буюртмачилар, Лозанна кўчасидаги 113-уй қўшнилари учун Женеванинг чеккаси майда буржуазия турадиган Сешерон маҳалласи ўзининг, фарзандлари ва қайнанаси учун басавлат олим, ҳозирги замон картографияси

фирмасининг бошлиғи, мулойим ота ва хушмуомала қуёв — кечқурун уйга гулсиз келмасди. Харита ва атлас буюртмалари, алоқа ва борди-келдилар салкам бутун Европа миқёсида эди. Миллатлар Иттифоқи матбуот бўлимидаги почта яшиги — Бутун оламдаги сиёсий ҳаёт марказининг каттакон биноси уйдан бир неча минутлик йўл бўлиб, расмий учрашувлар, иш юзасидан қабуллар, матбуот конференциялари ва ҳоказолар — ҳаммаси ўша ерда бўларди. Буларнинг барчаси; шу жумладан даставвал севган машғулоти — хариталар фақат парда эди холос. Ҳақиқий, яширин фаолият бошқа эди. Булар хавф-хатар, таваккал асосида иккаласи ёнма-ён олиб борилар, бу ишларнинг ижрочилари битта одам, даставвал олим, бизнесмен, разведкачи, оиланинг отаси — Радонинг ўзи бўлганлиги учун кўпинча сохталик билан кесишиб қоларди. У Женева паркиннинг табиатидан роҳат қилиб, бир ганириб ўн марта куладиган дўндиқлар билан гўё автобус ёки трамвайда тасодифан учрашиб қолиб шунчаки ҳамроҳ бўлиб гаплашиб келаётгандек гурунглашар — ишларди. Маълумотлар йиғар ёки вазифалар, буйруқлар берарди. Йиғлагиси келган пайтда кулар, уйга кириб келган меҳмон билан қаҳвахўрлик қилиб ўтирар экан, унинг бошини пачақлаб ташлашга тайёр турса ҳам, унинг душманлигини, гестапонинг исковичи эканлигини биларди, ўзини оғирликка, анқовликка, бефарқликка соларди.

Кечқурунлари эса, уйда, кўчада чироқлар ўчгач, ой билан яккама-якка бир ўзи қолар, унинг сотмаслигига, сирини очиб қўймаслигига ишонар ва билган, кўрган, олган маълумотларини ёлғиз ўзи таҳлил қилар ва солиштирар эди. Лекин сенинг ёлғиз ўзинг эмассан, битта ўзинг учун жавоб бермайсан, қани энди шундай бўлса, осон бўларди-я... Йўқ сен бошлиқ ва ўнлаб жасур ва мард кишиларнинг ҳаётларига жавобгарсан. Бу немислар, австрияликлар, венгерлар, инглизлар, французлар, швейцарияликлар, югославлар, бу Залтерлару Лонгилар, Аннилари Люцилар, Генрихлару Миккилар, Ольгалару Эдмонлар, Пакболару, Жиммилару Сисиларнинг ҳаммаси сени яхши кўрганларидан ё бирон нима тамаъ қилганларидан жонларини тикаётганлари йўқ. Улар нацизмнинг ашаддий душманлари, фидойи қаҳрамон — интернационалистлардир, улар ўз ҳаётларини биринчи социализм мамлакати озодлиги меҳробига сенки билан ёнма-ён қўйдилар. Улар Гитлер — бу даҳшатли офат, Совет Иттифоқига ашаддий душман эканлигини билладилар. Улар сенга содиқ, сен берган вазифа ва буйруқларингни сўзсиз бажарадилар. Гарчи баъзи бирлари учун сен шунчаки Альберт бўлсанг ҳам, бошқа энг яқинлари учун Дорасан. Сен тўғрингда шундан бўлак ҳеч нарса билишмайди, билмасликлари ҳам керак. Сен ҳаммасини — келиб чиқиши, ёши, алоқалари, диди, одати, таъби, кучли ва но-зик томони, қатта ёшдаги болалари, қариндошлари, қайнана, қайнағаларининг исмлари, тураржойларини — ҳамма ҳаммасини билишинг учун ҳеч бўлмаганда рентген кўзга эга бўлишинг керак. Теваракда жанг борарди... Бетараф Швейцарияда тинчлик — ҳа, у ерда сноряду бомбалар портламас, уйлар вайрон бўлмас, ўқлар чийиллаб учмас — фақат тушга кирарди. Башарти, тинч. ухлаш насиб қилса. Хўш, ўзингиз айтинг, шундай вазиятда лапашанг, бўшанг, иродасиз одам бўлиш мумкинмиди?

Ишонч. Ленин ватанига ишонч ҳукмрон эди. Радо бундан бошқа демади. Уларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқига ишонарди. Гитлерчи тўтиқушлар радиоларидан мақтаниб, гўё немис моторлаштирилган ва танк дивизияси 1941 йилнинг ўрталарида Москвадан йигирма-ўттиз чақирим наригача бориб, дурбинларидан Кремль соборлари гумбазларини кўрганликларини оғиз кўпиртириб айтганларида ҳам, разведкачилар Ленин ватанига ишонганлар. Блокаданинг бераҳм қўли ва очлик қамал қилинган Ленинграднинг томоғидан бўғиб олганида ҳам унга ишонганлар. Женевадаги немис кинотеатрида геббельснинг фронт хроникасини — босқинчилар Волгада, бақириб-чақирган, тантана қилган сурбетлик билан Шимолий Кавказни эгаллаб олиб, Баку нефтига интилаётганларини кўрганларида ҳам, Ленин ватанига ишонганлар. Ҳайрон

бўлганлар, баъзан тушунишдан бош тортганлар — бу бўлган, лекин галабага ишончни узмаганлар.

Александр Радо манфур душман устидан галаба ўн еттинчи йилдаги Октябрдаёқ олдиндан белгилаб қўйилганлигини, улуғ Ленин томонидан белгилаб қўйилганлигини биларди. Ўз бахт-саодати, эркин ва озодлигини идроқ этган халқни енгиб бўлмаслигини, Октябрь революциясидан кейин вужудга келган манзарани ўзгартириб бўлмаслигини, География харитасидаги қизил жойни ҳеч қандай гитлер-питлер ўчириб ташлай олмаслигини биларди.

Ҳа, ишонч, эътиқодсиз разведкачи разведкачи эмас.

Эсдаликлар, фақат ўтмишга тан беришгина эмас, ёрқин хотира ҳамдир. Бугунги кунда ёши оғиб қолган пайтда ҳам олий ахлоқий белги сифатида унга таҳасиб қиладилар, қилиқ ва ишларида ундан ибрат оладилар.

Бизнинг азиз Александр Гавриловичимиз ана шунақа табаррук одам.

Бировлар уни салкам «аср разведкачиси», совет Жеймс Бондоси ҳамда айни чоқда арабий Лауренс деб атайдилар, асарлари, киносценарийлари учун разведкачиларнинг образларини ундан оладилар, бир куни ҳар ерда ҳозир у нозир Юлиан Семенов ҳам Штирлиц ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслигини билиш учун тўсатдан бостириб келиб қолди.

Илм оламида номи энг машҳурлардан бири Радонинг амали, унвонининг ўзи менинг рўйхатимда икки саҳифани эгаллайди: У — География фанлари доктори, экономика фанлари доктори, Москва давлат университетининг фахрий доктори, СССР, Болгария, ГДР, Венгрия, шунингдек Париж, Британия қироллиги, Америка География жамиятларининг фахрий аъзоси, Венгриянинг биринчи даражали миллий мукофоти Кашут номидаги мукофот лауреати, ватанимиз ҳамда чет давлатларнинг ўттиз саккиз орден ва медали эгаси (булар ҳақида ҳатто жажжи китобча ҳам чиқарилган). Булар ҳали ҳаммаси эмас. Кўпчилик халқаро региональ ва миллий уюшмалар, агентликлар, комиссиялар, иттифоқлар, картография, экономика, география, геодезия ва ҳоказолар бўйича бўлимларнинг раиси ёки аъзоси.

Кўпинча уни «қалай» деб сўрашади. Қалай бўларди, ўзининг ўзгармас кенглик ва координатлари, циклону довулларига, океану қўлтиқларига, вулқонлару тоғларига доимий одатланиб қолган жуда ҳам ювош, олим одам. Етмиш кишидан иборат разведка группасига тўққиз йил давомида қўлга тушмай раҳбарлик қилишни (разведка тарихида бемисл воқеа!) удалади.

«Разведкачи бўлиб кетишим,— деган эди Александр Гаврилович эсдаликларига ёзган сўзбошисида,— ҳеч маҳал хаёлимга ҳам келмаган эди. Разведка — мураккаб соҳа, у алоҳида тайёргарликни талаб этади. Бу билан шуғулланадиган одамлар махсус мактабларни битирадилар. Мен бўлсам ҳеч қачон бунақа мактабни тугатмаганман. Мени фан, хусусан картография ва география ҳамиша қизиқтирган. Лекин илмий фаолиятдан бошқа менда битта эҳтиросли интилиш бор эдики, у ҳам бўлса, фашизм ва урушга қарши озодлик ва демократия учун-курашда қатнашиш эди».

## 7

Уруш тўс-тўполони Ватанимиз осмонини куйдириб олди. Германия канцлери — босқинчиси деярлик бутун Европани амри-фармонига юргизгандан маст бўлиб кетиб, немис радиостанцияларидан большевизмга қарши «салб юриши» бошлангани тўғрисида жазавага тушиб қичқирди. Женевадан Марказга яшин тезлигида радиogramма жўнатилди. «23.6.41. Директорга. Бу тарихий соатда мудом садоқат икки баъравар куч-қувват билан олдинги постда тураммиз». Бу жиддий, аниқ сўзларда гоят катта хавф-хатар ва шахсий масъулият, қалб дарди ва ғазаби ифодаланган.



Кейин маълум бўлади: бир кун олдин Марказга Осие мате­рики­дан — Токиодан — «Рамзей»дан радиограмма келди. Иккала теле­граммада ҳам революцион бурчга садоқат, жасорат кўрсатиш учун бутун воситаларни сафарбар этишга тайёр эканликларига ишонтири­ларди. Минглаб километр масофа бир-бирларидан ажратиб қўйган иккита совет афсонавий разведкачиси, коммунист — интернационалисти Радо билан Зорге уларнинг иккинчи ватанлари, бутун пролетарларнинг Ватанлари устида қандай хавф пайдо бўлганлигини тушунишди. 22-июнь вақтни раҳмсиз равишда иккига бўлиб ташлади: кеча бўлган нарсалар бундан буён «урушгача», эндиги нарса — уруш, деб атала­диган бўлди. Фашистлар учун, золимона талончилик, босқинчилик, со­вет кишилари учун — адолатли, озодлик, ватан уруши эди бу. Кейин «урушдан кейин» келади. Унинг келиши ҳақида ҳеч ким шубҳа қил­маган.

Зорге билан уларни Берлинда тақдир учраштирган эди, у ерда ик­каласи Германия компартиясининг актив ходимлари эдилар. Бир куни уйга бирга қайтишди. Рихард Радони мотоциклда элтиб қўйди. Кейин Москвада, немис сиёсий муҳожирлари клубида учрашишди. Бир куни эса, РККА Бош штабининг йўлагига тўқнашиб кетишларига сал қолди. Аммо иккаласи «сездирмай» четга бурилиб кетишди.

Радиограммаларнинг кети узилмади. 6 минг! Уруш давомида До­ра шунча телеграмма юборибди. Лекин миқдори эмас, уларнинг ҳай­ратомуз тўғрилиги ҳайрон қолдирарди. Радонинг гитлерчи контрраз­ведка томонидан ушлаб олинган ва гестапо архивларида сақланган маълумотлари урушдан кейин ғарб матбуотига кириб бора-бошлагач, ҳамманинг оғзи очилиб қолди: Ақлга сиғмайди! Вермахт олий бош қў­мондонининг энг яширин буйруқларини, стратегия ҳамда оператив планларини, фашист бонзаларининг махфий гапларини сўзма-сўз би­лиш, дипломатик музокаралар, ҳарбий бўлинмалар, армия гуруҳлари­дан дивизия ва полккача тўпланган ҳамда кўчирилган жойини аниқ билиш. Ақл бовар қилмайди! Бемисл! Ҳайрат эсанкирашга, эсанкираш эса қаҳр-ғазабга айланди. Ашаддий гитлерчи қолдиқлар ва реванш­чилар: «орқадан келиб пичоқ уриш», «асримиз хонлиги», «миллий сотқинлик» ҳақида айҳаннос кўтардилар, «соддадил» фюрерни нобуд қилганлардан ўч олишга ундадилар.

Чиндан ҳам ҳайратланганларича бор эди.

21.2.41 даги радиограмма. «Директорга. Швейцария разведкаси офицерларидан олинган маълумотга қараганда, Германиянинг ҳозир Шарқда 150 дивизияси бор. Унинг фикрича, Германиянинг ҳужуми май охирларида бошланади. Дора».

6.4.41. «Директорга Луизадан. Германиянинг бутун моторлашти­рилган дивизиялари Шарқда. Илгари Швейцария чегарасига жойлаш­ган қўшин жануби-шарққа ташланган. Дора».

2.6.41. «Директорга. Немис офицери билан суҳбатдан. Моторлаш­тирилган барча немис қисмлари совет чегарасида муттасил шай бў­либ турибди... Апрель-майдагига қараганда тайёргарлик рус чегарасида намойишкорона бўлмаса ҳам, лекин жадал ўтказилмоқда. Дора».

17.1.42. «Директорга. Сизнинг 96-номериңгизга. Луизадан. 1. Гер­мания унинг танк қисмларини ҳисобга олмаганда, ҳозир 21 танк диви­зиясига эга. Бу танк дивизияларидан биттаси Бордода, иккита танк дивизияси (15-билан 21 инчи) Ливияда, 16 та дивизия Шарқий фронтда. Голландия билан Норвегияда танк қисмлари йўқ. Битта танк дивизия­си Париж районида ва тўрттаси Германияда тузилмоқда. 1942 йил май ойигача тузиб бўлиниши лозим. 2. Кейинги ҳафталарда қўшинларнинг Шарқий фронтдан Ғарбга келаётган янги транспортлари кўрилмади. 3 Болгарияда (текширилмаган маълумотлар бўйича) 6 немис диви­зияси бор. 4. Шарқий фронтда уч қатор мустақамланган линия бор: биринчи линия: Харьков, Брянск, у ёғи Вязма ва Смоленск орқали Ленинградга боради. Иккинчи линия: Херсон, Смоленск, Ленинград. Учинчи линия: Одесса, Гомель, Ленинград. Мудофаа ишларида Тодт

ташкilotидан юз минг киши банд. Бу мустаҳкам линия Сомме (биринчи жаҳон уруши пайтида Соммеда бўлган жанг пайтидаги линия) билан ДОТлар линияси ўртароғидан ўтади... Дора».

20.4.1943 йил (Гитлерга суиқасд қилингандан бир йил олдин) «...январдаёқ Гитлерни йўқотмоқчи бўлган бир гуруҳ генераллар энди фақат Гитлернигина эмас, балки уни қўллайдиган улфатларини ҳам йўқ қилишга қатъий аҳд қилганлар. Дора».

Шу тариқа, ҳар куни, тўғрироғи, ҳар туни, шаҳарлар, ўрмонлар текислик ва тоғлар, қўллар ва дарёлар, қонли жанггоҳлар устидан Дора келиб турди. Вақти келиб гитлер ҳарбий разведкаси передатчиклари думига ўтириб, бу сирли сўз устида бош қотирадилар. Кечалари уйқу бермайдиган Дора нима? Аёл исмими? Яширин ишдаги лақабми? Группанинг кодга солинган отими? Жойнинг размий белгисими? Фашистларнинг радио исковичлари эфир бўйлаб изғиб ахтардилар, қонхўрлик билан осмонни секторма-сектор искадилар, тимискиладилар. Радиопеленгация лочинлари ўз ишларини аъло билишарди. Уларнинг уйқу билмас радиокўзларидан энг нозик нур ҳам қочиб қутулмасди.

Тўсатдан бир қучоқ радиотўлқинга дуч келиб қолишди-ю, исковичлар Болтиқ денгизи соҳилларига, Кранц шаҳрига келиб қўндилар. Ҳа, шубҳа йўқ. Москва атрофидаги кучли станция ғарб билан жадал суратда радиодиолог олиб борарди. 1942 йил сентябрида тутиш хизмати радио қармовичлари Женева передатчикларига етиб борди. Кейин Лозанна кўчасини қайд қилишди. Сезиб қолган станцияларидан абвернинг пеленгаторлари кечаю кундуз кўз узмадилар. Уларнинг миқдорини аниқлашди — учта, кодли от қўйишди «Қизил учлик».

Ваҳшиёна ов бошланди. Ишни Берлиндаги Матейкирхплатца ўрнашган генерал — Эрих Фельгибель бошчилигидаги радиотехника разведкаси ўз қўлига олди. Рапортлар энг юқорига — абвернинг бошлиғи адмирал Вильгельм Канарисга жўнатиб турилди. Радио группаси устида жиддий хавф пайдо бўлди. Бироқ шифровкани ечиш ишининг энг яхши мутахассислари қанчалик ўлиб турилишмасин, коднинг сирига киришолмади. Канарис ўзини қўярга жой тополмади, уйқусини, ҳаловатини йўқотди. Урнидан турмасидан наҳорга бериладиган қаҳво оғзига тахир, суррагат бўлиб уннади. Обержасус асабийлашар, бошқарма ва бўлим бошлиқлари қутурардилар, жосуслар уясининг қолган аҳлининг қовогидан қор ёғарди. Абвернинг махсус хизмат идораси ларзага келди.

Бунинг сабаби бор эди! Швейцариядан эфирга ҳамон кучли станция овози берилиб турарди. Улар Москвага қанақа ахборот бераётганликларини билиш қийин эмасди. Бу шалпонқулоқ ҳаромзодалар, амал, нишон, мукофот деса ҳар қандай пасткашликдан тоймайдиган гиёҳвандлар, жаллодлар, бузуқлар — тагин ким денг, Канарис қандай кунга қолганини жуда яхши билишарди — пати юлинган товукдай аянч ҳолга тушиб қолган эди. Яна денг, бу Шарқий Фронгда ҳал қилувчи ҳужум арафасида сидир бўлмоқда эди!

Ақлга сигмайдиган шармандалик! Шундай қилиб «Истеқком» операцияси планининг муҳокамаси олдидан сўнгги маслаҳат-мажлисига бункерда тўпланишди. Гитлер ногоҳ худди бўшлиққа қарагандек у томон ғалати қараб қўйди. «Лаънати кўзойнак чақибди», деган гап ўтди кўнглидан. Ойнакдан Гиммлернинг биткўзлари хунук йилтираб кетди. Сотқиннинг ўнг қўли Шеленберг ҳеч кимга билдирмай Женевага бекорга бориб келгани йўқ. Бу сирли сафар қандай мақсадда юз берганини аниқлашни ва Гитлерга хабар қилишни унутмаслик керак. Шошмай тур ит — Генрих, сен ҳам омон қолмайсан!

Фақат декабрдагина дешифровка қилинган телеграммалар папкасини столга қўйишди. Уша куни навбатчиликда бўлган ёшгина фюрерча даҳшатли адмиралнинг столи олдида икки букилиб, садоқат билан таъзим қилди-да:

— Экселенц, мен буни рождество совгаси сифатида тақдим этиш шарафига муяссар бўлдим. Дора бизнинг қўлимизда Хайль Гитлер! — деди.

Адмирал ҳорғин минғиллади: «Хайль». Папкани очди, қоғозга кўз ташлади-ю, ҳуши учиб, боши айланиб кетди. Жонҳолатда қоғозга ёпишди, иккинчи, учинчисини олди. Юзи Альп тоғлари чўққисидаги қордек оқараборди. Пешонасини совуқ тер босди. Унинг олдида вермахт бош кўмондонлигининг энг яширин буйруқлари ётарди. Уларни ҳатто Канариснинг ўзи ҳам билиши мумкин эмасди. Ана булар... бу... қизил кўмондонликнинг кўлига тушганди?! О, худойим! Адмирал кўксини чангаллаб қолди.

— Менинг экселенцим, сизга нима бўлди? — кичқирди бепаросат фюрерча.

— Кўзимдан йўқол, аҳмоқ! — дея хириллади адмирал, кўзларини чақчайтириб. — Ҳайвонлар, сотқинлар, ҳаромзодалар!

Қоғозлар адютантнинг юзига қараб учди. У худди теракнинг баргидек қалтирарди. Энди Шарқий фронтга, тўппа-тўғри ўлимга юборишга буйруқ берилишини биларди. У мукофот, мансаб, даража илинжида эди, акси бўлиб чиқди.

«Қизил учликни» овлаш кучайди. Канариснинг Швейцарияда кэгебичи-мутаассибларнинг сараланган, энг яхши разведка мактабларида таълим олган отрядлари ҳаракат қилаётганликларига имони комил эди. Махсус зондеркоманда тузилди. Немис пеленгаторлари Женева кўлининг Франция соҳилидан, шунингдек Италия ва Германия чегаралари томонидан бутун территорияни излай бошлади. Вазифа радиоквартиранинг қаерга жойлашганини аниқ — маҳалла, уйигача белгилашдан иборат эди. Бунга амалга ошириш учун гурпулага иғвогарлар, гестапо агентлари юборилди. Ёзишмаларнинг бир қисми Марказ томонидан назорат қилинди, шундан сўнг фашист разведкаси маълум вақт мобайнида Марказга Радо каналлари орқали сохта ахборотдан иборат телеграммалар юбориб туриш имконига эга бўлди. Таъқиб халқаси қисиб келарди.

Кейин қамоққа олишлар бошланди. Ҳаммасини така-пукасини чиқариб, даҳшат солиб юрган нарса қаттиқ чигал код эмас, балки сирли, барча нарсадан хабардор Дора, фамилиясининг тескариси Радо холос, миллати бўйича венгер раҳбар, гурпулада битта ҳам малакали совет разведкачиси йўқлиги, Радо ва унинг рафиқасидан бўлак ҳеч ким Совет Иттифоқида бўлмаганлигини билиб, улар ҳайратларидан тилларини тишлаб қолдилар.

Бу уларнинг ақл доирасига сиғмасди. Узининг иблисона назарияси бўйича, гўё немислар худонинг эрка бандалари ва ер орийлар учун жаннат бўлиши лозим ва бошқа қолган ҳамма иккиоёқдилар, иккиқўлдилар — одам эмас, жисман йўқ қилиб ташлашга маҳкум маҳлуқлар, деб даъво қилган; ўзининг ёвуз ниятини ва ишларини қадимий муқаддас белги — свастика остига яширган; ўз онгидан номус, виждон, муҳаббат ва бурч каби асил башарий ахлоқий тушунчаларни ҳайдаб чиқарган; ўз жонларини ҳам худого, ҳам шайтонга арзимаган баҳода — улар марками, долларми, франкми, стерлингми, дрхамми — нима деб аталишидан қатъий назар — сотишга тайёр бу нусхалар бошқа имон-эътиқодни, бошқача ахлоқий бойликни тасаввур қила олмас эдилар.

Радо Канариснинг назарида большевикларнинг пулга ёлланган агенти, жосуси, хоин; Москвада уни иззат-ҳурмат ва мукофотлар кутмоқда, каттагина пул банкда ҳисобига ўтказилган. Қолганлари-чи? Улар Сталин режимидан нима фойда кўрганлар? Қанақа унвон-мансаб ва ижтимоий баҳра олганлар? Совет Иттифоқи тўғрисида умуман нима биладилар, ўз кўзлари билан кўрмаган бўлсалар? Большевиклар уларнинг партияларими ҳали? Россия — уларнинг ватаними? Уларнинг уйлари ва оилалари ўша ердами? Ёки қадимий юнонийлар жаҳоннинг дурдонаси деб атаган, ҳозир вермахтнинг жанглардан кейин шавкатли офицер ва солдатлари соғлиқларини тузатаётган Қримда ёзни ўтказганларми? Уларнинг болалари совет университетларида бепул ўқийдиларми? Йўқ, йўқ, яна йўқ. Минг марта йўқ! Хўш, нима учун, жин урсин, улар ҳаётларини хатарга қўядилар?

Жавоб топилмади. Фашистлар одамларга тан жазоси бериш ва қийнаб ўлдиришнинг энг нозик, қулоқ эшитмаган, кўз кўрмаган усуллари ўрганиб олиб, уларнинг қалбини тушунишни унутиб қўйгандилар. Гитлернинг нацистлар тилида «Майн кампф» деб аталган инжили билан булганган жўн руҳий концепциялари чегарасидан чиқадиган ҳамма нарса уларнинг ақлларига сиғмасди.

Медалнинг орқа томонига қарайлик. Гиммлерчи гестапо, бутун уруш давомида Радога махфий маълумотларни етказиб турган рейхдаги одам ким экан? деган жумбоқ устида бош қотирди. Контрразведка «Қизил учлик» томон қадам-бақадам силжиб борди. Радиопередатчкни пеленгатор билан топишга эришишди, коднинг ичига кира олишди, Марказ билан ўйинга киришишга уриниб кўришди (найрангларини Москва билиб қолди ва сирлари очилди), кўпчилик группа аъзоларининг адрес ва учрашув жойлари аниқланди, агентларини ишга солишди (биттасини ҳатто соддадил радистка қизга «уйлантиришди»), передатчикларни зарарсизлантиришди, Радо устидан материал тўплашди. Берлиндаги манбаларни кузатиб тошиб, зарба бериш қолди.

Аммо ҳал қилувчи қадам қўйилмади. Швейцария разведгруппасини ҳайратомуз хабардор қилиши сирини очилмай қолди. То ҳануз гарблик муаррихлар, ёзувчилар, журналистлар овоза кўтариш учун ҳар хил уйдирмалар тўқийдилар. Жосусликда кимлардан ҳам гумон қилинмади! Ҳатто Гитлернинг партиядош ўнг қўли «партайгеноссе» Борманни ҳам совет разведкасига маълумот етказиб берувчилар рўйхатига киритиб қўйишларига сал қолди.

Радонинг энг ажойиб ходимларидан бири Люци теварагида бири-бирига зиддиятли афсоналар тўқидилар. Бировлар жумбоқ Люци, Рудольф Бёссслерни, «иккинчи жаҳон урушининг энг яхши разведкачиси», Германиянинг чинакам ватанпарвари; бошқалар, неонацистлар, реваншистлар ва уларнинг маънавий руҳонийлари — қизилларга сотилган, немис халқининг хоини, жосуси, дейдилар.

— Бу ёлғон, деди Александр Гаврилович, — Люцини мен «сотиб олмаганман». У нацизмнинг ғоявий душмани, бизлар билан мутлақо текинга ҳамкорлик қилди, ҳеч қандай ҳақ талаб қилмади ўзининг бебаҳо материаллари учун. Зотан, у ҳақ сўраганда ҳам мен Люцига «миннатдорлик» билдирилмасдим, чунки у билан бир марта ҳам учрашмагандим, унинг юзини кўрмаган, асил исмини билмасдим. У мен билан шахсий алоқа қилишни кескин рад этарди. Фақат урушдан кейин, Рёссслер ҳақида сон-саноксиз мақолалар ёзилгач ва китоблар чиққач, унинг таржимаи ҳоли маълум бўлди.

У Баварияда туғилди, ихтисоси журналист, либерал-демократик эътиқодга мойил одам. Фашистлар ҳокимиятни босиб олгач, Швейцарияга қочган. Люцернада нашриёт барпо этиб, унинг эгаси, директори бўлган. Шу ердан туриб нацистлар тузумига қарши унинг Германияда қолган ҳамфикр-дўстлари танлаган қурол билан кураш бошлади. Лекин унинг дўстлари ким, қаерда хизмат қилишган ёки ишлашган, Рудольф Рёссслер аъзо бўлган гитлерга қарши ташкилот қандай барпо бўлган ва ҳаракат қилган, Берлиндан Люцернага махфий ҳужжатлар қайси йўл билан келиб турган — буни ҳеч ким билмасди.

Яқинда яширинлик пардаси сал очилди. Венгрияда Бернд Руланд деган кишининг «Москванинг кўзи» китоби чиқди. Буни Радо ўз китобининг тўлдирувчиси, деб ҳисоблади ва унга сўзбоши ёзди. Руланд, алоқа қўшинининг уруш йилларида вермахт олий бош қўмондонлигидаги телетайп марказида хизматини ўтаган собиқ офицери, сирли хабарчи Рёссслерни ёритади. «Рудольф Рёссслер ўзининг маълумотларини қаердан олган, деган сўроққа, — деб ёзади у, — жавоб жуда содда ва айни чоқда ҳайратда қолдирадиган. Гарчи тарихчилар, ҳарбий мутахассислар ва профессионал жосуслар бунга шубҳалансалар ҳам, улар исботланган фактни рад этолмайдилар. Бир куни, навбатчилик пайтида, деб бошлайди автор, шундай воқеа юз берди...

## ГИТЛЕРГА ҚАРШИ ИККИТА ҚИЗ

Адольф Гитлерга — фюреримиз, фронт орқасидаги қўшинларнинг бош қўмондонига содиқ бўлишга қасамёд этаман ва ўз вазифамни бутун кучимни сарф қилиб, ҳалол, тамасиз бажараман.

(фронт орқасидаги қўшинлар алоқачи қизлари қасамидан).

Бу кеча бошқа ҳаммасига ўхшарди. 1941 йил 14 — июнь шанба куни кеч соат 7 да мен ўз шеригимдан навбатчиликни қабул қилдим ва эшиттириш учун қўмондонликнинг бир неча махфий ҳужжатларини олдим. Алоқа офицерлари уч киши эдик. Биз Берлин Бендлерштрассесида галма-гал навбатчилик қилардик.

Мен алоқа ҳужжатларини қайд қилдим, кейин адресларга юбориладиган бинога олиб бордим. Телетайп аппаратлари олдида ўтирган кўкиш халатли ўнта қизга чин қалбимдан салом бердим. Телетайплар ажойиб эдилар: эшиттириш пайтида улар текстни шундай мукамал шрифлар эдиларки, ҳеч қанақа душман разведкаси кодлар системасини еча олмасди. Қўмондонликнинг бош ставкасидаги ёки бирон бир армия, ёки Рейхнинг бирон бир олий муассасаси ёки вермахтнинг Париж, Белград ёки Бухарестдаги қўмондонлигидаги қабул қилувчи аппаратлар ҳақиқий текстни бир лаҳзада қайта тиклар эдилар. Махфий телеграммаларни юбориладиган адресларига, муддатларига қараб аппаратчиларга бўлиб бердим. Уша куни кечқурун мен Анжелика фон Пархим билан алоҳида саломлашдим, унинг ишдаги суръати, жозибаси жуда яхши таассурот қолдирганди. Анжелика, унинг олдида борганида, бесаранжом бўлиб қолганини кўриб ҳайрон бўлдим. Уни ҳеч қачон бундай аҳволда кўрмагандим. Бармоқларини у аппарат клавишларидан олганида, бармоқлари қалтираётганини сездим.

— Сизга нима қилди, Анжелика? — деб сўрадим.

Уни бошқа қийнагим келмади. Столдан телеграммани беихтиёр олдим, генерал-полковник Фромм (Фронт орқасидаги қўшинлар қўмондонни, армия таъминоти бошлиғи)га юборилиши керак экан адресига кўра. Телеграммада «Барбаросса» (СССРга юриш) плани бўйича зарур дивизиялар рўйхатида дарҳол кўзим тушди, телеграммани ўқиётганимда Анжелика сезиларли даражада асабийлашди.

— Тобингиз йўқми? — деб сўрадим.

— Йўқ, йўқ... Фақат...

Қизнинг овози чиқмай қолди, кўзларида қўрқув акланди. Шу пайт унинг тиззасидаги ингичка оқ лентани кўриб қолдим... Айтиш мумкин, ҳеч қанақа мақсадсиз, беихтиёр суратда бу лентадаги бир неча сўзни ўқидим. У генерал-полковник Фроммга юбориладиган телеграмманинг копияси эди...

— Бу махфий телеграммадан нима учун нусха кўчирдингиз? У ахир битта адресга аталган-ку.

Анжелика нимадир демоқчи бўлди, аммо лабидан битта ҳам товуш узилиб чиқмади. Бу ерда бир гап бор, деган фикр хаёлимдан ўтди.

— Сиз мендан бир нимани бекитяпсиз. Илтимос, орқамдан юринг. Тушунтириб беришингизни кутяпман, нима учун телеграммадан нусха кўчирдингиз?..

Бир лаҳза Анжеликадаги довдираш ғойиб бўлди. У менга бу нусхани хотиржам узатди. Мен уни ғижимлаб, шинелимнинг чўнтагига солиб қўйдим. Анжелика фон Перхим орқамдан хотиржам эргашиб келарди. Менинг иш кабинетим эшигига етай деб қолганимизда у менга қаради:

— Сиздан жуда илтимос қиламан бу ерда гаплашмайлик. Буни эртага эргалабга, навбатчиликдан кейинга қўйиб бўлмасмикан. Ушанда ҳаммасини тушунтириб берардим.

Мен дарҳол жавоб қилмадим, чунки ўзимни қандай тутишни билмасдим. Миям бир неча дақиқа шиддат билан ишлади. Барча қоида-

ларга хилоф қилиб, сўз бойлигимдан «бурч» сўзини олиб ташладим-да, Анжеликага жавоб қилдим.

— Майли, лекин мен бор ҳақиқатни билишим керак.

— Бундан кўнглингизни тўқ қилинг,— деди у дадилланиб. Овози худди юрагини босиб қолган тош тушиб кетгандек тетик эди.

Тушдан кейин биз Анжелика билан ҳайвонот боғи олдидаги вокзалнинг кутиш залида учрашдик. Иккаламиз граждандача кийингандик. Залнинг бир бурчагидаги столга ўтириб олиб хотиржам суҳбатлашимиз мумкин эди. Официант эрзац — қаҳво келтирди. Биз чекишиб, дастлабки дақиқаларда сал-пал довдираб, анчагнна кир дастурхонга қараб қолдик.

Зал гавжум, отпускарларидан ўз қисмларига қайтаётган солдатлар... Вокзал шароити учун хос бу вазиятда менинг олдимда сир очилди, уни билиш мен учун хатарли оқибатларга олиб бориши мумкин эди.

1941 йил 15-июнь куни мен билган нарса сирнинг бир қисмигина эди, холос, қолганини уруш тугагандан икки йил кейин батафсил билдим.

Анжелика фон Пархим менга Берлиндаги Швейцария элчихонасида учинчи рейхнинг мағлубиятини истовчи битта дипломат билан дўстлашганини гапириб берди. Унга «мутлақо махфий-ахборотни» бир неча бор берган... (фақат урушдан кейин Анжеликадан эшитдимки, у муҳим телеграммалар копияларини берган одам Швейцария дипломати эмас, балки немис офицери бўлган).

— Анжелика! Нима қилиб кўйганингизни биласизми? Буни жосусликдан бошқа нарса деб бўлмайди. Узингиз ҳам бу қандай жазоланишини, шубҳасиз, биласиз. Агар мен айтмасам, сизнинг ҳамкорингиз сифатида жонимни хатарга қўяман.

Биз яна чекдик ва бўш чашкаларга қарадик. Официант яна қаҳво келтирди. Анжелика яна тилга кирди.

— Сизга қасам ичиб айтаманки, агар қўлга тушгудек бўлсам, сизни сотмайман.

— Сиз ҳам менга суянаверинг. Ҳеч кимга айтмайман.

— Ташаккур.

Менинг қарашим чиндан ҳам Анжеликага ёмонлик соғинмаслигимни ифодалаган бўлса керак.

— Агар буни мен бас қилмоқчи бўлганимда ҳам...

— Худо ҳаққи!— дея гапини бўлдим.— Бу хавфли ўйинни давом эттирмоқчимисиз? Ақлдан оздингизми!

— Аксинча! Балки бу бошқача эшитилар-у, лекин бошқача айтолмайман. Мен ҳақиқий ватанпарварман ва ишонаманки, энг яхши немислар нацист эмаслар. Сиз Россияга бўлажак юриш яхшилик билан тугайди, деб ўйлайсизми?

Кейинги хафтасида навбатчилик қилганимда махфий ҳужжатлар бериладиган бинога кирдим, Анжеликанинг аппарати олдида тўхтамадим. Мулойим саломлашдик.

1941 йил июлда радио ҳар куни немис қўшинларининг Россиядаги муваффақиятлари ҳақида хабар бериб турган бир пайтда, мен Анжелика билан ҳайвонот боғи олдидаги «Прелат» қаҳвохонасида яна учрашдик. Урушдан бўлак ҳамма нарса тўғрисида гаплашдик. Анжелика ўз ҳаётини, менинг олдимга номаи аъмолини қўйгандек, гапириб берди.

У 1916 йилда туғилган. Ўрта мактабни битиргач, Росток ва Берлинда филология факультетида ўқиган. Унинг отаси камбағаллашган дворян, пруссиялик, рейхсвер (Веймар республикаси армияси) офицери...

— Илтимос, мен айтган нарсалардан қўрқманг ва дарҳол унутиб юборинг. Отам бир неча йилдан буён Гитлерга қарши суиқасд уюштирмоқчи бўлиб юрган офицерлар билан алоқа қилади. Мен уни қўлашим ва курашга ўз ҳиссамни қўшишим лозимлигини тушунишингиз

керак. Уқитувчи сифатида бунга имкониятим бўлмади, шунинг учун отамдан сўраб, мактабдан бўшадим ва армияга кирдим.

Анжелика ватанга хиёнат ҳақида ҳайратланарли даражада очиқ гапирар, бу билан менга чексиз ишонаётганини сезардим. Шу туфайли сўзсиз таслим бўлдим. Нима деётганини қиз тушунармикан? Келгусида у ёлғиз қолиши мумкин эмас. Бунга ҳеч қачон йўл қўймадим.

Фақат урушдан кейин билдимки, телетайп марказида Анжеликанинг ҳамкори бор экан. У ва дугонаси Мария Калушши ҳеч қачон бир сменада навбатчилик қилишмаган. Мария навбатчилик қилганида ҳужжатлардан олган копиясини Анжелика билмаган. Агар телетайпчи қизлар орасида учинчи сменада ҳам жосус қиз, яъни ахборотчидан биттаси бўлганида, Вендлерштрасседаги алоқа Марказида «туйнук» бўлмасди.

(Б. Руланд. «Москванинг кўзи»).

В. АРХАНГЕЛЬСКИЙ ◆ ЮРАКДЕК БЕТИНИМ

Урушдан сўнг Руланд Анжеликани мард антифашист аёлдан қасоскорлар ўч олишларини ўйлаб, (бу исми автор ўзи тўқиган) Фарбий Германиядан излаб топти. Эски дўстлар учрашувдан қувондилар. Анжелика энди кексайиб қолган, ўзи билан дугонаси Мария Калушши (Бу исм ҳам авторнинг тўқимаси)ни ҳам бошлаб келди. Уларнинг иккаласи маҳфий ахборотни вермахтнинг умумий бошқармаси офицери (китобда — майор фон Кемпер) топшириб турганлар, у эса уни Люцернга Рёсселерга юбориб турган. Ўч олишларидан қўрқиб, аёллар ўзларининг асл исмларини ўлганларидан кейин айтиши юзасидан унинг сўзини олганлар. Лекин «Москванинг кўзи» китобининг автори, — Фарбий Германия матбуотининг хабар беришича, асари босилиб чиққандан кейин кўп ўтмай, тасодифий «автомобил ҳалокати» пайтида қурбон бўлган. Руланд сўзбошида, вермахтнинг собиқ офицерларидан, душман орттиришини айтган эди. Афтидан, шундай бўлишини олдиндан билган экан.

— Александр Гаврилович, Швейцариядаги ҳаётингизда энг оғир кунни эсласангиз.

— 1941 йил 22 июнь, Совет Иттифоқига қарши урушнинг бошлангани ҳақида Гитлер радиодан нутқ сўзлаган пайт. Бу — менинг ҳаётимда умаман энг фожиали кун.

— Умидсизлик дақиқалари-чи, бўлганми?

— Албатта, бир неча бор. Мен инсонман ва Маркснинг ажойиб гапини такрорлайман: одамий нарсалардан ҳеч қайси бири менга ёт эмас. Сиз кўришингиз лозим, ўзимнинг китобимда разведкачи образини бирмунча реаллаштирганман, ходимларимни, шубҳасиз, мард, жасур кишиларни ўлим билан худди беэён қўғирчоқ ўйнагандек ўйнашаверадиган суперменлар қилиб эмас, энг оддий одамлар сифатида кўрсатганман. Уларнинг турмуш тарзларида ва хулқларида ҳеч қанақа хориқуллодлик сезмаганман. Ҳаммага ўхшаб, содда, оддий ҳаёт кечирганлар. Кўнгли бўшлиқ қилган, иккиланган онлари ҳам бўлган, баъзан асаблари ва иродалари бардош беролмасди, хатога йўл қўярдилар. Йигирма уч яшар радистка Роза, группанинг энг ёш аъзоси, масалан, биттасини севиб қолиб, мендан яшириб, эрга тегади, кейин билсак, у... айғоқчи экан. Бу «эрга тегиш» бизга қимматга тушди. Қолган бошқа ҳамма нарсада ҳеч қанақа фавқуллодда ҳодиса, мўъжиза юз бермади. Хизматимизни адо этдик, севдик, баҳслашдик, болаларни тарбияладик, Лена билан биз иккимизга ўхшаб, уй-рўзғор ишларини юритдик ва — разведка билан шуғулландик.

Мен ҳам хатодан ҳоли бўлмадим. Баъзан ахборотчиларга ҳаддан ташқари ишониб юбордим ва Марказга яхши текширилмаган телеграммалар жўнаган пайтлар ҳам бўлди. Аммо энг оғир синовлар сир очилиб, бирин-кетин қамашлар, рацияларни тортиб олишлар рўй берганда бошланди. Мен яширин ишга ўтишимга тўғри келди. Полиция мени бутун мамлакат бўйлаб қидира бошлади.

Менинг икки юзта фото-суратим полиция агентларига тарқатилган

эди. Гиммлернинг севиқли набирачаси, СС бригаденфюрери, рейх разведкасининг бошлиғи, ўзининг Беркерштрасседаги оламга тармоқ отиб кетган улкан агентура тўрининг бошқарувчиси Вальтер Шеленберг яширин суратда Швейцарияга келиб турди. Мамлакатнинг махфий хизматчилари олдиға: Радони тутиб олиб, гестапога топширишдан иборат қаттиқ талаб қўйди. Бу ишга нацистларнинг кўп сонли шу ерлик резидентураларидан ташқари, бир гуруҳ исковичлари ҳам жалб қилинди. Риббентроп Швейцария ташқи ишлар департаментига бешинчи марта расмий нота юбориб, мени қамоққа олишни талаб этди, айни чоқда мен тўғридан-тўғри совет разведкачиси аталардим. Шундай қилиб, аҳвол жуда ҳам чатоқлашди. Мен эса Лена билан бир танишимнинг чордоғида яшириниб ётардик. Менга ҳаётим қаттиқ хавф остида қолгани эмас, балки ўзимнинг ожизлигим, ишлашга имконим йўқлиғи, бадҳоҳ душманни тор-мор қилишда Қизил Армияга ёрдам беролмаётганим алам қиларди.

— Бахтиёр кунлар ҳам бўлганми?

— Албатта, кўп бўлган. Биринчиси, Сталинград жангги ҳақидаги хабар келганида, Гитлер Германиясида Паулюс армиясига мотам тутилиб чалинган қўнғироқлар Лена билан менинг қулогимга қувончли куй бўлиб кирган эди, иккинчиси — Ғалаба куни, биз уни Францияда, қаршилик кўрсатиш ҳаракати жангчилари орасида қарши олдик. Хўш, ҳаётимдаги энг бахтиёр кун — Ленин билан учрашув.

## 8

— Швейцарияда Владимир Ильич асарларига мурожаат қилишингизга тўғри келдими?

— Қаерга борса худди тумордек тақиб юрадиган муқаддас жилдча менда йўқ эди. Уни олиб юришга ҳаққим йўқ эди. Лекин мен Ленинсиз яшолмасдим. У билан узлуксиз фикран маслаҳатлашдим...

Женевада халқ кутубхонаси бор. Мен у ерга бориб турардим. Ўқув залидаги тоқчалардан сездирмайгина Ленин асарларини олиб, уни мутолаа қилишга муккамдан кетардим. Унинг асарлари саҳифаларини варақлаб, марксча тафаккурни ўрганардим. Бунинг устига нисбатан ёш эдим. Уруш ҳавфи, ундан кейин эса урушнинг ўзи,— деб ўйлардим мен,— умрбод эмас. Фашизм янчиб ташланади, яна тинч ҳаёт бошланади, ўзимни бутунлай илмга бағишлайман. Ғоявий пойдевори йўқ олим қанақа олим? Ленинсиз илм илми?

— Сиз турли мамлакатларда бўлгансиз. Ленинга нисбатан халқ муҳаббати намоён бўлган ёрқин фактларни айтиб берсангиз.

— Бундай фактлар кўп. Бир куни мен фашистлар Италиясига Марказнинг топшириғи билан Франкога ёрдам бериш учун интервантларнинг қанақа кучлари Испанияга юборилаётганини аниқлашга борганимда, жуда баландликда, атрофида бургутлар учиб, қайноқ осмон жимирлаб турган деярлик тик қоя устида «Яшасин Ленин!» деган шиорга кўзим тушди. Қоракўйлакчилар бир неча кун уриниб, қоятошга чиқолмадилар. Махсус альпинистлар командасини чиқаришга мажбур бўлдилар. Испанияда бошқачасини кузатдим. Битта деҳқон кулбасининг уйи бурчагида одатдаги бут, Исо алайхиссалом ёки биби Марям она сурати турадиган жойга Ленин портрети қўйилган, кекса аёл, тиз чўкиб, унга ибодат қиларди. Ҳамқишлоқларининг айтишларича, унинг эри ҳамда иккита ўғли республикачи армия сафида жанг қилган, учаласи ҳам ҳалок бўлган экан.

— Сизнинг шиорингиз?

— Ҳамма нарсада Ленинга ўхшаган бўлиш. Коммунистик идеалга садоқат. Ҳеч қачон ноумид бўлмаслик.

— Қайси ёзувчини яхши кўрасиз?

— Генрих Гейнени.

— Севган қаҳрамонингиз?



— Лайош Кашут.  
— Бахт тўғрисидаги тасаввурингиз?  
— Одамларни деб курашиш. Севган соҳанг бўйича меҳнат қилиш.  
Шунингдек қолган умрни ўз оила аъзоларим, невараларим билан бир-галликда ўтказиш.

— Нимани орзу қиласиз?  
— Ер юзида социализмнинг ғалабасини.  
— Нимага ишқибозсиз?  
— Классик музыкага.  
— Инсоний фазилатлардан қайси бирини қадрлайсиз?  
— Самимийликни, очиқликни, тўғриликни.  
— Нималарни ёмон кўрасиз?  
— Мансабпарастлик, фитнесчилик, ифвогарлик, сансалорчиликни.  
— Сиз Совет Иттифоқида кўп марта бўлгансиз. Мамлакатимиз ҳаётининг қайси томони Сизни кўпроқ ҳайратда қолдиради?

— Ижтимоий ҳамда иқтисодий тараққиёт. Ҳозирги Совет Иттифоқи мен 1921 йилда кўрганим Россияга нисбатан мутлақо янги давлатдир. Уни амалда ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Битта сафарим ҳақида гапириб бераман. 1980 йилда Ўзбекистонда бўлдим. Буни анчадан буён орзулаб юрардим ва бу саёҳатим ажойиб саёҳат бўлди.

Биринчи марта тақдир мени бундан деярли ярим аср муқаддам бир гуруҳ венгер олимлари қатори Туркистонга олиб бориб ташлаганди. Ушанда бир қатор репортажлар ёзганман, китоб чиқарганман. Шарқдаги бу Совет республикасида одамлар қандай турмуш кечираётганини кўргим келиб юрарди. Бир куни десангиз, Тошкентдан таклифнома олдим. Тезда йўл тадоригини кўрдим. Самолётга ўтирдим, учиб бордим. Шунчалик самимият ва хурсандчилик билан кутиб олишдики, тасвирлашга сўз тополмайман. Гўё мендан азизроқ меҳмон йўқ эди. Ўзбекининг паловидан лаззатли таомни умрим бино бўлиб ҳеч қаерда емаганман, чойни айтмайсизми, агар унутган бўлмасам, тўқсон бешинчи шекилли — агар ихтиёр менда бўлса биринчи номер берган бўлардим — ўшандан буён уни ҳеч нарсага алишмайман.

Қарангки, у ерга борганимдан кейин у ўлкани танимай қолдим. Худди биринчи марта боргандай бўлдим. Уша Тошкент, Самарқанд, Бухоро деган шаҳар кўчаларидан юриб, уларнинг қиёфаларига қарайман, бундан ярим асрдан буён хотирамда асраб юрган шаҳарларга қиёслайман, лекин эскиликдан асар ҳам тополмайман. Майли, шалпанг қулоқ эшак бўлса ҳам кўрсам дейман. Миноралар устига чиқиб азон айтадиган муаззин ҳам йўқ.

Тошкент бир қаватли уйлардан иборат, кўчалари чанг, иссиқда куйиб-ёниб ётган шаҳар сифатида эсимда қолганди. Иморатлари тартибсиз, бозорлари шовқин-суронли, сон-саноқсиз кўчалари эгри-бугри, хилват.

Самарқанд билан Бухородаги ёдгорликларнинг вайроналари қайғули таассурот қолдирганди. Мен ёш эдим, Умар Хайём, Низомий, Фирдавсий, Жомий ва Навоийлар куйлаган шарқ гўзаллини кўргим келарди. Афсус, улардан кўпчилиги паранжи-чачвонга бурканиб олганди.

Энди менинг кўз олдимда бутунлай бошқа шаҳар, бошқа одамлар намоён бўлди. Эрта баҳор эди, табиат Шарқнинг бемисл бўёқлари хазинасини очмоқда эди. Ўзбекистон ўзининг социалистик қиёфасидаги янги бўёқларининг бутун ранглари билан ял-ял ёниб товланарди. Машҳур Гўри Амир гумбазининг феруза ранги нилий осмон билан баҳслашиб товланарди.

Мактабда ўқиган китобларимиздаги афсонавий мамлакатнинг ўзгинаси. Тошкент, менинг назаримда, жаҳондаги энг гўзал шаҳарлардан бири, Европадаги исталган пойтахт шаҳарлар билан бемалол рақобат қила олади. Унинг меъморлик ансамбллари ажойиб. Театрлари, музейлари ва картина галереяларини қўяверасиз! Боғлари, парклари,

фавворалари! Одамлари-чи! Улканинг асосий бойлиги ана шу одамлари, улар янги дунёни яратишга қодир бахтиёр кишилар. Қадим куйчиларнинг: гулдор миллий кийимдаги латиф, шахло кўз, қора қош ўзбек аелидан ўтадиган гўзалроқ оламда ҳеч кимса йўқ, деган мақтовларининг ҳақлигига энди ишондим. Уларга қараганинг билан ҳеч кўзинг тўймайди. Самарқанд билан Бухоро шаҳарлари эскиликдан қолган обидаларнинг қайта тикланганлиги билан пойтахтга ярашиб турадилар.

Ёшим оғиб қолган пайтида Ўзбекистонга борганимдан мамнунман. Энди бемалол айтишим мумкин: агар Совет Иттифоқида амалга оширилган, яъни чинакам одамий, ажойиб қиёфали социализмни, у одамларга нима берганлигини билмоқчи бўлсангиз — Ўзбекистонга боринг. Бундай маслаҳат айниқса сўнги пайтда болалаб кетган «евро» ва ўзларини марксистлар деб атагучи, аммо социализмнинг ҳар хил ясама моделларини кашф қилишга ишқивоз бошқа сохта назариётчиларга фойдалидир. Энг тўғри ва ягона ҳаётий модель Ленинникидир.

— Совет кишиси маънавий қиёфасида сиз нимани кўпроқ характерли деб биласиз?

— Коммунистик эътиқодни. Тинчликсеварликни. Оптимизмни. Ахлоқий покликни.

— Александр Гаврилович, ҳозир сиз Ленин билан шахсан мулоқотда бўлган тирик венгерлардан бирисиз.

Унинг қошлари сал керилиб, туташ ери буришди, нигоҳи жиддий тус олди. Демак, иродаси йиғилди, хотиралари сафарбар қилинди, фикри шаклланди.

— Илгари улар кўп эди, — дея гап очди Радо. — Россиядаги ҳарбий асирлар ҳаракатида венгер интернационалистларининг роли маълум. Улар Москва, Петроград, Тверь, Киев ва бошқа кўп ерларда Советлар ҳокимияти учун курашда қатнашдилар. 1918 йилнинг кўкламида Бела Кун РКП(б)нинг венгер гуруҳини ташкил қилди, кейинроқ эса ҳарбий асир коммунистларни бирлаштирган ва большевиклар партиясига кирган барча хорижий гуруҳлар федерациясига раис қилиб сайланди. Бела Кун ҳам, Тибор Самуэли ҳам ва бошқа кўпчилик ҳам Владимир Ильич билан учрашганлар. Лекин битта мутлақо ҳайратомиз факт борки, уни бутун Венгрия билади.

Кремлда Халқ Комиссарлар Совети биносида энг муҳим, 27-сонли постда Ленин квартираси ҳамда кабинетини битта венгер кўриқлаган. Унинг исми Янош, фамилияси Мейсарош эди. Мен у билан австрия армиясида бирга хизмат қилган эдим, танирдим. Ниҳоятда ҳалол ва камтар одам эди. Ўз навбатчилиги пайтида ҳар куни эрталаб, Владимир Ильич ўз одатига кўра, чорак кам тўққизда квартирасидан чиқиб тор йўлакдан кабинетига ўтиб борар экан, Янош: «Салом, ўртоқ курсант!» деган меҳрибон овозни доим эшитарди. Кейинроқ, Ильич оламдан ўтгач, мотамсара йиғирма тўртинчи январь кунларида коммунист венгер Мейсарош доҳий мавзолейи олдидаги биринчи номерли абадий қоровулликнинг биринчи разведкачи бўлди.

Кейинчалик менга ўхшаб, разведкачи бўлди.

Халқ билан Ленин мен учун ажралмас тушунчанинг асл моҳиятидир. Мана мен сиз билан ўтирибман, кўз олдимда эса тирик Ильични кўриб турибман, овозини эшитяпман, илиқ кафтини ҳис қиляпман...

Хотирамда, Коминтерн конгрессига кўзга кўринган революционерлар ҳар томондан келишди. Кремль залининг қаерига нигоҳ ташламанг, ҳамма ерда ер куррасининг қизил гвардияси — коммунистик ва социалистик партияларнинг, демократик ҳаракатларнинг, КНМ йўлбошчиларининг пешқадамларини кўрасиз. Минбарда кўп нотиклар гапиришди.

Бирдан Ленин минбарда пайдо бўлди. Ер юзида биринчи коммунист! Ушандан буён биз бир-биримиздан ажралмадик. Ленин ва мен, венгер Шандор Радо. Ленин — барча манбаларнинг манбаи, бар-

ча ибтидоларнинг ибтидоси. Мен у туфайли тирикман. Ленин фалсафаси — менинг дунёқарашим. Унинг революцион таълимоти — менинг эътиқодим. Этикаси менинг шахсий маънавий кодексим. Лениннинг иши — менинг ҳаётий ишим.

— Александр Гаврилович, сизнинг ҳаётингиз — ибрат, андоза — намуна. Венгер болақайлар сиздек бўлишга интиладилар, сизни ўз қаҳрамонлари ҳисоблайдилар. Кўпларига сизнинг шарафингиз учун Шандор деб исм қўйишган. Ўзингиз мамнунмисиз ҳаётингиздан. Уни яна такрорлашга кўнармидингиз?

— Ўзбекистонда яхши мақол эшитдим: «агар сен ҳаётингда ақал-ли битта дарахт эккан бўлсанг, демак, умринг зое ўтмабди». Афсуски картография дарахт экмайди, разведкачиларнинг машғулоти бошқача. Лекин менинг умрим кимгадир маънавий бойлик ўлчови бўлиб хизмат қилар экан, демак, у зое кетмаган. Умуман мен ўз умримдан мамнунман...

— Агар мўъжиза юз берса-ю, сиз В. И. Ленин билан учрашиб қолсангиз, унга нима деб айтган бўлардингиз?

— Афсуски, бундай мўъжиза юз бермайди. Ҳар қалай, бундай бўлса-чи? Ленин — бу бутун бир дунё, дунё ҳақида ҳар қандай сўз камлик қилади. Шунинг учун мўъжиза юз берса, мен, балки «Раҳмат» деган бўлардим ва таъзим қилардим...

Радо соғ-саломат. У Ленин билан бирга яшамокда.

Будапешт — Москва — Будапешт.

Ҳайдарали НИЁЗОВ таржимаси

В. АРХАНГЕЛЬСКИЙ ◆ ЮРАКДЕК БЕТИНИМ

Лениннинг услуби содда ва жиддий, нутқларида жим-жимадорлик, образлар таъсирини камайтирувчи жумлалар учрамайди. Лекин, ўз ўрнида ишлатилган мазмунли ибора тўсатдан вужудингни қамраб олади, кунлар ўтгани сайин, ибора тобора онгинга чуқурроқ ўрнашади, замиридаги улкан маъноси билан сени кўпроқ ўйлантиради. «Ҳа, албатта! Асосий мақсад ҳам шу! Фақат шундай ёзиш керак!» — деб ўйлайсан. Мен учун қўлланма бўлган Лениннинг ҳар бир мақола ёки нутқи революцияни матонат-ла давом эттиришни таъкидлаганина қолмай, балки уни амалга ошириш йўлларига мўъжизам кўрсатиб берган.

Альберт Рис ВИЛЬЯМС,  
АҚШ.



Эркин Самандар,

Ўзбекистон Ленин комсомоли  
мукофоти лауреати.



**Б** оболар ер билан мушфиқ эдилар,  
Кун бўлсин, тун бўлсин — ерга  
андармон.

Пешона терини артиб дердилар:  
Сероб бўлсин пахта, сероб бўлсин дон!

Бизлар ҳам шу замин фарзандларимиз,  
Бизга ҳам шу замин она, меҳрибон.  
Бизнинг ҳам энтикиб айтар сўзимиз:  
Сероб бўлсин пахта, сероб бўлсин дон!

Уйга меҳмон келса қувонмоқ одат,  
Дастурхон файзидир оддий тузу нон.  
Элда кўп бўлади тўй-у зиёфат,  
Сероб бўлса пахта, сероб бўлса дон.

Руда ҳам керакдир, олтин ҳам даркор,  
Космосга кўз тикиб турибди жаҳон.  
Мисгар ҳам, заргар ҳам хотиржам яшар,  
Сероб бўлса пахта, сероб бўлса дон.

Беш қўлдай қардошлар жамулжам бўлар,  
Кўзни қўрқитолмас ҳар қандай доvon.  
Саламда, эҳтимол, низо кам бўлар,  
Сероб бўлса пахта, сероб бўлса дон.

Висол кўчасига кулиб ёр чиқар,  
Ошиқлар бахтидан яшнар боғ-бўстон.  
Шоир овози ҳам жарангдор чиқар,  
Сероб бўлса пахта, сероб бўлса дон.

Қора тупроқ аро унар оппоқ нур,  
Шуълага бурканар поёнсиз осмон.

Пахта ҳам мўл бўлур, дон ҳам мўл бўлур,  
Омон бўлса инсон, омон бўлса жон.

Курраи заминда не ҳам топилмас,  
Менга-ку, бас, ёзсам нурли шеър, достон.  
Самандар орзуси ушалмай қолмас,  
Омон бўлса Ватан, омон бўлса жон!



*Паҳлавон Маҳмудни хоразмликлар Полвон ота  
дейишади. Воҳадаги кўпгина жойлар, жумладан  
Полвон ариғи чинакам полвон бўлган шу улўф зот  
номи билан боғлиқдир.*

Кимга посбон, ким учун армон ота,  
Кимга қалқон, ким учун дармон ота.  
Паҳлавон Маҳмуд — суюк комрон ота,  
Вақт учар мисли ғирот, Полвон ота,  
Сиз ғиротда барҳаёт, Полвон ота.

Оқ уриб тўлғанди ишқ аҳли — жунун.  
Ваъда айларди висол юлдузли тун,  
Бошида тож бирла Хива бағри хун,  
Кўҳна чархнинг домида минг йил бурун  
Толе эрди тилсимот, Полвон ота.

Ноумидлик қаърида на ҳаз-ҳузур,  
Бор умиднинг бағрида ҳар лаҳза нур.  
Пок кўнгил орзулари — битмас сурур,  
Ҳақ деган халқларга имондир шуур,  
Ҳам ҳаёту ҳам мамот, Полвон ота.

Ишқу меҳр оғушида сўзлар юввош,  
Жангга киргай шеъру сўз, бўлса саваш,  
Жанг қилурлар сафда сўзлар қонгалаш,  
Икки дарду икки шаҳд — шеъру кураш,  
Сўзга бўлди қўш қанот, Полвон ота.

Тонг қадар бедор шоир ҳужраси,  
Субҳидам қоққач қанот ишқ муждаси,  
Тутдию оламни ўтли соз саси,  
Ўқтин-ўқтин ҳар рубой мисраси  
Бўлди ишқ аҳлига тот, Полвон ота.

Талпиниб оппоқ хаёл — ишқ тахтига,  
Ахтариб бир сўз муҳаббат мадҳига,  
Ошиқ аҳли етди гўё аҳдига —  
Шеърингиздан толеига, бахтига  
Топди рамз, топди барот, Полвон ота.

Оқди Жайхун ризқи-рўзга фарқ тўлиб,  
Дарғану Кат рўбару қирғоқ бўлиб,  
Дўст тутинди юрт уруғ-аймоқ бўлиб,  
Лек сиздан эврилиб бидъат қўли,  
Ёйди ваҳми пулсирот, Полвон ота.

Гул, гиёҳ мафтун қуёш ёғдусига,  
Эш бўлолмас тун қуёш ёғдусига,  
Тонг боқур мамнун қуёш ёғдусига,  
Тонг каби равшан кўнгил орзусига —  
Шеърга бидъат эрди ёт, Полвон ота.

Кўрдингиз юртнинг баланду пастини,  
Чархфалакнинг ёлғони ҳам ростини,  
Хоразмнинг душманин ҳам дўстини,  
Эгнингизда ҳилварак қур пўстини,  
Сурдингиз майдонда от, Полвон ота.

Йиқдингиз ман-ман деганни беаёв,  
Қочди Питнак даштидан ёғий яёв,  
Ҳилпираб Журжонда сизнинг туғ, ялов,  
Зарбингиздан неча олчоқ, неча ёв,  
Неча полвон бўлди мот, Полвон ота.

Бўлди эрк тутқунлари бир жону тан,  
Пойингизда барчаси тутди ватан,  
Дилларин ром этдингиз назм билан,  
Эгди эллар бошини таъзим билан —  
Ҳам Миср, ҳам Чин, Ҳирот, Полвон ота.

Кўз очиб кўрди риё заҳмат эли,  
Бўлса ҳам тек қадди ё заҳмат эли  
Чашмига топди зиё заҳмат эли,  
Дил бериб, айлаб дуо заҳмат эли  
Тинглади байтул-баёт, Полвон ота.

Босди ёвлар, бўлди эл-юрт ногирон,  
Тоза боғлар бағрига тушди қирон,  
Утга ташланди китоби жовидон,  
Неча юз йил Хоразм чекди фиғон,  
Кўксида қонлар сизот, Полвон ота.

Берди эрк зулматга ёв ўч қасдида,  
Гул замин сўлди оёқлар остида,  
Тан яра бўлди таёқлар остида,  
Ингради кескир туёқлар остида  
Ҳам Сиёту ҳам Қиёт, Полвон ота.

Босди кўп Султон Увайс тоғин итоб,  
Оқди кўп Дулдул макон ичра сароб,  
Қолди кўп эл илтижоси бежавоб,  
Бўлдилар оч аждаҳолардан хароб  
Мактабу мулку работ, Полвон ота.

Тинмади лек шеърингиз оҳанглари,  
Қайта юз кўрсатди гулшан ранглари,  
Қамчи еб кечган ҳора тунлар бари —  
Ногаҳоний бир ёмон туш сингари —  
Энди аччиқ хотирот Полвон ота.

Кезмас энди ғам саросар Хивада,  
Барчага иқбол баробар Хивада,  
Шеърингиз шоён жаранглар Хивада,  
Минг хаёл ичра Самандар Хивада  
Кўрди сизни барҳаёт, Полвон ота.

## Огаҳий тутидаги қумри уяси

Нималар бўлмайди дейсиз ҳаётда,  
Огаҳий тут экди боғи Қиётда.  
Уни ихлос билан этди тарбият,  
Бир оқ тут ошамоқ дилдаги ният.  
Тут топди кунма-кун, ойма-ой ривож,  
Белига шу тахлит етмади қулоч.  
Бирам мўл бўлдики оқ тут дегани,  
Бутун Қиёт келди ҳосил тергани.  
Ҳар йил тут пишиғи сайил аломат,  
Тутмисан, тут эди азим, валломат.  
Огаҳий оламдан ўтар чоғида  
Тутдан тотиб кетди Қиёт боғида.  
Тинмай эсаберди йиллар шамоли,  
Аста сўна борди тутнинг жамоли,  
Баҳайбат шохлари қуриди бир-бир.  
Деди қариялар: не қилдик, тақдир.  
Бора-бора толдай кичрайиб қолди,  
Шашти қайтган чолдай бужмайиб қолди.  
Юз эллик баҳорни кўрди ўша тут,  
Енига экишди қўша-қўша тут.  
Лекин ҳали ҳам у бутман, деб турар,  
Огаҳийдан қолган тутман, деб турар.  
Ҳамон ҳосил берар бир шохи, ҳамон,  
Ёзда қўланкаси кўп, роҳатижон.  
Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз,  
Эҳ, не-не дарахтлар сўлмайди дейсиз.  
Огаҳий тути ҳам пўлатмас, дарахт,  
Шамолда тебраниб турибди карахт.  
Қумрилар йўлини тутга бурибди,  
Шип-шийдам шохига уя қурибди.  
Сира бир-бирига бермайин навбат,  
Нималар ҳақдадир қилишар суҳбат.  
Ширин каломларин тинглаб толмайман,  
Аммо қуш тилини англай олмайман.  
Қулай ошён экан дейишар, балки,  
Жиҳоз қўйсақмикан дейишар, балки.  
Бошқа қумриларни чорлашмоқчидир,  
Қўни-қўшни бўлиб яшашмоқчидир.  
Нималар бўлмайди дейсиз ҳаётда,  
Қумрилар кўпайди, хуллас Қиётда.  
Аммо, мен яшартмоқ истайман тутни,  
Дарддан халос этмоқ истайман тутни.  
Қарилик дардининг борми давоси?  
Балки, шу ҳақдадир қумри навоси.

Мен инсониятнинг улкан ютуқларини у ёки бу  
«буюк кишилар» шаънига ёзиб қўйилиши керак,  
деб ўйловчилар фикрига мутлақо қўшилмайман...  
лекин Лениннинг ҳақиқатан ҳам буюк инсонлигини  
ҳар вақт тан оламан.

Герберт УЭЛЛС,

Англия.



## 1. Меҳмон насибаси билан

**К**ўчқор мактабдан энди қайтган, эшагининг устидан эгар-тўқимини олишга улгурмаган ҳам эдики, мотоцикл тариллади. Қайрилиб қараса, Тўрабек экан. Бошида зангори каскаси, қаққайиб ўтирибди. Оёқлари узун, новчадан келган эмасми, умр бўйи мотоцикл мингандай — жуда ярашади. Аслида эса, бу уч ғилдиракли мотоцикл уларнинг қўраларида ёзда пайдо бўлди. Совхоз директорининг ўзи топширган дадасига. Уша мажлисга у ҳам борган. Эшакка мингашиб. Қоровултепа бор-ку, идоранинг қаршисидаги, Култепа ҳам дейилади: текисланиб, ёзги кинотеатр қурилган, мажлис ўша тепаликда ўтган. Мотоциклни топшириш пайтида совхоз директорининг айтган сўзлари ҳали-ҳали ёдида: «Бобомурод полвон Бўроновни танимайдиган одам йўқ... — худди шундай деди директор. — Ҳамиша планни ортиғи билан ўринлаб, қўзиларни талофатсиз ўстиради. Уни социалистик мусобақа ғолиби сифатида «Урал» мотоцикли билан мукофотлаймиз. Биламиз, Бобомурод полвон, сизнинг қўрангиз совхоз марказидан олисда. Бундан буён мотоцикл йўлингизни яқин қилади. Бу ерда бўладиган йиғинларга кечикмай етиб келасиз, деган умиддамиз».

Лекин шу кунни дадаси қўрага бари бир эшакда қайтди. Мотоцикл ҳайдашни билмаганидан кейин нима қилсин? Мотоциклга Тўрабек амакиси билан ўзи минди. Дадасидан: «Қачон ўрганасиз?» деб сўраса, у: «Қўйларди мотоциклда ёйиш расм бўлса минарман», дейди.

— Қўчқор, қарашиб юбор! — дея чақирди амакиси.



# СУЗИБ БОРАР АРХАРЛАР

Чопиб борса, мотоцикл кажаваси тўла ҳар хил ичимликлар. Ёзувлари жимжимадор. Бундай ранг-баранг шишалар уйларида Тўрабек шаҳардан зоотехниклик ўқишини битириб қайтганидан кейин пайдо бўла бошлади. Илгари... Йўқ, Қўчқор эслай олмади. Улар шишаларни уйларининг биқинидаги тунакка ташишаётганларида онаси кўриб қолди. Чайқалганда қилт-қилт қилаётган шишаларга ёқтирмайгина қараб турган экан, сўроққа тутди:

— Қайним-ов, нима қиласиз буларни?

— Дунёда нима орттириш керак? Дўст орттириш керак! Лекин дўст орттириш қийин!— деб кулди Тўрабек.— Булар тилни тилга, дилни дилга улайди.

— Эби, шулар-а?!— Онаси чимирилди.— Акани укадан, отани боладан ажратади-ю!

— Айтгандим-ку, профессор... келмоқчи.

— Ҳа-а, катта ма-лимингиз шунақа ичафонми?

— Йў-ўге, янга! Кўп бўлса зарар қилмас, дастурхонни безайди.

— Ордона қолсин безамай,— дея тўнғиллади онаси.— Бузади! Керак бўлса менга айтинг, ўзим билиб-билиб...

Тўрабек олиб келган нарсаларини саранжомлагач, кийимини алмаштириб чиқди: ўша, ўзининг ҳарбий хизматдан кийиб қайтган кийимлари. Фақат елкасида погон, кўкрагида значоклари йўқ. Қўйларни бўридан асраш учун совхоз берган қўшоғиз милтиқ елкасида. Катор ўқ терилган патронтош белида.

— Қайнжон, йўл бўлсин?— деди кўтарма тандир ёнидаги ўчоқда сут пишираётган онаси.

— Овга!

— Э-би?!— онаси Тўрабекнинг жавобидан қаноатланмади.— Меҳмон нима бўлади.

— Нима бўларди? Меҳмон — насибаси

Қисса



билан келади, деган гап бор. Агар чиндан ҳам бу ёқларга насибаси сочилгани рост бўлса, тогдан ҳам бир нима териб қайтарман.

— Тоғда тунаб қолар экан-да?— Қўчқор амакисига ҳайрат билан боқди. — Бўри еб кетса-я?

Тўрабек ҳеч нарсага парво қилмай, оёқларини кериб, қаққайганча турар эди. У эмас, аксинча, унга дуч келган бўри дир-дир титраса кераг-ов. Ҳаваси келиб кетди амакисига! «Мениям» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганида:

— Қўчқор, ўрнимга ўринбосар қилиб қолдираман сени! — деди худди командирдай. — Мабодо мен йўғимда келиб қолса, яхшилаб кут. Ажабмас, сен ҳам профессор Азиз Нуриевичнинг қўлида ўқисанг!

Қўчқор ҳовлиқиб қолиб: «Хўп, Тўрака!» деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Бу пайт қир бағри бир оз қоронғи тортган, кўкка қадалган Қашқатов чўққиси ботаётган қуёш нурида ял-ял ёнарди.

— Оёғига кишан уриш керак, дайдигани-дайдиған. Гоҳ боғда, гоҳ тоғда! — дея тўнғиллади онаси қияликда кетаётган қайнисининг кетидан тикилиб.

Қизиг-а, бу киши? Тўракадай йигитнинг оёғига кишан урармиш! Қандай қилиб? Лекин онаси кўринишидан чоққина бўлгани билан, ўзи зўр. Армиядаги Тойлоқ акаси қанчалик жангари бўлмасин, «чизган чизигидан» чиқмас эди-да. Хизматини ўтаб қайтиши билан шундай «қулоғидан бураб, бошини иккита, оёғини тўртта» қилиб қўярмиш.

Онаси бирдан «ҳой-ҳув» қилиб қолди. Лекин қидирган одами аллақачон қир ошиб кўринмай кетган эди.

— Энди нима қилдим?— деди у.

— Ҳи-и?

— Дадангам келмайди, Қўзибой аканг ҳам келмайди!

— Нима қипти?

— Нима қипти, дейди-я! Оч қолишади! Тўраканг ғир этиб мотоциклида овқат ташлаб келса бўларди.

— Мен олиб бора қолай, — деди Қўчқор.

Онаси унга чимирилиб қараб, сўради:

— Қўрқмайсанми?

Лекин чўлдаги Саксовулқудуққа эшакда етиб боргунича хуфтон бўлиши турган гап эди. Мотоцикл ҳайдашни билганида-ку... Айни шу чоғ Қўчқорнинг қулоғига «чалп-чалп» этган товуш чалинди-ю:

— Мени бўри ермиди! — деб қўйди. Одатда дадаси шундай дегувчи эди.

— Бўлмаса отлан!— буюрди-да, онаси ўтовга қараб юрди.

Қўчқор эшакларни қидириб кетди. Ҳали шу атрофда ўтлаётган эди. Ҳа, ана, қўшар ортига ўтган экан. Қўк эшакни олсаммикан? Тинчроқ. Бироқ хўтиги эргаши-да. Хўтигига қараб секин юради. Халачўп ҳам иш бермайди. Яхшиси, хатарлироқ бўлса ҳам анави қора ҳангида бора қолгани маъқул. «Их» деса тамом, калтакка ҳожат қолмайди. Худди отдай чопади. Бироқ йўлда бирор урғочи эшак учрамасин-да. Исидан билади. Ҳў, анави тепанинг учида қораси кўринса, бўлди, бошида таёқ синдир, бари бир қайтара олмайсан.

Иложи қанча? Фавқулудда топшириқ. Таваккал қилади.

Қора ҳангини ҳайдаб келганида онаси хуржуннинг бир кўзига дастурхонга ўроғлиқ нон, иккинчи кўзига гўжа қуйилган мешни жойлаб қўйган эди. Узр сўраган одамдай шивирлади:

— Қўрқмайсанми?

Айни шу пайт қўра томондан Олапар етиб келди. Ялоқни бўшатган шекилли, ўзи тўқ — кўзи тўқ, ўйноқлар эди.

— Еш боламанми қўрқиб? — Қўчқор катталардай жиддият билан қошини чимирди. — Их-х!

Қора ҳанги йўрғалай кетди. Олапар ёнма-ён елиб борарди.

Саксовулқудуқ йўли унга таниш эди. Бу йўлдан кўп юрган. Эшаги-

нинг бошини бўш қўйса, ўзиёқ топиб боради. Бироқ илгари ёлғиз юрмаган. Онаси билан, бир-икки бор Тўрабек амакиси билан мотоциклда овқат олиб борган. Кўпинча эса дадаси ёки Қўзибой акаси етагида отда келиб кетишарди.

Бир оз кеч қолгани тўғрига ўхшайди. Қўнишдан узоқлашмасданоқ учиб-қўниб шўх-шўх чуғурлашаётган жўрларнинг сайраши ҳам эшитилмай қолди. Фақат жуда баландда қалдирғочлар қанот ёзиб, ҳамон қувлашмачоқ ўйнашар эди.

Кеч йўлга чиққанларини қора ҳанги ҳам сезади шекилли, туёқлари тапир-тупир, тапир-тупир йўрғалайди. Олапар эса, бир қадам ҳам орқада қолмай, ёнма-ён тортилган сўқмоқда елиб боради.

Фақат чўл ичига кириб йўқолган сой ўзанига тушгандагина атрофни қоронғилик чулғади. Қўчқор теваракка олазарак боқди. Бир оз ваҳима босди. Кўкда йилтиллаган юлдузлардан бўлак ҳеч нима кўринмайди. Лекин Олапарнинг ҳарсиллагани-ю, юрагининг пўкиллагани аниқ эшитилиб турибди.

Серёгин кўклам фаслидагина жон кирадиган бу шақирлаган хилват ўзандан тезроқ чиқиб олиш учуноқ Қўчқор нуқул пошнаси билан халачўпга зўр берди.

Юқорига кўтарилганида манглайига шабада тегди-ю, бир оз эркин нафас олди. Узоқдаги гоҳ ловиллаб, гоҳ пасайиб ёнаётган ўтга назари тушганда эса ўзини деярли ўнглаб олди. Ўзандан изма-из эргашиб чиққан қандайдир қўрқинчли кўланкалар ҳам қолиб кетди. Олапар ҳам энди эшакнинг олдига тушиб олган. У баъзан қулоқларини динг қилиб туриб қолади-да, бирдан олдинга ташланади. Кейин «бўлмади» дегандай тилини осилтирганча кетига қайтади.

— Юмронқозиқ қараб турар экан-да, сенга! — Қўчқор Олапарни ўзича мазах қилади.

У бир нарсага ҳайрон: юмронқозиқ инлари йўл ёқасида кўп бўлади. Одамдан ҳайиқмайди. Орқа оёқларида диккайганча қараб тураверади. Ана, шипиллаб яна нимадир ўтди; Олапар ҳам тўхтаб қолди. Юмронқозиқми? Сичқон овлаб юрган илондир балки? Офтоб найзага келганда йўл ўртасида исиниб, кулча бўлиб ётган чипор илонни кўрган. Эшак бошини вақтида тортиб, четлаб ўтган эди, ўшанда. Эй, илон билан ўйнашиб бўладими? Тувалоқ бошқа гап. Катта, юмалоқ қуш. Қувласанг, йўрғалаб кетаверади олдинга тушиб. Писта тагида писиб ётган шалпанг қулоқ қуённи ҳам кўрган. Тулки-ку, жуда кўп. Дадасининг айтишига қараганда, тулки яйловда қўй кетидан пойлаб изма-из юрар экан. Адашган ёки туғилиб, бурганми, бута тагида қолиб кетган битта-яримта кўзи бўлса, секингина судраб қоларкан. Жуда юзсиз-да бу тулки! Агар чўлда юрганингда ёнингда итинг бўлмаса, яқин келиб бақрайиб қараб турaveraди. Эшжоннинг айтишича, фермадан уйларига қайтаётганида аломат ҳодисага дуч келганмиш. Йўлнинг қоқ ўртасида сопол товоқдек бир тезак тикка турган эмиш. «Тезак ерда ётмасмиди? Бу тикка турибди-я?» деб ёқасига туфлабди. Ажинамасикин, деган хаёлга ҳам борибди-ю, бақирибди. Шунда таппи тап этиб тушиб, бир тулки ура қочибди. Вой найрангбоз-эй! Тезакни қалқон қилиб бекинган экан-да! «Алдама!» деди Маллабой. Қайдам, лекин Эшжонда ёлғонни ямламай ютиш олати йўқ эмас. Бирорта китобдан ўқиб, «ўз кўзим билан кўрдим», деб мақтанса мақтангандир.

Чўлда юрсанг, барини кўраверасан. Ҳатто кўзингга жимирлаган ойна кўллар, оппоқ олабаргак шаҳарлар ҳам кўриниб кетади кун қизиганда. Ана, чўғдай икки кўз унга қадалиб турибди. Қоронғида мушукнинг кўзи ёнади. Лекин чўлда мушук нима қилсин? Ёки... отини атамасидан юраги музлаб кетди. Худди сеҳрлангандай кўзларини узолмади парпираб турган ўша икки чўғдан.

— Олапар, — дея чақирди аста. Кейин товуши дадиллашди: — Олапар!

Орқада чопиб келаётган кўппагининг ҳарсиллаши эшитилди. Ана, у лип этди-ю, олдинга ўтди. Шунда ҳалиги бир жуфт кўз сўнди.

— Қочди Ҳа, кўрмас экансан-а! Ҳали йилига тўлмаган, ўйна-шишдан бўлак нарсани билмайдиган оқ-сариқ, жундор кучуги зўр арслондай туюлиб кетди Қўчқорга.

Бўрини фақат расмидан билади. Ўзини кўрмаган. Лекин изини бултур қишда кўрган. Илиқмай ўлгир итлар қишлоқнинг у бошида дайдиб юрганда, бу бошида бўри қўрага оралапти-ю, лаҳзада тўртта қўйни бўғизлапти. Битта эмас, тўртта! Очкўзлигидан биттага қаноат қилмай, дуч келганини бўйнидан бўғизлаб ташлайверар экан. Яхшиям дадаси уйғониб қолибди қўйлар гур-гур ҳуркиб қочганда...

Яна кўринди. Кўз эмас, жуда узоқда, барханлар ортида юрган машина чироғи шекилли?

— Их-х! — дея қистади Қўчқор.

Уни биринчи бўлиб Арлон билан Тарлон кутиб олди. Арлон оппоқ, худди оқ айиқ дейсиз. Тарлон — тарғил, бўрибосар. Узоқдан ис олиб, ҳуриб қўйишди-ю, дам ўтмай етиб келишди. Қоронғиликдан шўнғиб чиқишганида, Олапар билтанглаб ёш бола бўлди-қолди. Ота-онасини кўриб эркаланиб кетди-да.

Қўзибой анча берида йўлига кўз тикиб турган экан. Уни ака дейишга ўрганмаган. Онаси неча бор: «Қўзинг нимаси, вой, ака деб айт», деб қистаган. Ака дей деса, катталиги унчалик билинмайди. Юзлашганда ютса ҳам, эшакда пойгалашганда ютқизади. Тойлоқ бошқа гап. Уни ака дейди, чунки у сержант, ўн бир аскарга командир!

Қўзибой қора қангини нўхтасидан тутиб, саксовул қаланган гулхан томонга етаклади. Сурув кўринмаса-да, яқин жойдалиги қўйларнинг кавш қайтариши, нафас олишидан маълум.

Дадаси чордона қуриб ўтирибди. Бир қўлида пиёла. Қўрга кўмилган қора қумғон шақирлаб қайнапти.

Дадаси унинг саломини эшитмадими, алик олиш ўрнига:

— Ёлғиз келдингми? — деди ажаблангандай унга тикилиб.

— Ёлғиз келмай на, қашқир ермиди! — Қўчқор ўзини катталардай тутиб, эшакдан сакраб тушди. У яна «мени ёш бола деб ўйладингизми», демоқчи ҳам эди, Қўзибой қўймади. «Кўп керилма» дегандай биқинига тирсаги билан бир туртди.

— Билаган, довураксан, — мақтаб қўйди дадаси. — Шундаям чўлда кечаси ёлғиз-ярим юрмаслик керак. Амакинг бирга келса бўларди.

— Тўракам овга кетди, — деди Қўчқор.

— Қандай ов?

— Овдақа ов.

— Бундоқ тушунтириб айтсанг-чи!

— Катта ма-а-лими... Ҳа-ҳ, тилимди учуда турибди, — Қўчқор Қўзибойга қаради.

— Профессорми? — дея сўради Қўзибой.

— Ҳа, прописсири келаркан.

— Акамга айт, эртароқ келсин, деб тайинлагандир?

— Йўқ, ҳеч нима демади.

Қўчқор оғзидан чиқиб кетган бу сўздан дадаси ранжиб қолганини кўриб, тилини тишлади. Амакиси шошиб турган эди. Балки тайинлаш эсидан чиққандир. Аммо шу чоғ Тўрабекнинг кулиб айтган бир гапи ёдига тушиб, жонига оро кирди:

— Бу ёқларга меҳмоннинг насибаси сочилгани рост бўлса, тоғдан ҳам у-бу нарса териб қайтармиш.

Бу гапни у дадасини кулдириш учун айтган эди. Аксига олиб дадасининг қовоғи баттар осилди. Шу пайт чўлда яна ўша бир жуфт чўғдай ёнган кўз пайдо бўлди. Улар гоҳ кўринар, гоҳ ғойиб бўлар, худди қоронғида бекинмачоқ ўйнашаётгандай, у ёқдан-бу ёққа чопар эди. Қўчқорнинг хаёли чалғиб:

— Нима у? — деб сўради.

Дадаси қараб қўйиб, тўнғиллади.

— Тўракангга ўхшаган бирортаси-да, тагида текин мошин! Чўлда тувалоқми, жайрон овлаб юргандин.

У ўрнидан турди. Елвагай ёпинган чакмонини кийиб, чодир устидан қалпоғини олди-да, бир зумда қоронғилик қаърига сингиб кетди.

— На-а, мунча тўрсаймасанг? Кел, бир томондан кўтар! — деб қолди Қўзибой.

«Бор-э», демоқчи ҳам эди-ку, қараса бўлмайдиган. Негаки, қора ханги баланд. Хуржуннинг икки кўзи эса тикма. Қўзибой ёлғиз ўзи эгардан тушириб ололмайди. Туширганда ҳам овқат... Онаси «эҳтиёт бўл» деб қайта-қайта тайинлаган. Қарашиб юборди: даст кўтариб олиб, чодирга кираверишга қўйишди. Қўчқор эндигина қаддини ростлаган ҳам эдики, яқинлашаётган от туёқларининг дупури эшитилди. Ана, дадаси саманини етаклаб келиб, гулхан олдида тўхтади. Қўзибой лаҳзада отга тўқим уриб, эгарлаб берди. Унинг мана шундай ишларига қойил қолади Қўчқор, ҳеч айттирмасдан ўзи билиб-билиб қилади. Шунинг учун бўлса керак, онаси унга айтиб туриб аскарликдаги Тойлоқ акасига хат ёздирганида: «Сен даданг учун ғам ема. Қўзибой уканг катта бўлиб қолди, отасининг қўлтиғига кирган», деб таъкидлайди. Бундай пайтда «Мен-чи?» деб Қўчқорнинг орқаси тиришиб қолади. Онаси унинг орқасини силайди. «Сен ҳам ёмон бола эмассан. Кенжа-тойим — оғиримни энгил қиладиганамсан», деб қўяди.

Қайтаётганида юраги шиф ҳам этмади. Ваҳимали шарпалар учрамади. Қўқда сон-саноқсиз юлдузлар посбон, чўл эса тун қўйнида жимгина ухлайди. Олдинда саман. Тапир-тупир қилиб кетиб боради. Устида дадаси. Дароз. Индамайди. Бирга юрганларида, одатда, «ишларинг қалай?» деб қўйиб, баҳоларини суриштирарди. Амакиси институтда эканида: «Яхши ўқисанг, сениям шаҳарга юбораман. Тўракангдақа зоотехник ё мол дўхтири бўлиб қайтасан», дер эди. Энди... йўқ, баҳорги селдан кейин ҳеч қачон сув кўрмай қақраб ётган чуқур ўздандан ўтгунларича дадасининг оғзидан бир калима ҳам сўз чиқмади. Нариги қирғоққа кўтарилганларида, у от бошини тортиб:

— Бу ёғига ўзинг борабер, — деди.

Қўчқорнинг қулоғига шунда онасининг «қўрқмайсанми?» деган товуши чалингандай бўлди. Албатта, бораверади. Яқин қолди қўраларига. Ҳу, ана, қир қорайиб кўриниб турибди. Қўрқма, ёнингда мен борман, дегандай Олапар лип этиб эшакнинг олдига тушди.

У анча жойга борганида кетига қараса, дадаси ҳалиям турган экан. Ички бир туйғу тўлқин отиб, вужудини жимирлатиб юборди. Аммо Қўчқор:

— Нима, мен ёш боламидим қараб турмасалар! — деб чимирилди-да, халачўп билан эшагининг гарданига бир урди. — Их-х!



Қўчқор кеч ётса-да, эрта турди. Қараса, онаси йўқ. Устидаги кўрпани отиб ташлади-ю, кийинишга ҳам сабри чидамай, даҳлизга чопди. У ерда ҳам йўқ. Рўпарадаги тандирда ўт ловилларди. Ташқарига чиқди. Томга ёнма-ён тикилган ўтовнинг кигиз «эшиги» очиқ — кўтариб қурга қистириб қўйилган. Чақичнинг дук-дуки эшитилди. Қўчқор ўтов томонга юрди. Чиндан ҳам ичкарида супра ёзиғлиқ. Онаси патир қиладган экан.

Агар амакиси овдан қайтса, шу ўтовда бўлади. Қўчқор бўсағага бир оёғини қўйиб, ичкарига бош суқди. Кўрпа тахлоғлиқ. Икки қўлини кесакига тираб керишди-да, беихтиёр:

— Ке-мадимми? — деб сўради.

— Онаси бош кўтармай дук-дук чакич ураркан:

— Тўсма, — деб қўйди.

Қўчқор эшик кесакисидан қўлини олиб, кетига тисарилганида супрадаги унга лоп этиб нур ёғилди.

— Қўчқор, — деб ичкаридан чақириб қолди онаси.

У яна ўтов эшигига кўндаланг бўлди.

— Нима? — деди эснаб.

— Вой, анавини! Оғзингга чивин ўтириб кетади-я! — онаси бурни-ни жийрди. — Ўз ишини билиб-билиб қилади-да ёрдамчи деган.

Айни шу пайт орқа томондан бир нима урилди-ю, ўтовнинг керагалари шақирлаб кетди. Қўчқор чопқиллаганча ўтиб борса, иккита така — бу йилги улоқ. Шақ-шақ сузишаётибди.

— Ҳа, бўйнинг узилгур!! — дея дағдаға қилди у.

Такалар иккови икки ёққа қочди. Кетидан қувишга бўлмади: яланг оёқ эмасми, тикан киради. Лекин, бари бир, «ўз ишини билиб-билиб қилиши» керак-ку. Уйга кириб тиззасига қўш ямоқ тушган шими-ю, эски камзулини кийди, оёғига акасининг кирза этигини илди. Таёғини ўтов қуридан топди.

Сўқимга боқилаётган тана, беш-олтита қўй-эчки, қора ҳанги ҳам ҳали узоқламай, қўниш атрофида юрган экан. Қўчқор чинакам чўпонлардай хуштак чалиб:

— Қур-р, ҳайт! — дея ҳайқирди-да, таёқ ўқталди.

Увоқ молу қорамол, ҳатто қора ҳангигача қулоғини динг қилиб, қирга қараб йўл олди.

Тепадан ошиб тушилса жилга, бутазор бор. Бу қўнишнинг моллари ўша ерда ўтлайди. Юқориоқда Бўтакўз деган булоқ ҳам бор. Моллар шу булоқ сувини ичади. Бу йил баҳорда Тўрабек амакисига эргашиб булоқ бошига чиққан. Нимага Бўтакўз, деб сўраса, Тўракаси: «Кўрмаяпсанми, худди бўтанинг кўзидай мўлтираб турибди», дейди. Айтгандай, амакиси шу булоқни қўшиққа қўшган. Ҳеч ким йўғида айтиди. Булоқни кўрганда, одам қувонади. Унинг қўшиғини эшитганингда негадир йиғлагинг келаберади: Қизиқ. Яна, ростини айтса, булоқнинг «бўтанинг кўзидай мўлтираганини» у пайқамади. Анчайин улкан Бобоёнғоқнинг қорувли қорамтир томирлари тагидан биқир-биқир қайнаб чиқаётибди, холос.

Амакиси «дори» дейди. Узиям ичиб кўрган бўлса-да, таъмида дорига ўхшаш бирон нарса сезгани йўқ! Бунга ўзига айтмади, албатта. Ахир, «катталарга гап қайтариш одобдан эмас», (онаси шундай деб уқтирган). Дори эмиш! Дорининг нималигини Қўчқор яхши билади. Қишда йўтал бўлганида роса ичган. У беихтиёр ижирғанди.

Қўчқор мол кетидан қиргача чиқди-да, тўхтади. У ёғига ўзлари кетаверади. Лекин ҳар эҳтимолга қарши, ўхшатиб хуштак чалди, «қур-р, ҳайт!» деб ҳайқириб ҳам қўйди.

Ортига қайрилганида чўл томондан йўртиб келаётган отлиққа кўзи тушди.

— Дадам! — деди Қўчқор.

Бошида оқ қалпоқ, эғнида қўнғир чакмон. Узоқдан, албатта, тим қора кўринади. От ҳам. Аслида қизғиш сариқ. Лекин отмисан от-да ўзи-ям! Улоқда унча-мунчасига етказмайди. Тўдага ёриб киради-ю, дадаси улоқни тақмига босиб, «ҳайт» деса бўлди... Бултур фермада бўлган кўпқари шундай кўз ўнгида. У ўзини дадаси ўрнида эгарда ўтиргандай ҳис этди-ю, жўшиб боши узра «қамчи» ўйнатди.

— Ҳайт-чў-ў! — Қўчқор қирдан шаталоқ отгандай пастга чопиб туша бошлади.

У қўрага етиб келганида онаси тўпиғига тушадиган узун қизил гулдор кўйлақда, бошида шол рўмол (кийинишга ҳам улгурипти), ҳамир юқи қўллари билан ўйноқлаб турган саманни юганидан ушлаб, эгарда ўйчан ўтирган дадасига ниманидир гапираётган эди.

— Миймон олдин келсин-чи. Мезмонди ўзи йўқ-ку! — дадаси қошини кериб шундай деди.

«Жаҳли тарқампти», — Қўчқорнинг қадами ўзидан-ўзи секинлашди. Аммо-у дадасининг отдан тушганини кўриб, илдам борди-да, онасининг қўлидан от тизгинини олди.

— Ассалому алайкум!

Дадаси қайрилиб қўл берди.

— Молларингни Бўтакўзга ҳайдадингми? — деди унга бошдан оёқ бир қараб.

Қўчқор бош ирғади. Дадаси қўлини қўйиб юбормай ўйланиб турди-да:

— Ҳа, майли, — деб қўйди. — Отни қозиққа боғла.

У дадасидан бошқа топшириқ кутган эди. Бўлмади. Отниям жилгага қўйиб келишни буюрганларида-ку... Эҳ, тасира-тусир учиб қирга чиқарди. Қирдан Бўтакўзга от қўярди.

— Эгарини олма. Қоринбоғини сал бўшатсанг бўлди.

Қўчқор қўра томонга отни етаклаб кетаётиб бош ирғади: дадасининг сўзини қайтармади. Лекин манави узун бўйин, яғрини ярақлаб турган жониворга миниб қушдай учолмагани унга андак алам қилди. Отни қантариб келганида дадаси даҳлизда ечинаётган, онаси эса қўли қўлига тегмай нон ёпаётган эди.

Онасининг нега бунчалик шошаётганини Қўчқор билади. Ана, дадаси қалпоғини қозиққа ила туриб, эшикдан дашт йўлига узоқ тикилиб қолди.

Меҳмон соат ўн иккига яқин тўсатдан келди. Онаси нонини ёпиб, чўзмаю бўғирсоққача пишириб бўлган; самовар қайнатиб келиб бафуржа чой ичишаётган; меҳмон кутиш ҳаяжони босилган, ҳатто унутилган ҳам эди. Шу пайт тўрда ёнбошлаб ётган дадаси пиёлани тўнтариб, «эшитдингми?» дегандай унга қаради. Чиндан ҳам элас-элас эшитилган мотор гуриллаши тиниб қолди.

Қўчқор эшикка чолиб чиқса, нотаниш қўнғир «Победа» қўранинг биқинида, уч гилдиракли мотоцикл турган жойда турибди. Совхозда бундай машина ҳеч кимда йўқ. Узоқ йўл юргани аниқ: ҳаммаёғи, ҳатто олдидаги ойнасигача чанг. Ана эгаси. Ухшар экан, деган ўй Қўчқорнинг хаёлидаан лип этиб ўтди. У ўз ўйидан ўзи ажабланди — товба, доим одамларни бир нарсаларга ўхшатиб юради: дадаси ўзининг улоқ чопадиган саман отига ўхшайди. Илгари бир қизил сигирлари бор эди, серсут. Онаси ўшанга ўхшайди. Айниқса кўзлари, Тўрабек амакиси... буни айтмайди. Эшитса уради. Аммо анави меҳмон ўзининг қўнғир «Победа»сига ўхшаб кетар экан.

Меҳмон бир қўлини аста силкитди. Бу билан у саломига алик олдиме ёки қақирдиме, Қўчқор тушунмади.

— Бу Полвоннинг қўрасими? — деб сўради у яқин борганида.

Қўчқор бош ирғади. Таниш-билишлар, одатда, дадасининг отини «Бобомурод полвон» деб тўлиқ айтишмайди. Қисқартириб, «Бобоканг қани?» ёки «Полвон уйдаими?» деб сўрашади. Онасини ҳам «Онақизбиби» деб айтишга эринишадими, қайдам, «Бибинг қани?» дейишади.

— Чақирайми? — Қўчқор меҳмоннинг эшитмагандай теваляб қараётганини пайқаб кетига ўгирилса, дадаси энкайганча эшикдан чиқиб келаётган экан.

— Бўронов: «Акамнинг қўраси Бўтакўзда», деганига тусмоллаб кела бердим. Адашмаганга ўхшайман, — меҳмон жилмаяр эди. Таниш экан-да, деб қўнглидан ўтказди Қўчқор. Бироқ дадаси нимага қимтинади-я? Ёки оёғига калиш илиб, оқ иштонда чиққанига уялдими? Аммо меҳмон ҳеч нима бўлмагандай қучоқлаша кетди.

Дадаси меҳмонни дастурхон ёзиғлиқ уйга эмас, ўтовга бошлади. Онаси янги кўрпачалар солиб, бу ёққа ҳам алоҳида дастурхон ёзиб қўйган эди-да. Меҳмон бўсағада тўхтади. Унинг нега тўхтаганини ўзича фаҳмлаган дадаси:

— Қўчқор, сув олиб кел, ўғлим! — дея буюрди.

Чолиб бориб, даҳлиздан дастшов билан қумғонни олаётганида онаси елкасига янги сочиқ ташлади.

Четроққа чиқиб, Қўчқорнинг ёрдамида ювинаётган меҳмон устидан эгар-жабдуғи олинган, бошида емтўрваси, курт-курт ем еяётган саманга зимдан қарар экан:

— Ушами? — деб сўради.

Дадаси сирли жилмайди:

— У тўриқ эди.

— Ҳа, — деб қўйди меҳмон артина туриб. — Лекин зўр от эди!

— Гўштга топшириб юбордим!

— Йўғ-эй?! — меҳмон ачинди шекилли, бошини сарак-сарак қилди.

— Сарайликларнинг тўйида тийганиб оёғи синди.

Кўчқор, дадасининг тўриғи қандайлигини билмайди. Шу гап-сўздан кейин меҳмон улоқчимикин, деган хаёлга борди. Чунки ем еб турган саманга назари тушганда-чи, ҳовучида сув-ку, ювинишни ҳам унутиб, тикилгандан тикилиб қолди. Бироқ қомати... гавдаси, анави «Победаси»дай. Ҳа, у минадиган от жониворга қийин, албатта. Ундоқ деса, улоқчилар орасида бу кишидан йўғонлар ҳам бўлади.

Тахмини дастурхон устидаги суҳбатда тасдиқланди ҳисоб.

— Домилло, — деди дадаси камсуқумлик билан жилмаяр экан, меҳмонга чой узатаётиб, — ўша тўйида биздан бир хатолик ўтган...

— Қандай хато экан?

— Миймонлигингизни сийламай, қаранг, мен бир ёқдан, Парпи пакана бир ёқдан қашқирдай ёпишибмиз.

— Қўйинг-э, полвон! — деб кулди меҳмон. — Кўпқари бўлгандан кейин наинки икки киши, юз киши ҳам ёпишади! Лекин улоқни маррага етказиш учун сизга ўхшаган, оти зўр, ҳадиси ўткир, билагада кучи бор бўлиши керак одам.

— Инсофдан бўлмади бироқ, — уятчанлик билан кулимсиради дадаси. — Тарапкашлик қилдик.

— Кўпқари бусиз ўтмайди, полвон! — меҳмон оёғини узатиб, болишга ёнбошлаган жойида нимадир эсига тушгандай туриб ўтирди-да, ёнини ковлаштиришга тушди. Костюмининг ички чўнтагидан буклоғлик дўппи олди. Шахт билан каржини ёзди-ю, кафтига бир уриб қўйиб бошига қўндирди.

Чуст нухса дўппи тепаси ялтираган ярғоқ, чакка сочи оппоқ бу одамни Кўчқорнинг назарида ўзгартириб юборди. У энди бу одам кечадан бери кутаётган меҳмон — Тўрабек амакисининг «катта ма-алими, прописир» эмас, балки дадаси билан тўй-маъракаларда талашиб-тортишиб кўпқари чопиб юрадиган улоқчи эканига ишонди.

— Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, деганлар. Маъносини чақинг-а, — меҳмон кўрсаткич бармоғини кўтарди-да, андак жим қолди. Кейин жилмайганча гапини давом эттирди. — Бу гап отдан ҳам кўпроқ чавандозга, яъни одамга тегишли. Доноликни қаранг! Бунинг замирида бирдамликка чақириқ ётади!

Дадасининг пинжида ўтирган Кўчқор ақли унча ета бермайдиган бу гапни эшитганида иккиланиб қолди: ўзлари кечадан бери кутган меҳмон балки шу кишидир? — у бошини кўтариб дадасига тикилди. Дадасининг эса бутун диққати меҳмонда, унга қараб ҳам қўймайди. Лекин сўраб бўлармиди бу аҳволда? Утовдан чиқса эканки!...

— Сиз «тарафкашлик» дедингиз, полвон. Бу ҳам кураш усули. Ҳа, олдиндан пухта ўйланган режа. Дўст-ёрсиз, тарафдорларсиз тўдага кирган ёлғиз чавандоз улоқни олиб чиқа оладими? Юзлаб, қутурган, пишқирган, қизишган аросат отлар, отликларни ёриб-а? Амримаҳол! — Меҳмон кескин бош чайқади. — Лекин мен, менинг тарафкашларимнинг машқи-ҳадисига қараганда сизларники устун эканки, улоқни тақимимдан шундай олдингиз-у, ҳайтто-ҳуйт деб жўнаб қолдинглар! — Меҳмон ёш йигитдай қарс уриб қотиб-қотиб кулди. Дадасига қараса, у киши ҳам қаттиқ кулса уят бўладигандай, кулгисини мўйлови тагига яшириб, ерга қараганча жилмаярди. — Ушанга қадар ўзимни ажабтовур улоқчи санардим. Аммо-лекин кўпқар чопиш бундоқ бўлади, деб ҳўб дарс бердингиз! — Меҳмон ҳамон гапи ўзига наша қилиб, мароқ билан куларди.

— Йўғ-э, йўғ-э, домилло, — дер эди дадаси. — Ҳадисингиз тузук. Илгариям кўриб юрганман: яхши чопар эдингиз.

«Ҳи-и», деб қўйди Кўчқор ичида. Дадаси шундай дедими, демак, рўпарасидаги бу киши ҳақиқий чавандоз, Тўракасининг «катта мали-



ми» эмас. Унинг бу фикрини қийналиброқ бўлса-да, тўрда чордона қуриб ўтирган меҳмоннинг қуйидаги ҳазили ҳам тасдиқлагандай бўлди:

— Ҳадисингиз тузук денг-а? Бироқ бизнинг ҳадисни, полвон, ўшанда белбоғингизга носқовоқдай қистириб-ла кетдингиз!

Қўчқор ҳам ўзини тута олмай, катталарга қўшилишиб кулди. Меҳмоннинг сўзлари қизиг-а, товба: «белбоғингизга носқовоқдай»... Нима дегани-я?!

— Кулгига етказсин, — деб қўйди дадаси дастрўмоли билан кўзларини арта туриб.

Қўчқорга бу «эски таниш» уйларига атайин гурунглашгани келгандай туюлди. Дадаси уни имлаб қолди шу пайт. Қўчқор тушунмайди, дейсизми. Тушунди. «Онангни овқати тайёр бўлдими, хабар ол-чи», дегани бу.

У ўтов билан уй ўртасидаги масофани одатда, бир зувлашда босиб ўтар эди. Бироқ ҳозир зувламайди. Меҳмон бор, уят бўлади. Қўчқор нафасини ичига ютганча чошиб бораётганида амакисига назари тушиб қолди-ю, дадасининг топшириғини ҳам унутиб, «Тўрака!» деб қичқирди.

## 2. Гуноҳимга сиз ҳам шериксиз,

### демоқчимисиз?

Чиндан ҳам Тўрабек амакисининг эшакка ўнгарган нимасидир бор. Шу пайтдаги кўриниши бирам кулгили, худди Қоражон алпдай қаққайиб ўтирибди денг.

Бақирганига безовта бўлишдими, меҳмон билан дадаси ўтовдан чиқди. Уларнинг қовоғи солиқ. Жимгина қараб туришар эди.

Тўрабек амакисининг ошиғи олчи кишидай, оғзи қулоғида. Ҳарбийча кийинган новча одамнинг эшакка яйдоқ миниши ғалати кўринар экан. Ана у, саман арқонлоғлик жойга келганида оёғини кўтармади ҳам — эшакнинг орқасидан секингина сирғалиб туша қолди.

— Хуш келибсиз, Азиз Нуриевич! — Тўрабек қўл кўтариб меҳмонга салом берди-да, эшакка ўнгарган ўлжаси — улкан шохдор архарни даст кўтариб келиб оёғи остига ташлади. — Домла, қадамингиз қутлуғ, насибалик одам экансиз, синаб кўрдим. — Кўзларида қувонч, лабларида табассум ўйнар эди.

«Э-э!» деди Қўчқор ичида. Пешонасига чарс этказиб уриб ҳам қўйди. Меҳмон амакисининг «катта ма-алими» экан-ку, янглишипти!

У сал пушаймон еди, албатта, чунки катта бўлганида ўзини ҳам ўқитадиган шундай одамни бир кўрганда таниши керак эди-да. Бироқ ҳали яқинда дадаси билан чақчақлашиб ўтирган меҳмон энди негадир суст эди.

— ... Қандай келиб, қандай қайтиши, қаерда сув ичишигача билардим. Тонг отгунча жилғада писиб ётдим. — Тўрабек амакиси «катта ма-алими»нинг кайфи бузуқлигидан беҳабарми, завқ-шавқ билан ов ҳақида ҳикоя қиларди. — Бир вақт тош шақирлагандай бўлди. Бошимни кўтариб қарасам, шу архар. Воҳ, унинг тоғдан тушаётгандаги келбатини бир кўрсангиз экан! Бўйи анов қора ҳангидан қолишмасов. Мугузлари қирқ қароқчининг эгри қиличидай. Дамимни чиқармай ётибман денг. Энди тумшугини сувга тегизганда панғиллатиб қўйиб юбордим. Бир сапчиди-ю, таппа йиқилди.

«Катта ма-алим» оёғи остига узала ётқизилган архарнинг бақрайганча қолган кўзларидан кўзини узмай хомуш турар эди.

— Домла, тепкини «Менинг қўлиммас, Азиз Нуриевичнинг қўли» деб босганман! — Тўрабек хушомад қилиб жилмайди. — Бу ўлжа сизники ҳисоб, мугузидан пичоққа соп ясаттирсангиз, антиқа чиқади-да!

— Гуноҳимга сиз ҳам шериксиз, демоқчимисиз? — «катта ма-алим» бошини аста кўтариб, Тўрабекка синовчан боқди.

— Нимани айтяпсиз, домла? Қандай гуноҳ?

«Рост-а, қандай гуноҳ?» Қўчқор ҳам амакисига тақлид қилиб елкасини қисди.

— Шундай чиройли, навқирон... — Азиз Нуриевич шахт билан чўк-калади-да, архарнинг лабини очди. — Тишларини қаранг!

Кўчқор ҳам қизиқиб қаради. Узиникидай текис. Оғриган, кўкаргани йўқ.

— ...Тош чайнаса майдалайди-я! Сиз шундай жониворни аямангиз! Қайноқ қонини тўкдингиз! Бу ҳали узоқ яшаши, кўп насл қолдириши мумкин эди. Одамлар кўрса қувониб, баҳри-дили очилиши мумкин эди, ахир!

— Кечирасиз, домла, — деди Тўрабек қўлини кўксига қўйиб.

Дадаси ҳам назарида довдираб қолгандай эди. Нима қилишини билмай типирчиларди.

— Домла... Азиз Нуриевич, бизникига биринчи келишингиз.

— Ҳа, туя сўйиб чақирсак ҳам келмайсиз,— дея қўшилишди дадаси.

— Шунга сюрприз бўлармикан деб...

«Бу «сюрприз» нима дегани-я?!» Кўчқор қошини чимирди.

— Бошим кўкка етди, раҳмат! Қувонтирдингиз! — Азиз Нуриевич серзарда экан, жеркиб ташлади амакисини. — Сюрприз эмиш. Умидим катта эди-я, сиздан.

— Оқлайман, домла.

— Яна бир жониворнинг тухумини қуритибми?

— Домилло, — тек туролмади дадаси, — бир сафар гуноҳидан ўтнинг шогирдингизди...

Илтимослар шахтидан қайтарди шекилли, профессор ерга қарангача чуқур тин олди. Кейин аста бошини кўтарди-да, дадасига боқиб, босиқлик билан сўзлади:

— Полвон, сизни ғалвага қўйдим келиб.

— Йў-ғей! — деди дадаси.

— Илгари мана шу тоғда архару тоғ така пода-пода бўлиб ёйилиб юрган.

— Жуда! — дея маъқуллади дадаси. — Болалигимизда Бўтакўз бўйига чиққанимизда кўрардик. Ҳайла! — у тоғ томонга қўл чўзди. — Туман босган Қашқатовда, анов арра тишли Такақийратганда сакраб юрар эди. «Чўлга сайғоқ келганга ўхшайди», дейишар эди оталаримиз. Чиндан ҳам чанг-тўзон кўтариб, пода-пода ўтаётганини кўриб қолар эдик.

— Қани энди ўша подалар? Азиз Нуриевич ҳаммага бир-бир савол назари билан қараб чиқди-да, ўзи жавоб қилди. — Қириб ташланди.

— Ииртқишларгаям ем бўлгандир? — деб гапга аралашди амакиси.

Азиз Нуриевич унга ер остидан қараб қўйди.

... Ииртқишлар ҳам қуруқ қолмаган. Улганлари, касал, майибларини тутиб еган. Бошқалари ўз туёғи, шохи билан жон сақлаган. Лекин, асосан, қўлига қурол тутган, сўқмоқларга қопқон қўйган тилли йиртқишлар қиришди бу жониворларни. Керакми, керак эмасми, ўйламай-нетмай, манманлик билан ўлдираверишди. Одамзод бу билан ўзининг эртанги насибасига болта урди. Сиз туёққа туёқ қўшиш, яъни, зоотехника илмини сув қилиб ичиб юборган қизил дипломли мутахассис,— у Тўрабекка кинояли тикилди,— бу тоғдаги, балки охириги архарнинг бошига етгандирсиз?

Кўчқорнинг қулоқлари тагида гўё момақалдироқ гулдирадди. У беихтиёр чўчиб бўйинини қисди. Айни шу чоғ архар кўзига кўзи тушди-ю, юрагининг қаеридир жиз этиб кетгандек бўлди. Оғзи очик, тишлари оппоқ: ўзининг тишларидай чатнамаган, кўкармаган, бир текис. Кўзлари ҳам ўзининг кўзларига ўхшаш қўнғир — қўй кўз. Маъюс боқиб: «Мен сизларга нима ёмонлик қилдим?» деяётгандай эди.

Ҳамманинг дами ичида. Бу жимликни дадасининг овози бузди:

— Охири эмасдир-эй, домилло?

— Тоғ-тошга жон киритиб турарди. Хусн! Бир кўрган бола бир ой яйраб гапириб юрарди. Бу қувончга эришиш учуноқ юзлаб шаҳар-

ликлар диққинафас кулбаларини, бир-бирига эгизакдай ўхшаш кўчаларини тарк этиб, тоғларга интилишарди. Сиз бўлсангиз,— профессор ботинкаси билан ер чизиб турган Тўрабек томонга имо қилди,— минглаб одамларни бир ўқ билан шу шодликдан маҳрум этдингиз!

— Домилло,— деди дадаси узр сўрагандай,— келаси йил келинг-а, Қашқатовда ўйноқлаб юрганили, албатта, кўрасиз. Тухуми қуриб кетмагандир-ов архарнинг!

— Тухуми,— деб тўнғиллади профессор. У ўзининг костюми рангидаги «Победа» машинаси томон икки қадам босди-ю, тўхтади. Ўйла-ниб турди-да:

— Бўронов,— деди.

Амакиси уйқудан уйғонган кишидай бошини кўтарди.

— Лаббай, Азиз Нуриевич!

— Сунъий қочириб асбоблари борми?

— Бор, Азиз Нуриевич!

— Тайёрланг.

Тўрабек тунакка қараб чопди. «Катта ма-алим»нинг жаҳли тарқаб кетди шекилли, костюмини ечиб машинасининг ўриндиғига ташлади. Дўмпайган портфелини титкилаб, кўк халат олиб кийди. Ярғоқ бошига докторларникидай оқ суруп қалпоқча илди.

Меҳмоннинг чеҳраси очилганига дадаси ҳам хурсанд. У ўчоқбоши томондан бўлаётган имо-ишораларга биноан «катта ма-алим»ни ўтовда ёзиғлигича қолган дастурхонга бошлаш ниятида парвона.

— Миямга бир фикр келиб қолди. Тўғриси, бу фикрнинг туғилишига сиз сабабчисиз,— деди меҳмон ичкари киришга унамай. У оғзибурни-ю кўзларида пашшалар ғужғон ураётган архар томонга ишора қилди.— Тухуми қуриб кетмаслигининг чорасини кўрсак.

— Иложи борми? — дадаси ажабланди.

— Улиқни тирилтириб бўлмайди,— бош чайқади «катта ма-алим».— Аммо тухуми ўлмагандир? Агар қарши бўлмасангиз... қўйларингиз қаёқда?

— Саксовулқудуқда.

«Катта ма-алим» хомуш бўлиб қолди:

— Узоқда экан.

Кўчқор ҳовлиқиб катталарнинг сўзига аралашганини ҳам билмай қолди:

— Узимизники шу ерда,— қир томонга ишора қилди.— Бўтакўзга етмагандир-ов ҳали.

— Қуйикканлари бормикан?— деб сўраб қолди профессор.

— Бор! — яна катталарнинг гапига аралашди Кўчқор.

Сен қаёқдан биласан, дегандай кўз қараш қилди дадаси.

— Тажриба-да. Чиқмаган жондан умид,— профессор дадасига ялингандай боқди.— Уруғини олиб, қўйларни сунъий қочирсак. Зора насли сақланса!

«Хўп дея қолсалар-у, олам гулистон!— Кўчқор дадасига тикилиб оғзини пойлади.— Нега индамайдилар-а?»

— Улган молнинг...— дадасининг иккиланаётгани юзидан маълум. Ахийри у қўл силтади.— Ҳа, хайр, домилло, кўринг.

Кўчқор «урра» деб чапак чалмоқчи эди-ку, бироқ вақтида ўзини тутиб қолди. Ҳар қалай турган жойида бир сакраб қўйди.

Қизиқ, профессорларда ҳам пичоқ бўлар экан-да! Дадасининг мол сўядиган ўткир пичоғига ўхшаш пичоқ.

Архарнинг орқа оёғини ушлатиб човини ёраётганида «Кўрқмайсанми?» деб сўради у. Нега кўрқар экан? «Кўзинг пишийверсин», дейди архарнинг қовуғи-ю, яна нималаринидир ажратиб олаётиб. Сўзлари ғалати-я профессорнинг? Кўзи нимада пишар экан? Қозондами?

Бу орада Тўрабек шприцга ўхшаш, лекин ундан каттароқ шиша асбобларини қайнатиб келди. Уша шприцдан каттароқ асбоб билан архарнинг қовуғидан аллақандай шилимшиқ суяқликни тортиб олишди. Профессорнинг гапига қараганда, бу архарнинг уруғи экан. Энди бу

уруғ совлиқ тухумига қўшилса — тамом, ўса бошлар ва роппа-роса беш ойдан кейин ба-балаб архар кўзичоқ туғилар эмиш. Қандай қилиб? Ҳеч ишонгинг келмайди. Профессор уни ёш бола санаб алдаётганмикан?

Тўрабек Қўчқорга «эшакка мин», деб буюрган жойида муаллими тўхтатди:

— Йўқ, ўзимиз борамиз. Баҳонада Бўтакўзни кўрамиз. Доривор булоқ сувига қонамиз,— деди у. Катта одам шундай деб тургандан кейин сўзини қайтариш яхшими? Аслида амакиси қўйларни ҳайдаттириб келиб, сунъий қочиришни қўрада ўтказмоқчи эди.

— Кетдик! — деди профессор.

Дадаси овқат тайёр, деб шунча қистади, у кўнмади. Бошлаган ишини охиригача етказмай овқатга қўл уриш одати йўқ экан профессорнинг. Дадаси ноилож кўнди. Лекин хуржунга дастурхонга ўраб нималарнидир солди чамаси.

Қора ҳанги амакиси иккови мингашса ҳам диканглаб кетаверди. Лекин отга бир оз қийин бўлди: меҳмон эгарнинг қошидан ушлаб узангига оёқ қўйганида, бели қайишиб кетди-ёв жониворнинг.

— Тўрака, хў, Тўрака,— дея сўради Қўчқор.— Ма-алимингизнинг оғирлиги бир қанор қоп буғдойча келадими?

Тўрабек «жим» деб бир туртди-да, бошини силтаб ёнларидан шитоб билан ўтаётган саман томонга ўгирилди.

Қўчқор пиқ-пиқ кулди. Катта одамдан кулиш яхши эмас, албатта. Айниқса, амакисининг катта муаллими устидан. Лекин, оғзини қўли билан маҳкам ёпса ҳам, ўзини тутолмаса нима қилсин? Рост-да, тикма қанор қопга ўхшайди. От минган киши ақалли эгнидаги анави халатни ечса экан! Тақимидаги хуржун кўзлари ҳам тикма. Бир томонда канистр бор. Машинасининг орқа юкхонасидан олиб жойлаганини аниқ кўрди. Хуржуннинг бошқа кўзига иссиқ сув тўлатилган термос солишди. Нимага керак экан? Чойгамикан, деса профессор булоқ сувига қонмоқчи. Ҳатто канистрда ҳам олиб кетмоқчи. Меъдага дори эмиш.

Қирга чиққунларича қора ҳангининг қулоқ орқалари терлаб, инқиллаб қолди. Амакисининг раҳми келмайди-я. Қўчқор икки қўлини эшакнинг сағрисига қўйиб, орқаси билан тўп этиб ерга тушди. Бу ёғи оз қолди. Қўйлар узоққа кетиб қолмагандир. Анави жилғада ўтлаётган ёки бирор харсанг панасида кўланкалаб ётгандир. Ҳаққаси рост, ана, ола ҳаққа ҳалитдан безовта бўлаётибди. Жилғадаги ҳу анави ёнғоқдан қағиллаганча учди. Унинг қағиллагани «хушёр бўл», дегани. Буни дадасидан эшитган. Хоҳ яёв ёки отлиқ одам, хоҳ шитир-шитир ўлжасига яқинлашаётган илон, хоҳ кўкда чарх ураётган бургут кўриндими, ҳаққа дарҳол дашт-дара, боғ-роғни бошига кўтариб шовқин солади.

Қўчқор қора ҳангининг думидан ушлаганча (йўқ, тепмайди, ўйнашганингни эшак ҳам билади) йўрғалар экан, мийғида кулди: «Ғам-хўр бўлмай кет!». Томларининг бўғотига ёпишиб турган ҳаққанин чумчуқ инидан тухум ўғирлаганини ўз кўзи билан кўрган. Шу ҳолига «хушёр бўл» деб бошқа жониворларга ғамхўрлик қилармиш!

Ола ҳаққа эса ҳамон шовқин соларди.

Чиндан ҳам қўйлар узоқлашмаган, жилғанин терскай томонидаги pista тагида уймалашиб ётган экан. Уларни пайқамай Бўтакўз томонга юқорилаб кетишаётганларида орқадан Олапарнинг вовиллагани эшитилди. Қаёқдан пайдо бўла қолди экан? Ҳали йўлга тушганларида кўринмаганди? Қараса, тегирмонтош устида бамайлихотир турибди. Биринчи бўлиб профессор от бошини қайирди. Ҳа, қўйлар панада уймалашиб ётибди. Хўп ақлли-да, Олапар. «Вов-вов» қилгани: «Бу ёқ-қа!» дегани. Ғамхўр деб шуни айтса бўлади. Қоровуллаб юрган экан-да!

Профессор отдан тушаётганида Қўчқор югуриб бориб от жилловидан ушлади. Бошида ўша докторлар киядиган оқ суруп қалпоқ, эгнида отлиқларга ҳечам ярашмайдиган тирсиллаган кўк коржомо (дасиникидай кенг жун чакмон бўлса, бошқа гап), жуда кулгили. Лекин профессорнинг қиёфаси жиддий. Шунга қарамай:

— Баракалло,— деб қўйди.

Қўчқорнинг қувончи юзига тепди, сал-пал қизариб ҳам олди. У саманнинг одатини биларди-да. Айниқса, ёт одам ёнига йўласа, ёқтирмай типирчилаб туради. Меҳмон отдан тушаётганида ўйноқлаб кетса борми, дадаси айтмоқчи, «палакат оёқ остида». Амакисидан олдин от юганидан ушлаганининг сабаби ҳам ана шунда. Қора ҳанги ўрганган. Яқин атрофда эшак бўлмаса, тинчгина ўтлаб юраверади.

— Азиз Нуриевич, қайси бирини тутай? — деб сўради Тўрабек кўланкада кавш қайтариб ётган қўйларни кўрсатиб.

Хуржундаги шприцга ўхшаган асбоблар жойланган қутини олаётган профессор.

— Куйиккани борки, бир чеккадан олиб келаверинг,— деб қўйди.

Қўчқор ажабланди: қўй куйикканми-йўқми, қаёқдан билади? Лекин амакиси билмайман демади. Жуни тақирроқ узун дўнан қўйни шаппа ушлади. Думбасини кўтариб қарадим-ей, яна нимадир қилди. Профессор эса... (Ҳа, термосдаги иссиқ сув, ана, нималарга керак бўларкан!) Архарнинг уруғи тўлатилган йўғон шприцни иссиқ сувда иситди. Яна аллақандай шиша найчага қўйди. Амакиси ёш боладай қўйни тескари миниб чотига қисиб олган. Қизиг-а, бу катталар! Кейин... кейин профессор йўғон шприцни... Ҳе! Қўчқор тескари қараб олди.

— Кўзинг пишаверсин, буёққа қара! — дейди профессор.

Улар тўртта қўйни «шундай» қилишди. Бу «сунъий қочириш» эмиш. Профессорнинг сўзи рост бўлса, беш ойдан кейин шу тўртта қўй камида тўртта дурагай бола туғиши керак. «Дурагай» ўзи нима? Така эчки билан, қўчқор совлиқ билан чатишса — улоқ ёки қўзи туғилади. Лекин отиб ўлдирилган архардан қўй қочиши ва қўзилаши яна аллақандай «дурагай» бола туғилишини Қўчқор ҳеч тасаввур эта олмади. Сўрашга эса ботинмади.

Жилдирабгина оқаётган сув ёқалаб юқорилаётганида:

— Мана сизга тема,— деди эшакда ёнма-ён бораётган Тўрабекка. — Шу бугундан эътиборан генетикага оид илмий иш бошланди ҳисоб: дафтар очинг-да, кузатувларингизни ёзиб боринг. Қўчқор кўмаклашади. Шундайми?

Эгарда ёнбошлаброқ ўтирган Тўрабекка гап уқтириб бораётган Азиз Нуриевич унга қараб жилмайди. Қўчқор профессорнинг ғалати кўз қарашига тоб беролмай, амакисининг орқасига тиқилиб, юзини курагига босди. Назарида, аҳёнда бир кўнгли келсагина куладиган бу катта одамнинг қисик кўзлари ҳамон ўзига қадалиб тургандай эди. Сўзларига ҳам тушуниш қийин. «Дурагай», «генетика»... Ана, ана... «Кўк рангларида альбиноид касаллиги борми-йўқми? Барини текширинг. Ёзиб боринг...», «Альбиноид касаллиги» деяпти. Шундай касаллик ҳам бор экан-да? Бироқ анави... Қўчқор катталарнинг ўзаро суҳбати тўхташи ҳамон амакисидан сўраб билишга аҳд қилди.

Профессор шимининг чўнтагидан дастрўмолини олди. Юз-кўзини артгач, ўша дастрўмолини бўйнига галстукка ўхшатиб боғлади-да, отга қамчи босди. Шу заҳоти Қўчқор Тўрабекнинг қулоғига шивирлади:

— Тўрака, ҳой Тўрака, «дурагай» дегани нима дегани?

Эшак эгариди букчайиброқ ўтириб, товонига зўр бераётган Тўрабек салгина ўгирилиб қулоқ солгач, яна эшакни ниқташга тушди.

Қўчқорнинг амакисидан ҳафсаласи пир бўлиб, билмайдига чиқариб қўйганида, у яна салгина ўгирилди:

— Қон аралашган насл... масалан, бия эшакдан қочса, янги дурагай насл — хачир туғилади. Тушундингми?

Амакисининг унга катталардай муомала қилиши Қўчқорга ёқади.

— Кўрганман, Тешиктошдаги Эшмат буваниннг хачири бор. Самандан кичик, қора ҳангидан катта...

Тўрабек унинг сўзларини маъқуллагандай бош ирғади. Бундан руҳланиб кетган Қўчқор ёнларида ёт одам борлигини ҳам унутган эди. У овозини баралла қўйиб сўрашга тушди:

— «Генетика» дегани нима дегани?

Тўрабек мийнғида кулиб қўйди-да, индамай йўлида давом этди. Қўчқорнинг сабри чидамай, такрор сўради.

Тўрабек қора ҳангининг яғринига халачўп билан бир тушириб, эътиборсизгина жавоб қилди:

— Айтганим билан бари бир тушунмайсан.

Амакисининг уни ёш бола санаб, бундай муомала қилиши иззатнафсига тегди: Қўчқор мактаб боласи ахир! Нега тушунмас экан?

— Тушунаман,— дея тўнғиллади у.

Дастрўмолини пионер галстугидай бўйнига боғлаб, олдинроқда от устида аста чайқалиб бораётган «катта ма-алим» қайрилиб қаради.

— Тўрабек акангни имтиҳон қиляпсанми? — дея кулимсиради-да, от бошини тортди.— Хафа бўлма, «генетика»нинг нималигини мен сенга кучим етганича тушунтириб беришга ҳаракат қиламан. Генетика-ирсият ҳақидаги фан. Тушундингми?

Қўчқор бош ирғади. Бу «катта ма-алим» ҳам амакисига ўхшаб, уни ёш бола, ҳеч нарсага ақли етмайди, деб ўйламасин-да.

Аммо оқ суруп қалпоқчасини бошига қўндириб олган Азиз Нуриевич бодом қовоқ кўзларини қисганича унга узоқ тикилиб қолди.

«Ишонмади-ёв».

— Нечанчи синфда ўқийсан? — деб сўради у қора ҳангидан ортда қолмаслик учун саманни йўрттириб.

— Тўртинчига кўчдим.

— Ҳа, балли,— деди у.— Бошланғич мактабни тугатишингга оз қолибди. Сал юқорироқ синфларда ботаника, биология фанларини ўрганасан. Ана ўшанда генетика ҳақида маълум тушунчага эга бўласан. Ҳозирча... майли, қизиқаётган экансан, мана бу гапга қулоқ сол. Тўрабек амакинг кимга ўхшайди?

Қўчқор ўйлаб ҳам ўтирмади. Мактабдагидай қўлини кўтарди. Рухсат аломати бўлгач, шартта жавоб қилди:

— Дадамга.

— Балли. Ўзинг-чи?

Қўчқор пиқ этиб кулиб қўйди-да, ўйланиб қолди. Дадасига жон-жон деб ўхшагиси келади. Бироқ...

— Катта бўлганингда, балки дадангдай новча, полвон бўларсан...— деб саволига ўзи жавоб қилди профессор.

Қўнглидагини қаёқдан била қолди экан? Қўчқор унинг топағонлигига қойил қолди.

— Лекин сен кўп томонларинг билан онангга ўхшасанг керак. Чунки даданг қушбурун, пешонаси торроқ, қора қош, юзи узун, от жағли одам. Кўзлариям бургутникидай ўткир. Сен бўлсанг, кулча юз, пучуқроқ... кўп эмас, андак,— «катта ма-алим» бармоғини қаншарига тегизиб кулди,— қош-кўзинг билан, қўйиб қўйгандай отангга ўхшайсан. Манглайнг, сочларингнинг қаттиқлиги, мумдай қоралиги билан ҳам отангга тортгансан. Мана шу тортиш, боланинг отага ёки онага ўхшаши бари бадандаги майда ирсий зарралар — генларга боғлиқ. Масалан, минг йилдан кейин ҳам сенинг авлодингдан бўлган кимдир сенга жудаям ўхшаш бўлиши мумкин. Чунки бадандаги генлар — ирсий зарралар сендаги хусусиятларни болангдан боласига ташиб етказаверади.

«Катта ма-алим» ҳикоя қилар, Қўчқор эса анграйиб тинглар эди. «Қизиқ экан-ку, бу «ген»лар,— дея хаёл суради у эшакда кетаётиб,

— Сал-пал тушундингми?— деб сўраб қўйди «катта ма-алим».

— Сал-пал,— деди Қўчқор.

— Тушунган бўлсанг, Тўрабек амакинг бугундан эътиборан генетикага оид бутунлай янги илмий иш бошлади. Ёввойи тоғ архарини отиб, унинг уруғи билан қўйларни сунъий қочирди. Бу тажрибаси муваффақиятли чиқадими, йўқми, билмадим. Борди-ю, муваффақиятли чиқса, туғилган дурагай авлодда ёввойи архар қони устун келадими ёки оналарига тортадими — шуларни ўрганади. Бу ишда сен ҳам кўмаклашасан, сўз берасанми?

Қўчқорни ҳаяжон босди. Ҳатто терлаб ҳам кетди. «Катта ма-алим»

такрор сўради. Шунда у чаккасини қашлаб туриб, бошини лиқиллатди.

— Сўз бераман.

Катта одам бир нима дегандан кейин йўқ деб бўладими? Бироқ қандай қарашади? Агар қўйларни эрталаб қўрадан чиқариш, ёйиш, суғориш, кечқурун яна қўрага ҳайдаш каби ишлар кўмак саналса, бу ишларни қилапти. Агар яна бундан бўлак ёрдам керак белса, амакиси ўзи айтар. Бажаради. Чин пионер сўзи.

Ана, ола ҳакка яна шақиллади. Ўзларидан юз метрча нарида учиб-қўниб даракляпти. Балки булоқ бўйида тоғдан сув ичгани тушган тоғтаками, кийикми бордир? Ола ҳакка эрта тонгда одамзод архар отганини, жониворнинг қонини оқизиб орқалаб ёки эшакка юклаб кетаётганини кўрган. Мана, амакисининг яғринида қон доғи. Гимнастёр-касидаги таканикига ўхшаш ачимсиқ ҳид Қўчқорнинг димоғига гуп этиб урилди. Буни анчадан бери сезгандай эди-ку, аммо эътибор қилмаган экан. Бу ахир ўтовларининг олдида чўзилиб ётган, мугузлари эртақдаги қирқ қароқчининг қайрилма қиличидай, «ҳей, одамлар, мен сизларга нима ёмонлиқ қилдим?» дея сўраётгандай кўзлари ва оғзи очик қолган бечора кўк архарнинг ҳиди-ку? Тўрабек амакиси эса ҳар куни тоғдан пастга тушиб, Бўтакўз булоғидан сув ичадиган ўша кўк архар ҳидини тарқатиб юрибди. Ола ҳакка уни танимайди дейсизми? Танийди! Ундан жилғага гуп-гуп таралаётган ҳиданоқ безовта бўлиб теваракка жар солмаётганмикан «Ҳой, паррандаю дарранда, жониворлар! Эшитмадим деманглар! Қашқатовнинг кўрки — довурак архарни писиб-бекиниб этиб ўққа учирган қотил келаётибди!» деб?

Ола ҳакка қағиллаб, шохдан-шохга учиб-қўниб, жар солар эди! Қўчқор ижиргангандай афтини бужмайтирди. Қўлини амакисининг қўлтиғидан олиб, эшакдан тушишга шайланди. Оёқларини керган ҳам эдики, қандайдир бутага чалишиб, ерга чалқанча қулади. Думғазаси билан тошга урилди-ю, оғрмайдими. Лекин йиғламади. Энг муҳими, меҳмон кўрмади. Кўрса уят бўларди. Тўрабек қайрилиб қараб:

— Юзингни юв,— деди.

Тирсаги шилинипти. Қўлоқ-чаккаси жиз-жиз ачишади. Тилинган бўлса керак.

Ювинди. Дўпписи йўқолганини шунда билди. Ям-яшил ирғай тўқай бўлиб ўсган ўзандан чиқиб, ҳали йиқилган жойига тусмол билан кўтарилса, дўпписи учқат бутаси тагида ётган экан. Олди-ю, қўлида кўтарганча чопди. От туёғининг гоҳо тошга тақ-туқ урилгани ва «катта ма-алим»нинг узук-юлуқ овози эшитилди. Анча узоқлаб кетишганга ўхшайди. Катталарнинг кутиб туришмаганига Қўчқорнинг хўрлиги келди. Бироқ салдан кейин ўпкасини босиб ўйлаб қараса, уларнинг бу иши бир жиҳатдан яхши бўлганга ўхшайди: ахир у ёш бола эмас-ку, қўлидан етаклаб юрадиган? Ундан ташқари, кутиб туришганда «катта ма-алим» унинг эшакдан йиқилганини пайқаб қолиши, юзида яширгани билан ичида кулиши, раҳми келгандай: «Эт-бетинг оғрмайдими?» деб сўрай бошлаши мумкин эди. Бундақа меҳрибонликларини қиз болаларга қилишсин!

Уларга етиб олиш ниятида тез юрганидан терлаб кетди. Муздай сувда ювингани ҳам кор қилмади. Шилинган, тирналган жойлари биррам ачишадими! Енги шимариғлиқ, қизил тўр кўйлагининг олди-орти ҳам шалаббо. Чилп-чилп ёпишади денг баданига. Жилға ичи дамми, нафаси қайтади! Қўчқор тўр кўйлагининг ёқасини очиб, ичига пуфлади. Бунинг устига, оёғидаги кирза этик бир пуд келар-ов! Ғурп-ғурп қилади. Шукр-ей, Бобоёнғоқнинг учи ҳам кўринди. Уша ёнғоқ тагида Бўтакўз. Айни шу чоғ ола ҳакка шақиллади. У тоғ бағрига тармашган улкан Бобоёнғоқнинг уч-учига қўнган шекилли: товуши тошни ёргудек, бутун жилғани тутган. Бундан чиқди, эшагу отлиқ булоқ бошига яқинлашибди-да? Мингашиб кетаверганида-ку... Қўчқор эшакдан тушиб қолганига ачинди. Юқорига қараб юриш, айниқса, югуриш жуда ҳам қийин-да. Юрагинг гупиллаганини эшитиб турасан. Шунга қарамай, ўзига-ўзи буюрди:

— Ҳа, чаққон-чаққон! — қўй қайтарганида дадаси ҳуштак чалиб қўйиб, одатда шундай дейди.

Тўғри, Қўчқор имилламаяпти. Лекин тош бойлагандай зил-замбил этиклари оёқларини орқага тортса, нима қилсин? Шунда ҳам у ўзига яна бир бор далда берди:

— Ҳа, чаққон-чаққон! Бир-икки, бир-икки!

Тобора катталашаётган ёнғоқнинг қуриб қолган тепа шохи кўринганида Қўчқор фахр билан ўйлаб кетди: «Нонжийда бор. Бироқ бобожийда йўқ. Оқолма, дасторолма, ҳатто пахтаолма бор. Бироқ бобоолма йўқ. Нима учун?»

Киши хаёл сурса, чарчагани унутилиб, босган йўли унар эканми, бундай қараса, булоқ бошига келиб қолибди. Ана, қора ҳанги. Қимирлашга ҳоли келмай, бошини осилтирганча турибди. Саман эса ўтлаяпти. Баъзан хира пашшаларни ҳайдаб, думини силкитиб қўяди. Амакиси эгардан хуржунни олиб Бобоёнғоққа қараб кетаётибди. Вой-вуй, бунча ҳайбатли! Қўрадан... йўқ, у ердан кўринмайди. Қирга чиқиб қаралса, ўшандаям учигина кўринади, холос. Яқиндан эса, ана, қандай экан бу Бобоёнғоқ!

Қўчқор қўлини пешонасига соябон қилиб қараганида бошидан дўпписи тушиб кетай деди.

— Бир, икки.— Қўчқор хаёлида пўсти тарс-тарс ёрилиб, қорайиб кетган дарахтни қулочкашлаб ўлчашга тушди.— Ҳа-ҳа, тўрт қулоч келаркан!

Хуржундагиларни олиб, булоқбошида дастурхон тузаётган Тўрабек:

— Қаёқда қолдинг?— деб қўйди-ю, ўз ишидан қолмади.

Қўчқорнинг булоқ бошига биринчи келиши эмас, Бобоёнғоқни ҳам биринчи кўриши эмас. Лекин ҳар бир келиши унинг учун байрам. Бўтакўз булоқ тиниқлиги, роҳатижон муздайлиги билан, манави ёнғоқ эса ўзининг улуғворлиги билан уни ҳаяжонга солади. Айни чоғда ҳам юраги ҳаприқиб турибди. Одатдагидай, гир айланиб юргусиси, овозининг борича бақиргиси келади. Афсуски, ҳозир пайти эмас: меҳмон бор. Эркатоӣ экан, деб кулиб кетмасин яна. Ана ўзи ҳам келяпти.

Азиз Нуриевич тизза бўйи тоғ райҳон, читир барқ уриб ўсган ёнбағирликдан лапанглаганча тушиб келмоқда: суруп қалпоқчаси қўлида ҳилпирайди, тақир боши офтобда ялтирайди, қисик кўзларида олам жаҳон қувонч.

Қўчқор боши катта, бошидан ҳам қорни катта бу одамнинг амакисини ўқитган «катта ма-алим», профессор эканидан ташқари, дадасидақа чавандоз бўлганига ҳам шу дақиқада ростакам иқрор бўлди-ю, дикир-дикир сакрашдан ўзини тия олмади.

— Қўчқорвой! Биз билан бекинмачоқ ўйнапсизми, деб сизни тоққа чиқиб қарадим! — деб тегишди у.

Шундан кейин Қўчқор Азиз Нуриевичдан тортинмай қўйди. Бунинг устига, булоқ бошига яқинлашганда майкачан энкайиб ювинаётган Азиз Нуриевич қўққисдан сув сепса-я! Пайтида чап берди. Йўқ эса ҳаммаёғи ҳўл бўларди. Яна қийқириб кулгани ортиқча. Киймига озороқ сачради. Сепиш бундоқ бўлади деб тақир боши-ю, тарвуздек қорни аралаш бошлаб... Бироқ аяди. Ҳарна қилганда ҳам меҳмон.

Қўчқор Азиз Нуриевичнинг қитиғига теккандай қочиб-яқинлашиб, қочиб-яқинлашиб Бобоёнғоқ тагида у ёқдан-бу ёққа чопиб юрганида, «катта ма-алим»лар ҳам ўзимиздақа бўлишар экан-да, деди ичида. Агарда амакиси:

— Домла, дастурхонга марҳамат!— деб чақириб қолмаганида, шимининг почасини тиззасигача шимариб, ялангоёқ сув кечиб юрган Азиз Нуриевич ёш боладай сув сепиб ўйнашишдан тўхтамасди, балки.

У артиниб, дастурхон тепасига келганида, қиёфасида ҳалиги ўйинқароқликдан асар ҳам қолмаган эди. Оқу жигарранг, ёзувлари зарҳал шишаларга ҳўмрайиб қараб:



— Тўрабек, анавиларингизни тез яширинг,— деди.  
— Домла, ахир биринчи келишингиз... — дея ялинишга тушди амакиси.— Кўп эмас, оз-оздан...

— Бу шишалар шаҳарда ҳам тўлиб ётибди. Аммо Бўтакўздай булоқ топилмайди.

— Унда Бўтакўзнинг кўзёши закуска бўлақолсин!— Тўрабек топган сўзига ўзи завқ билан кулди.

Аммо бу гап Азиз Нуриевичга ёқмади — жилмаймади ҳам. Жиддий туриб, маслаҳат солди:

— Келинг, зилол булоқ сувини булғатмайлик.

Тўрабек тушунмадим, дегандай елкасини қисди. Қўчқор ҳам тушунмади: нега энди булганар экан булоқ суви?!

Азиз Нуриевич ёнғоқнинг солланган пастки шохларида осилиб турган оқ, кўк латталарга назари тушди шекилли, четга қараб сўзланди:

— Бу ер муқаддас, покиза жой... Нўпок бўлмасин...

Тўрабек ерга қараганча мийғида кулди. Бундай қилганини Қўчқор ўз кўзи билан кўрди. «Эскиликка ишонар экан», деб кулди шекилли амакиси, аниқ. Ғалати гап қилди-да, «катта ма-алим».

Лекин шишалар йиғиштирилди. Булоққа ташлаб қўйилганлари ҳам олинди. Хуржуннинг бир кўзига жойлашди. Шундан кейингина Азиз Нуриевич кўрпачага ўтирди. Қўли билан имлаб Қўчқорни ҳам ёнига ўтқизди. Дастурхонда онаси эрталаб ёпган патир ҳали тафти кетмаган, пиширилган гўшт, бўғирсоқ, чўзма бор. Майиз, ёнғоқ, мағиз аралаш қанд-курс солишни ҳам унутмапти онаси.

Меҳмон иштаҳа билан овқат ея бошлади. «Ол, олавер, тортинма», деб унинг қўлига зўрлаб илик тутқазди. «Бу ернинг ҳавосигаёқ семирасан», деб пишиллаб нафас олади. «Сувнинг ўзига маст бўласан киши», дея энгашиб, ҳадеганда булоқдан пиёла-пиёла сув ичади, Дастурхон тепасида гурунг бериб, очилиб-сочилиб ўтирибди.

Азиз Нуриевич азбаройи маза қилганидан кўзини юмиб, сукутга чўмди. Фақат чуқур ва бир текис нафас олаётганигина эшитилар эди.

Қўчқор булоқ бошига кўп келган. Илгари бу ернинг қадрига етмас экан-да. Кўзи энди очилди. У йўғон ёнғоққа, унинг қора-қирмизи томири тагидан вақир-вақир қайнаб чиқаётган тип-тиниқ булоққа суқланиб қаради. Тарвақайлаган шохлар, қиқир-қиқир кулгандай шабадада шитирлаган барглар орасидан кўкариб кўринган сирли осмонга тикилди. Бобоёнғоқ панасидаги чўққини ҳам биринчи бор кўраётгандай эди. Ёнбағри ям-яшил. Юқори кўтарилгани сари кўкариб оч ҳаворангга кира боради. Ниҳоят, кўкка найзадай қадалади-ю, рангпар музга айланади.

Тоғдан ғир-ғир шабада эсиб, ялпиз ҳидини олиб келади. Қандай роҳат!

Қўчқор Азиз Нуриевич ўзига қараётганини ҳис этиб чўққидан кўзини узди.

— Ози ширин. Турайлик-а? — деди у жилмайиб.

Тўрабек бир оз хомуш кўринади: унча қилолмади шекилли.

Азиз Нуриевич дастурхонга фотиҳа қилди-да, ўрнидан қўзғалди. Саман арқонланган томонда қолган хуржундан пластмасса канистрни олди. Айтса-ку... Қўчқор ичида сал ранжиди. Югуриб бориб қўлидан идишни олди. Булоқ бошига келиб қопқоғини очди. Ичини чайиб-чайиб ташлаб сув тўлатаётганида:

— Қўчқор полвонни эслаб юрамиз Бўтакўзнинг танга дармон доривор сувидан ичганимизда,— деб қўйди тепасида турган «катта ма-алим».

Уни эслашса-я! Қўчқорнинг пешонаси жимирлаб, сувга ботирилган канистрнинг оғзидай томоғи ҳам қилқиллаб кетди. У булоқ кўзидан кўзини узмай жилмаяр экан, хаёлида ўзича режа тузарди: катта бўлганида албатта шаҳарга ўқишга боради. Шунда у, канистрга кўз қирини ташлаб қўйди, бир эмас, иккита мана бундай идишда лим-лим сув ола кетади. Чунки булоқда сув кўп. Оқиб ётибди. Бу ердагилар

қадрига етармиди. «Катта ма-алим» эса эшикни очиши ҳамой сув идишларни кўриб хурсанд бўлади.

«Келинг, Қўчқор полвон! Эслаб турамиз сизни! Э-ҳа! Элиб келдингизми? Бўтакўзининг танга дармон доривор сувидан-а?» дея қарши олади. Ундан кейин...

— Қўчқор полвон! — деб қолди Азиз Нуриевич. У киши суруп қалпоқчасини бошига кийиб, йўл ҳозирлигини кўриб ҳам бўлипти...

Идиш аллақачон тўлган экан, пайқамапти. Қўчқор булоқдан олишга олди-ку, нариги қирғоқда турган Азиз Нуриевичга идишни узатишда жуда қийналди. Оғир экан. Шунда ҳам отасидан юққан одамгарчиликни қўлдан бой бермасликка тиришиб:

— Қўяверинг, ўзим... — деб қўйди.

Улар қўрага қайтганларида кун оғиб, салқин тушган, дадаси қўлида айри, ғарам босиш билан овора эди.

Кеча келтирилган икки машина янтоқни Қўчқор, онаси ҳам ёрдамлашган эди-ку, лекин, асосан, ўзи уйган эди. Бугун ҳам ташишибди-да.

— Қарашворайми? — деди Қўчқор эшакдан тушибоқ.

У ёқ-бу ёғини қоқиб, меҳмонга пешвоз келаётган дадаси:

— Тугади, — деди.

Меҳмон эса саманни арқонга боғлаб, хуржундаги «танга дармон доривор» булоқ суви тўла канистр билан халатини машинага жойлашга ҳам улгурибди. У:

— Сизнинг курортингизнинг бир кунлик гашти бир йилга татийди, — деди дадасининг қўлини маҳкам сиқиб.

Қандай курорт?! Қўчқор дафъатанига англамади. Дадаси: «Яна келинг, қишда суви иссиқ, ёзда муздай», дегандан кейингина тушунди. Э-э, деди ичида. Ақли етавермайди «катта ма-алим» сўзларига. «Сизнинг курортингиз» деб Бобоёнғоқнинг тагини айтаётган экан-ку!

Ичкари киринг, деб дадаси қанчалик қистамасин, у киши:

— Қўчқор полвоннинг зиёфати зўр бўлди. Ушанинг оғизда мазаси билан уйга етиб олай, — деб кўнмади.

Деярли гўшт емади... Нонга қўшиб ёнғоқ еди. Орқасидан сув ичди холос. Бунинг номи зиёфат эмиш! Шишаларни-ку, кўрса кўнгли айниydi шекилли, бекиттириб ташлади. Ана, амакиси хуржуни билан кўтариб кетаётибди. Кулмаяптимикиан? Бундай меҳмонни биринчи кўриши.

Тўрабек хуржундагиларни омборга қўйиб қайтганида, Азиз Нуриевич уни четга тортиб, ниманидир тайинлади: «...ўн-ўн беш кундан кейин қўчқор қўйиб синаб кўринг», деган гапи қулоғига чалинди лекин. Яна у, амакисининг унамаганига қарамай чўнтагига анча-мунча пул солиб қўйди.

— Ташвиш тортманг-эй, Азиз Нуриевич! — деди амакиси пулни қайтармоқчи бўлиб. — Инспектор ўзимиздан...

— Мен сабабчиман. Мен келмаганимда бу гуноҳга балки қўл урмасмидингиз. Эртадан қолмай райинспекторга учранг. Очиғини айтинг. Қанча талаб қилишса, шунча жарима тўланг...

Азиз Нуриевичнинг қаршисида ёш боладай мунғайиб турган амакисига Қўчқорнинг раҳми келиб кетди.

— Лекин билиб қўйинг: жарима тўлаш билан қутулар эканман, деб ўйламанг. Анави тажриба муваффақиятли чиқсагина гуноҳингиз ювилади! — «катта ма-алим» сўз уқтира туриб, бармоғини силтаб-силтаб қўяди. Амакиси эса «хўп бўлади, хўп бўлади», дея такрорлайди-да, бош ирғайди.

Азиз Нуриевич машина ичидан худди машинаси рангидаги қўнғир костюмини олиб кийди. Рулга ўтираётиб, бир нима эсига тушгандай, уй томонга кўз югуртирди-да, қайта ўрнидан турди. Қўчқорга яқин келиб, бошига кафтини қўйди. Бу пайт унинг тўладан келган қиёфаси илгаригидай жиддий бўлгани билан, бодом қовоқ қиссиқ кўзларидан нур ёғилаётгандай эди:

— Аянгга менинг узримни айт. Анча ўринтирдик...

— Қўйинг-эй, домилло! Аялдинг кунда қиладиган вазифаси-да, нон ёпиш, ош пишириш,— эътироз билдирди дадаси.

«Катта ма-алим» эса унинг гапига парво қилмай:

— Менам қўрада туғилганман,— деди.— Сен билан танишганимдан хурсандман, Қўчқор полвон. Сени кўрдим-у, болалигимга қайтгандай бўлдим.

Қўчқор тушунмади: «Каттакон одам-а? Қандай қилиб кичкина бола бўлиб қолар экан?»

У кетди. Амакиси мотоциклда тош йўлгача кузатмоқчи. Дадаси чўлга жўнаш тараддудиди. Чунки Қўзибой ёлғиз. Балки уни қайтарар. Ахир Қўзибой эрталаб мактабга бориши керак-ку? Қўчқор эса чанг тўзғитиб узоқлашаётган машинадан кўз узмай турарди. Кўксиди аллақандай илиқлик. Бу тафт ҳозир қўнғир «Победа» ичида ўтирган «Катта ма-алим»нинг катта кафтида бошига, бошидан эса кўксига ўтди шекилли. Жимир-жимир қилади ҳамон.

### 3. Қўчқор мақтанчоқ эмас-ку, лекин...

Азиз Нуриевичдай одам тайинлаган-а. Айтганидан ҳам аълороқ эътибор қилади. Тўрабек амакиси, профессори тайинлагандек, ишни тажриба учун танлаб, сунъий қочирилган қўйларни тортишдан бошлади. Учта ходанинг учини бириктирди. Қўтон яқинига ўрнатиб, ўртасига тарозу осгунича кун ботди. Қирдан мол ҳам қайтди.

— Тут! — деди амакиси.

Қўчқор қўтон яқинида уймалашган қўйлардан биттасини шаппа ушлайди-да, етаклаб келади. Тўрабек амакиси қўйнинг гардани, човидан арқон ўтказиб боғлайди-да, тарозида тортади. Қўчқор бу орада бошқасини тутлади.

Амакиси қалин дафтарга қўйларнинг оғирлиги, бўйи, узунлиги, йўғонлиги, яна алланималарни ёзади. Унга тақлид қилиб Қўчқор ҳам дафтар очган, бироқ нима ёзишни билмайди. Амакисидан маслаҳат сўраган эди, у:

— Еган еми, ялаган тузидан тортиб кунига неча марта қумалоқлаганича ёзавер,— деди.

Ҳазилими ёки чини? Лекин барини дафтарига қайд қилиб қўйган: ҳар бир ўтган кун ҳисобда.

Тўғри, уларнинг қанча марта сув ичганини аниқ билмайди. Чунки эрталаб қўй-эчкиларни қирга ҳайдайди-да, Қўзибой билан қора ҳангига мингашиб совхоз марказидаги мактабга жўнайди. Пешинга яқин қайтади. Бу орада улар қанча марта сув ичганини қаёқдан билсин? Лекин орадан ўн кун ўтгач, Азиз Нуриевичнинг сўзини Тўрабек амакисининг эсига солди:

— Текшириб кўрмаймизми қочганми-қочмаганми? — деди.

Ахир Азиз Нуриевич тайинлаган эди-да. Тўракаси бўлса кулади. Ана, мотоциклини ўт олдирди-да, ҳайтто ҳуйт деб жўнаб қолди. Ёш бола деб писанд қилмайдими, қайдам.

Эртасига, индинига ҳам айтди. Кеч қайтиб, ўтовда овқат еяётган Тўрабек тиқилиб қолди. Қизиқ, кулчатоёга ҳам тиқиладими киши? Қўзидан ёш чиқиб, ҳиқ-ҳиқ қилади. Онаси: «Овқат егани қўясанми амакингни, йўқми!» деб уни ўтовдан қувди. Бари бир кўнмади. Бўсагада тўхтаб тўнғиллади:

— Тўрака тиқилмасин деб тўртта қўйни қисир қолдириш керакми?

— Олиб келаман!! — деб бақирди Тўрабек чой ҳўплар экан.

Лекин қачон олиб келади? Эртагами? Индинми? Қизиқ-а, бу катталар! Ҳеч қачон аниғини айтишмайди! «Уйдаги гап кўчага тўғри келмас эмиш». Нима учун? «Тушунгин-да, мусулмон, дуч келган қўчқорни машинага босиб олиб келолмайман», дейди.

— Ҳўп, тушунтиринг-да, зоотехниксиз,— деди Қўчқор.

Хит бўлиб турган амакиси кулиб юборди.

— Куз иссиқ келганигами, қўчқорлар ҳали маст бўлганича йўқ...

— Маст бўлмаса маст қилинг! — Қўчқор амакисининг сўзини бўлиб, шундай деган ҳам эдики, онаси олдига солиб қувлади.

— Ҳой шумтака! Сен қачондан катталарга ақл ўргатадиган бўлдинг?

«Шумтака» деб уришишлари жонига тегди. Қаери такага ўхшайди? Селкиллаган соқоли ёки қаққайган шохи бўлмаса? Қўзи қурсин таканинг олаймай! Ундан бирорта эчкига тинчлик йўқ. Агар хаёли қочиб пайқамаса борми, уни ҳам сузишдан тоймайди. Йўқ, онасининг бундай дейиши ҳечам ёқмайди. Нега энди у «шумтака» бўларкан?!

Лекин қистаб юриб, амакисидан қўчқорни ундирди. Уша куни эрталаб уйғонса, ҳаво айниб, шамол турган экан. (Вой-бўй, тоғ бағрида бунчалик, қумда қандай экан?)

Якшанба, мактабга борилмайдиган кун. Иссиқ ўринда ёта турса ҳам бўларди-ку, онаси қўймади. Қоп, халталарни хуржунга солиб тайёрлаб ҳам қўйибди.

— Кўряпсанми, гувиллашини? Ҳойнаҳой ёнғоқни ер билан бир қилиб тўкиб ташлаган. Юр, териб келайлик, — деди.

Бошини кўрпага ўраб ётиб олди. Дам олиш куни ҳам тинчлик йўқ.

— Қўчқорвой, азаматим...

Онасининг бундай эркалатишларига Қўчқор тоб бера олармиди? Тихирлик қилиш бари бир бекфойда. Онаси терамиз, дедими, айтганини қилмай қўймайди. Акалари уйда бўлса эканки, уларга орқа қилса. Тойлоқ акаси армияда, Қўзибой чўлда. Кеча ўқишдан келибоқ дадасига қарашгани кетди. Опаларининг вақти йўқ — уй-рўзғор, тирикчилик. Агар эринчоқлик қилиб ётаверса, онаси эркалаш ўрнига орқасига шапалоқ тушириши ҳам ҳеч гап эмас. Обруйи борида... Қўчқор устидан кўрпани тепиб ташлаб, охири бор маза қилиб керишди.

Она-бола қора ҳангига мингашиб булоқ бошига етганларида у ер тўс-тўполон бўлиб ётарди. Ярим ой, атиги ярим ой бурун қандай эди-я! Энди булбул у ёқда турсин, олашақшақнинг тошни ёрар товуши ҳам эшитилмайди. Инига уриб кетганга ўхшайди бўрондан қўрқиб.

Қўчқор «катта ма-алим»нинг тизза бўйи тоғ райҳон ўсган тоғ бағридан чолиб тушганини, ёш боладай энтикиб Бобоёнғоқ атрофида айланганларини эслаганида юраги орзиқиб кетди. Азиз Нуриевич анави бўтакўз сувидан ичибоқ узала ётиб «маст» бўлган эди. Ўзи-чи? Икки ҳовуч ичар-ичмас боши айланиб, чимга юмалаб тушган. Энди бўлса кўкаламзор отигагина. Ҳаммаёқ сарғайган, қовжираган. Баҳайбат Бобоёнғоқнинг тароватини шамол учуриб кетгандай эди: шохларида якка-дука барг-у, ҳилпираган латта-путта демасангиз — қипяланғоч. Ҳатто тепакали очилиб қолгандай — қуриган шохи булоқбошига синиб тушган. Ҳаммаёқда хазонрезги.

Қўчқор сўзлашга ҳам ҳуши келмай, шамолга орқа ўгириб, қўнишибгина турганида, онаси:

— Терсанг-чи! — деб қолди.

— Нимани теради? — Қўчқор оёқ учлари билан барглари титди.

— Тепма, болам. Катта Отанг гўрида тинч ётсин, — деб танбех берди онаси.

Қўчқор ажабланиб қараб қўйди. Тинч ётмай, тинчсизланар эканми? Тўғри, Катта Оталари Жўжими, Бўжими, қайсиям бир босқинчининг зулмидан қочиб келиб, шу хилват канорани макон қилибди. Бу ёнғоқни ҳам ўз қўли билан эккан экан. Унда «муборак панжаларининг изи» қолган эмиш.

Бу гапга Қўчқор унча ишонмайди. Қанча юз йил илгари экилган ёнғоқнинг танасида панжа изи қолар эканми? У Бобоёнғоққа тикилганича атрофидан аста айланаётганида онаси ранжиб:

— Энгашсанг-чи, вой! — деди.

Энгашди. Лекин ёнғоқ анча-мунча экан. Хазонрезги тагида қолиб кетибди. Қўлингга илиниб тургандан кейин қизиқмай бўладими? Қўч-

қор бўйнига емтўрвани осиб олган. Пўсти ажраган-ажрамаган ёнғоқ борки, аралашига солади. Онасининг халтасига зимдан қараб қўяди: дўппайибдими? Хаёлан кимўзар ўйнайди. Онаси халтасидагини қопга бир ағдарганида у емтўрвани икки бўшатди.

Булоқбошидан нарироқда кўзини ундан узмай турган олапар чўлтоқ думини «бор-э» дегандай бир силтади-ю, аста жўнаворди. У билан ўйнашгани Қўчқорнинг вақти бор эканми!

Шу куни она-бола икки бўғма қоп ёнғоқ теришди. Бундан ташқари, қишлик ўтинни ҳам ғамлашди: онаси шамолда синган шохлардан ташқари ёнғоқ баргигача қолдирмоқчи эмас. Қуриса қий-тезакка яхши тутантириқ бўлармиш. Қўчқор афтини бужмайтирди:

— Хотин зотига ҳайронсан! — дея тўнғиллади. — Чумоли билан уларнинг зуваласи бир жойдан узилганмикан?

Дадаси баъзан кулиб айтадиган бу гап оғзидан чиқиб кетганини билмай қолди. Лекин онаси ҳам бўш келмасди бундай пайтда. «Мен чумоли бўлсам, сиз қурбақага тортгансиз, уззу-кун «вақ-вақ!» деб боллаб жавоб қайтарарди. Қўчқорга дадасининг сўзлари жумбоқ бўлиб туюлгандек, онаси айтган гапнинг маъносига ҳам унча ақли етавермас эди.

— Чаққон-чаққон! — деди онаси осмонга кўз ташлаб қўйиб. — Қу-йиб юбормасайди!

«Чаққон-чаққон!» Дадаси билан онасининг топган гаплари шу. Қора ҳанги аэропланмиди, кўрага учиб бориб, учиб келса! Эгарга икки қоп ёнғоқ ортмоқланган. Унинг устида ўтин. Қирдан тушиш осонми? Ёлғиз ўзи ечди, ағдарди, қопларни бўшатди. Яна дарров орқага қайтди. Нима, Қўчқор ёш боламидики ҳавонинг авзойи бузуқлигини билмас!

У қоп оғзини очиб туради. Онаси қучоқ-қучоқ барг солади. Тўлай деганда сомон тикқандай тикқади, бот устига чиқиб тепкилайди. Ағдарсанг, битта барг ҳам тўкилмайди. Шунга қарамай, онаси, ҳар эҳтимолга қарши, қаноп ўтказиб, қопларнинг оғзини боғлайди. Эҳ, туя бўлганда-ку... Қиладиган иш қолмади, деб бултур гўштга топшириб юборишди. Ишлатиб-ишлатиб... Қўчқорнинг кўнгли бузилди. «Сенинг иккинчи онанг», деб жиғига тегарди катта акаси. Бўйни икки қулоч сўйлоқ туяни «онанг» дейишса, ҳар кимнинг ҳам жаҳли чиқади. Лекин онаси ётиғи билан тушунтириб бергач, акаси жиғига текканда йиғламайдиган бўлди, туяга кесак ҳам отмай қўйди. Аксинча қаерда янтоқ кўрса, чопиб, олдига ташлар эди. Узи, ҳақиқатан ҳам, унинг сутини ичиб катта бўлган экан-да. Кичиклигида жуда ҳам ҳилижон-касалманд экан. Бир момо: «Қимрон бер-чи, зора одам бўлса», дебди. Чиндан ҳам қимрондан даво топиб «одам бўлган» экан.

Бечора нортуя одамзотни сут билан таъминлашдан ташқари, оғирини енгил қилар ҳам эди. Чўлдаги йигирма-ўттиз метрлик чуқур қудуқдан қовғада сув тортиб берар, юзлаб қўйнинг чанқоғини қондирар эди. Шундай беозор жониворни «қудуқларга мотор ўрнатилган, қиладиган иши қолмади», дейишиб... Қутқаришга ҳаракат қилиб ҳам кўрди. Лекин... ҳаҳ-ҳ! Эсига тушса юраги ачишади... Мана иш! Ун қоп юкни кўрдим демай кўтариб кета берарди. Яна йўл-йўлакай хиргойи ҳам қиларди. «Бай-бай-бай» деб. Энди бўлса бир туя юкка икки одам, бир эшак эртадан кечгача овора!

— Ҳе, таъзирингни халачўп бергур! И-иш! — эшакни тўхтатишга улгуролмай қолди. Қоплар бир томонга оғиб кетди. Бирам оғирки! Худди хазон эмас, тош ортилган дейсиз. Ермадлашадиган онаси ҳам йўқ ёнида.

Қўчқор аламини қора ҳангидан олди. Тошдан тошга ҳаққаламасдан қадамини эҳтиётроқ қўйса-ку, эгар, эгари билан устидаги юк бир томонга оғиб кетмас, бошқаларни бунчалик қийнамас эди.

— Ҳе, ҳаром ўлгур! Оч қашқирга ем бўлгур! Қахратонда тош қотгур!.. — Қўчқор қоплар бутунлай ағанаб тушиб кетмасин учун елкасини

тираб, инқиллаб-синқиллаб бораётиб, оғзига нима келса қайтармай сў-кар эди.

— Ҳай, ўғлим, — орқадан онасининг овози эшитилди, — эшагинг ўлса, ўтинни қандай ташийсан? Мактабга нимада қатнайсан?

Қўчқор уялиб қолди. Бу томонини ўйламаган экан. Бекорга сўкиш эшитган эшагига раҳми келди. Бурнини бир тортиб қўйиб:

— Их-х! — деди-ю, пастга қараса, катта қўра биқинидаги одатда онасидан ажратилган қўзилар қамаладиган четан қўтонда шохлари буралиб-буралиб кетган кўк қўчқор қаққайиб турибди. Лекин Тўрабек амакиси кўринмайди. Балки машинага ортиб бериб юборгандир? Балки ўзи келиб ташлаб кетгандир?

Қўчқор онасининг ёрдамида эшак устидаги юкларни пичан ғарам олдиға тушириб тўккунча қўй-эчкилар четан қўтондаги янги меҳмон билан танишишга улгуришган ҳам эди. Таканинг юраги тор. Айниқса, қўйларнинг бегона қўчқор билан оғиз-бурун ўпишгудек искашишлари рашкини қўзғатган шекилли. У қўчқорнинг ярмича келмаса ҳам осмонга бир сакраб калла қўйганда четан шақирлаб кетди. Жуда жангари-да, бу қора така.

— Ҳайт!

Йўқ, қўйларга яқинлашмади. Кўк қўчқор уларнинг қўрасида бир ҳафтача туриб, қайтиб кетди. Меҳмондорчиликда яшади ҳисоб: чўлда, одатда, шўр қудуқ суви билан қаноатланадиган қўчқор бу ерда бўлоқ суви ичди. Чўлда шuvoғу қаттиқ янтоқ чайнаган қўчқор бу ерда соя-салқин жилғада ёйилиб, ҳали сарғаймаган ялпиз, ранг-баранг барглар еди. Яна етти кунда етти килограмм ему тузга зомин бўлди. Ҳа, майли, меҳмон ҳар кун келмайди, йилда келади — сийлаш керак.

Қўчқорнинг Тўрабек амакисига тақлид қилиб тутган кундалик дафтари архар можароси тафсилоти билан очилган. Унда отиб ўлдирилган архарнинг «табиёт фанига хизмат» қилдирилгани ҳақида ҳам ярим бетлик ёзув бор.

Қўчқор мақтанчоқ эмас-ку, лекин «ўзлари бошлаган илмий иш» тўғрисида синфдошларига айтмасдан тура олмайди. Баъзилар «бор-э», дейишди. Лекин аксари болалар қизиқиб қолишди. Ҳозир «генетика», «альбиноид» деган сирли сўзларни улар ҳам билишади. Илгари ўзини билагон ҳисоблаб, олдинги партада муаллимнинг рўпарасида ўтирадиган Шалпаңқулоқ ҳам ҳатто ҳозир у билан жуда қалин, ёнига ўтган. Асли исми ундай эмас, Эшжон. Боладар упишганда чанг солиб торта-беришганига қулоғи балки, шунга шалпайиб қолгандир? Яқинда анави Маллабой ҳам Эшжоннинг қулоғига мушукдек ёпишса бўладими! Аслида индамас-ку, жаҳли ёмон писмиқнинг! Лекин, сирасини олганда, ўзида ҳам айб бор. «Альбиноид» нималигини Эшжонга айтмаса бўлар экан. Эшжон билиб олгандан кейин Маллабойга «Альбиноид» деб лақаб қўйиб олди. Маллабойнинг киприклари оқ-да. Қўзлари ҳам оқ-кўким-тир, ёзганда столга ётиб олгудек энқаяди. «Альбиноид»нинг нималигига тушунмаса ҳам алам ўтган-у, чанг солган. Муаллим аралашиб зўрға ажратди. Шў-шў, Маллабой Эшжондан ҳам кўпроқ уни ёмон кўриб қолди: «Қўчқор ўргатган», деганмиш болаларга. Тўғри ўргатган. Бироқ Эшжоннинг нияти холис эмаслигини туш кўрибдими? Яхши бўлмади, албатта. Синфларида энг интизомли, билагон бир болани «Альбиноид» деб жиғига тегиш турган битгани безорилик! Синф раҳбари ҳамда физкультура ўқитувчиси Баракаев шундай деди.

Эшжон яхши иш қилмади, албатта. Кўк қўй билан кўк қўчқордан туғилган қўзиларда, «катта ма-алим» Азиз Нуриевичнинг айтишича, «альбиноид» касаллиги учрайди. Яъни, танглайи рангсиз, оқ тумшук, қовоғи-ю, киприклари оқ, бинобарин, кўзи заиф бўлиб туғилади. Шу касаллик орқасида кўпчилиги олти ой яшаб-яшамай нобуд бўлади. Шундай экан, бировнинг боласига «альбиноид» деб лақаб қўйиш-камситиш, кўпчилик ўртасида беобрў қилиш эмасми? Қўчқор шу мулоҳазасини айтди. Пионер чинини айтиши керакми, йўқми? Эшжон бўлса, жирттакилик қилди: «Уям мени доим камситади», деб ўшқириб берди.

Нафсиламбирини олганда, Маллабойда ҳам жиндек айб бор. Эшжонни «Эш» десаям майли-я, «Иш-ш» деб чақиради, «И-иш!»

«Бўлар иш бўлди, бўёғи сингди, деб қўяди бундай пайтда онаси. Ҳа, бўлар иш бўлди: «катта ма-алим» Азиз Нуриевич бошчилигида бошланган илмий ишларининг муваффақиятли чиқишига ишонмайди-ганлар сони биттага кўпайди. Лекин Қўчқор Маллабойнинг «душманлар» томонида бўлишини зинҳор истамас эди. Чунки Маллабой, кўзи ожизлигига қарамай, ҳисобга ўткир. (Дадаси ҳисобчи-да, совхозда.) Ҳар қандай масалани писта чаққандай чақиб ташлайди. Оз-моз ёрдами тегиб турарди уй вазифаларини ечишида.

— Борсам кўрсатасанми? — деб қолди Эшжон.

Муаллим Урта Осие дарёлари ҳақида дарс ўтаётибди-ку, у бўлса биқинига туртиб, нуқул «кўрсатасанми-э?» деб пичирлайди. Нимани кўрсатади? Ҳали ҳеч ниманинг дарағи йўқ-ку.

Аммо дadasининг айтишига қараганда, архардан қочган қўйларнинг биқини чиқиб қолганмиш. Тўрабек ҳам тасдиқлади. Унинг тахминича, кўк қўйнинг «эгиз туғиши» эҳтимоли бор эмиш. Ҳақиқатан ҳам, қорни қаппайиб кетган. Тўрабек ўлчаб ҳам кўрди: қора қўйнинг қорнига қараганда бир ярим баробар катта. Лекин амакиси ўз тахминидан янглишди: эгиз эмас, тоқ. Тўрттаси ҳам биттадан тугди. Фақат кўк қўйнинг боласи ўзгача. «Қўчқор бўладиган қўзининг пешонаси дўнг бўлар», деганларидек, пешонаси дўнг, ўзи ҳам йирик, оёқлари узун-узун, бошқача!

Албатта, бу янгилик наинки Қўчқор ўқийдиган синфга, бутун мактабга ёйилди. Илгари уларнинг бу тажрибаларига ишончсизлик билдирган, ҳатто майна қилганлар энди атрофида гирдикапалак. Ҳатто Маллабой ҳам киприклари оқ, заиф кўзларини ундан узмай, шиғаб қараб турди-да, бир хўрсиниб қўйиб, жойига ўтирди. Ана, ҳамма болалар «кўрсатасанми?» деб ялинишяпти. Маллабой ҳам бир оғиз илтимос қилса, йўқ дермиди? Фақат у, онаси айтмоқчи, «отдан тушсаям, эгардан тушмайди». Вой, ўша... Сен билган Пифагор жадвалини бошқалар билмас эканми? Кеккаймай қўя қол!

— Қўчқор,— деб хаёлини бўлди эгарда ўтирган Қўзибой.— Физкультура муаллимимиз қўрамизга экскурсия уюштирмоқчи.

Қўчқор «ур-ра» деб бақариб юборди. Чунки у экскурсиянинг нималигини билади. Муаллимлари бутун синфни сафлантириб, совхознинг сунъий қочириш пунктига, барра териларни ошлаб, қуритиладиган омборхонага, молларни даволайдиган шифохонага олиб борган.

— Фақат сал олдинроқ Тўрабек амаким билан учрашиб, келишиб олар экан.

— Нимани келишиб олар экан?— Қўчқор Қўзибойнинг сўзига унча тушунмади.

— Нимани бўларди! — деди Қўзибой эшакнинг гарданига халачўп қадаб.— Вақтини-да. Болалар борса-ю, амаким бўлмаса, буям яхши эмас. Тўрабек амаким архардан тугилган қўзиларни кўрсатиш билан ўз тажрибаси ҳақида гапириб бериши ҳам керак-ку.

Эшакнинг орқасида акасининг белидан ушлаб ўтирган Қўчқорнинг гаши келди: нега энди «ўз тажрибаси» бўлар экан? «Катта ма-алим»-чи? Борди-ю, ўзларининг синфидагилар экскурсияга боришса, амакиси билан келишиб олишга ҳожат ҳам қолмайди. Узи шариллатиб гапириб бераверади. Негаки, бошидан охмиргача бу тажрибада қатнашган. Амакиси архарни отиб келганида «катта ма-алим» Азиз Нуриевич хурсанд бўлмай, аксинча, хафа бўлганигача — барини билади.

«Архар тўқлиларда альбиноид касалининг аломатлари борми? Йўқ. Ҳатто архар кўк бўлишига қарамай, кўк қўйдан олинган наслда ҳам альбиноид касаллиги йўқ, бари соғлом». Тўрабек амакиси архарчалар дунёга келганининг учинчи куниеқ (Қўчқорнинг ёрдамида, албатта) уларнинг танглайи, тумшуғи, терисига қадар синчиклаб қараб, қалин дафтарига шундай деб ёзди. «Катта ма-алим»га ҳам хат орқали хабар қилган. Шундай. Қўчқор ўзлари бошлаган илмий ишнинг

бундай нозик томонларидан ҳам хабардор. Керак бўлса, экскурсиячиларга ҳам тушунтириб бераверадиам!

Айтгандай, агар ўша куни Маллабой янги қулоқчин кийиб келмаганида унга «Альбиноид» деган лақаб қўйиш ҳеч кимнинг эсига ҳам келмас эди. Қараб қолса, синфга кириб келяпти. Ҳамманинг кўзи унда бўлганиданми, димоғи кўтарилгандай. Қўчқор лабини бурди. Қулоқчини шерози бўлиб шерози эмас — оч кўк, ўзининг киприкларига ўхшайди. Қасал қўзининг терисидан тикилган. Ҳавас қилишга арзимайди.

— Атиги альбиноид.

Оғзидан чиқиб кетибди шу сўз. Буни ёнида ўтирган Эшжон эшитиб қолган экан... Шу-шу, Маллабойнинг лақаби «Альбиноид» бўлиб кетди. Яхши иш бўлмади, дакки еди. Ҳали-ҳали пушаймон.

— Экскурсияни ўзимам ўтказавераман, — деди Қўчқор.

Қўзибой калака қилиб бурдини қаричлади. Қўчқор уни эгардан отиб ташламоқчи эди-ку, бўлмади. Нима, эрталаб мактабга боришда ҳам эшакнинг орқасида, тагида қаттиқ тўқим, қайтишда ҳам. Бунинг устига калака қилгани ортиқча!

Қўчқор эшакнинг орқасидан сакраб тушганида сирғаниб тиззалари лой бўлди. Алам қилмайдими кишига! Тирқираб кўзидан ёш чиқиб кетди. Чопиб олдинга ўтди-ю, эшак нўхтасига ёпишди.

— Туш эшакдан! — деди ўшқириб.

— Нега тушар эканман? — Қўзибой ҳеч нарса бўлмагандай илжайди.

— Нега-нега! Негаки менинг эшагим!

— Бир сеники эмас, ҳаммамизники. Унақа қизғанчиқ бўлма!

Қўчқор бурдини жийрди: дадасига ўхшаб гап қилишини қаранглар! Дадасидай бўлишига ҳали эрта.

— Бундан буён дарсинг тугашини кутмайман! — Қўчқор унга ўқрайиб бурдини бир тортиб қўйди. — Нима, мен сенга қоровулманми?

Қўзибой илгаригидай иржаймай қўйди.

— Дадамнинг сўзи эсингдан чиқдими? Мактабга бирга бориб, бирга қайтинглар, деб тайинламаганмидилар? — У Қўчқорга тикилиб туриб шундай деди-ю, эшак сағрисидаги тўқимга тушди. — Кел, сен эгарга ўтира қол.

Қўзибойни ялинтирар эди-ку, қараса ивиб кетадиган: ёмғир шивалаб турибди. Ёмғир бўлиб ёмғирга ўхшамайди. Майда: юз-қўлингни тикандай ачиштиради.

Дам олиш кунини ким ўйлаб чиқарган бўлса ҳам отасига раҳмат. Ҳеч ким сени турча-тур, деб уйғотмайди. Ҳой, кеч қолдик, бўла қол, деб қистамайди ҳам. Мактабга бориш-у, муаллим сўраб қолса-я, деб ташвиш тортиш — ҳеч нимани ўйламайсан. Қўрпага бурканиб, истаганингча ётасан, истаганингда турасан. Бироқ нега уйда ҳеч ким йўқ? Қўзибой қани? Қўчқор бошини кўтарди. Чиндан ҳам акасининг ўрни бўш. У сапчиб туриб дераза олдига борди. Қараса, ҳаммаёқ оппоқ. Эти жунжикиб, эсноқ босди. Кунни кеча баҳор эди, бугун эса қиш. Бойчечак ҳам очилган эди, ҳу, анави қир бағрида. Қор тагида қолдиёв. Қўчқорни титроқ босди. Дераза олдида майкачан турганини пайқаб, апил-тапил қийина бошлади. Архардан тарқаган қўзилар-чи?

У чопиб ташқарига чиқди. Шунда қимни кўрди денг? Эшжонни! Шу қорда-я! Нимадан қуруқ қолди экан? Ана, ҳатто бутун сурув қўтонга қамаб қўйилган. Дадаси билан Қўзибой пичан солишаётибди. У бўлса...

— Пирвет, Қўчқор!

«Привет»га бало борми шу совуқда? Акаси шундай унинг. Қўл кўтариб «привет!» деб қўяди. Армиядалигида ўрганган-ов, ҳойнаҳой. Ёки Эшжон ҳам атайин «пирвет» деб ўзини кўрсатиш учуноқ келдимикан? Ҳа, ана акасининг армиядан кийиб қайтган кулранг қулоқчини бошида. Шалпанг қулоқлари кўринмайди. Фақат қоп-қора кўзлари-ю, иржайган тишларигина кўринади.



Хўтигини қора ҳангининг ёнига олиб бориб боғлаётганлигида Эшжон шивирлаб:

— Кўрамизми? — деди.

Э-ҳа! Эшжоннинг қорли-қировли кунда бунча барвақт эшагини қичаганининг боисига Кўчқор энди тушунди. У архардан тарқаган ғалати кўзичоқларни ҳаммадан олдин кўришга шошилган экан. Бошқалар экскурсияга келгандан кейин қизиги қолмайди-да.

Икки ўртоқ ўтовга кирганларида онаси «митти архар»ларга жой ажратаётган экан. Дикир-дикир чопқиллашиб, ўтов ичини булғатаётган эмиш. Улар ҳам қарашиб юборишди. Сандиқни силжитишди, кигиз, четан билан тўсишди.

Эшжон архар болаларига қараб, суст бўлиб қолди. Шунча жойдан овора бўлиб келганига ачиндими, қайдам.

— Анчайин кўзилар-ку?! — деди у.

Унинг бу гапи Кўчқорнинг иззат-нафсига тегди. Қора ҳангини, бу ҳанги эмас, ахта, дегандай гап қилди-да!

— Кўз-пўзинг борми ўзи? Булар анчайин кўзига ўхшайдими? — деди Кўчқор керагага тиқилиб турган дурагайлардан биттасини шаппа ушлаб.

— Қулоғини қара, қулоғини! Эшжон синчиклаб қараса, чиндан ҳам бунинг қулоғи бошқачароқ экан. Янги туғилган кўзичоқнинг қулоғи супрадай шалпайиб туради. Буники қирқма қамишдай диккайган.

— Кўзига қара, кўзига! — дея ўшқирди Кўчқор. — Икки-уч кунлик кўзининг кўзи шунақа бўладими?

— Чиндан ҳам кўзлари бежومي? — Эшжон иккиланди.

— Шохига қара, шохига! — борган сари тутақиб борарди Кўчқор.

— Вой-ой! — ажабланди Эшжон. — Ҳалитдан шохи чиқибди-я. Кўчқор бўладиган кўзиларда ҳам ҳатто мугуз икки-уч ҳафтадан кейин белги берарди шекилли?

— Гавдасини кўрдингми, гавдасини! — дея бақирди Кўчқор. — Икки-уч кунлик анчайин кўзининг бунчалик катта бўлишини қаерда кўргансан? Сен мол танийсанми? Яна чорвадорнинг боласи эмиш-а, бу!

«Анавини қаранглар! Одамни ерга уриб юборди-ку, бу Кўчқор гуппи!» Эшжонга унинг сўзлари таъсир қилди. Шартта қайрилди-ю, ўтовдан чиқиб жўнаворди. Аламини хўтигидан олди: халачўп билан у қулоғи, бу қулоғига тарс-тарс туширди. Шундан кейингина бир оз жаҳддан тушгандай бўлди. Бироқ, ўйлаб қараса, инсофдан эмас экан бу иши: хўтикда нима айб?! Ҳақиқатан ҳам анави гуппининг кўзилари йирикликка йирик. Бир ойлик ширбозча келади.

Кўчқор Эшжоннинг орқасидан «кетсанг кетавер!» деб кесак отгандай бақириб қолди-ку, лекин куни билан ўзига келолмай юрди. Бунинг устига дадаси (қаёқдан ҳам эшита қолибди): «Одамгарчиликдан эмас бу ишинг, эртагаёқ ўртоғинг билан яраш», деб насиҳат қилди тушлик пайтида. Нега бўлмаса «анчайин кўзилар экан-ку», дейди? Энди ҳаммага гап тарқатади, Шалпангқулоқ! Келадиганларни йўлдан қайтаради. Экскурсия чиппакка чиқди деявер!

Ана у! Кўчқор эрталаб синф остонасига оёқ қўйиши билан Эшжонга назари тушди. Орқадаги партанинг устида гердайиб ўтирган экан. Атрофини болалар ўраб олишган. Ҳамманинг диққати унда. Эшжон бўлса оғзини тўлдириб гапириб ётибди:

— Шохиям бор, — деб қаричини кўрсатди. — Отаси архар бўлгандан кейин ўсади-да, қиличдай бўлиб!

Кўчқорнинг синфда пайдо бўлганини биринчи бўлиб Маллабой кўрди. У одати бўйича шигалаб қараб йўлини тўсди-да:

— Тезроқ баҳор кела қолсайди, физкультура ўқитувчимиз қўраларингга экскурсия уюштирарди, — деди.

Эшжоннинг атрофидаги болалар ҳам унга қўшилишди. Ҳатто орқа партада ёлғиз қолган Эшжон:

— Пир-рвет! — деди қўл кўтариб.

Кўчқор бошқа нарсани кутган эди. Акси бўлиб чиқди. Бунинг ус-

тига синфдошлари ўртасида обрўйи... Бунга ҳам Эшжоннинг гап-сўзлари сабабмасикан? Унга ўртоғи бошқача кўриниб кетди. Даврани ёриб ўтиб қўл берди. Яхши бўлди ярашгани.

«Тезроқ баҳор кела қолсайди...» Маллабойнинг қиз болаларникидай майин товуши ҳамон қулоғи тагида. Қўчқор олдинги қаторда ўтирган Маллабойга: «Баҳор келган», демоқчи ҳам бўлди. Чунки қўраларига яқин муюлишда, шундай қир бағрида очилган бойчечакни ўз кўзи билан кўрган. Фақат қор тагида қолиб кетди, эссиз. Эҳтимол, совуқ урмас? «Қор — кўкарган лалмига кўрпа», дейди-ку, дадаси. Бойчечакка ҳам қор кўрпа бўлар балки? Кунлар исиб қор кета қолса, бойчечакни қидириб топарди. Эскурсия ҳам тезлашар эди.

Қўрага етиб келганларида бойчечак, ҳатто экскурсияни ҳам унутишга тўғри келди.

Кўндаланг чўккан қирдан айланиб муюлишга етганларида уларни Олапар қарши олди. Сакраб эшакнинг орқасида ўтирган Қўчқорга суйканди. Бу билан: «Яхши келдингми? Сенсиз зерикиб қолдим», дегандай бўлди у.

— Кет,— деб калтак кўтарди Қўзибой.

Олапар эса борган сари эшак атрофида гир айланиб ўйноқлар; қорга юмалар; ғингишиб қўйиб яна сакрар; Қўчқорнинг юз-кўзига суйканишга интиларди.

— Бир нима бўлганми бунга? — дея урмоқчи бўлди Қўзибой.

Чиндан ҳам нимадир содир бўлгандай қўй-қўзилар маърашар, қўра одатдан ташқари сершовқин эди. Буни Қўзибой ҳам пайқаган шекилли, Олапарни ҳайдашни қўйиб, қора ҳангини тезлашга тушди.

— Их-хх!

Қўрага яқинлашганда Қўчқор ўзини эшакдан ташлаб ўтовга чопди. Намат эшикни қия кўтарди-ю, бўсағада туриб қолди. Ичкарида оёқ босгани жой йўқ. Гиж-ғиж қўзичоқ.

Худди ясли! Қора, қамбар, сур, каптар ранг... кўзинг қамашади. Жажжи оғизчаларини очиб бирам ба-балашадик. Бири-бирдан ширин, жониворлар. Ўзининг архарлари эса, ху, ана. Тўрдаги сандиқ билан четан тўсиқ ортида.

«Одам бўлиб» қолди улар,— дея пичирлади-да, Қўчқор орқага тисарилиб намат эшикни ёпди.

Онаси уйда экан. Қора қўзи қўлида. Пахмоқ сочиқ билан тумшуғини артиб доялик қилмоқда. Бу ерда ҳам қўзилар. Фақат бу ердагилар онасининг қорнидан яқинда тушган, ҳали териси қуримаган — «танглайи кўтарилмаганлар». Шунинг учун ҳам чўян печка ёқиғлиқ, устида тунука чойнак биқирламоқда эди.

Одатда, тўл олиш мавсумида, совхоз марказидан бир-иккита сақмончи келар эди. Бу йил: «Болалар азамат бўлиб қолди. Ўзлари қарашади», деб дадаси ёрдамчи олишга кўнмапти. Шундай экан, дадасининг ишончини оқлашлари керак-ку, Қўзибой эшакдан тушмадиям. Укаси олиб чиққан яримта нонни йўл-йўлакай еб, сурув ёйилаётган жилғага йўл олди. Қўчқор эса шу ерда қолди. Қўзиларининг илинжида ҳаммаёқни бошларига кўтараётган қўйларни қўрага қамади. Уларга ғарамдан пичан ташиётганида саманини йўрғалатиб келаётган дадасига назари тушди. Кетида иккита қўй маъраганича эргашиб келмоқда. Уларнинг боласи чакмоннинг ичида бўлса керак, қўлтиқлари дўппайиб турибди.


Қўчқор айрини ташлади-ю, дадасига қараб юрди.

— Икковини ҳам чакалакзордан топдим,— деди дадаси қўлтиғидаги қўзиларни узатар экан.— Қорда узоқроқ ётганга ўхшайди.

Дадасининг гапида жон бор, қўзилар дир-дир титрашар эди.

— Ҳозир иситамиз! — Қўчқор қоп-қора сақичдай қўзичоқларни орқа оёғидан ушлаб саланглатганча уйга чопди.

Дадасидан кейин Қўзибой келиб кетди. Яна дадаси... Эшагу отлиқ ғир-ғир қатнашади. Ерда қор бўлгани билан, дадасининг айтишича, заҳри йўқ, чунки чилла чиққан эмиш. Шунинг учун қўзиларнинг совуқ



С. АНОРБОВ ♦ СУЗИБ БОРАР АРХАРЛАР

қотишидан хавотирланмаса ҳам бўлармиш. Шундай деб туриб, печкага ўт ёқилган-ёқилмаганини, ўтов ичига пичан тўшалган-тўшалмаганини, чанғароғи ёпиқми ёки очиқми — барини суриштиради. Лекин «чилла» дегани нима дегани-я? Дадасидан сўраса, «чилла» чилла-да: ёз чилласи қирқ кун, қиш чилласи қирқ кун бўлади, деб тушунтирди. Ундан чиқди, ҳамма нарса ҳисобли экан-да, бу дунёда? Фақат онасининг ишигина беҳисоб. Ана, эртадан кечгача қўзиларни артиб, устини қуришиб, эмиздириб кунни тунга улайди.

Дадаси эшикдан энкайиб кириб келганида онаси овқатга уннаётган эди.

— Ҳорманг энди, доя биби!

Онасининг асли оти Онақизбиби-ку?

— Бор бўлинг,— деди угра кесаётган онаси.— Қўлингиз енгил, доя бобо, қўзилар дард кўрмайди.

Қатталарнинг гапи Қўчқорнинг кулгисини қистатди. Нега энди улар бир-бирини «доя» дейди? «Доя» совхоз марказидаги туғуруқхонада бўлади шекилли?

#### 4. Кутилмаган ҳодиса

Ниҳоят, Қора ҳангининг орқасида ўтирган Қўчқор қўрага яқинлашганларида эгардаги Қўзибойни гапиргани қўймай қичқирди:

— Она-а! Эртага экскурсияга келишади-е!

У ўзида йўқ хурсанд эди. Ахир қайси мактабда қайси ўқувчининг уйига экскурсияга келишган? Бундай иш тарихда биринчи марта бўлаётгандир-ов. Балки газетага ёзишар? «Қатта ма-алим» Азиз Нуриевич ва совхоз зоотехниги Тўрабек амакиси билан ёнма-ён унинг номи газетада чиқиб турса-я! Қарабсизки, ҳаммаёқда машҳур. Соқоли селкиллаган қари чўпонлар ҳам: «Ўлган архардан насл олган бола шуми?» дейишиб, кўчадан ўтганида кетидан қараб қолишади.

Онаси ҳам ҳайрон: «Тупканнынг тагидаги қўтонга-я?! Экскурсия учун бошқа жой қуриб кетган эканми?»

Қўзибой билан икковлашиб тушунтирганларидан кейин онаси шошиб қолди.

— Вой шўрим! Ма-аллимларинг ҳам келишадими? — деди эсанкираб.

Қизиқ-а, онаси. Ҳамма нарсага ҳам «вой-вуй!». Қелишса нима қилибди? Архардан олинган дурагай насли кўришади. Тўрабек амакиси тажрибаларини сўзлаб беради. Кейин қайтиб кетишади. Вассалом.

— Қуруқдан қуруғ-а?

— Нима, тўй қилаётибмизми, ҳаммага ош-сув тарқатадиган? — деб гапга аралашди дадаси.

— Қўйинг-э! Бобомурод полвонниқидан қуруқ қайтишибди: ош авлиё, нон пайғамбар экан-да, деган иснодга қолмаймизми?

— Ҳа, хай, ўзинг биласан. Мен қўйда бўламан,— дадаси шундай деди-да, бостирма остида ем еб турган саманини миниб жўнаворди.

— Вассалом! — деб қўйди Қўчқор отини елдириб кетаётган дадасидан кўзини узмай.

— «Вассалом»инг нимаси? Вой,— онаси унга бир ўқрайиб қараб қўйди-да, ўтовга қараб юрди.

— «Вассалом»ми?

Қўчқор онасининг ўқраганига хафа бўлмади, аксинча кулгиси қистади. Чопиб бориб ўтовнинг эшигидан мўралади. Супра ёзиб ун элашга киришган онаси унга қараганида:

— «Вассалом»нинг нималигини эртага биласиз!— деди-ю, ура қочди.

Баҳорги каникул Қўчқор учун соат олтидан бошланди ҳисоб. Ола қанот қушларнинг сайрашидан уйғонди. Шундай экан, Қўзибойнинг туннов кунги сўзи ёлғон. «Кўк сомса есанг, мисоли баҳор каби янгиланасан

киши. Наврўзнинг гашти бичак билан», деб қолди дадаси арафа куни. Бу гапни Қўзибой тутиб олиб: «Она, кўк сомса қила қолинг», деб ялинди. Қўчқор қувватлаб: «Бичак, бичак!» деб сакради. Онасининг иши «бошидан ошиб» ётган бўлишига қарамай (тугармиди), кўнди. Фақат: «Икковинг саҳарда туриб булоқ бошидан ялпиз, жағжағ териб келасизлар», деб шарт қўйди. «Хўп» дейишди. Лекин Қўзибой уни уйғотмай ўзи секингина жўнаб кетибди. Қайтиб келганида: «Нега меням олиб бормадинг?» деса, у: «Сен қулоғинг тагида милтиқ отса ҳам уйғонмайсан», деб баҳона қилди. Фирт ёлғон: эшакни ёлғиз ўзи миниб учун шундоқ қилган! Қўчқор кўрпани кўкрагига очиб ташлаб, ёнида пиш-пиш ухлаётган Қўзибойга «ҳап сеними» дегандай бир қараб янди-ю, ўрнидан турди. Оёқ томондаги стул суянчиғида осиглиқ кўкраги гулдор зангор жун тўр кўйлагини, қўшчоқ уриб тикилган кўк шимини кийди-да, секингина даҳлизга чиқди. У ерда Қўзибойнинг этигини оёғига қўлдан таёқ илди. (Ўзининг ботинкасини кечқурун ювиб ёлғалаган эди. Ҳалироқ — экскурсиячилар келиши олдидан кияди).

Тонг белги бергани билан кун чиқишига ҳали эрта — қир бағри ғира-шира. Аммо чумчуқлар аллақачон уйғонган. Ола қанотлар чақчақлашади. Уй орқасидаги бостирма томондан чалп-чалп этган товуш эшитилади. Демак Олапар, Арлон, Тарлон, итялоқдан бош кўтармай овқатланаётибди. Қўй-қўзилар паст-баланд, гоҳ ташвишли, гоҳ лоқайд маърашади. Ташқарида иш бошланиб кетибди. Дадаси айрим серсут қўйларни қўрадан етаклаб чиқиб қўшоққа қўшаётибди. Онаси уни бир чеккадан соғиб келаётибди. Соғмаса қўйга қийин, эмадиган қўзиси йўқ (терига топширилган). Сути туриб қолса, елини шишади, чипқон чиқса азоб!

Қўчқор юзини ювмасданоқ четан қўтонга чопди. Бари жойида экан. Каптаранг архарчалари соғ-саломат. Унинг дуқуридан ҳуркишиб, ўзларини оналарининг паналарига олишди.

— Яхшилиқни билмайдиган зот экан. Ҳеч ўрганмади-ўрганмади! — Қўчқор қовоғини солди. — Нима, еб қўяманми сенларни? Ҳоп!

Архар тўқлилар сапчиб тушди.

— Ҳазиллашганингиям билишмайди-я, — Қўчқор четан тўсиқ атрофида кўқарган майсалардан юлиб, қўлини ичкарига чўзди. — Ма-ма-ма!

Болаларига аталган кўкатни оналари еб қўйишди. Қўчқор шунга ҳам рози: сутга айланиб боради-ку, уларнинг ичига.

Қўчқор шошиб-пишиб ўт юлаётганида қўра томондан дадасининг чақиргани эшитилди.

— Лаббай?

Қўй-қўзиларнинг қий-чувида у кишининг сўзлари чала-чулпа етиб келса ҳам Қўчқор нима қилиш кераклигини англади. Қўтондан қўйларни чиқарди-да, архарчалар ҳам оналари кетидан ташқарига интилганда шартта эшикни ёпди.

— Сизлар бугун экспонатсизлар, вассалом! — деди четан эшикни сим билан боғлаб. — Бутун мактаб кўчиб келади-я, кўргани! Тунов кунгидай қочишни хаёлларингга келтирманглар. Кўрганлар, Қўчқорнинг архарлари циркдаги қўлга ўргатилган ёввойи ҳайвонлардай-а, деб ҳаваслари келсин, хўпми? — деб ўзича «тайин»лади-да, юлган ўтларини қўтон четидаги охурга солди. Кейинроқ туз, сув бериш кераклигини хаёлидан ўтказиб уйга қайтди.

Ўтов олдидаги қўшоқда қўй қолмапти. Учоқ тагида ўт ловиллайди. Қозон тўла сут. Ичкаридан чакичнинг дук-дуки эшитилади. Қара-я, онаси лаҳзада шунча қўйни соғиб, ўчоққа ўт ёқишга ҳам улгурибди. Энди бўлса нон ясапти. Баъзан тихирлик қилишганида: «Менинг қўлим ўнта эмас!» деб қўяди онаси. Ўнта бўлмай нечта? Хўш, нечта?

Дадаси сурувни олдига солиб, аста узоқлашмоқда. Тарлон кетидан елиб бораётган Олапар сездими, тўхтаб чўнқайди-да, унга ўгирилиб боқди.

И-я, Қўзибой ҳам турибди! Дадасига қарашиб, сурув кетидан ке-

таёғибди. Тўхта... Қўчқор Қўзибойнинг оёғидаги ботинка ўзиники эканини бир қарашдаёқ сезди-ю, кетидан югурди:

— Ҳе-ҳей, еч! Нега кийдинг?

— Ўзинг нега кийдинг этигимни?

У қувди, Қўзибой қочди. Уларга Олапар эргашди. Тарлон ҳам «Ҳў-ўв» деб бир интилди, лекин от устидаги энг баҳурмат одам пинагини бузмаганига у ҳам узала ётиб, қувлашаётганларни эринчоқлик билан кузата бошлади.

Қўчқор чакса-ўн қадоқ келадиган оғир, бунинг устига қўлантаёқ кийганига ғўлпиллаётган этик билан Қўзибойни қувиб етишга кўзи етмагач, оёқларини силтаб-силтаб ечди-да, бақирди:

— Ол, этигингни!

— Ботинканг ўзингга сийлов! — Қўзибой ҳам оёғидаги ботинкани суғуриб укасига қарата олди.

Қўчқор ботинкасининг у ёқ-бу ёғига қараб йиғламоқдан бери бўлди.

— Расво қилибсан-ку!

Ахир бугунги тантанага кийиш ниятида туни билан тозаллаган, мойлаган, пардозлаган эди-да. Яна бояги-бояги, Бойхидирнинг таёғи! Боплаб сўкар эди-ку, дадаси бор. У аччиғини ичига ютиб Қўзибойга ўғринча муштини кўрсатишдан бўлак илож топмади.

Уйга қайтса, Тўрабек кажавалик мотоциклдан тушаётган экан. Онасининг тили билан айтганда, унинг «оёғига кишан урилмаган», «елкасига ола хуржун тушмаган». Хоҳласа совхоз марказидаги уйларида қолади, хоҳласа бу ёққа келади. Онаси шу қишдан қолдирмай Тўрабек амакисининг «бошини иккита, оёғини тўртта» қилиб, «оёғига кишан урмоқчи».

Қўчқор бир нарсага ҳеч тушунолмади. Оёғига кишан тушадиган одамга қалин бахмал тўшагу атлас кўрпа-кўрпачалар, парёстиқларнинг нима кераги бор? Онаси шу кунларда бутун бўш вақтини Тўрабекка аталган кўрпа-тўшакларни қавишга сарфламоқда.

Тўрабек амакиси унинг саломига жавобан дабдурустдан сўраб қолди:

— Оёқ қолиб, қўлда юришни машқ қилияпсанми?

Қўчқор бош чайқади.

— Ёки иш кўпми, ялангоёқ бўлиб олибсанми?

Амакисининг кинояли гапларига тушуниб қолиб, Қўчқор кулди: чиндан ҳам ботинкасини қўлига кийиб олган экан.

Иш кўпликка кўп. Биринчи навбатда ботинкасини тозалаши зарур. Эрталаб юлиб солган озроқ ўт нима бўлади анани мечкайларга? — Қўчқор четан қўтон томонга кўз қирини ташлади. — Яна ўт юлиб солиши керак. Четан қўтон ичи ва теварак атрофни қўйдан тозалаш, супуриш ҳам бўйнида. Дадаси билан Қўзибойга нонушта олиб бориш-чи? Ҳали ўзиям наҳорлик қилмади. Қўчқор катта йўл томонга бир қараб қўйиб уйга чопди.

Лекин экскурсиячилар келишгунча барига улгурди. Дазмолланган галстугини ҳам тақди. Амакиси айтмоқчи «михдай бўлиб», энди нонуштага ўтирганида кўндаланг тепа муюлишида ёлғиз велосипедлик кўринди. Уни тўрда ўтов эшигига рўбарў ўтирган Тўрабек биринчи бўлиб пайқади.

— Ким экан? — деди ташқарига тикилиб.

Қўчқор сапчиб турди. Қосадаги ширчойдан бир хўплаган эди, иссиқ экан, ютиб юборди. Томоғи куйди-ёв, чамаси. У увлаганча эшикка чопди.

Эшжон экан. Велосипедини сузма тўрва осиглиқ дорга суяб, ҳовлиққанча сўради:

— Биринчи бўлиб етиб келдимми?

Унинг қўй кўзлари чақнар, кулча юзлари лов-лов ёнар, бурун каттаклари керилиб, ялпоқ бурни янада ёпишиб кетгандай эди. Эшжондаги қувноқлик Қўчқорга ҳам юқдими, томоғи ачишаётганини ҳам унутиб:

— Йўқ, иккинчисан,— деди.

— Альби... — Эшжон ўтов томонга имо қилиб, бўйнини қисди-да, шивирлаб сўради: — Маллабой келдимми?

Кўчқор бош чайқади.

— Айтақол, ким биринчи? — деди Эшжон тоқатсизланиб.

Кўчқор кўрсаткич бармоғини кўксига қадаб:

— Аканг қарағай,— деди.

Икки ўртоқ хаҳолашганча ўтовга киришди. Экскурсияга хоҳиш билдирганлар Эшжонга ўхшаш велосипеди борлар ҳамда Маллабой каби мотоцикл ҳайдай оладиганлар эди. (Маллабой кўзи заиф, кўзойнак тақиб юради-ку, лекин дадасининг уч ғилдираклик мотоциклни кўпинча у минади. Ҳали Эшжон кўра олдидаги «Урал» мотоциклига кўзи тушганидан Маллабой биринчи бўлиб келдимикан, деб ўйлаган эди).

Дастурхон йиғиштирилиб, ташқарига чиққанларида кўндаланг тепа муюлишида велосипедчилар кўринди. Эшжоннинг феъли маълум ку, ўзини тутолмайди. «Урра» деб бақириб, бошидаги шапкасини осмонга отди. Утов эшигидан мўралаган онаси ҳайрон қолиб, «ёпирай» деб кўйди. Ёлғиз Тўрабеккина икки қўли кўксига тикилганча жим турар эди. (Кўп кўрган бундайларни. Еш боламидики осмонга сакраса).

Олдинда қизил майкалик йўл бошлаб келяпти. Бошида соябонли шапка. Уни Кўчқор узоқданоқ таниди: физкультура ўқитувчилари Баракаев. Худди таранг тортилган камалакдай ўтирибди велосипедда. Икки қатор тизилишиб қувиб келаётганлар юзтача. Кети узилган ҳам эдики, муюлишдан уч ғилдираклик мотоцикл сапчиб чиқди. Устида уч бола.

— Альбиноид-ку! — деб бақирди Эшжон.

Тўрабек унга ёқтирмайгина қараб қўйиб, бошини сарак-сарак қилди. Танбеҳ эшитган Эшжондан ҳам кўра кўпроқ Кўчқор изза бўлди. Чунки амакиси унга ҳам кўз қирини ташлаб қўйди. Демак, билади ким ўргатганини.

Бу орада экскурсиячилар етиб ҳам келишди. Велосипедларини уй атропога суяшди. Мотоциклни мотоцикл ёнига қўйишди.

— Отряд! Тўрттадан саflan! — дея команда берди Баракаев.

Кўчқор иккиланди: сафга турсинми, ёки амакисининг ёнида қолсинми? Ҳар ҳолда у мезбон... Келганларни бошлаб, четан қўтонга олиб бориши, кўрсатиши керакдир?

— Бўронов! — деб қолди Баракаев. — Команда сенга ҳам тегишли.

Бугун Кўчқорнинг иккинчи марта дашном ейиши. Сафда пиқ-пиқ кулги кўтарилди. Ҳаммадан қаттиқроқ кулган, албатта, Эшжон. Бўлар-бўлмасга иршайверади тишининг оқини кўрсатиб.

Кўчқор сафга турган ҳам эдики, Баракаевнинг яна командаси эшитилди:

— Эшжон! Икки қадам олға.

Чиқди.

Ҳи-и, кулинг, нега кулмайсиз? дегиси келди Кўчқорнинг. Лекин кулиш қаёқда, довдираб қолди-ку, Эшжон!

— Отряд қаерга тўпланиши керак эди?

Эшжон Баракаевнинг юзига қараёлмай кўзини пирпиратди.

— Биз сизни мактабда кутдик. Шунча одам битта сизни...

Эшжон бир қизарди, бир бўзарди.

— Мен... мен ўртоқ ма-алим, Кўчқорга...

— Ўзбошимчалик бошқа такрорланмасин! — Баракаев Эшжоннинг сўзини кесди. — Вассалом!

Кўчқор ҳам ичида «вассалом» дея такрорлади-да, эшик олдида ўзгача бир меҳр билан сафдаларга тикилганча турган онасига қаради. Онаси ҳам унинг нега қараганини тушунди шекилли, кулимсиради.

— Ма-алимжон! — деб чақириб қолди у.

Тўрабек билан ёнма-ён болалар қуршовида четан қўтон томон бо-

раётган Баракаев тўхтади. У билан бирга ҳамма ҳам тўхтаб орқага қайрилди.

— Чой тайёр-а. Ичкари кириб бир пиёладан...

— Раҳмат, хола!

— Раҳматингиз нимаси, малимжон?

Рост-а, онаси уларни келади, деб тонг гезармасдан овора: нон ёпди, сут пиширди. Иссиқ овқат масаллиқларини ҳам тайёрлаб қўйган.

— Семириб кетамиз-ку, соат сайин чой ичиб, нон ейверсак? — Баракаев қўлини қорнига қўйди.

Қўчқор муаллимларининг ихчам, эшилган чилвирдай пишиқ қома тига ҳавас билан тикилди. Тўғри, дея тасдиқлади у ичида, дам-бадам овқат ейверсак велосипед кўтаролмай дами чиқиб кетади. Кейин «велосипед сенимас, сен велосипедни кўтариб юрасан». Баракаевдан эшитган бу гапни. Велосипед тўгарагига келганда оғзи тинмай қимирлаб турадиган болаларга у шундай деб танбеҳ беради. Уқиб юрган чоғида чемпион бўлган экан-да, велосипед пойгасида!

— Ма-алимжон! — онаси ҳамон қистар эди. — Силар туя сўйиб чақирсак ҳам келмайсилар. Уғлимди баҳонасида бир кеп қопсиз...

«Уғлимди баҳонасида»миш! Анави архарчалар баҳонасида-ку? Қўчқор болалар олдида ўзини ноқулай сезиб, юзини бужмайтирди.

— Раҳмат. Бўтакўз булоққа ҳам чиқиб тушмоқчимиз...

— Ма-алимжон...

Қўчқор эса қизил гулдор кўйлагининг кенг енгини лабига босганча жилмайиб, ҳаммани нонуштага таклиф этаётган онасидан кўзини узмай типирчилар эди. Нега бундай қистамасалар? Бекорга «вассалом» деб юборса, таъби хира бўлгани қолади.

— Янга! — деб гапга аралашди Тўрабек амакиси. У қизил тўркўйлақ, қора трикодаги новдадай Баракаев ёнида теракдай бўлиб турар эди. — Чойлашмасдан кетишмайди. Сиз тайёргарлигингизни кўра беринг.

Катталар ўртасидаги мулозамат чўзилиб кетганидан тоқатсизлана бошлаган болалар шу гапдан кейин четан қўтон томонга гўррос чопишди. Шунда кутилмаган ҳодиса юз берди: ҳеч қачон бунчалик кўп оломонни кўрмаган архар тўқлилар ҳуркиб сапчиганда четан қўтоннинг бир томони қулаб тушди. Қий-чув кўтарилди. Тўрабек то ўзига келиб «қувинглар» дегунча шамолдай учиб бораётган архар тўқлилар қирга чиқиб қолган эди.

Қува кетишди. Олдинда Баракаев. Енгил сакраб-сакраб чопиб бормоқда. Қизил тўр кўйлаги яловдай ҳилпирайди. Болалар ундан орқада қолмаслик учун интилишади. Худди эмаклагундай энкайиб ўрлаб бораётган Қўчқорнинг эс-ҳуши қочоқларда. «Қирда ёйилиб юргандир», дея пичирлайди. Ҳатто қаерда ўтлаётганларини тасаввур қилиб ҳам кўради. Оналарини излаб балки «йиғлашаётгандир?» Қўчқор ўзича кулимсиради. Аммо ҳеч қачон, ҳеч қаерда бундай қизик экскурсия бўлмагандир-ов.

Қувишда қатнашаётганларнинг боши қирда, кети этакда. Қўчқор нафасини ростлаш учун тўхтаб, атрофига кўз ташлайди. Юзтача бола — баъзилари энкайган, баъзилари тиззасига таянган ҳолда юқорига интилишарди. Юзлар лоларанг, чаккаларидан тер оқади. Лабларида ханда-ку, қий-чув, баҳслашишади.

— Еввойи архарнинг боласи-я, тутқич берармиди сенга? — дейди бурнини жийириб Эшжон.

— Ҳали ширбоз-ку? Онасидан айрилиб қаёққа боради? — эътироз билдиради Маллабой.

Шунда унинг кўзойнагига кун тушиб ялт-ялт этади. Бу негадир Қўчқорнинг ишончини оширади: «Рост айтади. Ҳали ёши икки ойга тўлмаган. Қочиб қаёққа боради?» У куч тўплаб қадамини тезлатди. Бошқалардан орқада қолса уят-ку, ўз уйида.

Баракаевнинг қирда туриб у ёқ-бу ёққа қараётганини кўрганида Қўчқорга илк бор ваҳима илашди.

— Уртоқ ма-алим! Борми? — деб бақирди.



Баракаев лабини бурди.

— Кўринмаяпти.

Нега кўринмайди?! Қўчқорнинг юраги шув этди.

У ҳаллослаганча Баракаев турган жойга кўтарилди. Рост, ҳамма-ёқ ям-яшил. Гулбарралар шабадада елпинади. Тўрғайлар тепаларида ҳайинчак учади. Фақат унинг ширбозлари, каптаранг архарчаларигина кўринмайди.

— Ҳуш-шт, кетди! — дея бош силкиди орқадан етиб келган Эшжон.

— Кетмаган! — Қўчқор ўзини тута олмай ўшқириб берди.— Анов уй тош орқасида.

— Рост айтади! — деди Маллабой кўз ойнагини ялт-ялт этказиб.— Терскайда ўтлаб юргандир.

Шу гапдан кейин Қўчқорнинг йўқола бошлаган ишончи яна тикланди. Ҳатто архарчалари анави уйдаи-уйдай харсанглар ортида бемалол ўтлашаётгандай туюлиб кетди.

— Жим. Чўчитманглар,— деди Баракаев. Унинг қушбурун, чуваккина юзи, чуқур тушган қоп-қора кўзларида қатъият зуҳур этар эди.— Қўчқор, Эшжон, Михли, Ҳалима, Карима, сизлар у ёқдан, биз буёқдан қуршаб оламиз-да, шаппа... вассалом.

Қўчқор ҳам беихтиёр «вассалом» деб юборди. У ҳатто архар боладини сийрағидан шаппа тутгандай ҳам бўлди.

Юзтача бола физкультура ўқитувчисининг командаси билан нарироқда иссиқ-совуқда нураб, қалашиб ётган уйдаи-уйдай харсангларни икки томондан ўраб олишга киришди.

Мана, ҳалқа уланди, қисилди! Бироқ қидирганлари... Қўчқор тарвузи қўлтиғидан тушган одамдай бўшашиб қолди... Балки... Энг улкан қора тош устида дурбин билан қараётган қўмондондай қаққайган Баракаев ўнг қўлини олдинга чўзиб, Қўчқорнинг кўнглидагини айтди:

— Жилғада. Ҳеч қаёққа кетмаган!

«Тўғри айтади, ма-алим», ичида тасдиқлади Қўчқор. У ёқдан бошқа қаёққа боришади?

— Ўртоқ ма-алим!..

Савол устига савол. Ҳаяжонланган, қизишган, ингичка, йўғон, чийилдоқ овозлар. Янги режа тузишга: тушунтириш, тайинлашга тўғри келди. Қўчқор бошлиқ бир тўда бола жилғанинг у бетига ўтди. Қолганлар бу бетда узун занжирдай тизилиб юқорилай бошлади. Ҳар бир туп бута, дарахт тағи-ю, чакалакзор, хуллас қарашмаган жойлари қолмади. Шу йўсинда Бўтакўзга етиб боришди. Ҳеч қаерда йўқ. Йўқ, қоchoқ архарчалар! Энди нима қилади? Қўчқор мўлтираб Бобоёнғоққа боқди. Чўлдан эсган баҳор шамолига кўкрак очган улуғвор Бобоёнғоқ сукутда. Унинг қоп-қора йўғон қирмизи товланадиган томирлари остидан биқир-биқир қайнаб чиқаётган булоқ бетида эса бепарвогина буғ буралади.

Теварак-атрофга таралган болалар бирин-кетин қайта бошлашди. Улар Қўчқорнинг сўзсиз саволига сўзсизгина бош чайқашар ва албатта, булоқ бошида уймалашишар эди. Бири чўккалаб, бошқаси ётиб, бири ҳовучлаб, бошқаси оғзи-бурнини булоққа тиқиб аллақандай интиқлик билан сув ичишади. Қўчқорнинг ғаши келди. Улар бу ёққа мурғак, ўзлари қочирган архар болаларини қутқариш учун эмас, Бўтакўздан сув ичиш учунгина келишгандай эди.

— Ича бер, шифобахш-ш! — деб иягини яна сувга тиқади Эшжон.

— Дори! — деб жилмаяди Маллабой. У булоқ бошига чўнқайган. Ҳовучида сув, мазасини тотиб кўраётгандай тўхтаб-тўхтаб ҳўплайди.

Қўчқорнинг назарида улар бечора архарчаларни унутишган, уларнинг бутун дарди ҳозир қоринларини мешдай қилиб шифобахш сувдан ҳафта ўн кун, балки бир ой, балки бир йилга етгулик ғамлашдан иборат бўлиб қолгандай эди. Нима деб жавоб беради «катта ма-алим»га? Ахир Азиз Нуриевич «кўз-қулоқ бўлиб турасан», деб тайинламаган-миди?

Қўчқор кузларини мўлтиратиб теваракка боқди. Улар ҳали кичкина Яқин орада кун ботади. Қоронғи тушади. Адашиб қолишади-ку? Бирорта оч бўри, ҳийлакор тулки, муғомбир чиябўри... Бунини ўйласа юраги уюшиб кетади.

Бобоёнгоқ сукутда. Ёнбағирга тегай-тегай деган пастки шоҳида кимдир осган бир-иккита латта қилпирайди. Бўтакўз бепарво биқирлайди. Болалар эса қасд қилгандай, шапир-шапир сув ичишади. Физкультура ўқитувчилари Баракаев эса, ана, ола-була боти, қора триколи хипча оёқларини чалиштириб чим устида ётибди. Оқ сурп шапкаси билан юз-кўзини бекитган. Бемалол ухлаётган, балки хаёл сураётгандир. Қўчқор алам қилганидан улкан ёнгоқ учига тикилганча дод солди:  
— Бо-бо-о!!!

## 5. Из қувиб

Қўра ҳувиллаб қолди. Қўчқорнинг ҳам ичи ҳувиллаб қолгандай эди. У айланиб яна бўш, бир томони ўпирилган четан қўтон олдига бориб қолади. Велосипедчилар велосипедига, мотоцикклилар мотоциклига минди-минди, кетворди. Уларга нима? Томоша! Қочса қочибди-да, архардан тарқаган тўртта тўқли! Қўчқорнинг хўрлиги келди.

Ёлғон бўлмасин, кетаётганларида Баракаев: «Хоҳласанг, энг абжир болалардан қидирув группаси тузамиз...», деди. Онаси оғиз очгани қўймади. «Овора бўлманг-эй, ма-алимжон! Тобилади!...» деди қўл силтаб Ҳи-и, «тобилади» сизга! Қўчқор ўзини чимга отиб ер тепинганча ҳўнг-ҳўнг йиғлади.

— Вой ановни! — қаёқдандир тепасида онаси пайдо бўлиб қолди. — Кап-катта йигит ҳам йиғлайдимиз?! Кеп қолади ҳали замон! Сурувга қўшилган-ов, бориб.

Қўчқор бошини кўтарди. Йиғиси тина қолди. Ҳеч кимнинг эсига ҳам келмапти-я?! Улар жилғанинг тепа томонидан қидиришганда архардан тарқаганлар этак томонга қайрилган-у, тўғри...

— Тур ўрнингдан. Кўзингни арт. Бурнингни қоқ, ҳа, балли! Эрталабки нонуштанг билан юрибсан-а. Қорнинг тоза очгандир?

Чиндан ҳам қорни таталаб бораётибди. Онаси айтмагунга қадар Қўчқор сезмаган эди. Қоронғи ҳам тушибди. Бунини уйда лампа чироқ ёқилгандагина билди.

У экскурсияга келганлар учун пиширилган хамир овқатдан бир коса ичиб, жиндак ором олгач, ўй сура кетди. Хаёлида ҳуркак архарчалари ҳам ҳозир оналарининг елинига ёпишиб, қоринларини тўйдирётгандай эди. Айниқса, анави мугузи тўрт энлик бўлиб қолган каттаси жуда очофат-да. Тик туриб эмишга қаноат қилмай, чўккалаб сўради денг Қўчқор беихтиёр кулимсиради. Ҳали замон келиб қолишади бутун қўрани бошларига кўтариб... Шу чоғ қулоғига ҳатто қўзичоқ товуши чалингандай ҳам туюлди. Ахир... Уларни қаерга қамайди? Кўз ўнгида бир томони қулаб тушган четан қўтон. Қўчқор шошиб ўрнидан турди. Бўсагадан ҳатлаётганида ўчоқбошидаги қишдан қолган ўтинларга назари тушди-ю, миясига бир фикр келди. Отам тузатар, деб кутишнинг нима кераги бор? Болта тўнкага чопилганча турган экан. Четроқдаги тахлоғлиқ ёғочлар орасидан бир қулоч, бир ярим қулочлик қозиқбоп ходалар топилди. Тўнка устида учини нишлаш қийин эмас, қилиб юрган иши. Қора қангига ўз қўли билан қанча-қанча қозиқ тайёрлаган.

Фақат четанни тиклаш, қозиқ қоқиш, боғлаш машаққат бўлди. Бунинг устига тоғ бағри эмасми, лаҳзада қоронғи тушди. Биттасини тикласа бошқаси қулайди. Ёлғизлик қилиб қолди. Онасини ёрдамга чақириниш яхши эмас, Бусиз ҳам ишлари бошидан ошиб ётибди.

Қўчқор қизишиб, терлаб-пишиб ишлаётганида Тўрабек мотоциклини тариллатганича келиб қолди.

— Ушладингларми? — деб сўради тепасига келиб.

— Сурувга қўшилган,— деди Қўчқор. У шундай дейишга деди-ку, ичида шубҳаланди. «Қўшилмаган бўлса-чи?» Аммо амакисининг ишончи комил шекилли:

— Болтангни менга бер. Сен четанни ушла. Ҳа, тира! — дея қозиқ қоқа кетди. Амакисининг қўтонни тиклашга ғайрат билан киришганини кўрган Қўчқорнинг кўнглида шубҳага ўрин қолмади: сурувда бўлмай қаёқда бўлади архарчалари? Албатта, оналари билан бирга! Айни шу чоғ серканинг бўйнидаги қўнғироқ жириглади.

— Келишайпти!!! — Қувонганидан Қўчқорнинг овози янграб кетди. Қўнғироқ товуши тобора яқинлашмоқда. Тўрабек мотоцикл қути-сиданми, қаёқдандир топиб келган сим билан боғлаб қўтонга эшик қураётганларида Олапар пайдо бўлди. У тилини осилтириб ҳарсиллар эди. Жуда соғиниб қолган кўринади, искаб-суйканар, юз-қўлидан ялаб олиш пайида эди.

— Э-эй, кет! — тирсаги билан юзини тўсди Қўчқор.

Йўқ, у ўшқиргани билан зиғирча ҳам ачиғланмади. Олапарнинг қувончини ичига сиғдира олмай ҳарс-ҳарс қилиши Қўчқорга хушхабардай туюлди. Қочоқлар топилган, биз билан бирга, дея суюнчи сўраётгандай эди.

Қўчқор қўнғироқ жириглаган томонга қараб чопди. Унинг тахминича, ўтар ўзандан ўтган, чунки жиринг-жиринг яқин, бир зувласа ста-диган жойдан эшитилаётгандай, бўйнига қўнғироқ таққан қора серкага қўққисдан тўқнаш келадигандай бир сезги билан чопмоқда эди у. Аммо бир эмас, беш марта зувлаганидагина сурувнинг шарпаси-ю, орқадаги отличнинг қораси кўзига элас-элас кўринди.

Олдинроқда елиб бораётган Олапар унинг тўхтаганини пайқаб, кетига қайтди. Нафасини ростлашга улгурмаган ҳам эдики, қоронғилик ичидан Гарлон шўнғиб чиқди. Лаҳзадан кейин қўнғироқ ёнгинасида жириглади. Қора эмасми, серкани қоронғида илғаш қийин. Аммо бўйнидаги қўнғироғи шўх-шўх жириглайди. Кетидан эргашган юзлаб туёқларнинг шатир-шутур, дупур-дупури тутди. Пишиллаган, кавшанган, маъраган тўқ қўй-қўзилар. Қўчқор сурув ичидан ўзининг архар тўқлиларини қидираётганида Қўзибойнинг овози эшитилди.

— Қаққайиб туришини қаранглар!

Қўчқор эшагининг бошбоғидан тутиб:

— Қани? — деб сўради.

— Нима? — деб ўсмоқчилади Қўзибой.

— Архар тўқлилар.

— Қаёқдан билай? Қолувди-ку, қўтонда?

Қўчқор Қўзибой одатдагидай тегажоғлиқ қилаётибди, деб ўйлади. Эшакнинг бошбоғини қўйиб юбориб, четроқда ўтга алахсиб орқада қолган қўйларни ҳайдаётган дадасининг олдига чопди. У югуриб бораётганида бирдан бўшашди: Қўзибой тегажоғлиқ қилмай тўғрисини айтганини юраги сезди. Дадасининг ҳайбатидан ҳайиқибми ёки у кишидан сўкиш эшитишдан қўрқибми, дами ичига тушиб, анча берида тўхтади. «Нима бўлди?» деб дадаси от бошини бурганда йиғлаб юборди. Юз берган воқеани кўзда ёши билан титраб-қақшаб айтиб берди. Дадаси аччиқландими ёки ачиндими, билолмади — қоронғи эди. Аммо гапираётганида сўзини кесмади. Фақат биргина айтган гапи шу бўлди:

— Ҳа, аттанг, домиллодан уятга қоладиган бўлибмиз-да!

Уят ҳам гапми? «Қатта ма-алим» Азиз Нуриевич тажрибалари муваффақиятли чиққанини эшитган. Имконият бўлса бориб қайтаман, деб кунни кеча Тўрабек амакиси билан телефонда гаплашган ҳам экан. Лоп этиб келиб қолса-я!

Дастурхон теварагида ўтирганларида Қўчқор шу ҳақда ўйлади. Дадаси тўрда чордона қурган. У чакмонини ечгани билан эгни қалин. Оёғида маҳси, бошида қулоқчин, қўлида пиёла.

— Бўтакўзгача чиқдингларми? — деб сўраб қолди. Қўзи юмуқ, мудраётгандай кўрингани билан у кишининг ҳам хаёллари қочоқ архарчаларда экан. — Камарни, ундан нари Арчалани ҳам қараш керак эди.

— Ярим кунлик йўл-а? — қошини чимирди онаси.

— Катта Отанги ғорини-чи? — суриштиришда давом этди дадаси.

Кўчқор бош чайқаб аттанглади: эсига келмапти-я!

— Экскурсиячиларинг ари дурагайларни, ари ғордаги суратларни кўрмапти, нима кўрди улар?!

Кўчқор шифтга тикилганча ётган амакисига ялт этиб қаради. Унинг оғзини пойлади. Нега илгари эшитмаган экан? Ғорда девор суратлар борлигини билганида Баракаев, албатта, экскурсия ўтказган бўларди. Бироқ ўша пайтда кўнглига сизармиди суратлар! Улар Бобоёнғоқ тагида ўтирганларида қочоқлар тош отса етадиган жойда бамайлихотир ётган экан-да, ундан чиқди? Кўчқор пушаймон эди. Пешонасига бир чертиб, ўмбалоқ ошди ҳам. Бироқ бундан нима фойда?

— Кўп куя берма, болам,— деди онаси дастурхонга фотиҳа қила туриб.— Катта Отанг қўлласа йўқолганларинг тобилади.

Онасининг сўзига ишонадиган бўлса бари нақд: қочоқлари эрта тонгга қолмай келишади. Бунинг учун онаси кечиктириб бўлмайдиган баъзи бир фавқулодда тадбирлар ҳам кўриб қўйган: «Кўчқор бўйнини чўзиб, деразадан ўчоқбоши томонга кўз ташлади. Қоронғида пахтадан эшиб чўпга ўралган бир жуфт қўлбола шам лип-лип ёнмоқда. Анали пилта чироқ алангаси билан ўйнашаётган парвона парвона эмас, Катта Отасининг арвоҳидир балки?»

Кўчқор керишди. Кетма-кет эснади-да, кўрпачага юмалай қолди.

Эрталаб кўзини йириб очди-ю, архар наслидан бўлган тўқлиларини эслади. Қийинишга ҳам сабри чидамай кўрага чопди. Аммо излагани кўринмади. Амакиси иккови тиклаган четан қўтон бўм-бўш эди.

Кўчқор онасига жаҳл қилиб, чой ҳам ичмади. У бир пой ботинкасини кийиб, иккинчисига оёғини тикаётганида тўнғиллади:

— «...тобилади-тобилади!» Қани топилгани?

— Тил тегизма, болам. Ота-боболаримизнинг руҳи... мадаккор бўлсин десанг фақат яхши сўз билан ёд эт...

У қора ҳангини тутиб эгарлаётганида онаси қийиқчага битта нон ўраб, қўярда-қўймай белига боғлади.

— Эш бўлади... Вой-й! Кел, болам.

Онаси ҳамма нарсага ҳам ажабланаверади. Сут қайнаб тўкилса ҳам «вой», кўкда турналар арғамчи ташлаб учиб ўтса ҳам «вой». Аммо онасининг «ош бўлади» деб гапириб турганининг устига Эшжоннинг келиб қолиши жуда қизиқ бўлди. Унинг ҳаприқишга қараганда, бир нимани биладигандай эди. Лекин Эшжон велосипедини деворга суяб қўяётиб, «топилдимми?» деб сўраганидан кейин Кўчқор сушт бўлиб қолди: демак, у ҳам ҳеч нимани билмайди. Ҳеч ким ҳеч нима демаган, кўрмаган.

— Юр, қидирамиз.

— Қидиришдан фойда борми? — Эшжон одатдагидай «хушт» этказиб хуштак чалди.— Кетган. Бувам айтди. Қони тортганмиш.

— Шунини айтгани келдингми? — Кўчқор азза-базза хафа бўлди.— Нуқул «хуш-шт... кетган... Хуш-шт!» Бор-э!

У эшак сағрисига тарс этиб туширганда орқадан Эшжон чақирди.

— Тўхта! Менам...

— Нима қиласан бориб, топилишига ишонмаяпсан-ку? — Кўчқор юзини бужмайтириб тўнғиллади. Лекин бари бир эшагининг бошини тортди. Кўринишдан рўйхуш бермагани билан эшакка мингашган Эшжоннинг иссиқ нафаси қулоғининг орқаси ва бўйнига тегиб қитиғини келтираётган эди.

Қидириш кечаси дадаси «чизган» маршрут бўйлаб ўтди. Яна ўша ола ҳакка. Улар этиб бормасиданоқ, бутун жилғага гўё ўз тилида: «Ҳой, парранда-ю, даррандалар! Жамини жониворлар! Одамзод келаётибди. Хушёр бўл!» — дея жар солар эди. Шунгами, то Бўтакўзга етгунларича бултурдан қолган қуруқ хашак орасида юрган типратикондан бўлак ҳеч нарсани учратишмади.

— Қўчқор! Балиқларнинг сувдан сапчиб чиққанини кўрганми-сан?— эшакдан тушиб булоқ бошида қолган Эшжон қичқирди.— Нонингдан бир бурда бер, томоша кўрсатаман.

Балиқларнинг томошасини кўргани келибдими бу ёққа? Узи нима гамда-ю, аммо кетидан чопиб келган Эшжоннинг қўлини қайтармади. Белбоғининг қатидаги нондан бир бурда ушатиб берди-да, йўлида давом этди. Ёнғоқ шоҳида ҳилпираётган чирик латта беҳосдан чаккасига текканда жирғанди. Тўғриси, Катта Отасидан ранжиди. Дардига шифо сўраб келган аллақандай етти ёт хотиндан ёрдамини аямаса-ку, ўзининг чеварасига яхшилиқни раво кўрмаса! Онаси ёлғон гапирар-миди! Уша чирик латта — аламни боғлаб кетган хотин яқинда «қўчқордай ўғил» кўрганмиш. Бултур зиёрат қилса-ю, бу йил бола туғса! Лекин ўзининг чевараси ёрдам талаб бўлганда эса... Қўчқор лабини бурди. Айни шу чоғ эшаги анчадан бери тўхтаб, тўғридаги бир нимадан кўзини узмаётганини пайқаб қолди. Чакалакзор орасидаги қорайиб кўринган нарса қадим-қадим замонда бобоси ватан қилган ғор бўлиши керак. Қабри ҳам ичида эмиш.

Қўчқор эшагини ўтга қўйиб, буёғига яёв кетди. У ғовлаб ўсган учқат шохларини икки ёнга ёриб ўтаётганида дўппайган қабрга назари тушди. Кўрди-ю, юраги гуп-гуп уриб кетди. У беихтиёр орқага қаради. Аммо на Эшжон, на қора ҳанги кўринади.

У пичирлади-ю, қаршисида аллаким эмас, балки ўзининг энг катта отаси, бобосининг бобоси ётганини эслаб, анча дадил тортди.

Қўчқорнинг назарида бобоси у зиёрат қилиб келганидан хурсанд, саломига алик олди. Яна бу ерда у бошқа нарсани — архар шохини кўриб қолди. Амакиси отган архарнинг шохи. Қизиқ, ким ўрнатди экан?

— Бобо... Шундай деди-ю, Қўчқор оёғи остига тикилганча анграйиб қолди. Қий. Майда. Яқин кунларда қумалоқлангани аниқ, ҳали янги. Шундай мақбаранинг панасида сочилиб ётибди. Қўчқор қўлига олиб кўрди — юмшоқ. У ҳовлиққанча ташқариға отилди.

— Э-э-эш!!! — у овозининг борича қичқирди.

Бу вақт чакалакзордан ўтаётган Эшжон сапчиб тушди-ю, шохшаббаларни шатир-шутур босиб-қайириб етиб келди.

— Мана!

Эшжон ушлаб кўриб. — Қўйнинг қийи-ку? — деди.

Эшжоннинг гапи қизиган темирға сув сепиш билан баравар бўлди. Қўчқорнинг тили сўзга келмай қолди. Ниҳоят:

— Кўрмаяпсанми? — деди бўғилиб.

Эшжон тумшугининг тагига тутилган қумалоқларни ҳидлаб ҳам кўрди. Қийдақа қий. Уларга, бу архарларники, деб ёзиб қўйилмаган-ку.

— Янгими?

— Янгилликка янги, бироқ...

— Нима «бироқ»? Бу атрофда бирорта қўзи юрганини кўрганми-динг кеча?

Эшжон бош чайқади.

— Бугун-чи?

— Бироқ сенинг дурагайларингни ҳам учратмадик.

— Кеча эрталаб тоққа қочганини кўргансан!

— Бошқалар ҳам кўрган.

— Кўрган бўлсанг ўшаларнинг қумалоғи бўлмай, осмондан тушган қўйникими булар?

— Бироқ...

— Гаров ўйнайсанми? — Қўчқор қизишди.

— Уйнасам ўйнайвераман. Бироқ... — Эшжон кўзларини пирпиратди. — Бу қумалоқлар ўшаларникимикан?

— Бўлмаса-чи! — Қўчқор бақириб юборди.

— Шу ерда экан-ку, — Эшжон аттанглаб бошини сарак-сарак қилди. — Ғорниям қарайлик, деманинг-да ўзинг.

— Шошиб қолдим, — Қўчқор илжайди ва ўртоғи олдида мақтаниш-

дан ўзини тия олмади.— Бўлмаса деворларидаги суратлариниям кўр-сатардим.

— Юр!— Эшжоннинг кўзлари ўйнаб кетди.

— Архар тўқлиларнинг изини топганимизда-я?

— Бир зумда кўрамизу жўнаймиз.

— Гугурт қани? Шамни қаёқдан оласан?

— Гугуртсиз бўлмайдами?

— Қоронғи-ку? Ҳў, тўрда! — Қўчқор ёлғон гапирганини ўзи ҳам сезмай қолди. Тўрдами, кираверишдами, ҳали кўрмаган. Фақат горнинг тош деворларида ов манзараси чизилганини Тўрабек амакисидан эшитган, холос. Лекин шундай демаса манави «Иш-жон» бир қадам ҳам жиладиган эмас. Оёғини тираб туриб олади. Жуда қайсар-да!

— Баракаев ма-алимга айтаман!

— Айтсанг айтавер.

— Ур-ра! Яна экскурсия!

— Бақирма!— Қўчқор архар шохи қадалган мақбарага имо қилди. Эшжон жим бўлиб қолди.

— Қувайлик.

Эшакка мингашиш олдидан Қўчқор теваракка кўз югуртирар экан, чаккасини қашлаб туриб маслаҳат солди.

— Кечаси Катта Ота ғорида ётиб, эрталаб ўтлагани чиқишгани аниқ,— унинг бу фикрини чакалакзор ичидан ўтган сўқмоқда ётган ҳўл кумалоқлар ҳам тасдиқлагандай эди. Уларни Эшжон ҳам кўрди.— Лекин қаёққа кетишди экан?

— Қаёққа кетарди? Аниқ.

— Нимаси аниқ?

— Авваламбор йўқолган қўзиларинг чиндан ҳам архар наслидан бўлса, эрталаб булоқ бошига сув ичгани тушган. Кейин, ҳуш-шт!

— «Ҳу-шшт, ҳушт!» Сен қаёқдан била қолдинг?

— Бобом айтди. Архарлар эрталаб жилғага сув ичгани тушиб, яна ўша сўқмоқ билан орқага қайтар экан. Улар бўри-ю, одамзод қадами етмайдиган баланд чўққиларда яшаркан. Бобом-чи, йигитлигида ўшандай сўқмоқларга қопқон кўяр экан. Билдингми?

— Қопқон қўйишни сўраётганим йўқ сендан. Қаёқдан қидирсак экан, деяпман.

— Қаёқдан бўларди? Ҳа-а, хайла!.. — Эшжон қўлини пахса қилиб ўткир найзадай учи оқиш булутга қадалган Қашқатовга ишора қилди.— Ўша ёқдан қидирасан-да.

— Йўқ, улар узоққа кетмаган. Мин эшакка. Тезроқ изидан тушайлик.

Улар анча юқорилаб қолганларида Эшжон «эҳ», деб қўйди. Қулогги ҳаммиша динг Қўчқор «ҳи-и?» деди.

— Овчаркамиз йўқ-да. Қумалоқларни бир ҳидлагандаёқ из қуварди.

— Тўғри, қуварди,— деб кулди Қўчқор.— Улар етказмай қочарди.

— Қувиб етади.

— Етолмайди.

— Авчарка-я?!

— Улар сенга қўймиди етказиб қараб турадиган? Архар-ку!

— Архардан тарқагани билан ҳали архар эмас.

— Гаров ўйнайсанми? — Қўчқор ўгирилиб қўлини чўзди.

— Гаров ўйнайман, етади! — Эшжон Қўчқорнинг қўлини қисди.—

— Ютқазсанг архарчаларингни биттасини берасан.

— Сен ютқазсанг велосипедингни берасан, қайтиш йўғ-а?

— Чин пионер сўзим!

Атрофга аланг-жаланг қараб, қорайган нарса борки, кўздан қочирмай бораётган Қўчқор эсига бир нима тушгандай орқасига қайрилди.

— Овчарканг борми қувиб етадиган?

— Узинг-чи? Йўқ нарсага кекирдагингни чўзасан, «гаров ўйнайсанми?» деб...

Улар баҳслаша-баҳслаша Қашқатовнинг кун ботиш томонидаги Камар деб аталадиган энг катта дарага ҳам етишди. Чиндан бу чуқур ўзан ўз номи билан камар эди. Баҳор тошқинлари ювиб, ўпириб ковак қилиб ташлаган икки терак баландликдаги палахса-палахса тошлоқ кирғоқ худди тушадигандай баҳайбат эди.

Қўчқор билан Эшжон қора ҳангини их-ихлаб, биттаси бўйнидаги арқонидан судрагудек тортиб, бошқаси халачўп билан сағрисию сийрағига савалаб, ўзандан чиқаётганларида орқада келаётган Эшжон:

— Топдим! — деб бақириб юборди.

— Қани?! — Қўчқор севинчдан юраги ўйнаб ўзанга кўз югуртирди.

— Мана! — деди Эшжон оёғи тагидаги палахса тошга ишора қилиб. У ерда бир ҳовуч қумалоқ сочилиб ётар эди.

— Сени қара-ю! — Қўчқор суст бўлиб қолди. — Архарчаларни топибсанми деб ўйлабман.

— Изидан адашмабмизми, ўзлариниям топамиз!

— Топамиз! — деди руҳланиб кетган Қўчқор эшакни арқонидан тортиб.

Архарчалари юқорида кутиб турган-у, уни кўрганларида маъраб юборишадигандай эди назарида. Танишса керак. Ахир эмизиш пайтида оналарини четанга ўзи киритиб чиқарар эди. Неча марта ўт солган.

Охирги поғона — сўнги тош. Гуп этиб димоғига ёқимли бир ҳид урилди. Э-ҳа! Бу ёғи кета-кетгунча арчазор экан. Ўша, дадаси тилга олган Арчали. Ана, Қашқатов. Енбағри ўрмон, тўқай билан ўралган, яланғош қоровулдай қаққайиб турибди.

Арчазор ичига киришлари билан ҳаммаёқ қоронғи тортди. Қўчқор Эшжонга, Эшжон Қўчқорга боқди.

— Йўқ-ку?

Қўчқор у ёқ-бу ёққа югурди. Анави ола ҳакканинг шақиллаши демасангиз, жимжит.

— Нонингдан бер, — деб қолди кўкаламзорга беҳол ёнбошлаган Эшжон.

Архар тўқлиларини қидириш билан овора бўлиб, нон хаёлига ҳам келмапти. Эшжон эсига солди-ю, бирдан кўнгли озди. Арча ҳидини қанча симирма — қорин тўймайди. Қўчқор изига қайтди. Белбоғини ечиб, Эшжоннинг олдига ёзди-да, чўккалаб нон ушатди.

Нафси ором олгани қилиғидан маълум — Эшжон гиламдай майса устида у ёқдан-бу ёққа ўмбалоқ оша кетди. Қўчқорнинг ҳам бир юмалаб олғиси бор-у, фикру хаёлида қочоқ архарчалари. Оғзида нон, кўзи олма теради: қаёқда қолди? Қаерни қидирсин? Қумалоқлари сўқмоқда сочилиб ётган эди-ку?

Орқада нимадир шитирлади. Қўчқор шартта ўгирилди. Ўгирилди-ю, кўзи кўзлар билан тўқнашди: тугмачадай сариқ ҳошияли кўзлар... мушукдан каттароқ бир жонивор. У йигирма-ўттиз қадам нарида қараб турибди. Муқаррар оч. Қўрқмайдиам. Аксинча ўзи... Думини лип этказиб ўзини қалин арча панасига олди. Шундагина:

— Силловсин, — дея пичирлади Қўчқор.

Эшжонга, албатта, алам қилди. Дик этиб ўрнидан турди. Бари бир кеч қолган эди. Шунда ҳам силловсин кетидан югурди, лекин сирасини айтганда, кўрмадим деб ачинишга арзимайди. Жуни туллаган, қорни шалвираб ётибди. Дадасининг эски тумоғи ундан кўркамроқ. Ўйлаб топган бу гапи Қўчқорнинг ўзига ёқди. Қиқирлаб кулди. Лекин ўртоғи... У қўлини карнай қилиб чақирди:

— Э-эшжо-он!!

Тегирмон тош панасида писиб ниманидир кузатаётган Эшжон ўгирилди-да, бармоғини оғзига босиб «жим» дегандай бўлди. Бу сирли ишора Қўчқорни ҳовлиқтириб қўйди: нима экан?! У икки букилиб ўртоғининг олдига чопди. Эшжон «ти-ис» дея елкасидан босди. Қўчқор сабри чидамай тегирмон тош ёнидан секин мўралади. Э-э, ўша, туллаб, япоғиси чиққан силловсин. Ундан кейин... Қўчқорнинг юраги уриб кетди. Нимани кўрди денг — ўзининг архар тўқлиларини! Силловсиннинг

қаршисида бўйнини гажак қилиб ўша энг катта, шохлари қаламтарошдай кўк архар турарди. Унинг ҳимоясида эса учта кичкинтой. Силовсин қаёққа жилса архарча ҳам унинг ҳужумини даф қилишга шай бўлиб, ўша томонга жилар эди.

Қўчқорнинг бир қўли харсангда, бошқа қўли ерда — тимирскилаб тош қидираётганида силовсин сапчиди. Аммо шу заҳоти ерга юмалади.

— Боплади,— дея шипшиди Эшжон.

У худди ўзи олишаётгандай ҳарсиллар, кўзлари чақнар эди. Боплашга боплади архарча бигиздай ўткир мугузи билан. Бироқ томоша қилиб тураверадими? Қўчқор ҳаяжондан титрар эди. Анави йиртқич ўлганига қарамайди. Оч-ку! Яна ташланади.

Қўчқор қўлига илинган нарсани отди. Тегмади. Тегмаса ҳам силовсин ўзини ўзанга урди. Архарчалар эса тоққа қараб қочди. Қўчқор кетларидан югурди. Қанчалик ўзини танитишга уриниб овоз бермасин, архарчалари тўхтамади. Улар буталар, харсанглар устидан энгил сакраб-сакраб, тобора ўзоқлашмоқда эди. Қўчқорнинг ўпкаси қисиб ҳарсиллаб қолди. Энди қайтаришнинг иложи йўқлигига кўзи етиб, тўхтади. Уларнинг яхшиликни билмай, кўрнамаклик қилгани ўтиб кетди.

— Ўзинг қочирдинг-ку, тош улоқтириб?

Орқадан етиб келган ўртоғининг овутиш учун айтган бу сўзи, аксинча, ярасига туз сепгандай бўлди.

Ҳориб-чарчаб, бутун йўл давомида бир-бирига бир оғиз ҳам сўз айтмай тумшайишиб, қирдан тушаётганларида Тўрабек уй орқасида турган эди. Қўчқор қоронғида гоҳ қизариб, гоҳ сўнаётган чўққа назари тушгандаёқ «Тўракам» деб кўнглидан ўтказди.

— Қочоқларинг қани? — деди Тўрабек.

Кулиб айтилган бу гап Қўчқорни букиб ташлади. Амакиси бу билан, архар-архар дединг, ҳаммага мақтандинг, бутун мактабни экскурсияга олиб келдинг, ахийри қочириб тиндинг, дея таъна қилаётгандай эди. Эшагини қозиққа боғлаётган Қўчқор шу чўнқайганича туролмай қолди.

— Хафа бўлма,— деди қоп-қоронғи уй панасидан чиқиб тепасига келган Тўрабек.— Бугун Азиз Нуриевич билан телефонда гаплашдим...

Қўчқорнинг бутун вужуди қулоққа айланди. Келиб қолса-я?! Унда нима бўлади?! Юраги гурс-гурс тепарди.

— Келмоқчи эди-да... Ҳа, ҳа, шундай. Кейин...— Қўчқор типирчилар, амакиси эса гапни чўзарди: — экскурсиянинг оқибатиниям айтдим. Қўчқор бошини чангаллади. Тиши оғригандай юзини бужмайтириб, аста сўради:

— Айтдингизми-я?

— Хафа бўлма. Бари бир эшитар эди.

«Ҳа, эртами кеч... лекин ўз кўзи билан кўрди. Қашқатовда. Йўқолмаган... ҳамма болалар бир бўлиб... махсус қидирув группаси тузиб...» Қўчқор дир-дир титрар эди...

-- Телефонда тоза кулди...

«Ёш бола-да, эплай олмаган, деб...»

— «Яхши бўпти қочгани. Қон тортган», дейди.

— Нима?!

-- Отаси ёввойи эмасми? Болалариям...

— Ҳа-ҳа,— Қўчқор ўрнидан турди. У ниманидир англагандай эди.

— ... Табиат қучоғида эркин юриб тез катта бўлади. Қишгача қочса, урчиб кўпайиши ҳам ажабмас. Мақсад ўзи шу...

Қўчқорнинг музлаган юраги аста эриди. Танасига иссиқлик югурди.

-- «Катта ма-алим» шунақа дедими? Табиат... анақа, эркин?..

— Албатта!

— Ур-ра-а!!! — Қўчқор архардай кўкка сапчиди-ю, Эшжонни бағрига тортди. Икки ўртоқ Тўрабекнинг теварагида олиша кетди. Ичканидан ҳовлиққанча чиққан онаси:

— Ҳо-ой, бўлди! Уйиндан ўт чиқмасин,— дея босди.— Қўрқитиб юбординглар-ку одамни!



## 6. Арчалида отилган ўқ

Бу одамни Қўчқор иккинчи марта кўриши. Биринчи марта ўтган йили кузда Азиз Нуриевич кетган кунининг эртасига кўрган. Қўрага амакиси билан бирга келган эди. Шу оқшом онаси ухламади. Туни билан қозон қайнатди. «Катта ма-алимга» аталган зиёфат Раббимуп ин-спектирга буюрган экан», деган эди. Мана, ўтовга бош суқса, амакиси билан ўша Раббимов чақчақлашиб ўтирган экан.

— ... Юз сўм солиб қўйдими киссангизга? Штрафга деб-а?! Ҳай, содда экан-ку, профессорингиз? Келинг, овмин, денг, менгаям сизни-кидай авлиё домлалардан учрасин! — у гапини тугатар-тугатмас этининг қўнжига уриб кулди.

Қўчқор тиқилиб қолмадимикан, деб ҳам ўйлади. Йўқ, ҳиқичоқ тутгандай ҳиқ-ҳиқ қилиб кулар экан. У ола кўзи зўриқиб ёшланган, бурнининг учи қўшалоқ қулупнайдай қизарган, икки юзи мўматалоқ бўлиб кетган эди.

— Ҳали бу шишалар домлаи Азиз Нуриевичнинг пулига келган денг? — ҳамон кулар эди у.

Қўчқорнинг орқаси тиришди. «Ҳеч қуладиган гап эмас». Битта узун, битта калта бу икки улфатнинг кимдан кулаётганлари энди унга равшан эди. Айниқса амакисининг ўзи ихлос қўйган, изидан боришга аҳд қилган, гап-сўз, юриш-туришда ҳам тақлид қиладиган Тўракасининг келиб-келиб билим берган домласини алдагани уни ниҳоятда танг қолдирди.

Ичкарига киришга кириб, чиқиб кетолмай бўсағада турган Қўчқорнинг негадир хўрлиги келди.

— Дадамга айтиб бераман, — дея пичирлади.

Қанчалик секин айтилган бўлмасин, гапини Раббимов ҳам эшитди шекилли, бирдан кулгидан тўхтаб Тўрабекка қаради. Тўрабек эса Қўчқорга тикилганча қошини чимирди.

— Ни-ма?

— Менга қара, жўра!

Ўтовдан чиқиб кетаётган Қўчқор беихтиёр қаради. Чиндан ҳам Раббимов Тўрабекка эмас, унга «жўра» деб мурожаат этган экан. Ёр босган кўзлари муғомбирона йилтирар эди.

— Янгатой муборак бўлсин! — деди у илжайиб.

Қўчқор ноқулай аҳволга тушиб қолди. Тўрабек амакисини олдиндан табриклар қўйиб, деб келган экан-да. Чиндан ҳам шанба, якшанбага тўй. Онаси келинниқидан оқ ўраб келган. У бошини кўтара олмай:

— Раҳмат, — дея минғирлади.

— Жўра!

Қўчқор юзини бужмайтирди. Қандай қилиб кап-катта киши унга жўра бўлсин? Қизиқ экан-ку! Жўраси, ана, олдида. Ичишавермайди-ми лиққа-лиққа.

— Архарларинг, ҳай, инакдай-инакдай келади-я. Рост! Кеча кўрдим. Қояда биттаси қаққайиб турган экан.

Қўчқор унга ялт этиб қаради. Тўнглиги қандай тарқаганини ўзи ҳам сезмай қолибди, қаранг.

— Ҳозир қочиб кетишса-чи, баҳорга бориб, ҳа-ҳа! Беш йиллик планни сен дўндирасан, жўра. Ҳа, шарофатинг билан пода-пода бўлиб турибди-да! — Раббимов сўзлаётиб сувдан тиниқ ичимлик билан лим-ма-лим пиёлани кўлига олди. — Биз табиат қўриқчилари қизил китобга кирган архарларни сунъий урчитиб ва кўпайтиришда жонбозлик кўрсатган зоотехник, бўлғуси генетик олим Тўрабек, профессор домлаи Азиз Нуриевич, айниқса, парваришлаган, тоққа қочирган, табиат қучогида дикир-дикир ўйноқлар эркин ўсишларига имконият яратган пионер жўрамызга ташаккурлар айтамыз!

Тўракаси «урра!» деб юборганида, тўғриси, эти жимир этиб кетди-ю. Қўчқор ташқарига қандай отилганини билмай қолди.

— Қайлиқча дўхтир денг-а?..

Ичкаридан эшитилган сирли ҳангома Қўчқорни тушовлаб қўйди. У керагага суюнганча тўхтаб қолди. Амакиси нима деди экан?

— Қолдирманг-эй. Олинг-да, жўра — дея қистаганинигина эшитди.

Эгамов оғзини чапиллатиб ниманидир иштаҳа билан чайнарди. Балки илик кемираётгандир?

— Сизнинг бахтингиз учун олмай бўладими, жўра! Ялчибсиз, эскичасига тагли-тахтли, янгичасига айтганда перспективали экан.

Қўчқор қўл силтади — қизиғи қолмади: аллақандай «таги-тахт», «перспекти...» нима дегани? Умуман, катталарнинг гапига ўғринча қулоқ солиш яхши эмас. Лекин бари бир, Тўракасининг ғўнғирлаганини эшитганида керагадан узилиб кетиши қийин бўлди:

— Эрка ўсган эмиш...

Қизиқ? Ўша оқ қалпоқча, оқ ҳалатдаги «тилингни кўрсат, а-а, де», деб синфдаги ҳамма болаларни бир-бир кўриб чиққан чиройли дўхтир опа-я?! Қўчқор елкасини қисди.

— Кўтарасиз-да, эркалигини, во-ой! — Раббимов айғир кишнагандай қийқириб юборди.— Шунда ўсасиз, жўражон. Қарабсизки, бутун совхоз илгингизда.

— Янгам билан гапларинг бир жойдан чиқди!

— Ҳа-да! Хотинлар таг-томирини суриштиришади.

Гапларига тушуниш қийин эди. У энди кетмоқчи бўлиб турганида ичкаридаги гангир-гунгур яна диққатини тортди.

— Жўра, бизга хизмат-пизмат борми? — деб сўраб қолди Раббимов.— Тортинмай айтаверинг. Пулданми, молданми, донданми? Дўст учун жондан кечишга тайёрмиз.

— Раҳмат. Мана бунини олиб юборайлик қани.

— Оламиз... оламиз, жўра. Сиз учун олмаган номард. Фақат буюринг. Истасангиз, дастурхонингизни дич билан тўлдириб ташлайман!

«Дич» нимаси?! — Қўчқор елка қисди.— Ғалати-ғалати сўзларни биледи-я, бу инспектор».

— ...Магазинди музлаган жўжаси ўрнига тўқайда семириб юрган тустовуқ, ёки «какир-какир» сайраб тоғ-тошни тўлдирган каклик дейсизми? Айтинг, тўянага барини муҳайё қиламиз!

— Ишонаман, жўра. Оғзингизни ели. Бари қўлингизда.

Амакисининг пиқ-пиқ қулганини эшитиб қолган Қўчқор лабини бурди:

— Қизиқ.

— Агар унга кўнмасангиз, ўзингиз урчитган қўлбола архарларингиз бор. Жуда етилган-да, ҳозир. Кам деганда уч пуддан юки бор ҳар бирининг.

— Йўғ-эй!?

— Ишонмасангиз, бир ўқ билан тушовлаб бераман. Тарозида тортаверасиз.

— Қандоқ бўларкин? Азиз Нуриевичдан...— ўтовдан Тўрабекнинг овози эшитилди.

«Албатта, уят,— Қўчқор иккиланаётган амакисини ичида қувватлади.— Йўқ, денг-қўйинг, вассалом!»

— Домладан пул олиш уят эмас-ку,— Раббимов ҳиринглади,— дастурхонга архар гўштидан тандиркабоб тортиш уятми? Э-эй, жўра! Тўйингиз бир таърифий бўлсин девдим-да.

Қўчқорнинг афти бужмайиб кетди: «Мунча хира бўлмаса! «Таърифий-таърифий!»

— Ҳа, хай. Юр десангиз...

Қўчқор ер тепинди. Тўракасининг гапини охиригача эшитмади.

— Бал-э! — ичкарида Раббимов мастона чинкирди.

— Овга боришади,— Қўчқор ичидан титроқ туриб пичирлаганда Қашқатов бағридаги арчазор, қулоқлари қамишдай силовсин-у, қарши-

сида уни даф қилиб турган архар тўқли қўққисдан кўз ўнгига келди. Улар кичкина бўлганига қарамай, силовсиндан ўзларини ҳимоя қила олган эди.

Аммо мана булар, — Қўчқор ўтов томонга ўқрайиб қаради, — қаршисида улар жуда ожиз. Буларнинг ўт пурқаб, чақмоқ чақувчи қуроллари бор. Қандай қилиб ёрдам берса экан?! Унга ёлғизлиги асар қилди: Қўзибой чўлда... дадаси бўлганда-ку, анавиларни қайтариши мумкин эди. Эҳ, Эшжоннинг йўқлиги! У, албатта, бирорта тадбир ўйлаб топарди. Патронларни бекитиб ёки ичидаги питраларини тўкиб ташласа-чи? Амакиси патронтошини белига боғлаётганида билиб қолади. Билмаганида ҳам анави инспекторнинг милтиги ёнида. Унинг патронларини қандай олади? Бу режа ҳам бўлмайди.

Лекин нима қилиш керак? Қўчқор питир-питир қилди. Уйламоқчи бўлди. Аммо ўз қўли билан папалаб ўстирган архарчалари устига қопқора қуюндай бостириб келаётган хавф унинг тинчлигини йўқотган, бирор тўхтамга келишига имкон бермас эди. Онасига айтса-чи?

Шу пайт ичкаридан яна ўша инспекторнинг овози эшитилди:

— Кетдик, жўражон!

— Ҳозирдан-а?

— Гурунгни уриб, Арчалининг гаштини суриб ётмаймизми?

— Ҳа, хай-й...

— Гурунгга қўшиб мановидан қултим-қултим отиб, қи-их-х!

Қўчқор типирчилар эди. Онаси нима ҳам қила оларди. Дадаси бошқа гап. «Борма», дерди вассалом. Иниси қулоқ солмай кўрсин-чи. Зоотехник эмас, ундан каттароғи бўлмайди! Бобомурод полвоннинг сўзи сўз. Анави «табиат қўриқчиси»га ўхшаганлар иштонига... Э-эҳ, ҳозир йўқ, дадаси чўлда. Ичкаридан дупур эшитилди.

— Туришди, — Қўчқор шошиб қолди: нима қилсин?! Юраги тақапука. Аммо қалбида ғалати, ўта шижоатли бир қарор туғилди. У шахт билан ичкарига отилди. Шунда бўсагага яқин келиб қолган Раббимовни нақ калла қилиб ағдаришига оз қолди.

— Борманглар!! — дея чийиллади у эшикни гавдаси билан тўсиб.

Гандираклаб кетган инспектор ҳайрон бўлиб Қўчқорга қаради. Сумбасини пастга қарата елкасига осган милтигини тўғрилаб сўради.

— Н-нега?

— У ёқда силовсин бор!

Раббимов орқароқда турган Тўрабекка маъноли қараб қўйди-да. Қўчқорнинг кўкрагига бармоғини тақаб:

— Узинг силовсин, — деди. Лаҳзадан кейин оғзининг таноби қочди. Ҳиқичоқ тутгандай кула бошлади. У ҳиқ-ҳиқ қилганида яқинда ейилган гўшт-қуйруқ тўла, устидан патронтош бойлаган қорни силкиниб-силкиниб тушар эди. — Тоза қўрқитдинг-ку, жўра! Арчалида айиқ бор, демайсанми унинг ўрнига!

Бу бақалоққина, ёғ босган, шунга қарамай «тиш-тирноғигача қуролланган» овчи кўзига жуда хунук кўришиб кетди. Қўчқор шартта юзини ўгирди-ю, онасининг олдига югурди. Меҳмонга супра ёзиб, бошқа хил тансиқ таом тайёрлаётган онаси унинг қуйиб-пишиб айтган сўзини чучвара тугиб ўтириб, чамаси бепарвогина эшитди. Эшикдан Тўрабек кириб келганида илтифот билан ўрнидан турди-да:

— Ҳозир пишадди, — деди.

Назариди онаси меҳмоннинг тайёр овқатни емай кетаётганига ачинаётгандай эди.

Қўчқор сабри чидамай чимирилди.

— Э-э-эй!

Фақат Тўрабек ов кийимида — белида патронтош, елкасида милтиқ, сочлари патила-патила, дароздай бўлиб эшикдан чиқаётганидагина онаси асл мақсадга кўчди:

— Қайинжон.

Тўрабек бўсагага оёқ қўйган жойида қайрилиб қаради. Шунда Қўчқор унинг юз-кўзи қип-қизил эканини пайқайди. Назариди, амакисининг

ўсиқ сочи ҳам қизил товланиб тургандай... бутун кўриниши Эшжоннинг даканг хўрозига ўхшаб кетгандай эди.

— Тўй олдидан қўлингизни қон қилманг, гуноҳга ботиб...

Амакиси Қўчқорга «сотибсан-да», дегандай ер остидан қараб қўйди.

— Қандақа гуноҳ? — у тушунмадим дегандай лабини бурди.

— Улар ҳам одам боласидай...

Онасининг сўзи оғзида қолди. Тўрабек чиқдию кетди. Онаси унга янга бўлгани билан она ўрнида она бўлиб катта қилган. Ҳали-ҳозиргача иссиқ-совуғига қарайди. «Қайинжон» деб ер-кўкка ишонмайди. «Бошини иккита қилсам қиёмат қарзимдан қутулар эдим», деган хайрли ниятига етиш олдида. Амакиси эса писанд ҳам қилмади! Онаси, назарида мунғайиб қолди. Эл-юртда «полвон» аталиб эътибор топган дасидай одам ҳам ҳатто у кишининг сўзини нописандлик билан ҳеч қачон қайтармаган. «Тонг отаберсин-чи, худо халлоқ», деб қўярди жуда бўлмаса. Қўчқорга алам қилди. У:

— Отдирмайман бари бир!— дея янди-да, ўзини эшикка урди.

Уларни жилғада қувиб етди. Амакиси билан инспекторнинг баъзан гўнғир-гўнғир овози-ю, тап-туп оёқ товуши, қайрилган шох-шаббаларнинг шатир-шутури эшитилиб қолади. Атроф қоп-қоронғи. Ана, Бобоёнғоқ. Барглари шабада шитирлатади. Тагида Бўтакўз. У ирмоқ ҳосил қилиб жилдирабгина оқаётган булоқдан сакраганида сув ичгиси келди. Қирга кўтарилганида терлаб кетган эди-да. Бироқ, яхшиси, эҳтиёт шарт, тўхтаб сув ичишга қўрқди. Чунки, биринчидан, сув чалпинса сезиб қолишади. Иккинчидан, алаҳсиб, кейинда қолса, уларни кўздан қочириши, шундай зимистонда адашиб қолиши ҳеч гапмас.

Қўчқор чакалакзордан ўтаётганида ғор томонга қўрқа-писа назар ташлади.

— Ассалом алайкум, Катта Ота,— дея шивирлади.

Салом берди-ю, юраги дадил тортди. Тасавурида ғор оғзидаги архар шохли мозор пайдо бўлди. Ҳатто Қорбобога ўхшаброқ кетадиган бир мўйсафид ғор оғзида ўтиргандай бўлди. Фақат у Қорбободай алвон пўстину телпақда эмас, шунчаки узун яктақда эди.

— Бобо,— деб ялворди у,— анави «инспектор» билан Тўракамга инсоф тиланг. Улар эрмак учун тоғда юрган бечора жониворларни ўлдиришмоқчи...

— Жўражон! — қоронғида шанғиллаб эшитилган товуш унинг ҳаёлини бўлди. Олдинроқда Тўрабекнинг қораси. Қўчқор ундан кўзини узмай, қадамини эҳтиётлаб босади. Жўраси кўринмайди. Аммо унинг отилган сопқондай сўзлари тоғ сукунатини тарс-тарс ёрарди.

— Бурнағи жумамиди, уйга кеч қайтдим. Чунки офтобда қатиқ ичишган сиздақа жўралар кўп. Ишдан чиқишингни пойлаб туришади. Остона ҳатлаб ҳовлига кирганимни биламан, Бибиҳон йўлимга интизор кўз тикиб турган экан. «Ҳа, Биби?» «Вой, шарманда бўлдик», деб бошини ушлади.

«Нима гап?! Тушунтирсанг-чи, бундоқ!» Гапининг мазмунидан англадимки, областдан келган казо-казо ўртоқлар тўппа-тўғри бизди ҳовлига ташриф буюришибди. Уйда бир грамм ҳам гўшт қолмаган экан. Чунки бир соат олдин қуда хайлдан келган меҳмонлар кузатилган. Нима қилдик? Шом пайти. Дўконлар берк. Қўшнилари сўрашса сўрашадикки, бизда сўраш одати йўқ. Пул кетса кетсин, обрў кетмасин! Бизни шиор шу. Бироқ бундай пайтда қидирганингни пулга ҳам тополмайсан. Бош котиб тунакка кириб қолсам, бир нима чак-чак этади. Эби, нима бу? Томдан чакка ўтадиган ёмғир йўқ. Ҳаво очиқ. Теппамга бундоқ қараб қолсам, бир дўжна тувалоқ.

— Бир дўжниси қанча бўлар экан? — дея ўзича пичирлади Қўчқор.

— Баҳорги овимиз, жўра. Патларини юлиб, тузлаб-зиралаб, шифтга осиб қўйган эканмиз. Эсдан чиқибди паққос. Иссиқда ёғи эриб томаётган экан. Шундоқ иккитасини олдим-у, қозонга босдим...

Изма-из бораётган Тўрабекнинг пиқ-пиқ кулгани эшитилди.

Бўтакўз жилгасидан Камар дарасига етганларича деярли ҳеч қандай ҳодиса юз бермади. Олдинроқда кетаётган икки улфат кетларидан одам тушганини хаёлларига келтиришмас, Қўчқор ҳам эҳтиёткорликни унутгандай эди. Уларнинг ҳангомаларига берилиб кетганидан амакисига шунчалик яқин бориб қолган эдики, бир сафар ҳатто пош-насини босиб ҳам олди. Юраги орқасига тортиб кетди. Лекин турган жойида қотди-қолди. Инспекторнинг гапига алаҳсидими, қайдам, амакиси сезмади. Шундан кейин оралиқни кенгайтиришга тўғри келди. Энди йигирма-ўттиз қадам кейинроқда юрса ҳам бўлади. Чунки ой чиқди. Фақат Камардан ўтаётганида олдиндагиларнинг арчазорда ғойиб бўлганларини кўрди-ю, ўпкани ҳовучлаб югуришга тушди. Ахир, бу ов бузуқиларининг ҳар бир қадами назорат остида бўлиши керак-ку!

Йўқ, бахтига унча узоқлашишмаган экан. Арчазорга кириши билан Раббимовнинг товуши эшитилди.

— Жўражон, манови арча шохларидан сих тайёрлаб, сафар халтангиздаги шиша оғзини очаверсангиз ҳам бўлади. Тоғ бошидан сув ичгани тушиб келган олдинги архарни бир ўқ билан кулатаман. Боз шу ернинг ўзида арча кабоб қилиб бераман.

Дарахт панасида турган Қўчқорнинг тишлари ғижирлаб кетди:

— Мечкай,— сўкинди ичида.— Заҳарингга ич ароқни. Лекин архар кабобни тушингда кўрасан!

Қўчқор оёқ учида дарахтдан харсангга, харсангдан бутага писиб, мўмайгина ўлжа иштиёқида овга отланганларни айланиб юқорилай бошлади.

Теварак-атрофда бири-бирига мингашган яланг тош-у, шу тошлар билан олиша-олиша ўсган қинғир-қийшиқ буталар. Кўр ойдинда бари ҳайбатли, гўё тишини тишига қўйиб, ниманидир кутаётгандай кўринади.

Дара ичи сокин. Тоғ бошидан салқин шабада эсади. Баданни жунжиктирувчи «узоқлаб кетмадимми ановилардан» деган ҳадик билан Қўчқор орқадаги гунгурт арчазорга мўралайди. У томондан ғўнғир-ғўнғир товуш ва кулги эшитилади.

Қўчқор қунишиб эснайди. Узала чўзилган силсила устидаги кумуш ойни хомуш кузатади. Ана, ботди. Дара қоронғи тортди. Кўкдаги юлдузлар ой ботгач, очилиб кетгандай эди. Теварак шунчалик қоронғи бўлмасин, Қашқатовдан Камар сойига энган оқимтир чизиқни пайқаш қийин эмас. Бир қўли супадай харсанг тош устида-ку, чўккаланганча илонизи сўқмоққа тикилди. Ҳали замон шу йўлдан қатор тизилиб архар подаси тушиб келадигандай эди хаёлида. Уларнинг ҳаёт-мамоти ўзига боғлиқ эканини ўйлаганида титроқ босди.

У ўрнидан тураётганида оёғи нимагадир тегди. Тош шекилли, тош тошга урилди. Дам ўтмай арчазорда милтиқ шақирлади. Қўчқор дик этиб сакраб ўзини канорга олди.

— Нима экан?! — Тўрабекнинг ҳадиксираган товуши эшитилди.

— Тўнғизмикан, хўр-хўр этгандай бўлди.

«Ёлғонни ямламай ютар эканми?» деди ичида Қўчқор.

— Қайфниям қочириб юборди, қизталоқ!

«Тухматни қаранглар!»— Қўчқор қўнжи узун ов этиги кийган бақалоққина инспекторни кўз ўнгига келтирди. У тарқаб кетган кайфни қайта тиклаш учун шиша тиқинини тишлаб тортаётгандай эди наза-рида.

Қўчқор мийиғида кулди. Кулди-ю, оғзини карнай қилиб ҳомуза тортди. Арчазор томондан алла маҳалгача ғўнғир-ғўнғир овоз эшитилиб турди. Яна эснади. Утирган жойида харсангга суянди-да, қунишиб, кафтларини биқинига тиқди. Тасаввурида яна ўша бақалоққина инспекторнинг қиёфаси. У шиша тиқинини тишлаб тортқилар эди. Худди тўп билан ўйнашган кучуқдай у ёққа юмалаб тортқилайди, бу ёққа ағанаб тортқилайди. Бир вақт қараса, ўзи чўмилаётган эмиш. Сув шишадай тиниқ. Сой тубида ранг-баранг чағир тошлар. «Вуй» деб юборди «Қўчқор. Буларни кўрганда бутун синфдошларининг, ҳатто ўша билан Маллабойнинг ҳам кўзи ўйнашини тасаввур этиб, мийиғида кулиб ҳам

қўйди. Аммо совуқ еяпти. Шунга қарамай, у дурдай оппоқ, зум-рададай ям-яшил, ёқутдай қип-қизил тошларга эга бўлиш, ўртоқларининг кўзини қиздириш орзусида шўнғиди. Эҳ, чалпиниб кетди-ку сув? Тошлар кўринмай, фақат замзамада рангигина қолди. Ранглардан эса яшил камалак ҳосил бўлди. Афсус, афсус. Қўчқор сувдан бошини чиқаради. Яна сой тубидаги биридан бири қиройли чағир тошларга тикилади. Тишлари эса так-так такирлайди.

Отини атаб кимдир чақиргандай бўлди. Қараса, кўк архар, сой бўйида турибди, бошини ғоз тутиб. Шохлари қайрилма қиличдай. Оёқлари узун-узун. Қуйма пўлатдай туёқлари шағалли қирғоққа ботиб кетган.

— Ҳайрон бўлма!

Дўриллаган товуш эшитилганда Қўчқорнинг ҳайрати баттар ошди. Ялт этиб қараса, сой бўйида бир мўйсафид турибди. Оқ иштон, оқ як-так, яланг оёқ денг. Унг қўли шохдор архарнинг сағрисида. Чап қўлида ҳасса.

— Қўрқма,— дейди у.

Нега қўрқар экан? Аслида-ку, чўчиб тушди. Лекин Қўчқор сир бой бермоқчи эмас. Мўйсафиднинг кўзига кўзи тушганида тили тугилди: во ажаб, шабадада ҳарир ипақдай елпиниб турган оппоқ соқол-мўйлови демасангиз, қиёфаси қуйиб қўйгандай дадасига ўхшар экан.

— Омонатингни ол, болам. Тоғдан ҳайдаб тушдим, -- дейди мўйсафид.

Шу гапдан кейин Қўчқор: «Э-э, Катта Отам экан-ку!» деган қарорга келди. Ахир «катта ма-алим» айтмоқчи генлар минг йилдан кейин ҳам... Қўчқор ҳовлиқиб қолганидан мулоҳазалари чалкашиб кетди.

Ҳайрон қолади Қўчқор. Юраги ҳаприқади. Бир кўзи сой бўйида виқор билан турган архар ва Катта Отада. Бошқа кўзи сўқмоқда — изма-из тизилишганча келаётган подада... Бир боши кечувда-ку, кети кўринмас эди.

Бироқ «омонат»лари қўтондан қочганда атиги тўртта эди-ку? Табиатнинг кароматига қойил. У ўз кўзига ўзи ишонмайди. Муштуми билан кўзларини ишқаб-ишқаб юборади-да, яна тикилади. Тўртта...

— Иў-ўғей?!

Чиндан ҳам сўқмоқда тўртта архар унга тикилганча турар эди.

— Во-о-ой,— деди Қўчқор ётган жойидан қўзғалиб.— Бошқалари қани? Катта Ота, сой... ранг-баранг чағир тошлар?!

Лекин тиши тишига тегмай такирлар, қушлар чирқиллашар — тонг ёриша бошлаган эди. Қўчқор ҳушёр тортди.

Туш экан-да, улар? Аммо манави, кўз ўнгидагилар... Қўчқор бу ёққа қандай қилиб келиб қолганини ҳам бирдан эслади. Эслади-ю, арчазор томонга қўрқа-писа мўралаб қўйиб, қўлларини олдинга чўзганча архарларга аста яқинлаша бошлади. Шу пайт унинг вужудида икки-та Қўчқор олишар эди. Биттаси: «Нима қиласан тўхтатиб? Ҳайдасангчи, тоққа!» дея қистаса, бошқаси: «Пешонасини сила. Яна икки қадам... Тек турса танигани», дея қизиқтирар эди.

Қўчқор сесканди: орқадан оёқлар остида босилган қуруқ хашак шитири эшитилди.

— Ҳайт! — дея қайтармоқчи бўлди қўл силтаб.— Қур-эй!

Аммо шохдор архар ҳайиқмади. Шу аснода пақиллаб милтиқ отилди. Елкасига нимадор урилди. Қаршисидаги жонивор эса ҳуркиб кўкка сапчиди. Қўчқор беихтиёр елкасини ушлади. Панжасига илиқ бир нима тегди. Бундай қараса, қип-қизил... Лаҳзада ўнг қўлининг энги шалаббо бўлди. Бармоқлари орасидан қон сизиб оқарди. У фалокат юз берганини, ўқ ўзига текканини ҳис этиб, қўрққанидан дод солди:

— Отманглар!!!

Қўчқор гандираклаб йиқиляётганида икки кўзи дарада эди. Узоқда туёқлари ерга тегмай мовий туман ичида гўё сузиб борарди архарлар.

Барот Бойқобилов



# Умр Қадри

(СОНЕТЛАР СИЛСИЛАСИ)

Ҳисобли дунёдир бу дунё, дўстлар!

□  
Дунё боқий... Дунё соҳиби инсон —  
Умри бебаҳодир, оний лаҳзадир.  
Шафақдай ловиллаб ёнган лавҳадир,  
Сақлаб қолсам дейди дунёни омон.

То тирик, бошида эрур соябон,  
Қалбида ҳаётнинг ўти лаҳчадир.  
Дунёда гарчанд у нурли заррадир,  
Кафтини тутади қуласа осмон.

Гарчанд дунё боқий, умри бебаҳо —  
Инсоннинг қўлига у эрур муҳтож.  
Инсонсиз — хароба, мулкдир бенаво.

Дунё инсон билан топар бахт, ривож,  
Инсон ҳам дунёнинг бахтидан ризо,  
Дунё гар тахт бўлса, инсон эрур тож!

□  
Дунёнинг тагига етмаган ҳеч ким,  
Балки сен ҳам, мен ҳам етмасмиз,  
Лек дунёни ташлаб кетмасмиз,  
Ўз хоҳиши билан кетмаган ҳеч ким.

Ғанимига қилич тутмаган ҳеч ким,  
Балки сен ҳам, мен ҳам тутмасмиз.  
Таъзим-ла қошидан ўтмасмиз.  
Ғанимга бош эгиб ўтмаган ҳеч ким.

Май истаб, оғуни ичмаган ҳеч ким,  
Балки сен ҳам, мен ҳам ичмасмиз.  
Оғу деб, майдан лек кечмаган ҳеч ким.

Юртни ташлаб, ўзга юртга кўчмасмиз,  
Кеч деса, жондон ҳам кечамиз, дўстим  
Ва лекин Ватандан кечмасмиз.

□  
Ҳисобли дунёдир бу дунё, дўстлар,  
Бугун бериб, эрта қайтиб олади.  
Ё кеча берганин эсга солади,  
Ҳисобдан адашманг, сиз асло, дўстлар.

Инсофли дунёдир бу дунё, дўстлар,  
Биз кетиб, бир кўни ўзи қолади.  
Ўрнимиз навқирон насл олади.  
Сизлар ҳам инсофли бўлинг, о, дўстлар.

Имонли дунёдир, бу дунё, дўстлар,  
Улим олдида ҳам тонманг имондан.  
Тониб, ё бўлмангиз юз қаро, дўстлар.

Сиз умр қадрини сўранг замондан,  
Виждонли дунёдир бу дунё, дўстлар,  
Виждонсиз ўтмангиз ушбу даврондан!

□  
Мен башар боғига ташласам назар,  
Офтоб гардишини чулғамиш шафақ,  
Аждодлар қалбидай чўлғанмиш шафақ,  
Бағримга туташди келиб бу манзар.

Мен башар боғига ташласам назар,  
Лолазор гулхандек тўлғанмиш шафақ,  
Эркпарвар нидодан уйғонмиш шафақ,  
Бағримга туташди келиб бу манзар.

Кун ботди... Сўнди лек оловли шафақ,  
Истиқбол кўзида қолди шуъласи,  
Авлодлар орзуси кўриниб барҳақ.

Тонг отди... Кун билан ҳаёт туҳфаси —  
Тоғ бошига чиқди оловли шафақ,  
Янгради башарнинг Эрк ашуласи!

Тугилмоқ — тенг эрур кун чиқишига,  
Бу — инсон умрининг тенг отишидир,  
Мурғак жон кўзини илк очишидир,  
Инсон ҳайрон боқар дунё ишига.

Дунё парво қилмас ўз қилмишига:  
Ҳаётдан кўз юммоқ кун ботишидир,  
Дунёнинг заррадек йўқотишидир,  
Бу — фожеъ — арзимас ғам чекишига.

Кун чиқар, кун ботар — кори дунё бу.  
Бу ҳолат мангуға этади давом.  
Гоҳ шодлик, гоҳ ғолиб чиқади қайғу.

Кун ботса, тонг яна у берар салом,  
Лек башар қуёши ботса, қайтиб у  
Чиқмайди, умрга чўқар мангу шом.

Умри қадрлаб яшамоқ керак,  
Жавҳарин тариқдек сочмангиз бекор.  
Йилга тенг лаҳзаси ўтсин мазмундор,  
Бўлмасин гуручдан терилган курмак.

Яшамоқ ишқида ёнсин ҳар юрак,  
Ғанимат фурсатин бой берманг зинҳор.  
Муяссар бўлмагай тугилмоқ такрор,  
Бир берган умри қилмангиз эрмак.

Ешликда жиловин олмасдан қўлга,  
Кексайиб қолганда чекманг надомат.  
Умр оти қайтмас босилган йўлга.

Умрда ўлчовли ҳар кун, ҳар соат.  
Содиқ фарзанд бўлиб ижодкор элга,  
Яшамоқ ўзидир буюк саодат!

Соғлик туман бойлик, дейди халқимиз.  
Ёру дўст бахтига доим соғ бўлинг.  
Фарзандлар бошида турган тоғ бўлинг,  
Касал бўлмакка ҳеч йўқидир ҳаққимиз.

Юз йил умр кўрсак, дўстлар, ҳақлимиз,  
Бўронда ҳам ўчмас бир чароғ бўлинг,  
Ғам деган балога тиг-яроғ бўлинг,  
Шодлик шаробидан ёнсин қалбимиз.

Қайғудир азалдан умр эгови,  
Одам жони турар игна учида  
Мисли чўққидаги ҳаёт ялови.

Умр тобланади ҳаёт печида,  
Қордан олов ёқар келса қалови,  
Келмаса, дард бўлиб қолар ичида.

Умр ўткинчи, деб нолиманг, сира,  
Йилнинг мазмунига тенгдир лаҳзаси.  
Манглайга битилган олтин лавҳаси  
Ҳаёт тўфониди бўлмагай хира.

Ғанимат умри яшанг бокира,  
Бу — мушфиқ ҳаётнинг фирдавс равзаси.  
Зар билан безанмиш умр саҳфаси  
Келажак авлодга бўлсин хотира.

Умр — бу дунёда топилмас бир ганж,  
Бу ганжни эҳтиёт қилингиз токи,  
Бўлар-бўлмасга ҳеч қила кўрманг харж.

Умр шаробидан сун, бизга, соқий,  
Бир томчи қолдирмай ичайлик беранж,  
Дунё боқий экан, умр ҳам боқий!

Тез оқар дарёдай кунлар ўтмоқда,  
Умримиз сузмақда унда қайиқдай.  
Ё чўққида турган ҳуррак кийиқдай,  
Лип этиб, чақмоқли тунлар ўтмоқда.

Ҳар бир кун биздан шоҳ асар кутмоқда,  
Лаҳзалар — калондан отилган ўқдай.  
Яшаш соатларин ҳисоби йўқдай,  
Ҳаёт неъматларин бизга тутмоқда.

Баридан тутдирмас ғанимат онлар,  
Бургутлар осмонда ўлгандай, афсус,  
Қолмоқда, қогозга тушмай дostonлар.

Киприги тушгани: билмагандай кўз,  
Вақт ўтар, ўкинчдан ёнмоқда жонлар,  
Оқланмай қолмоқда эл берган нон-туз!

Умрда тенг эмас кунлар мазмуни:  
Баҳор тошиб, кузда тинар дарё ҳам.  
Гоҳ яшнаб, гоҳ хазон боқар дунё ҳам.  
Ой ҳам гоҳ ёғду, гоҳ зулмат тутқуни.

Умрда тенг эмас кунлар мазмуни:  
Гоҳ тўқ, гоҳ пуч мағиз ҳатто бошоқ ҳам.  
Гоҳ порлаб, гоҳ сўник ёнар чироқ ҳам.  
Одам ҳам гоҳ шодлик, гоҳ ғам тутқуни.

Умрда тенг бўлса кунлар мазмуни:  
Дарё тошқинлардан бўлса иборат,  
Ё дунё хазонлар эрса тутқуни,

Ой қаро тунлардан берса башорат,  
Умрининг қолмасди балки мазмуни,  
Инсон ҳам қурмасди нақшин иморат!

Инсон умри — ғаройиб ҳикмат:  
Ешликда куч сиғмас билакка,  
Имкон торлик қилар тилакка,  
Жумбоқ бўлиб кўринар ҳаёт.

Инсон умри — ғаройиб ҳикмат:  
Кексайса, куч етмас билакка.  
Имкон кенгдир орзу-тилакка.  
Жаннат бўлиб кўринар ҳаёт.

Инсон умри — ғаройиб ҳикмат:  
Ешликда қалб сиғмас кўкракка.  
Дунё мағзин чақолмас фикрат.

Кексайса, қалб жўшмас кўкракда,  
Дунё бўлар гўё бир хилқат,  
Фикрат ҳам куч бермас билакка!

Умр ўтиб борар шамолдай бенз,  
Мен унинг баридан туттолмай доғман,  
Бебаҳо қадрига етолмай доғман,  
Умр ўтиб борар шамолдай бенз.

Умр ўтиб борар шамолдай бенз.  
Мангулик бир асар битолмай доғман,  
Юрак амрин бажо этолмай доғман,  
Умр ўтиб борар шамолдай бенз.

Умр — шамол эмас, мангулик қудрат,  
Мангулик саодат экани билсам,  
Ҳар лаҳза умримни яшардим шиддат.

Нетай, кеч англадим, дил тўла алам,  
Олтин ёшлик энди қайтмас бир мўддат,  
Надомат чекмасам қариганда ҳам!



Умрда ҳар нафс азиз, бебаҳо,  
Мангулик тожига даъвогар оилар.  
Томирда яшиндек югурар қонлар,  
Бағримиз гўёки чақмоқли само.

Қалбимиз — қуёшдек ҳаётбахш, танҳо.  
Қуёшдек унга ёт осуда оилар.  
Баҳра топар қалбдан ҳужайра — жонлар,  
Қуёшдан кулгандек Ер бирла Само.

Шукуфта айласа ҳаёт зилоли  
Умр гулшанига қўнмас ҳазонлар,  
Маъсум балқиб тургай кўнда ҳилоли.

Инжу сочиб кезгай абри найсонлар,  
Эсмасин гулшанда ғусса шамоли,  
Яшаш саодатин англагил, инсонлар.

## Бир кун ишлан мағрур бошлар ҳам...

Дунёнинг ишлари ўйлатар мени:  
Кимни болаликдан қисмат эркалар,  
Кимни болаликдан қисмат зор қилар,  
Лек бир хил тугайди умр якуни.

Дунёнинг ишлари ўйлатар мени:  
Кимни қариганда қисмат қадрлар,  
Кимни қариганда қисмат хор қилар,  
Лек бир хил тугайди умр якуни.

Дунёнинг ишлари ўйлатар мени:  
Кимдир отда юрар, кимдир пиёда,  
Ким шуҳрат, ким эса бойлик мафтунни.

Ким соғлом, ким ночор — дарди зиёда,  
Ким шодлик боғида, ким ғам тутқуни...  
Уйимга етолмай доғман дунёда!

Кўзларда ҳаётнинг чироғи ёнар,  
У порлаб туради қорачиғлардан.  
Анор донасидек зарра чўғлардан  
Умр машъаласи алангаланар.

Кўзларда ҳаётнинг чироғи ёнар,  
У сўнмас, бошига келган тиглардан.  
Нурланиб, тилакдош қорачиғлардан  
Умр машъаласи алангаланар.

Сўнмасин, умрнинг бу машъаласи,  
Ва ҳаёт чироғи порласин, ёнсин,  
Қалб уйин ёритсин нурли толаси.

Бахтиёр ҳаётнинг меҳрига қонсин,  
Дунёдан шод ўтсин Олам боласи,  
Бу чироқ нуридан тонглар уйғонсин!

Икки зот қисмати рўҳимни эзар:  
Бири — тиригида топмади қадр.  
Бири — ўлигида бўлди беқадр,  
Бу — ҳаёт дарсида қанақа ҳунар!

Бири бу ҳаётда кўп кўрди жабр,  
Сабрдан боғлади белига қамар.  
Бири урди шуҳрат отига эгар,  
Ёшлиқдан тожни у кўтди бесабр.

Бизнинг умримизнинг вориси бўлиб,  
Қолган умримизни фарзандлар яшар,  
Биз ошмаган тоғдан фарзандлар ошар,  
Юрар, кўчаларни биздек тўлдириб.

Юртимиз бошида қуёшдек кулиб,  
Бизлар ҳавас қилган боғдан гул узар.  
Оталик номимиз шон билан безар,  
Чехрасидан турар ёғду тўкилиб.

Дўстимиз фарзанди билан дўстлашар,  
Душманлар фарзанди дўст бўлмас асло.  
Бизнингмас, ўзининг ақли-ла яшар.

Кўзида ёш билан, йўқ, кулмас асло,  
Ғоямизга содиқ қолур фарзандлар,  
Номимиз мангудир, йўқ, ўлмас асло!

Бу ҳаёт қанчалик одил, бешафқат,  
Бирисин дард билан кўзи юмилди.  
Бирини қабрга кузатди шуҳрат.

Бири тортган жабр лек унутилди,  
Эъозлаб, номини ёд этди ҳаёт.  
Бири шуҳрат билан бирга кўмилди.

Уйнашма инсоннинг қисмати билан,  
Қўлингда бўлмасин ўйинчоқ.  
У инсон, эмасдир қўғирчоқ,  
Суюқдир инсон ўз хислати билан.

Уйнашма инсоннинг қисмати билан,  
Тебратма мисоли арғимчоқ.  
Сен учун у бўлмас арғумоқ,  
Буюқдир инсон ўз ҳикмати билан.

Қаҳ-қаҳ уриб кулма инсон устидан.  
Қўйнингга тўлдирма пуч ёнғоқ,  
Ўзинг ҳам яралган инсон пуштидан.

Ўзлигинг унутма, кел, бир боқ,  
Одам боласи бўл, сен ҳам, дўстгинам,  
Сўнг бўлар ўзингга яхшироқ.

Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил,  
Инсонлик унвони барча учун тенг.  
Одамлар тўн бўлса, сен бўл унга енг,  
Ўзгани осмону ўзингни ер бил.

Еши улўғларни ўзингга пир бил.  
Кичикни кўрганда бағринг очгин кенг,  
Тарикдек бўлса-да юзни безар менг.  
Биров айтган гапни сайрама, сир бил.

Манманлик тоғига қадам қўйма ҳеч,  
Бу тоғда омонат турар тошлар ҳам.  
Қулсанг, суяшга бўлиб қолар кеч.

Бир кун ишлан мағрур бошлар ҳам,  
Эгилган бошни лек кесмаган қилич,  
Одамлар ёнидан жой берган, укам!

Мағрурлик — асов от, эгар урма, қўй.  
Оёқ босма, пўлат узангисига.

Одат қил, камтарлик қирчангисига,  
Катта йўлдан уни четга бурма, қўй.

Қум устида, дўстим, бино қурма, қўй,  
Қулоқ сол, ҳаётнинг янгроқ сасига.  
Маст бўлма, шухратга — зира исига,  
Ердан оёқ узиб, кўкда юрма, қўй.

Бу — ҳаёт! Эл билан бир дарёда оқ,  
Пўкакдэй отмасин сени қирғоққа.  
Қаро тунда излаб юрмагин чироқ.

Асов от минганлар бормас узоққа,  
Ҳокисор кимсалар бахтидир порлоқ,  
Доно инсон бино қурмас қумлоққа!

Биродар, сен кеча эдинг пиёда,  
Бугун эса отга минибсан,  
Зар эгарда шод ўлтирибсан,  
Кам бўлма, толеинг кулсин дунёда.

Отлиқлар кам элда, кўпдир пиёда,  
Ўтирган жойингда унибсан.  
Шарафли чўққиға кўнибсан,  
Бир отлиқ кўпаймиш яна дунёда.

Сен учиб юрибсан бугун самода,  
Юлдузлар тоқиға қўй қадам,  
Лек бино қўймагин ҳаддан зиёда.

Бу дунё барчага хушқарам:  
Отлиқлар иши тез битар дунёда,  
Сен унутма пиёдани ҳам.

Мевали дарахтга тош отар,  
Тошлардан бутонинг синмасин.  
Шоҳингга қалхатлар кўнмасин,  
Қисматинг ўйласам, бош қотар.

Кўзимда кўрғошин ёш қотар,  
Майли, тош отганлар тинмасин,  
Мевангни еб туриб, тиглансин,  
Бошингда бир куни тонг отар.

Вале тонг отгунча, отиб тош,  
Тутундек ўрлатса оҳларинг  
Дардингга бўлгандек қайғудош,

Хазондек ёнса гар боғларинг,  
Сен бўлиб ўртада жон талош,  
Қирқишиб кетмасин шоҳларинг.

Қадам қўйма, гуноҳ тиканзорига,  
Савоб гулшанида сайр қил, инсон.  
Эзгулик тоғига тайр<sup>1</sup> қил, инсон,  
Лек кўнма, қоялар музу қорига.

Эрк берма қабиҳлар шум қарорига,  
Муруват дурини хайр қил, инсон.  
Қисмат китобини таҳрир қил, инсон,  
Юз тутма, ёмонлар чанг, ғуборига.

Шод бўлсанг, дарёдек тошма қирғоқдан,  
Жилгадек қурима ғам чексанг, инсон.  
Малҳам топ, эл деган тоза булоқдан.

Ҳамдард бўл, инсонга жон тиксанг, инсон,  
Ризқу рўзинг изла она тупроқдан,  
Заминга таъзим қил, дон эксанг, инсон!

<sup>1</sup> Тайр — парвоз.

Ўзни баланд тутма, эл билан тенг кўр,  
Эл улкан дарёдир, оқади равон.  
Равон дарёда ҳеч ғарқ бўлмас инсон,  
Лек англа, эл сен-ла эмасдир тенгқур.

Эл неки буюрса, белни боғлаб тур,  
Узоқни кўзлаган ул толмас қарвон.  
Қарвоннинг кўнглида кўпдир дард, армон,  
Эл билан яшасанг, эл ҳолини сўр.

Камтар бўл ва лекин бўлма ҳокисор,  
Димоғдор кимсалар туртиб ўтмасин  
Ва ортда судралиб юрма беозор.

Майли олдда сенга гуллар тутмасин,  
Эл билан баробар қадам ташлаб бор,  
Сен қолиб, ўзгалар ўтиб кетмасин.

Ҳаёт йўли баланд-пастдир равон эмасдир,  
Гоҳ гулзор, гоҳ тиканзор учраб туради.  
Гоҳ яхшилик, гоҳ ёмонлик даврон суради.  
Бу йўлдан пок ўтмак ўзи осон эмасдир.

Шодлик билан ғам ҳамдамдир, хандон  
эмасдир,

Яхшига ёндашсанг, ёмон жавлон уради.  
Излаб фитна наштарини пайинг қирқади.  
Нопокликдан ҳаёт гирён, шодмон эмасдир.

Бири қирқ кун салом берса, ичиб тузингни,  
Бири эса тупуради тузлуғингга лек.  
Эл олдида қаратади ерга юзингни.

Бири этса эгик қаддинг чинор каби тик,  
Кўр қилади бириси чўп тикиб кўзингни,  
Чунки ҳали инсон отлик илонлар бор —  
югуриқ!

Эй Инсон, раҳм қил қушлар жонига,  
Қозқиға осилган милтигинг олма.  
Ўқдонига ажал ўқини солма,  
Ўт қўйма жонзотлар хонумонига.

Қотиллик чоҳининг келма ёнига,  
Милтигинг бемаврид елкангга осма.  
Қўлингга эрк бериб, тепкини босма,  
Қўй, ерни бўяма, қушлар қонига.

Тўкилгани етар одамлар қони,  
Қўрғошинлар берар қалбига озор,  
Сенда бордир, ахир, инсон имони.

Ўқ узиб, қақшатма табиатни зор,  
Ларзага тушмасин тоғларнинг жони,  
Қушлар қурсин, майли, ўлкамда бозор!

Бировга ёмонлик қилма, эй инсон,  
Сен — иснод бўлмагин инсон номига.  
Сен — заҳар солмагин инсон жомига,  
Ҳасад кечасида тупурмагин қон.

Бу ёруғ дунёдан ўтма беимон,  
Ўзингни отмагин фитна қомига.  
Қалбингни ташлама қасос домига,  
Адоват даштида кўтарма тўзон.

Тикандан тўқима тўшагинг зинҳор,  
Тилингдан заҳармас, томсин шакар, бол.  
Сени кўрган кимса демасин маккор.

Сен учун фарзандинг топмасин завол,  
Отам шу демакка у қилмасин ор,  
Сен, ахир, инсонсан, эмасан дажжол!

# Хотирамиз мангу олови



Хотирамиз мангу олови —  
Қоғозларда ёнган шеърият.  
Қоғозларда қолган шеърият —  
Хотирамиз мангу олови.

Хотирамиз мангу олови —  
Шеъриятдек қутлуғ ҳуррият.  
Ҳурриятга туг ғолибият —  
Хотирамиз мангу олови.

Наслимизга етар барқ бўлиб,  
Хотирамиз мангу олови,  
Кундай ёнар нурга ғарқ бўлиб,

Хотирамиз мангу олови,  
Садо берар озод Шарқ бўлиб,  
Хотирамиз мангу олови!

Шеърият — бу сирли кинот:  
Башарий орзулар макони,  
Оташди армонлар фиғони,  
Чақмоқдек чақнаган хаёлот.

Шеърият — бу сўнгсиз самовот:  
Шуълалли юлдузлар осмони,  
Ой билан қуёшнинг бўстони,  
Табарруқ тупроққа муножот.

Шеърият — бу замон имони:  
Инсофга чорловчи диёнат,  
Бу — жасур юраклар исёни!

Шеърият — бу зафар, талофот,  
Фикрату туйғулар уммони,  
Бу — шоир излаган саодат!



Эй навқирон шоирлар, биздан бўлинг жасурроқ,  
Узни намоеън этинг, даврон келган чоғида.  
Қолиб кетманг бир умр сиз шогирдлик боғида  
Вақтни ўтказиб зое, надомат чекманг бироқ.

Қалби ўтли шоирлар чироғи ёнар порлоқ,  
Мангу яшар халқимиз кўзию қароғида.  
Майли мангулик истаб, бу ҳаётнинг боғида  
Машъаладек ёнсангиз бўлур ана яхшироқ.

Ёнмай туриб, ўзгани ёндираман, демангиз,  
Бир умр тутаб ёнмай, бир бор ёнинг лов этиб.  
Ҳамид Олимжон бўлиб, майли барқдек сўнсангиз.

Устозлардан ўтингиз юрагингиз дов этиб,  
Бир қутлуғ тонгда агар чўққиларга кўнсангиз,  
Бошда тутар авлодлар қалбингиз ялов этиб!



Устозларни эъзозлаб, толедан бўлиб шод,  
Айтган доно ўгитин шаксиз келтириб бажо,  
Баъзи ножўя ишни ўзига кўрмай раво,  
Устозлар соясида юрар бугун бир авлод.

Устозларга айлашиб ҳурмат қасрини бунёд,  
Шогирдлик чизигидан бир қадам чиқмай асло,  
Одоб бирла бош эгиб, бўлишар деб раҳнамо,  
Устозлар соясида юрар бугун бир авлод.

Бу — менинг авлодимдир, қирқдан ошмиш ёшлари,  
Тоғни талқон қилгудек кучи бор билагида.  
Шеър заҳматин чекиб лек эгилгандир бошлари.

Сояпарвар бўлмайлик арғувонлар тағида,  
Кўксимизга тегсин деб, офтобнинг оташлари,  
Дунёнинг дарди ёнар ўт бўлиб юрагида!



Умримни сонетга бахш этдим  
Ва унга бердим мен боримни.  
Сонетда янграгандим торимни,  
Қалбимга куйини нақш этдим.

Умримни сонетга бахш этдим  
Ва унга айтдим мен зоримни.

Ҳижронда ёндирмай ёримни,  
Қалбимга ишқини нақш этдим.

Ишқ аро мен сонет мулкига  
Или қадам кўйган бир ўзбекман,  
Калитин топанман қулфига.

Ўзбекман, ўзимга мен бекман,  
Кирсам-да Петрарка мулкига,  
Петрарка эмасман, ўзликман!

Утли жабҳаларга отдим ўзимни,  
Илҳомбахш шуълага кўксимни тутдим,  
Қалбимда ҳаётбахш ўт олиб ўтдим,  
Истиқбол уфқиға тикдим кўзимни.

Ёғдуга йўғирдим юрак сўзимни,  
Саодат боғида ғамни унутдим,  
Инсон боласидан яхши сўз кутдим,  
Ерга қаратмади дўстлар юзимни.

Яхшилик — умримга бўлди зар шиор,  
Ҳаёт денгизидан дурлар қидирдим.  
Инсонлар — шуурим этди шуъладор.

Устозлар ўғитин олтин деб билдим,  
Келажак наслимга боқдим умидвор  
Ва тунлар Шейрият майин смирдим!

Умрим маним баланд тоғ эрур.  
Ҳар йил ундан битта тош кулар.  
Ҳар йил ундан битта гул сўлар,  
Умрим маним чаман боғ эрур.

Қайноқ умрим минг булоқ эрур,  
Ҳар йил ундан бир булоқ тинар.  
Ҳар йил ундан бир бутоқ синар.  
Чинор умрим сербутоқ эрур.

Умрим ёнар бир чироқсимон,  
Қаро диллар ундан бўлур оқ,  
Оқ кўнгиллар кулади хандон.

Тоғ ҳам кулар, қуригай ирмоқ,  
Чинор синар, боғ бўлар хазон,  
Учмас, умрим чироғи бироқ!

Юз йил яшамокни қилмайман ҳавас,  
Маҳзунли кексалик менга не керак,  
Қувончдан анордек ёрилсин юрак,  
Ҳар куним — бир тўйиб олинган нафас!

Мен шеърни ҳаётда билмадим эрмак,  
Сўзимга кўксимни қилмадим қафас.  
Инсоний қадримни билдим муқаддас,  
Шоирман деб аммо кермадим кўкрак.

Элу юрт камоли, бахтин ўйладим,  
Бир умр ёнди қалб сифмайни танга,  
Самандар сингари ўтда куймадим.

Жон фидо бўлсин деб она — Ватанга,  
Бор овоз билан мен бахтим куйладим,  
Ёниб ўтсам дейман мисли аланга!

Ўткинчи шухратга сажда қилмадим,  
Ўткинчи умрдан чекмадим афсус.  
Қадримга яраша кўрдиму нуфуз,  
Ўткинчи амалга парво қилмадим.

Яшашни шунчаки эрмак билмадим,  
Олий мақсад бўлди йўлимга юлдуз.  
Куррашга чорлади дилдан чиққан сўз,  
Оловли жабҳага отилди қалбим.

Иродам пўлатдек ўтда тобланди,  
Меҳнат билан ўтди ҳар оним менинг,  
Кўзимда шижоват чароғи ёнди.

Пок йўлга бошлади имоним менинг,  
Ижод завқи билан қалбим ўтланди,  
Кафтида кўтарди замоним менинг.

Эй ҳаёт, ўтинчим, элдан айирма,  
Ғурбат кечасида тонгни кутмайин,  
Яккалик даштида сувсиз ўтмайин,  
Қуш бўлсам, қанотим зинҳор қайирма.

Дуч келган кимсага мени койитма,  
Ётларга тиз чўкиб, шароб тутмайин.  
Пишиб этилганда, балки тутдайин  
Ўтмас қайчи билан шохим кестирма.

Оғзининг таноби йўқ кимсаларга  
Номимни сақичдек чайнатма, ҳаёт.  
Қисматим солмагин минг хил ҳунарга.

Ғийбат қозонида қайнатма, ҳаёт,  
Сотмадим имоним мен сийму зарга,  
Нажотсиз тўтидек сайратма, ҳаёт!

Қўлларим — бу менинг қанотларим,  
То тирикман, шай эрур парвозга.  
Дор устида лангардир дарбозга,  
Қўлларим — бу менинг саботларим.

Қўлларим — бу қалб муножотларим,  
Қалам билан роз айтар қоғозга.  
Бармоқлари чертади шўх созга,  
Қўлларим — бу субҳидам баётларим.

Қўлларим — бу менинг ҳаётларим,  
Бир дарёдан таралган ирмоқлар.  
Толан ҳур қойдош музофотларим.

Қўлларим — бу меҳнаткаш бармоқлар,  
Она ерга фарзандлик нажотларим  
Ва унда дон бўлиб ўсган бошоқлар!

Жавоҳирим эрур бешумор —  
Қалбим, безар умрим борича.  
Токи, кўзда нурим борича,  
Жондек асраб, сочурман шарор.

Шу аҳдимда туриб устивор  
Сарф этурман умрим борича.  
Токи, қалбда меҳрим борича,  
Мен халқимга этурман нисор.

Бу дунёда умр деган зар  
Бир ялт этиб сўнган чақмоқдир,  
Шуъласидан олам ёришар.

Зар қадрига етдим, дил оқдир,  
Умр қасрин шеър дури безар,  
Қалбим гавҳар тўла булоқдир.

Бу дунёдан биз ҳам бир кун кетамиз,  
Кетимиздан йиғлаб қолар Шейрият.  
Қаламимиз қўлга олар Шейрият,  
Биз эса армон-ла беун кетамиз.

Қайтиб келмас бўлиб бир тун кетамиз,  
Қалбимизни олиб қолар Шейрият,  
Руҳимиздан мадад олар Шейрият,  
Энг сўнги манзилга бутун кетамиз.

Бизлардан шеър билан ёдгор қолажак  
Элу юртга сўнмас муҳаббатимиз,  
Авлодлар қалбига машъал бўлажак.

Тиллардан қўшиқдек тушмас отимиз,  
Бизларни унутмас порлоқ келажак,  
Унутмас жанговар Шейриятимиз!

# Тинчликдир инсоннинг азал орзуси...



Тинчликдир инсоннинг азал орзуси,  
Бу орзу инсонга тенгдир жон билан.  
Ҳимоя қилинган қутлуғ қон билан.  
Тинчликдир инсоннинг гўзал орзуси.

Тинчликдир инсоннинг азал орзуси,  
Бу орзу — пайвастдир қалб, имон билан.  
То абад ҳамдастдир шараф-шон билан.  
Тинчликдир инсоннинг гўзал орзуси.

Бу орзу туташдир Ватан жонига,  
Ватан юрагига мангу пайванддир.  
Сут билан киргандир инсон қонига.

Чин инсон Ватанга содиқ фарзанддир,  
Қисмати туташдир хонумонига —  
Бу — Москва, бу — Тошкент, бу  
Самарқанддир!



Уруш қурбонлари тирикдай ҳамон  
Тириклар қалбида дард бўлиб яшар.  
Бу дардга ворислар жони туташар  
Асрлар занжирин ҳалқасисимон.

Қурбонлар руҳига келтириб имон,  
Қабрига эътиқод шамин ёқишар.  
Мармар лавҳаларга маҳзун боқишар  
Чақмоқлар бағрида қолгандай осмон.

Остин-устун бўлар гўё самовот,  
Қуёш юзин тўсар қора булутлар,  
Гўё жанг қилади: «Ҳаёт ё мамот!»

Қуёш салют бериб борлиқни қутлар,  
Семурғ қуш жонидай ўлмас хотирот  
Юксак чўққисига қўнар бургутлар!



Отам боғбон эди — қўли гул боғбон,  
Ёдгор бўлиб қолди Ургут боғлари.  
Боғларга пайваста Ургут тоғлари  
Отам қабри узра энди соябон.

Отам покдил эди, эди покдомон,  
Умрига кўрк эди Ургут боғлари.  
Отамдек алп қомат Ургут тоғлари  
Ёдгор боғларига энди соябон.

Отамнинг кўп эди дўст, ўртоқлари,  
Ешлик чоғларидан эди қадрдон,  
Бир-бир сўнди аммо қалб чироқлари,

Устун бўлмас экан дунёга инсон!  
Дунё қадао боқий Ургут тоғлари  
Отамдек бошимда энди соябон!



Самарқандга наврўз келса — яшарса олам,  
Келинчақдай безанса шод Кўҳак домони,  
Отам пойин ўпар эди расад остони,  
Улуғбекнинг руҳин тутиб азиз, мукаррам.

Отам билан зиналарга мен қўйсам қадам,  
Руҳим маънос этар эди олим армони,  
Кўк тоқига тугун янглиғ чиқмиш фиғони,  
Гўё титроқ солган эди юлдузларга ҳам.

Биллур шамлар сўнмиш абад расадхонада,  
Мунажожимнинг изларига қўнмиш чанг,  
Тўзон.

Руҳи гўё учиб юрмиш бу айронада.

Хиёбонда ўйга толмиш олими даврон,  
Қалби — ернинг йўлдошидай учар фазода,  
Заминдан нур сочар унга «Зижи Кўрагон».



Бу маскан фарзанд, деб ўтмиш пешонанг,  
Сен ташвиш солмагин бошида зинҳор.  
Бош эгиб, бир умр бўлгин хизматкор,  
У сенинг отангдир, у — сенинг онанг.

У — дунёда қадам қўйган остонанг,  
Тиз чўкиб, пойини ўпгин миннатдор,  
Кўзига энё бўл, қўндирма ғубор.  
У — сенинг кулбангу олтин кошонанг.

Сен унга ҳамдард бўл: тўй, азасида,  
У, ахир, яратмиш саодатингни  
Ва яшар танингни ҳужайрасида.

Ғам туни машъал эт садоқатингни,  
Туз ҳаққи, таъзим қил ҳар нафасида.  
Ўзбексан, ҳурмат қил урф-одатингни.



Қаро этмай дея эл олдида юзингни,  
Ғуноҳли йўлларга қўймадим асло қадам.  
Пок ҳаёт боғида ичганим эзгу қасам,  
Ерга қаратмади эл олдида кўзингни.

Садоқат боғида оқладим ҳар сўзингни,  
Энг мушкул кунларда дардингга бўлдим  
ҳамдам,

Энг бахтли кунларда шодлигинг кўрдим  
бахам,

Исмингни пок сақлаб, оқладим  
нон-тузингни.

Виждон ғамри билан айтганинг этдим адо.  
Эътиқод шамини порлатдинг қилиб  
машъал.

Ҳақиқат тоғида имоним берди садо.

Бир содиқ ўғлингдай берарман сенга  
сайқал,

Кўз юммай боқурман ҳуснингга бўлиб  
шайдо,

Шеър билан, эй Ватан, берарман сенга  
зарҳал!



Зар сочувчи дарё дерлар Зарафшонни,  
Зарли ҳикмат тилсимлари бу дарёдадир.  
Бахт бергувчи дунё дерлар Зарафшонни,  
Бахтли давлат хазинаси бу дунёдадир.

Шарафларга буркаб юрти жовидонни,  
Қумдан сийму зар топганлар бу  
маъводадир.

Бунёд этиб чўлда шаҳри Зарафшонни,  
Дунёга жар солмаганлар бу дунёдадир.

Бу дилбар юрт жамолидан — дилда  
ҳайрат,

Мен туғилган гўзал чама: бу маъводадир.  
Жўмард элим камолидан — тилда ҳайрат.

Илҳомининг булоқлари бу дийрдадир,  
Менга нон-туз берган буюх элдо ҳайрат.  
Жаннат асли Самарқанду Бухородадир.

# Ҳар тоғнинг ўз бургути бўлсин!..



Зарафшон заридек завқ, шуқуҳимни  
Ҳазарга сочдим Кавказга ўтдим,  
Дилафрўз сайрда шеърни унутдим,  
Беором этса-да илҳом руҳимни.

Казбек нигоҳида кўрдим тилсимни,  
Дарьялга ёлвориб кўмак ўтиндим,  
Эльбрус, Машуққа кўзимни тутдим,  
Ўт бўлиб ёндирди бир шеър кўксимни.

Бештов доманида кезганда мафтун  
«Халқа — тоғ» мозийдан сўйлади ашъор,  
Гоҳ шароб айлади кўнглимни мажнун.

Бу сайри дилқушо қолмас бесамар,  
Кавказ йўлларида кечган неча кун —  
Умрим шодасида: тўкилган гавҳар!



Сеҳргар тор чертар созанда шамол  
Ва Эоль арфаси янграб дилнавоз,  
Чўққидан чўққига куй қилар парвоз,  
Издан термулар армонда шамол.

Машқини этмагэй ҳеч қанда шамол,  
Насими тегсами ўйнар олтин соз,  
Куну тун беором кимга сўйлар роз,  
Саргашта бу чархи кўҳанда шамол!

Арфага парвона арзанда шамол,  
Куй билан Машуқни айлаб сарафроз,  
Кўнгил қулфин очар чаманда шамол.

Эоль таронаси дилларга ҳамроз,  
Шунча сирлими бу масканда шамол,  
Турфа оҳангларга жўровоз Кавказ!



Кавказ кўрки — икки бошли Эльбрус,  
Салтанатнинг мангулик тулпорнда,  
Бир буюклик рамзи бор виқорнда,  
Казбекка тенг миллион ёшли Эльбрус.

Мағрур боқар ўт қарашли Эльбрус,  
Нигоҳ тинар чўққилар муз-қорнда,  
Хаёл сўнар булутлар губорнда,  
Кун тигидан кўзи ёшли Эльбрус.

Яшил олам мавжланар канорнда,  
Юксақларда чақмоқ тошли Эльбрус,  
Савлат тўкар самовот диёрида.

Бағри абад чўғ-оташли Эльбрус,  
Дорилмомон Кавказнинг анворида  
Довруқ солар икки бошли Эльбрус.



Лермонтов уйдан аримас қадам,  
Бу ерда учрашар турли тақдирлар,  
Шоирни ёд этар турли тақдирлар,  
Шъънига ёғилар лутф ила карам.

Бу уйга талпинар бутун бир олам,  
Ерга ошиққандай офтобдан нурлар,

Қалбга интилгандай китобдан шеърлар,  
Бу уйда роз айтар юрак ва қалам.

Шеърлараст инсонга шоир муқаррам,  
Ул берар қалбига шеър билан сайқал,  
Шуурин нурлатар шоир ёққан шам.

Ой кўкдан сочаркан оламга зарҳал,  
Авлодлар қалбида яшайди кўркам,  
Лермонтов сўз билан яратган ҳайкал!



Ургутим, сен билан тақдирим туташ,  
Шеър бўлиб янграган овозим сенсан,  
Эл аро бургутдек парвозим сенсан,  
Нечунким номинг ҳам бургутга уйқаш.

Менга зўр саодат сени олқишлаш,  
Оламга бергусиз шўх созим сенсан,  
Халқимга сўйлаган дил розим сенсан,  
Сен бахтим кўкида балқиган қуёш.

Толем безаган бир юлдузсимон  
Севинчим, дард-ғамим, қиш-ёзим сенсан,  
Эй қутлуғ меҳробим, эй ота макон!

Соғинчли тунларда ҳамрозим сенсан,  
Бир содиқ ўғлингдек келтирсам имон;  
Шифобахш Қриму Кавказим сенсан!



Жонгинам, Кавказнинг тоғлари баланд,  
Баланд тоғда учар бургут ҳам юксақ,  
Казбек ё Эльбрусга биз қадам қўйсақ,  
Кўзларга кўринар балки Самарқанд.

Она шахримизга бўлиб орзуманд,  
Соғинч гулшанида сайр этар юрак,  
Юрт васлидан ўзга бизга не керак,  
Кавказ ҳам чиройда Ургутга монанд.

Ургут бургутин ҳам парвози баланд,  
Ул ўзга тоғларда сайрини қўйсин,  
Ўз элига бўлсин содиқ бир фарзанд.

Кавказнинг бургути — Расул ва Қайсин  
Казбек, Эльбрусга жон этмиш пайванд,  
Ҳар тоғнинг ўзининг бургути бўлсин!



Шифобахш сувлардан дардига нажот  
Излаган кимсалар меҳроби — Кавказ,  
Беором юраклар меҳвари — Кавказ,  
Кавказдан одамлар излар фароғат.

Бу тоғли диёрдан завқ олар ҳаёт,  
Юлдузли тунларнинг моҳтоби — Кавказ,  
Фараҳли кунларнинг офтоби — Кавказ,  
Кавказдан муножот тинглар коинот.

Кавказ ҳавосини қўмсар — тирик жон,  
Дилафрўз чашмалар суҳроби — Кавказ,  
Кавказдан фароғат топар ҳар инсон.

Илҳомбахш давроннинг хитоби — Кавказ!  
Кавказдан қон олар қалбига дoston,  
Шеърятнинг мангу китоби — Кавказ!



# Жаҳоқомида

(Бухоро фарзандлари)

1

**Х**а, уруш онани боладан, болани отадан чинакамига жудо қилган, ҳамма-ҳамманинг орзу умидларини пучга чиқариб юборган эди. Иброҳим хизмат қилаётган бомбардимончи авиополк лочинлари тунни тунга, кунни кунга улаб жанг қилишар, душмanning жонли кучларига талафот етказишар, темир йўл станцияларини, дарё ва йўл кўприкларини, душман қўлига тушиш эҳтимоли бўлган завод ва фабрикаларни, омборларни портлатиб, унинг олға силжишига халақит берар, баъзан тўхтатиб қўйишга ҳам муваффақ бўлишар эди. Шунга қарамай, фашистлар жон-жаҳдлари билан кенг фронт бўйлаб олға интилишар, улар бир томонда Ленинградни ўрар, иккинчи томондан Москва остонасига етиб, Сталинградга қараб силжимоқда эдилар. Иброҳим ўз жангчилари билан Москва остоналарига яқинлашиб қолган душман қўшилмаларини бомбардимон қилар, жанг майдони кундан-кун темир-терсак гўристонига айланиб борар эди. Жангчиларимиз олдида эса «Е ҳаёт, ё мамот» деган шиор кўндаланг бўлиб турарди. Иброҳим ҳам, унинг жанговар дўстлари ҳам худди ана шу шиор билан жанг қилишарди.

Иброҳим тунги жангларнинг биридан қайтганида, уни полк командири Валерий Самсонов ўз ҳузурига чақиртирди.

Уруш шароитига мослаб ниқобланган хона ичида полк командиридан ташқари, яна икки киши ўтирарди. Уларнинг бири Ибро-

<sup>1</sup> Қиссадан боблар.

ҳимга таниш бўлмаган, капитан унвонидаги барвастигина қора қошли киши эди. Унинг ёнида фашист офицери — обер-лейтенант мундирида қотмадан келган, новчагина малла киши ҳам бор эди. Командир, афтидан, қўлга олинган асирни сўроқ қилаётгандек эди. Шундай бўлса ҳам, Иброҳим полк командири ёнига келиб, честь берди ва чақирилганлигини эслатди. Командир унинг рапортини қабул қилиб, ўтириш учун стул кўрсатди.

— Фашистларнинг роса адабини берибсиз деб эшитдим! — Табриклар учун қўл узатди қора қошли офицер ва қўшиб қўйди: — Капитан Янковский.

— Полковник Фарсай, — дея даст туриб қўл берди Иброҳим. Янковскийдан сўнг фашист мундиридаги киши ҳам: «Обер-лейтенант Карл Лангет», деб қўл узатди. Аммо унинг қўли ҳавода қолди.

— Ўзи шу етмай турувди! — деди тўнглик билан Иброҳим. Унинг бу қилиғидан Самсонов ҳам, Янковский ҳам хахолаб кулиб юборишди. Кейин Самсонов дарров изоҳ берди:

— Кўрқма, сўрашавер. Сирти бошқа бўлса ҳам, ичи ўзимизники. Иброҳим ўзини ноқулай сезиб: «Синамагани сийламас», дегандай қўл узатди. Обер-лейтенант Иброҳимнинг қўлини қўйиб юбормай: «Анча асов экансиз, немислар шунақасини ёқтиради», деди рус тилида. Иброҳим ажабланган бир ҳолатда жойига ўтирди. Сўзни капитан Янковский илиб кетди:

— Сизларни таништириб ўтирмайман. Ўзларингиз йўлда танишиб оласизлар. Аммо сизга бир-икки саволим бор, қани, айтинг-чи, мана бу суратни танийсизми?

У Иброҳимга сурат узатди.

Иброҳим аввало: «Бу одам мени қаердан танийди, — деб ўйлади. Кейин: — хизмати юзасидан бўлса керак», дея кўнглидан ўтказди. У суратни қўлига олиб хиёл жилмайди. Сурат — ўзиники — полковник Иброҳим Одилович Фарсайники эди.

— Энди мана бу суратга қаранг. — Яна бир сурат узатди капитан. Буниси немис ҳарбий формасида эди. — Ухшашлик борми? — сўради капитан.

— Бор, — жилмайиб жавоб қилди полковник. — Нима бўпти?!

Иброҳимнинг боши айланиб, ғалати бўлиб кетди ва «шу мудҳиш хабарни айтиш учун чақирибди», деб ўйлади.

— Айтинг-чи, азизим, — салмоқ билан сўз бошлади Янковский, — Сизнинг чет элда қариндош-уруғларингиз борми?

— Амаким Исроил Фарсай, унинг ўғли Исмоил Фарсай бор. Амакимнинг Бухорода қолдириб кетган қизига менинг қайнағам уйланган. Уни отам Одил Фарсай тарбия қилганди.

— Гапларингиз жуда тўғри. Демак, сиз...

— Нима, мен?!

— Сизни, азизим, шоҳона лавозимлар кутиб турибди. Сиз шунга шошилишингиз керак.

— Ажаб, қандай лавозим экан у?!

— Уша амакингиз Исроил Фарсайнинг ўғли Исмоил Фарсай Берлинда ташкил этилган «Янги Туркистон» ҳукуматида, яъни Легионга аъзо бўлиб кирган. У, амакиваччаси Иброҳим Фарсайни ҳам шу ҳукуматга аъзо қилиш ниятида. Улар сизнинг асирга тушишингизни ёки қочиб ўтишингизни кутиб ётишибди, азизим. Тушунарлими?

— Ахир мен... Бу ёғи қандай бўларкин? — деди у чайналиб. — Мен... профессионал разведкачи эмасман-ку?!

— Профессионал бўлмасангиз ҳам, ҳарҳолда разведкачилик қилгансиз. Кейин уларга профессионал разведкачи эмас, учувчи Иброҳим Фарсай керак.

— Ҳўш, вазифам нима бўлади?

— Э-э, ошиқманг, азизим, асосий вазифангизни эртага тушунтираман.

— У ёққа қандай қилиб ўтаман?



— Гомель атрофидаги Басовнинг партизан отрядига қатнаганми-сиз?

— Йўқ, бошқа отрядга қатнаганман.

— Ундай бўлса яна яхши. Мана бу дўстингиз билан бу гал Аким Андреевичнинг отрядига бориб қўнасиш. Кейин у ерда Басовнинг йигитлари хуфия йўллар билан кузатиб қўйишади. Сизлар қочган киши бўлиб ҳарбий асирлар лагерига етиб оласизлар. Берлиндан келаётган лагерь бошлигининг ўринбосарини Басовнинг йигитлари қўлга олишган. Унинг ўрнини мана бу дўстингиз — Карл Лангет эгаллаши ва пировардида партизанлар билан алоқа боғлаши керак.

— Тушунарли,— бош ирғади Иброҳим.

— Ундай бўлса, азизим, яхшилаб дам олинг. Эртага бизлар машина юборганда келасиз.

Иброҳим суҳбатдан чиқди-ю, боши гангиб қолди: «Нотаниш одамлар, нотаниш вазифа, нотаниш жой, нотаниш тил, нотаниш урф-одат...» деб такрорларди нуқул. Бундан баъзан кулгиси қистар, баъзан жаҳли чиқиб, ўзини қўядиган жой тополмай қоларди...

...Шу куни у куни билан қора қош капитаннинг ихтиёрида бўлди, фақат шомга яқингина Иброҳим ўтирган газик аэродромга кириб келди ва самолёт яқинига келиб тўхтади. Унда Басов, Янковский, оберлейтенант Карл Лангет ва Иброҳим чиқишди. Махсус самолётга партизанлар учун дори-дармон, озиқ-овқат ва ўқ-дори юклаб қўйилган, учувчилар ҳам ўз жойларини эгаллашганди. Капитан Янковский оберлейтенант Лангет билан Иброҳимга юзланиб шундай деди:

— Уртоқлар, сизлар душман орасига кетяпсизлар. Шароитга қараб, юрак амри билан иш тутинг. Партия сизларга ишонади.

Қўл бериб хайрлашгач, улар самолётга чиқишди... Уларни фронт линиясидан ўтказиб қўйиш учун ҳар эҳтимолга қарши қирувчи самолётлар группаси ҳавога кўтарилди ва зум ўтмай уч томондан ўраб, улар тушган самолётни бошлаб кетишди.

Иброҳим учун бундай учишлар оддий бир ишга айланиб қолган бўлса ҳам, бу гал штурвални бошқармай йўловчи сифатида кетаётганлиги ўзига ғалати туюлди. Шунга қарамай, учувчилар кабинасига кириб, ўз шогирдларининг илтимосига кўра, учишнинг бехатар йўллари кўрсатиб чиқди. Бехатар, деган сўз бу ерда нисбий тушунча бўлиб, душман аэродромидан, қирувчи самолётларнинг қарши олиш эҳтимолидан узоқроқ деган маънони билдиради. Ҳарҳолда баландроқ училса, қоронғи тунда душман зенитчилардан қутулиб кетиш мумкин эди. Шуларни ҳисобга олиб учувчиларга йўл-йўриқ кўрсатди-ю, яна оберлейтенант Карлнинг ёнига чиқиб суҳбатга киришиб кетди. Бундай қараганда ақл бовар қилмайдиган бир манзара кўзга ташланади: улар бир-бири билан жанг қилаётган икки халқ фарзандлари. Бири фашист мундирида, иккинчиси совет аскар мундирида. Ерда ана шундай олишув кетаётган бир вақтда, осмони фалакда, самолёт ичида бу икки халқ вакили суҳбат қуриб кетишяпти. Уларга на тахт, на тож, на мансаб, на унвон керак. Уларга фақат тинчлик, тенглик, дўстлик, биродарлик, эркинлик ва қардошлик бўлса бас. Уларни ёлғиз ана шу пок ғоя, коммунистик идеал бирлаштирган. Шунинг учун ҳам улар кураш, ғалаба қилиш тактикаси тўғрисида гаплашиб, режа тuzиб боришарди.

— Ерга қўнгач, Аким Андреевич ҳузурида бўлиб, қўлга олинган фашист офицери ҳақида маълумотлар олишим керак. Сўнгра унинг йигитлари бизларни маълум ергача кузатиб қўйишади,— деди Карл Лангет.— У ёнига мана бу мундир ёрдам қилади. Улар билан гаплашишни ўзимга қўйиб бераверасан. Ҳарбий асирлар лагерига етиб олгач, сени тафтиш қилишларига йўл қўймайман. Тегишли органларга сенинг қочиб ўтганлигинг ҳақида хабар қиламан. Токи сени қидирган кишилар хабар топмагунларига қадар менинг ҳимоямда бўласан.

— Менинг «қафас»имга ҳам кириб турасанми?— илжайиб сўради Иброҳим.

— Ундай дема, мен билан бирга турасан. Қафасга қўйдирмайман сени. Ахир мен лагерь бошлиғининг ўринбосариман-а. Иброҳим жилмайди, сўнг қўл соатига қараб қўшиб қўйди.— Яна ўн минутдан сўнг манзилга етиб, планларимизни амалга ошира бошлаймиз.

Шу пайт осмонга прожекторнинг найзали нури санчилди. У, бир бор самолётга тўқнаш келиб уни яна йўқотди. Кўп ўтмай яна тўқнаш келди, санчилди. Сўнг зенит снарядлари устма-уст ёрилди. Улардан бири самолётни қаттиқ тебратиб юборди. Юклар турган жойидан ағанаб тушди. Самолёт яна тебранди...

— Лаънатилар сезиб қолишди,— деди Иброҳим асаби бузилиб.

— Ўртоқ полковник, ёрдам қилинг, биринчи учувчи яраланди,— деди иккинчи учувчи кабинадан қичқириб. Иброҳим ичкарига отидиб кириб, учувчини қўлтиғидан даст кўтариб четга олди ва ўзи штурвалга ёпишди. Сўнг у алоқачига рация орқали аҳволни Басов отрядига хабар қилишни буюрди. Кейин самолётни баландга олиб чиқиб прожектор найзасидан қутулиб кетмоқчи бўлди, аммо самолёт бўйсунмади. Аксинча салонда қора тутун пайдо бўлди. Шошиб қолган оберлейтенант ваҳимада нима қиларини билмай кабинага кирди. Иброҳим унга «Чиқинг бу ердан ўқ-дорини оловдан асранг!» деб буюрди. Оберлейтенант ҳам, алоқачи йигит ҳам ёнаётган юкларни самолётдан ирғита бошлашди. Иброҳим самолётни манзилга етказиш учун уринди, аммо иложи йўқ эди, У, пастлагандан пастлаб борарди. Сўнгра уни қўндириш учун майдон қидирди. Тун ва бунинг устига қора тутундан ҳеч нарса ни аниқлаб бўлмади. Бу етмагандай олов тили кабинетини чалпий бошлаган, парашютда сакрашга ҳам кеч қолишганди. Иброҳим узоққа боролмаслигига кўзи етиб тик шўнғиди ва жуда қийинчилик билан дарахтлар учига урилиб ерга қўнди ва силкиниб-силкиниб бориб тўхтаб қолди. Бу вақт Иброҳимнинг ҳам, иккинчи учувчининг ҳам кийимларини олов чалпиганди. Улар самолётдан ирғиб тушиб, анча нарига чопиб боришди ва ерга ағанаб, бир-бирига лой чаплаб оловни ўчиришди. Лекин улар қаттиқ жароҳатланган бўлишларига қарамай дўстларини қутқариш ниятида самолётга қараб юришган эди ҳамки, самолёт бирдан зарб билан портлади. Улар ерга ётиб қолишди.

— Тамом!— деди Иброҳим қаттиқ изтиробда,— дўстларимиздан айрилдик!

Унинг бадан-бадани гаримдори сепгандай ачишиб турса ҳам, ўз дардидан кўра дўстларига кўпроқ ачинарди. Ўз сўзларини ўзи эшитмай, том битган қулоқлари эндигина очилиб, атрофда сукунат ҳукмрон эканини пайқади.

Иброҳимнинг шериги чидай олмай типирчилаб, зах ерга чалқанча ётиб олди. У, зах ердан ҳаловат топгандай бўлди ва Иброҳимни ҳам ётишга ундади. Иброҳим зах ерга ётишнинг оқибатини яхши тушунса ҳам оғриқ азобидан қутулиш учун куйган елкасини муздай ерга босиб озроқ нафас ростлади. Борлиқни ўрмон зулмати қоплаган, буларнинг қўлида на харита бор, на компас. Улар тонг ёришишини кутишга мажбур эдилар. Тунги сукунатда узоқ-узоқлардан итларнинг ҳуригани эшитилди.— Эшитяписизми, ўртоқ полковник?—ваҳимага тушиб сўради Иброҳимнинг шериги. Лейтенант унвонидаги ўрта бўйли, танқа бурун малла йигитни бир вақтлар Иброҳимнинг ўзи биринчи бор учигиша ўргатганди. Энди бўлса шу ҳолатда ҳам унга суянар ва унинг маслаҳатига муҳтож эди. Иброҳим совуққонлик билан қўшиб қўйди:

— Фашистларнинг жазо отряди изимизга тушди. Итлари билан келишяпти.

— Энди нима қиламиз?

— Сен укам, бу ердан кет. Мана бу томонга,— қўли билан орқасига имо қилди.— Ҳарҳолда, партизанларга етиб оласан.

— Сиз-чи?

— Мени қўя бер, менинг вазифам бошқа.

— Мана улар, тирик экан!— бақирди кимдир.— Бу ёққа келинглар!

Иброҳимнинг ёнида уч киши пайдо бўлди. Улардан бири «ким-сизлар?» деб сўради.

— Сизларга насиба олиб келаётгандик, етказолмадик,— гуноҳкордай жавоб қилди Иброҳим.

— Начора, гина қилишга ҳаққимиз йўқ. Уларнинг омон бўлсаларинг бўлгани,— деди ҳалиги киши. Гапидан бўлинма бошлиғига ўшарди. У, яна буйруқ оҳангида деди.— Қани, туринглар, кетдик!

— Мана бу укамни олиб кетинглар!— деди Иброҳим.— Бу ерда уч кишининг жасади қолди. Шуларни йиғиб дафн қилишни унутманглар. Бу гапларни Аким Андреевичга етказишларингни илтимос қиламан.

— Узингиз нима учун кетишни истамайсиз?— сўради ҳалиги одам.

— Мен қолишим керак. Махсус топшириқ бор.

— Шу ҳолда-я? Жароҳатингиз оғир кўринади.

— Ҳечқиси йўқ, шундай бўлгани тузук. Имилламасдан тезроқ кетинглар!

Итларнинг ҳурган товушлари яқиндан эшитилиб қолди. Партизанлар учувчи йигитни опичиб ғойиб бўлишди. Кўп ўтмай фашистлар ўз итлари билан етиб келишди...

...Иброҳим йўлдаёқ оғирлашиб қолганди. Боши айланиб, кўнгли айниб қайт қилгиси келар, калта йўталиб ўқчир, қора терга тушиб қийналар, у ўзини ким ва қаёққа бошлаб келганини ҳам эслай олмасди. Қоронғи ҳужрада кўз очиб, тириклигидан хабар топди. Ҳарҳолда ёрдам кўрсатиб бош-кўзини ва баданини бинт билан ўраб ташлашибди. Қачон ўрашди, шу ҳолда қанча ётди — уни ҳам эслаёлмади. Унинг хаёлидан энди сўроқ қилади, нима деб жавоб бераман, деган фикр ўтди. «Обер-лейтенант Карл Лангет бўлганида ишим энгил кўчарди. Энди боши берк кўчадаман. Агар мен ўзимни оқлаб Иброҳим Фарсай бўламан, деб таржиман ҳолимни баён қилсам, янги Туркистон давлати чақиртирган, у дарма ўрним бор, десам ҳам ишонишмайди. Шундай экан, нима учун самолётингни бизнинг аэродромга қўндирмай, партизанларга қараб йўл олдинг, дейишмайдими?—ўйлаб кетди Иброҳим.— Йўқ, уларни ишонтириш осон эмас. Иброҳим Фарсай чинакамига керак бўлса хабар топиб келишади. Бу ҳолатни қорақошли капитаннинг одамлари етказишади Туркистон тўраларига. Унга қадар асовлик қилиб, тилимни бермай турганим тузук. Юмшоқ супургидай ҳамма гапларига хўп дея берсам ҳам разведкачи эканлигимни билиб қолишади».

Иброҳим шуларни ўйлаб, кўнгли қоронғи ҳужрадай зимистон тортиб жим қолди.

## 2

Ҳарбий асирлар лагерининг бошлиғи Отто Ройманнинг кабинети. Тўрдаги деворда Гитлернинг катта портрети осифлиқ. У эшикдан кирган кишига «Улуғ Рейхга қасамёд қил!» дегандай, важоҳат билан қараб турибди. Тўрдаги ўнг бурчакка стол ва кресло, чап бурчакка уч оёқли курсичага радио приёмниги қўйилган. Кабинетнинг икки ойнаси лагерь ҳовлисига, бошқа иккитаси эса кўчага қараган. Қираверишда, чап томонда битта стул турибди. Стул ёнида автомат ушлаган соқчи ҳайкалга ўхшаб қотиб қолган.

Капитан креслога ястаниб олиб сўнги ахборот тингламоқда. Диктор Шарқий фронт ҳақида гап бошлаганда капитан столга энгашиб приёмникка чўзилди, унга чап қулоғини тутиб устидан қўлини пана қилди. Диктор овозини баланд қилиб, ҳар бир сўзига ургу бериб деди:

«...шавкатли қўшинларимиз Москва остонасига етиб бориб шаҳарни қамал қилди. Ленинградни қуршаб олган шоввозларимиз эса ҳалқани тобора сиқиб бормоқдалар. Генерал Паулюснинг олтинчи армия-

си ҳам тўсиқ билмай олдинга силжимоқда. Улар русларга талафот етказиб Сталинградга тобора яқинлашмоқдалар...»

Бу сўзларни эшитган капитан ўзини тута олмай ўрнидан сапчиб турди ва дикторни қучмоқчи бўлгандай приёмонка қулоч ёзди. Сўнг-ра шу туришда «Браво! Браво!» деб чапак чалиб юборди. Аммо унинг қоқсуяк узун бармоқларидан ҳақиқий табрик садоси жарангламади. Шундай бўлса ҳам, у ўзини енгил ҳис қилиб креслога ястанди ва стол устида турган тилла ҳошияли турк сигаретасини лабларига қистириб, зажигалка ёқди. Кейин радиони ўчириб келиб креслога янада ястаниброқ ўтирди, сигаретани узоқ тортиб кўзларини юмди ва ҳалқасимон тутун чиқариб жим қолди. Уни сигарета кайфи эмас, балки янада юксак унвон, юқори лавозим ва чексиз бойлик хаёли элтиб қўйганди. Капитан чап қўлини ўнг қўлига билан қисиб, бошини кресло суянчигига тираб, ширин орзуларга ғарқ бўлиб турганида, унинг бу хаёлларини телефон овози бўлиб юборди. У, кўзларини катта очиб қўлини телефон трубкасига чўзди ва уни олиб қулоғига тутди, териси ёноғига ёпишиб қолган сўлғин юзига шодлик қалқди, овози тетиклашиб: «Жаноб Мюллерга саломлар бўлсин!— деди оғзининг таноби қочиб.— Жуда соз, жаноб. Мен ҳам ўша гапни эшитиб сизнинг келишингизни кутиб ўтирибман».

— ...

— Албатта, тайёрлаб тураман.

— ...

— Ҳўп, ҳозирча.

Капитан шундай деди-да, телефон трубкасини жойига қўйиб, ички телефон трубкасини қулоғига тутди. Бу гап у, бошлиқ сифатида буюрди!

— Жаноб доктор, ёнимга кириңг!

Сал ўтмай оқ халатли, кўзойнак таққан чуваккина чол кириб соқчининг ёнида тўхтади ва таъзим қилди. Капитан уни ўтиришга ҳам қўймай сўроққа тутди:

— Қалай, молларни даволаб ётибсизми?

— Бир амаллаб даволаяпман, жаноб. Узим ветеренария фельдшерни бўлсам ҳам... ниманиям дердим. Худо олдида гуноҳкор бўлсам ҳам, молларга ишлатиладиган дори-дармонларни асирларга ишлятапман.

— Майли, қўрқманг. Бунинг гуноҳи йўқ. Асир, бу мол демакдир. Мол бўлганда ҳам фойдасиз, навбати билан жаҳаннамга жўнатилиши лозим бўлган мол булар. Ҳа, шундай. Фюрер бизларга бу моллар билан қандай муносабатда бўлиш, қандай қилиб жабрлашни ва қандай қилиб тугатиш йўлларини яхши ўргатган. Шунга кўра буларга врач тайинлашмаган. Тажрибали врачлар, дори-дармонлар фронтда ҳам, госпиталларда ҳам етишмаяпти. Сиз бўлсангиз: «Худо олдида гуноҳкор бўлиб», дейсиз. Йўқ, асло қўрқманг, гуноҳга ботмайсиз балки фюрернинг марҳаматига сазовор бўласиз.

— Раҳмат, жаноб. Ишқилиб, қариган чоғимда худонинг қаҳридан қутулиб, фюрернинг марҳаматига учрай,— қалтираб-титраб гапирди чол. Уни кузатиб турган капитан далда берди:

— Ана энди ўзингизга келдингиз, жаноб доктор. Бундан буён ўзингизни фельдшер эмас, доктор, деб ҳисоблайверинг. Чунки сиз эгаллаб турган лавозим, ана шундай юксак лавозим.

— Раҳмат, жаноб капитан.

— Энди асосий мақсадга ўтамиз. Айтинг-чи, жаноб доктор, полковник Иброҳим Фарсайнинг саломатлиги қалай. У билан қачон гаплаштирасиз?

— Ҳолати бир оз тузук, жаноб капитан, пича овқат еди.

— Штаб биздан сўроқ акти талаб қиляпти. Ахир бир ҳафта бўлди қўлимизга тушганига. Ортиқча тоқат қилолмаймиз.

— Биладан, жаноб капитан. Иложимиз қанча? Биринчи кунлари саломат қолишига кўзим етмаганди. Лекин жони қаттиқ одам экан, яна ҳаётга қайтди. Бари бир узоқ гаплашолмайди.

— Сиз шундай қилингики, асир биз билан гаплаша олсин. Ҳозир ҳузуримизга зенитчилар батареясининг командири лейтенант Франц Мюллер жаноблари ташриф буюрадилар. Биз унинг билан асирни сўроқ қилишимиз керак.

— Ундай бўлса, бир иложини қиламан.

— Шундай бўлсин, жаноб доктор.

Доктор чиқиб кетди. Капитан бўлса совет учувчиси полковник Иброҳим Фарсайнинг ҳужжатларини пўлат сандиқдан олиб уларни стол устига терар экан, ундан ҳазар қилгандай қўлларини рўмолча билан артди. Шу пайт эшик ташқарисида турган соқчи кириб, Франц Мюллер жанобларининг келганлигини билдирди.

— Айт, кирсин!— буюрди капитан.

Соқчи солдат ташқарига чиқиши билан Франц Мюллер кириб келди. У, эшик ёнида тўхтаб, ўнг қўлини баланд кўтарди ва «Ҳайль, Гитлер!» деб қичқирди. Капитан ҳам ўрнидан даст туриб жавоб қилди. Сўнгра ўтиришга жой кўрсатди. Лейтенант шапкасини ўнг бурчакдаги қозиққа илиб капитаннинг чап ёнига, у кўрсатган стулга ўтирди. Франц ёш бўлса ҳам тўлагина эди. Шундан бўлса керак, чўнтагидан рўмолча олиб кенг, ярқироқ пешонасини артди ва гап қотди:

— Бу лаънати тозаям овора қилди бизларни. Қарийб бир ойдан буён ҳужум қиларди-ю, ҳамиша доғда қолдириб ғойиб бўларди. Тағин денг, нуқул станциянинг текилинч пайтини пойлаб урарди. Етти марта қурол-яроғ ортилган составимизни портлатди. Беш марта солдатларимиз бошига бомба ёғдириб сафдан чиқарди. Уч марта бизнинг зенитчилар батареямизни майиб қилди, қайтадан туздик.

— Бизни ҳам қуруқ қўйгани йўқ, жаноб лейтенант. Икки марта жой алмаштиришга тўғри келди. Биноларимиз қулаб, ҳужжатлар ёниб кетди. Ташвиш устига ташвиш орттирди бу лаънатилар,— шикоятномуз гапирди капитан. Зенит батареясининг командири лейтенант Франц Мюллер бўлса ўзини ғолиб кўрсатиш учун мақтанишга ўтди:

— Бари бир қанчалик талафот етказмасин, ўқимиздан қочиб қутула олмади. Биз унинг қанотларини синдириб ташладик.

— Тўғри, аслида шундай бўлди. Аммо ҳужумнинг ҳаммасига Иброҳим Фарсай командирлик қилганини қаердан биласиз?

— Биладан. Жуда яхши биладан, жаноб капитан,— ўзига ишонгандай мақтанди Мюллер. Кейин қўлларини ҳаракатга келтириб тушунтира кетди.— Бу баланд учади. Уша баландликдан тик шўнғиб бехато нишонга олади ва ўққа дуч бўлмай ғойиб бўлади. Энди қайтиб кетди, деб ўйлаймиз, хотиржам бўлиб қоламиз. Шу пайт яна бомба ёғилади. Кейин тунда ҳам худди кундузгидай актив ҳужум қилишади. Уйлайманки, бу тажрибали учувчи кўп нарсани билиши керак. Биз уни синчиклаб сўрамоғимиз лозим.

— Вазифамизни тўғри тушунибсиз, жаноб лейтенант. Бундай кишилар рус армиясининг нозик жойларини яхши билишади. Мумкин қадар ана шундай томонларини билиб олишимиз керак,— деди Ройман салмоқ билан ва ички телефон трубкасини кўтариб, уни аста қулоғига босди... У, бир зум жим тургач, ўша оҳангда деди:— Жаноб доктор! Асирни олиб кириң!

Бир оздан сўнг доктор асирнинг ўнг қўлтиғидан, бошқа бир лейтенант унинг чўп қўлтиғидан суяб олиб киришди. Асирнинг юз-боши бинт билан ўралган бўлиб, нафас олиш учун бурни ва кўриш учун кўзларигина очиқ қолдирилганди. У, анча баланд бўлмаса ҳам елкадор, барваста киши эди. Иброҳимнинг чап қўлтиғидан суяб олган лейтенант паст бўйли, малла, озгин эди. Ройман аввало Иброҳимга тикилиб турди-да, кейин эшик ёнидаги стулни кўрсатиб буюрди:

— Асирни ўтқазинг.

Соқчи стулни бир қўллаб асирнинг ёнига сурди ва ўзини орқага олди. Ерданчилар асирни стул ёнига олиб келишди. Иброҳим аввало стулни ушлаб кўриб, кейин аста ўтирди. Доктор чол Иброҳим қочиб

кетадигандай ҳамон уни ушлаб турарди. Лейтенант сўроқни ёзиб олиш учун капитан столининг бир четидан жой олди. Франц Мюллер Иброҳимга тикилиб кўзлари чиқаёзди-ю, аммо бинтдан ҳеч нарса кўрмай ҳижолат бўлди. Уни пайқаган Отто Ройман стол устидаги ҳужжатни унга узатди. Мюллер офицерлик гувоҳномасида Иброҳим Фарсайнинг суратига кўзи тушар экан, бир зум қимирламай қолди. Кейин қўллари билинар-билимас титраб уни капитанга узатди. Ройман уни яна жойига қўйиб, секретарга бир қараб қўйди-да, сўроқни бошлади:

— Айт-чи, полковник Иброҳим Фарсай сен бўласанми?

— Ҳа, мен,— секин гапирди полковник.

Капитан Иброҳимнинг офицерлик гувоҳномасини очиб кўраркан, яна савол қилди:

— СССР Ҳарбий Ҳаво флотида хизмат қилганингга неча йил бўлди?

— Қўлингиздаги гувоҳномада ёзиб қўйилган.

— Бизга сенинг жавобинг керак!— гапга аралашди Франц Мюллер.

— Ун уч йил.

— Ҳарбий хизматни оддий учувчиликдан бошлаганмисан?

— Шундай.

— Ҳаво флотида дастлабки маълумотни қаерда олгансан?

— Москвада.

— Ҳарбий академияда ҳам ўқиганга ўхшайсан?— сўради Ройман.

— Ҳа, ўқиганман.

— Синовчи-учувчи қилиб қачон тайинлашди?

— Минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йили.

— Синовчи-учувчи?!— жиддийлашиб сўради Мюллер. Унинг ранги ўзгариб, кўзлари катталашди.

— Шундай, жаноб лейтенант. Бу совет ҳарбий самолётларини синовдан ўтказадиган киши бўлган.

— Ундай бўлса, янги самолётлар ҳақида кўп маълумотлар билишинг керак, шундай эмасми?— сўради Мюллер ўша жиддийликда. Иброҳим Мюллерга қаради-да, унинг жазавасини чиқариш учунми совуққонлик билан деди:

— Ҳа, жаноб, жуда яхши биламан.

— Ундай бўлса айт-чи, қандай янги самолётлар тайёрланяпти?— яна ҳовлиқди лейтенант. Мюллернинг иштаҳасини кузатиб турган Иброҳим:

— Биласизми, жаноб лейтенант,— деди жонланиб.— Совет Иттифоқида ҳарбий самолётларнинг ғоят мукамал турлари синовдан ўтказилмоқда. Бу самолётлар ҳам баланд, ҳам тез, ҳам узоққа учадиган бўлади.

— Маркалари ва техник маълумотларини айтиб бер-чи?— қизиқди капитан ва ўтирган жойида олдинга эгилди. Мюллер ҳам кўзларини катта-катта очиб чакка томирлари ўйнаб кетди. Иброҳим бўлса жавоб беришга шошилмас, ерга қараб жим турарди. Бу жимликка чидай олмаган лейтенант яна жиддийлашди:

— Нега гунг бўлиб қолдинг? Сендан сўраяпмиз!

— Жаноблар, чамамда мен ҳаммасини айтиб бердим. Ҳам баланд, ҳам тез, ҳам узоққа учадиган самолёт, дедим.

— Узингни гўлликка солма, полковник! Биз сендан самолётнинг сифатини сўраётганимиз йўқ,— жаҳл билан такрорлади Ройман ва ўтирган ўрнида қўзғалиб олди.

— Соддамуғомбирлик кетмайди бу ерда!— дўқ қилди Мюллер тутоқиб ва киссасидан рўмолча олиб пешонасини артди. Иброҳим ҳамон вазмин оҳангда деди:

— Жаноблар, сизлар мендан нима истайсизлар?! Ахир ҳамма нарсани айтиб бердим-ку, тагин нима керак?

— Техник маълумотлар!— секин, айни вақтда буюриб гапирди капитан.

— Бундай маълумотларни билмайман,— дадил жавоб қилди Иброҳим.

— Ёлғон!— қичқирди лейтенант ва асаби қўзиб ўрнидан турди. Кейин Иброҳимнинг ёнига бориб унинг иягидан кўтарди, кўзларига тикилди:

— Синовчи учувчининг бундай маълумотларни билмаслиги мумкин эмас. Бизларни лақиллатолмайсан. Айтиб берасан, айтмасанг мажбур қиламиз, тилингни суғуриб оламиз!

— Овора бўласиз, жаноблар. Тилимни суғуриб олишингиз мумкин-у, ammo бу саволларга мендан жавоб ололмайсиз. Бунинг сабаби ўзларингизга маълум.

— Нима, ҳарбий сир демоқчимисан?

— Шундай, жаноб, ҳарбий сир.

— Сенинг учун бу сирнинг қанчалик фойдаси қолди? Ахир сен бизнинг қўлимизда асирсан!

— «Қўлга туширган ғолиб эмас, таслим бўлмаган ғолиб» — дейишади бизларда. Буни яхши биласиз, жаноб капитан. Мени қўлга туширган экансиз, бу менинг сотқинлигимдан эмас.

— Балки бизларнинг омадимиз келганидандир. Шундай эмасми, полковник?— Капитан муғомбирона тиржайди, Иброҳимни зимдан кузатди. Полковник капитаннинг илмоқли гапларини тушунди-ю, дарҳол жавоб қилди:

— Шундай, жаноб капитан. Ҳозирча омадингиз юришиб турибди.

— Нима учун ҳозирча бўларкан?— кесатди лейтенант.

Капитан асаби қўзғаб, қалтираб қолган Иброҳимни кузатиб турди, кейин ёнидаги лейтенантга пичирлади. Мюллер бош ирғаб маъқуллади ва таклиф киритди:

— Майли, техник маълумотларни эрталабгача ёзиб беради. Ҳозирча бошқа саволга кўчайлик.

Иброҳим бошини икки қўли орасига олиб жим қолди. Анчадан кейин энтикиб, зўрғатдан пичирлади:

— Чарчадим, гапиришга ҳолим қолмади. Энди ҳеч қандай саволга жавоб бермайман.

— Жавоб бермай бўпсан! Қўлимизга тушган экансан, сўроқларимизга жавоб берасан!— асабийланиб, айна вақтда гижиниб гапирди Ройман. Иброҳим зўрға ун чиқарди:

— Жаноб капитан, чарчадим, ҳолим қолмади.

— Укол қилинг!— буюрди капитан.

Доктор дориларини тайёрлагунча соқчи келиб Иброҳимнинг енгини шимарди. Сўнгра доктор катта шприцда Иброҳимнинг билагига игна қадади. Полковник аввало ингради, сўнгра ҳолсизланиб стулдан йиқилиб тушди. Соқчи билан доктор уни даст кўтариб стулга ўтқазишди ва суяб туришди. Иброҳим шу туришда анчагача ингради, тишларини қисирлатди. Ниҳоят кўзларини катта очиб атрофига қаради ва узоқ тин олди. Мюллер докторга қараб «бўлдими?» дегандай тикилди. Доктор қўл соатига қараб анча вақт жим турди-да, кейин лейтенантга кўз қисиб имо қилди. Лейтенант бўлса ўз навбатида аввал капитанга кейин асирга юзланди:

— Қалай, бу уколлар ёқадими?

— Майли, ҳар қандай қийноққа тайёрман.

— Улимгаямми?!

— Улимга розиман-у, хоинликка рози эмасман.

— Такрор айтаман, қизил гапларни ташла, полковник! Майли, самолётлар ҳақида кейин ёзиб берарсан. Ҳозир сен бизларга, биринчи навбатда, бомба ташланмоқчи бўлган объектларни айтиб бер.

Иброҳим Мюллерга эмас, ерга қараб унга лаънат ўқиди. Капитан бўлса аста-секин ўрнидан туриб Иброҳимнинг орқа томонига ўтди ва кнопкани босди. Деворни қоплаб турган парда сурилиб катта харита кўзга ташланди. Бу ерга Мюллер ҳам яқинлашди. У, Иброҳимга «Орқангга қара!» деб буюрди. Иброҳим харитага қараб хаёлга чўмди.

Шу вақт у душманни чалғитиш режаларини ўйларди. Ройман харитани кўздан кечириб чиқиб, Фарсайга юзланди:

— Қани, полковник, ўрнингдан туриб мўлжаллаган жойларни кўрсат-чи!

Иброҳим ўрнидан туриб харитага яқинлашди ва анча вақт жим тургач, вақтинча оккупация қилинган совет еридаги йирик станцияларни, Германия шаҳарларини, Берлинни кўрсатиб чиқди.

— Наҳотки, шунча жойни яқин ўртада нишонга ола билсаларинг?

— Амин бўлинг, жаноб капитан, нишонга ола биламиз. Йигитларимиз бу ишнинг улдасидан чиқади. Булар орасида Берлин алоҳида ҳисобда туради.

— Сен хизмат қилаётган бир юз етмиш олтинчи бомбардимончи авиаполкнинг командири ким?

— Генерал Самсонов.

— Уринбосари-чи?

— Полковник Иброҳим Фарсай. Яъни камина.

— Айт-чи, полковник Фарсай, сени уриб туширганимиздан буён йигитларинг йўламай қўйди, шундайми?

— Ҳўш?

— Кейинги рейс қачонга белгиланганди?

— Едимда йўқ. Йигитларимиз омон бўлишса, сизларни соғинтириб қўйишмас.

Иброҳим гапини тугатиши билан сиренанинг овози дод солди. Осмонда прожекторларнинг нури ўйнади. Зенитнинг тариллаши ва бомбанинг устма-уст портлагани эшитилди. Портлаш тобора авжга минди.

— Буни умумий палатага ташланг!— буюрди капитан жаҳл билан.

Доктор билан соқчи Иброҳимни олиб чиқиб кетишди. Соқчи ертўла қопқоғини очди. Улар пастга тушишди.

### 3

Капитан Отто Ройманнинг «умум палата» деб атаган жойи ертўладан иборат эди. Унинг эни олти, узунаси ўттиз метр бўлиб, эшикдан киришда ҳар икки томонга уч қаватли сўри ўрнатилганди. Бу сўриларда ҳарбий асирлар текилинч ётишарди. Умум деган сўз бу ерда «гуруҳларга ажратилмаган», деган маънони билдирарди. Гуруҳларга ажратилганлар учун ҳам жуда кўп палаталар мавжуд эди. Бу палаталарнинг пештоқларига тартиб сонниқ билдирувчи рақамдан ташқари турли белгилар ҳам қўшиб ёзиларди. Шулардан айниқса «М» ва «Л» ҳарфлари бадном ҳисобланарди. «М», ҳарфи «Майданек», «Л» ҳарфи «Лазарет» деган сўздан иборат бўлиб, «ўлимга маҳкум қилинганлар», деган маънони англатарди. Полковник Иброҳим ўз душмани олдида бўй эгишни истамай, унинг сўроқларини пучга чиқаргани учун уни тилга киритиш ниятида «умум палатага» деб буюрганди капитан.

Палата эшиги очилиб Иброҳимни ичкарига олиб киришди. Хонанинг хиралиги ҳам шу ердаги асирларнинг кайфиятларини акс эттириб турарди. Иброҳим бирдан сесканиб йиқилаёзди. Унинг димоғи тер ва зах ҳидидан ачишиб, боши айланиб кетганди. Уни қўлтиқлаб турган ветеринария фельдшери ҳам бурнини жийриб палата соқчисидан: «Қаерда жой бўш?» деб сўради.

— Қандай жой бўларди бу ерда!— кесатиб жавоб қилди соқчи ва юрайми, юрмайми, деб имиллаб қўшимча қилди.— Кўриб турибсан-ку, бу ерга қараганда бочкадаги балиқлар ҳам ўзларини эркин ҳис қилишади. Яна бўш жой эмиш! Бўш жой жаҳаннамда.

Дарҳақиқат, ўртадаги торгина йўлакдан бўлак оёқ босадиган бўш жой йўқ эди бу ерда.

— Сиқиштириб жой топ!— дадил гапирди чол.— Биринчидан,



бунинг сўроғи туггани йўқ. Иккинчидан, касал, куйган, тушундингми? Аввало сўраб бўлишсин. Кейин ушлаб турмаймиз. Уша сен айтган жаҳаннамга юборамиз.

— Мияси ачиган чол экансан ўзинг,— гавдасига яраша йўғон товуш билан гапирди соқчи.— Қаердан топаман жойни? Касал бўлса ертўлангга олиб борсанг ўлиб қолармидинг?!

— Жонимдан тўйибманми, олиб бориб? Капитан жанобларига ни-ма дейман кейин? Унинг буйруғини икки қилиб бўлармиди? Йўқ деб кўрчи.

Бу сўзларни эшитган соқчи салмоқ билан хонанинг охирига бориб, пастки сўрида ётган бир солдатни уйғотди.

— Тур, жойни бўшат!— деди соқчи автоматининг қўндоғи билан солдатнинг оёғига туртиб.— Имиллама, тез бўл! Урнингда мана бу ўлимтик ётиб турсин!

Кийими билан ўралиб ётган солдат эринчоқлик билан ўрнидан туриб, сўридан тушди. Унинг ўрнига, қуруқ тахтага Иброҳим ётди. Кўнгли таскин топган фельдшер «қутулганимга шукр», дегандай чиқиб кетди. Соқчи ҳам ташқарига чиқиб эшикка қулф солди. Урнини бўшатиб берган солдат Иброҳимнинг оёқ томониغا, сўрининг бир четига ўтириб, устунга суянди. Иброҳим бўлса жароҳати оғриғига чидай олма-май инграр, не-не хаёлларга борар, ўзини гўё бу тахтадан қайтиб турмайдигандай ҳис қиларди. У, шу тарзда ўрнини бўшатиб берган солдатдан энтикиб-энтикиб узр сўради:

— Кечирасан, биродар, жойингдан қўзғатиб, сенинг ҳам ороминг-ни буздим. Бу иблислар касалхонасини ҳам раво кўришмади менга. Азоб бериб ўлдиради, чамамда. Билмадим, қанчага чидар эканман бу ҳолда.

— Ўзингни бардам тут, дўстим,— деди солдат ачиниб.

— Укол билан қувват бергандай бўлишди-ю, энди бўлса латтадай ҳис қиляпман ўзимни. Сўроқ қилмоқчи бўлишса яна азоб беришади.

— Нимани сўрашди, айтиб бера қолмайсанми?!— деди у синовчан назар билан тикилиб.

— Виждоним олдида азобга қолишни истамайман!

— Яқинда орамиздаги бир капитанни ҳам қаттиқ сўроқ қилишди,— деди солдат хомуш оҳангда.— Узи полк бўйича қурол-яроғ тех-ниги бўлган экан. Янги қуроллар ҳақида маълумот сўрабди. Айниқса, «катюша»ни! Капитан бўлса: «Асирга тушганим етмагандай, яна бола-чақамга ҳам хоинлик қиламанми? Яхшиси, тилимни кесиб ол! Ҳеч нар-са айтмайман», деб туриб олибди. Уни бу ердан олиб чиқиб кетишди. Бошқа жойга қўямиз, дейишди. Билмадик, балки, отиб ташлагандир бу чўчқалар. Чиқиб кетаётди: «Хайр, дўстларим! Иложини топсала-ринг капитан Николай Раевский сотқинлик қилмади, Она Ватанга со-диқ қолди, деб хабар қилиб қўйинглар», деди. Ажойиб йигит эди ўзи.

Иброҳим солдатнинг сўзларига қулоқ солиб турди-да, «Бола-ча-қага содиқлик — Она Ватанга содиқлик», деб такрорлади ичида.

## 4

Иброҳим ўзини ҳамон оғир сезарди. Бунинг устига, шароитнинг ўта оғирлиги, хонадаги ҳавонинг ҳаддан ташқари бузилганлиги бемор-нинг ахволини янада қийинлаштириб қўйганди. У, тонгга бориб кўзла-рини очди. Очди-ю, ҳайратдан ҳанг-манг бўлиб қолди. Унинг ёнида калтакланган, азобланган бошқа бир асир ўлим талвасасида ётарди. Ҳарорат тафтидан унинг лаблари қовжираб бурун катаклари кенгай-ган, нафас олиши тезлашганди. У, ўрнидан туриб кетаёзиб алаҳлади ва бир неча бор ноаниқ гапириб, сўнгги бор нафас чиқарди-ю, олам-дан ўтди.

Палатадагилардан бир неча киши келиб, унинг атрофини ўраб олишди ва жасадни кўриб шовқин кўтаришди.

— Нега тагин чуғурлаб қолдиларинг?— эшикни қия очган соқчи солдат йўғон овоз билан дўриллади.

Иброҳим аламига чидамай:

— Бу қандай инсофсизлик?! Касал кишини даволамасдан калтаклаб ўлдиришга нима ҳақларинг бор!— деб қичқириб юборди.

Соқчи эшикни катта очиб, автоматини тайёр ҳолда ушлаб ичкарига бир қадам босди, кўзларини катта очиб, гавдасини ростлади, «Шовқинни бас қилинглар!» деб бақирди. Сўнг бир-бир босиб, вазмин чайқалиб, тўпланганлар ёнига келди ва ўша оҳангда:

— Қани, қайсиларинг гумдон бўдиларинг?— деди.

— Кўзингизни катта очинг!— деди Иброҳим жасадни кўрсатиб.

Соқчи ўликни кўриб афтини бужмайтирди. Унинг кўнглидан «Тузалмайдиган одамни сўроқ қилишининг нима кераги бор эди?» деган хаёл ўтди. У, ўз туришини ўзгартирмай, Иброҳимга қараб қўшимча қилди:

— Бу одам ҳам сенга ўхшаб сўроқларига тўғри жавоб бермагани учун даволашдан воз кечишди. Узи ўлим ёқасида турса ҳам, тиллари заҳар эмиш, бошлиғимизга тик гапирармиш бу беадаб. Агар мен бунинг ўрнида бўлганимда бор гапни айтиб бериб, жонимни сақлаб қолардим. Бизда касалларга ёрдам берадиган врач йўқ, бундайларни аллақачон нариги дунёга юборишарди, билмадим, сенларни нима учундир азиз қилиб сақлаб ўлтиришибди. Чамамда нариги дунёда ҳам бўш жой қолмаганга ўхшайди.

— Доктор чақиришининг талаб қиламиз,— деди қатъий Иброҳим. Унинг асаби қўзғаб, вужуди титраб кетганлигидан кўзлари бежо олайди. Соқчи автоматини Иброҳимнинг кўкрагига тираб:

«Жонингдан тўйган бўлсанг, осонгина тўғрилаб қўяман», деб дўқ қилди. У ҳам бўш келмади, кўксини автомат тумшугига босиб заҳархандалик билан деди:

— Бундай азоблардан кўра отиб ташлайвер!— Фарсай ўзини отмасликларини, уларга керак эканлигини билар, шунинг учун анча дадил эди.— Сенлар учун одамнинг пашшачалик қадри қолмаган. От!!!

Соқчи солдатнинг ранги оқариб орқага тисарилди. У бундай бўлишини сира ўйламаганди. Дўқ қилсам дами ичига тушиб жим бўлади, деб ўйлаганди: «Йўқ, руслар ўжар, бир сўзлик, айтганини қиладиган халқ бўлар экан. Ғарбдаги асирлар елкаларини қисишиб, гап қайтаришмасди. Руслар бўлса...

— Отсам отавераман. Ўлмоқчи бўлган экансан, мана!— Соқчи солдат кўксидagi автомат тепкисини энди босаман деганда Иброҳимга жой бўшатиб берган йигит ўртага кириб қолди. У, аввало ўз дўстини нарироқ итариб, сўнг босиқлик билан сўз қотди:

— Қизишма! Ҳаммамизни ҳам ўлдиришга улгурасан.

— Жонимиздан тўйдик, ҳеч нарсадан қайтмаймиз,— такрорлади бир солдат. Орада қаттиқ ғала-ғовур кўтарилди. «Врач чақирилсин! Асирлар ҳақорат қилинмасин!»— деган сўзлар такрорланди. Соқчи солдат чўчиб қолди. У, автоматини тайёр тутган ҳолда аста-секин орқаси билан юриб эшикка етди. Сўнг бир зум жим туриб нафасини ростлади, кўзлари олайиб кетди, заҳар солмоқчи бўлган илондай бошини тик кўтарди. У, шу туришда автомат тепкисига бир неча бор қўл югуртирди, тўхтовсиз ўқ узиб армонидан чиқмоқчи бўлди. Аммо ўз ниятини амалга ошира олмади. Бу гал уни инсоний ҳис эмас, бошлиқ олдида жавоб беришдек даҳшатли манзара тўхтатиб қолди. Агарда капитан: «Бундай қилишга ким рухсат берди?»— деб қолса борми, ҳамма иш пачава бўлади: тўғри фронтга жўнатилади. Кейин Шарқий фронтдан тирик қайтиб бўлсан. У, Шарқий фронт эмас, Шарқий қабристон. Ҳатто ўлигининг ҳам асрлар бўйи лаънатлашади. «Бу маҳмаданалар билан гуруҳларга ажратишгандан сўнг гаплашаман. Немис солдатларига тик қараб эътироз билдиришни кўрсатиб қўяман. Мана шу қурол билан...»

Соқчи солдат орқага тисарилиб эшикни қаттиқ ёпиб унга қулф

солди. Шу пайт ташқаридан унинг: «Ҳайвонлар! Итваччалар!» деб ҳақорат қилгани, кейин аламига чидамай автомати билан осмонга қараб икки марта ўқ узгани эшитилди. Ичкаридагилар бир-бирларига қараб қолишди.

Орадан норози бўлганлар яна шовқин кўтаришди. Шу пайт эшик очилиб капитан Отто Ройман бошлиқ бир қанча офицерлар ва автомат билан қуролланган бир взвод солдат кириб келди. Пакана малла сочли капитаннинг овози чийиллаб қолди. У, асирларни жойларига ўтиришни буюрди. Ҳамма жой-жойини эгаллаб, хонага жимлик чўк-кач, бошлиқ қаддини ростлади, кекирдагини чўзди ва шу важоҳат билан сўради:

— Шовқинни ким бошлади? — унинг овози нима учундир юмшоқ эди. У, жасадни кўриб, «олиб чиқ», деб имо қилди. Икки солдат мурдани замбилда кўтариб чиқиб кетди. Кейин яна «Шовқинни ким бошлади?» деб сўради. Иброҳим бошлиққа тик қараб «мен», деди. Капитан унинг бошидан оёғигача назар ташлаб қовоғини уйди. Шу вақт у: «Ажаб ҳолат. Руслар асирга олинса ҳам — ўз командирларидан



норози эмас. Бошқа армия бўлса-командирларини тозаям сазойи қилишарди. Сенинг нобоплигинг, билимсизлигинг, дейишарди. Руслар бўлса асирликда ҳам ўз ҳаётини командирларига топширишга тайёр. Мен рус солдатлари ўз командирларини савалашиб сазойи қилишса уни ҳимояга оламану, айтганимга кўндираман, деб кўнглидан ўтказди ва ўз ҳолатини яшириш учун «яна?» деб сўради совуққонлик билан. Яна бир майор билан Иброҳимга ўрнини бўшатиб берган солдат келиб қўшилди.

Яна?! — бу гал асаби қўзиб, тоқати тоқ бўлгандай дўқ қилиб сўради бошлиқ. Унинг сузилиб турган кўзлари чақчайиб кетди.

— Мен! — гўё капитанга ўчакишаётгандай дадил жавоб қилди ўрта бўйли, буғдойранг, қирғиз қовоқ кичик лейтенант. Кейин ўрнидан қўзғолиб майорнинг ёнига келиб турди. Буни кўрган бошқа асирлар ҳам бараварига қўзғалишди. Ройман ғазабига чидолмай «Бас! Қўзғал-маларинг!» деб бақирди. Ҳамма жим қолди. Капитан ўзини тутолмай

у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. У асирларга тикилиб қарар экан, Иброҳимдан дўқ билан сўради:

— Нима учун жанжал бошладинг?

— Бу жанжал эмас, жаноб капитан, оддий талаб. Бизларга нисбатан фақат инсоний муомала қилишларингизни талаб қиламиз.

— Менга ўргатма, тилингни сўғуриб оламан! Улуғ рейхнинг га-лабасини таъминлаш учун ҳамма чораларни қўллашга ҳуқуқ олганман. Истасам қийнайман, истасам отиб ташлайман, истасам пишириб ейман. Олиб чиқинг, буларни!»

Шу пайт Иброҳимнинг дарди кучайиб боши айланди ва йқирилиб қолди.

Ройманнинг буйруғидан сўнг Иброҳимдан ташқари ўртада турган уч асирни немис солдатлари олдиларига солиб ҳайдаб чиқиб кетишди. Капитан пинагини бузмай, ўша важоҳат билан Иброҳимга қаради. Унга узоқ тикилиб турганидан сўнг адъютантга буюрди:

— Докторни чақир! Агар ўлса бошларинг билан жавоб берасанлар!

Капитан шундай деди-да, икки қўлини орқасига қилиб, автоматчилар ҳимоясида ташқарига йўл олди. У чиқиб кетгандан кейин фельдшер чол кириб Иброҳимнинг яраларини қайта боғлади ва укол қилди. Кейин унга узоқ тикилиб туриб: «Менинг бахтимга ўлмагайсан. Бўлмаса, мени ҳам сенинг гўрингга қўшиб кўмади бу тасқара», деди пи-чирлаб. У, Иброҳимнинг соғ қолиши учун эмас, балки ўзининг ҳаёт қо-лиши учун қайғуради. Шунинг учун ҳам у Иброҳимнинг кўз очишини ва ўзига келишини пойлаб узоқ ўтирди. Дарвоқе, дори ўз кучини кўр-сатди. Анчадан сўнг Иброҳим кучсиз ингради ва кўзларини очиб уҳ тортди. Дўстлари унга тикилишди, унинг тилга келишига умид боғлаш-ди. Фельдшер чолга ҳам жон кирди. У, чуқур кўзларини йилтилла-тиб тиржайди ва «Худога шукр, илтижомни қабул этди эгам, сени қайтиб берди менга»,— деб гўлдиради ичида. Чол шу тиржайишда овоз чи-қарди:

— Кўзингни оч, каттароқ оч! Қўрқма, оча бер! Мен сенга жудаям ноёб дори қўлладим. Энди тузалиб кетасан.

Иброҳим индамай ётди-да, бир вақт кўзларини пирпиратиб очди ва атрофга маъюс қаради. Унинг кўзи ёнида турган фельдшерга тушар-кан кўнгли айниди, афтини бужмайтирди. «Яна бир фалокатни бошлаб келди бу чол. Балким сўроқ бошлашар. Балким яна афсонавий жаннат-лар ваъда қилишар...»

Чол бўлса ўз ишидан хотиржам бўлиб ташқарига йўл оларкан, қў-шиб қўйди: «Худога шукр, энди кетсам ҳам бўлади. Бу ёғини парвар-дигорнинг ўзи асрасин».

Чол гўлдираганича чиқиб кетди. Атрофдагилардан ёши қирқдан ошиб қолган, асирлик азобига чидамай қовоқлари салқиган, озгин ки-ши Иброҳимга термилиб туриб ич-ичидан эзилди ва раҳмдиллик билан сўради:

— Кимсан, биродар, нега сенга бунчалик азоб беришди?

Иброҳим ётган ерида савол берган кишига термилиб қаради ва зўраки жилмайиб, хаста овоз билан жавоб қилди:

— Учувчиман, дўстим. Партизанларга етиб олмоқчи эдим, бўлма-ди. Энди бўлса тинчгина ўлишимга ҳам қўйишмаяпти. Янги самолётлар, янги қурооллар ҳақида маълумот сўраб қийнагани қийнаган.

Иброҳимга қулоқ солиб ўтирганлар бир-бирларига қараб ваҳима қилишди. Савол берган кишининг қовоғи уюлиб ёжинди, лаблари қимирлаб ниманидир гапирди ўзича. Кимдир орадан: «Ғазаби ошган бошлиқ ҳалиги сиз билан турган майор Кедровни, солдат Нагайкини ва младший лейтенант Қурбоновни олиб кетди», деб қолди. Иброҳим-нинг кўзлари катта очилиб, чехрасига шодлик аломати югурди, у, хи-ёл жилмайиб шундай деди:

— Шундай бўлишини билувдим.

Иброҳим узоқ нафас олди ва ўзини енгил ҳис этди. Аммо бу ен-

гиллик узоққа чўзилмади. Соқчи солдатнинг «Қани, олдимга туш, бу гал ҳам қайсарлик қилсанг фотиҳангни узил-кесил ўқишмоқчи», деган сўзлари унинг қалбига найзадай санчилди.

## 5

Отто Ройманнинг кабинети. У, асабий бир тусда столга хиёл суяниб тик қолган. Франц Мюллер бўлса стулда пешонасини ушлаганича зил кетиб ўтирибди.

Иброҳим уларга тик қараб, совет офицерларига хос ўктамлик ва баралла овоз билан жавоб берарди. Худди ана шу ўктамлик капитан Ройманни ҳам, лейтенант Мюллерни ҳам эзиб юборганди. Энди бўлса аламига чидай олмаган Ройман: «электр камерага ташланг буни! — деб буюрди-ю, яна иккилангандай:— Бундан нима фойда, бари бир бу қайсар ҳамма қийноқларимизга чидайди, керакли маълумотларни айтмай куйдиради», деб серрайиб қолди столи ёнида. «Шундай пайтда Германия ҳарбий разведкасининг ходими Эрхард Борн Иброҳим билан қизиқиб лагеримизга ташриф буюрибди. Мақсади нима экан?» деган фикр келди унинг бошига. Отто Ройман ана шу аралаш-қуралаш хаёл билан Франц Мюллерга қаради. У ҳам дами ичига тушиб жим ўтирарди. Ройман ўзини тутиб маслаҳат сўради:

— Энди нима қилдик, жаноб лейтенант? «Асир тушган бўлсам, бу менинг сотқинлигимдан эмас!» деб писанда қилаётганини эшитдингизми?

Мюллер қўлини пешонасидан олиб муштини қисди:

— Бундай ярамасни чопиб ўлдирсак ҳам озлик қилади. Аммо, мен охириги сўроқни электр стул ёрдамида ўтказишни, шунда ҳам иш чиқмаса, куйдириб юборишни таклиф қиламан.

— Ундан нима фойда? — чарчаганлигидан хаста овоз билан сўради капитан. — Гап ўлдиришда бўлса — бу осон иш. Аммо бизлар ўзинизга юклатилган вазифани бажаролмадик. Мени ана шу масала қийнапти. Бунинг устига, шу топда жаноб Эрхард Борннинг ташриф буюрганлиги ёқмай турибди менга.

— Эрхард Борн? — ўтирган жойидан кўзголиб, кўзлари косасидан чиқаёзиб сўради Мюллер ва капитанга тикилганича қотиб қолди. Унинг шу туриши капитандан нажот тилаётганга ўхшаб кетди. Чунки, Эрхард Борн, Гитлернинг ишончли ва эркатой кишиларидан. Кўп ҳодимларнинг ёстиғини қуриб юборган. Буни яхши билган Франц Мюллер ўзини ноқулай сезиб, Отто Ройманга тикилиб қолди. Капитан бўлса: «Ҳа, ташриф буюрди», деди ёқар-ёқмас ижирганиб.

— Нима юмуши бор экан?

— Иброҳим билан қизиқяпти.

Бу сўзни эшитган Мюллер ҳам капитан Ройманга ўхшаб узил-кесил толиқди, кассасидан рўмолчасини олиб пешонасини арди ва ички синиқшини билдирмаслик учун кўзларини ерга олди. Ройман ҳам ўз дардига қулоқ солаётгандай кўзларини бир нуқтага тикиб жим қолди. Телефоннинг узундан-узоқ жиринглаши уларни ҳушига келтирди. Бошлиқ телефон трубкасини кўтариб қулоғига босди ва шу ондаёқ зўраки тиржайди. Телефондан Эрхард Борннинг овози эшитилганди. У, шошиб қолиб ваҳима аралаш: «Ҳм, марҳамат, марҳамат, жаноб», деб ўзини зўрга ўнглаб олди. Сўнг бошқа гап гапирмасдан трубкани жойига қўйди-да, ранги сал оқариб стулга ўтириб қолди.

Лейтенант Мюллер Ройманнинг латгадай бўшашиб қолганини кўриб: «Ким билан гаплашдингиз, жаноб?» деб сўраб қолди. Капитан ўзини зўрга йиғиб: «Ҳа, айтмоқчи, ҳозир Борн жаноблари келадилар», деди ва уни кутиб олмоқчи бўлгандай ўрнидан турди. Мюллернинг юраги орқасига тортиб кетди. Кейин у капитанга эргашиб ўрнидан туриб кетганини ҳам сезмай қолди.

— Қаёққа? — деди Ройман шошиб ва тикка туриб телефон труб-

касини кўтарар экан, қўли билан «Утиринг!» деб имо қилди. Лейтенант яна жойига ўтириб капитанга тикилди. Ройман трубка орқали: «Ёнимга кир!» деб буурди-ю, трубкани жойига қўйди.— Шошилманг, жаноб лейтенант. Ҳозир Борн жаноблари келадилар, биргалашиб кутиб оламиз. Мабодо «инъом» улашса, икковимиз баҳам кўрайлик, акс ҳолда бир кишига оғирлик қилади.

— Совуқ нафас қилманг, жаноб. Жудаям...

— Ҳазили йўқ. У киши доим фюрернинг номидан «инъом» улашиб юрадилар.

— Ўзини кўрганмисиз, шунчалик баттолми?

— Кўрганман, кимга қандай. Аммо бундай таъналарга қоларлик вазиятга тушган эмасдим. Энди бўлса...— Ройман анчагача индамай жим қолди. Кейин аянч ҳолда Мюллерга тикилиб, паст овоз билан қўшиб қўйди: — Нимаям қилардик. Бошга тушганни кўз кўради, дейдилар.

Лейтенант оғзига талқон солгандай индамай қолди. У, тупугини қулт этказиб ютиб, узоқ тин олди. Капитан яна бир сўз айтмоқчи бўлганди, эшикдан кириб келган солдат унинг фикрини бўлди:

— Эшитаман, жаноб бошлиқ,— деди солдат ғоз туриб. У, гавдали, бепарволикдан семирган киши эди. Капитан унинг башарасига бир зум тикилиб афтини бужмайтирди. Чунки унинг уст бошидан- камеранинг зах ҳиди анқиб кетганди. У шу туришда ижирганиб гапирди:

— Полковник Иброҳим қаерда?

— Учувчи асирми?

— Ҳа.

— Электр камерасида.

— У ердан чиқар! Менга қара!— деди бошлиқ буйруқ оҳангда.

Тағин «эрмак» қилиб юрманглар! Фельдшер чолга айт, бир оз тилга киритиб турсин! Бор, жўна!

Солдат чиқиб кетди-ю, йўлакдан Эрхард Борннинг овози эшитилди ва эшикни очиб ичкарига кирди. Капитан Ройман ҳам, лейтенант Мюллер ҳам қўлларини баланд кўтариб, «Хайл, Гитлер!» деб кутиб олишди. У, новча, кенг пешона, кўзлари катта, қорасоч киши эди. Катта-катта кўзларини қадаб, киприк қоқмай, тик қарайди кишига. Шу пайт унинг чакка томирлари ўйнаб кетар, гўё суҳбатдошини сеҳрлаб қўйгандай унинг сирларини бемалол билиб оларди.

Борн саломидан сўнг бош кийимини бурчакдаги қозиққа илиб катта столнинг четига, Ройманнинг ёнгинасига келиб ўтирди. Отто билан Франц эса Борннинг гапирмай ўтирганидан зил кетишар, аини вақтда зўраки тиржайишга мажбур бўлишарди. Ниҳоят Эрхард Борн капитан Ройманга ярим бурилиб оғиз жуфтлади:

— Менинг нима мақсад билан келганимдан хабардормисиз, капитан?

— Асло хабарим йўқ, жаноб,— ҳовлиқиб, аини вақтда хушомадомуз гапирди Отто.

— О, жаноблар, қанчалик гумроҳсизлар! Ғалаба шунчалик яқинлашиб келяпти-ю, сиз бечоралар ковакда ётиб, ҳамма янгиликдан бе-хабар ўтирибсизлар. Москва қўлга киритилиши билан Урта Осиёда Туркистон ҳокимияти эълон қилинади. Бунинг учун ҳамма шарт-шароитлар вужудга келяпти. Турли мамлакатларда кезиб юрган Туркистон муҳожирларини тўплаш ва улар билан суҳбатлар ўтказиш шахсан менга топширилган, жаноблар. Яқинда Магдебургда шундай учрашув бўлиб ўтди. Туркистонликлар фюрернинг бу мурувватидан бағоят хурсанд бўлдилар ва ўз хутбаларига фюрернинг исми шарифларини қўшиб ўқидилар. Шундан сўнг бўлажак президент сайлови бўлиб ўтди. Муҳожирлар бу ишларга Туркистонда қолиб кетган ва ҳозир ҳам советлар қўлида тирикчилик ўтказиш учун ҳар хил хизматларни ба-жариб келаётган Германия уруғларини аралаштиришни таклиф қилдилар. Айниқса Германия армиясининг полковниги Исроил Фарсайнинг амакиваччаси, Совет ҳаво кучлари полковниги Иброҳим Фар-

сайни жалб этиш кўзда тутилди. Уйлайманки, Иброҳим диёрини руслардан тозалаб, отасининг хазинасини қайтариб олади ва мусулмон ҳокимиятининг равнақ топишига ёрдам беради.

Отто Ройман чуқур нафас олди. Ҳозиргача зил кетиб ўтирган Мюллерга ҳам жон кирди, юзларига ҳаяжонли аломат югурди, беихтиёр жилмайди, ўпкасини босиб олиш учун бир зум ерга тикилиб турди-да, Борнни яна мақтаб кетди:

— Бу ишларни, албатта, ўзлари ўйлаб топган бўлсалар керак? Ахир, Урта Осиёнинг бойликлари ҳақида кўп нарсаларни айтиб юрадилар?

— Шундай, жаноблар,— жавоб қилди Борн кўкрак кериб.— Бу масалани мен ўртага ташлагандим. Бу таклиф фюреримизга ҳам маъқул келди. Сўнгра бизнинг разведкачиларимиз Урта Осиё ҳақида янги-янги маълумотларни етказиб бериб туришди. Биласизларми, Буюк Германия учун битмас-туганмас хомашё базаси керак. Россияни бўйсундира олган Германия бу жойларни бировларга бериб қўйса, унинг тарих олдидаги энг катта ва кечириб бўлмайдиган хатоси бўлур эди.

(Давоми бор).

Ленин мен билган серқирра ва мукамал шахсларнинг энг буюгидир. У башариятнинг асрлар бўйи зулматда ётган эзгу ниятларини рўёбга чиқариш учун курашганлар орасида тенги йўқ инсондир.

Истиқболсиз изланишлар оқибатида боши берк кўчага кириб қолган инсониятнинг улуғ мақсадини революцион мантиқ ва революцион ҳақиқат билан тўғри, жонли кураш йўлига олиб чиққан ҳам Лениндир.

Анри БАРБЮС,  
Франция.

Ленин минбарда. У иккала қўли билан минбар раҳини тутиб, делегатларга боққанча, тобора кучаяётган, бир неча дақиқа давом этган олқишга эътибор қилмай, хотиржам турарди. Залга сукунат чўмганда у қисқа ва содда қилиб:

— Мана энди социалистик тартиб ўрнатишга киришсак бўлади, — деди.

Жон РИД,  
АҚШ.

Лениннинг ҳаётидаги буюк ишга садоқат, шакшубҳасиз, унга тўсқинлик қилганларга муросасиз бўлганлиги билан гўзалдир.

Генрих МАНН,  
немие ёзувчиси.

Шафоат Раҳматуллаев

# Рубоийлар

Партиям, тонг рамзи — байроғинг туси,  
Конституциянг бахтнинг қомуси,  
Яхшиям куррамиз бахтига сен бор,  
Ҳимоянга тинчлик — башар номуси.



Буюк дафтаримиз осмон, ер, олам,  
Ўзлигимиз ўша дафтар аро жам,  
Кўкка юлдузларни, ерга рангларни  
Кўзимиз бетўхтов чизувчи қалам.



Тун қўйнида ўлкам қишлоқ, шаҳари,  
Ойна — кўзлар порлар, уйғоқ уй бари,  
Шу чоқ юлдузларга боқсам кўнглим дер:  
«Улар олам уйин деразалари».



Нодонлар гердаяр хода ютгандек,  
Донолар юришар доим бош эгик,  
Кифтига бир хил юк қўйса-ку даврон  
Нодон синиб кетар, доно қолар тик.



Биров тиклаб тетапоя этади,  
Биров оёғингдан чалиб кетади,  
Босилган майса ё қаддин тиклайди,  
Ё тупроқ ичида қолиб кетади.



Афандига бир кун мақтанди подшо;  
«Ҳеч қандай камим йўқ, ҳамма нарсам бут».  
У деди: «Тақсирим сўзлари хато —  
Йўқ-ку ўзларига аталган тобут».



□  
Қўлингда оқ йўргак шод кўтарибсан,  
Шу йўргак ичида ҳаёт кўтарибсан,  
Тунов кун ўзинг ҳам йўргакда эдинг  
Бугун она деган от кўтарибсан.

□  
Сочим занжирида ажабо оқ занг,  
Кўз демиш: кўзгумда артилмагай чанг,  
Вақт деган эговдан тирналган юзим,  
Чархланган ақлимнинг тифига қаранг.

□  
Оқимда шиддату қирғоқда бардош,  
Оҳуси ҳуркагу тоғ ўзи ювош,  
Туганмас қўшиғин тўхтатмас ҳеч сув,  
Бузмайди абадий сукутини тош.

□  
Назм осмонида ким юлдуз, ким кун,  
Дилимга улардан тушган бир учқун.  
Уриниб ётаман шу учқун билан.  
Мен ўзга дилларга ўт бермоқ учун.

□  
Илтифотинг керакмас сенинг,  
Утган ишқдан очма энди гап,  
Кулдирмоқчи бўласан нечун  
Ханжар билан мени қитиқлаб.

□  
Соғлигим — давлатим, вужуд — қўрғоним,  
Унга ҳамла этар ҳар вақт дард — ғаним,  
Ичда ҳис-лашкарим бебошлик истар,  
Лек барин даф этар ақл султоним.

□  
Ким менга пайғамбар, ким менга худо,  
Баҳолаб уларни дердим зўр жуда.  
Суриштириб билсам худди ўзимдек  
Улар ҳам кўп файзли камолдан жудо.

□  
Ҳар мақсад юртига ёшлиқдан оч жанг,  
У сеники ғайрат туғин кўтарсанг,  
Жисминг дони ерга кирмасдан, шошил,  
Уруғ эмассанки, кўмгач кўқарсанг.

□  
Сўзни қилсанг доим ширин ва зариф,  
Эл сени эъозлар бошга кўтариб,  
Совуқ сўз уруғин эксанг мабодо,  
Жонингга қасд қилар, душман кўқариб.

□  
Иккиси умрга ясади якун,  
У қисқа яшади, бу эса узун.  
Умрлар мазмуни ўлчанган куни  
Узун қисқа бўлди, қисқаси узун.

□  
Ачкиқдан вақт ўтиб совушинг мумкин,  
Ғамни қалб уйингдан қувишинг мумкин,  
Виждонда дард доғинг бўлса, у ёмон,  
Ундан бошқа доғни ювишинг мумкин.

□  
Пахтаг доврўқ солса, бу — сенинг шонинг,  
Ахир, сен отаси ўша пахтаинг,  
Толасига қара, оппоқ кўнглингдай;  
Тани баайни кунда куйган баданинг.

□  
Жонбахшмиш белингда тўлқин урган соч,  
Дерларки, кўкаргай ул теккан оғоч,  
Кўнглим ниҳолига сочинг хаёли,  
Нечун, зарпечакдек бермас ҳеч ривож?

Комил ишонч билан айтиш керакки, асримиз та-  
рихга Ленин ва Эйнштейн асри бўлиб киради. Чунки  
улар улкан ишлар синтезини; бири — фан соҳасида,  
бири — амалиётда, ниҳоясига етказишга эришишди.

Бертран РАССЕЛ,  
Англия.

Мен табаррук кишиларни ҳурмат билан тилга  
оламан ва Ленин шахсияти қаршисида таъзим қи-  
ламан. Европада ундан бўлак қудратли, ўзига хос  
инсонни билмайман.

Унинг иродаси сўлғин инсониятнинг мудроқ ден-  
гизини шу даражада тўлқинлантириб юбордики, бу  
тўлқин барча елканларини ёзиб, янги дунё сари ин-  
тилаётган енгилмас кема ортида ҳосил бўлган мавж-  
ларга ҳамоҳангдир.

Ромен РОЛЛАН,  
Франция.

# Юлдуз кўкда сўнади

18

Тиркашнинг уйи кўпдан бунақа гав-жум бўлмаганди. Эрталабданоқ Тўра Алиевичнинг ҳол сўраб кетганлиги, ошна-оғайнилариининг келиб-кетаётгани кўнглини кўтариб юборди. Тушга яқин Қўрғонжар билан Қоратошдан келган қариндош-уруғлари орасида Нуруллани кўрди-ю, кайфияти ўзгарди.

Унинг шубҳаланиб тикилаётганини Нурулла ҳам пайқади.

— Нега бундай қараяпсиз, ўтоғаси? — деди илжайиб.

— Сенинг бир уканг бориди-я, оти Муҳаммадмиди?

— Ҳа бор...

— Тили мункисроқ...

— Мункис.

— Кеча уйдаями у?!

— Касал ётган одам бирон ёққа боргич эдими?

— Тўғрисини айт, қилвир!

— Ним... нима деяпсиз ўзи, уйда ётипти у!..

Нашъали суҳбатнинг бирданига бу томонга айланиб кетиши ҳаммани ҳанг-манг қилиб қўйди.

— Букрини гўр тузатади, Тиркаш! — деди Ҳожи аччиқланиб. — Ҳалиям ўша-ўша тентаклигингча қолипсан. Биз сендан ўғри номини олиб кетиш учун эмас, оғайни-қариндош деб, ҳол сўраб келдик! Укасининг инқиллаб ётганини ўзим кўрмаганимда бир балони биларсан дердим...

— Куёвингга тарафкашлик қилиб бўкирма! — Тиркашнинг ҳам зардаси қайнади. — Катта карвон недан кўчса, кичиги ҳам шундан кўчади. Буниси туғаси қилвир эди, униси қаёққа борарди! Касалми, соғми деб сендан сўраганимча йўқ!

ҚИССА<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонда.

— Уйга келгани ит қопмас, Тиркаш,— жанжални босиш учун гапга Парда сўфи аралашди. — Ўзингни бос, чирақай. Ит ҳурганни ўғри деб тутаверсанг, тўғрини қайдан топасан.

Бошқалар Тиркашнинг гумонини тасдиқлашмаса ҳам, кўнгилларида уни нималардадир ҳақ деб билишмоқда эди. Ҳеч бўлмаганда Нурулланнинг қилвирлиги рост. Аммо жанжалга аралашмасди. Ҳожи ҳар икки томонга бирдай қуда: бир қизи Тиркашнинг ўғлига, бир қизи Нурулланнинг укасига тушган. Орага бошқаларнинг суқулиши — ака-укаларнинг ғиди-бидисига аралашгандай гап. Ака-укалар ярашиб кетишару, ўртада ўзининг ёмонга чиқиб қолишидан чўчишарди.

Тиркаш ҳазилакам қизишмаётганди. Кўнглида қароқчилардан бири, Нурулланнинг ўзи бўлмаса ҳам, унинг укаси деган ишонч милтилларди. Тундаги ҳаёт-мамот курашини ўйлаганида, дилида унга нисбатан тарафсиз бир адоват ўти ёнмоқда эди. Бу ўт шунчалик гуриллаб аланга олаётгандики, у яна бирпас уйида ўтирса, бирор кўнгилсиз гап айтиб қўйишини ҳис қилиб турарди.

— Ҳозирча сенга кўзим учиб тургани йўқ, — деди Нуруллага. — Тур иззатинг борида жўнаб қол!

— Буни ҳайдасанг, биз ҳам кетамиз, якка мохов тентак! — зарда қилди Ҳожи.

— Кетмасанг, ўтиб кет!

Ҳожи «биз ҳам кетамиз», деб дағдаға қилганига қарамай, Нурулда иккаласидан бошқа ҳеч ким жойидан қўзғолмади. Улар чиқиб кетишганидан кейин гурунг ўз-ўзидан жонлана бошлади. Лекин аввалги қувноқ кайфият тикланмади.

— Ҳожи қанча илиқ ёпмасин, Нурулла дўм яхши одам эмас, — деди анчадан сўнг Тиркаш. — Қўлидан келса хон бўлгиси бор, қизта-лоқнинг. Ҳозирги қийинчиликлар вақтинчалик нарса. Ҳадемай, пошис ер тишлар, бу кунлар ҳам ўтар... Лекин мен бир нарсага тушунолмайман: шундай қийин дамларда нега одамлар ҳимоясиз қолаётир? Биров йўлтўсарлик қилиб одамларни ўлдиради, кимлардир ҳеч нимадан қўрқмай босқинчилик қилади... Ёмонларнинг жилови шунақа бўш қолганми?!

Унинг гапи Парда сўфига ёқмади. Одатига хилоф равишда жеркиб ташлади:

— Шаҳар ҳалиям бедарвоза эмас, Тиркаш! Қўпчилик ўтирган жойда кимни биров талаяпти, чирақай? Тоғ бўрисиз бўлмайди: битта-иккита айниган чиқса, вақти билан йитиб кетади. Айбни нуқул бошқа ёқлардан қидирасан-да, мундоқ ўзингга қарамайсан. Таъна қилмоқчи эмасману ўзингда ҳам бор, чирақай...

— Сурувдан чиққан қўй қашқирнинг емиши,— деди чоллардан бири тарсиллатиб.

Шу билан Тиркашнинг дами ичига тушди. Беихтиёр Қорақушнинг бағрига кўчиб келган пайтларини эслади. Ушанда у ҳеч кимнинг гапини қулоққа олмай, ўз билигича иш тутди. Мана, оқибатини ҳам кўрди! Хайриятки, бу гал ҳаммаси яхшилик билан тугади.

## 19

Тиркаш Маъмурга ўрганиб қолган экан. У билан чуғурлашиб, вақтининг қандай ўтганини билмай қоларди. Ҳожи жаҳл устида уни ҳам ўзи билан олиб кетди. Марварид оғриниб жўнатди. Нафсилабирини айтганда, олиб қолишнинг иложи ҳам йўқ эди: кейинги пайтларда невараси онасини тез-тез эслайдиган бўлиб қолганди. Устини бут, қоринини тўқ тутиб, ҳар қанча эъозлашганида ҳам ота-она ўрнини босишолмасликларини у аллақачоноқ сезган эди.

Маъмурни жўнатгач, кўп ўтмай Тиркаш гаранг қўйга ўхшаб қолди: дам уйга киради, дам ташқарига чиқади. Мутлақо иши бўлмагани ҳолда уйнинг қайсидир бурчакларида тимирскиланиб, ниманидир узоқ

кидиради. Пахсага лой қориб чарчагандай, тез-тез уф тортади. Узининг аҳволи уникидан енгил бўлмаса ҳам, Марвариднинг чолига ичи ачирди. Тасалли берадиган сўз топиб айтолмай мунғайиб ўтирарди. Хайриятки, эртасига Тўра Алиевич уч-тўртта ўтин кесувчини унинг уйига қўйди. Бекор пайтларида шулар билан гурунглашиб, вақт ўтказадиган бўлиб қолди...

Малик кўр Маржонсойга яна серқатнов бўлиб қолди: дастлабки келишида йўлтўсарлар тўғрисида у-бу нарсаларни сўраб, ўзича тергов ўтказган бўлди. Кейин терговчи чақиряпти деб, Тиркашни Еттисойга олиб кетадиган одат чиқарди.

Терговчи ҳам бошқа. Қишда келган тулки тумоқлиси ўрта ёшлардаги мулоҳазали, муомалали одам эди. Тиркаш унга катта умид боғлаганди. Аммо умид-ишончларини сувга оқизиб, йўқ бўлиб кетди у. Буниси анчагина ёш ва ҳарбий кийимда. Узини тутишими, муомаласими Тиркашга бошданоқ ёқмади. Шунга қарамай, чақиртиганида икки-уч марта борди. Кейин жини қўзиди: ким у ўзи Тиркашни ишдан қолдириб шундан шунга ҳадеб овора қиладиган? Йўлтўсарлар-ку, қутулиб кетди, нега энди унинг бошини айлантиришади? Кошки жўялироқ нарсаларни сўрашса: йўлтўсарларнинг бўйлари, устки кийим ва отларининг ранги, ҳовлисида из қолганми-йўқлиги, оёқ кийимлари ва шунга ўхшаш бетайин саволлар. Нимага керак энди булар? Керак бўлса уларни тезроқ ушла, биласан, қўясан!

Назарида, терговчи ўзидан ҳам шубҳаланаётганга ўхшади: негадир қишдаги воқеани суриштириб қолди. Тагдор саволлар беради. Ишқилиб Малик кўрнинг ишимасмикан бу, деган фикрдан зардаси қайнарди. У ҳамма нарсага чидаганида ҳам, ўғри ва қотилларга шерик деб гумон қилишларига чидамасди.

Терговчи Тиркашда ишончсизликка ўхшаган мубҳам бир туйғу қўзғаб қўйди. Хаёлида жинчиноқ липиллаётган қутсиз хонада ёлғиз ўзи-ю, кигизга ўралган совуқ жасад ётган ўша узун ва долғали қиш оқшоми тез-тез гавдаланадиган бўлиб қолди. Вужуди қақшаб, кўз олди ғуборланарди. Бари бир кўклам дарёсидек кўпириб жўшаётган ғазабини жиловлаб юрди. Кейинги боришидагина ўзини тутолмай терговчига бобиллаб берди:

— Катта бўлсанг, иним, бу ерда ўтирма! Шубҳаланаётган бўлсанг, мени қама. Бўлмаса тоққа чиқиб; қотил ва ўғриларни ўзинг қидир. Бўлмагур олди-қочдиларинг билан бошимни қотирма, ишимдан ҳам қолдирма... Гап шу!

Бунини кутмаганим ё рўпарасида қўрқиб, юраги ўйнаб турадиган жиноятчиларни кўравериб ўрганиб қолганми, терговчи шошиб қолди. Бирор гап айтгунича бўлмай, Тиркаш эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқди кетди...

Уни бошқа безовта қилишмади. Эртасига Малик кўр билан терговчининг ўзи Маржонсойга чиқиб борди. Марварид билан суҳбатлашиб, ўқ еган отнинг терисини кўришди. Йўлтўсарлардан бирининг талаффузи бошқачароқ эканлигини аниқлашди. У бошқа нарса айтолмагач, Тиркашни қидириб Қорақушга чиқишди. У ҳам ийиб кетиб от йиқилган, ўзи бекиниб ўқ узган жойларни, қароқчилар қочган томонларни батафсил кўрсатди. Саволларига билганича жавоб берди.

Терговчи кетишлари олдида:

— Яна бир нарсани сўрасам, отахон... — деди тортиниб. — Момонинг айтишича, ўғрилардан бири «и»ни чўзиб, «а»ни «о»га ўхшатиб гапираркан. Сиз бунини пайқамадингизми?

— Биттасининг тутилиброқ гапирганини пайқагандай бўлдим...

— Хўш-хўш? — у ниманидир шошиб ёзиб олатуриб туртки берди.

— Билмадим яна...

— Уйингизга бостириб кирганлардан биронтасини... Умуман, бу ишда бировдан шубҳангиз борми?

Тиркаш ўйланиб қолди. Кўнглида йўлтўсарлардан бири бари бир Мухаммад папув эди, деган фикр айланарди. Аммо ундан шубҳалани-

ши учун тайинли асоси йўқ эди. Қайтага оқлайдиган сабаблар кўпроқ: Папув ёшлигидан найнов ва қўрқоқ эди. Йигит бўлганида ҳам бу қурсурлари сақланиб қолди. Анчайин ишларни эплаёлмай шерикларига майна бўлиб юрди. Уни армияга ҳам олишмади, охири ишдан ҳам кетди. Ҳеч ким қиз бермаганидан, анчагача уйланомай юрди. Замон оғирлашиб кетганиданми ё ўтириброқ қолганиданми, Нурулла ундай-бундай қилиб, Ҳожи билан қуда бўлиб олди. Шунақа қўрқоқ ва найновни ўзларига шерик қилиб юрадиган ўғрилар қанақа аҳмоқлар экан? Йўлтўсар бўлиш учун ҳам от бошидай юрак, ҳеч бўлмаса, чақмоқтошникича олов керак!

У шундай хаёллар билан юрагини қуртдай кемириб, тинчини бузаётган шубҳаларни енгди. Аввал Малик кўрнинг «гул» тушган кўзларига, кейин терговчига қаради:

— Йўқ! — деди савол ва эътирозларга ўрин қолдирмаслик учун бош чайқаб. — Ҳеч бирини танимадим. Бировдан шубҳам ҳам йўқ...

Бу терговчи ҳам бирор иш чиқаролмади чоғи, қайтиб кўринмади. Ўғриларнинг дарағи чиқмади. Тиркаш эса ўзининг одатдаги ишлари билан банд бўлиб кетди. Аммо дилида қандайдир бир нохуш тугун пайдо бўлиб қолди. Тоғ-тошларда юриб кўнглининг чигалини ёзмоқчи бўларди, бироқ ўтириб хаёлга толарди. Утмишининг ёрқин ва губорли хотиралари оғушида изтироби ортса ортадики, сира камаймасди. Кўксида ҳўл тарашадек биқсиётган нохуш фикрларнинг қаердан пайдо бўлаётганини бари бир аниқлай олмай димиқиб кетарди.



Қоратошдан келган айтувчининг: «Нурулланинг укаси қайтиш бўлди» — деганини эшитганида, Тиркашнинг дилини ўртаётган мубҳам туйғулар бирдан йўқолгандай бўлди. Ўзидан нафратланди. Алдоқчи ҳиссиётлар ва асосиз шубҳалар билан ўлим тўшагида ётган кишидан гумонсиранидан афсусланди. Қон-қонига сингиб кетган жиловсиз тезоблик жазавасида шайтон васвасасига учмаганига шукр қилди. Терговчига ўз гумонини айтиб қўйганида борми, ҳозир ҳолига маймунлар йиғларди. Эл бирор нима демаганида ҳам, ўз виждони олдида чала бўғизланарди у.

Оёғи тортмаса-да, таъзияга борди. Йўл бўйи Нурулланинг ўзига не кўз билан қарашини тасаввур қилолмай боши қотди. Таънали боқишлар ва дашномларига қандай чидашини ўйлаб, юраги пўкилларди. Лекин ўйлаганидек бўлмади. Афтидан, Нурулла ўзи билан ўзи бўлиб қолгандек эди. Эл қатори унинг ҳам фотиҳасига қўл очди-ю, Тиркашлигига эътибор бермади чоғи. Юзидан на нафрат ва на ҳамдардлик билдиргани учун миннатдорликни уқиб бўлди. Ерга қараганича мум тишлаб ўтирарди...

Одамлар даврасида Тиркаш беихтиёр бир нарсани пайқаб қолди: ҳассакашлар саноқлигина бўлишларига қарамай, ҳеч ким, ҳатто Нурулланинг ўзи ҳам укасининг ўлимига астойдил қайғуриб йиғламаётганди. Садр теппишаётган аёллар ичида фақат бир киши — Муҳаммад папувнинг хотинигина овоз чиқариб турарди. Бошқаларнинг йиғиси шайтон йиғиси, хатти-ҳаракатлари расм-таомилларни бажо келтириш учун йўлигагина қилинаётганди. Ҳамқишлоқлар уй олдидаги ялангликда жимгина бош эгиб ўтиришарди. Йигитнинг ўлимидан кўпроқ изтироб чекаётганлар шулар эди.

Қариндошнинг қадрини қора кунда биласан. Марҳумнинг қариндошларидаги сохтакорлик Тиркашга ёмон таъсир қилди. У Нуруллага сездирмай бир-бирларига им қоқаётган, одамлар келган пайтда кўзларини тупуклаб, йўлига овоз чиқараётган ҳассакашлардан юз ўгирди. Бу Дўм қариндошларининг ҳам жонига теккан экан-ов, ўйлади бошини эгиб. Маросим охиригача гарангсиб ўтирди. Уликни чиқаришаётганларида ҳам, жаноза ўқилаётган пайт ва мазор бошида ҳам бирортасига қарамади. У негадир «бунақа сахтакорлик қирқларда бўлади, турк-

манлар бир-бирига меҳрибон», деб юрарди. Аммо Нурулланинг қариндошлари, Тиркашнинг назарида, ўз ўликларини итнинг ўлигича кўрмай, хор қилишаётганга ўхшади...

Мозорбошидан қайтишаётганларида ёнида келаётган қоратошлик қарияларнинг бири шипшиганидагина хушини йиғди.

— Биласанми, Тиркаш... — деди у паст товушда. — Ҳеч ким кирмаганидан кейин савоб учун мен кириб, мурдашўйлар ёнида жасадга сув қуйиб турдим. Бола бечоранинг ичи тўкилиб бўлган шекилли, у ёқ-бу ёққа олганларида шилқиллайди. Унг оёғи чўрт синган, пўст ичидаги синиқ оғочдай терида осилиб турипти....

Тиркаш унга олайиб қаради. Бу қарашда таъна назари ҳам, ғийбат қиляпсанми дегандек ёқтирмаслик ҳам, пинҳона қизиқиш ҳам бор эди. У индамагач, қария давом эттирди:

— Калтак еган, бола бечора... Биласанми, Нурулла дўм илгарилари ҳам уриб турарди уни. Қаттиқ урарди. Калтак зарбидан ўлган бечора...

— Урганини биров кўриптими? — гапини бўлди Тиркаш. — Ё хотини айтиптими?

— Хотиниям билмайди буни. Биров билмайди... Уша куни хотини отасиникида экан. Келса, биласанми, бола бечора қорнини босиб ингрармиш. Оёғи пайраха билан танғилгану, нуқул қорним дермиш. Нурулла дўм кўни-қўшниларига «бир ўзи бир уйда қолиб, укамга жин теккан», деганмиш. У қанақа лаънати жин эканки, бола бечоранинг ичини тўккани етмагандай, оёғини ҳам синдирса...

Яқингина жойдан Нурулланинг томоқ қиргани эшитилгач, орқа-олдига қарамай вайсаётган чол жим бўлди. Тиркаш ўгирилиб Нуруллага қаради. Унинг кўзларида акс этаётган ғазаб бир лаҳзадаёқ эриб, ғалати мунғайди. Бу аломат чолнинг гапида жон борлигига Тиркашни ишонтирди. «Аблаҳ! — деди ичида. — Бир эмчакни иккаласи талашиб сўрганини билиши лозим эди, аблаҳ! Бунақа одамлар онасининг бошини кесишдан ҳам тойишмайди!»

Кайфи баттар бузилди. Қайтиб яна Нурулланикига боргиси келмай шу ернинг ўзидан Маржонсойга жўнаб кетди.

## 20

Баҳорнинг серёмғир, рутубатли кунлари бошланди: баъзан кунлаб ёғса, баъзан шунчаки севалаб ўтади. Осмон гоҳ қўрғошинсимон оғир қора булутлар билан қопланса, гоҳ бир чети шишадай тиниқ, бир чети тутунсимон булутлар билан қопланган бўлади. Баъзида олачалпоқ булутлар бутун самони қамраб, «қашқир туғди» ёмғирлар бўлади. Ёмғир шаррос қуйганида энди бу тўхтамайди деган хавотирда уйга қочмоқчи бўласану, йилт этиб қуёш чиқади. Кўкда етти рангли кама-лак товланади. Тоғлар бағрига ажиб бир сокинлик чўкиб, «ҳа» десанг овозинг бир неча марта акс садо қайтаради. Упкани тўлдириб-тўлдириб нафас оласан. Намланган устки кийимларни ечиб селгитмоқчи бўласану, яна шатир-шутир ёмғир бошланади. Баҳор ана шу субутсиз ва алдоқчи ёмғирлари билан ҳам кўнгилга ажиб бир ором беради.

Тиркаш молларини кўпинча Қорақушсойдан ташқарига чиқармасди. Бир сойда юравериш ҳам кишининг жонига тегаркан. Ут белга уриб турганига қарамай, ўша куни у эчкилари билан сигирларини Чўққали орқали Қаримсойга ўтказди. Қорақушсойда ёмғир бўлса тошларни паналаш мумкин. Қаримсой яккам-дуккам ёввойи дарахтлар ва буталарни ҳисобга олмаганда буткул яйдоқ. Бу уни аҳдидан қайтаролмади. Бахтига осмон қовоқ солиб турса-да, деярли ёмғир ёғмади. Эгни-боши сал ивигандай бўлди-ю, дарров селгиди. Туш бўлмаёқ эчкиларнинг қорни тўйиб, ёталоқлаб қолди. Уларни тўплаб, қулайроқ бир жойга ётқизди-да, тушлиги учун қўшимча овқат сифатида замбуруғ тера бошлади. Аллақайдан уйига келиб қолган «солдатча қозон»ни

доимо ўзи билан олиб юрарди. Сув, туз бор, замбуруғ мўл. Вақтида табиатнинг бу неъматидан ҳам баҳраманд бўлмоқ керак. Тоғларда кўзиқорин каму, ейиладиган замбуруғлар мўл бўлади. Тиркаш учун уларнинг фарқи йўқ. Ҳаш-паш дегунча ўзига кераклисини йиғиб олди. Булоққа яқинроқ жойга тош қалаб, қозончасига ўчоқ ясаётган пайтда ўтинчи йигитлардан бири етиб келди. Кўринишидан нашъаси суст.

Тиркашнинг юраги шувиллади. Бебитга ё Марваридга бирор нима бўлдимикан деб ўйлади.

— Нега келдинг? — сўради ҳавотирланиб.

— Ўзим... — у кўзини олиб қочди.

— Конга ўтин керак бўлмай қоптими?

— Ўтин-ку керак... Сиз уйингизга бораркансиз...

— Нега?!

— Биламадим. Бировлар сўрашяпти...

Хаёлига терговчи билан Малик кўр келиб тўнғиллади:

— Қўлларидан бир иш келмайди-ю, одамларни овора қилиб юради булар. Сен, — деди ўтинчига. — Ука, манови нарсалар билан тамадди қилиб тур. Тезда қайтаман.

Йигит индамади. Тиркаш йўлга тушди Маржонсойнинг ошувига чиққанида уйи томондан аччиқ-аччиқ йиғи товушларини эшитиб, қулоғини динг қилди. Юраги шувиллаб, тепа устида тўхтаб қолди. Ҳовлисида эркак-аёл оломон. Дарвоза ёнида Бебит бошлиқ беш-олти киши ҳасса тутиб йиғлашаётир. Ёттисой томондан эшакли-пиёда одамлар келаётир. Баъзилари қайтиб кетишмоқда.

Нима ҳодиса юз берганлигини Тиркаш дарҳол пайқади. Уйга тушсамми-тушмасамми деган аҳмоқона бир фикр миясидан липиллаб ўтди. Қачонлардир юрагининг бир парчаси бўлиб яшаган одам энди ёруғ дунёда йўқлигини англагач, томоғи ғиппа бўғилиб, нафасидан адашди. Кўз олдида турли ранглар, оловсимон эгри-бугри чизиклар айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Ўзини куч билан кўлга олди-ю, бари бир кўзи тиниб, номаълум бир куч етагида гандираклаб ҳовлиси томон қадам ташлади. Бусиз ҳам ғуборланиб турган осмон яна ҳам қорайгандай, оёқлари остида эзилиб-янчилиб қолаётган гуллар шакл ва рангини йўқотгандай, ўзи эса юриб эмас, қандайдир бўшлиқда учиб кетаётгандай эди. У Мамаражабнинг ўлимига қандай муносабатда бўлишини билмасди. Оқ қилишга қилганди-ю, лекин қачондир мотамида қатнашиши кераклигини сира ўйламаганди. Назарида, у ўлиши мумкин эмасдай эди.

Тиркаш ўзини учиб кетаётгандай ҳис қилса ҳам жуда имиллаб юраётганди. Кўнглида, ўлса ўлипти, уруш қурбонсиз бўладими, деган мужмал фикр айланса-да, юрагини шафқатсиз бир темир қўл чангаллаб турарди. Шунга қарамай, қайсарлик билан ўзини бепарво тутишга интиларди. Тиловбердиннинг қабри ёнидан ўтаётганида мозор тепасига илиб ташланган олақуроқ латта-путталарга нигоҳ ташлади. Аслида, бу ҳам уруш қурбони, деган фикр ўтди хаёлидан.

Фикрлари бир-бирига зид эди. Зиддиятлар гирдобида ўртанаётган бўлса ҳам, кўнглида Мамаражабнинг номини тилга олгиси келмасди. У — оқ қилинган ўғил! Оқпадарни тавфиқли оталар ҳеч қачон фарзанд ҳисобламаганлар. Лекин ўша оқ қилинган ўғил бари бир унинг пушти-ку!...

Ўқсиб-ўқсиб йиғлаганича бўйнига осилган Бебит фикрларини пардек тўзитиб юборди. Ён-атрофларида катта-кичик бошқа қариндошлари уввос тортишарди. Негадир уларнинг товуши Тиркашга олисдан, жуда олисдан эшитилаётгандай бўларди. Йиғи-сиғилар орасида аёлларнинг ҳам овози бордек эди-ю, уларни кўрмасди. Кўзидан иримига бир томчи ёш ҳам, томоғи ғиппа бўғилганидан, овози ҳам чиқмади. Ўртада шох-бутоқлари каллакланган ғўладай қарахтланиб турарди. Бир маҳал:

— Қўйинглар, чирақайлар! — деди Парда сўфи овози титраб. — Ҳар иш бўлса худодан... Ёвнинг уйи куйиб, ер билан яксон бўлсин! Қўйинглар энди!

Уни Ҳожини қувватлади:



— Бўлди, Бебитжон, қўй энди... Сени акангдан айирган душманнинг боласи йиғласин!..

У ўқиб, гапини давом эттиролмади. Бебитнинг қулоғига одамларнинг гапи кирмасди.

— Жигаримдан айрилдим!! Жигарим!!! — дерди зор қақшаб.

Ҳарқалай кексаларнинг аралашуви билан Тиркашни ўраб йиғлашаётганлар чекинишиб, дарвоза ёнига тош қалаб тайёрланган жойларига кетишди. Тиркаш ҳам довдираганича ҳовли деворига суяниб, шундоққина ерга ўтириб олди. Парда сўфи билан Ҳожи уни ўрнидан турғизиб, ҳассакашлар ёнига ўтқазимоқчи эди унамади. Шундан кейин таъзияга келган кексалар рўпарасига чўк тушишиб, шу ернинг ўзида фотиҳа ўқий бошлашди.

У фотиҳага қўл очмади. Тошдай қотиб, қимирламай ўтираверди. Буни таъзия билдиришаётганлар бошқача тушунишди: шўрлик ўғлининг ғамида қарахт бўлиб қолган, деб ўйлашди. Сидқидилдан ачинишди. «Одамда бўлади» деб қўлларидан келганча тасалли берган бўлишди. Бироқ Тиркашнинг қулоғига бу гапларнинг биттаси ҳам кирмади. У эшитганларини ҳам идрок қила оладиган ҳолатда эмасди...

Қўк юзи тунд, ҳаво намхуш. Оқиш ва қуюқ булутлар юзида уйнинг мўрисида чикаётган дудга ўхшаш қорамтир доғлар сузиб юрарди. Тиркашнинг дили ана шу доғлардек қора эди. Ҳовлидаги хотин-халажнинг ўқик йўқлови юрагини эзиб юбораётганди: биров отасини, биров ака-укасини, яна бири ёрини йўқларди. Улар орасида Марвариднинг овози алоҳида синиқ жарангларди. Тобора гунгурс тус олаётган тоғларга урилиб, ҳазин ва мунгли акс садо берарди.

Қорақушни қора босди, ёрқиним,  
Қора тошни бало босди, ёрқиним,  
Совуқ хабар вужудимни ўртайди,  
Юрагимни яра босди, ёрқиним.

Ҳар маросимнинг ўз ярашиғи — сабабчиси бўлса тузук. Тўй қилсангу сабабчиси бўлмаса, ўша тўйдан ҳунуги бўлмайди. Азада ўликнинг кўз олдинда ётмаганидан алҳазар! Марвариднинг жизғанак бўлиб қуяётгани бир томони шундан эди...

Бир маҳал Тиркашнинг қулоғига Гулсаранинг овози чалинди. Ажаб бир тарзда сергак тортди «Вой акам, вой акам» деб нола қилаётганини аниқ эшитгач, кўзларига қон қуйилиб, ўрнидан туриб кетаёзди: «Оҳ-войини уйда қилавермайдими, ўша... Бу ерда нима бор унга! Тиркашнинг хонадони тортаётган ҳамма кўргуликларга асли шу бетовфиқ сабабчи-ку! Яна овозини қўйиб акамлашини!» деди хаёлида алам билан. Вақтида ўзини тутиб қолди. Бошқа пайт бўлганида, сочидан судраб чиқиб, дарвозадан улоқтириб юборармиди. Афсуски, пайти эмас.

Бетоқатланиб атрофига қараганди, ёнида мунғайиб турган Маъмурни кўриб қолди. Ҳовлидаги қий-чув бола бечорани саросимага солиб қўйган бўлса керак. Бошқалардай ҳўнграб турмагани сабабли турарди. Бу қараш Тиркашнинг кўнглини эритиб юборди.

— Кел, чирогим! — деди ҳорғин қўл чўзиб. — Келақол...

Бир оғиз ширин сўз боланинг Маккаси, кулиб турган юз — Қаъбаси. Маъмур бунга жуда ҳам муҳтож эди. Бобосининг эътибори қалбидаги ғуборни супуриб ташлади. Қучоғига отилиб эркаланди:

— Равочга олиб чиқмайсизми, катта ота? — деди бижирлаб.

Тиркаш Ҳожи билан жўнатаётганида пайтини топиб унга «янаги келишингда равочга олиб чиқаман» деганини эслади. Унутмабди бола. Ҳозир олиб чиқақолса-чи? Бу ерда жигархўн бўлиб ўтиришидан нима маъни бор? Ўзига алоқаси йўқ маросимда боғловдаги тозидай мунғайиб ўтириши шарт эмас-ку! Ортидан ҳар хил гаплар бўлиб қолар... Бировларнинг ғийбати билан неча пуллик иши бор?! Жағи оғримаганлар гапирса гапираверишсин!

У секин ўрнидан туриб, этагини силкиб ташлади. Маъмурнинг қўлидан етаклаб Қорақушсойга йўл олди. Ҳассакашлар ёнидан ўтаётганида ҳамма, ҳатто Бебит ҳам унга ажабланиб қаради. Лекин ҳеч ким йўлини тўсмади. Бунга журъати етадиган одам топилмади.

## 21

Торгина сўқмоқдан юқорилагани сари Тиркашнинг дилхиралиги ортиб борарди. Вужудини белгисиз бир юк шафқатсиз эзар, қаёққа ва нима учун кетаётганини тамом унутган эди. Сал илгари кўксига невараси ташлаган нур сўнган, атрофга сокин ва лоқайд боқарди. Маъмур тез-тез чарчаб, шундоққина сўқмоқ ёқасида нафас ростлашади. Кейин яна йўл. Тиркашнинг хаёллари шу сўқмоқдай узайиб, боши-кети кўринмасди.

Бир маҳал Маъмур қўлидан орқага тортиб:

— Равоч термаяпмиз-ку, катта ота, ана равоч, — деди чарчоқ оҳангда.

Дарҳақиқат, ҳамма ёқни равоч босиб ётарди. Равоч ва юракнинг қонидай қип-қизил лолалар! Бири ҳорғин таналарга мадор, бири кўзларга қувонч беради. Бироқ, равоч таъмини туйиб Тиркашнинг оғзидан сўлакайи оқмади. Бўзариб турган намхуш ҳавода лолаларнинг ранги қора тортиб, уни одатдагидек қувонтирмади. Боқишларидаги сокинлик ва лоқайдлик беором жавдираш билан алмашди-ю, қалби тош қотиб тураверди. Неварасининг сазасини ўлдирмаслик учунгина оғир энгашиб, йўл ёқасидаги равочларнинг ўзагидан бир-иккитасини синдириб берди. Кейин уни етаклаб, яна юқорига илгарилади.

Бир замонларда кўзини йўсинлардан тозалаб, ташналигини қондирган булоқ бошига етгач, Маъмурни ўз ҳолига қўйиб юборди. Оғир-оғир қадам ташлаб бориб, булоқ бошидаги ясси тош устига ўтирди ва хаёлга толди: «Парда сўфининг боласидан қорахат келганида шўрлик куйиб кетаёзди-я!» У фикр хаёлида учқундай йилт этди-ю йўқ бўлиб кетди. Ўйлари зумдаёқ бошқа томонга чалғиди...

Шаффоф суви шундоққина этагидаги кичкина ҳовузчага тушаётган бу булоқни Тиркаш ҳар баҳорда бир марта тозалаб қўяди. Ҳовузчаниям ўзи қазиган. Чанқаган моллари ёзда шундан сув ичишади. Ушанда ҳам борлик ва йўқлик чегарасида саранг бўлиб юрганди! Ушанда бу сарҳадни бузиб ўтолмади. Натижада бўридек одамлардан узокроқда ин қурди. Лекин бўри бўлолмади. Бўри бўлиш учун лоқал увлашни ўрганиш керак. У ули яшашдан нафратланарди. Ўз пуштикамаридан бўлган икки фарзандни икки кун ичида оқ қилиб юборди. Энди улардан бири йўқ! Унинг ўлимига қайғуриб, мотам тутиши керак... Уша машъум чизиққа яна келиб қолди! Бу гал ҳам нима қилишини билмайди...

Юрагининг туб-тубида чўкиб ётган алам қўрғошиндай вазмин кўринди. Билдирмайгина ҳалқаланиб, тепасини қорамтир туман ўраб келарди. Бу манзара Тиркашнинг кўнглини бир хил қилиб юборди. Бевозталаниб, ҳеч нарса билан иши бўлмай гул териб юрган неварасига қаради. Секингина ёнига чақирди.

Маъмур бепарво чопиб келди-ю, бобосининг мунг чўккан дардчил кўзларига тикилиб, тўхтаб қолди. Бир зум, атиги бир зум иккаласи бир-бирига тикилишиб турди! Кейин Маъмурнинг юзларига изтироб соя ташлаб, жажжи лаблари буриша бошлади.

— Акам ўлдими, мен сағир бўлиб қолдимми, катта ота? — деди интиҳосиз мунг аралаш синиқ товушда.

Неварасининг жароҳатланиб улгурган масъум юрагидан отилиб чиққан нидо Тиркашнинг тоқатини тоқ қилиб юборди. Унга бу фожиани элбурутдан ҳижжалаб ким тушунтира қолди экан?! Бошига кун туққанини бола фақир тушунса керакки, шунчалик дард билан гапирди! Суқрот бошли аҳмоқ чолга ўзининг барча тоат-ибодатларига туф-

лаб юбориши учун шу оҳангда бериладиган битта савол етмай турувди. Кўзларидан беихтиёр тирқираб ёш чиқди.

— Вой бола-а-а-мм! — деб юборди Маъмурни бағрига босганича фарёд қилиб. — Сағир бўлган боламм!

Тиркашнинг фарёдига тоғлар акс садо берди. Энг сўнгги сўник ва дардчил садо унинг юрагини зирқиратиб юборди. Кейин чақмоқ чақиб момақалдироқ гулдиради. Ҳирик-йирик ёмғир қуя бошлади. Бобо билан невара ҳеч нарсани пайқашмади. Бир-бирларининг пинжига тикилишиб, унсиз ёш тўкишарди...

У қанча вақт ғам тортиб ўтирганини пайқамади. Елкасидан жуда нам ўтиб кетгач ўзига келди. Уйдаги қий-чув эзиб, толиқтириб қўйган Маъмур қучоғида пишиллаб ухларди. Терган гуллари ҳовузчада қалқиб айланарди. Тиркаш уларни сувдан тортиб олмоқчи бўлди-ю, қучоғида ухлаётган неварасини озорлантириб қўймаслик учун фикридан қайтди. Қийимларидаги нам баданига совуқ ўтказаетган бўлса-да, қимирламади. Фақат бошини кўтариб, негадир яна Қорақушнинг сарчўққисига назар ташлади. Бу гал унга қандайдир нур инган, осмону заминни қуршаган қора доғлар сийраклашиб, енгилгина шабада эсарди. Ёмғир ҳам анча сустлашган. Қуёш кўринмаса-да, тоғ бағрини қоплаган ўт-ўланларда оқиш шуълалар жилва қиларди. Келаётганларида йиғлоқи боладай тумтайиб турган гуллар маъсумона жилмайиб, шабадада позли келинчакдай беозор чайқаларди.

Кўклам Тиркашнинг юрагига яқин, азалий тароватини қайта тиклаганди. Шунданми унинг лойқаланган онги тиниқлашиб, уйда юз берган ҳодисалар ва ўзининг аҳмоқона хатти-ҳаракатларини эслади. Қилмишларида унчалик ҳам ғайритабиийлик сезилмади. Чиққан қиз чигриқдан нари. Маълум сабабларга кўра оқ қилинган болаларини кўнгил чигриғида айлантириб юриши шарт эмасдек эди. Лекин лойга итқитилган ўша данаклардан бирининг мағзини қайси асосга биноан бағрига босиб ўтирганини ўйламасдан иложи йўқ эди. Буни ҳам ўйлади. Данакдаги лой мағзига юқмайдигандек туюлса-да, бу мағиз лойга итқитилган данакники. У жуда ҳам ширин эди!..

Тиркаш ўзини яна бир марта алдашга интилаётганди. Қайсарлик билан тан олмай келаётган бўлса-да, кейинги ойларда вужудини соғинчга ўхшаш қандайдир бир туйғу ўртаб юрди. Шу туйғу уни беором тентиратиб, тажанглигини бадтар оширган эди. Салгина илгари ҳистуйғулари ақлидан устун келиб, «Вой болам!» деб инграгани шундан эмасми?

Оқ қиладими, кўк қиладими — Мамаражаб бари бир унинг боласи. Бундан худо олдида ҳам, инсонлар олдида ҳам тонолмайди. Аммо у бир нарсани ҳисобга олмади — фарзандлари томирида ўз қони оқаётганини ўйламади! Мамаражабнинг қизиққонлиги, ўжарликлари шундан эмасми?! Лекин бирор марта Тиркашга рўй-рост ҳурматсизлик қилмаганди-ку. Ўша куни аслида, гурбатни ўзи катталаштирди: ота соқоли нягига битиб турган йигитни ерга уриб ҳақорат қилди.

Боссанг қурбақа ҳам «вақ» этади. Бу ҳам ўзига хос қаршилик. Одам боласи ота олдида қурбақачалик тутмасинми ўз қадрини! Боладаги мустақиллик, аввало, ота-онага муносабатда кўринади. У ўз болаларининг мустақил фикр юритишини қанчалар истарди! Мавқеи ўзидан устун бўлган кишиларнинг тўғри-нотўғри фикрини ўйламай-нетмай қабул қиладиган, бошқаларга ялтоқланиб яшайдиган ўғилнинг зотдор тозидан нима фарқи бор? Бундай фарзандга ким ҳам орзумандлик қиларди. Вояга етган ўғлига мустақил фикрлаши учун эрк бериш керак. Эрки бўғилган одам — бахтсиз одам. Ўзи ҳам отасининг ҳамма айтганларини тўла-тўқис бажаравермасди-ку! Буни нега илгарироқ ўйлаб кўрмади?!.

Тиркашнинг ичи тўлиб кетганди. Кўз ёши қалбида патос боғлаб ётган губорни маълум даражада ювди. Энди анча осойишта фикр юрита бошлаган эса-да, ўзини-ўзи инкор қилиши ниҳоятда оғир бўлиб кетаётганди унга. Шу сабабдан жон-жаҳди билан асов тулпорнинг

тизгиндан тортиб бораётган уқувсиз чавандоз ҳолатига тушиб қолганди. Чавандоз зўр бериб тизгиндан тортади-ю, асов арғумоқ бўй бермай, ҳар томонга суриб кетади...

Кунботарга яқин шабада кучайиб ҳаво салқинлашди. Совуқ Тиркашнинг суяк-суягидан ўта бошлади. Уйига қайтиши керак эди. Ҳадемай қоронғи тушади. Бола билан сўқмоқда юриш қийинлашиб қолади.

Уйга қайтишни ўйларди-ю, ҳовлида Гулсара билан юзма-юз келиб қолишдан юраги безилларди. Баъзилар фурсатдан фойдаланиб, яраштириб қўйишга ҳам уринишар. Йўқ! Алҳазар, йўқ! Бундан кўра Тиркашнинг жонини суғуриб олсалар — рози. Гулсаранинг турқини кўрага кўзи йўқ! Мамаражаб масаласида эҳтимол, ўзидан ҳам ўтгандир. Лекин Гулсарага Тиркашнинг уйида ҳам, кўнглида ҳам жой йўқ. Эртагаёқ ҳовлисида қувиб юборади. Қилмиш — қидирмиш. Кампирчопоннинг донини еган жойда кўпиртирсин оғзини...

Совуқдан Тиркашнинг ияклари қалтирай бошлади. Ноилож неварасини уйғотди. У қаердаликларини англаёлмай, бир зум атрофга аланглади. Эслади шекилли, уйқули кўзларига ғам инди. Тиркашнинг кўзларига қарамасликка интилиб, оғир қўзғолди. Қўлидан етаклаб йўлга тушди.

Аъзои бадани совуқдан жунжикса-да, Маъмур қучоғида пайти бир нави экан. Еш ва соғлом вужуддан тарқалган ҳарорат кексайиб, шовдираб қолган танасини илтиб турганди. Йўлга тушгач, чопонининг ёқа-этакларидан ураётган шабада бадан-баданини илон ялагандай қақшата бошлади. Хаёлида эса Марвариднинг дилгир ва хаста марсияси жарангларди:

Қорақушни қора босди, ёрқиним.

## 22

Совуқ ишини қилиб бўлган экан. Тиркаш невараси билан уйига амаллаб етиб келди-ю, тўшак тортиб ётиб қолди. Уч-тўрт кун келган кетганлар билан ҳам иши бўлмади. Бебит билан Марварид ёнидан оёқ узолмай қолишди. Тез-тез Парда сўфи келиб турди. «Чирақай»лаб тепасида соатлаб ўтиради. Сал тузук бўлгач, атторнинг қутисида йўқ ривоятлардан айтиб, таскин-тасалли бера бошлайди: дунёнинг қизиқлиги, одамларнинг жўмардлиги, яхшилик ва ёмонлик ҳақида гапиради. Гап орасида Мамаражаб билан Гулсаранинг номларини тилга олиб қолади. Бундан Тиркашнинг юраги куюшиб зирқирайди-ю, эшитмаганга олади. Елғиз қолиш унга кони азоб бўлиб қолганди. Шунинг учун аввалгидай жини қўзиб, Парда сўфини ҳайдаб юборолмасди.

Дастлабки кунларда у жуда беҳуд бўлиб ётди. Тез-тез иситмаси кўтарилиб, аланган оташга айланарди. Шундай дақиқаларнинг бирида ўзини туголмай, ёнига Гулсара кирди. У отасига ҳамдардлик билдирмоқчи, ўрни келса, кечирим сўрамоқчи эди. Тиркашнинг кўзларига қон тўлиб, бўғриққан юзларини четга ўгирди. Юмган оғзини очмади. Қизининг овози чолига жаҳаннам азобини бераётганини Марварид сезиб турарди. Уни болам-бўтам қилиб, қайнотаси билан уйига жўнатиб юбора қолди.

Марварид Тиркашнинг қизидан юз ўгирганлигини қоралаёлмасди. У совчи келган пайтдаёқ: «Мамат бетутуруққа қиз бериб бошим шишгани йўқ», деганди уйдагиларга эшитдириб. Шунга қарамай, Гулсара юзига оёқ босгач, баҳридан ўтди. Буни қарангки, у ҳақ бўлиб чиқди: орадан ярим йил ўтмай Мамат қилиқ чиқариб, бир ўқитувчи қизга илакишиб қолди. Хотинига очиқчасига «Менга ўзинг осилгансан», дейдиган бўлди.

Гулсара қаттиқ янглишганини ўшандагина билди. Афсусланиб, лаб тишлади-ю, фойдаси йўқ эди. Боз устига, борадиган тўшқин бозори, кирадиган очиқ мазори қолмагандай ўртанди. Хайриятки, қайнотаси жонига ора кирди: ўғлини уришиб-сўқди, айтганлари бўлавермагач.

ўқув йили охирида кимлар биландир гаплашиб, ўқитувчи қизни бошқа ёққа ўтказдириб юборди. Шу билан оилада бирмунча осойишталик ўрнатилган кезде уруш бошланиб, Мамат фронтга кетди...

Кечга яқин Тиркаш сал тинчланиб, уйқуга кетди. Алаҳсираб Мамаражабни йўқлади ва Марвариднинг юрак-бағрини эзиб юборди. У эзилиб, сассиз-садосиз йиғлади. Эрининг юрагида марҳум ўғлига нисбатан ҳам заррача меҳр-оқибат қолмаган деб ўйларди. Хато қилипти чоғи. Қирқ йил бирга яшаб ҳам одамни мукамал билиш қийин шекилли. Ким билади, вақти келиб у Гулсарани ҳам қўмсаб қолар. Умидли дунё!..

Тиркаш аста-секин ўзига кела бошлади. Оз-оздан сут-пут ичиб, тамадди қиладиган бўлгач, оёққа туришини кутиб ўтирмай Бебитни кон бошлиғи ҳузурига жўнатди.

— Молларни тезроқ бир ёқли қилишга ёрдам берсин, — деди қайта-қайта тайинлаб.

«Иссиқ жонга ишонч йўқ, бугун борсан, эртага нима бўлишингни ким билади. Қўнғлига тугиб юрган ишларни вақтида қилиб қолгани маъқул. Қўзинг фано бўлиб кетса, ниятингни қолганлар амалга оширадими-йўқми»... Тиркашнинг назарида Бебит — ёш, Марварид, нима дегандаям аёл эди. Тайёр нақдинани қўлдан чиқаргиси келмай қолиши мумкин. Тузовчидан бузувчи кўпайиб кетади, баъзан. Кимга қандаю, мол-дунёни юракнинг ёғи деб ҳисобловчилар ҳам йўқ эмас...

Тўра Алиевич бу гал ишни пайсалга солиб ўтирмади. Тиркашнинг йўқ деганига қўймай болали сигирларидан бирини ўзига қолдириб, бошқаларини бозорга ҳайдаттирди. Пулини бузмай келтириб беришди. У бозордан келган пуллар ёнига ўғрилاردан асраб қолган ҳамма топган-тутганини қўшди-да, Бебитни яна кон бошлиғига жўнатди. Бир-икки кундан кейин касалман, деганига қўймай Тўра Алиевич уни эшакда Еттисойга олдиртириб кетди. Тиркашнинг номидан самолёт қурилиши учун мудофаа фондига икки юз ўн икки минг сўм пул топширганлиги тўғрисидаги қвитанцияни кон ишчилари орасида тантанали равишда қўлига топширди.

Тиркаш ўзи қилган ишни шунчалик мақтовларга сабаб бўлади, деб сираям ўйламаганди. Шунга қарамай, кўпчиликнинг орасида алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатишганидан қаттиқ таъсирланди. Қўнғли кўтарилиб, ўзини анча бардам сезди...

## 23

Хинагул қайнотасиникида узоқроқ туриб қолди. Ҳожи «уни жўнатишсин» деб бир-икки марта хабар юборди-ю, Тиркаш билан Марварид турли важлар билан олиб қолаверишди. Мамаражабнинг ўлими тўғрисидаги хабардан кейин иккаласи ҳам невараларига бағир босиб қолишганди. Уларни сираям Қўрғонжарга жўнатилари келмасди.

Қизини олиб боришмагач, бир куни Ҳожининг ўзи эшикдан кириб келди. Дами анчагина баландлиги сезилиб турарди. Тиркашнинг аҳволини кўриб индамади. У озиб-тўзиб кетганди. Қўра-била туриб унга жаҳл қилишни ўзига эп билмади. Кампирининг ҳалиям касаллигини, кичик қизи эплаб парвариш қилолмаслигини баҳона қилди.

— Бора-кела юрар, — деди мураса оҳангида. — Ҳар ҳолда қўлида иккита танакорларнинг бор. Сизларники улар, менга тупуклаб ёпиштиришгандаям ёпишмайди.

Тиркаш ноилож эди. Хинагулни уйда ушлаб қоладиган бирор сабаб йўқ эди. Шундай сабаб бор пайтида қойил қилганмидики, энди бирор гап аралаштирса. Қўлидан келадиган бирдан-бир ақлли тадбир — келинни яхши гаплар билан жўнатиб юбориш эди. Кирадиган эшигингни қаттиқ ёпма, дейишади. Жаҳли чиқса, Ҳожи ҳам аяб ўтирадиганлардан эмас. Нина билан битадиган ишга жуводдиз тикишининг нима кераги бор.

Келинини кузатишга Тиркашнинг ўзи чиқди. Бу у томондан кўрсатилган айрича бир иззат ифодаси. Хинагулдан сира кўнгли қолмаганди. Боз устига, «ўзим кузатсам келинга далда бўлар», деб ўйлади.

Ҳожини эшагига қизини миндириб, олдида кичик невараси Омонни, ортига Маъмурни ўтқизди. Хайрлашиб жўнашаётганларида Хинагул билан Марварид изиллашиб йиғлаб юборишди. Маъмур онасининг мурсагидан маҳкам ушлаганича мунгайиб Тиркашга қаради. Дўппичасидаги зарҳал пўпак бир томонга оғиб, силкиниб қолди.

Неварасининг қарашидagi мунг Тиркашни ўртаб, ўзини тутолмади. Кўзидан милтиллаб тўкилаётган қайноқ ёшни аввалгидек бекитмади ҳам.

Ҳожини Тиркашни бу қадар эзилган, йиғлаб турган ҳолда биринчи марта кўраётганди. Тез-тез юриб келиб, сўзсизгина бағрига тортиди. Кўзларидан тирқираб ёш чиқди. Бир хаёлида Хинагулни ташлаб кетгиси ҳам келди-ю, фикридан қайтди. Қудасининг баъзи қилмишлари ҳануз юрагида тугун бўлиб турарди. Шунинг учун бир-икки марта кифтига авайлабгина қоқди-да, сўзсиз бурилиб, орқасига қарамай кетди. Маъмур эса ҳануз бобосидан кўз узмасди. Дўппичасидаги зарҳал пўпак аста тебранарди...

Тиркаш учун ҳақиқий мотам невараларини жўнатиб юборганидан кейин бошланди. Уйда қиладиган иши йўқ. Бир сигирни ҳовли атрофига арқонлаб ҳам тўйдирса бўлади. Бу иш Марвариднинг ўзидан ҳам ортмайди. У ёқ-бу ёққа бориб, юрагини бўшатиб келишга одамлардан истиҳола қилади. Уйига эса сиғмасди. Бари бир куз билан қишни чидаб ўтказди-ю, кўклам охирлаганда унга Маржонсой торлик қилиб қолди. Дилини ўша интиҳосиз алам ўртаб, айниқса, кеч кириши олди-дан қаттиқ бетоқат бўларди. Бундай пайтларда Қорақушнинг сарчўққисига кўзи тушса, юраги беором ҳаприқиб, кўз ёши тўкмай, унсизгина йиғларди. Хаёлида Қорақуш ҳақидаги қўшиқ мазмуни қалдирғочдай чарх урарди:

«Қорақуш! Сен хоинлик қилдинг. Ёвга дадил чангал ураётган ўғлингни олмос қанотини синдиридинг!..»

Қорақуш! Сен разилсан, юксаклардан қулаб тушиб жон таслим қиладиган ўғлинг тепасида мағрур қанот кериб турибсан.

Уғлинг сендан мағрур эди! Сендан кучли ва жасур эди. Сен унинг шиддатини кесдинг. Ер ва Осмон ўлкасининг муносиб фарзандини хазон қилдинг!..»

У ўғлининг ўлимига ўзини айбдор деб билад бошлаганди. Ота қарғиши — ўқ! Қаёқдан ҳам ўшанда Мамаражаб оқ фотиҳа тилаб келди. Тиркаш бу урушнинг шунчалик қаттол ва беаёв бўлишини билмаганди-ку! Фашишларни ҳам босмачи галаларига ўхшатиб, тездаёқ тўзи-тиб юборишларига шубҳаси йўқ эди. Урушни Мамаражаблар етиб боргунича тугайди деб ўйлаганди. Уйнаб айтсанг ҳам ўйлаб айт! Ушанда ҳеч нарсани ўйламади. Ҳазаб отининг жilовини кўйиб юбориб, жигарпорасига терс фотиҳа берди. Мана оқибат: энди бир умр армонда ўтади! Бу пушаймонлик ўлганида суягида кетади. Тиш ёриб бировга айтолмаса бу дардни, бировдан тасалли ололмаса! Айтса: «Ул бу кунингдан, лўлининг ботиридай ўз чодирингга ўзинг ўт кўйдинг!» дейди эшитган одам.

Бундай яшаб бўлмас эди. Бу тахлитда бир кун эмас бир кун жинни бўлиб қолишини Тиркашнинг ўзи ҳам сезарди. Шунинг учун пайти-ни топиб, кампирига ёрилди:

— Қўрғонжарга кўчамиз, — деди қатъий қилиб. Ҳам неваралар, ҳам ўзимиз сарсон бўлиб юрмайлик. «Тирик бўлсанг бир қапа, ўлик бўлсанг бир тепа» деган нақл бор. Бир қапага йиғилишадиган пайтимиз келди. Келин ҳам паноҳимизда бўлсин, қўлга олайлик энди. Етар отасиникида шунча боқиманда бўлгани.

Бу фикр Марвариднинг хаёлида йўқ эмасди. Лекин келинни қўлга олишга бирор ваз тополмасди. Буни Тиркашга ётиғи билан айтганди, унинг жуда мазаси қочди. Ишнинг бунақа чигалликлари борлигини

ҳисобга олмаган экан. Келини ҳали ёш. Икки болани деб умрини елга бериб ўтиб кетмаслиги мумкин. Яхши жойга тушса, хўп-хўп, ёмон жойга тушса, болаларнинг шўри. Бу ўлгани ўлганми, ана унда кўринг Тиркашнинг ҳолини!

Марвариднинг гаплари жўяли туюлди. Бир-икки кун нима қилишини ўйлаб, роса бош қотирди. Ниҳоят тугунни ечди. Бир куни эрталаб эшагига минди-ю, кампирига ҳеч нарса демай Қўрғонжарга тушиб кетди. Маслаҳатни Ҳожининг ўзи билан қилди.



— Омонатимни бер энди, Ҳожи, — деди унга. — Ота-бовадан қолган удум: ота ўлса олтин мерос, ака ўлса хотин мерос... Шукр, олдимда бўлиб турган навжувоним бор. Бошларини қўшайлик-да қўяйлик. Бебит болаларга ҳам акалик, ҳам оталик қилсин.

Ҳожи Тиркашнинг талабини тўғри деб топди. Есир — тенги бўлса тушган жойиники. Бу ота-боболардан ўтиб келаётган урф. Урф-одат олдида ҳар қанча чапани бўлгани билан Ҳожи ҳам тилсиз эди. Бир нарсадангина ўйланиб қолди: Бебит ҳали нимани кўрган?! Қизи — икки боланинг онаси! Ёшларида деярли фарқ бўлмагани билан, Хинагул ҳар ҳолда турмуш кўрган. Уни Бебитга тиқиштиришлари тўғри бўлармикан?

Қудасининг ўйланиб қолганини Тиркаш норозилик аломати деб тушунди. Лекин чекинишни ўйламасди.

— Нега ер чизиб қолдинг, Ҳожи, ё абас гапирдимми?

— Гапинг тўғри, — Ҳожи бошини қашиди. — Азалдан шундай бўлиб келган. Бизга қолса, яна шундай бўлгани тузук. Бироқ, болалар нима дейишар экан?

— Болалар нима дейишарди, — Тиркаш кулди. — Биз уларга ёмонликни раво кўрармидик. Бўлганига қувонамиз биз.

— Шундай дейсан-да...

— Нимадан кудуратинг бор?

— Сўзимизнинг ерда қолишидан!

— Қизинг кўнмайдими?

— Буни билмадим. Боланг ҳали ёш...

— Йигирма бешда ёшлиги қоладими, — Бебитнинг ёшини ошириброқ айтди у. — Ўзинг нечада уйлангансан?

— У сувлар оқиб кетган.

— Ўзани турипти-ку, яна оқаверади.

— Йўқ, эндигиси эски ўзандан оқмайди... Гапни олиб қочишимиздан фойда йўқ. Майли десанг, бундай қилайлик: сен Қўрғонжарга кўчиб кел...

— Хўш?

— Келинингни, майли, қўлингга ол.

— Мен уни Бебитга никоҳлаб оламан.

— Ужарлик қилма! Ҳозир бир эшикдан кириб-чиқиб туришсин. Кўнгиллари тўғри келса, кўрармиз, бўлмаса мажбур қилмайлик...

— Мақсадингни тушунмаяпман.

— Нимасини тушунмайсан, тентак! — Ҳожининг зардаси қайнай бошлади. — Улар мол эмаску! Охири шу гапни айтишгача олиб бординг-да!

Қудаси гуриллаганида Тиркаш бўйини елкасига тортиб ўтирди. Қарши гап айтишига нимадир монелик қилди. Тиш оғриқдай безовталанди-ю, лом деб оғиз очмади. Аслида, Тиркаш зарда қилса бўларди: есир уники, неваралар уники — уларнинг увол-савобига у жавоб беради. Нега сапчийди бу тентак? Тили қисикроқ жойи бўлмаганида, зарда қилишни кўрсатиб қўярди унга. Вой ёрғоқбош!

Ўзиникини ҳар қанча маъқуллагани билан Ҳожининг гапида ҳам жон борлигини Тиркаш сезарди. Ҳозирги ёшларга бир нарса дейиш қийин. Буни тажрибадан ўтказмаса экан! Лекин Бебит бошқача. Шу

пайтгача айтганини қилган, бундан кейин ҳам чизигидан чиқмайди. Агар чиқса...

Бу фикрни охиригача ўйлашдан қўрқди. Бошидан ўтган шўриш-ғавғолар ақлини киритиб қўйганди. Энди бир пайтлардагидек боши оққан томонга катта қадам ташлаб кетолмасди. Одамзод оёғи ердан узилгунига қадар ақл ўрганеди чоғи. Бироқ, қариганингда кирган ақлни ит есин! Ҳассага суянган одамнинг кеч кирган ақлга таяниши кўп машаққат бўлиб кетаркан.

Дилига тугиб келганлари амалга ошмаётганидан Тиркаш хомуш тортди. Бўлмағур хаёлларга бориб:

— Сенинг ҳам бир билганинг бор-ов... — деди тагдор қилиб.

— Оғзингга қараб гапир! — унинг қаёққа шама қилаётганини пайқаб, Ҳожининг қони қайнади. — Ким деб ўйлаяпсан мени!.. Қизини сотиб емоқчи демоқчимисан!

— Бўлмаса нега ишни пайсалга соласан?!

— Ишни пайсалга солиб нима қилиб қўя қолибман? Қизимни уйингга юбормайман, дедимми, ё болангни камситдимми? Ёзиғим — сабр қил деганимда. Сезишимча, келинингда уй қилиш нияти йўқ. Уй қилса, хотиринг жам бўлсин, ҳаммаси сен айтгандай бўлади, бўлмаса йўқ. Гап тамом...

Унинг «жўна» дейишига бир баҳягина қолди. Буни Тиркаш ҳам пайқади. Овози кескин жарангласа-да, кўнглида борини рўй-рост айтди. Ҳожининг гапларидан у ўз ниятларига тузукроқ бир зиддият сезмади. Ҳар ҳолда эшикни очиқ қолдирди. Бу томони энди ўзига ҳавола. «Уста худо битик-тақдирларини қўшган бўлса, уй бўлиб кетишар, — ўйлади у. — Бўлмаса, яна кўрармиз!»

Ўзини зўрлаб бўлсаям қудаси билан илиқ хайрлашди. Йўлга тушгач, кейинги пайтларда ғалати ўзгараётганидан изза тортди: кўнглига ёқмаган фикрни кескин рад қилолмайди, қовоқ соладиган пайтда ўлганининг куни деб тиржаяди, яна алланима балолар қилади...

## 24

Тиркаш икки кун туз тотмай ётди. Учинчи куни жуда ҳолдан кетди. Марвариднинг назарида нимадир юз берадигандай эди. Бебитни ҳам ишга юбормади. Эсарқишлоқдан қайнотаси билан Гулсара келди. Уларни Тиркашга билдиришмай қўшни хонага киритишди...

Тушга яқин кунботардан паға-паға тугунсимон булутлар оғир сузиб кела бошлади. Қорақушнинг этагини қоплаган кўкиш туман пардаси борган сари қуюқлашиб, юқорига ўрлайди. Бу манзара дарчадан жимгина кузатиб ўтирган Бебитнинг кўзларига бурқсиб кўтарилаётган тутунга ўхшаб кўринади. Тепа қисми қуёш нурлари тушиб қолган пайтларда ял-ял ёнади. Бамисоли тоғ бағридан буюк бир ёнғин кўтарилаётгандай.

Қорақуш бу атрофларда яшайдиганлар учун кўп замонлардан буён ўзига хос об-ҳаво «даракчиси» бўлиб қолган. Унда булут айланса, нимадир ёғишини ёш болалар ҳам билади. Айниқса, апрель-май ойларида юз берадиган «булут айланиши» — катта сел ёки узоқ давом этадиган ёмғирдан дарак. Ҳавонинг намхуш тортиб, турли қўнғизлар, чивин-чиркайлارнинг паст учиб қолганлиги ҳам шундан далолат.

Пастдан кўтарилаётган булут дам ўтмай Кичик Қорақушни кўмиб юборди. Катта Қорақушнинг йиғилаётган қанотдек икки томонга чўзилган ёнбағирлари кўкиш туман пардасига кириб борарди. Пастда шиддат билан айланаётган ҳолда тепага секин, жуда секин кўтарилаётганидан, гўё булут тепага эмас, осмонга бургут бошидек тумшуқ тираган сарчўққининг ўзи булут қаърига тушиб бораётгандай кўринади...

Кўчадан турли қичқириқлар, шодиёна овозлар эшитила бошлади.



Салдан кейин эшикни шарақлатиб очиб, ичкарига Хинагул билан Ҳожи кирди. Ҳожи баланд овозда:

— Суюнчи беринглар, биз енгдик! Уруш тамом бўлди! — деди говур кўтариб.

Уйдагилар беихтиёр илжайишди. Ҳожининг боладек говур кўтариб юрганидан кулишдимми, шунча йиллардан буён зориқиб кутилган ғалаба ҳақидаги хабарнинг шунақа дафъатан етиб келганидан қувониб кулишяптими — буни ҳеч ким ажратолмасди. «Кулги ҳам уланг»<sup>1</sup> деганлари рост. Беҳол ётганига қарамай Тиркаш ҳам илжайарди. Жаф суякларига сўлиган олмадай қат-қат бўлиб ёпишган юз терилари тортишиб-тортишиб кетарди...

Кулги, қувонч, бир-бирини қутлашлар аста-секин босила бошлади. Хинагулни Марварид имлаб, меҳмонлар ёнига чиқарди.

Тиркаш ҳолсиз ингради. Марварид кўрпанинг ичига қўл тиқиб, шоша-пиша чолининг оёқларини уқалай бошлади. Унинг оёқлари қўлларига совуқроқ теккандай бўлди. Эسخонаси чиқиб юзига қаради. Боқишларида кампиридан миннатдорликка ҳам, меҳрга ҳам ўхшамайдиганроқ бир севинч барқ уриб турарди. Лекин юзлари одатдагидек ифодасиз ва осойишта эди. Марваридга бу ғайритабиий туюлиб, ташвишланиб қолди.

Бебит отасининг ёстиғини тўғрилаётиб, очиқ дарчадан Қорақушга яна бир қур назар ташлади. Сарчўққи сув билан роса тўйинган ва оғир силжиётган қурумсимон булутлар пардаси ортида қолиб кетганди. Бу манзара яқинлашиб келаётган бирор кўнгилсизликдан дарак бераётгандай эди. Онасининг кўзларига чўккан хавотирланиш аломатлари унда ана шундай чучмал бир туйғу қўзғаганди...

Кучли чақмоқ ва момақалдироқлар билан шатир-шутур ёмғир бошланди. Ҳадемай қишлоқ кўчаларидан ариқ-ариқ сув оқди. Бир оздан сўнғ дарчадан қандайдир эпкин урилиб, ортидан илонникидек вишиллаган, шақирлаган овозлар эшитилди.

— Сел! — деди Тиркашнинг юзларига тикилиб ўтирган Ҳожи дарчага бўйнини чўзиб. — Сел келяпти шекилли!

Бебит ўзини дарчага урди. Бу пайтда Қўрғонжар яқинида икки-уч метрча чуқурдан оқадиган Санглоқ тўлиб, қишлоқ томондан бораётган оқимни ортига қайтара бошлаган эди. Санглоқ ёқасидаги ўтлар шиддатли оқим кўтарган шамол натижасида бир томонга ётиб қолган.

Сув тобора кўпаярди. Узанига сиғмай тошаётган телба оқим атрофни ялаб кетаётганди. Бир пайт оқим бирдан юқорига сапчиди. Нимадир шалопплаб ағдарилиб, ер енгилгина титради. Оқим шувиллаб, бир қадар ортига чекинди. Марварид чўчиб ёқасига туфлади ва секингина Ҳожини туртди. Унга маъноли имлаб, ўзи даҳлизга чиқиб кетди.

— Санглоқнинг қирғоқлари ағдарилиб тушди, — деди Ҳожи унинг ортидан бораётиб. — Бунақа кучли оқимга тор ўзан туриш берармиди.

У даҳлизга чиққанида Марварид паст овозда дардини ёрди:

— Манови хонада Гулсара билан қайнотаси ўтиришипти. Эшитиб... келишган экан. Бола тушмагур ўзи пиширган ошни ўзи ичиб, жуда сарғайиб тамом бўпти. Энди... охири дақиқада бўлсаям, жўрангизнинг розилигини олиб беринг. Қарғиш қолиб қолмасин, бола!...

Марвариднинг кўзидан ёш чиқиб кетди. Ҳожи бунга чидолмаганиданми, меҳмонларнинг ёнига кириб кетди. Кўришиб-сўрашиб, бир оздан сўнғ Тиркаш ётган хонага ўтди-ю, аммо ҳадеганда Марвариднинг илтимосини бажаролмади...

□

Икки соатлардан кейин оламини гунгурс қиёфага солиб турган булутларга ранг кириб, инжиқлик билан кўтарилди бошлади. Ёмғир тўхтаб, Қорақуш томонда камалак кўринди. Санглоқ одатдагидай шовиллаб, бир меъёрда оқа бошлади. Сел тинган эди.

<sup>1</sup> Уланг — юкумли.

Кеч киргани сари Тиркашнинг тинка-мадори қурийверди. Қовоқлариди оғир тортиб, уйқуси келарди. Қанча бекитишмасин, у кампирининг кундузги тараддуллари маъносига тушунганди. Шунинг учун ухлашдан қўрқа бошлади. Ким билсин, балки ўлим шундай келар. Ухлаяпман деб кўз юмарсану очолмай қоларсан. Раҳматли отаси шундай ўлмаганиди? Ухлагандайгина бўлиб ётганди. Кейин йиғи-сиғи билан ерга топширишди...

Тиркашнинг ўлгиси йўқ эди. Ўлгиси келмасди-ю, ўлим тўғрисида ўйларди. Бу зиддият ўзига ҳам ғалати туюлиб кулимсиради. Уйқусини қочириш учун бошини, юзларини сийпалай бошлади. Четдан қараган кишига бу ўлим аломатига ўхшаб кўринарди.

Ҳожи унинг юзларидаги табассумни илғади. Ўзига «пардоз» бераётганини кўргач, ўрнидан туриб кетаёзди. Бу ҳолатни ўлиб кетаётган кексаларнинг кўпларида кузатганидан:

— Ўзингни кўлга ол, Тиркаш! — деди овози титраб.

Тиркаш қовоқларини базўр очди. Ҳожининг афт-ангорини кўриб, нима бало, ростдан ўляпман шекилли, деб ўйлади. Юрагини мубҳам бир ваҳима қамраб, мадорсизланган қўлларини ёнига ташлади. Чуқур сўлиш олди.

Марвариднинг ўзига мўлтираб тикилаётганидан, Ҳожи унинг бетоқат бўлаётганини пайқаганди. Ўзи ҳам Тиркашнинг шундай ўлиб кетаверишини истамасди. Рози-ризолик тилашиш фурсати етганлигига эса ишонгиси келмасди. Мамаражаб-ку, ўтиб кетди, ўйлади у, нима бўлса бўлди. Уни Тиркаш ҳам кечирди чоғи. Ўз ёнига ўзи қоврилиб, шўрликнинг девона бўлишига оз қолди. Лекин қизи-чи! У рози-ризолик тилашолмай қолса, бир кун келиб Ҳожидан домонгир бўлмайдими? «Яраштириб қўйинг» деб илгари ҳам бир неча марта айтганди. Унда бу ишдан натижа чиқишига кўзи етмаганидан бўйнига олмаганди. Энди коса сувга тегди чоғи. Нимадир қилиши — кечиктирмай бирор тадбирни топиши керак.

Ўзича бир тўхтама келгач, Тиркашга далда бера бошлади:

— Маҳкам бўл, Тиркаш!

У кўзларини очди. Ғафлат уйқусини қувлаш мақсадида яна юз-кўзларини сийпалай бошлади.

— Мен ўляпманми? — деди тушкун товушда.

— Сен ҳали ўлмайсан! — Ҳожи унинг қоқ суяк қўлларини кафтига олиб уқалай бошлади. — Қиладиган анча-мунча ишларимиз бор ҳали...

— Унда... нега бундай кепатадасан?

— Ўзим... Кўнглиннга оғир олмасанг, бир нарсани сўрасам...

Тиркашнинг юзига табассум ёйилди: ниманидир эслади чоғи. Ҳожи у ўлмайди, деган фикрга борди. Ўладиган одамнинг кўзларида бунақа чўғ бўлмайди. Гаплари ҳам дуруст. Яна ким билади, қараб ўтириб доғда қолдириб кетмаса эди!

— Сўра.

Тиркашдан изн тегди-ю, Ҳожининг оғиз очиши қийин бўлиб қолди. Ҳозирги аҳволида жўрасини хафа қилиб қўйишдан чўчирди. Унинг телба феълини шунчалик қадрдон бўлишига қарамай, ҳатто Ҳожи ҳам унчалик тушунавермасди. Балки, ўлаётиб ҳам сўзидан қайтмас, деб хавотирланарди. Бебит нимани сўрар экан, дегандай оғзини пойларди. Марварид унга омад тилаб, ярим карахт ҳолда ўтирарди...

Инсон умри — оқин сув. Ким қандай оқади. Тиркаш билан Ҳожи кўпинча тўлиб-тошиб оқишди шекилли. Орага салгина совуқчилик тушган кейинги беш йилни ҳисобга олмаганда, сирлари, қувончларию ғамлари ўртада эди. Аччиқ-чучукни бирга тотишди. Сулув бўлгани билан ойда ҳам доғ бор. Баъзан даҳанаки «жанг»дан ёқа бўғишишгача борган пайтлари бўлган. Шунга қарамай, муносабатлари узилмаган. Бир-бирларини аяб-суяшарди. Бундай ўйлаб қараса, Ҳожининг ўз кўнглидаги гапни Тиркашга рўй-рост айтишдан тортиниб турган пайти деярли бўлмаган экан. Тўғри гапнинг тўқмоғи бўлгани билан у эзгу-

ликнинг хамиртуруши. Баъзан эзгулик учун ҳам бирор гап айтишдан қўрқиб қоларкансан киши.

Унинг тарадудланаётганини кўриб:

— Гапир, — деди Тиркаш.

Ҳожининг гапиришдан бошқа иложи қолмади. Аммо, у асл ниятини айтишни пайсалга солиб, даромадини келтира бошлади:

— Ҳаммамиз ҳам бу дунёга меҳмонмиз, Тиркаш...

— Хўш?..

— Эртами-кечми баримиз ҳам ўламиз, мен сенга айтсам...

— Айтавер.

— Умид дунёсига келган одам ҳаммани рози қилиб ўлмоғи дуруст.

— Ҳаммани рози қилиб ўлиш қийин!

— Балки шундайдир... Валломатлик отангнинг қулимиди, Тиркаш!

— Қимни шунчалик норози қилибман, тентак...

— Қизингни!!

Тиркашнинг дами ичига тушди. Индамай шипга тикилиб ётаверди. Айтадиганини айтиб бўлгач, Ҳожи ҳам жим қолди. Шу пайтгача уни инсофга келтириб бўлмаганди. Асов отдай пишқириб ҳеч кимни яқинига йўлатмади: олдидан борганни тишлади, ортидан борганни тепди! Далли ғазо пайти нима бўлиши номаълум. Энди Ҳожи учун бари бир эди — ўчоқни ковлаб қўйди. Шунинг учун ўзини шердил тутиб, пишанг берди:

— Гапир, Тиркаш...

— Нимани гапирай! — у шипдан кўз узди.

— Қизинг ҳануз ярашиш умидида, ноумид қилма уни. Қачондан бери нариги уйда кутиб ўтирипти, чақирайлик. Дийдорингни кўриб қолиш умидида кепти атайлаб... Розилик бер, минг қилганда отасан...

Тиркаш қовоқ солди. Яна шипга тикилиб олди. Юз терисининг аллақерлари тортишиб-тортишиб кета бошлади. Бундан Ҳожи натижанинг нима билан тугашини сизди. Бари бир қимирламади. Бугун у ё «ҳа», ё «йўқ» жавобини олишга қатъий бел боғлаганди.

Боя оламга ғулгула солган селдек қарама-қарши фикрлар оқими Тиркашнинг вужудини туғёнга келтирмоқда эди. Оқим шиддати шунчалик кучли эдики, муҳаббат ва нафрат, меҳр ва қаҳр қоришиб, унинг муштдеккина юрагини ёриб юборгудек бўларди. Бу гал ҳам ўзини амаллаб жиловлаб, ёнида ўтирган «дажжолнинг қиличи»га индамай қўя қолмоқчи эди, чидолмади: шиддатли фикрлар оқими сўнгги дамгача таранг тортилиб борган асаб торларини узиб юборди!

— Йўқ!!! — деди ёввойи бир қийқириқ билан. — Йўқ!! Керак эмас!

Ҳожи бир зум анграйиб турди. Кейин ўзи кутган нарса рўй берганини англади. Бундан ғазабланиш, аччиқланиш ўрнига, негадир енгил тортгандай бўлди. Тиркашни кампири ёнида озроқ холи қолдириши лозимлигини ҳам сизди. Бебитни силтаб тортиб, иккаласи ташқарига чиқиб кетишди.

— Қўрқма, — шипшиди ҳовлига чиқишгач унга далда бериб. — Отанг ўлмайди. Юлдуздай милтираб қолган бўлсаям ўлмайди! Сўзидан ҳам қайтмайди. У ҳеч қачон одам шаънига, ўз шаънига иснод деб билган нарсани кечирадиган даражада паст тушмаган. Зотан, юлдуз милтираб қолсаям ёруғ из қолдириб кўкда сўнади-да!

Марварид Тиркашнинг соб бўлаётганига гумон қилмасди. Охирги дақиқаларда ҳам бўйнига маҳкам ўрнашган шайтон тушмаганигами, кўзларидан иссиқ ёш томчилади. Уни артиш ва ўзини қўлга олишга интилмади ҳам. Ҳушини йўқотиб ўтираверди.

— Сени, кампир, кўп қийнаб юбордим-ов! — деди Тиркаш.

Марварид нимадир демоқчи бўлди-ю, овози чиқмади. Тиркаш кўзларини юмиб олди. Очлик ва уйқусизлик, ғалаба қувончи ва руҳий ҳаяжонлар, кўргани келиб-кетаётганлар билан мажбурий «суҳбат»лар ва ўлим ваҳми уни обдан ҳолдан тойдириб, тинкасини қуритган эди.

Қовоқлари кўрғошиндай босиб тушарди. Ухлашдан эса ростакамига чўчиб қолганди.

У кўзларини юмди-ю, ухлаб қолмасликка, бинобарин, ўлмасликка интилиб, хаёлини чалғитиш мақсадида нималарнидир эсламоқчи бўлди. Беихтиёр яна ўлим тўғрисида ўйлаб кетди.

Баъзилар тириклигида кўрмаган иззатни ўлганидан кейин «кўради». Тантана билан кўмишади. «Яхши одам эди, раҳматли», дейишади ортидан тош отгандай қилиб. Тиркашнинг ўлими қандай бўларкан? У амаки-тамакилари, узоқ-яқин қариндошлари орасида ҳасса тутиб йиғлаётган Бебитни кўз олдига келтиришга уринди. У, албатта, азалий удумга амал қилади: айтиб-айтиб йиғлайди.

Қорақушда уй қолди,  
Қора тўриқ той қолди,  
Қўтонларда тизилиб,  
Қўзи билан қўй қолди.  
Отам-эй, отам-эй...

Ҳожи шубҳасиз, қаттиқ қайғуради. Парда сўфига хабар борганида: «Оббо-о-о, туркманда одам қолмапти-ку!» — дейди ачиниб. У негадир «Туркманнинг одами — Тиркаш», деб юради. Шўрлик катта ўғлидан қорахат келганидан кейин ҳассага таяниб қолган. Уйдаги-ларга эшакни эгарлашни буюради. Синдор раис келган-кетганларни жойлаштириб юради. Азада ҳам раис керак. Сирдоши бўлмаса ҳам қурдоши эди у. Яна ким бор... Бошқалар нима қилса қилаверсин! Бу билан Тиркашнинг иши йўқ. Айтгандай кампири... Ҳозирдан оби дийда қилиб ўтирипти, шўрлик... Эшитса, начайлик ҳам келади, албатта...

У узоқ-яқиндаги кўпгина кўнгил яқинларини эслади. Лекин қизини улар сонига қўшмади. Ҳозир шу ҳовлидалигини билиб турса ҳам, уни хотирлашни истамасди. Бунинг ўрнига Маржонсойдан кўчишини эслади — кейинги энг эса қоладиган воқеалар кўз олдидан сизиб ўта бошлади. Ниҳоят, уйқу ёлиб келиб, ухлаб қолди. Шу билан Ҳожи кирганида ҳам, қариндошлари йиғилишиганида ҳам уйғонмади. Уни уй-готишга ҳеч кимнинг кўнгли бўлмади. Хинагул иккинчи хонага жой қилиб, қариндош-уруғларни ўша томонга олди. Бебит билан Марварид Тиркашнинг ёнидан жилишмади. Онда-сонда Ҳожи хабар олиб турди.

## 25

Тиркаш Қўрғонжарга кўчиш фикрига Бебитни қаршилик қилар деб ўйламаганди. У эса: «Ҳозирча кўчмай турайлик. Менсиз шахтадаги ўртоқларим қийналиб қолишади. Иш орқага кетади», деб туриб олди. Гарчи одоб сақлаб, жуда мулойимлик билан гапирса-да, отасининг фикрига қарши чиқаётгани аниқ сезилиб турарди. Бундан Тиркашнинг тепа сочи тик бўлиб, аламдан ёрилай деди-ю, ўзини тутди.

Маржонсойда ортиқча бир кун ҳам тургиси келмасди. Бутун вужуди билан қишлоғига, одамлар орасига талпинарди. Кейинги йилларда бир нарсани яхши билиб олди: ўйин-кулги, хурсандчилик билан бирга, ғам-ташвишни ҳам кўп билан кўрмоқ — улуг тўй экан...

Уйини ўтинчилар билан Бебитга қолдириб, Қўрғонжарга кўчиб келганида, арпа ўрими тугаётган, асосий иш — буғдой ўрими ҳали бошланмаганди. Қайлардадир уруш суруни кетаётган бир пайтда даштларда мунис осудалик, кўнгилга фароғат бағишловчи бир хотиржамлик ҳукмрон эди. Саратон қуёшида олтиндек товланаётган бошоқлар кўзни қувонтиради. Қийқим даштларининг узоқ бир четидан — Ғўбдинтоғ томондан елиб келадиган иссиқ шабада буғдойзорларни денгиздай тўлқинлантиради. Тандирнинг ёлқинидай иссиқ уфурса-да, қийқимликлар парво қилишмасди. Мамлакатимизнинг фашистлардан деярли тозаланиб бўлганлиги одамларнинг юрагидан ғуборни кўтариб, унча-мунча иссиқ-совуқларни эламайдиган қилиб қўйганди...

Одатга кўра, Тиркаш уй ичи билан янги кўчиб келган киши сифа-

тида беш-тўрт кун меҳмондорчиликда юрди. Бу ҳам азалий удум: янги келган кишини суяш маъносидами, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар дастлабки кунларда унинг уйда қозон остиришмайди. Дастурхонлар илгаригидай тўкин-сочин бўлмаса ҳам, ҳарҳолда, мезбонлар бир қозон оби-ёвғон пиширишнинг уддасидан чиқиб қолишганди. Меҳмондорчилик баҳона, одамлар фронт янгиликларидан, яхши кунлардан, даладаги ишларидан гурунглашиб, юракларининг ғуборини ёзиб олишарди.

Ҳожиникидаги гурунгда ҳам Тиркашнинг кўнгли анча ёзилди.

Меҳмондорчилик сўнгида Ҳожи Тиркашга келини билан невараларини қўшиб юборди. Бу валломатликдан чол-кампирининг синиқлари бутун бўлгандай, бошлари осмонга етди...

Тиркаш аввалига ишлаш тўғрисида ўйламади. Беш-ўн кун тева-ракда айланиб юрди. Ниҳоят зерикиб, Синдор раисга учрашди.

— Менга ўзимбоп бир иш топиб бер, — деди.

У оғир ишга ярамасди. Кейинги касаллик, ўй ва ташвишлар толиқтириб, қурт еган тишдай лиқиллатиб қўйганди. Буни раис ҳам пайқади. «Йўқ» дейишнинг иложини қилолмай, битта байтални ажратиб берди: Уни буғдой далаларига қоровул қилиб қўйди...

...Буғдой ўрими оёқлагани сари Тиркашнинг иши кўпайди. Уйига тобора кат келадиган бўлиб қолди. Гоҳ ўроқчилар, гоҳ хирмончилар билан овқатланади. Кундузлари бирор чайладами, пана-пастқамдами, бир-икки соат мизғиб олади. Бошқа пайтлари буғдойи ўрилмаган далаларда кечалари қоплаб дон ўғирланиши мумкин бўлган хирмонлар атрофида изғиб юради. Шундай жойлардан бир кило ҳам доннинг четга кетишига йўл қўймасликка интилади.

Елиб-югуриш билан кунларининг қандай ўтиб кетаётганини пайқамасди. Уғли билан келини масаласи эсидан ҳам чиқиб кетди. Молларига қишлик ем-хашакни жамғариш учун қанор кўтариб даштга чиққан Бебитни кўрганидагина эслади буни. Анчадан буён даштда қолиб кетаётганидан, Тиркаш уни деярли кўрмасди. Кондаги ишлардан бўшаб, Бебит ҳам Қўрғонжарга тез-тез келиб туролмасди.

У отасини соғинганди. Гарчи сиртига чиқармаса-да, Тиркашнинг ҳам Бебитни кўргиси келиб юрганди. Шу сабабдан ота-бола илиқ кўришишди. Суҳбат асносида Бебит Хинагулни сўради. Буни Тиркаш ўзича тушуниб, муғомбирона кулди.

— Шу ерда у, — деди беихтиёр қизариб кетган ўғлига тикилиб. — Ҳув қирнинг остида буғдой ўришяпти...

Қўрғонжарга кўчиб келишгач, Тиркаш кампирига кўнгидагиларни очиқ айтганди: «Боланг билан гаплашиб, уни кўндир, — деганди. — Қидирганимиз пойгакдан топилиб турганида тўрга ўтмайлик. Қўлдаги туйғун қушни учуриб юбормоқ — донолик эмас». Марварид у-бу деб эътироз билдирмоқчи бўлганди, Тиркаш чўрт кесди:

— Невараларни сарсон қилмайман десанг, шундай қилишимиз керак. Керакка терак йиқилипти. Уғлинг буни тушунар, мол бўлмаса...

Калта ип боғловга етмайди, Марварид қандайига ўйлаганида ҳам, Тиркашнинг фикрини маъқулламай иложи йўқ эди. У бир йўла ҳам келиндан, ҳам невараларидан ажраб қолишни тасаввурига сиғдиролмасди. Бундай бўлиши, назарида, тайин эди. Шунинг учун Бебит билан ҳам гаплашди. Натижасини Тиркаш сўрамай кетди. Уғлининг жавоби қувонтирадиган бўлмаганликдан, ўзича гап очиш Марваридга оғирлик қиларди. Қулайроқ бир фурсат кутарди. Бундай фурсат ҳадеганда кела қолмади. Бу орада даладаги иш қизигандан қизиди. Еш-яланг кўрпа кўтариб пайкалга чиқиб кетди. Ҳовлида неваралари билан кенг уйнинг келинчаги бўлиб Марвариднинг ўзи қолди. Тиркаш ҳафта-ўн кунда қорасини бир кўрсатади. Шундаям озроқ дон-дун, хашак-сомон ташлаб ўтиш учун киради...

Отасининг кулиши сабабини Бебит тушунди. Унда нотўғри фикр ҳосил бўлмасин дебми:

— Энам «чечангга айт, бир келиб-кетсин, болалари соғинди» деганди, — деди «чеча» сўзига урғу бериб.

«Ўзинг-чи, ўзинг соғинмадингми уни?», демоқчи бўлди-ю, Тиркашнинг тили бормади.

Ўғли қирдан ошиб кетгунига қадар ортидан ўйчан тикилиб ўтирди. Кейин отига миниб, шшилмай хирмон томонга кетди. Бебитнинг гап оҳангидан нималарнидир англаб, вужудида қандайдир безовталиқ ўрмалаб қолганди. Бу томонига нима қилишни ўйламоқчи бўларди-ю, ҳеч нимани ўйлай олмасди.

## 26

«Раис идорага чақиряпти» деб айтиб кетишганида, Тиркаш Элибойхожи қишлоғи яқинидаги буғдойзорда эди. Турли ишлар билан баъзи-баъзида шунақа қисталанг чақиртириб туришарди. Идорадан чиққач, Қўрғонжарга бориб, бир йўла уйдан ҳам хабар олиб келмоқчи бўлди. Бебит билан учрашганидан буён қўли тегиб боролмаганди...

У идорага кирганида Синдор раиснинг ўрнида ўтириб, ниманидир маъқуллаётган Нурулла гапдан тўхтади. Ен томондаги эскигина стулларда Исмат билан кампири қунишиб ўтиришарди. Эшик томонда, одатда колхознинг ҳисобчи-табелчилари чўт қоқиб ўтирадиган столда, сиқиб боғланган беш-олти қўллик бошоқ ётарди.

Тиркаш таклиф кутиб ўтирмай бўш стуллардан бирини Исматнинг рўпарасига суриб, ғижирлатиб ўтирди. Энг аввал Нурулланинг танқа бурунли юзига синовчан нигоҳ югуртирди. Юз терилари таранг, барваста қоматидан куч ёғилиб турарди. Синдор раис хийла чўкиб, Тиркаш қатори қаримсиқ бўлиб қолганди. Боқишлари ўйчан. Заъфарон юзларида тукнинг камлигидан пешонасидаги қат-қат ажинлар ариқ-ариқ бўлиб, аниқ кўриниб қолган.

Гўё ўзича келгандай Нурулла Тиркашга мулозамат қилди:

— Келинг.

— Чақиртирган экансилар...

— Дала қоровилисизу ғаллани бошқа колхозларнинг одами ташиб кетаётир. Ишингизнинг мазаси йўқ.

Тиркаш чақиртирилиши сабабини англади. Қийқимнинг Янгиқишлоқ атрофидаги ерлари Исматнинг уйига яқин. Ўзларида бошоқ қолмаганидан узоққа боришолмай, чол-кампир бу колхознинг ерига ўтишганида Нурулла уларни тутиб олган. У қишлоқ советининг Қийқимдаги вакили. Ўрим қизий бошлагач, район томонидан ҳам ўзи вакил бўлиб қолди. Шунинг учун колхозда айтгани айтган-дегани деган эди. Ҳатто Синдор раис ҳам қарши гап айтишга чўчирди. Тиркаш ҳам бўйнини елкасига тортиб мингиллади:

— Шундай бўпти...

— Нега шундай бўлади?

— Қиличмозор томонга бораётувдим...

— У томонга ҳали ўроқ тушганича йўқ. Аввал ўрилган жойларни кўриқлайверсангиз-чи!

— Қоровулни нега қўйгансизлар ўзи, — Тиркашнинг овози бирмунча кўтарилди. — Анғизни кўришгами ё ҳосилни кўриқлашгами? Мол ёйишдан бошқа иши қолмаган далани кўриқлагандан кўра, ўрилмаган буғдойни кўриқлаганим тузук эмасми?

Нурулла бир лаҳза жим бўлиб қолди. Синдор раис ўтирган стул ёқимсиз ғижирлаб кетди. У безовта қимирлади-ю, гап қўшмади. Тиркашга баланддан келиб муомала қилишнинг оқибати яхши бўлмаслигини биларди. Нуруллани муросага чақиршдан тортинди. Қилдан қийиқ топиб, анчагача қулоқ-миясини еб юриши мумкин у.

— Нега «мол ёйиладиган дала» дейсиз? — Нурулла ўридан туриб ҳассага таянганича, оқсоқлана-оқсоқлана бошоқлар томонга юрди. — Унда дон бор. Дон ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарурроқ. Фронтга дон керак!

— Дон ҳар донм зарур бўлган, бу ердагиларгаям керак у, — Тиркаш терс жавоб берди.

— Бу билан нима демоқчисиз?!

У беихтиёр ҳассасини юқори кўтарди-ю, кейинги қадамни стол ёнига жаҳл билан ташлаб, соғ одамдай шартта орқасига бурилди. Хонадагилар буни сезишди. Уларнинг қарашларидаги ҳайронлик аломатидан эҳтиётсизлик қилганини Нурулланинг ўзи ҳам пайқади. Шундагина майиблигини эслагандай бир қўлини бошоқлар турган столга, бир қўлини ҳассага таяб, чўлоқ оёғини тўрт энликча юқорига кўтарди. Шу туришида Тиркашдан жавоб кутди. У индамагач, ҳасса тутиб турган қўли билан бошоқ боғламларига нуқиб сўради:

— Шу дасталарнинг ҳар биридан қанчадан буғдой тушади?

— Ярим кило атрофида, — Тиркаш камайтириброқ айтди.

— Бир килодан ортиқ, — Нурулла оширди. — Ҳаммаси еттига солдатнинг бир кунлик озиғига етади!

— Шунча дон билан етти оила бир ҳафта жон сақлаган пайтлар бўлган эди... Тўғри, соллотга оғир, лекин унинг кунни бошоққа қараб қолгани йўқ. Унинг ғамини ҳукумат ейди. Сен, катта бўлсанг, бу ердаги оилаларни ҳам ўйла!

— Оилани ўйлайдиган пайт эмас ҳозир! — Нурулла қизишди. — Ҳамма нарсани фронтга беришимиз керак: донимизни, молимизни, керак бўлса жонимизни ҳам!

Тиркашнинг бирор қилмиши билан мақтаниб юрадиган одати йўқ эди. Нурулланинг ҳавойи гапларидан қони қизиб: «Қани, айт-чи, фронтга қанча мол бердинг?», дейишдан ўзини тийёлмади.

— Эшитгандик, бир-икки йил илгари яширинча буғдойфурушлик ҳам қилиб юрардинг. Бирни ўнга, ҳатто ундан қимматроққа пуллардинг. Уша пулларни нима қилдинг ё фронтга бердингми?!

Тиркаш нозик жойидан ушлаганди, лекин у қутулишнинг иложини топди. Тиркашни ифвогарликда айблай бошлади. Анчадан буён ўзиникини маъқуллашга ўрганиб қолганликдан, хом гапириб, пишиқ гап эшитаётганининг аламига чидаёлмай қолганди у.

— Сиз давлатга йигирма-ўттизта тиррақи молингизни берган бўлсангиз, мен соғлиғимни, оёғимни берганман! — Нурулланинг оғзи кўпикланди. — Майиб бўлиб ётган кезларимда, бола-чақа ташвишида, боримни сотсам-сотгандирман. Шунини таъна қиляпсизми? Одамлар ғалаба учун жонини берапти. «Оила, оила» дейсиз, оила бир кунини кўради! Биз бутун диққатимизни душманни енгишга қаратишимиз керак. Тўқ солдат ғалабани тезлаштиради!

— Хўп, сен айтгандай бўла қолсин: эрта бир кун бекорга қор тагида қоладиган мошоқни олдирмайлик. Колхоз бари бир ҳаммани боқолмайди. Қишнинг ярмига бормаёқ колхозчилар атрофга тентираб кетишади. Ишламасдан рўзғор тебратиш қийин ҳозир. Бинобарин, қараб туриб одамларни очликка гирифтор қиласанлар! Ғалаба билан қайтган соллот яқинлари очликдан тентираб кетган қишлоқда бойқуш овлайдими? Эндиги йили ишловчи керакмасми? Унда тўраликни кимга қиласан?!

Синдор раис бу даҳанаки жангни жимгина кузатиб ўтириб, Тиркашнинг ўзини тутишига ҳайрон қолди. Илгари ким биландир айтишиб қолса, ижикилашиб ўтиришга сабри чидамай, қўполлик билан баҳслашувчнни ҳайдарди. Ҳозир қизиққонлигини енгиб, Нуруллани жўяли гаплар билан қадам-бақадам мот қилиб бормоқда эди. Исмат натижанинг нима билан тугашини билмай, гаранг бўлиб ўтирарди. У ўзининг касрига қудасининг балога қолаётганидан ўнғайсизланар, аини маҳалда Тиркашдан ҳам хавотирланарди. Унинг «қўлимга тушсанг, билиб қўй...» деган дағдағасини ҳали унутмаганди. Ҳозир эса, у ростакамига қўлга тушганди. Тиркашнинг салгина имоси билан хонавайрон бўлиб кетиши ҳеч гап эмасди.

Нурулланинг сабр косаси тўлди. Қўрқади деб ўйладими, Тиркашга пўписа қилишга ўтди.

— Менга қара! — деди у зардаси қайнаб. — Мени қаматиш қўлингдан келмайди: ўғрилик қилмасам, зўрлик қилмасам, бузғунчилик

қилмасам — нима деб қаматасан? Мошоқ масаласида хотиржам бўлавер, эртагаёқ ўзим бориб райкомга айтаман. Керак бўлса, бўйрага солишларини сўрайман! Сени бир бопламасам!..

Нурулланинг ранги кўкариб кетди. Исматга қўли билан «чиқиб кетинглар» ишорасини қилди. Ортидан оқсоқланиб ўзи ҳам чиқди. Панароққа ўтиб ёқа тугмаларини ечди ва қуруқликда қолган балиқдек оғзини каппа-каппа очиб ҳаво ютди. Сал ўзига келгач, яна эҳтиётсизлик қилганидан афсусланиб, изига қайтди. Исмат билан кампирига кўзи тушиб, «йўқолинглар» ишорасини қилди. Улар бир зумдаёқ идора ҳовлисида чиқиб кетишди...

— Райкомга бораман, деб бу Дўмни бепичоқ сўйдингиз, — шивирлади у ташқарига чиққач Синдор раис. — Анчадан буён босар-тусарини билмай юрувди ўзи.

— Сен ҳам қизиқсан, — раисга тақлидан Тиркаш ҳам пичирлади. — Унинг олдида бунчалик даминг ичинга тушмаса! Нотўғри қилгини кўргач, қайириб ташламайсанми? Ё тилинг қисик жойи борми?

— Колхозда ҳозир нима кўп — камчилик кўп. Бурнимдан ошириб гапирсам, кўзимни очирмай қўяди. Фингшийвермасин деб, кўпда индамайман. Сиз кўп нарсаларни билмайсиз-да....

Қадам товуши эшитилгач, улар жим бўлишди. Эшик гижирлаб очилиб, бўсағада Нурулла кўринди. У анчайин ташқарига чиқиб келгандай бамайлихотир жойига ўтди. Утирди-ю, гапни нимадан бошлаш-ни билмай, тараддудланди.



Вакилдан олдин гап қўшиш Синдор раисга ўнғайсиздек туюлди. Тиркашга бари бир эди: айтадиганини айтиб бўлганди. Яна қандай дўқларинг бор, дегандай кўзлари қаҳрли ёниб, жимгина ўтираверди. Нурулла унинг нигоҳи қаршисида чўққа ўтиргандай безовталана бошлади.

— Исматлар кетишди, — деди ниҳоят. — Уларга жавоб бериб юбордим....

— Мошоқларини ҳам бериб юбориш керак эди, — Тиркаш ҳам паст тушди.

— Қудаларингиз билан ярашганмисиз?

Савол Тиркашга ёқмади. Кап-катта одам ўзига эп билиб сўраб ўтирганидан кейин жавоб бермасликнинг ҳам иложи бўлмади:

— Йўқ, — деди кўзларини олиб қочиб.

— Унда, нега уларни ҳимоя қилдингиз? Бир хонаси келиб қолувди, қилмишларини эсига тушириб қўйиш керакмиди...



— Сен ҳали ёшсан, — Тиркаш яна терс жавоб берди. — Биз қарияларнинг маза-бемаза ишларимизга аралашавермаганинг дуруст.  
— Дарахтнинг шохига урса, илдизи зирқирайди-да. Ҳар ҳолда, уруғимиз бир...

«Ул-а жилпангламай, сен ҳўкиз ҳам каловланаркансан-ку!», ўйлади Синдор раис. Тиркаш эса Нурулланинг гапини кесди:

— Ҳар кимнинг худойи бор, қилмишига яраша топади! — деди у. — Ҳозир бунақа гапларнинг вақти эмас... Мен уйга кетаман, мошоқларни ҳам олиб кетаман, — раисга ўгирилиб сўради. — Эрталаб келсам бўладими?

Тиркаш Нурулланинг оғзига ўхшатиб яна бир урганди. Синдор раис бундан хурсанд бўлиб кетиб унга жавоб бераркан: «Яшанг, — деди ичида. — Халқнинг сабр косаси тақдир кўзасига урилиб турган бир пайтда эски гина-кудуратларни ковлаштириб юришнинг фойдаси йўқ. Буни тушунолган одамдан яхшилик кутса бўлади».

У Тиркашнинг эски яралар газзагига Исматни «еб» юбормай, соғомон қутқазиб юборолганидан хурсанд эди.

## 27

Тиркаш идора ҳовлисида чикқач, Исматларнинг изидан Қўрғонжар томонга юрди. Бошоқни эгаларига топшириб, раиснинг рухсатига биноан бугун уйда дам олмоқчи бўлди.

Йўлда кетатуриб ўғли тўғрисида ўйлади: Бебит бир марта — Маржонсойдан кўчиш масаласида сўзини ерда қолдирганди. Ушанда Қўрғонжарга келмай қайтага тўғри қилди. Бўйдоқ йигит билан боши очик аёлнинг бир эшикдан кириб-чиқиб юриши кўрар кўзга яхши бўлмасди. Ҳар нарса жўяси билан бўлгани дуруст. Энди айтганига кўнар...

Хинагулнинг фикри уни сира қизиқтирмаганди. Келин халқи азалдан молга келган молоёқ ҳисобланган. Тақдирини дастлаб ота-онаси, кейин тушган жойи ҳал қилади. Қолаверса, у — она. Болаларини ўйлаши керак. Болаларнинг истиқболи, Тиркашнинг назарида, Хинагулнинг Бебитга турмушга чиқишини тақозо қиларди. Улипими, қандайдир қайроқбошга тегиб, норасидаларини хор-зор қилганидан кўра, Бебитга тегишни маъқул кўрар. Қурувли ўчоқ, осувли қозон, ўрганган жойи. Бошқалар бошига салла қилиб ўраган шойини қайниси оёғига пайтава қилмас. Қўзи очик бўлса, Тиркаш бунга асло йўл қўймайди.

Тиркаш майдақадам кекса байталини тезлаб зўриқтирмади. Шу сабабданми, Исматларга етолмади. Уларнинг ортидан Эсарқишлоққа боришни эп билмай, бошоқни ҳовлисига олиб кетди. Бирортасидан бериб юбормоқчи бўлди...

Дорда илиниб турган кийим-кечак, турли буюмларни кўрибоқ у Хинагулнинг уйдалигини пайқади. Эрталаб келган бўлса керак. Тушгача кир ювган. Шунча нарсани ювиб-чайишга Марвариднинг кучи етмасди.

Отини бостирмадаги яккамихга боғлаб, бошоқларни бир четга қўйгач, уйи томон юрди. Айвонга етганида, ичкаридан келинининг товушини эшитди. У паст овозда қандайдир ашулани айтмоқда эди. Аллалаб болаларини ухлатмоқчи бўлаётгандир, деб ўйлади. Йўталиб, келганидан белги бермоқчи бўлаётганида Хинагулнинг товуши бир парда кўтарилди. Овозидаги шикасталик ва алланечук изтироб Тиркашни тўхтатди. Бейхтиёр айвон устунига суяниб, супага ўтирди ва қўшиққа қулоқ сола бошлади.

Тиркаш аввалига келинини ноқулай ҳолатга тушириб қўймаслик учун, айвонда шунчаки сабр қилиб ўтирмоқчи бўлди. Қўшиқ тугагач уйга кирмоқчи эди. Узи ҳам пайқамай қўшиқ оҳангига эрий бошлади. Ипакдай майин, жаранг овоз уни сеҳрлаб қўйди.

Хинагул қайнотасининг айвонда безовталаниб ўтирганидан беҳабар, тўлиб-тошиб куйларди. Қалбида йиғилиб қолган ҳижрон алам-

ларини сел қилиб оқизарди. Онда-сонда пешоналари терлаб ухлаётган Маъмур билан Омонни эғнидаги чит қўйлакнинг узун еңги билан безоргина елпиб қўярди. Уғилларининг пишиллаб, фароғат уйқусида ором олаётганидан ўзгача бир лаззат туяр, аммо бу кўнгил тўқлик дилидаги ҳувиллаб турган бўшлиқларни батамом тўлдиролмаганидан ўқсиб нола қиларди...

Нохосдан Тиркаш ўзининг барча саъй-ҳаракатлари бефойдалигини пайқаб қолди. Хинагул у ўйлаганчалик нодон келинлардан эмас экан. Унинг ҳам ўз ўйлари, ўз дарди бор. Дардли одамни оёқ-қўлини боғлагандай қилиб бировга танғиш — жўмарднинг иши эмас. Тиркашнинг бемаъни хавотирлари, ноўрин шубҳалари — ҳаммаси бир пул. Хинагул ҳеч кимга турмушга чиқмайди. Умри йўл қараш билан ўтса ўтадики, бу ишга унамайди. Ҳожи бир балони билмаса гапирмайди. Ушанда уни ранжитиб бекор қилган экан. Ҳей аттанг-эй!

Ҳожиникига чиқиб келган Марварид Тиркашнинг айвонда бош эгиб ўтирганини кўриб хавотирланди. Тоби қочдимикан, деган фикрда: — Нега бундай ўтирибсиз? — деди пешонасини ушлаб кўрмоқчи бўлиб.

Тиркаш унинг қўлини секингина орқага сурди. Урнидан туриб, чопонининг этагини қоқди ва ичкарга юрди.

Айвондаги шарпани эшитиб, Хинагул бошини дарчадан чиқариб қаради. Қайночасига кўзи тушгач, оқ-сарик юзлари дув қизарди. Бошини дарҳол ичкарига тортиб, тўрга жой солди. Тиркаш ўтиб ўтиргач, чой тараддудиди ҳовлига чиқиб кетди. Ашуласини қайнотаси ҳам эшитганини сезиб, хижолат чекди.

Тиркаш кампирининг саволларига хушламай жавоб қайтарганича чой ичди. Хинагул қандайдир ишларни баҳона қилиб, ташқарида куйманиб юрди. Уялганидан ичкарига кирмаётганини Тиркаш билиб турарди. Бундан дилида хурсанд бўлди. Иссиқ чойдан тани яйраб, уйқу элита бошлади. Уйқусини қочириш учун дарчага яқин жойда пишиллаб ухлаётган невараларининг бошига борди. Энгашиб, ёстиқларини тўғрилаган бўлди. Қайтиб жойига ўтиргач, чиройи очилиб, сўради:

— Қишлоқда қандай янгиликлар бор?

— Ҳеч гап йўқ, — деди Марварид тумшайиб.

Гўё улар ўрин алмашгандай эди. Чоли ёзилган пайтда Марварид типратикондай хурпайиб олди. Тиркаш мийиғида кулди: торозининг бир палласи енгиллашса, иккинчиси босади-да. Турмушнинг ўзи ҳам адолат торозисига ўхшайди. Бўлмасам, ким билади, нималар бўларди.

— Негадир нашъанг паст, сабабини айтмайсан, — деди ётиғи билан.

— Айтсам, ишонмайсиз...

Марвариднинг юмалоқ юзида ажинлар чуқурлашди. Мен йўқда бирор кўнгилсизлик юз берибдими, деган хаёлда Тиркаш жиддийлашди.

— Бошладингми, давомини ҳам айт.

— Онамдан қолган кумуш бўзбандим бўларди, эсингиздами? Қичкина келинимга бераман деб тишимнинг ковагида асраб юрардим. Шу келиннинг синглисида экан.

— Нега унда бўлади?

— Онасининг айтишича, эри касал ётганида аллақандай лаш-лушларнинг ичидан топиб олиб, яшириб қўйган экан.

— Бўзбанднинг сеники эканлигини айтдингми?

— Йўқ...

— Ҳозирча индамай тур, кейин кўрамиз. Уша бўзбанднинг учиди бир тумор бўларди, туриптими? Очишмаптими?

— Уни очиш хаёлларига келмас. Сирини иккаламиздан бошқа ҳеч ким билмайди-ку, ахир.

Тиркаш ўйланиб қолди. Қулоқларига қулаётган отнинг жон ҳайбатдаги кишнаши ва «ак...ка ў...ўлдим» деган аччиқ товуш эшитилгандай бўлди. Этлари жимирлашди. Ушанда товуш эгасини танигандай

бўлганди, кимлигини эслаёлмаганди. Эртасига Нуруллани кўргачина, босқинчилардан бири унинг укаси, деган фикрга борганди. Овоз эгаси Муҳаммад папув эканлигига ишончи комил эди. Лекин ҳеч ким уни қувватламади. Қайтага шубҳаланаётган одами касал ётганини айтиб, дашном беришди. Кейин... ўзи иккиланиб қолди. Папув ўлгач, ундан гумонсирагани учун қаттиқ пушаймон бўлди...

Туморли бўзбанд Ҳожининг кичик қизиди бўлса, демак, босқинчиларнинг бири, ҳақиқатан, Муҳаммад папув экан-да! Марварид ўз буюмини танимаса гапирмасди. Бўзбанд унинг учун баҳосига кўра эмас, ота-боболаридан қолган муқаддас мерос сифатида қимматли эди. Уни мингта тақинчоқ ичидан адашмай топиб бера олади. Бунга Тиркашнинг шубҳаси йўқ эди.

Бир куни кимдир «Нурулланинг оёқлари соғмиш, овлоқда ҳассага суянмай ажабтовур кетаётганини кимдир кўриб қолипти», деганди. Лекин кимнинг кўрганини айтиб беролмаганди. Бу гап Тиркашга анчайин миш-мишдай туюлганди. Одам соғ оёғини уч-тўрт йил эл кўзига майиб кўрсатиб юриши мумкинлигини тасаввурига сиғдирилмаганди. Афтидан, ўша гапда жон бор чоғи. Рост бўлса, кўп нарсалар ойдинлашиб қоларди...

Тиркаш ўз фикрларидан чиқаётган мантиқдан чўчиди: борди-ю. ҳаммаси бошқача бўлиб чиқса-чи?

Эсига идорадаги ҳодиса тушди: Нурулла бошоқ турган стол ёнига кейинги қадамни ҳассасиз қўйди. Яна соғ одамдай шарт орқасига ўгирилди. Бу нима синоат? Жаҳли чиққанда чўлоқлар шундай ҳаракат қила оладими? Тиркаш унинг қитиқ патига чакана тегмади: «Ишингни бўйрага солдираман», деб қўрқитмоқчи бўлди. Шундан жаҳли чиқса чиққандир.

Бюро тўғрисида стол ёнига боришидан олдин гапирдим, кейинми,— эслолмади. Қачон айтса айтгандир, ҳарҳолда, райкомга бораман, дегани қўрқитиб юборди уни. Шунинг учун кескин ҳаракат қилгандир, деб ўйлади. Ҳар эҳтимолга қарши ҳаммасини бир бошдан текшириб кўрмоқчи бўлди.

— Бўзбанд тўғрисида бировга гуллаб юрма, — тайинлади Марваридга.— Мавриди билан бу ишни ҳал қиламиз. Меросинг ўзингга қайтади, ростданам сеники бўлса.

— Ўз тақинчоғимни танимай ўлиппанми, — ранжиди Марварид. — Қизиқ гапларни топиб юрасиз.

Тиркаш уни тинчитгач, бир оз мизғиб олмоқчи бўлди. Бироқ мизғий олмади: ўз-ўзидан юраги ҳаприқиб, даштга тушгиси келаверди. Гўё уйда қолса даштдаги буғдойзорлардами, буғдой дасталари уюлиб ётган хирмонлардами нимадир юз берадигандек эди. Ана шу туйғу таъсирида отини бостирмадан чиқарди. Четроқда турган буғдой бошоқларига кўзи тушиб, кузатиш учун чиққан кампирга қаради.

— Мана бу мошоқларни Эсарқишлоққа... Исматникига бериб юбор... — деди ва тезлаб отига минди.

У кампирга бошқа ҳеч нарса демай жўнаб кетди. Марварид эса ҳайрон бўлганича ортидан қараб қолди: «Нечук қудаснинг ғамини еб қопти бу тентак чол!..»

## 28

Осмон булутли кунлардан бири. Тоғларнинг бошини сийрак туман қоплаган. Ҳадемай нимадир ёғиши аниқ эди. Тиркаш билан Ҳожи Янгиқишлоқ яқинида дон сепиб юришарди.

— Кичкина қизингда бир бўзбанд бор деб эшитдим, Ҳожи, — деди Тиркаш нафас ростлаш учун шудгорда ёнма-ён ўтирганларида. — Уни сен олиб берганмидинг?

— Қаёқда, — у истар-истамас жавоб берди. — Муҳаммад касал ётган кунларда аллақандай лаш-лушлари ичидан топиб олганмиш.

Кейин яшириб қўйпти... Биласан-ку, қизлар бунақа нарсаларга ўч бўлишади.

Тиркаш ўзини қизиқтириб юрган баъзи нарсаларни аниқлаб олишнинг мавриди келди деб ўйлади ва Ҳожини гапга солиш чорасини излай бошлади.

— Айтишларича, Нурулланинг оёқлари соппа-соғмиш. Дўмда иш-лаётган одамнинг ҳасса таяниб, қийтанглаб юриши ғалати-я...

Ҳожи ўйланиб қолди. Тиркаш жимгина оғзига тикилди. Вужуди қулоққа айланиб кетгандай эди.

— Чўлоқлиги рос-ов, — деди ниҳоят у. — Лекин бир марта қизиқ бўлди... Сўна текканми, отларидан бири ипини узиб, ҳовлида шаталоқ отиб қолди. Икковлашиб ҳарчанд уриндик, тутолмадик. Бир боҳал қарасам, у ҳассасини тўғри тутиб, отнинг қаршисидан югуриб боряпти. Нўхтасидан маҳкам ушлаб, яккамихга қайта боғлади. Кейин қаттиқ оқсаб, уйга кириб кетди. «Бечора жаҳл устида югуриб, оёғини оғритиб олди-ёв», деб ўйладим. Бироқ, ҳовлисига шунча бориб, бирор марта ҳассасиз юрганини кўрмадим.

— Оти иккитамиди?!

— Биттаси хизматга минадиган оти. Бирини қаёқдандир олиб келиб, бир йилча офтоб кўрсатмай боқди. Укаси ҳалигидай бўлиб кетганидан кейин қуритди чоғи.

— Ранги қанақайди... ўша отнинг?

— Қора тўриқ...

Тиркашнинг хаёлига «у эмас» деган фикр келди ўқ еган отнинг рангини эслаб. Демак, уни учинчи шериги минган. Уникини Муҳаммад папув...

Тиркашга шу билганларининг ўзи етиб ортди: уйини босган ўғриллар ичида Нурулланинг бўлганлигига заррача гумони қолмади. Кўзларида ўт чақнаб, вужуди титради. Йўлиқса, ўйлаб ўтирмай гирибонидан бўғадигандай эди. Кучи етмаса, тагида ётиб ҳам томоғидан бўғарди. «Лаънати, милтиқнинг сумбаси билан уриб кўр қилмоқчи бўлди-я! — ўйлади алам билан. — Вақтида ўзимни олиб қочмаганимда шундай қилиши турган гап эди!..»

Ҳожи ундаги ўзгаришни сезди. Ажабланиб сабабини сўради. Таинини жавоб ололмагач, индамай қўя қолди...

— Қизингнинг ўша бўзбандини олиб бизникига ўт, Ҳожи, — деди уйга қайтишаётганларида Тиркаш. — Гап бор...



У анча руҳсиз эди. Бебит келган экан, қўл учида сўрашди. Марварид тайёрлаган жойга ёнбошлаб, хаёлга толди. Жиноятнинг учи топилди. Бу томонига нима қилишини ўйлаб, ўйининг тагига етолмасди.

Отасининг кайфияти бузуқ пайтларда Бебит ундан олдин гап бошламасди. Сабр билан бирор нарса дейишини кутарди. Гапирса — яхши, гурунг давом этаверарди, индамаса — сукут чўзиларди.

Тиркаш узоқ сукут қилмади. Аста томоқ қириб:

— Биласанми, — деди ўғлига. — Маржонсойда уйимизга босқин ясаганлар Нурулла дўм билан укаси экан!

— Ё худо-о! — Марварид ишонқирамай ёқасини ушлади.

Бебит ҳам бу фикрга қўшилмади.

— Босқинчиларнинг чўлоғи йўқ экан, шекилли.

— Нурулла дўм чўлоқ эмас!

Тиркаш ундан шубҳаланиши сабабини Ҳожидан эшитганлари билан қўшиб айтиб берди. Ҳайратдан Марвариднинг оғзи очилиб қолди. Бебит уруш бошланган кезларда Нурулланинг оёғи шахтада синганлигини эслади. Ушанда кимдир «у атайлаб оёғига тош қулатган» деганди. Бунга кўпчилик ишонмаганди. Афтидан, ростдан ҳам шундай бўлган чоғи. Нима учун?!

Бу саволга жавоб топиш қийин эди. Уша ҳодисани ва тарқалган миш-мишларни айтганида, Тиркаш осонгина хулоса чиқарди қўйди:  
— Кемалар чўкишидан олдин каламушлар қочиб қолармиш. Одам сийратида юргани билан Нурулла дўм ҳам каламушга ўхшаган маҳлуқ. Урушдан қочиб, ўзини-ўзи «майиб» қилган бўлиши мумкин. Яна иш пайтида чўлоқ бўлганлигини пеш қилиб амалга минди. Элда саводи дурустроқлар камайиб қолганидан фойдаланди, қасамхўр. Бебит ҳануз шубҳаланарди:

-- Шундай одамнинг узоқ вақт қўлга тушмай юргани қизиқ...

— Нурулла сен ўйлаган одамлардан эмас, — деди Тиркаш. — Ишни пухта қилган. Отаси олтибекларнинг<sup>1</sup> эшакқурт ялагандай бир ўғриси билан яқин ошна эди. Доим иржайиб юргани учун уни Эшбўл иржиқ дердик. Назаримда, Нурулла шу Иржиқнинг болалари билан топишган. Душман дастлабки пайтларда устун келавергач, яна қадимги даврларимиз қайтади деб ўйлашганми, ҳаром-хариш билан тезроқ бойимоқчи бўлишган. Сафарота ва Ушма томонларга ўн беш-ўн олти тош йўл босиб, ким йўқолган молини излаб борарди. Уйимизга босқин ясаганларнинг учинчиси ё Иржиқнинг боласи, ё ўша тарафларнинг одами. «Биттаси ғалатиноқ гапиради», деб терговчига сен айтганмидинг? — сўради Марвариддан.

Кампирининг тасдиғи Тиркашнинг гумони тўғрилигига далил эди. Бебит бари бир шубҳаланарди. Отаси юқоридаги фикрларини Ҳожига такрор айтаётганида ҳам уйдирма тинглаётгандай бўлиб ўтирди. Ҳожининг эса жаҳли чиқиб кетди:

— Сен ёмон қаридинг, Тиркаш! — деди ғўлдираб. — Жуда ёмон қайтдинг. Уларча бадгумон ва жиззаки бўлиб қолдинг. Тириклар-ку майлийд, ўлганларниям тинч қўймайсан!

Тиркаш беихтиёр қўлида айлантириб, ўйнаб ўтирган бўзбандга нигоҳ ташлади.

— Мен бадгумонманми?

Ҳожи бир замонлари Парда сўфи айтган гапни такрорлади:

— Ит ҳурганни ўғри гумон қилаверсанг, тўғрини қайдан топасан?!

Тиркашнинг ҳам аччиғи чиқа бошлади:

— Далил кўрсатсам ишонасанми?!

— Қани ўша далил!

— Мана! — у бўзбандни ҳалқасидан кўзи баравар юқорига кўтариб, Марваридга буюрди. — Игнани опке.

Ҳожи ўзи келтирган тақинчоққа ижирганиб тикилди:

— Бунинг нимаси далил?!

— Очиб бер-чи, манови учидаги туморни.

Тақинчоқни унинг тиззаси ёнига ташлади. Ҳожи очишга уринмай ҳам орқароққа суриб қўйди. Шу ҳам далил бўлдими, дегандай бўзрайиб ўтиравергач, бўзбандни Тиркашнинг ўзи қайтариб олди. Кампир у затган игнани тумор шаклидаги кумуш безак тагида кўзга зўрға чалинаётган тешиклардан бирига тиқиб босди. Тумор икки паллага ажралди. Ичида ранги сарғайиброқ қолган бир бўлак йилтироқ қороз кўринди. Тиркаш унинг қатларини авайлаб ёзиб, Бебитга узатди.

— Уқи!

Бебит мактабга борган кезларда арабча ёзувда, кейин лотинча алфавитда ўқиган эди. Настаълиқ хатидаги чиройли арабча ёзувни қийналиб ўқиди: «Ушбу бўзбанд қизим Марваридга онасидан хотира бўлсин. Яхши ният билан васиятимиз будур: қазо етса, бўзбанд кенжа қизи ёким кичик келинида қолсин».

Бўзбанднинг сири ва ўзи ўқиган кейинги гап мазмунига тушуниб Бебит қизарди. Ҳожи уни тезда идрок қилолмади, бир муддат оғзини очиб ўтирди. Кейин момақалдиноқдай тўсатдан гулдиреди:

<sup>1</sup> Олтибек — шеваларида фарқ бўлишига қарамай, улар ҳам туркман уруғиданмиз дейишади.

С. ИСХОҚОВ ◆ ЮЛДУЗ КҶДА СҶНАДИ

— Бўзбанд сенга тегишли экан-да!.. Уйингни тун ичида босган ростанам ўша бетовфиқ экан-да! Ишонмагандим-а...

Энди бунга ҳеч кимда гумон қолмаганди. Ҳожи бўзбандни ҳам нутиб, ғалати тарзда ўрнидан турди. Индамайгина уйига чиқди.

## 29

Кечқурун шамол тинди. Бирор соатлик мўътадил ҳолатдан кейин эзиб ёмғир ёға бошлади. Тунда қорга айланди. Аввалига ёмғир сувида эриб турди-ю, тонгга қадар «қуён изи» бўлиб қолди. Эрталаб тинди. Олам оқ кўрпага ўралиб олди. Далада иш тўхтади. Қўшчилар қишлоқларига тарқалиб кетишди. Ҳамма бола-чақалари билан таппичолма чўғи солиб қиздирилган иссиқ танчаларга тиқилиб олди. Кишини эзиб юборадиган бекорчилик мавсуми бошланганди...

Тиркаш тун бўйи яхши ухлаёлмади. Сал пинакка кетгандай бўлади-ю, уйғонади. Бир неча марта ташқарига чиқиб келди. Тонг ғираширасида кўз олдидан бир томонга сувдай оқиб ўтаётган сон-саноқсиз оқ зарларга тикилиб, айвон четида узоқ ўтирди. Хаёлига нималар келиб-кетмади: гоҳ Нурулланинг айбини очиб қаматиб юбормоқчи бўлса, гоҳ ундан азият чекканларни йиғиб бориб, ўғри итдай дўппослаттиришни ўйларди. Яна, қариганида ярим ёшидаги одамларни ёқа бўғиштириб юришдан ор қиларди...

Чошгоҳ пайтида уйига Ҳожи кирди. Афтидан, унинг ҳам уйқусида ором бўлмаганди: кўзлари киртайган, сўлғин. Тиркашнинг ёнидан танчага омонатгина оёқ суқатуриб гўлдиреди:

— Бу иш шундайича қола берадимиз?!

— Нимани гапиряпсан ўзи?

— Айёрлик қилма. Нурулла дўмга индамай қўяверамизми демоқчиман! — деди ғабдан кўзлари чақнаб. — Ушанда тарафкашлик қилиб, бекор қилган эканман... Билмовдим-да...

— Бунақа адашган битта сен эмассан. Нима қил демоқчисан?

— Дўмга борайлик, нима қилишни ўша ерда биламиз.

Тиркаш кўп нарсаларни ўйлаганди, аммо қишлоқ Советига бориш хаёлига келмаганди. Ҳожининг қатъиятидан руҳланиб, апил-тапил кийинди. Эшакларига қайқи миниб, иккаласи Саврук томонга йўл олишди.

Қорнинг дастлабки ёғиши, ҳали бурун чимчилайдиган аёзлар бошланмаган. Ҳаво қандайдир майин ва ёқимли. Қуёш кўринмаса-да, булутлардан сизғиб ўтаётган оқ ёғдуда юмшоқ қор садафдек йилтирайди, эшакларнинг туёғи остидан атрофга кўпчиган тупроқдек сочиллади.

Саврукка яқинлашганлари сари Тиркашнинг дилида қарама-қарши ҳислар жўш ура бошлади. Кўнглида Нуруллани оқламоқчи бўлади: у қийқимлик, уруғи бир, аймоғи бир. Юзига милтиқнинг сумбаси билан жароҳат солса солипти — ўлдирмади. Молини ҳайдаса ҳайдапти — олиб кетолмади. Бу ишларни отасининг кекини олиш учун қилгандир. Укасидан ажралиб, ўзи жабр кўрди. Энди қаматиб юбориши шартмикан?! Яна қоралайди: уруғдоши бўлгани билан қулай келганида юзингда кўзинг бор-ку, демади. Босқинчилигидан ташқари — қочоқ. Бундай одам эл-юртга ҳам, уруғ-авлодга ҳам яхшилиқни раво кўрмайди...

Баъзан қизишиб, ёмон кўрган одамнингга у қилмаган айбларни ҳам ағдараверасан киши. Қимнидир емаган сомсага пул тўлашга мажбур қилмоқчи бўласан. Бундоқ дўппини олиб ўйласанг, йўқ нарсадан бир талай ғавго топганинг маълум бўлади — Тиркаш шундай кепатага тушиб қолмадиммикан, деб ўйларди...

□

Идорада Ҳожи ўзини дадил тутди. Палапартишроқ бўлса-да, расга келишларидан мақсадни тушунтиролди. Қайтага кечагина Ну-

руллани учратиб қолса, томоғидан хиппа бўғиб оладиган алпозда юрган Тиркаш ивиб ўтирди. Бир ўзи бўлганида, эҳтимол, идорага етмаёқ қайтиб кетармиди. Унда яна қанча вақт ўзи билан олишиб, ич-этини еб юрарди.

— Шу гаплар ростми?

Раис кўзларини Тиркашга қадади. Тозалаб қирилган салқи юзларида ҳайронлик аломати акс этди. Ҳожининг гапига унча ишонмагани шундоққина кўриниб турарди.

— Билмадим, — деди Тиркаш. — Бу айтилганлар бизнинг гумонимиз. Синчиклаб текшириш керак ҳаммасини.

— Эсинг жойидами ўзи! — Ҳожи жеркинди. — Кўриниб турган нарсани текшириб ўтиришадими, тентак!

Тиркаш индамади. Раис чиқиб кетди, Нуруллани бошлаб кирди. У ўтирганларга бош ирғаб, сўрашган бўлди ва ошкора виқор билан раиснинг рўпарасидаги стулга ўтирди. Менда нима ишингиз бор, дегандай унга тикилди. Раис ҳам кўзларини қадаб сўради:

— Сиз шунақа одаммисиз?

— Қанақа одам эканман? — Нурулла илжайди.

— Отахонларнинг гапига қараганда, қип-қизил босқинчисиз...

— Илгари ҳам шунақа бир тўхмат қилишган эди: унда касал ётган укамга осилишганди. Бекор оғиз нималар демайди?

У босиқ ва осойишта оҳангда сўзлади. Аммо юзларидами, лабларидами аччиқ истеҳзо сезилиб турарди. Айниқса, Тиркашга қараганида бу нарса яққол кўринди. Сўнги гапи мазахлашдай туюлганидан, Тиркаш ҳушини йиғиб олди. Энди ортга чекиниш учун йўл қолмаганлигини у ҳам тушунди.

— Ушанда жуда осон жилдирдинг, — деди Нуруллага. — Одамлар укангнинг «касал» ётганини эшитгач, сен томонга оғиб кетишди. Мен эса кўпчиликнинг юзидан ўтолмагандим...

— Касал ётгани ёлғон эди демоқчимисиз?! Унда Ҳожи акадан сўранг-чи, ростини биласиз қўясиз!

— Ётишга-ку, тўшак тортиб ётганди, — гапга Ҳожи аралашди. — Лекин бир кун илгари отдай бўлиб юрган одам нега иккинчи кун чала ўлик касалга айланган? Нега оёғи пайраха билан танғилгани ҳолда «ичим» деб ингради? Нега?

— Буни мен айтаман!

Ҳожининг саволлари кутилмаганда Тиркашга туртки берди. Қорақушдаги ўша оқшомнинг сўнги воқеаларини қисқагина гапириб берди. Нурулла бир неча марта луқма ташлаб ҳикоясини бўлмоқчи ёки чалғитмоқчи бўлди-ю, раис йўл қўймади. Мурдашўйларга қарашиб турган чолдан эшитганларини гапираётганида у чидаялмади:

— Ёлғон! — деб бақириб юборди. — Ҳаммаси тўхмат!!

— Нега бақирасиз? — раиснинг жаҳли чиқди.

Тиркашнинг зардаси қайнамоқда эди. Энди уни тўхтатадиган куч йўқ эди.

— Тўхмат дейсанми! — деди тишлари орасидан.

— Тўхмат!! Ҳаммаси тўхмат!

— Мана бу тақинчоқ қайси энангдан қолган мерос!

Тиркаш бўзбандни чўнтагидан олиб, тарақлатиб Нурулланинг олдига ташлади. Унинг тақинчоққа кўзи тушди-ю, дарҳол назарини олиб қочди. Ранги пўст ташлаган илоннинг тусидек айниди. Таҳдидли вишиллади:

— Менда ололмаган қандай ўчингиз бор эди, ҳақорат қилманг!

— Тақинчоқ ростданам сизга тегишлими? — сўради раис.

— Билмадим. Эҳтимол, бизга тегишлидир.

— Укангнинг майда-чуйдалари орасидан олинган у, — деди Ҳожи. — Нега ўзингни гўлликка оласан?

— Укамнинг майда-чуйдалари орасидан олинган бўлса, укамникидир. Менга нима алоқаси бор унинг?

— Жуда алоқаси бор-да, — Тиркаш кесатди. — Тақинчоқлар

фақат шугина эмасди. Сана десанг санаб бераман. Алоқаси бўлмаса, уканг ўлмай туриб бошқаларини уйингга кўтариб кетмас эдинг. Буни-сини сенга билдирмай келининг олиб қолган. Билганингда, у ҳам сен қазиган ўрада турарди.

— Олсам укамнинг нарсаларини олиппан, сизга нима?

— Гап шунда-да! Бу нарсалар укангники эмас эди. Уларни сен ўз қўлинг билан менинг сандиғимдан олгансан, энағар!

— Тухмат!!

Раис ҳайрон бўлиб қолди. Ҳожининг гапларини эшитганида, бирор англашилмовчилик рўй бергандир, деб ўйлаганди. Нурулланинг ўзини бошлаб кириб, бу ишни ҳал қилиб қўя қолмоқчи бўлганди. Ниҳоят, у бу иш қишлоқ Советининг идорасида ҳал бўладиган ишлардан эмаслигини англади.

— Жанжалларингиз анча чигал, — деди Тиркашга. — Шу бугуноқ прокурорга хабар берамиз. Ушалар текшириб аниқлашади. Сиз ишингизга бораверинг, — деди Нуруллага. — Ҳақиқат юзага чиқади!

Нурулла кирган пайтдаги виқорини йўқотиб, анча-мунча талвасага тушиб қолди. Шунда ҳам ҳеч нарсани эламаганга олиб ўрнидан турди. Ёнидан ўтаётганида Тиркаш чидаб туролмай, шаппа ҳассасига ёпишди. Узини ўнглагунича бўлмай уни қўлидан юлиб олди ва ғазабдан қалтираб бақирди:

— Ҳассасиз кетавер, газанда! Тун ичида уйимни босганингда ажабтовур юрувдинг-ку!

Нурулланинг ранги бўзарди. Ҳассасини тортиб олиш мақсадида-ми, оёғини сургаб Тиркаш томонга ярим қадам ташлади. Орага Ҳожи суқилди.

— Жўна, жўна! — деди гулдираб. — От қувлашга яраган оёқ жўн юришга ярамайдими? Ярайди! Давринг келганида мени хўп лақиллатдинг, энди ҳисоб-китобни тўғрилайми ё...

— Қочиб тур, Ҳожи! — Тиркаш уриб юборадиган важоҳат билан ҳассани боши узра баланд кўтарди. — Унда менинг оласим кўпроқ. Кўзимни чиқармоқчийди, мен миясини чиқараман ҳаромининг!

Тиркашнинг дўқи сўнгги зарба бўлиб тушди. Нурулла бир ҳўкизининг терисини икки марта шила оладиган доғули бўлганида ҳам бу зарбага дош бера олмади. Эшик томонга рисоладагидек бир-икки қадам қўйди. Сири очилиб қолганини англади чоғи, ташқарига чопиб чиқди. Ундан оти томонга югурди. Ипини ечиб ўтиришга сабри чидамай, нўхтасини бошидан олиб ташлади ва сакраб эгарга ўтирди-да, тоғ томонга қочди. Қишлоқ Совети раиси бундай бўлишини кутмаганми ё Нуруллага ишонч билан қарарканми, у эгарга ўтиргунига қадар деразадан ҳайратланиб қараб турди. Отининг ёлига ёпишиб, бошини тоғ томонга қайиргандагина мақсадини тушунди. Сапчиб ўрнидан туриб, қўшни хонадан секретарини чақирди:

— Болқи! Ҳой Болқи! Колхоздан тез тўрт-беш отлиқни тўпла! Тез бўл!

Болқи колхоз идораси томон чопиб кетди. Раис тоқатсизланиб, хона бўйлаб юра бошлади. Тиркашнинг рўпарасида тўхтаб, тасалли оҳангида гапирди:

— Қочиб қутулолмайди у! Бугун бўлмаса эртага тутиб оламиз. Уйларингизга бораверинглар, керак пайтда чақиртирамиз...

□

Тиркаш билан Ҳожи Саврукдан чиқиб кетишаётганларида тоғ томонга от қўйиб бораётган суворийларни кўришди. Ораларида анча ёшга кириб қолганига қарамай, қишлоқ Совети раисининг ўзи ҳам бор эди. Отларининг чопишига қараб, Тиркаш уларнинг Нуруллага ета олишларига шубҳаланди.

— Куни кеча моладан чиққан қирчанғилар Нурулланинг боқувдаги отини қувлаб етармиди, — деди афсусланиб.



— Бу ҳаромининг эгарни ечмаганига яраша, юганини эгарқошига илиб қўйганини кўр, — деди Ҳожи. — Вой моҳов!

— Уғрининг соясидан ҳам ҳадиги бор, деганлари шу-да. Қинғирлиги қирқ йилдан кейин бўлса ҳам очилишини сезган.

— Буни сезган бўлса, қўлга тушириш маҳол уни. Бошпанасини ҳам тайёрлаб юргандир, ахир....

Улар ўз тахминларида адашмаган эди. Ҳақиқатан, Нуруллани анчагача тутишолмади. Сувга чўккан тошдай йўқ бўлиб кетди. Сўраб-суриштиришлар, уйга пистирма қўйишлардан наф чиқмади. Бу орада ўша ёш терговчи Тиркашдан баъзи нарсаларни аниқлаб, Нурулланинг уйида тинтув ўтказди. Анча-мунча қимматбаҳо буюмлар топишди. Орасида Марвариднинг сандиғидан чиққан тақинчоқлар ҳам бор эди. Уларни алоҳида рўйхатга тиркашди. Сирини билгач, илгарироқ топилган бўзбандни ҳам қўшиб, рўйхатга қўл қўйдиришди. «Нарсаларингизни суддан кейин оласиз», деб жўнаб кетишди.

Тиркашни яна бир нарса ажаблантирди: терговчи гап орасида яна Тиловбердилар воқеасини батафсил суриштирди. «Уйингизга босқин ясаганларнинг ўша қотилликда ҳам қўли бўлиши мумкин», деди бу гал очигини айтиб. Аммо, ойнадагидай кўриниб туришига қарамай, босқинчилар Нуруллалар эди, деган фикрга шубҳаланиб қаради. «Бу — уни тутсақ маълум бўлади», деди...

Қишнинг охирларида, Нуруллани тутишларидан умидлар узилган пайтда, «Сафар отада Эшбўл иржиқнинг ўғли қўлга тушипти», деган хабар келди. Мартнинг ўрталарига бориб Пангатда, аллақайси тоғ камарида, Нурулла ҳам қўлга тушди. Тергов унчалик узоқ чўзилмади-ю, шу пайтда Тиркаш бетобланиб ётиб қолди. Судда қатнашишининг сира иложи бўлмади...

## 30

Тиркаш кўзини очиб, титраб кетди. Миясига лаҳадда ётибман шекилли, деган қўрқинчли фикр яшиндай урилди. Устига қоп-қора одамсимон нарса энгашиб ўтирар, тепароқда кучсиз шуъла липилларди. Энг сўнгги одам мазордан етти қадам узоқлашгач, Мункарнакир келиб сўроқ бошлайди, деган гапни кўп эшитганди...

У ўзини ростлаб олди. Салдаёқ қорачироқ шуъласи липиллаётган таниш шипни ва девордаги халта-хулталарни илғаб, ҳали ўлмаганлигини пайқади. Руҳида ажиб бир енгиллик, хаста вужудида одатдагидан ташқари бир сокинлик тўйди. Қўлини мажолсизгина узатиб, энгашиб ўтирганча ухлаётган кишининг тиззасини пайпаслади. Унинг кимлигини билмоқчи эди.

Ухлаётган одам гарансиб уйғонди. Бошини кўтарганида, қорачироқ шуъласи қорамағиз юзларини иягига қадар ёритди. Тиркаш ўзига тикилиб сарҳуш учқунланаётган бир жуфт чарос кўзни дарҳол таниди. Қон томирларида ғалати бир ғалаён бошланиб, юраги буралиб тушгандай бўлди. Хаёлидан: «Келмасин дегандим-ку!», деган аламли фикр сизиб ўтди. Шундай бўлса-да, соғинч туйғуси ғолиб келдими, бир зумгина тикилиб қолди унга.

— Ота!.. Отажон!! — деди Гулсара титраб. — Мен келдим!.. Отажон!..

Унинг интизор термилаётган кўзларида ёш ғилтиллади. Тиркаш ҳушини тўплаб, юзини ўғирди ва қизини шафқатсизлик билан ҳайдади:

— Кет-кет! К...кет!!

Гулсаранинг тепасига булутли осмон қулаб тушгандай бўлди: у ҳеч кимга билдирмай бу хонага кирганида, негадир, отасининг афв этишига ишонганди. Балки, сўнгги соатларини яшаяпти, деб эшитгани учун шундай фикрга боргандир. Кўз кўзга тушса, ҳайдаёлмас, деб ўйлагандир. Ишончи сароб бўлиб чиққач, бошини секингина унинг кўксига қўйди ва ўксиб-ўксиб йиғлаб юборди.

С. ИСҲОҚОВ ♦ ЮЛДУЗ КЎКДА СУНАДИ

Тиркашнинг юрагидаги музни йиғи ҳам эритолмади. Қоқсуяк қўллари билан қизининг бошини нарироққа итармоқчи бўлди-ю, эплолмагач, яна:

— Кет!! Кет!!! — деди кўксидан босиб турган ажални ҳайдаётгандай ваҳшиёна ўкрик билан.

Марварид сачраб уйғонди. Қаловланиб ўрнидан турди. Беморни безовта қилмасин, деган мақсадда нуруни тўсиб туриши учун тоқчадаги қорачироқ олдига қўйилган нарсаларни олиб ташлади. Заиф шуъла отасига талпиниб, изтиробли инграётган қизи ва бор кучини сарфлаб уни ўзидан узоқлаштиришга интилаётган чоли устида липиллай бошлади. Марварид шундагина юз берган ҳодисани англади. Унинг Тиркашни инсофга чақариши қанчалик қийин бўлса, Гулсарани ноумид қилиб чиқариб юбориши шунчалик оғир эди. Икки ўт орасида бир зум гарансиб тургач, қизини чиқариб юборишни маъқул топди...

Кечанинг қолган қисмида Тиркаш мижжа қоқолмади. Нималарни ўйламади у! Қизини оқламагани ҳолда, ўзидан ҳам баъзи хатоликлар ўтганлигини чуқур ҳис қилди. Қариганда бир отим йўрға бўлди, дегандай, қариганида қилиғи кўпайиб кетди! Қирқ билан туркмани бир-бирига душман деб билди. Бу-ку бир халқнинг икки уруғи, эт билан тирноқдай гап. Қанча эл-элатларни, халқларни бирлаштириб, яктан қилиб турганларга тасанно! Элни бошқариш ўзига ўхшаган тўртта бетайинга қолганида борми, ҳамма ёқни бузиб, вайрон қилишарди. Одамларни бир-бирдан айириш, бузиш бўлмай нима?..

...Тонг отди. Тиркашнинг ёнига ҳол сўраб Ҳожи кирди. Унинг нимадандир кайфи чоғ эди. Буни Тиркаш ҳам сезиб, сабабини сўради.

— Ҳозиргина Мамат кепти, — деди у яшириб ўтирмай. — Исмат билан Гулсарани жўнатиб кирдим. Майли десанг, Марварид билан бориб келсак...

Тиркаш индамади. Ҳожи унинг юзидан «борсаларнинг боравермайсиларми» деган маънони уқиб, Марваридни шошира бошлади.



Санглоққа сиғмай тошиб чиққан селдан кейин, кўкдаги булутлар сийраклаша бошлаганди. Осмон тип-тиниқ. Саҳарҳез қушлар субҳидам навосини тугатганда қўрғонжарлик йигитлар чирмандасини гижбанглата бошлашди.

Чолғу товушлари Тиркашнинг толиққан руҳида ажаб бир сурур қўзғатмоқда эди. Унинг кўчага чиққиси келарди. Назарида, бундай қутлуғ айёмда диққинафас бўлиб уйда қамалиб ётиш ақлга сиғмайдиган ишдек туюларди. Ўз изтиробини — бир кишининг изтиробини, қувончлари — бир кишининг қувончини бўлиб, чордевор ичида қолиб кетаётгандай эди. Бир ўзи бўлса ҳам майлийди, бу гирдобга Бебитни ҳам торттиб ўтирарди. Отасини ёлғиз қолдириб, ҳеч қаёққа чиққиси келмасди. Бебит отасининг бетоқат бўлаётганини пайқайди.

— Дарчага қаратиб ўтқизиб қўяйми? — деди юзига тикилиб.

Тиркаш индамади. Дарчага қараб ўтириш учун ҳам қувват керак. Қани ўша куч! Аммо хаёлига бошқа нарса келди: бўзга чиқса-чи? Очiq ҳавода бир оз шамоллаб, юрагидан ғубор кўтарилармиди.

Фикрини Бебитга айтганди, у иккиланди.

— Қандай бўларкан?

— Ҳовлига чиқариб, ўлигимни эшакка ортасан-да, ташлаб келаверасан. Қандай бўларди? Шундай қил, болам, жуда тўлиб кетдим. Ажалдан олдин тарс ёрилиб ўлиб қоламанми дейман. Унда ўлигимни шотига солиб кўтаришингга тўғри келади.

— Қўйинг-э, ёмон ният қилманг. Бир иложини топармиз.

У отасини эшакка миндириб юрмади. Елкасига ёш боладай опичлаб, ён эшикдан олиб ўтди-ю, бўзга чиқди. Санглоққа яқинроқ бир ерга ётқизиб, чопонини буклаб бошига ёстиқ қилиб қўйди.

Тиркаш жойлашиб ётиб олгач, Бебитга жавоб берди.

— Бор, болам, жўраларинг қишлоқнинг нариги бошида ўйин-кулги қилишяпти шекилли. Шуларга бор.

— Бир ўзингиз қоласизми шу ерда? — деди у иккиланиб.

— Боравер, — Тиркаш ўзининг дадиллигини кўрсатиб қўйиш учун чопонга қийналиброқ ёнбошлаб олди. — Кўрдингми, тузалапман. Менга жин ҳам урмайди. Бирор соатдан сўнг кел...

Бебит орқасига қарай-қарай кетди. Тиркаш ёлғиз қолгач, осмонга қараб ётиб олди. Санглоқ кучсизгина шовуллайди. Қишлоқ четидан янграб чирманда овози келади. Қаердандир ёлғиз сўфитўрғайнинг мунис сайроғи эшитилади. Атрофдан кишининг бошини айлантириб юборадиган бир оромижон бўй таралади. Бу — етилган, кучга тўлган баҳор ҳиди!..

Беҳудуд хаёллар Тиркашни толиқтириб қўйганди. Ҳеч нарсани ўйламасликка интиларди, аммо, ўйламасдан бўлмас экан. Одам ўйфикрсиз туролмайди чоғи. Кафти билан ғуборсиз майсаларни сийпаларкан, кун тигида қандайдир вазмин мудраётган Қорақуш чўққиларига кўзи тушди. Юраги орзиқди. Узоқ қараб қолди. Хаёлида Қорақуш ҳақидаги ўша дилгир қўшиқ яна жонлана бошлади:

«Қорақуш!..

... Уғлинг сендан мағрур эди! Сендан кучли ва жасур эди. Сен унинг шиддатини кесдинг! Ер ва Осмон ўлкасининг муносиб фарзандини хазон қилдинг!..»

Тиркашнинг бўғизидан ғариб бир фарёд сизғиб чиқди. Чопонига мук тушиб узоқ ётди. Эзилиб-эзилиб йиғлагиси келарди. Аммо кўзларида ёш йўқ. У бари бир йиғлади! Кўз ёшисиз, сассиз-садосиз йиғлади. Фарзандига тескари фотиҳа бериб ўлим комига йўллаганидан, энг долзарб пайтда оталик меҳрини кўрсатолмаганидан куйиб, ўртаниб йиғлади. Ўзининг қаттиққўллигидан, тошмеҳрлигидан беадад алам тортди...

У қанча ётганини билмади. Бебитнинг ҳаяжонли товушидан ўзига келди.

— Отажо-о-он! — дерди у ўзлари чиққан эшик томондан овоз бериб. — Мана ха-а-ат! Акам тири-и-ик!! Тири-и-ик!..

Ҳозиргина ўзи мислсиз ғам тортган нарсадан бирданига қувониш Тиркашни ғалати аҳволга солиб қўйди. Уни гўё яшин урди: шундай урдик, зинғиллаб тос тепасидан кириб, оёғининг тирноқларидан чиқиб кетди. Қандайдир ғайритабiiй бир куч таъсирида гавдасини азот кўтариб, тиззаларига ўтириб олганича нидо қилди:

— А-аа?!!

Бебит унинг ўз гавдасини ўзи кўтариб ўтирганига ҳам, овозидаги ўзгача ёввойи ҳайқариққа ҳам эътибор бермади. Қувончдан у ҳам ақлдан озар даражада эди. Аллақандай қоғозни боши узра силкитиб, капкатта йигит майса устида ёш боладай дикир-дикир сакраб ўйнарди.

— Ака-а-мм... Италияда партизан...ан... келяпти!..

Тиркашнинг кўз олди қоронғилашди. Ўқ еган қоплондай буралиб, секингина майса устига йиқилди.

— Ўзингга шукр, худойим! — деди мунгли пичирлаб. — Шарманда қилмаганингга шукр! Юзи қароликдан сақлаганингга шукр!.. Қўлларига таяниб, бошини яна кўтарди. Қулоғи бетўхтов шанғиллаб ҳеч нарсани эшитмас, кўз олди жимиралиб, ҳеч нарсани кўрмас эди. Вужуди мисдай қизиганди. «Шарманда! — деди хаёлида пешонасидан тер қуйиб. — Нима номаъқул...ни еб қўяй дединг?!»

У майса устига энгашиди-ю, аламига чидолмай ҳали селгимаган намхуш ўтларни тиши билан ғирчиллатиб узиб чайнай бошлади. Ширасидан оз-моз ютиб, туппасини туфлаб ташлар, оғзини қайтадан ўтга тўлдириб олиб чайнарди. Томоғини ўтларнинг заҳар-заққум шираси куйдириб борар, у эса заҳарланиб қолишини ўйламасди. Жонига қасд қилгандек, чайналган ўтларнинг ҳеч бўлмаса ширасидан кўпроқ ютмоқчи бўлиб шимарди.

Бебит отасининг майса узра силжиб, ўт еб юрганини ниҳоят пай-қаб қолди. Чопиб келиб ердан кўтариб олди. Тиркаш унга ақлдан озгандек олайиб қаради-ю, оғзидаги кейинги тўппани бир четга туфлаб: — Олиб бор!.. деди инграб. — Уйга олиб бор!..



Бебит елкасига ортмоқлаб келиб, тўшагига ётқизганидан сўнг Тиркаш оғиз очмади. Анчагача ичи куйиб, хаёл суриб ётди.

Эсарқишлоқдан қайтиб келган кампирига ҳам эътибор бермади. Уғли ҳақидаги хушxabардан Марварид ҳам ақлдан озар даражада эди. Курк товуқдек невараларини икки қанотига олиб, чолининг тепасида жимгина ўтирарди. Бебит дарча ёнида аста чиқиллатиб чўт қоқар, Хинагул пойгакда ун эларди.

Тиркашнинг томоғи игна санчилгандай ачишарди. Тушга яқин ачишгани қолди-ю, қорнини нимадир ғижимлаётгандай бўлаверди. Қусмоқчи бўлиб ўхчий бошлагач, Хинагул тоғора кўтариб кирди. Бебит суяб бошини кўтарди. У ўтнинг шираси аралаш жиндай зардоб қусди. Ортидан бир парчагина қоқриқми, йирингми ташлади-да, тинчиди. Бебит жойига қайта ётқизганидагина кампирига назари тушди. Негадир узоқ қараб қолди.

Марварид чолининг хуморлашиб турган кўзларига тикилиб, майингина жилмайди. Еноқларидаги ҳар бир ажин, мижжаларидаги ҳар бир киприк, ҳатто эртароқ оқарган соч толаларини кўтариб турган юпқагина қулоқларида ҳам табассум балқигандай бўлди. Шунданми, Тиркаш ҳам беўхшовроқ илжайди.

Уйдагиларнинг шодон кайфияти, хонадаги дилкаш осудалик уни элитди. Маржонсой ёқасида нон кавшаб ўтириб: «Инсон — оқин сув, — деб ўйлаганини эслади. — Урф-одатлар сой қирғоқлари. Сув оқиб ўтаверади, қирғоқлар уни йўлга солиб, жойида мустаҳкам қолаверади». Янглишипти! Оқимни сиғдиролмаган, сувнинг йўлига тўғаноқ бўладиган қирғоқлар емирилишга маҳкум экан. Урф-одатлар ҳам ўзгариб бораркан. Улардан мақбулларини давом эттириб, эскирганларидан воз кечган маъқул экан. Буни вақтида тушунолмай, неча йиллар ғулув ичида беором яшади. Уруш оромсиз кунларини чидаб бўлмас даражада чўзиб, ўзини ўлим жари ёқасига келтириб қўйди. Хайриятки, бу тубсиз чоҳдан сакраб ўтолди!..

Тиркашнинг нигоҳида маъюс табассум учқунланди. Кўзларини юмиб, одамларнинг валломатлигига чегара йўқ, деб ўйлади. У оқимнинг йўлини тўсмоқчи бўлиб юрипти! Оқим шиддати ўзини бир бурчакка итқитиб ташлади. Бир бурчакка итқитди ва қаланғи-қасанғиларга таланиб, эътибордан четда қолди. Ҳалиям бўлса одамлар ҳимматли — уни яна қаторга қўшиб олишди...

Тиркаш кўзини очиб, тепасида жимгина тикилиб ўтирган Марваридга қаради. Хаёлига ўша қўҳна қўшиқ келди:

Сенга тонгда кўз тикиб, кўкси ўсмас шер бўлмас,  
Сендан бир бор сув ичиб, қайтиб келмас эр бўлмас...

ҚҲЙТОШ — ЧИНОЗ  
1978—1980.

# АКА-УКАЛАР



## ҲИКОЯ

**Ш** аҳарга ғуборли куз оқшоми чўкди. Диққинафас уйчада хаёл суриб ўтирган Ғайратнинг кўнгли ғаш бўла бошлади. Ҳар куни аҳвол шу: қоронғи тушди дегунча унинг ҳам ичи хуфтон бўлади. Бугун, устига-устак, қорни ўлгудай оч, курагининг таги куйгандек ачишяпти. Акасидан бўлса дарак йўқ. Қим билади, соат нечада келади. Эрталаб «кечкиларда дарсим бор»

дейтган эди. Ғайратнинг бўлса ичи гумуриб бораяпти.

Ошхонага чиқиб, дастурхондан бирон бурда нон олиб ейин деса, янғаси жеркиб беради. Бир гал шундай қилганида: «Нега иштаҳангизни бўғасиз. Ҳадемай овқат сузамиз-ку», дея уришган. Бу қуриб кетгур «ҳадемай» эса акаси Шуҳратнинг ишдан қайтишига боғлиқ. Баъзи кунларда Шуҳрат кеч келиб, «мен овқатландим, ўзларинг еяверинглар», деганида, Ғайратнинг алами олти бўлиб кетади. Овқат еб, нафси ором олгач, ўзининг бу аянчли аҳволига гоҳ кулгиси, гоҳ хўрлиги келади.

Бир қарашда ростданам кулгили. Овқатланиш ҳам шунча ҳуноб бўлишга арзигулик гапми? Бир соат олдин бўлмаса, бир соат кейинда. Кишининг эсига ҳам келмайди-ку! О, қанийди Ғайрат ҳам шундай қила олса... Отаси ўлиб, уйда ёлғиз бўлиб қолгач, уззу-кун очдан-

оч юриб, фақат чой-нон билан тамадди қилавериб, ошқозонини ишдан чиқаргандан кейин, иссиқ овқатга суяниб қолди. Фикру зикри овқат. Салгина оч қолса, қорни тилиниб кетгандек бўлаверади.

Врач: «Ёшсан, вақтида овқатланиб юрсанг, асабийлашмасанг, тез тузаласан, кўрмагандек бўлиб кетасан», деди. Лекин Ғайрат у айтгандек қилолмапти-да. Эҳтимол, кўнгли тўқ бўлса, очликдан унчалик жиғи-бийрони чиқмасди. Қайтага оч қолиш асабни мустаҳкамлармиш-у. Лекин Ғайрат сираям хотиржам бўла олмайди. Яккаю ягона туғишгани билан тил топишолмаётган кишининг қаёқдан кўнгли тўқ бўлсин.

Ғайрат доимо акаси уни тушунмаётганлигини ўйлаганда, хўрлиги келиб, кўзида ёш гилтиларди. Ҳозир ҳам у қуйилиб келган ёшни қайтармоқчи бўлгандек бошини юқорига кўтариб, қоронғи шифтга тикилди. «Култ» этиб ютинди. Илгари, ҳали қишлоқда, тоғасиникида юрганида, бунчалик эзилмасди. Кўнгли чўккан кезларда «шаҳарда акам бор», дея ўзини юпатарди. Энди-чи, энди нима деб ўзига тасалли беради?..

— Яхши ўйлаб кўрмадинг, жиян,— деди тоғаси қовоғини уйиб, Ғайрат шаҳарга отланган куни.— Янаям ўзинг биласанку-я!.. Бола эмассан энди. Сенга ақл ўргатишнинг ўзи нотўғри. Аммо... киши насибасини киндик қони тўкилган жойдан излайди. Иннайкейин, чол-камбирнинг арвоғи ҳали чирқиллаб юрган хонадонда чироқ ёниши керак. Одам фарзандини «ўлсам чироғимни ёқади» деган умид билан катта қилади. Уқиш бўлса қочмас, ахир. Шопирлар курсига кир. Уч ойда битириб, правали бўласан. Совхозга келган янги машиналардан бирини олиб берардим...

Тоғаси учун дунёдаги энг яхши касб — шофёрлик. Ўзи-ку, эсини таниганидан бери машина ҳайдаб, эгни дурустроқ костюмга ёлчимайди. Яна бошқаларни гаранг қилишига бало борми. Шофёрлик ҳам касбми. Кўрган кўзгаям, эшитган қулоқгаям кулги бўлади.

Кейин... Маҳфузанинг олдида неча пуллик одам бўлади. Унга анчадан бери «зоотехникликка кираман» деб юрибди.

Маҳфуза билан шу ҳақда гапиришганда, Ғайратнинг меҳри товланиб: «Биласизми, Маҳфуза, истасангиз — икковимиз ҳам бир институтга кирамиз», деганди.

Маҳфуза уялиб кетди. Кейин: «Майли, сиз бораверинг. Кириб олсангиз, келаси йил менга ҳам ёрдамлашасиз. Чунки, уйдагилар мени бу йил юборишмайди. Аввал аканг кириб олсин, кейин сен борасан дейишяпти», деди.

Мана шунақа, Ғайрат институтга боришга аллақачон аҳд қилиб қўйган. Тоғаси бунга тушунармиди...

Хона эшиги тарақлаб очилди. Парда ортидан акасининг тўнғич қизи Моҳира мўралади.

— Дадам келдилар. Овқатга борайкансиз.

Ғайрат тушкун кайфиятда айвонга чиқди. Ойнаванд зал ўртасидаги узун хонтахта атрофида ундан бошқа ҳамма жам бўлганди. Акаси, янгаси, уларнинг уч қизи. Кенжаси Зоҳида дадасининг тиззасига чиқиб олибди.

— Сурил, аканг ўтирсин,— деди янгаси Моҳирага.

Аслида шундоқ ҳам жой кенг эди. Шунчаки янгаси Ғайратга меҳрибончилигини кўрсатмоқчи бўлди. Ғайрат акасига салом берган киши бўлиб хонтахта ёнига ўтирди. Димоғига зиғир ёғига қилинган паловнинг хушбўй ҳиди гупиллаб урилди. Ҳа, янгаси ошга жон киритиб юборарди. У кишининг ошини еган киши тўйганини билмайди. Ғайрат ҳам биринчи гал еганида кечаси билан ухлай олмасдан, энтикиб чиққан...

Уша куни уни жуда яхши кутиб олишганди. Ака-ука қучоқлашиб кўришишди. Акаси Ғайратдан мактабни қандай тугатгани, баҳолари қанақалигини астойдил қизиқиб суриштирди. Аттестатини синчиклаб текширди. Кўнгли тўлди шекилли, «маладес» деб қўйди. Сўнгра худди

бугунгидек дастурхон атрофига ўтириб ош ейишди. Ғайратнинг кайфияти яхши, нимагадир энтикарди. Фақат бир нарса — акаси билан янғаси тилла суви юритилган қошиқда еб, унга оддий темир қошиқ беришгани ғашига тегди. Кейин: «Эҳтимол, менга етмай қолгандир, шунгаям эътибор бериб ўтирибман-а», деб ўзини койиди. Акаси иккови бир товоқ ошни пок-покиза туширишди. Тўғриси, кўпини Ғайрат еди. Бир томони ош жуда ширин бўлган. Устига-устак, акаси «ол-ол, бақувват бўлиб, куч йиғмасанг институтга қандай кирасан», деб қистар, Ғайрат чиндан ҳам кам еса, ўқишга киролмай қоладигандек катта-катта ошарди.

Ошдан кейин чойни майдалаб ичиб, гаплашиб ўтиришди.

— Хўш, жўра, план қандай? — акасининг дабдурустдан берган саволи Ғайратни бир оз саросимага солиб қўйди.

— Шу... сельхозга кирсам дегандим, зоотехникликка. Ахир... — Ғайрат гапининг давомини айтишга улгурмай Шуҳрат кулиб юборди.

— Оббо сен-эй! Сельхозга кираман, де! Дадилсан-ку! Совхозга директор бўлмоқчимисан? Худойберди кал ишсиз қолар эканда. Берармикан жойини. Берса-ку, яхши-я, бермаса, умринг кучукларни укол қилиш билан ўтиб кетар дейман-да. Ё чўпон бўласанми? Бир қиш ўтмай отарнинг ярмисини қириб юбориб, қамалиб кетма яна.

Ғайрат акасининг совхоз директори Худойберди Ҳамроев ҳақида бунчалик қўпол, ҳақорат қилиб гапиришидан хафа бўлди. Чунки, отаси директорни жуда ҳурмат қилар, доим алқаб тилга оларди. «Барака топгур Худойберди зап кайвони чиқди-да», дерди у киши. Кейин... кейин тоғасининг айтишича, у отасининг қабрига тош қўйишгаям ёрдам берган экан.

Ғайрат акаси Худойберди Ҳамроевни нимага ёмон кўришини яхши билади. Худойберди ака отасидан директорликни «тортиб олган». Илгари у бош зоотехник бўлиб ишларди. Узоқ йили қиш қаттиқ келиб, совхоздаги қўйларнинг қариб ярмиси қирилиб кетди. Шунда отаси ўзи ариза бериб бўшади. «Бизларди усулимиз энди иш бермайдиганга ўхшайди, ёшлар ишласин», деди. Ахир, ёши ҳам олтмишдан ошиб кетганди-да. Шуҳрат бўлса, қишлоқдаги айрим қитмир одамларнинг гапига ишониб, «Худойберди отамнинг устидан ёзиб бўшатди», деб ўйлайди. Тўй-маъракаларда кўрса, сўрашмай терс бурилади. Ҳалиям Худойберди аканинг ичи кенг экан. Шуҳратнинг нописандлигига парво қилмай кулиб қўяди. «Ёш, ҳали пайти келса, тушунар», дейди.

— Бу, болаларга бир гап уқдириш жуда қийин-да! — деди Шуҳрат хотинига ўгирилиб. — Улар учун дунёда зоотехник ёки ветврачдан зўр одам йўқ. Мундай кўзини очиб атрофга қарашмайди. Ахир бу муаллим деган оқсоқол тушунтирмайдими? Техника тараққий этапти. Атом асрида яшаймиз. Замон кимники — техникани биладиганники?!

Акаси ўзи ишлайдиган институтни мақташни, инженерликни ҳамма касблардан устун қўйишни яхши кўради. У қишлоққа меҳмонга борган кезларида ҳам бу ҳақда кўп гапирарди.

— Энди, ука, хўп десанг, бизнинг институтни бир кўр. Битириб чиқсанг, ишқилиб, хор бўлмайсан. Бу ёғи — мен шу ерданман! Аспирантура, илмий иш, кандидатлик деган гаплар бор...

Ғайрат узоқ ўйлаб ўтирмай, эътироз билдирди:

— Ҳамма кандидат бўлиши шарт эмас-ку.

Шундай деди-ю, боши балога қолди.

— Э, шўринг бор сени! Жуда калланг ишлайдиган бўп кетибдида. «Ҳамма кандидат бўлиши шарт эмас», эмиш. Хўш, ким бўлмоқчисан? Сен нимани тушунасан ўзи. Э-э...

Шуҳрат ҳафсаласи пир бўлгандек қўлини силтади.

Боядан бери лабини масхараомуз буриб ўтирган Манзура гапга аралашди:

— Товба, сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига. Ҳа-а-й,

ма-а-йли... Қўйи-нг, ўзлари хоҳлаганига кира қолсинлар. Бир кучларини кўрайлик!

Ғайрат «ўқишга кириш учун, ўзинг минг яхши билсанг ҳам, таниш бўлиши керак», деган гапларни мактабдалигидаёқ эшитганди. Математика ўқитувчиси Пиримқул Тошбоев баъзан хуноб бўлиб, «яхши биладиган болалар қолиб, қаердаги чаласаводлар кириб кетяпти, ҳаммаси таниш-билишчилик», деб қолар ва «агар калланг зўр бўлса, бари бир кирасан», дерди. Гарчанд Ғайратнинг ўзига ишончи унчалик зўр бўлмаса ҳам, янгасининг нописанд гапириши нафсониятига тегиб кетди.

— Нима, шунчалик қийинми? Одамлар кирапти-ку?

— Бўлмаса, бир кўрасан-да, ука! Сен ҳам одамсан-ку!— пичинг қилди Шухрат.— Лекин, ҳалиям бўлса, бир танангга ўйлаб кўр. Ўзимизнинг институтга бир укамни киритишга қудратим етади. Бошқасига югуриб юришга вақтим йўқ. Имтиҳон... Иш бошдан ошиб ётибди...

Кейинги воқеаларни эслагиси келмайди. Эсласа, кўнгли ағдарилиб, алланечук бўлади. Гоҳ нафрати қўзғайди, гоҳ йиғлагиси келади. Нега топширди ҳужжатларини шу институтга? Нега акасининг гапига кирмади? Акасиям қизиқ. Нима учун уни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Ахир тузукроқ тушунтирганида, у политехника институтига кириб қўя қоларди-ку!

Бу афсус-надоматлар кўнглига фақат аҳён-аҳёнда, Ғайрат «энди қишлоққа қайси юз билан кириб бораман», дея изтиробга тушган кезларда келарди. Аслида эса, у шошма-шошарлик қилганини, яхши ўқимаганини тушунди. Имтиҳон олган кекса, хушчеҳра домла уни суяшга, ёрдам беришга ҳаракат қилди. Лекин бари бир бўлмади. Уч саволнинг бирортасигаям тайинли жавоб беролмади. Бечора домла имтиҳон варақасини столнинг бир чеккасига олиб қўяр экан, гуноҳ-корона илжайди. Ер ёрилмади-ю, Ғайрат кириб кетмади.

Ўша кунни ҳам, ундан кейин ҳам акаси тайинли бир нарса демади. Оғзидан чиққан ёлғиз калима: «Боплапсан. Баттар бўл!» бўлди. Ўшанда гўё Ғайратнинг қаршисида туғишган акаси эмас, етти ёт бегона тургандек туюлди. «Ҳеч бўлмаса, қандай қилиб йиқилганини сўрамади-я,— ўйларди Ғайрат,— бундай акадан бегона яхши, ҳалиги домлага ўхшаган». Қизиқ. Ўша домла имтиҳондан йиқитиб юборган бўлсаям, Ғайратнинг хотирасида худди яқин одамдек из қолдирди. Ўшанда Ғайрат имтиҳон хонасидан чиқар экан, эшикка етганида беихтиёр орқасига ўгирилганди. Қараса, ҳалиги домла унинг ортидан тикилиб турган экан. «Раҳми келди шекилли — ўйлади Ғайрат,— яхши одамга ўхшайди...».

— Ҳа, тиқилиб қолдимиз, бунча имиллайсан!

Акасининг зардали товуши Ғайратнинг хаёлини бўлиб юборди. У шунда анчадан бери лунжидаги бир ошам паловни айлантриб чайнаётганини, қўлидан дастурхонга икки томчи ёғ томганини сезди. Тавба, ҳозиргина қорни таталаб кетаётганди. Энди бўлса, икки марта олмасданоқ энтикяпти — луқма томоғидан ўтмай қолди. Шунда Шухрат туюқиб, бақириб юборди:

— Ема, тешиб чиқади, ҳаром пулга келган!— кейин товоқни жаҳл билан суриб, қўлини арта бошлади.

Ғайратнинг юраги зириллай бошлади. Тамом, акаси яна эски жанжалини бошлади. Энди уни тўхтатишнинг иложи йўқ. Бир соат тинмасдан жаврайди, ўзининг ҳақлигини, яна худо билсин, нечанчи марта такрор-такрор исботлайди. Ғайратни эзади, ерга қаратади. Қаёқдана Ғайратнинг оғзидан чиқиб кетди ўша гап. Унга деса бутун дунёни кемириб емайдами акаси.

Ғайрат имтиҳондан йиқилиб, ўзини қўярга жой тополмай юрган кунларнинг бирида, кечки пайт ҳовлига дабдурустан икки киши кириб келди. Уларнинг бири қўй етаклаб олганди. Шухрат ҳам, хотини ҳам ишда. Ғайрат ҳовлида бир ўзи эди.



— Домла йўқларми?— сўради биринчи бўлиб кирган мўйловли одам. Чехрасидан қишлоқдан келганлиги билиниб турарди.

— Ишда у киши. Утириб турунглар, келиб қолади,— дея Ғайрат уларни ҳовлидаги сўрига бошлади.

— Йўқ, ука, вақтимиз йўқ. Ҳали яна келармиз. Мана буни бирон жойга боғлаб қўйинг. Ҳақимжон ака ташлаб кетди, деб қўясиз. Мех-факка кирган Ҳакимовнинг отаси десангиз, билади.

«А-ҳа! Акам вақтим йўқ, ишим кўп», деганида мана буни назарда тутган экан-да!» деб ўйлади-ю, дарди дунёси қоронғи бўлиб кетди. Кечгача ўзини қаерга уришини билмай, гоҳ аччиқланиб, гоҳ хўрлиги келиб, каловланиб юрди. Акаси келиб, дастурхон атрофида ўтиришганида, нимадандир гап очилди-ю, ўзини тутолмади.

— Сиз... Сиз қўй олиб келганларга ёрдам берар экансиз-да! Ана, бугун биттаси ташлаб кетди.

Шухрат укасига ҳайрат ва саросима билан қаради. Ҳозир унинг одатдаги ўктамлиги, сиполиги бир зумда қайгадир ғойиб бўлган, айб устида қўлга тушган ёш боладек кўзлари жавдирарди. Афтидан, у бунақа гапни биринчи эшитиши эди. Шу боисдан бўлса керак, дафъатан нима дейишини билмай турди-ю, кейин зўраки илжайиб, хотинига гапирди.

— Бу, қайнинг терговчиликка ўқиса бўларкан-ку, хотин. Гапини эшитдингми? Шўрлик отам буни чеснийликка ўқитиб кетган экан-да. Ўзи-ку, йигирма йил совхозда директор бўлиб, онамнинг косасини оқартирмади. Инсоф, виждон деб ўзиям охир-оқибат бировдан раҳмат эшитмай ўлиб кетди. Энди буюм қорнини гап билан тўйдириб, эти устхонига ёпишиб юради, шекилли?

— Кирилмаганларининг аламини энди сиздан оладилар-да! «Акам порахўр» деб гап тарқатишдан ҳам тоймайди бунингиз.

— Сен аввал тушун, ука. Мен бу қўйни сўраб олганим йўқ, хайми, агар баъзи домлаларга ўхшаб пул олганимда, билмайман, нима қилардинг. Қўлимдан келди, ёрдам бердим. Ўзимизга кирганимда, сенгаям ёрдам берардим. Хўш, ёрдам бераман деб айтдим-ми? Айтдим! Ўзинг ўжарлик қилдинг. Кўнмадинг. «Хай майли, бир шаштидан тушсин», дедим. Шундаям, жигарчилик, қанчалик юрагим ачишганини биласанми? Билсанг агар... ўша, йиқилиб келганимдан бери еганим ичимга тушмайди! Қандай қилсам, шу кўнгли яримта укамди хотиржам қиламан, деб ўйлайман. Кеча сельхозди тайёрлов бўлимнинг деканини кўриб, гаплашдим. Хўп деди. Сен аввал бир гапди билиб, кейин гапир-да, жўра... Менгаям осон эмас...

Шухрат узуқ-юлуқ, пойма-пой гапирар, Ғайрат акасининг нима демоқчи бўлаётганини тушунолмасди. Илғгани шу бўлдики, акаси уни тайёрлов бўлимига киритмоқчи.

Лекин Ғайратнинг кўнгли ёришмади. Биринчидан, тайёрлов бўлимига кириш учун камида бир йил иш стажи бўлиши керак. Иккинчидан... акасининг ёрдам беришига негадир ишонмасди.

Мана энди бўлар-бўлмасга ўша гапни қўзғаб жаврайверади. Жонига тегди. Нима қилишгаям ҳайрон. Тайёрлов бўлимига қабул вақти бошландиям, ўтиб кетди ҳам. Лекин на Шухрат гап очди бу ҳақда, на Ғайратнинг юраги бетлади. Ғайрат ўша лаънати қўй келган куниёқ бу ердан насибаси қирқилганлигини, янгаси тугул акаси учун ҳам бегона бўлиб қолгани, ортиқча нонхўрга, ҳатто қайсидир маънода хавфли одамга айланганлигини пайқаб юрар, лекин энди нима қилиш кераклигини билмасди. Ёзгача ҳали қарийб бир йил бор. Бу ерда ҳар куни, дўқ, пичинг, иддао. Яхшиси кетиш керак!

Акасининг навбатдаги зардаси туфайли хаёлига ногаҳон келган бу фикр унинг карахт тасаввурини тиниқлаштириб юборди. Майли, қишлоқдагилар нима дейишса, дейишар. Маҳфузага эса, у ҳаммасини яхшилаб тушунтиради. Қира олмадим, яхши тайёрланмаган эканман, дейди. Қиш бўйи ўқиб, келаси йил ёзда келади. Келсаям, бу ерга эмас, бошқалар қатори ётоқхонага жойлашади. Яна йиқилса, яна

гайёрланади. Кирмагунча қўймайди. Қишлоқда қўйнинг қатигидан ичиб юрса, ошқозониям тузалиб кетади. Лекин... лекин қайси юз билан боради қишлоққа. Қаерда яшайди. Бир ҳовлида бир ўзими? Тоғасиникидами? Туғишган акасининг уйига сиғмаган одам тоғасиникига сиғадими? Бунинг устига, бу ёққа келаётиб тоғасига аччиқ қилган, сиз тунмайсиз, деган-ку! Энди қайси юз билан кириб боради у кишининг уйига.

Бироқ бари бир хаёлидаги гапни айтиб қўйди:

— Мен кетсам деяпман, ака!

Шухрат унинг қачондир шу қарорга келишини билгандек, хотиржамлик билан гапни охирига етказди. Кейин шошилмасдан айтишни керак бўлган қарз гапни айтди:

— Ўқиш-чи, ўқиш нима бўлади?

Бу гап Ғайратнинг аламини қўзғади! «Ол-а! Худди мен бирон жойда ўқиётгандек», ўйлади у. Кейин атайин қўрс жавоб берди — у кетиш олдидан юрагининг зардобларини бўшатиб олмоқчи эди:

— Ўқимайман! Пули кўп, қўйи кўп бойваччалар ўқийверсин!

Шухрат ёғ қуйилган оловдек ловиллаб кетди.

— Э, менга қара, алам қилган бўлса, қалампир қўй, хўпми!.. Кучим билан кираман дединг, ўз ҳолинга ташлаб қўйдим. Энди расво бўлиб захрингни сочганинг нимаси? Қалланг ишламагани учун мен айбдорманми? Ўзинг-ку, балониям билмайсан! Билгандаям, ўз кучинг билан киролмайсан.

— Майли...— сўнгги жумла Ғайратнинг бўғзида қолди. Кўнгли бузилиб ўрнидан туриб кетди.

Маъюс бир аҳволда уйчага кириб ўринга чўзилди. Узоқ хаёл суриб ётди. Ичи қисилар, тор, қоронғи уйча бўғаётгандек, ҳаво етишмаётгандек туюларди. Лекин сира ўйлаб ўйига етмасди. Асабийлашавариб чарчагани асар қилди. Ярим тунда уйқу элитди.

Тушида аввал онасини, кейин отасини кўрди. Отаси унга «йўлинг тўғри йўл» дегандай жилмайиб турганмиш. «Айтинг, ота, энди нима қилай» деса, «меҳнат қил, болам» дермиш. Кейин Маҳфуза пайдо бўлибди. У ҳам отасининг гапни такрорлармиш мулойим кулиб. Қизиғи шундаки, Ғайрат туш кўраётганини билиб ётар, унга зўр бериб, «мен ўз кучимга ишонаман, ҳали кўрасиз, албатта, ўзим танлаган ўқишга кириб оламан!» дермиш...

САМАРҚАНД.



Намоз Саъдуллаев

## ДАВР БИЛАН ПОЙГА

### ОЧЕРК

**О**лмалиқ кон-металлургия комбинати ва унинг одамлари тўғрисида навбатдаги очеркни ёзишдан аввал эски ён дафтарларимни қидириб топдим. Шаҳарни, комбинат корхоналарини, уларда меҳнат қилаётган одамларни бошқача кўз билан кузатишга ҳаракат қилдим. Ёдимга ҳурматли ёзувчи Борис Пармузиннинг турли даврларда ёзган Олмалиқ таассуротлари келди. Бундан йигирма-йигирма беш йил илгари у шундай деб ёзганди:

«Кўчма кино билан жўнадим. Эски, шалоғи чиққан «Полуторка»да. Олдимиздан болалар чопиб чиқшди. Эҳ, уларнинг қувончи ва шовқинини айтинг! «Кино келди!»

Бошқа бир жойдаги ёзувлардан сатрлар:

«Кон бошқармаси биноси деворига «Чақмоқ» деворий газетаси осилган. «Экскаваторчи Николай Демченко руда қазиб, йиллик планини икки ҳисса — 62 минг ўрнига 120 минг қилиб адо этди...».

Ёзувчи хотиралари тасавури билан шаҳар саноатининг саксонинчи йиллар манзарасига ҳаёлан нигоҳ ташладим. Бундан икки-уч йил олдинги таассуротларим қайта жонланди. Даставвал кўз олдимда комбинатнинг машҳур ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Вениамин Родионович Подвигин ва унинг оилавий кончилар бригадаси жонланди.

Блокнотимдан Подвигин билан ўтган йилнинг апрель оyi бошларида бўлган суҳбатимиз мазмунининг қисқача тафсилотини топдим.

— Комбинат миқёсида қандай муаммолар бор?— деб сўраган эканман ўшанда.

— Мен оддий ишчиман,— деб жавоб берган экан у,— жамоат ишларида кўп қатнашман, Йигилишларда, мажлисларда қайта-қайта сўзга чиқишимга тўғри келади. Ҳар гал корхонамиз ишлаб чиқариши, келажаги, ижросини кутаётган муаммолар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларимизни айтиб келаман. Ҳозир Сиз ҳам шу ҳақда сўраб турибсиз. Муаммолар кўп. Уларнинг ҳаммасини мenden кўра раҳбарлар, мутахассислар яхши билишади. Мен Сизга оддий ишчи кўзи билан кўролганларим ҳақидагина гапиришим мумкин. Масалан, кончиликда тош майдалаш ва саралаш ишлари муҳим ўрин тутади. Комбинатимиз катта. Унинг барча карьерларидан чиқаётган тоғ жинсларини миллион-миллион тонналар билан ўлчайсиз. Лекин бу жараён ҳозирча бизга анча қимматга тушаяпти. Комбинат қошида тош майдалаш ва саралаш фабрикаси қуриш ҳақида гап бўлади-ю, гаплигича қолиб кетади. Кўрғошин кон карьерига олиб борувчи темир йўлда МБ (махсус блок) йўқлиги ҳам жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда. Бу ҳақда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Вали Муҳаммедов ҳам тегишли жойларда неча бор жон куйдириб, талаб қиляпти-ю, натижа бўлмапти. Эҳтимол, кончилик ишлари министрлиги билан Урта Осиё Темир йўл бошқармаси раҳбарлари тузукроқ ўйлаб кўрсалар, корхона фаолиятини атрофлича ўргансалар, яхши бўлармиди...

— Темир йўл масаласида фақат МБми?

— Бу фақат ўша карьер бўйича, холос. Жиззахда Учқулоч кўрғошин-рух кони бор. Кон эндигина иш бошлади. Ҳали у ерда на фабрика, на зарур объектлар бор. Шу боисдан қазиб олинган рудани темир йўл орқали Олмалиққа олиб келиш кўзда тутилган. Лекин темир йўл Жиззахгача бор, холос. Афсуски, бу муҳим ишга ҳали киришилганича йўқ. Масала шубҳасиз, СССР Давлат план комитети вэ Темир йўл министрлиги билан ҳал бўлади. Аммо бу ерда бари бир Урта Осиё Темир йўл бошқармаси ташаббускорлик қилиши керак.

— Учқулочда руда запаси кўпми? — сўзини бўламан унинг.

— Табиий!— босиқлик билан жавоб қилади у.— Бироқ, шуни айтиш мумкинки, сиз билан биз кўзда тутган руда запасига етиб бориш учун 7,5 миллион тоннадан зиёдроқ тупроқни олиш керак. Уни ташиб чиқариб кетиш учун ҳам темир излар зарур...

Сухбатдошим узоқ жимиб қолганди. Фурсатдан фойдаланиб, у айтган рақамларни блокнотимга қайд қиламан. Ёзиб бўлишим билан яна сўз бошлайди.

— Ёки, мана, Пискент райони билан Тожикистон ССР ҳисобидан комбинат ихтиёрига олинган 12 минг гектар ерни олинг. Орадан анча вақт ўтиб боряпти-ю, «кирим» йўқ! Темир йўл керак!

Подвигиннинг гапларини эшитарканман, ўша кезде у Маяковскийнинг:

Истайманки,

топшириқ

бераман деб менга бир йилга,

Баҳсларда терлаб пишсин

ўша Госплан —

деб хитоб қилган ишчиси образига ўхшаб кетди. Партия XXVI съездида Л. И. Брежневнинг оддий экскаваторчи Вениамин Подвигинга ўхшаган минглаб-миллионлаб ишчи-хизматчилар кўтарётган бундай жиддий проблемаларни умумлаштириб «уларни ҳал қилиш учун Госплан чиндан ҳам «бир терлаб олса» чакки бўлмасди»— деган сўзлари ҳам беихтиёр ана шундай кишиларни хотирлатади.

...Улар тонг қоронғусида уйдан бирга чиқишди. Иккиси ҳам бўйдор, устидаги жомакорларигача ўхшаш, кичигининг ёлкасида эрталабки нонушта солинган сумка. Кўчалар бўм-бўш, атроф сукунат қўйнида. Муюлишда конга борувчи уч-тўрт йигит турибди. Афтидан, машина кутишяпти. Уларнинг бири ота-болага ҳазил қилди:

— Радионович, сени кеча телевизорда танимабмиз... Жаа, жиддий кўриндинг, нақ профессор...

Ота қўлини силтаб, кулибгина қўйди. Уғил хотиржам чека бошлади.

Ўша куни ота-бола биринчи сменада эди. Женянинг отаси ёнида ишлаётганига кўп бўлгани йўқ. Ҳали анча ёр. Айрим жараёнларнинг уددасидан чиқишда қийналиб қолади. Шу боисданми, ота унга анча қаттиққўл.

— Женя, кабелни улаш керак... Қара, троссга нима бўлган. Юқорига югур, портлатувчилар скважинани қандай «пармалаяпти»...

Ота шу тарзда буюриб туради, ўспирин гир айланиб югуради. Аслида иш иккисига ҳам етиб ортади.

— Тўғриси, дастлаб Женяга оғир бўлади, деб кўрққан эдим,— деди, кейинроқ менга бу ҳақда Подвигиннинг катта ўғли Володя,— отам-ку, тоб бериб қўйилган соатнинг ўзи. Саккиз соатлаб ҳам танаффуссиз ишлайверади. Укам бақувват бўлса-да, ҳали ёш, хом.

— Нима бўпти?— гапини бўлди ёрдамчи экскаваторчи Нишонбой Тўлаганов.— Қанча ёш бўлса шунча муҳофизаси яхши бўлади,— Родионич ҳозиргача кимга ёрдам қўлини чўзган бўлса, ҳаммаси бехато сафга кирган...

Эрталабки шабада тоғ бағридаги туманнинг сўнгги тўдаларини ҳайдаб кетди. Қалмоққир чўққилари остида биқинига «1» рақами битилган подвигинчилар экскаватори гуриллаб иш бошлади. Карьер бўйлаб ётқизилган темир изларда кичик вагончалар тизими ҳаракатга келди. Тоғ «ғори»нинг каттакон оғзида ҳаёт қайтадан қайнай бошлади. Унинг олдида увоқдек кўринган эски «ЭКГ-6», янгидан келган етти, саккиз кубли экскаваторлар наъраси Родионовичга завқ-шавқ, куч-қувват бағишлади. У буларнинг қай бири қаерда, қайси карьерда қандай ишлаётганини овозидан билиб, сезиб туради.

Ҳар бир ишнинг муваффақияти одамларга боғлиқ, албатта. Бир куни Николай исмли йигит Подвигинга сменани двигатели бузилган экскаватор билан топширди. Устига-устак шошиб, бу ҳақда уни огоҳлантирмади ҳам. Бригадир у кетгач, ричагни босган эди, экскаватор «миқ» этмади. Сабабини аниқлаб, бузилган қисмини ремонт қилгунча машина икки соат бекор туриб қолди. Подвигин бунинг учун сменадошидан ортиқча ўпкалаб ўтирмади. Раҳбарларга шикоят ҳам қилмади. Николайнинг ёшлигини, сал нарсага қизиққонлик қилишини, феъл-атворини инобатга олди. Қолаверса, ҳар хил сабаблар учун «жиққа-мушт» бўлавериш билан обрў-эътибор ололмаслигини ўйлади.

Подвигин арқонни узун ташлади. Ҳар сафар смена олдиндан Николай билан учрашар экан, унинг ялтоқланган кўзларидан ишнинг қаеридадир «хит» борлигини юракдан сезар, лекин бари бир сезмаганликка олиб алоҳида мавридиги кутарди. Орадан бир неча кун ўтгач, ёрдамчи машинистлар узоқлашганда уни ўзига чақирди.

— Николай, бирпас тўхта, гап бор,— деди у салмоқ билан.— Сен, бамисоли шу тоғ чўққисига чиқиб бораётган альпинистларга ўхшашимизни биласанми? Борди-ю, ҳаммамиз осилиб чиқаётган арқон бирор жойидан узилиб кетса кейин нима бўлишини ҳам тасаввур қиласанми?

Подвигин гапни бошлашга бошлади-ю, оҳангини китобий сўзларга ўхшатиб юборганидан ўзи хижолат тортди. Қисқа қилиб тугатиб қўя қолди.

— Хуллас, фикримни тушунгандирсан?

— Қандай фикрни, Родионович?— ўсмоқчилаб сўради Николай...

...Шундан кейинги юракдан бўлган суҳбатдан сўнг бригадир хотиржам тортди. Николай уни ва дўстларини бошқа қизвртирмасликка ваъда берди.

— Мен,— дейди Вениамин Родионович,— одамни бўлар-бўлмасга сиқувга олаверишни ёқтирмайман. Аксинча, узоқни кўзлаб иш тутиш керак, яъни хатони тузатиш учун кишига вақт бериш керак. Токи, масаланинг моҳиятига ўзи тушуниб етсин. Маса-

лан, биз, оиладан тўрт киши комбинатда ишлаймиз. Икки ўғлим-ку ўз хоши-истаги билан изимдан келди. Кенжасига келганда (эркатой-да!) онаси билан ўйлиниб қолдик. Уни «кон ишлари инженерлигига ўқигин» деб чорладик. Бўлмади. Ужарлик қилди. Саккизинчи синфни тугатиб, ўзини у ёққа-бу ёққа ташлаб кўрди. Техникумга кирди. Лекин, қойил қилолмади. Эргалаб «ўқишга кетаяпман» деб чиқиб кетаркан-да, кон бўйи болалар билан кинода, сайрда санқиркан. Хуллас, ўқишни ташлади. Сезиб қолиб, тит-раб кетдим.

— Менинг текинхўр учун берадиган номим йўқ. Узинг ишла, ўзинг топ,— дедим. У тушунди. Бир кун ишга жойлаб қўйишимни онаси орқали суради. Ушанда шаҳар Советининг депутаты, корхона партбюросининг аъзоси эдим. Обруйимдан фойдаланиб, унга «коппоқина» иш топиб беришим ҳам мумкин эди.

— Йўқ, ўғлим, ўзинг адашдингми, ўзинг сафга кир, — деб туриб олдим.

Владимир мис эритиш заводига борди. Бир йилгача истар-истамас ишлаб юрди. Ниҳоят ўрнини тополмаганини англаб, ўзимизга келди. «Ўзимизга» деганим бизнинг бригадамиз эмас, комбинатнинг бошқа карьерига машинист ёрдамчиси бўлиб ишга тушди. Энг муҳими, у ота касбини танлаганди. Кўп ўтмай машинист-ликка имтиҳон топширди. Вақт ўтган сайин ишга барака кирди. Унча-мунча мақтовлар олди.

Кундуз ишлаб, кечкурун ўқиди. Урта маълумотли бўлди. Оила кўрди. Ҳозир келин иккиси институтда сиртдан ўқишга тайёргарлик кўряпти...

Мен унинг «одамни бўлар-бўлмасга сиқувга олавермай, ўзи тушуниб етгунча етарли вақт бериш керак», деб гап бошлагани боисини энди англадим.

Бу Вениамин Родионовичнинг мурабийлик ҳаёти фаолиятдан бир лавҳа, холос. Навоий кон-металлургия комбинатида бўлганимда Ленин орденли экскаваторчи Сергей Ованесов билан учрашиб қолганим эсимда. Унинг Олмалиқдан кетганига анча бўлибди. Лекин ҳануз олган сабоқлари учун Подвигинга бўлган қалб ташаккурини қанда қилмайди...

Шаҳар кўчаларида эндигина битта-иккита машина қатнай бошлаганди. Уларда ишчилар конга боришарди. Вениамин Родионович келишувга кўра мени уйда кутиб турарди. Биз китоб жавонлари билан жиҳозланган хонада ўтирдик. У кўп ўқир, адабиёт ҳақида суҳбатлашишга жуда иштиёқманд экан. Кутубхонаси ҳам шунга яраша бой, мазмундор эди. Гапни ўзимни қизиқтирган саволларга бурдим.

— Комбинатнинг мис ишлаб чиқариш ва кўрғошин-рух рудаси қазиб чиқариш қувватларининг ривожланиши хусусида нималар айта оласиз?

— Тушундим,— деди у кулимсираб,— съездда айтилган...

— Тондингиз.

У бирпас жимликдан сўнг, ошхона томонга қаради. Хотинига «чой» деган ишора қилди. Кейин нигоҳини дераза ортидан кўриниб турган тоғ чўққиларига қаратди.

— Олдинги учрашувларда айтганимдек, Қалмоққир мис ишлаб чиқариш манбалари ва Учуқлоч кўрғошин-рух рудасини қазиб олишни ривожлантириш ўн биринчи беш йилликнинг муҳим вазифаларидан бири. Уларнинг съезд қарорларида алоҳида таъкидлаб ўтилиши боиси ҳам шунда. Ҳозир Қалмоққирда йилга 22 миллион тонна руда қазиб олинапти. Беш йиллик охирига бориб, бу рақам 38 миллион тоннага етиши керак. Бу осон иш эмас. Ҳар бир карьерда рудага етиб бориш учун 12—13 миллион тонна тупроқни олиб чиқишга тўғри келяпти.

Учуқлочда ҳам шу манзара. Ҳар бир карьердан 7—8 миллион тонна тупроқни олиб бўлгач тегишли рудага етамиз. Лекин бу рудани тоғ жинсларидан тозалаб, кўрғошинни кўрғошинга, руҳни рухга ажратиш учун Олмалиққа олиб келиш керак. Олиб келиш-ку, қийин эмас, аммо темир йўлнинг йўқлиги катта муаммо!

— Комбинат йилига тахминан қанча маблағ ўзлаштиради?

Мен унинг сўзини бўлиб, саволни беришга бердим-у, «гапни четга буриб юбормадингми», деб чўчиброқ турувдим, суҳбатдошим ўзи йўлга солди.

— Тўғри савол. Ишга ўша сиз айтган комбинат миқёсидаги сарф-харажат рақамлари билан ёндашсак, съезд кўзда тутган масала маъзига тушуниб етишимиз бирмунча осонлашади. Очигини айтганда, ўзлаштирилаётган маблағга нисбатан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми камайиб боряпти.

— Бу ўсиш эмасми?

— Йў-ўқ, муҳбир ошна,— деди у менинг таажжубланганимни кўриб.— Бў ўсиш эмас. Бу — ўзлаштириш кўп, дегани. Давр эса бизга сарф-харажат билан эмас, маҳсулот билан ўлчаш талабини қўймоқда.

— Хўш, нега маҳсулот кам? — ўзимни ўнглаб олиб, давом этдим.

— Ана бу бошқа гап,— руҳланиб кетди у,— худди шу «негани тўлдириш учун сарф-харажати сарфланиб, ҳали самараси олинмаган объектларни тезроқ ишга тушириш, ривожлантириш керак бўлиб турибди. Қўшни Тожикистон ССР ҳисобидан олинган тоғ бағри майдонларида миллион-миллион сўмлик қазув ишлари олиб боряпмиз, электр тармоқлари тортаяпмиз, замонавий геологик қурилмалар ўрнатаяпмиз, маҳсус бинолар қураяпмиз, лекин ҳали буларнинг ҳаммаси тегишли наф берганича йўқ. Худди шунингдек Қалмоққирда, Учуқлочда, Пискент райони территориясида...

Мен унинг бурро-бурро сўзлашидан ҳайратга тушгандим. У келтираётган далиллар, катта ва бениҳоя аҳамиятли рақамларни қоғозга ёзиб улгурмасдим.

Подвигин экипажи Қалмоққир конида дастлаб бир миллион кубометр тоғ массаси қазиб чиқарди. Бу 1963 йилги гап. Кейин бу рақам бир ярим миллионга етди. 1973 йилда унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Экипаж оилавий экипажга айланди. Подвигинчилар бригадаси таркиб топди. Бир ярим миллионлик

рақам 2 миллионга, 2,5 миллионга чiqди. Ташаббус илдиз отди. Комбинатда оилавий звенолар, бригадалар тузилди. Фозиловлар звеноси, Грязевлар экипажи, Самсоновлар бригадаси...

Сафардан қайтдим-у, Олмалиқ ва унинг одамлари тўғрисидаги таассуротларимни қозға туширдим. Орадан бир неча кун ўтиб, редакциядан кўнғироқ қилишди. Очеркни босишга берилганини айтишди. Мен ҳар қалай яна бир Олмалиққа сим қоқдим.

— Вениамин Родионович, қандай янгиликлар бор?

— Янгиликсиз кун йўқ, ошна,— жавоб берди у,— кексайиб қолибман, катталар «Энди раҳбар сифатида ишлагин», дейишди. Ҳозир корхона касаба союзлари комитети раисман. Шу кунларда пионерлар таътили бошланиб, ташвиш жуда кўпайиб кетди. Бугун министрлик билан келишиб, болаларни Уралга юборишга кўндирдим.

— Ўғилларингизими?— ажабландим.

— Йў-ўғе, нималар деяпсиз, карьеримиз кончилари болаларини...

— Фарзандларингиз бригадада қолишдими?

— Ҳа, учови ҳозир бир бригадада ишлашпти. Коллективдаги олти кишининг учтаси Подвигинчи. Учови ҳам шу йилнинг тўртинчи квартали ҳисобига иш бошлади. Янги квартирага кўчиб ўтдик. Мукофотга енгил машина беришди. Набиралик бўлдик...

Мен очеркка айрим ўзгаришлар, янги рақам ва далиллар киритишга улгурдим. Корректурасини ўқиб бериш олдидан «Олмалиқ ишчиси» кўп тиражли газетасидан Подвигинчилар 1983 йил меҳнат календарини бошлаганидан хабар топдим. Шошилинч суратда редакцияга яна кўнғироқ қилдим.

— Қаҳрамонингизни «қувиб» етолмасиз-да,— деди кулибгина редактор. Кетидан қўшиб қўйди.— Бугунги ишчилар шунақа, ука. Улар давр билан пойга тушиб, қувиб етади, ўзиб кетади, биз билан сиз билмай ҳам қоламиз.

**Инсон кўз ўнгида сирли муаммолар ниқобини  
йиртган ихтирочиларни шоир деб атаганлар. Социализм  
байроқдорлари — шоирона тафаккур эгалари;  
Ленин эса Октябрни яратган шоирдир.**

**Мирослав КРЛЕЖА,**  
Югославия.

**Ленин — заминимизнинг буюк гражданидир.**

**Николас ГИЛЬЕН,**  
Куба.

**Бизнинг Ленинимиз ҳамиша биз билан. У бизнинг  
ёрқин йўлчи юлдузимиздир.**

**Шон О'КЕЙСИ,**  
Ирландия.

**Лениннинг асарлари ва унинг ҳаёт мазмуни бўлган  
асосий ғояси ижодимга чуқур таъсир кўрсатди...  
Мен коммунист Ленин қаршисида бош эгаман...**

**Жек ЛИНДСЕЙ,**  
Англия.



## Ғани Расулов,

Ўзбекистон ССРда хизмат  
кўрсатган санъат арбоби

# КИНО УСТАСИ

**М**алик домла билан танишишим ғалати бўлган. 1969 йилда «Ўзбектелефильм» студияси ташкил этилди. Зиммамизга телевизион кинодек келажаги порлоқ, аммо мураккаб вазифа юклатилди. Иш бошланиб кетди, тез орада Олмаота, Минск шаҳарларида ўтказилган фестивалларда қатнашишга тўғри келди. Машҳур кино усталари билан ҳамсуҳбат бўлдик, кинолар кўрдик. Фестивалларда биз яратган ленталар бадий савиясининг бирмунча ғариб эканини англадик. Ана шундай суҳбатлардан бирида ВГИК профессори Роман Николаевич Ильин:

— Фильмингиз жуда бўш. Ҳали кўп нарса ўрганишингизга тўғри келади. Дарвоқе, бу фильмларни Малик Қаюмов кўрганми?— деди.

Биз индаёлмадик, лекин Малик Қаюмовга учрамай, у билан танишмай, катта хатога йўл кўйганимизни тушундик.

Малик Қаюмов ҳақида орқаворатдан кўп эшитганман. У тасаввуримда жаҳлдор ва шафқатсиз туюларди. Лекин «Ўзбектелефильм»нинг раҳбари бўлганим учун ичимдаги ғулғулани энгиб, ҳузурига бордим.

Малик домла кўринишдан оддий экан: ўрта бўйли, бургут бурун, оқ оралаган сочлари тўғри таралган, юзлари қуёш тафтида қизарган, чарақлаган кўзларидан нур тараларди.

У мени унчалик рўйи хуш бермай кутиб олди. Мақсадимни билгач:

— Мен қирқ йилдан буён изланишдаман. Сиз бирпасда қандай қилиб янги киностудия яратмоқчисиз? Кадрларингиз борми? Тажрибангиз борми?— деди.

Мен тажрибам йўқлиги учун ҳам унинг ҳузурига келганимни айтдим.

— Бу мушкул иш. Уддалай олмасиз-ов,— деди у.

— Нега энди, одам уддалолмайдиган иш борми,— дедим.

Гапим унга хуш келмади шекилли, икки ёноғи билан бурнининг учи қизарди. Сўнг менга оёғимдан тортиб то бошимгача разм солди — киночилар тили билан айтганда, пастдан юқорига бир маромда панорама қилди. Мен шимимнинг дазмоли бузилганини, костюмим ғижимланганини сезиб, қип-қизариб кетдим.

Кейинчалик Малик домла билан кўп учрашдик, ҳатто ота-бола бўлиб кетдик. Лекин биринчи учрашиш менга катта сабоқ бўлди. Уша-ўша доимо озода ва саришта кийинишга эътибор қиладиган бўлдим.

— Майли,— деди Малик домла, мени ўнғайсизликдан қутқариб,— хайрли иш бошлабсиз, нима ёрдам керак бўлса бераман. Лекин битта шартим бор: фильмларингизни шу ерга олиб келиб кўрсатасиз, гапларимга чидайсиз, хафа бўлмайсиз.

У мени кўчагача кузатиб қўйди. Малик домла ҳақидаги тасаввурим ўзгарди: у шафқатсиз эмас — ниҳоятда талабчан, жаҳлдор эмас — жиддий эди.

Дарҳақиқат унинг бутун умри талабчанлик, меҳнатсеварликдан иборатдир.

Малик Қаюмов 1911 йилда Тошкентнинг Кўкча даҳасида туғилган. Унинг гапига қараганда, оилада ўн тўртта бола бўлиб, ҳаммасининг туғилган вақти отасининг қуръон китобига ёзиб қўйилган ва отасининг вафотидан кейин у йўқолган. Шунинг учун паспорт олиш пайтида Малик аканинг туғилган йили 1912 деб ёзилиб қолган.

У маълумотини ҳафтияқдан бошлаб, сўнг совет мактабида таълим олди. Малик Қаюмов биринчи ўқитувчиси Тоҳирийни ҳали-ҳали хурмат билан тилга олади. Тоҳирий икки марта Ленин ордени ва «Халқ ўқитувчиси» нишони билан мукофотланган муаллимлардандир. Малик ака билан бир мактабда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони академик Обид Содиков, кимёгар академик Ҳамдам Усмонов, академик Малик Набиевлар таълим олишган. Ленин номидаги бу мактаб Шайхонтохурда жойлашган бўлиб, киностудияга шундоққина қўшни эди. У ана шу ерда биринчи мартаба кинони томоша қилди ва бир умрга кино «дарди»га мубтало бўлди.

1929 йилда дастлабки ўзбек киноларига режиссёрлик қилган, ҳозир машҳур совет кино танқидчиси Николай Николаевич Кладов ёш Маликни қўлидан етаклаб, биринчи бор киностудияга олиб кирди.

...Киностудияга қачон бормай, Малик домланинг фойеда муаллифлар билан ижодий суҳбатлашиб ўтиргани, ё залда янги фильм кўраётгани, ёхуд муҳокама қилаётгани устидан чиқаман. Бу сафар уни монтаж хонасидан топдим. У чап қўлига бир даста ленталарни учидан тахлаб олган, илондек иланг-биланг осилиб турган ленталарнинг «думлари» эса ерда судраларди. У ўнг қўли билан монтаж столини ҳаракатга келтирар, лента ўраб, унинг тасвирини мониторда кўрар, ёққанини улаш учун монтажчи қиз — Маҳфузага узатар, ёқмаганини савабга ташларди.

Мени кўриб, бошини бир зум монтаж столидан кўтарди, бош ирғаб саломлашди, кўзларини юмиб, сабр қил, деган ишорани оерди. Фикри бўлиндими, ё бирон нарсани ўйладими, ҳарҳолда у бир лаҳза хаёлга чўмиб қолди.

Ким билсин, хаёлига, «Бағдолик америка аёли» фильмида ўйнаган биринчи роли келгандир. Бу фильм СССРнинг пахта мустақиллиги учун олиб борган кураш даврини акс эттириб, унда ёш Малик ҳақиқат излаб, қишлоқдан шаҳарга йўл олган батрак ролини ижро этган эди.

Малик Қаюмов кинода талайгина ролларни ўйнади, лекин уни актёрлик эмас, кўпроқ кинооператорлик санъати ўзига тортарди. Бу санъат маҳоратини эгаллашда унга украин оператори Даниил Порфирьевич Демуцкий кўмаклашди. Демуцкий Александр Довженко билан бирга ишлаган тажрибали оператор эди. У кейинчалик Наби Ганиев билан биргаликда «Тоҳир ва Зухра» фильмини ҳам яратган.

Малик Қаюмов аввал хроникал сюжетлар олиш маҳоратини эгаллади.

Қўлида камера билан бутун республикани кезиб чикди. У лентага олган дастлабки сюжетлар Ўзбекистонда рўй берган янги ўзгаришлар: ўзбек хотин-қизларининг паранжи ташлаши, саводсизликка қарши кураш йўлидаги машаққатлар ҳақида ҳикоя қиларди. Кадрларида гоҳ ҳозиргина ўлчаб берилган ерига боқиб, хурсандчилигидан кўзларидан ёш оқаётган ўзбек деҳқонини, гоҳ шаҳарда водопровод очилганидан шодланган Бухоро йигитини қуришимиз мумкин. Ўзбекистонда қазилган барча каналлар-у, қурилган сув иншоотларини Малик Қаюмов лентага туширган. Қаерда янгилик бўлса, аппарати билан шу ерда ҳозиргу нозир бўлди. Янги заводнинг пойдеворига қўйилган биринчи фишт дейсизми, янги колхоз қурилиши дейсизми, қишлоқда биринчи маданият уйи дейсизми, биринчи трамвай, автобус, ё биринчи хусусий велосипед, мотоцикл, енгил машина дейсизми, — ҳаммасини ўчмас кино ленталарига зикр этди. У воқеликни оддий акс эттирибгина қолмасдан, воқелик сабабчилари ва ижодкорлари бўлмиш оддий меҳнатқашларнинг образини яратди.

Малик домла ленталарнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратарди. Мен кузатиб ўтирарканман, ўзимча унинг танлаган касбини, ҳаёт йўлини ўйлардим. СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати — шундай атоқли кино арбоби арзимас иш билан шуғулланиб ўтирса-я, деган бўларди уни билмаган одам. Ҳа, у шунанга, ҳеч қачон ҳеч қанақа ишдан ҳазар қилмаган, ўз касбини ниҳоятда ҳурматлайди ва унга содиқ бўлишга ҳаракат қилади. Тинмай изланади, меҳнат қилгани-қилган. Ана шу меҳнат уни эъзозлади, унга шон-шўҳрат, обрў, иззат олиб келди.

Ниҳоят, Малик домла монтаж столидан туриб, мени қўшни хонага бошлади. Креслога ўрнашиб ўтирди. Сўнг кинозалга қўнғироқ қилиб, механик йигитга монтаждан чиққан бўлажак лентани кўрмоқчи эканлигини айтди.

— Азамат пахтакорларимиз ҳақида арзигулик фильм қилолмаямиз-да,—

деди у.

Ҳақиқатан ҳам, Малик ака умри бўйи пахтакор образини экранга олиб чиқиш устидан иш олиб боради. Унинг биринчи фильми ҳам пахтакорларга дахлдор эди. Фильм Тошкентда тўқимачилик комбинатининг қурилиши ҳақида бўлиб, 1939 йилда Нью-Йорк халқро кўргазмасининг олтин медали билан мукофотланган эди. Шундан сўнг Малик Қаюмов Чирчиқ ГЭСи, Катта Фарғона канали қурилиши ҳақида «Буюк оқим» фильмларини суратга олди. Кейинчалик режиссёр сифатида «Ўзбекистон а келинг», «Баҳордан баҳоргача», «Мирзачўл», «Пахта — инсониятнинг тоза гули» фильмларини яратди. Малик Қаюмов ҳозиргача 250 дан ортиқ фильмга оператор, режиссёр ва муаллифлик қилди. Лекин қайси мавзуга қўл урмасин, пахтакор образи, пахтакор меҳнати, ўйи, ҳаёти, орзуси бир зум унинг хаёлидан нари кетмайди. У пахтакор касбини ўз касбидек улуғлайди ва ардоқлайди.

Малик домла мени кинозалга таклиф этди. Мен шошиб турганимни, Францияга отланаётим, у билан хайрлашгани келганимни айтдим. Домланинг кўзлари чанқаб кетди. У дунё кезган одам: ўз камераси билан Вьетнамда, Ҳиндистонда, Афғонистонда бўлди, Европа ва араб мамлакатларини кўрди, Япония, Италия, Англия, Францияга сафар қилди. У қўлимни маҳкам сиқар экан:

— Дунёни қанча кўп кезсанг, шунча ўз ватанинг қадрига етасан,— деди.

1978 йил. Майнинг охирида Осие, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари кинофестивалида одатдагидек фаол қатнашиб юрган Малик домла тўсатдан кўринмай қолди. Турли мамлакатлардан келган атоқли кино усталари уни сўрайвериб энка-тинкамизни чиқариб юборди. Билсак, Малик домла юраги хасталаниб касалхонада ётган экан. Врачлардан зўрға руҳсат сўраб, олдиға кирдик. У каравотда қимирламай ётар, ранги сўлгин, қаттиқ изтироб чеккани кўриниб турарди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, дарҳол фестиваль ишларини, киностудияда ҳали ниҳоясига етмаган фильмларни суриштириб кетди. Кейин юракдан ташқари оёғи оғриётганини айтди.

Малик Қаюмов Улуғ Ватан урушининг бошидан охиригача қатнашган, бир неча



бор яраланган. Фронт киногруппасининг бошлиғи Марк Трояновский 1944 йилда бундай деб ёзади: «Жуда қайғули иш бўлди — кеча операторимиз Малик Қаюмов жиддий яраланди. Афсус, ахир у иккинчи марта госпиталга тушиши. Ҳозиргина келишиб олдик, тез кунларда Маликни самолётда Москвага жўнатишади. Унинг оёғи сақлаб қолинса, яхши бўларди».

Малик Қаюмов фронтдош оператор дўстлари билан ҳанузгача борди-келди қилиб туради. Айниқса Роман Кармен, Марк Трояновский, Семеновларнинг номини доимо ҳурмат билан эслайди.

Семенов ҳозир Марказий ҳужжатли фильмлар киностудиясининг директори, у икки марта яраланган Малик Қаюмовни жанг майдонидан елкасида олиб чиққан.

Америка телевидениеси учун Роман Кармен бошчилигида яратилган 20 серияли «Номаълум уруш» фильми кўпчилик мамлакатларда намойиш этилди. Уруш даҳшатларини рўйирост кўрсатувчи, фашизмнинг манфур башарасини очиб ташловчи бу улкан эпопеянинг сўнгги титрларига фронтда қатнашган 200 операторнинг, шу жумладан, Малик Қаюмовнинг ҳам номи ёзилган. Улар фильм охирига имзо чека туриб, биз мана шуларнинг шоҳиди бўлдик, бу фалокат сизларнинг бошингизга тушмасин, дейишарди гўё.

Малик домла ҳаётни жуда севади. У ана шу ҳаётни, коинотни, заминни улуглағиси келади. Қайси бир фильмини олиб қараманг, сиз унда гўзал манзараларни кўриб завқланасиз. У атроф-борлиқни гўзал ифодалайди. Унинг «Самарқанд неча ёшда», «Регистон», «Шоҳи зинда», «Бибихоним», «Самарқанд осмонда юлдузлар», «Хива», «Ал-Бухорий ва замон», «Самарқанд ҳамиша мен билан» фильмларини ўзбек диёри ҳақида битилган дoston деса бўлади.

Ундан: «Нега фильмларингиз бунчалик гўзал?» деб сўрашса, доимо: «Онамни яхши кўраман» деб жавоб беради. Ана шу онаизорга, она диёрга бўлган фарзандлик меҳри фильмларида беихтиёр уфуриб туради.

Она, яъни ўзбек аёли образи Малик Қаюмовга бир умр тинчлик бермайди. Натижада Шодияхон Тожиева, Мукаррама Турғунбоевалар ҳақида ажойиб, таъсирчан фильмлар яратилди. Лекин Малик Қаюмов қониқмади. У 1955 йилда Ҳиндистонда эндигина СССРдан, шу жумладан, Ўзбекистондан қайтиб келган Жавоҳарлал Неру билан учрашиб, ундан сизда энг кўп таассурот қолдирган нарса нима бўлди деб сўради. Неру: Озод ва маълумотли аёллар, деб жавоб беради. У яна: Ҳиндистон 100 йил ичида шу даражага кўтарилолса, ўзимни бахтиёр ҳисоблардим, дейди. Нерунинг бу гаплари Малик Қаюмовга қаттиқ таъсир қилади ва уни ўзбек аёли образи устида яна ишлашга даъват этади: бунинг натижаси ўлароқ, «Паранжи» фильми яратилди. Ва шу билан ўзбек аёлига ўчмас бир хил ҳайкал ўрнатилди. Фильм асосан хроникал архив материалларига қурилган, лекин унда ўзбек аёлининг асрлаб озодликка интилишини, эрк деб жондан жудо бўлган онлари-ю, бахтиёр ҳозирги кунларини кўрамай. Бор-йўғи олти минут давом этадиган бу фильм бир неча халқаро фестивалларда олтин медаллар, бош совринлар ва дипломлар билан тақдирланди. Фильмда монтаж қилинган 20-йиллар кадрларини ҳам Малик Қаюмовнинг ўзи олган. Лекин у кейинги йилларда ана шу архив материалларини қайтадан кўриб чиқди. Энди у воқеаларни акс эттириш билангина чегараланмай, образ яратишга, фалсафий фикр билдиришга ҳаракат қилади. «Оқ кўйлак», «Томчи сув», «Гўри амир» фильмлари ана шундай ўткир фалсафий фикр натижасидир.

Ҳозир Малик ака Катта Фарғона канали мавзусига яна қайтишни мўлжалламоқда.

Шарқда: ким Ҳизр қўлини ушласа, ниятига етади, деган гап бор. Малик домла сеҳргар санъаткор, унинг гапини қулоққа олган, ўғит насиҳатларига амал қилган одам кам бўлмайди. У доимо ёшлар орасида. Уларнинг ташвиши — Малик домланинг ташвиши. Ёшларга меҳрибон отадек муносабатда бўлади. Москвага ўқишга юборади, улар учун махсус курслар очиб ташвишини қилади, ўрни келса қўллайди, вақти келса уришади.

Бир кунги ғалати воқеанинг гувоҳи бўлдим. Малик домла ёш операторларнинг материалларини кўраётган экан.

— Хўш, қалай? — деди у мен томонга бурилиб. Мен йигитлар манзараларни домласига ўхшаб жуда чиройли, гўзал қилиб олишганини айтдим. Унинг қошлари чимирилди.

— Гўзалликка гўзал, лекин кадрларда маъно йўқ, — деди.

У ёшларни жуда ҳурмат қилади ва айни чоғда, хатолари учун роса «савалайди». Энг яхши кўрган шогирдларидан бири Даврон Салимов яқинда устози ҳақида фильм яратиб, уни Малик домлага кўрсатди. Унда буюк санъаткорнинг бутун ҳаёти, кўрган-кечирганлари, ижоди акс этган. Лекин Малик Қаюмов фильмини қабул қилмади. У, фильм бир одам ҳақида, яқин одам шунчалик иш қилолмайди. Ўзбекистоннинг бугунги кунини, унинг гигант забодлари, улкан кўринишлари, ажойиб шаҳарлари етарли кўрсатилмаган, деди. Ҳа, устозни бир зум Ўзбекистондан ажралган ҳолатда тасаввур этиб бўлмайди. Унинг бутун ҳаёти Ўзбекистон тақдири билан боғлиқ.

Малик Қаюмов тиниб-тинчишни билмайди. У юзлаб фильмлар яратиш билан бирга ўзбек ҳужжатли киночилари учун замонавий бино қуришга бевосита раҳнамолик қилди. Ҳозир Ўзбекистон кинематографчилари уйини барпо этиш устида елиб-югураятти. Халқаро кинофестиваль тайёргарлигида фаол қатнашмоқда. Турли мамлакатлардан келган меҳмонларни кутади. У — Ўзбекистон киночиларининг меҳрибон отаси, ажойиб инсон, катта санъаткор.

Малик Қаюмовни иккиланмай, келажакни деб яшовчи инсон, бир сўз билан таърифлаш керак бўлса, устоз деса бўлади.



## ИЖОД ЗАҲМАТИНИ ТОРТИБ

Оқилжон Ҳусанов эллик ёшда

Олтмишинчи йилларнинг бошларида журналист ва ёзувчи Оқилжон Ҳусанов билан танишган дақиқаларим ҳамон эсимда. У Самарқанддан, «Ленин йўли» газетасидан «Муштум» журнаliga ишга келган ва «Қўшиқчининг тақдири» номли дастлабки ҳикоялар тўпламини нашриёт планига киритиш ташвишлари билан юрган экан. Мен эса ўшанда нашриётда муҳаррир эдим. «Қўшиқчининг тақдири» бир оз кечикиб, 1963 йилда чоп этилди. Шундан бери ўтган йигирма йил ичида Оқилжон Ҳусанов фаол журналист, ёзувчи сифатида муттасил ижодий изланди, турли жанрларда қатор асарлар яратиб, китобхонлар оммасига танилди.

Оқилжон Ҳусановнинг «Қўшиқчининг тақдири» ҳикоялар тўпламидан кейин ўзбек ва рус тилларида «Самарқанд булбули», «Меҳри дарёлар», «Бўлмаганга бўлишма», «Қашқар гўзали», «Булбулнинг гўшти», «Кўзларингни яширма» (рус тилида) каби қатор очерк ва ҳикоялар тўплами босилиб чиқди.

Оқилжон Ҳусанов очеркчи сифатида бир қанча асарлар яратган. Айниқса, унинг «Самарқанд булбули» асари алоҳида ажралиб туради. Муаллиф мазкур очеркда атоқли халқ ашулачиси ва созандаси, мақом устаси ҳамда истеъдодли бастакор Ҳожи Абдуазизнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида атрофлича кенг ва тарихий фактларга суянган ҳолда жонли ҳикоя қилади. «Самарқанд булбули» очерки жанр жиҳатидан кўпроқ «Ажойиб

кишилар ҳаёти» туркумида чиққан асарларга яқин туради.

Муаллифнинг ҳикоялари мавзу жиҳатидан ранг-баранг. Уларда ўтмиш ва ҳозирги куннинг муҳим масалалари кўтарилган, турли тоифадаги одамлар қиёфаси чизилган, уларнинг характери, феъл-атворидаги ўзига хосликлари моҳирлик билан очиб берилган. Ёзувчи «Қўшиқчининг тақдири», «Меҳри дарёлар», «Қашқар гўзали» каби очерк ва ҳикоялар тўпламларида асосан замонамиз қаҳрамонларининг яратувчилик меҳнатини, улар ўртасидаги самимий дўстлик ва қардошлик муносабатларини, руҳий кечинмаларини, маънавий дунёсини акс эттиришга интилади. «Бўлмаганга бўлишма», «Булбулнинг гўшти» тўпламларига кирган ҳажвий ҳикояларида эса муаллиф турмушдаги айрим хунук, нобоп ҳодисаларни фош қилади ва лаганбардорлар, ивгогарлар, мақтанчоқлар, бетайин шахслар устидан кулади. Ҳажвчи касбдошларидан бири Оқилжон Ҳусановни «кулмасдан кулдирадиган» ижодкор деб таърифлаган эди. Бу гапда жон бор. Дарҳақиқат, Оқилжон Ҳусановнинг «қаҳ-қаҳ» уриб кулганини ҳали ҳеч ким кўргани йўқ. Лекин нафсиламбирини айтганда, бу одам давримиз, жамиятимиз учун қусурли бўлган айрим шахслар устидан бинойидек кулади, номаъқул ишлар, қуёшқондан ташқари қилиқларни ҳажв қалами билан фош этади.

Оқилжон Ҳусанов очерк ва ҳикоялар билан бирга бир қанча йирик асарлар ҳам яратган.

Унинг «Тоғда ўсган бола» қиссаси айниқса, ёш китобхонлар орасида тез тарқалди. Бунинг сабабларидан бири асарнинг саргузаштларга, ажойиб-ғаройиб воқеаларга бойлигидир. Қиссада она Ватан табиатига меҳр-муҳаббат туйғулари ранг-баранг бўёқларда ёрқин ифодаланган. Ёмон ниятли одамларнинг кирдикорлари тўфайли тоғда адашиб қолган ва айиқлар орасида ўсган боланинг бошидан кечирган хилма-хил воқеалари романтик тарзда акс эттирилади. Катта қизиқиш билан ўқиладиган бу асар китобхонлар орасига тез тарқалди.

Ўқувчилардан олинган кўплаб мактублар ёзувчини бу асарга яна қайтишга, унинг давомини ёзишга илҳомлантирди. Ниҳоят, «Тоғда ўсган бола»нинг давомини сифатида «Тоғда ўсган бола ёхуд жияннинг янги саргузаштлари» номли асар вужудга келди.



Янги қиссада ҳам ёзувчи услубига хос аввалги фазилатлар яна жило кўрсатди. Асарда тасодифий ва фавқулодда ҳодисалар, тоғ сирларига мафтунлик, табиатга меҳр-муҳаббат, романтик руҳ, ҳарорат, самимийлик мавжуд.

Асарда шартлилик, тасодифийлик белгиларига муайян даражада эрк берилади, қаҳрамонларнинг эҳтиросли туйғулари ҳийла бўрттирилади.

Хуллас, ёзувчи «ёввойи» Жияннинг инсоний муҳитдаги фавқулодда хислатларини янада қабартириб кўрсатишга айрича эътибор бериб боради. Олижанобликни улуғлаш, сеvimли қаҳрамонларни тоқир, ботир, айни вақтда, содда, самимий, беғубор тарзда кўрсатиш саргузашт асарлар учун энг муҳим хусусият бўлиб келган. Бу ҳолат Жиянга ҳам бегона эмас. Қиссанинг «Ут билан олишув», «Чопонберган нима берди» бобларида вазият ҳийла кескинлаштирилади ва шунга мувофиқ Жияндаги фидоийлик, жасорат каби хислатлар янада қабариб кўринади. Қиссадаги асосий қаҳрамонлар ўртасидаги дўстлик, ҳамиyat, маънавий поклик хусусида сўз кетган ўринларда баландпарвоз гаплар, жимжимадорлик йўқ, аксинча, табиийлик, илиқлик мавжуд.

Ижодкорнинг кейинги йилларда яратган «Сирли одам» ва «Давжон» қиссалари тарихий-инқилобий мавзуда. «Сирли одам»да муаллиф Октябрь инқилобининг дастлабки йилларидаги мураккаб турмуш, ҳаётда рўй бераётган ўзгаришларни акс эттиради.

Қисса марказида инқилобчи Ҳожисафо Жўрабоев образи туради. У янги ҳокимият учун фаол кураш олиб боради. Лўттибоз қози Исахонга, оқ гвардиячи Зайцевларга қарши шиддатли жангларда қатнашади. Асардаги қишлоқ оқсоқоли Уста Сафар қалби очик, пок, меҳрибон, энг оғир дамларда ҳам ўз сўзида қатъий турадиган инсон сифатида гавдаланади. Бу образлар анча жонли чиққан. Қиссадаги Меливой билан Бекмурод каби қаҳрамонларнинг мураккаб ҳаёт йўли ҳам табиий бўёқларда тасвирланади.

«Давжон» ҳажм жиҳатидан ҳийла катта қисса. «Сирли одам»да воқеалар, қаҳра-

монлар қисмати кўпроқ нақл қилинса, «Давжон»да эса бевосита тасвирлаш, кўрсатиш усули ҳукмрон. Асар сюжети кўп тармоқли, конфликт ҳам шиддат билан ривожланиб боради. Қаҳрамонларнинг ҳислари ва кечинмалари, руҳий ҳолати, ички зиддиятлари анча теран тасвирланади.

Асарда инқилобий ҳаракатнинг раҳбарларидан бири бўлган Эшонқулнинг таъсирида, содда, қалби пок, паҳлавон йигит Давжонда рўй бераётган кучли ички ўзгаришлар ишонарли гавдалантирилади. Давжон билан Аширмат орасидаги зиддият эса тобора кучли, шиддатли тус ола бошлайди. Ёш Давжоннинг отаси Ҳўжаназар ва онаси Кўчкинойнинг қотили Уснат ўлпончи бўлиб чиқади. Вақти-соати келиб, қасосдан чўчиган Уснат ўлпончи яккаю ёлғиз ўғли Аширматни Давжонга нисбатан душманлик руҳида тарбиялайди. У ўғли Аширмат вояга етгач, унга қишлоқнинг энг бадавлат одами Махсум бойнинг яккаю ягона фарзанди Ойқарамни олиб бермоқчи, бойнинг беҳисоб мулкига меросхўр қилиб қўймоқчи бўлади. Лекин Уснатнинг нияти амалга ошмайди. Давжон ундан қасос олади. Шундан кейин Давжон билан Аширмат орасидаги зиддиятлар ошкора тус олиб, асар охиригача шиддатли давом этади ва қисса ҳар иккинсининг фоживий ҳалокати билан якунланади.

Қиссада Эшонқул раҳбарлигида Давжон, Менгнор, Абдумалик каби ёшларнинг золимларга қарши кураш учун бирлашганига доир саҳифалар кучли пафос билан йўғрилган. Шунингдек, Давжон билан Ойқарам ўртасидаги севги-муҳаббат жозибали, самимий, таъсирли чизилган.

Оқилжон Ҳусанов ҳозир айни кучга тўлган, китобхонларга маъқул ва манзур асарлар ҳаёда этадиган навқирон ёшда. Шу кунларда ижодкор Сирдарё ва Жиззах чўллариини ўзлаштираётган замонамиз қаҳрамонлари ҳаёти, шижоати, мардона кураши ҳақида йирик асар устида ишламоқда. Адибнинг барча эзгу ижодий ниятларини амалга оширишига тилакдошмиз.

**Анқабой ҚУЛЖОНОВ,**  
профессор.

Ленин ёққан революция чироғи қитъалар ва мамлакатлар узра, миллионлаб кишиларни янги курашга чорлаб, янада ёрқинроқ нур сочмоқда. Бу чироқни, қуёшни кафтлар билан тўсиб бўлмагани каби, ўчириш мушкул.

Ленин ёритиб берган бу йўл монгол халқининг ҳам саодат йўлига айланган.

**Лодонгийн ТУДЭВ,**  
Мўғулистон.

Неъмат Йўлдошев

## «ИНСОН МОҲИЯТИНИ ОЧУВЧИ КАЛИТ»

Социалистик реализм адабиётининг бугунги баракали изланишларидан бирининг йўналишини психологик таҳлил масалалари белгиламоқда. Асарларда турли ахлоқий принциплар туқнашувининг биринчи планга олиб чиқиши, ёзувчиларнинг инсон ички оламига эътиборининг ортиб бориши сўз санъатида ички конфликтнинг ролини кенгайтirdи. Қаҳрамонларнинг у ёки бу ҳаракатигина эмас, балки бу ҳаракатнинг психологик мазмуни, ахлоқий томонлари санъаткорларимизнинг диққатини кўпроқ ўзига тортмоқда. Адабий жараён «айрим эстетларнинг санъатни психологядан, инсон руҳий дунёсига чуқур кириб боришдан озод қилишга чақиришлари санъат табиатига, давр талабларига бутунлай зид»<sup>1</sup> эканини намойиш қилаётир.

Ички конфликтларнинг бадий ечими ўзига хос воситалар талаб қиладики, бу сўнги йилларда асарларнинг монологик турлари яратилишига туртки бўлган сабаблардандир. Адабиётшунослар, танқидчилар тилида «ички монолог романи», «ички монолог повести», «ички монолог прозаси» каби тушунчаларнинг тез-тез ишлатилиши адабий жараён натижасидир. А. Беляусканинг «Каунас романи», М. Слуцкиснинг «Одам Ато олмаси», Ю. Трифоновнинг «Бошқа ҳаёт» каби повестлари ана шу сирадаги асарлардир.

Ўзбек прозасида ички монолог бугунги кунда салмоқли ўрин олиб, унинг вазифалари доираси кенгайиб бормоқда. Бу ўринда Асқад Мухторнинг «Чинор», Иброҳим Раҳимнинг «Тақдир», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», «Диёнат», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Мирмуҳсиннинг «Меъмор», Ҳамид Фулом-

нинг «Мангулик», Уктам Усмоновнинг «Гирдоб» каби романларини ва бошқа кўплаб асарларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбек сўз санъатида қаҳрамон ички нутқидан фойдаланиш узоқ тарихга эга. Кузатишлар унинг халқ оғзаки ижодидан бошлаб қўлланганини кўрсатаётир. Албатта, фольклордан то бугунги адабиётга қадар у катта тадрижий йўлни босиб ўтган. У ҳамиша ҳам психологик вазифани бажарган эмас. Сўз санъати ўз тараққиёти жараёнида ички нутқнинг турли эстетик имкониятларини кашф этиб борган. Бугун унинг турлари, вазифалари доираси ҳар қачонгидан кенг. Ички монолог асар тўқимасининг муҳим қисмига айланиб қолмоқда. Айниқса, Одил Ёқубовнинг сўнги романларида айрим боблар бу воситанинг турли шакллари, жумладан тартибга келтирилган «онг оқими» асосида маҳорат билан қўрилганки, бу социалистик реализм адабиётининг кенг имкониятларини, унинг модернистик адабиётдан устун фазилатларини намойиш қилаётир.

Бироқ ҳозир ҳам ички монологга ишончсизлик билан қараш, баъзан энг керакли ўринларда ҳам уни четлаб ўтиш ҳоллари учраб турипти. Айрим танқидчилар модернистик адабиёт вакиллари билан баҳсга киришиб, нишонни ички монологга қаратиб қўймоқдалар, бу воситани «роман инқирози»нинг белгиси деб қарамоқдалар. Аслини олганда, нишон ички монологга эмас, унинг модернистик адабиётдаги кўринишига, ўз асарларимизда ундан фойдаланишда йўл қўйилган нуқсонларга қаратилиши керак.

Ички монолог ҳис-туйғулар оқими инсон онгининг чуқур қатламларига кириб боришга имкон яратади. Ички монолог бадий усул сифатида ички нутқдан фарқланмоғи лозим. Уйлар, ҳис-туйғулар онгининг турли реакциялари натижасида туғилади. Онг реакциялари эса чексиз. Бу

<sup>1</sup> А. Егоров. Проблемы эстетики. М., «Советский писатель», 1977, с. 49.

«чексизлик» инсон ички нутқида «нотўғрилик», «сакрашлар», «чалалик» «фавқулод-даликни келтириб чиқаради. Бироқ ички нутқнинг бу хусусиятлари ички монологга ҳамиша шундайлигича кўчирилмавермайди. Академик В. В. Виноградов бундай ёзади: «Ички нутқнинг адабий тасвири натуралистик бўлмайди. Унда психологик тўлалик имкони борича сақланса-да, шартлилик анчагина ўрин олади» (Литературное наследство. Т. 35—36, М., 1939, с. 181).

Модернистик адабиёт ички монологни ички нутққа максимум яқинлаштиришга, улар орасидаги фарқни қисқартиришга интилади, онгнинг фавқулодда реакцияларига ҳақдан зиёд эътибор беради. Бу эса текстни психограммага яқинлаштиради, ҳаёт тасвирининг мантиқига пугур етказди, характерлар бирлигини бузади. Ички монолог бадий қимматини йўқотади. Масалан, Ж. Жойснинг «Улисси»даги 4-эпизодда Леопольд Блум онгининг палапартиш «сакраш»лари берилган. Уларни беришдан гоёвий мақсад ноаниқ. Ўйларнинг, характерларнинг мантиқан ривожланиши ёзувчини қизиқтирмайди. Фақатгина эксперимент, оддий натурализм ҳукм сурди.

Реалистик адабиётда онг оқимининг «чексиз»лик келтириб чиқарадиган хусусиятлари қаҳрамонлар ҳолатининг энг кескин вазиятларида қўлланилади ва ҳаёт мантиқини чуқур тасвирлашга, уни етакчи гоёга бўйсундиришга хизмат қилади. Совет адабиётида, жумладан ўзбек прозасида ички ўйларнинг тартибга келтирилган шаклига кўпроқ мурожаат қилинмоқда.

Асарларда ички монологнинг ўрни ва вазифаларини уларда кўтарилган проблемалар, персонажлар характери, ёзувчининг индивидуал услуби аниқлайди. Характерларни драматик вазиятларда таҳлил қилиш йўлидан бораётган ёзувчилар асарларида ички монологнинг кенг қўлланилиши табиий. Асақд Мухтор ўзининг «Чинор» романида бу усулнинг турли имкониятларини намойиш қилган эди. Романда ўйлар, ҳис-туйғулар характерларнинг хилма-хил қирраларини ёритишда муҳим аҳамият касб этган. «Чинор» қаҳрамонларидан бири Ориф Очилов Мария Васильевна билан суҳбатда «менинчга, мулоҳазанинг ўзи ҳам иш. Раҳбар учун ҳис этиш, айниқса одамларнинг кўнглини ҳис этиш — астойдил иш», дейди. Бу «астойдил иш» Асақд Мухтор асарларида кенг тасвирланади. Ёзувчи ички монологга турли характерларни чизишда мурожаат этади, ҳар гал бу восита ҳаёт мантиқини таъсирли, жонли ифодалашга хизмат қилади. Акбаралининг биргина ички монологи олайлик. «Тавба, ўзига ҳам ўзи кўринадими одам! Йўқ, бир нима бўляпти менга, бирон жойга бориб ётишим керак. Ҳадеб ўйлагандан. Энди ўйламайман... Йўқ, ўйламайман. Бектемирни ҳам, оймини ҳам, Ҳадяни ҳам, ўзимни ҳам... Ўзимни? Гўристондаги ўзимни?.. Ҳа, ҳа, ўйламайман, ҳеч қайсисини ўйламайман, бас!» Инсонийликка хиёнат қилган Акбарали ўз қилмиши ҳақидаги эсдаликлардан, энди унга ёт бўлиб қолган одамлар ҳақидаги ўйлардан қочинга интилади. Бироқ ички олам,

хотира, ўз мантиқ йўлидан боради, қаҳрамон иродасига бўйсунмайди. Ўйлар ёв каби бостириб келаверади. Акбарали қисқасида ички монолог характери, салбийлик диалектикасини ёритишда етакчи роль ўйнайди. Асарда ўйларнинг, ички монологнинг ўзи минбар талаб қилади. Уларсиз у ёки бу эпизодни тасаввур қилиш қийин. Ана шундай ҳолларда бу воситанинг бадий қиммати юқори бўлади. Бугунги кунда айрим асарларда ички монологнинг зўрма-зўраки ишлатилиши ҳолларини учратганда, ўз-ўзидан Асақд Мухторнинг (умуман, биргина унинг эмас) тажрибаси ёдга келади.

Сўнги йилларда яратилган айрим асарларга бизни қизиқтираётган жиҳатдан ёндашиб қарасак, қувонарли изланишлар ва бартараф этса бўладиган баъзи нуқсонларнинг гувоҳи бўламиз.

Юқорида айтганимиздек, ички монологдан фойдаланишда ёзувчи Одил Ёқубов ажойиб ютуқларга эришди. Унинг сўнги романларида ички монолог ҳар қачонгидан кўра кенг қўлланилмоқда. Бу эса, мунаққид Иброҳим Ғафуров таъкидлаганидек, ёзувчининг характерларни кўпроқ «ички уринишларда, ички изланишларда кўрсатиш йўлидан бораётганлигининг, қаҳрамонлар табиатидаги драматик тангликни аввалги асарларида бўлгани каби кўпроқ ташқи таъсирлардан эмас, уларни ўз ички дунёси тўғёнларидан келтириб чиқаришга уринаётганлигининг» натижасидир.

Ички монолог ёзувчининг «Улуғбок хазинаси», «Диёнат» каби асарларида психологик таҳлил воситаси бўлибгина хизмат қилмайди. Бир неча ҳолларда у ҳикоя қилиш вазифасини ҳам бажаради. Монологхотира ретроспекция ёрдамида қаҳрамонларни ўтмишга кўчиради, ҳикояга янги маълумотлар олиб киради. Бироқ у аввало қаҳрамоннинг ҳозирги руҳий ҳолатини белгилайди. У ёки бу воқеанинг эсланишини ҳам шу ҳолат аниқлайди. Бунинг оқибатида ёзувчи асарларида нисбатан қисқа вақтни қаламга олса-да, монологхотира воситаси билан катта давр манзарасини беришга муваффақ бўлади. Ёзувчи кўпинча ички монологнинг II ва III шахсларда ифодаланган шаклига мурожаат қилади. Натижада муаллиф ҳикояси билан персонажлар овози орасида янги муносабат туғилади, объектив ва субъектив планлар, эпик ҳамда лирик тўлқинлар бириктирилади, қаҳрамонларнинг ўйлари, ҳис-туйғуларига адибнинг муносабати сингдирилади.

Ички монологлардаги мазмун, шакл, оҳангни характерлар мантиқи аниқлайди. «Диёнат» романининг қаҳрамонлари инсоф, адолат учун қайғурадилар. Бироқ ҳамма гап бу изланиш, курашнинг турли принциплардан келиб чиқишида. Ана шу турли принциплар тўқнашуви персонажлар ички монологларида ўз ифодасини топади.

Нормурод Шомуродов бутун умрини инқилоб, халқ ишига сарфлаган киши. Инсоф, адолат масалаларига ҳалол ёндашиш унинг асосий фазилатларидан. Нормурод Шомуродов ва Воҳид Миробидовларнинг ички монологларини таққосласак, кўз ўнгимизда бир-бирига зид икки олам гавдаланади. Нормурод ота ички монолог-

ларида ташқи ҳаётда ҳали ҳал қилинмаган масалалар устида бош қотиради. Чигал ижтимоий проблемалар унга ором бермайди, ота уларни диёнат йўлидан бориб ҳал қилиш йўлларини ахтаради. Айрим раҳбарларнинг ўз лавозимларидан фойдаланиб, жамият қонунларини оёқ ости қилишлари уни бефарқ қолдиролмайди, ўйларга, ўйлардан эса курашга етаклайди. Воҳид Миробидов монологуларида фан манфаатларидан кўра шахсий интилишлар, мукофот тамаи ҳақидаги хаёлар устун туради. Унинг ўйлари энгил ривождланади, саволлар, фикрий қайтариқлар кам учрайди. Унинг бутун фикри-зиكري энгил ҳаёт, арзон шон-шухратга эришишда. Бундай киши хатти-ҳаракатларини чуқур таҳлил қила олмайди. У қилаётган барча ноҳўя ишларини оқлашга уринган сари ўқувчи кўз ўнгиде худбин шахс сифатида гавдаланверади.

Нормурод ота энг яқин кишиларининг манфаати олдида ҳам ўз ақидаларига, виждонига хиёнат қилмайди. Унинг учун қариндош-уруғ манфаати деб буюк принципларни оёқ ости қилиш — адолатсизлик. Жияни Отақўзи эса, тоғасининг қаттиққўллигини адолатсизлик деб билади. («Принципиаллик!.. Сиз учун... бу сохта принцип турганда... қариндош-уруғ, ёрдуст, ҳеч ким керак эмас сизга!»). Ҳайдарнинг диссертациясида нотўғри фикрлар олдинга сурилган бўлишига қарамай, Отақўзи обрўли олим Нормурод Шомуродовдан ишни қўллашни кутади. Отанинг бу ишга аралашидан бош тортиши тоға-жиянни узоқлаштиради. Қариган чоғларида ҳолларидан хабар олиб турадиган ягона жиянларининг юз ўгириши, «заҳар» сочиб кетиши Гулсара аянинг дардини янгилайди. Чол-кампир ораларида бўлиб ўтган қисқа «жанжал» отани ўйларга, азобли туйғуларга етаклайди. Шу ерда унинг биринчи катта монологи берилади. Бу тартибга келтирилган «онг оқими» асосида қаҳрамон хотиралари ётади. Ўйлар ҳислар занжири ҳолида бир-бирини бошлаб келаверади. «У биларди — кампирнинг дарди ҳеч қачон ошқора айтилмайдиган, бироқ қалбда сўнмас дард бўлиб қолган ёлғиз ўғиллари Жабборга бориб тақаларди. Агар Жаббор тирик бўлганда...» Жаббор — Фазилат — Бўрибевлар тарихи эсланади. Бўрибевнинг кирдикорлари Воҳид Миробидовни эслатади. Миробидов урушдан олдинги йиллари Мирзачўлини ўзлаштириш тарафдорларига, жумладан, Нормурод Шомуродовга тош отганлардан. Энди эса, у бу ишнинг тарғиботчисига айланган. Унинг раҳбарлигида қанчадан-қанча диссертациялар ёқланган. Отанинг хаёли яна Ҳайдарга, унинг диссертациясига кўчади. Ундовлар, пауза, фикрлардаги мантиқнинг бузилиши, «сақраларнинг табиийлиги ўқувчида шубҳа туғдирмайди, улар ҳаёт мантиқини жонли тасвирлайди. Гулсара ая вафотидан кейин отанинг ҳолатидаги драматизм янада чуқур ифодаланган. Баъзан қаҳрамон оғир ўйлардан озод бўлишни истади: «Бас! Нима қилсан, хаста юрагингни тилка-пора қилдиган бу эсдаликлар билан ўзингни эговлаб?» Бироқ ўйлар, ҳис-туйғулар бу драматик кайфиятда унинг иродасига бўйсун-

майди, уни ўз гирдобига тортади. Лекин романда онгнинг сакрашлари пала-партишликка, тартибсизликка олиб бормайди, уларнинг барчаси етарли юк ташийди, етакчи ғояга хизмат қилади.

Отақўзи асарнинг охиригача «ечилиши қийин бўлган бир кўр тугунни» эслатиб туради. «Кўр тугун»нинг моҳиятини ички монологларсиз очиш мумкин эмас. Отақўзининг жамият қонунларига чап беришга уринган ҳолатларини эслаб кўрайлик. Шу ўринларда ички монологларсиз қаҳрамонни тўғри тушунишимиз амри маҳол. Ички монолог ўз-ўзини таҳлил қилишнинг етакчи воситаси. Отақўзининг раҳбарлик усули, қонунларга чап беришлари кўпчиликни ранжитади, унинг ўзини жар ёқасига олиб боради, қайта-қайта панд беради. Шухрат ишида ёнаётган раис шундай ҳолларда ўз-ўзини, ўз ҳаракатларини таҳлил қилади, ҳатоларини равшан кўради. У чуқур, асосли ўйларга берилади. Албатта, унинг монологуларида ҳам табиатидаги қатъийлик, чўрткесарлик, ўжарлик ўз аксини топади. Мақтовларга ўрганиб қолган раиснинг турли комиссияларга тоқати йўқ. «Йўқ, бунақа экан, уям тахта-ўқлоғисини йиғштиради! Раҳмат! Шунча ишлагани, соғлиғидан айрилиб, асаблари қақшаб адои тамом бўлгани ҳам етади...» Бироқ машина чўлга етиб келган, Отақўзи хаёлан бу ерда барпо этилган кўркам шаҳарни, боғ-роғларини кўради. Ҳолат кескин ўзгаради: «Йўқ... Кетиб бўлман! Аввал саҳрода қура бошлаган ана шу шаҳарчани қуриб тугатаман. Аввал ниятимга етман. Ана ундан кейин, марҳамат, истаган одамга бўшатиб бераман ўрнимни!» Дастлаб «қонун бошқа, турмуш бошқа» қабилда қилган ҳаракатларини ички монологуларида оқлашга уринади, чунки унингча «баъзан ноилоҳликдан қонунга чап берадиган пайтлар ҳам бўлар экан. Чап бермай қонунни маҳкам ушлаб ўтираверсангиз иш жойидан жирилмас экан. Отақўзи бунга ҳеч кимдан яшрмайди». Дастлаб «борди-ю ҳамма раислар шароитни рўқач қилиб, қонунга чап бераверса, аҳвол нима бўлади?» деган савол ҳаёлига ҳам келмайди. Ҳар гал қандайдир панд егандан кейингина ўзини тафтиш қила бошлайди. «Ҳа, унда азалдан шундай бир одат бор — баъзан тўсатдан инсофга келиб, ўзини аёвсиз қамчилайти, худбин қилиқларидан соқит бўлиш истагида ёнади! Бу нарса одатда бирор қийинчиликка дуч келган, ё бошига иш тушган пайтларида бўлади. Лекин қийинчиликлар орқада қолиб, иши сал юришгудек бўлса, ўзига берган ваъдалари, ичган онлари яна эсидан чиқиб, яна ҳовлиқа бошлайди. Бемаъни, беқарор одамларга хос бир субтўсизлик!». Бундай ҳолларда иккинчи, учинчи шахслар орқали ифодаланган ички ўйлар туйғайли қаҳрамон ва муаллиф бир-бирига яқинлашади.

Асар финалга яқинлашгани, драматизм авж олгани сари Отақўзида ўзига танқидий қараш кучайиб боради. Нормурод отанинг вафоти уни ларзага солади. Қабр устида қаҳрамон ўзини инсофга, адолатга чақиради (аввал уни кўпроқ бошқалардан талаб қилар эди). «Ҳей, Отақўзи! Лоақал энди, бу улуг инсоннинг қабри тепа-

сида, ўз виждонинг олдида мунофиқлик қилмагин. Илгарилари ўқитганинг етма-гандек, умрининг энг сўнги дақиқаларига гача бетга чопарлик қилмадингми бу ҳалол ва хокисор одамга? Сохта обрў, юксак лавозимга ўткинчи шон-шўҳратни деб, унинг яхши ниятларини рад этиб, яхши гапларини оёқ ости қилмадингми? Ҳатто пешонанг деворга бориб текканда ҳам, ҳатто шу бугун ҳам ҳаётнинг бу шафқатсиз сабоқларидан хулоса чиқариш ўрнига манманлик қилиб, ҳамон ўз обрў-этиборинг учун олишайётганинг йўқми? Бас! Бўлди! Лоақал энди, бу муқаддас қабр тепасида мунофиқлик қилма, лоақал энди, ҳаётнинг бу раҳмсиз ҳукми олдида ҳалолликни, диёнатни ўйла, Отақўзи!» Бироқ ҳаёт ҳақиқатига содиқ ёзувчи асар финалида қаҳрамонни «оппоқчина» қилиб қўймайди. Қаҳрамоннинг инсофга келишига ёзувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам ишонгиси келади. Лекин, ким билади, танқидчи М. Пархоменконинг («Литературное обозрение», 1980, № 7) қаҳрамоннинг инсофга келишига гумон билан қараши ҳам асоссиз эмас. Ёзувчи яратган Отақўзи образи ўқувчи учун қимматли, қадрдон. Бироқ Отақўзининг характери ўқувчини кўп ранжитади. Қаҳрамон неча бор ўзини инсофга қақиради, неча бор ўзига ваъда беради! Бироқ неча бор ўз сўзига хиёнат қилади!..

Модернистик адабиётда ўз-ўзини таҳлил қилиш қаҳрамон фаоллигини, курашчанлигини сушлаштиради, унда пессимистик қарашларни авж олдиради (Йозеф К., Марсель, Леопольд Блум). «Диёнат»да ўз-ўзини таҳлил қилиш қаҳрамонини янги изланишларга, курашга чорлайди. «Бу афсунадоматларга чек қўй, Нормурод чол. Оқу қорани таниган қариясан. Тушунмоғинг керак. То ўлгунингча, токи сўнги нафасинг чиққунча чизган режаларинг, ўйлаган ўйларингни рўёбга чиқармоғинг керак. Бесабр бўлма, Нормурод чол, бесабр бўлма..» Отақўзи адолат, диёнат, ҳалоллик тўғрисидаги ўйларини рўёбга чиқаришни орзу қилади. Албатта, қаҳрамонлар ҳамisha ҳам тўғри қарорларга бормайди, ҳаракатлари ҳамisha ҳам ахлоқ нормаларига жавоб беравермайди. Ҳамма гап социалистик реализм методи билан қуролланган ёзувчининг инсонга бўлган ишончида, қаҳрамонларнинг тақдирига тан бериб жанг майдонидан қочмасликларидан.

Танқидчи Салоҳиддин Мамажонов «Диёнат»да ички монологнинг бир хил турига ҳаддан зиёд эътибор берилганлигини асосли қайд қилган эди. Бу ерда, бизнингча, кўпроқ монолог-хотира назарда тутилади. Нормурод Шомуродов, Фазилат, Латофатларнинг монологлари кўпинча хотира асосига қурилади, ҳикояга янги маълумотлар олиб киради. Айрим маълумотларнинг ички монологда берилиши шарт эмасдай туюлади. У ёки бу монологнинг туғилиши шубҳа уйғотмайди, улар табиий юзага келади. Бироқ ички монологга муурожаат қилишда табиийликнинг ўзигина етарли эмас экан. Асарда ички монолог ташиётган юкнинг вазни муҳим.

Ёзувчининг ютуқлари кўпроқ Отақўзи монологлари билан боғлиқ. Улар қаҳрамон ички дунёсидаги ҳароратни, ички «жанг»

ни ҳаётнинг ўзидагидек жонли тасвирлайди. Танқидчилик (Умарали Норматов) ҳақли равишда ёзувчиларимизни зиддиятли персонажлар ифодасида қўлга киритилган тажрибани курашчи ижобий қаҳрамонлар тасвирида дадилроқ ишлатишга қақирмоқда.

Кўрсатилган айрим нуқсонлар ёзувчи маҳоратини камситмайди. Одил Ёқубов асарларида ички монолог бошқа воситалар қатори инсон руҳий оламини кенг, чуқур тасвирлашга хизмат қилади. Ёзувчи ўзбек насрида психологик таҳлил маҳоратини янги юқори босқичга олиб чиққанлигини дадил тан олмоқ лозим.

Инсон ички оламини таҳлил қилишда ёзувчиларимиз турли принциплардан келиб чиқишмоқда. Одил Ёқубов аналитик, Мирмуҳсин типологик, Пиримқул Қодиров динамик принцип қўллайди. Аналитик услуб учун руҳий дунёнинг бевосита тасвири характерли, унда кўпинча ички монологга, кенг психологик характеристикага муурожаат қилинади. Типологик услуб учун ички оламнинг ҳаракат, ҳолат, имо-ишоралар, оҳангдаги ифодаси характерли. Динамик услубда ёзилган асарларда эса, ҳаракатлар, воқеа-ҳодисалар устун. Руҳий ҳолат кўпинча муаллиф ҳикоясида умумлашган ҳолда кўрсатилади. Албатта, бу ерда у ёки бу ёзувчига хос бўлган етакчи йўналиш ҳақида гап борапти. Аслида ҳар бир адиб ижодида у ёки бу принцип соф ҳолда камдан-кам учрайди. «Меъмор», «Юлдузли тунлар» каби романларда Мирмуҳсин ва Пиримқул Қодировлар айрим ўринларда руҳий жараённинг бевосита тасвири маҳорат билан берганлар. Тарихимизнинг реалистик манзарасини гавдалантириш аждоқларимиз психологиясини чуқур ёритишни ҳам тақозо қилган.

Тарихий насримизнинг ривожига янги тўлқинни ташкил қилган «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар», «Меъмор» каби асарлар СССР Ёзувчилар союзининг маҳсус муҳокамасида юқори баҳоланди. Муҳокамада танқидчи Пирмат Шермухамедов «психологизм тарихий асарлар учун ҳам ниҳоятда зарур»лигини уқдириб, тилга олинган асарларнинг яхши фазилатларидан бири сифатида уларда психологизмнинг, «қалб диалектикасининг «тарих диалектикаси билан чамбарчас боғлиқлигини»ни кўрсатган эди.

Бу асарларда зиддиятларга тўла характерлар галереяси берилган. Меъмор Нажмиддин Бухорий, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобир ҳаётидаги драмалар XV—XVI асрлар қарама-қаршиликларининг мевасидир. Бир қўлида гул, бир қўлида ханжар кўтарган амирзодалар, беклар асрида, ҳақу ноҳақлик ёнма-ён турган бу даврда қаҳрамонларнинг бир неча қиёфада кўриниши табиий. Саройга садоқатли хизмат қилаётган Нажмиддин Бухорий бошига кулфат тушганда ҳукмдорларнинг асл қиёфасини кўради. Ички монологларда қаҳрамоннинг изтироблари, иккиланишлари, онгида, ҳисларида туғилган бурилиш ўз ифодасини топади. Фан, санъат, шеърият равнақи учун курашайётган, халқ фаровонлиги, мамлакат ободончилиги ташвишлари билан яшаётган Улуғбек, Бобир шох сифатида тахт учун жа-

даллар бораётган пайтда беклар иродасига бўйсунушга мажбур бўладилар, юзлаб беғуноҳларнинг дардига дард қўшадилар. Давр ҳукми, тарих диалектикасининг тақозоси шу эди.

Орзуларнинг чил-чил бўлиши, давр қарама-қаршиликлари барча қаҳрамонларни зиддиятли ўйларга, ҳистуйғуларга етаклайди. «Юлдузли тунлар»да Хўжа Абдулла, Фазлиддин, Тоҳирларнинг ички оламидаги туғёнлар маҳорат билан тасвирланган.

XVI асрда Фарғонада одам суратини чишиш гуноҳ ҳисобланган, шарият томонидан ман этилган. Мулла Фазлиддин Хонзода беғимнинг суратини чизган эди. Тинтувларда суратни топиб олишса, бу шарият учун, шоҳ оиласи учун ҳақорат деб қаралиши турган гап. Бу Фазлиддинга қасд қилган бекларнинг айна мудароси. Фазлиддин суратни ёқиб ташламоқчи бўлади. Бироқ суратдаги қиз жозибаси уни сеҳрлаб қўяди, ўйларини алғов-далғов қилади. «Наҳотки мен бу қизга ошиқ бўлсам! — ҳайрат ичида ўйланди Мулла Фазлиддин. — Қора халқ орасидан чиққан мендай бир сураткашнинг шоҳ қизига муҳаббат қўйиши кулгили эмасми? Йўқ! Мен фақат ўзим чизган суратга — ўз ижодимга меҳр қўйганмен, ҳолос! Бошим омон бўлса, бундай суратни яна чизгаймен!». Шу ўй билан суратни ўтга ташламоқчи бўлганда, қизнинг кўзлари чақнаб кетгандек бўлди. «Ички бир овоз уни «Кўрқоксен!» дегандек жеркиди. «Душманларинг устинга бостириб келаётгани йўқ-ку!». Билиб қўй, сен бундай гўзал суратни иккинчи марта чиза олмассен... Ботир бўлсанг қутқариб қолурсен!». Персонаж ҳолатидаги зиддият, иккиланиш ички монологнинг, шу мисолда кўриниб турганидек, турли шахсларда ифодаланган вариантларини қўллашни тақозо этади.

«Юлдузли тунлар»да Бобирнинг она юрт, халқ тақдири ҳақидаги ўйлари, унинг ҳис-туйғулари кўпинча ихчам ички монологларда берилади: «Қандай қилса одамларнинг нафратига эмас, ҳурматига сазовор бўлади?». Қаҳрамоннинг шиддатли, курашларга тўла ҳаёти, табиий, шунга тақозо қилади. Бироқ унинг характерини ёритишда психологик чуқурликни талаб қиладиган эпизодлар ҳам учрайди. Иккинчи пландаги персонажлар қиёфасини яратишда қўл келган айрим психологик таҳлил воситаларини шундай ўринларда ҳам қўллаш мумкин эди. Танқидчилик (М. Қўш-жонов, У. Норматов) романда тарихий воқеалар юқининг оғирлашиб кетганлигини, хронологик йўлдан бориш ёзувчи фантазияси имкониятларини бир оз чегаралаб қўйганлигини кўрсатганди. Бу эса, баъзан характерларнинг чуқур ёритилишига халақит берган. Психологик таҳлил воситаларининг, жумладан ички монологнинг барча эстетик имкониятларидан керакли ўринларда фойдаланилмаган. Биргина мисол. Шайбонийхон қўшинларидан Дахкатда яшири-ниб юрган Бобир Осмон Яйлов тоғида фавқуллода бир чўпонни учратади. Бу чўпоннинг отаси ва акасини Бобир одамлари (Аҳмад Танбал) Уш томонларда ўлдириб, бошларини кесиб кетишган. Бобир чўпонга ўзини танитади, эндиликда тахтдан воз кечи-б шоир бўлиб яшаш орзусида эканини айтади. Чўпон Бобирнинг қўшиқ қилиб ай-тилган шеърларини тўйларда эшитган.

Шоир Бобирга бўлган ҳурмати, муҳаббати туфайли чўпон Бобир — шоҳни кечиради. Бу учрашув Бобирни шоир ва халқ, тахт ва халқ, шоир ва тахт ҳақида чуқур ўйларга етаклаши мумкин эди, натижада бу мавзулар асосий қаҳрамон онги орқали ичдан ёритилган бўларди. Ёзувчи эса, ўз ҳикоясида «вужудини янги бир безовталик чулғаб олди. Ёшлиқда бекларнинг раъйига қараб қилган хатолари боғли иккита ваҳимали итнинг қиёфасига кириб, ҳали ҳам кетидан қувиб келаётганга ўхшарди» деб чегараланади. Бу ерда кенгайтирилган ички монолог ишлатилса, ўринли бўларди. Ёзувчи ўз асарларида динамик принципдан келиб чиқиб, воқеа-ҳодисалар тасвири, қаҳрамон ҳаракатлари орқали қатор етук образлар яратган. Бироқ инсон образини яратишда аналитик принцип фақатгина ўйлар, ҳистуй-ғулар таҳлили билангина характерли бўлмаганидек, динамик принцип етакчи ўрин олган асарларда ҳам ҳаракат, воқеа-ҳодисалар тасвири билан чегараланмаслик мумкин. Воқеалар ривожини характер мантиқини чуқур психологик таҳлилни тақозо қилган ҳолларда уни четлаб ўтиш сўз санъати имкониятлари доирасини торайтириб қўйиш билан баробар.

Биз романлардаги психологик таҳлил ҳақида кўп гапиримиз-да, ўрта ва кичик жанрларга унчалик эътибор бермаймиз. Турли жанрларнинг имкониятлари бир хил эмас, албатта. Лекин ҳар бир жанр имкониятлари доирасида психологик таҳлил воситаларини маҳорат билан қўллаш мумкин. Ахир психологик чуқурликдан маҳрум «семизгина» романлар ҳамда психологик ҳақиқати билан ўқувчини ўзига ром қилувчи кичик асарлар (масалан, М. Шолоховнинг «Инсон тақдири» ҳикояси, Абдулла Қаҳҳорнинг ўнлаб новеллалари) борлиги ҳаммага аён-ку. Фикримизни ёш ижодкорлардан Нурали Қобулнинг «Салом, тоғлар» қиссаси, Асад Дилмуродовнинг қатор ҳикоялари ҳам тасдиқлаб турипти. Ёш ёзувчилар ички монологни текстга кўпинча усталик билан сингдириб юборадилар. Ҳар иккала ёзувчи ички монологни персонажларнинг энг ҳаяжонли аҳволга тушиб қолган пайтларда қўллайди.

Қорақўз («Салом, тоғлар») севмоқ, севилмоқ ҳисларига эндигина учраган. У умрида биринчи бор соғва олди. Унда романтик хаёплар, ҳислар туғилиши турган гап. Қувончини ким билан ўртоқлашсин? Севги тўғрисида ўйлаш ҳам уятдай-ку, унга? Ўз-ўзи билан гаплашади. Нурали Қобул ички нутққа хос баъзан узук-юлуқлик, такрорланиш, сакрашларни бу ерда нисбатан шундайлиқча тасвирлайди. Бу эса, қиз ҳолатини ҳаққоний ифодалашга имкон яратади. «Қизик, нега Ғойибназар унга шевър ёзиб бердикин-а? Шунчаки ёздимикан? Ёки севармикан? Севги! Қизик! Ўйлашга ҳам уяласан киши. Ҳаммада бўладими севги? Одам ҳаётида бир кишини севадими? Бўлмаса нега Намозшоомгул маҳалласидаги ўлган мулла тўртта хотин олган? Тавба, Ғойибназарни кўп ўйлайди? Тўғри, яхши кўради. Аммо у яхши кўриш севишимикан? Йўқ, севги бошқача бўлса керак! Севишганлар доимо боғларча, гулзорларда сайр қилиб юришади дейишади-ку! Биз-чи ўтин терамиз, қўз, боқамиз... Бироқ тоғ ҳам яхши...» Бу монолог қиз ҳолатини самимий тасвир-



лайди, унинг характери ни ёритишда муҳим ўрин тутлади. Қоракўзнинг Ғойибназар тўғрисида янво тарқагандаги, фарзандининг ўлимидан кейинги худога мурожаати, кўз ўнгида пайдо бўлган Ғойибназар образи билан телбанамо гаплашиши ҳам жуда таъсирли чиққан.

Ички ўй, ҳис-туйғулар ташқи нутқда баъзан беихтиёр, баъзан қаҳрамон иродаси билан чала ифодаланади. Бундай ҳолларда бошқа персонажлар унинг фикрини тушунмасликлари мумкин. Нағижанда диалогда, воқеалар ривожда бурилиш ясалади. «Осмоннинг бир парчаси» ҳикоясида Асад Дилмуродов Донишнинг ички ўй, ҳисларини ва уларнинг ташқи чала ифодасини жуда ўрнида ишлатади. Кўзлари ожиз бу йигит Зухрани севади. Атрофдагилар унинг бу туйғуси билан ҳисоблашмайдилар. Зухрага Эрхондан совчи борармиш. «Совчи боради... Қайтаринг, хўпми! Йўқ денг...» Бу сўзлар орқасида Дониш учун қанча маъно, қанча азобли ўйлар бор. Улардан хабардор ўқувчи ички ўйларнинг қаҳрамон ташқи нутқида тўла ифодаланмаётганини табиий қабул қилади. Қандай совчи? Кимдан? Нега қайтариш керак? Донишнинг тили бормади айтгани, Зухра эса, қаердан билсин? Каби саволлар ўз-ўзидан китобхон хаёлига қўйилиб келади. Бу ерда чала ифодаланган фикр воқеанинг кейинги ривож йўлини аниқлайди. «Совчи?» — Зухра энтикди. — «Ажаб, — деб ўйлади ичида, — кечиргани нимаси-ю совчини қайтаринг дегани нимаси?... Сенга тегаман дедиму ноз қилиб қолдингми?» Ички ўйлар, ҳис-туйғуларнинг ташқи нутқидаги бу тарздаги ифодаси қаҳрамон ҳолатини бўрттириб кўрсатиш, воқеани драматик ечимга олиб боришга хизмат қилади.

Ўй, ҳис-туйғуларнинг турли ифодасини айрим ҳикояларда чиройли бера олган бу ёш ёзувчининг «Сирли зина» қиссасида Шерали, Дилбарларнинг ортиқча ички репликалари учрайдики, бу ўқувчини ранжитади.

Асарларда персонажлар руҳий оламининг четлаб ўтилиши сўз санъатининг имкониятларини чегаралаб қўйса, бу ҳолга сунъий мурожаат қилиш ҳам яхши натижага олиб бормади.

Сўнги йилларда яратилган айрим асарларда ички монологга мурожаат қилишда меъёр сақланмаган. Ҳамид Икромовнинг «Тонг юлдузи» қиссасида шу куннинг муҳим масалалари кўтариллади. Асар қаҳрамони Элёр маънавий дунёси бой йигит. Қиссада уни ва бошқа персонажларни характерловчи бир қанча яхшигина монологлар бор. Улар кўпинча қисқа ички репликалар тарзида тузилади. Бироқ қиссадаги ич-

ки репликаларнинг ҳаммаси ҳам бадий чуқур асосланган деб бўлмайди. Инсон ўй-хаёлларсиз яшамайди. Лекин ҳар бир «лоп» этиб кўнгилга келган фикр бадий асарга олиб кирилавериши керак эмас. Воқеалар ривожига қаҳрамондан дадил ҳаракатлар талаб қилаётган пайтда ёзувчи ички монологга ортиқча ўрин беради. Айрим ички репликаларнинг нима мақсадда ишлатилганини айтиб бериш қийин, уларни асар ғоясига путур етказмаган ҳолда тушириб қолдириш мумкин эди. Масалан, Элёр ўзи кўрмоқчи бўлиб юрган кишисини учратиб қолиб, «келиб-келиб ўзини учратсам-а», каби ўйларга берилиши (бундай мисоллар жуда кўп) персонаж характери очишга, уни индивидуаллаштиришга, хатти-ҳаракатларини психологик асослашга хизмат қилмайди.

Мурод Муҳаммад Дўстнинг кўпчиликка манзур бўлган «Чоллардан бири» қиссаси қаҳрамони Мустафо чол ўзининг мулойим овозидан жуда тортинади. У кўпинча ўз ички олами, хаёллари билан яшайди. Бу оламини тасвирлашда мимика, хатти-ҳаракат билан бир қаторда ички репликалар ҳам муҳим ўрин тутлади. Ёзувчи ички ўйларнинг иккинчи, учинчи шахсда ифодаланган шаклига кўп мурожаат қилади. Бу эса персонажларнинг ички ўй, ҳисларини муаллиф ҳикоясига бевосита олиб киришга имкон яратади. Бироқ бу шаклдаги ички монологга ортиқча эътибор бериш ижодкор позициясини, унинг персонажларга бўлган муносабатини аниқлашни қийинлаштириши ҳам мумкин. Мурод Муҳаммад Дўсти «Кекса» қаҳрамонлар кўпроқ қизиқтиради.

Қиссадаги Мустафо чол ўқувчига ўзининг инсонларга муҳаббати самимийлиги, поклиги билан яқин. Ички репликаларда эса, унинг «ғалатироқ» эканлиги кўпроқ таъкидланади. Баъзан ёзувчи ўқувчини фақат қулдиришга интилаётгандай туюлади. Бу ҳолларда ички монологнинг бадий қиммати юқори бўлмайди.

Адибларимизнинг насрдаги психологик таҳлил тажрибаси чуқур ўрганилмоғи лозим. Юқорида кўрганимиздек, унинг вазифа доираси жуда кенг. Энг муҳими, ҳозирги адабиётда психологизмнинг турли воситалари, жумладан ички монолог оилавий-маиший мавзулар доираси билангина чекланмай, давримизнинг муҳим ижтимоий, фалсафий, ахлоқий жумбоқларини ечишда қўл келаётир.

Психологик таҳлил — «инсон моҳиятини очувчи калит» (Л. Леонов) ҳисобланади. Адабиётда характерлар яратилиши у билан узвий боғлиқ. Чуқур психологик таҳлил учун кураш — бу етук реалистик характерлар учун, реалистик адабиёт равнақи учун кураш демакдир.

Лениннинг таълимоти ҳаётим ва ижодимга янги, ёрқин уфқлар очди, воқеликка қарашимни ўзгартирди, ишчилар синфининг манфаати учун курашаётганлар сафига қўшди.

Катарина Сусанна ПРИЧАРД,

Австралия.



## АТОҚЛИ МАЪРИФАТЧИ

«...атоқли маърифатчи Исҳоқхон рус тили ва рус маданиятини жўшқин тарғиб қилди. Ўз замонасининг ўқимишли, илғор кишиси бўлган Исҳоқхон рус маданияти таъсирида вужудга келган ҳамма янгиликларни бажонидил қабул қилди, ўз халқини рус тилини ўрганишга чақирди».

Шароф РАШИДОВ,

КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Биринчи секретари.

Урта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши ўлкада ижтимоий-сийсий, маданий-маърифий фикрларнинг ривожланишига туртки бўлди, полиграфия, матбуот ҳам вужудга келди ва бирмунча ривожланди. Илғор ўзбек зиёлилари Сатторхон, Фурқат, Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Иброҳим Даврон, Исҳоқхон Ибраторлар ўзларининг илғор қарашларини ташвиқ-тарғиботнинг энг ҳозиржавоб усули бўлмиш матбуот орқали баён қилдилар. Замон руҳи, талаби шуни тақозо қилар эди. Шунинг учун ҳам публицистика жанри ХХ аср бошлари ўзбек адабиётининг энг илғор, ҳозиржавоб ва ажралмас бир қисмига айланди. Публицистика анча масъулиятли, таъсирчан, оммавий, оғир ҳамда ўзбек адабиёти учун янги жанр бўлишига қарамай, маърифатпарварларнинг жанговар минбарига айланди. Исҳоқхон Ибратор ҳам бу жанрда қалам тебратди ва ҳамма, мазмун, мавзу эътибори билан диққатга сазовор публицистик мақолалар, шеърлар яратади.

Исҳоқхон Ибратор публицистикасининг асосини маърифатпарварлик ғоялари ташкил этади. У дастлабки мақолаларидан бошлаб меҳнаткаш халқ бошидаги оғир мусибатни реалистик акс эттиришга интилади, уни бартараф қилиш йўлларини излайди. У бундай оғир ҳаётнинг сабабчиси маърифатсизлик, жаҳолат деб тушунади. Шунинг учун ҳам Исҳоқхон Ибратор феодализм инқирозини ўзида тўла мужассамлаштирган эски таълим-тарбия, ўқув-ўқитув тартибларига қарши кураш бошлайди.

Маданий-иқтисодий ҳаётда юз бераётган тараққиётни, янгиликларни куйлаш, дунёвий илм-фанни, рус тилини ўз ватандошларига тарғиб қилиш Ибраторнинг бутун ижодида муҳим ўрин тутди: «Илмсиз киши асоссиз девор экан. Асоссиз девор ғоятда безътибор бўлур. Илм ўқунг, ўқутинг. Ахлоқий фунун замонага даркорлик илмлар зарур...» («Туркистон вилоятининг газети», 1914 йил, №18).

Адибнинг «Тўрақўрғондаги рус-тузем мактаби», «Тошкентда рус-тузем мактабининг зарурияти ҳақида», «Газета хусусида», «Тошкент сафаридаги маълумотларим», «Редакцияга хат», «Манзума тарих» каби мақола ва шеърларининг асосини юқорида зикр қилинган илғор фикрлар ташкил қилади.

Исҳоқхон дунёвий фанларни, чет тилларни ўрганишни тарғиб қилар экан, илм-фан янгиликларига, чет тилларни, айниқса, рус тилини ўрганишга бор кучи билан қаршилик қилаётган, эски таълим-тарбия усулига ёпишиб олган қора гуруҳларга қарши кескин курашга отланди. Чунки бу қора гуруҳлар илғор фикрли зиёлиларга, маърифатпарвар мураббийларга қарши турли-туман бўҳтон тошларини ёғдириб, «усули савтия» мактабларининг кенг тарқалишига ғов бўлаётган эдилар. Мисол тариқасида Ҳамза, Алвоний, Сўфизодаларнинг мактабларини беркитиб, ўзларини қувғин қилишларини эслашнинг ўзи кифоя.

Бу соҳада, айниқса, Тошкент шаҳар, Себзор кўчасидаги эски мактабдор Мулла Хусанхўжа эшон билан Исҳоқхон Ибратор ўртасидаги мунозара анча диққатга сазовордир. Мулла Хусанхўжа эшон ўз мактабини енгил-елли ислоҳ қилиб, жадид мактаби деб атайди ва ўқувчи болаларни ташвиқ қилади: «Мулла Хусанхўжа эшон ўғли ушбу 1907 йилнинг биринчи сентябридан бошлаб, биз сартия мактабларимизни мактаб болаларига ўқитадурғон усули қадимиямизни усули жадид тартибига олиб, жамоа-жамоа қилиб ўқитадур. Чораки, мазкур тариқа тартибиде мактаб болаларини тез фурсатда саводлари чиқиб, кўп фойдалар ҳосил бўлур экан. Яна шулки, бу тартибнинг ҳеч нимарсаға монелиги бўлмас экан. Сабаб шулки, бешинчи жамоа бирлан тамом бўлур экан. Биринчи жамоа «Ҳафтияки шариф», иккинчи жамоа «Қалом шариф», учинчи жамоа «Чоҳор китоб» бирлан «Фузүлий» ёйинки «Навойий», тўр-

тинчи жамоа «Бедилхон», бешинчи жамоа «Этиқодли исломия» бирлан «Илми фаройиз» ўқиб, тамом қилиб, муддати икки йил ёйинки уч йил миёнасида мадрасаларда ўқимоқни хоҳлаганлари мадрасаларга чиқиб ўқимоққа қодир бўлур эканлар» («Туркистон вилоятининг газети», 1907 йил, № 66).

Юқоридаги сўзлардан маълум бўладики, Мулла Хусанхўжа эшон ўз мактабини «ислох» қилиб, ҳеч қандай ижобий янгилик киритгани йўқ (жамоа-жамоа қилиб ўқитишдан бошқа). Нисбатан янгича дарсликлар, ўқитув усуллари вужудга келаётган бир пайтда, мазкур домла ёш болалар руҳиясига, билим савиясига, ёшига ҳеч мос келмайдиган, ислом дини мафқурасини ўзида тўла ифодаловчи, халқни асрий қолюқликка судровчи «Хафтияк», «Чоҳор китоб», «Каломи шариф», «Ислом этиқоди» каби китобларни ўқитади. Ушбу мактабнинг моҳиятини, эски мактаблардан ҳеч қандай фарқи йўқлигини тушунган Исҳоқхон Ибрат «жадид мактабдор» Хусанхўжанинг мактабини халқ болаларини алдаш учун, кўпроқ уларни жалб қилиб, катта даромад олиш учун оцилган мактаб деб баҳолайди.

Мулла Хусанхўжа домла «Тошканд мусулмон мактаблари ҳақида» мақоласида эски мактабларни ташвиқ қилиб, янги усули савтия мактабларини танқид қилади ва эски мактабларни янги усул мактабларидан устун қўяди («Туркистон вилоятининг газети», 1907 йил, №23). Шу билан бирга, у эски мактабларни номига енгил-елпи ислох қилиш, яъни ўқувчиларни калтак билан жазолаш усулини бекор қилиш, ўқувчиларни жамоа-жамоа қилиб ўқитиш ва давоматни тартибга солиш каби шиорлар билан чиқади. Бу «ислох» ўқув-тарбия савиясини кўтаришда ҳеч қандай ижобий натижа бермас эди. Чунки бу мактабларда ўқув-тарбия асосини қуруқ ёдлаш, ўқувчи тушуниб етмайдиган диний китоблар, қонун-қондалар ташкил қилар эди. Шунинг учун ҳам Исҳоқхон Ибрат ўз мақоласида бундай мактабларнинг халқ болалари умрини барбод қилишига ачинади: «Муаллим бечора азиз фарзандларимизни калтак, қамчи йўқ баҳонасила беш-ўн саналар (беш-ўн йил — У. Д.) осмонга қаратуб, «алиф, базавар, бебазер», деб шовқин қилдириб-қилдириб, бир ҳарф ҳам ўқув-ёзув билдирмайинча... умрларини барбод қилиб ётмоққа тақвиятгина бўладур» («Туркистон вилоятининг газети», 1907 йил, № 72).

Бутунлай яроқсиз бўлган бундай мактабларни енгил-елпи ислох қилишга Ибрат қарши чиқади. Шунинг учун ҳам у 1907 йилда мазкур мактабдорга, унинг мактабига, умуман эски таълим-тарбия, ўқитув усулига қарши ёзган мақолаларида эски мактабларни ҳашарот уяларига ўхшатади: «болаларни эски мактаблар ила жамоаларга тақсим қилиб, келиш-кетиш, калтак ва қамчи масъалаларни ислох қилмоқда, албатта, лозимдур. Лекин ўқулажак китоблар — мазкур эски китоблар, ўқитажак домлалар-да — эски домлалар, мактабларида — эски ҳашарот уялари бўлдиқинда, бу масъалалар минг мартабалар ислох этилса-да, бекор, беҳудадур!» («Туркистон вилоятининг газети», 1907 йил, №72).

Халқ фарзандларининг йн-ўн беш йиллаб

эски мактаб ва мадраса тупроғини ялаб, охири саводсиз ёки чаласавод бўлиб чиқишлари Ибратни изтиробга солади. Шунинг учун ҳам халқ маорифи мавзусидаги публицистик мақолалари эски мактабдорларга, мударрисларга нисбатан аччиқ, заҳарханда сўзлар билан тўла. Ибрат бундай мактабни таг-туғи билан тугатиш ва улар ўрнида янги, замона талабига жавоб бера оладиган, замонавий илмлар ўқитиладиган мактаблар ташкил қилиш шиори билан чиқади. Эски мактаб ўқитувчиларининг чаласаводлигини, жоҳиллигини, халқ фарзандларини тарбиялашга, билим беришга қодир эмаслигини мисоллар билан исботлаб берган адиб уларни таълим-тарбия соҳасига яқинлаштирмасликка даъват этади.

Ибрат мазкур мақоласида эски схоластик (қотиб қолган) таълим-тарбия системасига кескин қарши чиқиб, бу системани бутунлай тугатишни талаб қилар экан, у, биринчи навбатда, ўзининг амалий педагогик фаолиятига, ўлкага кириб келаётган илғор рус педагогикаси ютуқларига суянда. У биринчи марта 1886 йилда ва иккинчи марта 1907 йилда эски мактаблардан бутунлай фарқ қилган, замона ўқув қуроллари билан жиҳозланган мактаб очади.

1900 йилларга келиб Туркистон ўлкасида рус-тузем мактабларининг сони бирмунча ортди.

Рус-тузем мактаблари ўқув-тарбия соҳасида эски маҳаллий қолюқ мактаблардан анча юқори даражада эди. Шунинг учун ҳам атоқли ўзбек маърифатпарварлари Сатторхон, Фурқат, Фурбат, Нодим, Ибрат, Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермухамедов кабилар рус-тузем мактабларининг очилишини қўллаб-қувватлайдилар, халқ ўртасида тарғиб қиладилар.

Мана шундай шароитда Исҳоқхон Ибрат илғор педагог сифатида биринчилар қатори ўз ўғли Аббосхонни рус-тузем мактабига беради. Шу билан бирга, бундай мактабларни «кофирлар мактаби» деб жар солган қора гуруҳлардан ҳимоя қилади ва ўз халқи болаларини бундай мактабларга жалб қилишда фаол қатнашади.

Исҳоқхон Ибрат публицистик мақолаларида янги усул мактабларида ўқитиладиган фанларга, рус тилини ўқитиш масаласига алоҳида тўхталади.

Асримиз бошларига келиб рус тилини ўрганишга қизиқиш янада кучаяди. Усули савтия мактабларида дунёвий фанлар, она тили билан бир қаторда рус тили ҳам ўқитилар эди. Лекин ўқувчилар ва рус тилини мустақил ўрганувчилар учун дарслик ва қўлланмалар етишмасди. Бу ҳақда «Туркестанская ведомость» газетаси қуйидагиларни ёзади: «Шу кунларда шаҳарликлар ўртасида рус тилига қизиқувчилар кўп. Ҳозирда қишлоқ аҳолиси ўртасида ҳам рус тилига қизиқувчилар сони ортиб бормоқда. Тошкент китоб магазини хўжайинларидан бири шиқоят қиляпти, «сартлар (ўзбеклар — У. Д.) ҳеч тинчлик бермаяпти. Русча ўрганиш учун сарт тилида ёзилган бирор дарслик борми, деб сўраб келишавериб жонга тегди». Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ерли ўтроқ аҳолининг тил ўрганишга қобилияти кучли» («Туркес-

танская ведомость», 1900 год, 4(20) декабрь, №98).

Рус тили билан бир қаторда ўнга яқин шарқ ва ғарб тилларини анча мукамал билган Исоқохон Ибрat бу муҳим масалада ҳам ўз халқига ёрдам қўлини чўзди. У олтига: арабча, форсча, ҳиндча, туркча, ўзбекча ва русча сўзларни ўз ичига олган «Луғати ситта ал-сина» («Олти тили луғат») номли мукамал луғат китобини яратди. Исоқохон Ибрat бу асарини ёзар экан, биринчи навбатда, рус тилига қизиқувчиларни кўзда тутган. Бу нарса китобнинг биринчи бетидеяқ маълум бўлади. Муаллиф русча ёзув системасини билмайдиганларга ҳам қўлай бўлсин учун русча сўзларни араб ёзувида беради<sup>1</sup>. Мазкур асарнинг рус тилини ўрганишда аҳамияти катталигини яна шундан ҳам билиш мумкинки, китоб қўлёзма ҳолидаеяқ қўлдан-қўлга ўтиб юрган, кўплар нашрдан чиқмасданоқ фойдаланишга, кўчириб олишга муваффақ бўлганлар. Рус тилини ўрганишга қизиққан ўзбек зиёлилари асарнинг яратилишидан ҳақдан ташқари хурсанд бўлдилар, кўп нусхаларда чоп этилишини сабрсизлик билан кутдилар. Бу нарсани биз китобнинг қўлёзмалигида танишган шахснинг қуйидаги сўзларидан янада яққолроқ кўришимиз мумкин: «Исоқохон тўра таъбларидан чиқариб, луғати «ситта ал-сина» деган олти луғотли китоб тасниф қилиб, босмаҳонага юборибдурлар. Мазкур олти луғат — арабий, форсий, туркий, сартий, ҳиндий ва русча китобни алҳол иборатларини дуруст ва тасдиқлаб кўриб турубдурмиз. Албатта онинг босилмоғига ижозат берилиб, нечанд нусхалар босилиб чиқса керак.... Русча луғатларни мусулмония ҳуруфлари илан ёзмоқ қийин ва душвор учун ул русча ёзилган иборатларни кўброқ таъғир берилди ва мазкур «луғати ситта ал-сина» деган жаноб қозининг ихтиро қилган луғат китоблари, агарчанд кичик бўлса ҳам, бизнинг Туркистон вилоятимиздаги сартиялардан шунча тил билиб, бул тариқа китоб ва луғат тасниф қилган одам йўқ эди» («Туркистон вилоятининг газети», 1901 йил, № 30).

Исоқохон Ибрatнинг ушбу асари XIX асрнинг 90-йилларда яратилишига қарамай, маҳаллий авторлар асарларининг таъқиб остига олиниши, чор мустамлакачилари томонидан Туркистонда ўрнатилган қаттиқ назорат (цензура) туфайли анча кечикиб, 1901 йилда Тошкентда Ильин

<sup>1</sup> Маълумки, Исоқохонга қадар русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғатлар яратилган эди. Масалан, В. Наливкин ва М. Наливкиннинг «Русско-сартовский словарь», «Сартовско-русский словарь» (Назань — 1884 г.) асарлари шулар жумласидандир. Лекин бу асарлардан китобхонлар унумли фойдалана олмадилар, чунки бу китоблар рус ёзув системасида яратилган бўлиб, ўзбек тилини ўрганувчи руслар ва русча саводи бўлган, рус ёзув системаси билан таниш санокли ўзбеклар учун мулжалланган эди. Шунинг учун ҳам у рус тилини ўрганишга иштиёқмандларнинг эҳтиёжини тўла қондира олмади.

босмаҳонасида нашрдан чиқди. Маълумки, чор ҳукумати ўлканинг маданий ривожланишидан, халқнинг кўзи очилишидан, айниқса, ерли аҳолининг рус халқи билан яқинлашувидан кўрқар, кенг меҳнаткаш омманинг рус ва ўзбек халқлари дўстлигининг воситачиси — рус тилини ўрганишга қаршилиқ қилар эди. Шунинг учун ҳам рус тилини ўрганишга қизиқиш катта бўлишига қарамай, Исоқохон Ибрatнинг мазкур асари бир неча йил давомида чоризм назоратидан ўта олмади. Бу ишда чор Россиясининг Туркистондаги матбуот назоратчиси миссионер Николай Остроумов катта роль ўйнайди. Исоқохон Ибрatнинг «Луғати ситта ал-сина» асари ўз даврида катта аҳамият касб этади. Ибрat ўзининг ушбу ижодий фаолияти билан рус тилининг, рус ва ўзбек халқлари дўстлигининг оташин тарғиботчиси сифатида ўзбек халқи маданияти, санъати ва фани тарақиёти тарихида муносиб ўрин эгаллади.

Исоқохон Ибрat 1911, 1913, 1914 йилларда Тошкент шаҳрида бўлади. Шаҳарнинг «мусулмонлар учун жоиз бўлмаган» энг кўркем бог-паркларини, театр-киноларини, мактаб ва виставкаларни бориб кўради. Шу билан бирга, Хадрадаги икки синфли рус-тузем мактабида рус тилидан имтиҳон олиш маросимида қатнашади. Рус тилининг оташин тарғиботчиси Ибрat ўзбек болаларининг рус тилини мукамал ўрганганликларини кўриб, қалбдан хурсанд бўлади ва уларнинг келажига зўр умид билан қарайди: «Баногоҳ Тошканднинг Хадра мазуида бўладургон двухклассной шкўлда имтиҳон вақти экан. Руфақо ва катталаримиз таклифлари мужибинча бориб они кўрдумки, имтиҳонда бизнинг мусулмония болалари ҳам яхши, дуруст Русия забонини расо яхши сўзламоқга қодир бўлиб, улуглар ҳузурида ҳикояларни икки бола бир-бировига муқобил савол-жавоб қилишиб, имтиҳон берганлари яна мени шодландурди. На учунки, бизнинг ислом болалари ҳукуматимиз лисонларига олим бўлмоқга ҳам ҳаракатлари борлиги маълум ўлди. Яна бир неча йилларда ёзилмиш илм ва касб камолотлардин ҳам ҳиссаларини олмоқга истеъдодлари бўлғудек экан». («Туркистон вилоятининг газети», 1914 йил, № 48).

Исоқохон Ибрat рус маданияти ва техникасини ўз кўзи билан кўриш мақсадида 1907 йилда Оренбургга боради. У бу ерда Гоуфман деган матбаачидан пулини 10 йил мобайнида тўлаш шarti билан литографик машина сотиб олади. Исоқохон литографик машинани машаққатлар билан Оренбургдан Қўқонга поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларда олиб келади. 1908 йилда чор ҳукуматининг рухсатидан сўнг ўзи кўрдирган ҳаммом ўрнида босмаҳона ташкил қилади ва «Матбааи Исоқофия» номи билан ишга туширади. Туркистоннинг чекка қишлоғида матбаанинг вужудга келиши ўзбек халқининг фан ва маданият соҳасидаги катта ютуғи бўлди. Матбаанинг ташкил қилиниши, уни вужудга келтиришдаги мақсади ҳақида Исоқохон Ибрat ўзининг «Тарихи чопхона» шеърида батафсил ёзади.

Туркистоннинг илк матбаачиларидан

бири Исҳоқхон бу амалий фаолияти билан XIX аср охири, XX аср бошларидаги илғор маърифатпарварлар ғояларини яна бир поғона юқорига кўтарди. Ибрат «Мақсад бу ишдан эрди оламга илм касри» деб кўрсатган эди. У бу ерда биринчи марта 1908 йилда савод чиқаришга бағишланган «Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий» асарини нашр қилади.

«Матбааи Исҳоқия» илм-маърифат тарқатиш мақсадида ташкил қилинган эди. Шунинг учун ҳам Исҳоқхон матбаага нур таратаётган қуёш тасвирини ишлатиб, ичига «илм» сўзини ёздирган. Бу билан у илмни нур сочаётган қуёшга ўхшатади. Бу рамзий эмблема мазкур матбаада нашр қилинган китобларнинг кўпида учрайди.

Исҳоқхон Ибратнинг хусниҳатга, савод чиқаришга бағишланган «Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий» рисоласи, «Қўйин дафтари, 1336 ҳижрий 1918 мелодий йил календарини», «Илми Ибрат» шеърлар тўплами, маърифатпарварлик руҳи билан суғорилган, ёзувчилар тарихига бағишланган лингвистик «Жомеъул хутут» («Хатлар мажмуаси») каби асарлари ана шу «Матбааи Исҳоқия»да нашр этилади.

Исҳоқхон ўз мақолаларида Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи Самарқандий, Абдулла Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абдураззоқ Ҳиротий, Абу Саид Сумоний каби 20 дан ортиқ йирик олимларнинг ҳаёти ва ижоди, асарлари ҳақида сўз юритади. Бу фикрлар Исҳоқхон Ибратнинг билим доираси кенглигини, мазкур олимларнинг асарлари билан ҳатто Европа тилларида чиққан илмий асарлар орқали ҳам таниш эканлигини кўрсатади.

Исҳоқхон Ибрат илм-фанни, илғор маданиятни тарғиб қилиш билан бирга, кенг халқ оммасининг эски, чирик одатларга берилиб, ўқиш, илм олиш ўрнига «ҳали ҳам қадимги эски андишада мазорларга сифинишни қоралайди. Айниқса, хотин-қизларнинг эски диний урф-одатларга, хурофотга, бидъатга берилиб, фолбинларга боришларидан, «муқаддас» мазорларга сифинишларидан қаттиқ изтиробга тушади, афсусланади. Уларни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилади.

Ҳаётда юз бераётган ҳар қандай илғор ўзгаришлар, таълим-тарбия, фан ва маданият, техника соҳасидаги янгиликлар Ибрат ижодида ўз ифодасини топади.

Россия билан Ўзбекистон ўртасида савдо-сотиқни, пахтачиликни янада ривожлантиришда темир йўл қурилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистонда темир йўл қурилиши ўлкани дунё бозорига олиб чиқди. 1910 йилда Қўқон — Наманган темир йўли қурилиши бошланди. Исҳоқхон Ибрат бу қурилишдан фойда хурсанд бўлади. Фан ва техника тараққийнинг оташин тарғиботчиси Ибрат бу муҳим воқеа ҳақида қатор мақола ва шеърлари билан ҳақиқат саҳифаларида чиқади («Туркистон вилоятининг газети», 1911 йил, №14, 69, 77; 1912 йил, №54, 56).

Исҳоқхон Ибратнинг бу мақолалари репортаж жанрининг анча мукаммал намунаси ҳисобланади. У кейинги «Намангандан умумий хабар хурсанди» мақоласида темир йўл ва кўприк қурилишида қўл келган замона техникасига, халқ кудратига, меҳнатига тасаннолар ўқийди,

уларни «хурсандлик тўйи»да қатнашишга чақиради: «7 июлда Наманганда поездининг доҳили муносабати илан ўн икки кун сайил бўлуб, фуқаро меҳнатидан роҳатга чиққанига хурсандлик тўйи бўладур» («Туркистон вилоятининг газети», 1912 йил, №56).

Ибрат мабуотда маърифатпарварлик ғояларига тўла мақолалари билан бирга, илмий-тарихий, лингвистик асарлари билан ҳам фаол қатнашади. Бу ўринда унинг «Фарғона областидаги қадимий Аҳси шаҳрининг тарихи» («Туркистон вилоятининг газети», 1913 йил, №48, 52, 53, 55) туркум мақолалари айниқса диққатга сазовордир. У 1913 йилнинг июнь-июль ойларида Тошкентда бўлади ва Тошкент археология жамияти томонидан уюштирилган Аҳси шаҳри тарихига бағишланган илмий мунозарарада қатнашади, мунозара материаллари «Туркистон вилоятининг газети»да мунтазам бериб борилди. Бу мунозара Ибрат мақоласи билан бошланади.

Исҳоқхон Ибрат мазкур мақоласида Аҳси шаҳрининг қаерга жойлашгани, унинг бир вақтлар анча гуллаган шаҳар эканлиги, қайси шоҳлар томонидан пойтахт қилингани, қай вақтларда ва нима сабабдан вайрон бўлгани, кейинги вақтларда унинг ўрнида қандай қишлоқлар вужудга келгани ҳақида тарихий-илмий асарларга, фантик материалларига, археологик топилмаларга асосланиб фикр юритади. Ибрат ўз мақоласида кўпроқ тарихчи олим Ёқут Хамавийнинг «Қомус — ул-аълам» ва Заҳриддин Муҳаммад Бобирнинг «Бобирнома» асарига мурожаат қилади.

У шаҳар харобаларида бир неча кунлаб археологик текшириш ишлари олиб борган, халқимизнинг ўтмиш маданий, иқтисодий-сиёсий ҳаётини қисман бўлса ҳам ифодаловчи маданий ашёлар, турли тангалар, буюмлар, этнографик маълумотлар топишга муяссар бўлган эди. Исҳоқхон Ибрат мазкур маълумотлар, топилмалар ва ўзидан илгари ўтган тарихчи олимларнинг мўътабар асарларига асосланиб, Аҳси араб истилоларидан анча илгари вужудга келган ва анча вақт сиёсий-маданий марказ бўлиб турган деган илмий хулосани илгари суради.

Мақолада Аҳси шаҳрининг кейинги тараққийети, Умар Шайх ва Бобир Мирзо даври маданий ҳаёти, маданий муассасалари, халқнинг ҳунармандчилиги, деҳқончилиги, экинлари ҳақида ҳам фикр юритади. Шу билан бирга, чуқур илмий фактларга асосланган ҳолда Умар Шайх ва Заҳриддин Муҳаммад Бобир ҳаётига оид қизиқарли фикр-маълумотлар келтирилади.

Шу кунларда совет археологлари Аҳси шаҳри тарихини ўрганиш борасида илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Мазкур мақола олимларимизга ҳам илмий, ҳам амалий томондан катта ёрдам бериши мумкин. Афсуски, кўп археологлари бу илмий мақоладан ҳануз хабардор эмас.

Исҳоқхон Ибратнинг қатор мақолалари мавжуд феодал тузум иллатларини, маҳаллий мансабдорларни — қозилар, элликбошилар, мингбошиларнинг ярамас кирдикорларини фош қилишга қаратил-

ган. Бу мақолаларда Ибрat, айниқса, маҳаллий мансабларга сайловларга ўтказиш, бу сайловларда юқори табақанинг ўтакетган ярамас йўллар, яъни пора, зўравонлик билан мансабларни эгаллашга интилиши каби иллатларни очиб ташлайди.

Адиб мазкур мақолаларида мавжуд ўғрилиқ, порахўрлик, зўравонлик билан шуғулланувчи ифлос одамларнинг қози ёки эллиқбоши, мингбоши бўлиб олишларига кенг йўл очиб берган чор ҳукумати қонун-қоидаларидан, тартибларидан, «положения»ларидан норозилигини дадил ифодалайди, халқ тақдирини ёмон, қабих одамларга топшириб қўйишдан афсусланади: «Положенияда, 223 нчи бобида зикр қилингандурки, эътибори бор, етти кундан зиёда ҳибс бўлмаган, ўттуз сўмдан зиёда тўламаган, ёши йигирма бешдан паст эмас одам (қози —У.Д.) бўлур экан. Олим ё оми, аҳмоқ ё доно киши, ё шариат биладурган ва ёки низоом биладурган демаган... Кўрасиз, кимларнинг қўлларига бул катта шариат ҳукмини топширадурлар. Фикр-андиша қиладурган киши йўқ. Андиша қиладурган одамни одам ҳам ҳисоб қилмайдилар... Положения бобиға мувофиқ эллиқбоши деган кимгаки шар кўб туғса, ани ёзар экан. На қилсунлар, бу хил қилсалар положения мувофиқ. Положенияда шариат биладурган мулладан деган эмас экан... Уларга ким ва нима бўлиши ҳам даркор эмас экан! Бефиркор ўсанг, эй дўст, муҳтожи нон ўлурсан!» («Туркистон вилоятининг газети», 1910 йил, №22).

Чор ҳукумати адресига, унинг қонун-қоидаларига айтилган бу киноя, аччиқ сўзлар ҳукумат органи бўлиши «Туркистон вилоятининг газети» редакцияси ходимларига қаттиқ теккан бўлиши табиий. Шунинг учун ҳам газета идораси мақола муаллифига эътироз билдиради: «Положенияда халқ орасида обрў ва эътибори бор одам бўлсун, деган албатта. Мингбошиликка, мингбоши бўлмоқликка муносиб обрўси бўлуб ва қозиликка, қози бўлмоққа лаъқат ва муносиблик обрў бўлмоқ лозимдур. Положенияни мулоҳаза қилмоқ керак — Идора» («Туркистон вилоятининг газети», 1910 йил, №22).

Исҳоқхон Ибрat замонага хос ҳар қандай илғор англикларни бажонидил қабул қилади ва уларни ўз халқига етказишга интилади. У отасидан қолган уч таноаб ерни халқ учун сайлгоҳ боққа айлантиради. Бу ерга фаввора қурдиради, 150 туп арча экиб хиёбон қилади. Гулбоғида у Европа типида иморат қурдириб, аркига «Хуш келибсиз Исҳоқия боғига!» деб ёзиб қўяди. Бу боғни қишлоқ аҳолиси ҳозир ҳам «Исҳоқия боғи», «Гулбоғ» деб атайди.

Исҳоқхон Ибрat Ҳамза, Садриддин Айний, Абдулла Авлонийлар каби Улуғ Октябрь социалистик революциясини ик-

киланмай, самимият билан қабул қилади ва ўз адабий-ижодий, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ёш Совет ҳукуматини мустаҳкамлашга, инқилоб душманларига қарши курашга бағишлайди. У, айниқса, босмачиларга қарши курашда фаол иштирок этади.

Наманган атрофида ваҳший Омонполвон қўрбоши бошчилигидаги тўда халқни хонавайрон қилган эди. Бу босмачилар тўдасига оқ казак офицер Фаринский ва собиқ Наманган уезди бошлигининг ўғиллари Борис ва Кирилл Богаевскийлар бошчилигидаги рус казаклари ҳам қўшилган эдилар.

Қишлоқдаги босмачиларнинг агентлари Ибрatнинг Совет ҳукумати вакилларига ёрдам бериб турганини Омонполвонга етказадилар. Босмачилар бир неча марта Ибрat уйига ҳужум қиладилар, шоирнинг ўғли Авазхонни 1919 йилда ваҳшиларча ўлдирадилар. 1919 йилда Омонполвон қўрбошига қарши чекист Поляков бошчилигидаги отряд Наманганга юборилади. Отряд Исҳоқхоннинг уйига жойлашади ва шоир уларга босмачиларни тугатишда яқиндан ёрдам беради. Исҳоқхон уйи чекистлар отрядининг штабига айланади.

Исҳоқхон Ибрat ўзининг шеърйи ва илмий асарларида ҳам инқилоб душманларини кескин фош қилади, халқни уларга қарши курашга, ёш Совет ҳукуматини мустаҳкамлашга қақиради.

Исҳоқхон Ибрat бу даврда янги совет мактаблари барпо қилиш, ёшларни уларга жалб этиш, совет ўқитувчи кадрлари тайёрлашда ҳам фаол қатнашади, Наманганда етишиб чиққан биринчи совет ўқитувчилари Ибрat қўлида таълим олдилар. 1918 йилда Исҳоқхон Тўрақўрғон қишлоғида биринчи марта совет мактаби ташкил қилади, бу ишда қишлоқ партия активлари унга катта имконият яратиб берадилар.

Ибрat ер ислоҳоти, хотин-қизлар озодлиги, саводсизликни йўқ қилиш, қулоқларни синф сифатида тугатиш каби сиёсий кампанияларга фаол қатнашади. У Коммунистик партия сиёсатини қўллаб-қувватлади ва умрининг охиригача партия, Совет ҳукумати ишига содиқ қолди.

Исҳоқхон Ибрat ижодий ва амалий фаолият билан қизғин шуғулланаётган бир вақтда 1937 йил апрель ойда, 75 ёшида вафот этади.

Ижодкор халқимиз Исҳоқхон Ибрatни фан ва маданият тараққиёти тарихидаги хизматлари учун ҳурмат қилади. Партия ва ҳукуватимиз халқнинг бу ҳурматини ифодалаб, Тўрақўрғон район марказидаги 44-ўрта мактабни унинг номи билан аташга қарор қилди. Илм ўчоғи унинг номи билан аталгани маърифат куйчиси, шоир, олим учун қўйилган энг яхши ёдгорликдир.

**Улуғбек ДОЛИМОВ,**  
филология фанлари кандидати.



## КУРАШЛАРГА ЧОРЛАР ШЕЪРИЯТ

**Ў**ЗБЕК халқининг ҳозирги со­циалистик маданияти ажиб бир хислатга эга — кўп йилдирки, у фақат ўз миллий анъаналари заминидаги­на эмас, балки жаҳондаги жамики илғор адабий анъаналардан, маданий бойликлардан баҳраманд бўлиб ривожланмоқда. Бугунги ўзбек китобхонининг қалби жа­ҳоннинг қай бурчида истиқомат қилиши, қайси юрту қайси элатга мансублиги, қай­си тилда ижод қилишидан қатъи назар, ҳар бир илғор фикрли тараққийпарвар, инсонларвар, эркпарвар, олижаноб ва эзгу матлабларни улуғловчи, халқлар ўртасида аҳиллик ва дўстлик ипларини мустақам­ловчи санъаткор асарлари учун кенг очик­дир. Сўнгги йилларнинг ўзида ўзбек ки­тобхонининг жавонидан Нозим Ҳикмат ва Пабло Неруда, Назрул Ислом ва Федерико Гарсиа Лорка, Файз Аҳмад Файз ва Абдурахмон ал Хамисий, Муин Бсису ва Агостиньо Нето каби забардаст шоирлар­нинг асарлари ардоқли ўрин олди. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат наш­риёти яқинда ўзбек китобхонларига яна бир гўзал асарни туҳфа этди — ҳозирги афғон адабиётининг атоқли намояндаси оташин шоир Сулаймон Лоикнинг «Тонг кўшиғи» деб аталган шеърий мажмуасини нашрдан чиқарди. Китоб чиққанига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин шундай бўлса-да, у аллақачон тарқалиб кетди. Шу кунларда қай бир адабий даврага кирманг, қай бир йиғинда иштирок этманг, Сулаймон Лоик шеърлари ҳақида қизғин баҳслар устидан чиқсиз, унинг асарлари ҳақида шеърият мухлислари тўлқинланиб гапираётганига, илиқ туйғуларини ошқора айтаётганига гу­воҳ бўласиз. Бу — тасодифий эмас, ал­батта. Ўзбек халқи кўп қадим замонлар­дан бери кўшни ва қардош афғон халқи билан сиёсий, иқтисодий ва маданий ало­қаларга эга бўлган. Уз тарихида кўп муш-

қулотлар кўрган, кўп асрлар мобайнида феодал ва капитал зулмининг азобларини чеккан, лекин иродаси бўшашмаган, ғуру­ри йўқолмаган, эрксеварлиги сўнмаган афғон халқининг тақдири ҳамиша ўзбек­лар қалбида ҳамдардлик уйғотиб келган. Айниқса, афғон халқи буюк савр инқило­бини амалга ошириб, турли-туман қиё­фадаги душманларнинг таҳдидига, қонли хуружига қарамай, янги ҳаёт қуришга киришган бир шароитда бу мард халқ­нинг маданиятига, адабиётига қизиқиш бениҳоя кучайди. Бундан ташқари, Су­лаймон Лоикнинг номи бизнинг республи­камизда анчадан бери машҳур — у Ўзбе­кистонга бир эмас, бир неча марта кел­ган, ўзбек ёзувчилари билан учрашиб, суҳбатлар қурган, ҳар хил анжуманларда қатнашган, асарлари газета ва журналлар­да босилган эди. Шунинг учун ҳам ўзбек китобхони унинг тўпламини қадрдон дўстнинг асаридай илиқ кутиб олди. Бе­восита китоб ҳақида сўз бошлашдан ол­дин унинг вужудга келишида алоҳида хиз­мати сингган ўртоқларнинг номини айтиб ўтиш керак. Шоирнинг пашту ва дарий тилларида ёзилган шеърларини тўплаган, уларни ўзбекчага сўзма-сўз ағдарган одам республика Фанлар Академияси Шарқшу­нослик институтининг илмий ходими Ориф Усмоновдир. Шеърларнинг кўпчилигини шоир Муҳаммад Али таржима қилган. Тўплам сўнггидаги бешта шеърни Абдуса­лом Осим ўргинган. Китобга академик Во­ҳид Зоҳидов ва Ориф Усмонов муқадди­ма ёзган.

Муқаддима анча мухтасар бўлса ҳамки, унда Сулаймон Лоикнинг ҳаёт йўли ҳақи­да, ижоди тўғрисида етарли маълумот берилган муқаддима муаллифлари Сулай­мон Лоикнинг Баълои вилоятининг Пули Хумри шаҳрида туғилганини, Кобул уни­верситетининг адабиёт факультетида ўқи­ганини, сўнгра шу факультетда, Кобул ра­диосида, Кобулда чиқадиган газета ва журналлар идораларида ишлаганини, айни чоқда шеърлар ёзгани, унинг «Чунғар», «Негдей», «Ёдуна ов дармандуна» («Ҳаёт

Сулаймон Лоик. «Тонг кўшиғи». Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1981.

хотиралари») каби тўпламлари эълон қилинганини, у Афғон Халқ Демократик Партияси таъсис этилгандан бери шу партия аъзоси эканини, савр инқилобидан кейин Нур Муҳаммад Таракий бошлиқ ҳукумат составига кириб, радио ва телевидение назоратини бошқарганини, аммо золим ва хонн Ҳафизулло Амин уни ишдан олиб, партиядан ўчириб, даҳшатли Пули Чархи зиндонига ташлаганини, 1979 йил декабридан кейин зиндондан озод қилиниб, партиёга тикланганини ва ҳозир Афғонистон Демократик Жумҳурияти Инқилобий Шўросининг аъзоси ва Афғонистон Фанлар Академиясининг Президенти сифатида ижтимоий, илмий ва адабий фаолиятини давом эттираётганини маълум қилишади. Муқаддимада берилган бу маълумотлар ўзбек китобхонининг оташин афғон шоири ҳақидаги тасаввурини бойтади. Тўпламдаги шеърлар эса бу ажойиб одамнинг қиёфасини, ўй ва фикрларини, мақсад ва ниятларини, орзу ва тилакларини, эҳтиросларга тўла жўшқин қалбини янада яққолроқ кўз олдимишга келтиришга имкон беради. Негакки, ҳақиқий шеърликта ҳар бир шеър шоир биографиясининг ажралмас қисмидир, ҳар бир шеър юрак қони билан ёзилади ва унда шоир қалби ҳақидаги ҳақиқат мужассам топади.

«Тонг кўшиғи» тўпламидаги шеърларнинг кўпчилиги Сулаймон Лоикни янги афғон шеърлигининг — том маънодаги революцион поэзиясининг асосчиси сифатида таърифлашни тақозо қилади. Революцион поэзия—меҳнаткаш халқ қалбининг ифодасидир. У хўрланганлар ва мазлумларнинг нон ҳақидаги, адолат ва бахт ҳақидаги орзуларини куйлайди. У—порлоқ истиқбол учун курашга чорлайдиган замон садоси. У—асрий зулмга қарши бош кўтарган, зах, қоронғи ва тор кулбаларини тарк этиб, кенг майдонларга чиққан, нурли уфқларга интилган омманинг гулдирос кўшиғи. Бундай шеърлик яратиш осон эмас. Бундай шеърлик ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Бунинг учун қийинчиликлардан чўчимай, тўсиқларни писанд қилмай, турмалар ва зиндонлар даҳшатига бўйин эгмай, мардона курашмоқ керак. Бу, айниқса, шарқда қийин. Чунки минг йиллик қўхна тарихга эга бўлган шарқ шеърлигининг собит анъаналари, ўзгартириш қийин бўлган қонун-қоидалари бор. Шарқ поэзияси ўзининг чиройли, кўзини қамаштирадиган, ялтироқ либосидан осонгина воз кечмайди. У ҳаммаша самовий юксакликларга, сирли хилқатларга интилиб келган ва серташвиш, серғалва, сертахлика заминга осонгина туша қолмайди. Бироқ ҳар қандай халқ ҳаётида ҳам шундай дақиқалар етиб келадики, шундай тарихий вазиятлар туғиладики, улар революцион поэзия яратишни улуғ бир ҳаётини заруриятга айлантиради. Бундай дақиқаларда эскича оҳангда куйлаш, юксак шеърлик самоларида парвоз қилиш, шоирона нигоҳни гулу булбуллардан, ол яноқлардан, жоду кўзлардан узолмаслик шоирни халқдан ажратиб қўяди. Бундай шоирни халқ ўзиники деб тан олмайди.

Сулаймон Лоикнинг «Сарой шоири билан суҳбат» деган шеъри бор. Унда нафосатнинг моҳияти, шеърликнинг маъноси

ҳақидаги шеърлик билан консерватив қараш ўртасидаги фарқ зўр эҳтирос билан очилган. Сарой шоири шеърликни соф санъат сифатида тушунади ва ҳақиқий нафосат гулларининг замзама-ю, нозиди, парилар сурудининг титроғида, рангин, ранг-баранг, гўзал ипакдай овозида деб билади. Унингча, ҳақиқий шоир фақат ишқ шоири бўлиши, майноб, парирўлар куйчиси бўлиши, базму айш-ишратларнинг ярашиқ шоири бўлиши керак. У очикдан-очик шеърликнинг халқ ҳаётидан узоқ бўлишини талаб қилади:

Халқ ранжу алам чекса,  
Парво қилмагин зинҳор!  
Қанчалик ишинг сенинг  
Оч, гадо, деҳқон билан?  
Кўчаларда бепарво  
Бир тишлам нон дебон хор,  
Бекас, бечора, бесар,  
Сарсон-саргардон билан.

Сулаймон Лоик бунга қарши санъатнинг чинакам синфийлик ҳақидаги қарашини олға суради ва ўзининг халқ фарзанди эканини, озодлик жангларининг жангчиси эканини ифтихор билан баралла куйлайди:

Сен —  
Султону хонларнинг  
Дарборида бир шоир.  
Мен —  
Эзилган халқ ўгли.  
Шуни шартта айтай мен.  
Сен —  
Езасан май тўла  
Хум ила жомга доир.  
Мен —  
Бугунги озодлик  
Жангларини мақтайман.

Ҳақиқий шеърлик зиндонда дард чеккан қалбдан шуур олиши, бадбахт, бечоралар кўз ёшида бир шуъла бўлиши, ҳаётдаги ижтимоий тенгсизликларни, адолатсизликларни чуқур ҳис қилиб, эрк учун, ҳақиқат учун курашмоғи керак. Шоир халқнинг овози бўлмоғи, унинг қалби эса аламзада, жабрдийда халқига муҳаббат маскани бўлмоғи лозим. Шеърда янги революцион поэзиянинг эстетик программаси жуда теран ифодаланган:

Мен —  
Бева-бечоралар,  
Ғариблар овозиман.  
Аер — аер эзилган  
Мазлум ноласиман мен.  
Меҳр улашгум халқларга,  
Мен меҳр эъвозиман,  
Қиличман,  
Зулм йиқмоққа  
Эл ҳаволасиман мен.

Шуни айтиш керакки, бу оташин ва мардона мисралар савр инқилоби амалга ошиб, ижодда эркин ва дадил фикрлар айтишга имкон туғилган шароитда эмас, мамлакатда ҳали Муҳаммад Зоҳир шох истибдоди ҳужм суриб турган йилларда ҳар бир эркин фикр учун, зулмга қарши ҳар қандай норозилик учун одамлар таъқиб этилган, шафқатсизлик билан оғир жазоларга мустаҳқ қилинган даврда ёзилган. Бундай шароитда шеърликнинг моҳиятини озодлик кураши билан боғлаш учун жуда катта жасорат ва ўткир граж-



данлик туйғуси зерур эди. Зулм ва истибдодга қарши кураш йўлига жуда эрта қадам қўйган Сулаймон Лоиқ бадий ижодда ҳам дастлабки шеърлариданоқ «ҳақ иш йўлида доим ҳақ гап айтиш»ни кўнгил мавжини дарғазаб халқ тўфонига мослашни мақсад қилиб олади ва шижоатли диллар доду фарёдини шуълалар кўйнига солиб ёзишидан фахрланади. Шунинг учун ҳам унинг шеърларида афгон халқининг ҳаёти ҳаққоний ифодаланди. Шунинг учун ҳам унинг шеърларида уйғонишга чорлаш, курашга даъват этиш қудратли садо бўлиб янгради. Шу тарзда Сулаймон Лоиқ халқ манфатини ҳар нарсадан улуғ деб билишни, том маънодаги халқчилликни ўз ижодининг етакчи хислатига айлантирди:

Қуддек яшаётган  
Ватандошим, ҳей!  
Бас, кўзни очингиз, уйғонингиз, бас!  
Сизни деб дарёдир кўзда ёшим-ей,  
Сизга садқа бўлмоқ мен учун ҳавас!

Сулаймон Лоиқ шеърлятига кучли эҳтирос бағишлаган, уларни ўқиган китобхон қалбини оташдек ёндирадиган қудрат ато этган яна бир сифат шундаки, уларда ватан туйғуси бениҳоя самимий ифодаланган. Шoir ўз ватанини жон-жонидан севади, ундан фахрланади, уни бахтли ва озод кўришни истайди. Бироқ ҳали ватани бошидан кулфат булутлари аримаган, ҳали ғам-андуҳ ҳамма ёққа қора кўланка солиб турибди. Ватан ғами шоир қалбини жароҳатлайди, у ватан вайрон бўлса, оч бўлса, маъмурилик йўқлигини қабоҳат, ғам ила чор атроф тўлса, истиқбол, бахту озодлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини яхши билади. Шунинг учун шоирнинг лирик қаҳрамони озодлик машъалини қўрқмасдан ёқишга ва парвона мисоли ўзини машъалга ташлашга тайёр. Шунинг учун шоир шеърларида ҳақиқий ватанпарварлик озодлик учун, эрк учун, зулмга қарши кураш билан чамбарчас боғланиб кетади. Унинг шеърларида яна ва яна курашга ундовчи хитоблар янграйди:

Агарда сиз мард бўлсангиз  
Шартта турингиз.  
Истибдодга,  
Жаҳолатга қарши юрингиз!  
Уйғонимдаги зар занжирни  
Узайлик бирга!  
Бас, бас энди  
Нур югурсин хароб умрга!—

дейди шоир «Аёл ноласи» шеърда мушטיפар ва мазлума афгон аёли тилидан:

Бас,  
Халқ учун,  
Номус учун  
Мубораза бошлайман!  
Ватан шаъни дея  
Ўзни оловларга ташлайман!

деб қасамёд қилади шоир «Уртоқ Жвокга» шеърда. Шоир назарида бугун ҳақиқий афгон бўлиш дегани золимга бош эгмаслик, бир умр мағрур бўлиш деганидир. Шоир назарида бугун халқчил бўлиш дегани фидойилик деганидир, ватаннинг озодлиги йўлида жон фидо қилиш деганидир. Сулаймон Лоиқ ватанга муҳаббат туйғуларини авж пардаларда,

Эй Ватан, ҳаётимни йўлингга қурбон қилай,  
Машъал бўлиб ёритгай қучоғингни,  
Халқинг қорнин тўқ этай, бахт бермоққа интилай,  
Эй менинг ғариб халқим, эй вайрона Ватаним!

Сулаймон Лоиқ шеърларида «ғам», «алам», «андуҳ» каби тушунчалар кўп учрайди. Масалан, шоир «Автобусдаги учрашув» шеърда худо ҳур бандасига улуш тақсимлаганда унинг улаши ғам бўлганини, унга фақат ғам текканини айтади. Бироқ шоир шеърларидаги ғам руҳий мажруҳлик, иложсизлик, ночорлик рамзи эмас. Бу ғам — халқ ғамидир, халқ қалбининг ифодасидир, халқ бошига тушган кулфатлардан, ҳақсизликлардан, адолатсизликдан тўғилган, курашга чорловчи ғамдир. Аслида, ғамноклик, мажруҳлик, мутелик Сулаймон Лоиқ шеърлятига буткул ёт нарса, унинг поэзияси халқ қудратига ишонч руҳи билан, истиқболга, эртанги кунга ишонч руҳи билан суғорилган. Шоир ўз шеърларида ватандошларини курашга даъват этар экан, бу курашнинг мақсадларини ҳам аниқ-равшан баён этади. Шоир қаҳрамони эртанги кунни жуда яхши тасаввур қилади — у даъват қилаётган истиқбол кунда ҳаёт меҳнаткаш инсоннинг қудрати билан гулзорга айланади, диёр ҳур бўлади, эли озоду хушбахт бўлади:

Ишчилар меҳнатидан  
Энди гулзор бўлғувси.  
Миллатлар, халқларга дўст  
Бир ҳур диёр бўлғувси,  
Эли озоду хушбахт  
Аҳдига ёр бўлғувси,  
Замин узра пойдор  
Чўнг устивор бўлғувси!

Шоир «Эй озодлик ўлкаси» шеърда бугун афгон меҳнаткашлари орзу қилаётганига эмас, мислсиз мушкулотлар ичида пойдеворини Яратишга киришган янги, адолатли жамиятнинг белгиларини янада чуқур очади:

Биз дунё тузатгаймиз —  
Бир яхши ширин дунё!  
Унда қайғу бўлмагай  
Ҳам бўлмагай ҳеч ғавго.  
Ардоқли бўлгай бутун  
Офтобдек иссиқ дунё!

Сулаймон Лоиқ Афғонистон Демократик Жумҳурияти миллий суруди (гимни)нинг муаллифидир. Шуниси эътиборга лойиқки, порлоқ истиқбол ҳақидаги орзу бу суруднинг ҳам етакчи оҳангини ташкил қилган:

Бизлар аҳли жаҳонга  
Бахтли замон истаймиз!  
Қўли қадоқ инсонга  
Нон ила шон истаймиз  
Тинчлик бўлсин дунёда,  
Омон-омон истаймиз!

Бу туйғулар, бу олижаноб орзулар совет кишиларига аиниқса, Урта Осие халқларига, шу жумладан, ўзбекларга ҳам жуда таниш, жуда яқин ва ардоқли туйғулардир. Биз ҳам яқин-яқинларда, бундан атиги

50—60 йил муқаддам энг шимариб, астойдил ишонч билан «офтобдек иссиқ» дунё яратгани, бир яхши ширин ҳаёт барпо этгани кураш бошлаган эдик. Бугун ана шу эзгу орзумиз ушалди — ўзбек ҳам, тожик ҳам, қирғизу қозоқ ҳам, туркману қорақалпоқ ҳам, қўйинги, советлар диёрида яшайдиган барча халқлар, миллатлар, элатлар ўзлари барпо этган бахтли замон меваларидан бахраманддилрлар. Бироқ биз бир ҳақиқатни сира-сира унутмаймиз — бизнинг «офтобдек иссиқ дунёмиз» осонликча бунёдга келгани йўқ. Бизнинг йўлимизда ғовлар, тўғаноқлар кўп эди, синфий душманларимиз тиш-тирноғигача қуролланиб, ўта шафқатсизлик билан қонларимизни тўкиб, бизни йўлдан қайтармоқчи бўлдилар. Янги ҳаётни тушунмаган сўқирлар турли-туман хуружлар қилди. Узимизнинг омилгимиз, жаҳолатимиз оёғимизга кишан бўлди. Буларнинг ҳаммасини энгиб, энди оғзимиз ошга етганда, фашист деган бало чиқиб, онгимизни заҳарлади. Ҳа, биз мислсиз қийинчиликларни энгиб, курашиб янги ҳаёт курдик. Табиий савол туғилади — бу қийинчиликларни энгишга кучни қайдан олдик. Курашдаги матонатимиз қайдан пайдо бўлди? Бунинг жавоби битта — бизнинг кураш йўлимизда партия раҳнамо бўлди, жаҳон халқларининг буюк доҳийси Лениннинг ўлмас ғоялари бизга куч ва матонат бахш этди. Қудратимизнинг асл манбаи аҳиллигимизда эди. Бизнинг ўлкамизда барча меҳнат аҳли миллатидан, ирқидан, мазҳабдан қатъи назар, олий тилаклар йўлида кўлни кўлга бериб бирлашди. Буни биз совет халқларининг ленинча дўстлиги, қардошлиги деймиз, олтмиш йиллик тараққиётимиз давомида эришган энг буюк бойлигимиз деб биламиз, бундан ифтихор қиламиз ва уни кўз қорачиғидай, гард юқтирмай сақлаймиз. Сулаймон Лоиқ шеърларини ўқиганда, совет кишисини қувонтирадиган яна бир жиҳати шундаки, қардош афгон халқининг оташин шоири халқ ғалабасининг бирдан-бир шарти маълум халқларнинг дўстлиги, аҳиллиги эканини жуда чуқур ҳис қилади. У жуда кўп шеърларида бугунги Афғонистонда яшаётган турли халқларни аҳилликка, бирлашишга чақиради:

Қулоқ беринг, эй паштуи, ўзбек,  
Баланд тоғлик ҳазоралар ҳам!  
Туркман, тожик, энди келди эрк,  
Келди энди ҳурлик чинакам!  
Ахли афгон, жам бўлингиз, жам!

Ҳозирги сертахлика, серташвиш замонда — империализмнинг қора кучлари жаҳон халқлари ўртасига нифоқ солиб, уларни бир-бирига гиж-гижлатиб, бундан манфаат ахтараётган бир шароитда, халқларни оқ-қорага ажратиб, қораларни таҳқирлаётган бир вазиятда тарих шоирлар ва адиблар зиммасига қутлуғ ва шарафли вазифа юклайди — улар турли халқлар ўртасидаги дўстлик ипларини, аҳиллик ришталарини мустаҳкамлашга, дунёда қардошлик ва биродарликни бартараф қилишга, тинчлик тантанасига хизмат қилмоғи керак. Бугунги дунёда бошқа халқлардан ажралиб, фақат ўз қобиғига биқиниб, ўз-ўзича яшайдиган халқ йўқ. Бугун ҳамма халқларнинг тақди-

ри бир-бирига туташиб кетган. Шунинг учун бугун ҳар бир виждонли, илғор фикрли шоир учун халқлар биродарлигини куйлаш — муқаддас ва шарафли ишдир. Қардош афгон халқининг оташзабон шоири Сулаймон Лоиқ буни яхши тушунади. У ўз халқининг тақдири, истиқболи ва тараққиёти учун кураши жаҳон халқларининг тақдири ва кураши билан чамбарчас боғлиқ эканини чуқур ҳис қилади ва «тўфонимиз бир этайлик дунё тўфони билан» деб ҳайқиради. Шоир ўз бурчини «халқлар саломини ташиш»да кўради. У, айниқса, афгон ва совет халқининг дўстлигини кўтаринки оҳангларда куйлайди. Сулаймон Лоиқ Ватанимизга ҳар келганда — Москвада ҳам, Ленинградда ҳам, Қора денгиз соҳилларида ҳам, Ўзбекистон ёки Тожикистон диёрида ҳам социалистик ҳаётнинг ибратли томонларини кўради ва улардан олган таассуротларини, завқини шеърга кўчиради. Шу тарзда унинг улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган «Тонг кўшиғи», «Маяковский», «Нева соҳилида», «Ленин Октябрига садоқат» ва яна бошқа кўпгина ҳароратли шеърлари туғилганки, бу асарлар том маънодаги интернационализм руҳи билан сўғорилган.

Сулаймон Лоиқ шеърляти фақат граждандлик руҳининг кучи билангина эмас, лиризмнинг ўткирлиги билан ҳам китобхонни мафтун этади. Шоир ҳар бир шеърда ўз қалбини охиригача, чуқур очиб беради, ўз ҳаяжонини баралла ифодалайди. Унинг асарларида афгон ҳаётининг ранглари, жилолари ҳаққоний ифодаланади. Шу тарзда Сулаймон Лоиқ янги афгон поэзиясининг ажиб намуналарини бунёд этмоқда. Бу янги поэзия — чинакам халқчил, чинакам ғоявий поэзиядир. У порлоқ истиқбол учун курашга чорловчи, афгон халқининг асрий орзу-умидларини куйловчи, адолатга, ҳақиқатга, дўстлик ва қардошликка даъват этувчи поэзиядир. Ҳеч шубҳа йўқки, бугун зулм ва истибодни улоқтириб ташлаб, ўз тақдирини янги изларга солиш учун курашаётган ҳар бир мард ва ватанпарвар афгон учун Сулаймон Лоиқ шеърлари бакуват руҳий мадад беради, унинг кучига куч қушади, унинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди. Халқ курашига эш буладиган, халқ қалбига ҳамоҳанг бўладиган кўшиқ яратиш эса шоир учун улуғ бахтдир. Ўзбек китобхони Сулаймон Лоиқнинг «Тонг кўшиғи» тўплами билан танишар экан, беихтиёр ўзининг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Садриддин Айний, Ғафур Ғулум ва Ҳамид Олимжон, Ойбек ва Миртемир каби улуғ, оташзабон шоирларини эслайди. Чунки улар ҳам Октябр инқилобининг илк кунларидан бошлабоқ янги ҳаёт куйчиси бўлган, истиқболни улуғлаган, бахтли келажак учун курашга даъват этган эдилар. Улар ҳам инқилобий халққа хизмат қилишни ўзларининг муқаддас бурчлари билиб, янги революцион поэзия пойдеворига ғишт қўйган эдилар. Бугун халқимиз ана шу фарзандларини улуғ бир эҳтиром билан ардоқлайдилар. Аминимизки, бугун Сулаймон Лоиқ ҳам ана шундай улуғ ва қутлуғ ишлар қилмоқда. Бу ишлар эса уни ҳозирги Шарқнинг улкан санъаткорлари қаторига кўтармоқда.

Озод ШАРАФИДДИНОВ.

# МАШРАБ ДЕВОННИНГ ЯНГИ НАШРИ

**МАШРАБ. Девон. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1980.**

Бобораҳим Машрабнинг ижодий мероси шоир яшаган ва ижод этган замонлардан буён кўпчилик диққатини ўзига жалб қилиб келади. Бу истеъдодли шоирнинг номи, унинг жўшқин шеърлари фақат ўзбек халқи орасидагина эмас, балки бутун Ўрта Осиё халқлари, ҳатто бошқа кўшни ўлкалар халқлари орасида ҳам маълум ва машҳурдир. Бу ажойиб ўзбек шоири ҳақида кўплаб афсона ва ривоятлар тўқилиши, халқларимиз орасида унинг номи билан боғланган кўплаб латифалар яратилиши шоирнинг беқиёс шўҳратидан далолат беради, ўтмишда унинг меросига ва шахсиятига қизиқиш жуда катта бўлганини кўрсатиб туради.

Машраб ҳақида афсоналар, ривоятлар шунчалик кўпки, уларнинг баъзиларида қимматли маълумотлар мавжудлигига қарамай, айримларига ишониш ҳам қийин. Бу ривоятларнинг айрим ўринларида шоирнинг ҳақиқий қиёфаси маълум даражада бузиб кўрсатилиб, уни авлиё, ўта мутаассиб шоир сифатида талқин этилган, лекин шу манбаларнинг ўзига киритилган шоирнинг айрим шеърлари мазкур фикрларни маълум даражада рад этади.

Шунинг учун ҳам Совет ҳоқимияти йилларида Машраб ижодини ўрганган олимлар бизгача етиб келган ана шу манбалар орасидан ҳақиқий Машрабни, асл Машрабни ажратиб олишдек жуда машаққатли ишга уришиб кўрдилар ва жуда катта меҳнат сарфлаб, дастлабки муваффақиятларни кўлга киритдилар.

Ислом Аҳмедов ва Иззат Султоннинг «Асл Машраб» («Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1937, 10 март), Миртемирнинг «Раҳим Бобо Мулла Вали ўғли Машраб» («Ватанимизнинг ажойиб кишилари ҳақида суҳбатлар» Тошкент, 1948), Ғафур Ғулумнинг «Икки Машраб» («Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1959, 12 июль) мақолалари бу жиҳатдан эътиборга сазовордир. Бу мақолаларда асрлар давомида ҳукмдор табақалар Машраб ижодиётини сохталаштиришга уришиб келганлари, Машрабга нисбат берилган «Девони Машраб», «Девона Машраб», «Китоби эшони Шоҳ Машраб», «Девонаи Машраб», «Девонаи Шоҳ Машраб Намангоний» каби кўплаб қўлёзма ва босма асарларда шоир қаламига мансуб бўлмаган шеърлар ҳам кириб қолганлиги жуда тўғри қайд этилган.

Айниқса, Ислом Аҳмедов ва Иззат Султонлар мақоласида эътироф этилишича, руҳонийлар ва феодаллар Машрабнинг девонларини ўз манфаатларига мослаб қайта тузиб чиққанлар, унга ўзларининг кўп диний-мистик шеърларини ҳам қўшиб, уларни ҳам Машрабники деб кўрсатмоқчи

бўлганлар. Бу олимлар «Девони Машраб» деб номланган тўпламларнинг кўп нусхаларида пискентлик Мансурнинг ва наманганлик шоира Маҳвашнинг шеърлари, шунингдек, бошқа яна бир қатор шоирларнинг ғазал ва мухаммаслари мавжудлигини биринчи бўлиб аниқлаб берган эдилар.

Академик шоиримиз Ғафур Ғулумнинг «Икки Машраб» мақоласида эса яқин вақтларгача Машрабга нисбат берилиб келинган «Мабдайи нур» ва «Кимё» асарлари бошқа шоирнинг — Мулла Рўзбой Охунд Машрабнинг қаламига мансуб эканлиги аниқланди. «Машраб» тахаллусли шоирлар кўп бўлгани, «Қомус-ул-аълам»да бир эмас, бешта Машраб ҳақида хабар берилгани, Навоийнинг «Маҷолис-ун-нафоис»ида ҳам Машраб тахаллусли шоир борлиги, Эроннинг Қум шаҳрида ҳам «Машраб» тахаллусли шоир борлиги таъкидлаб ўтилади. Бу мақолада шоирга замондош бўлган яна бир Машраб — ўзига «Машраби соний» тахаллусини олган Мулла Рўзбой Охунд ҳақида анча кенг маълумот берилади.

Кейинги йилларда бир неча атоқли адабиётшуносларимиз Машраб шеърларини бошқа шоирлар асарлари орасидан ажратиб олиш ва уни нашр этиришдек жуда муҳим ишга қўл уриб, машрабшуносликда янги босқич яратдилар. Олим Шарафиддин томонидан тузилган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»да (Тошкент, 1945), «Ўзбек адабиёти» деб номланган кўп томли хрестоматиянинг учинчи томида (Тошкент, 1959) Шоир шеърларидан намуналарни П. Шамсиев нашрга тайёрлаган), шунингдек, антологияларда Машраб шеърлари танланиб, китобхонларга тақдим этилди.

Филология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Ҳайитметов 1958, 1960 йилларда, кейинроқ филология фанлари доктори Абдурашид Абдуғафуров 1963, 1971, 1979 йилларда шоирнинг шеърларини танлаб, алоҳида китоб ҳолида нашр эттирдилар. Машрабнинг шеърлар тўпламларининг босилиб чиқиши шоир ижодига қизиқишни янада кучайтирди. Бу олимларнинг жуда катта хизматлари туфайли ҳозирги китобхонлар Машраб ижоди билан янада яқинроқ танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Машраб шеърларининг яна бир янги нашрини китобхонларга тақдим этиб, хайрли иш қилган. Аммо бу китобни кўздан кечириб чиққан кишида ўринли эътирозлар ҳам пайдо бўлиши табиий бир ҳолдир. Чунки, бу китобни нашрга тайёрлаган кишилар Машрабдан, шоир меросининг ўрганилиш тарихидан етарли хабардор эмасдек кўринадилар.

Нашр этилган бу янги «Девон» бизда бир қатор эътирозларга сабаб бўлди. Шунинг учун айрим баҳсли масалалар

лозим топдик.

1. Яқин вақтларгача Машраб ҳақидаги айрим тадқиқотларда шоир девонларининг нусхалари жуда кўплиги ҳақида гап борарди. Аммо, кейинчалик, бу нусхалар девон эмаслиги, балки шоир ҳақида тўқилган қисса ва ривоятлар шартли равишда девон деб аталиб келингани маълум бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам кўп томлик «Ўзбек адабиёти тарихи» академик нашрида Машраб ҳақида ёзган мақоласида А. Абдуғафуров «...унинг ўз асарларини бирор мажмуага тўплагани ёки анъанага кўра девон тузгани маълум эмас... Кейинчалик бошқа бирор шахс (котиб, адабиёт мухлислари) томонидан ана шундай хизматнинг бажарилгани ҳам номалъум...»<sup>1</sup> деган эди. «Адабий мерос» тўпламидаги «Машрабга оид янги манбалар» сарлаҳали мақолада эса шоир девонларининг янги топилган нусхалари ҳақида сўз боради (Э. Шодиев, Машраб ҳақида янги манбалар. «Адабий мерос» УзФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи нашри, Т., 1978, № 10).

Аммо китобни нашрга тайёрловчилар бу маълумотлардан мутлақо хабарсизга ўхшайдилар. Акс ҳолда, «Девон» ҳақида айтилган фикрларга ўз муносабатларини билдирган бўлишлари керак эди. Бунинг ўрнига китобга Ваҳоб Раҳмонов томонидан ёзилган сўзбошида: «Машраб асарларини саралаш ва нашрга жалб этишда нусхаларнинг нисбатан қадимийлиги ва тил хусусиятларига эътибор берилди, танлаб олинган шеърлардаги текстологик қусурлар, котиблар нуқсонлари ва атайлаб қилинган «тахрир»лар бошқа нусхаларга солиштирилиб, илжи борича тузатилди. Машрабнинг бир шеъри турли қўлёзмаларда ҳар хил вариантларда учрайди. Вариант фарқлари кўпинча текстин бузиш, сўзни нотўғри кўчиришлар туфайли рўй беради. Бундай ҳолларда поэтик савияси юксакроқ ва фикрий мантиқ изчилроқ бўлган нусхаларга таянилади...»<sup>2</sup> деган фикр баён этилганки, бу сўзларни ўқиган китобхонлар нашрга тайёрловчилар қўлида Машрабнинг бир неча ўнлаб, жуда қадимий девонларининг қўлёзма нусхалари мавжуд экан, деган нотўғри хулосага келишлари аниқ...

«Девон» тузувчилари қўлида бундай нусхалар мавжуд бўлса, уни баён ва тасниф этиш, китоб қайси нусхалардан тайёрланганини аниқроқ айтиш шарт эди. Агар тузувчилар бирор давлат қўлёзма фондларидаги нусхаларни асос қилиб олишган бўлишса, унда қўлёзмаларнинг инвентар номерларини ҳам аниқ кўрсатиб ўтиш зарур эди. Китоб сўзбошида «ўнлаб Машраб девонлари ва «Девони Машраб» китобларининг қадимий нусхалари»<sup>3</sup> борлиги бир неча ўринда такрорланади, аммо бу фикрлар асосли эканига ишоний қийин.

2. Китоб сўзбошида пала-партиш,

<sup>1</sup> «Ўзбек адабиёти тарихи». Беш томлик, III том, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1978, 235-бет.

<sup>2</sup> Машраб. Девон, ўша нашр, 25—26-бетлар.

<sup>3</sup> Машраб. Девон, ўша нашр, 8-бет.

уринсиз, шомашшошарлик билан айтилган хом фикрлар жуда кўп учрайди. Шулардан бири Машрабнинг туғилган ери ҳақида янги кашфиёт сифатида ўқувчига тақдим этилган қуйидаги сўзлардир: «Адабиётшуносликда Машрабни гоҳ андижонлик, гоҳ наманганлик деган ҳар хил қараш бор эди. Ҳозир бу нарса узил-кесил ҳал бўлди. (?)! Олимлар Андижонни Андижон деб ўқиб нуқсонга йўл қўйган эдилар. Машраб бир қатор шеърларида — ўзбек тилида ҳам, тожик тилида ҳам — ўз туғилган жойини аниқ кўрсатган...

На малакман, на фаришта, мен ҳам одам наслидин,  
Мен таваллуди ўшал фарзанди  
Намангониман.

Қуйидаги тожик тилидаги рубоий эса, шоирнинг миллати (туркий) ва қишлоғи ҳақидаги маълумот бериши билан характерлидир:

Аввал қадам пири муғонро ишқ аст,  
Дуввўм сару по бараҳнагонро ишқ аст.  
Риндони Бухоро, бангиёни Кашмир.  
Шоҳ Машраби турк Андигонро ишқ аст!»<sup>1</sup>

Юқоридаги «далил»лар асосида В. Раҳмонов «узил-кесил» хулоса чиқариб, шоир Намангандаги Андигон қишлоғида туғилган, деб, бу фикрга китобхонни ҳам ишонига мажбур этмоқчи бўлади, аммо, юқорида келтирилган «далил»ларнинг бирортасида шоир бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлагани кўринмайди. В. Раҳмоновнинг олимлар Андигон сўзини ўқишда нуқсонга йўл қўйганлари ҳақидаги фикри ҳам мутлақо асоссиздир. Аксинча, В. Раҳмоновнинг ўзи «Машрабнинг Андижонни тарк этишининг сабаби ҳам ишқдир» сатридаги «тарки» сўзини «турк» ўқиб янада кўпол хатога йўл қўйган.

Машрабнинг замондоши Малехо Самарқандийнинг «Музаққир-ул-асҳоб» тазкираси 1689—1691 йиллар орасида, шоирнинг ҳаётлигида ёзилган. Самарқанд шаҳрида шоир билан учрашган Малехо ўз китобида уни асли «Андигон вилоятидан бўлиб, ўсмирлик чоғларида илм-фазилат касб этиш тилагида Наманган вилоятига келганлигини» таъкидлайди. Ҳаммага маълумки, ўтмишда Андижон — Андигон, Андугон шаклларида ҳам ёзилган. Шунга кўра Малехо ҳам шоирни Андигон (Андижон) вилоятидан эканлигини ўз тазкирасида айтган. Албатта, Малехо шоирни Андижон шаҳрининг ўзида ёки Намангандаги Андигон қишлоғида туғилган, деган фикрни баён этмаган, балки унинг Андижон вилоятидан эканлигини таъкидлаган. Шунинг учун ҳам бу масалада узил-кесил хулоса чиқаришга ҳали вақт бор.

Машраб XVII асрда этишган истеъдодли ўзбек шоири эканлиги шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам шоир қаерда туғилган, деган масалада мунозара юритишдан кўра, шоир асарларининг нодир нусхаларини қидириб топиш, унинг ижодиётини янада чуқурроқ ўрганиш кўпроқ фойдалидир.

Шоирнинг: «Мен таваллуди ўшал фар-

<sup>1</sup> Машраб. Девон, ўша нашр, 7-бет.

занди Намангониман» сатрларининг ўзи уни Наманган шаҳрида туғилган дейиш учун асос бўлолмаса керак, чунки шу сатрнинг мазмунига чуқурроқ эътибор берсак, унда «мен Наманганда туғилганман» деган маънодан кўра «мен Наманган фарзандининг ўғлиман» деган маънони ҳам англагандай кўринади. Шоирнинг ўзи юқоридаги мисра ҳам таркибида бўлган ўша шеърнинг ўзиде:

Ҳеч киши билмас мани қайдин бу  
ерга келганим,  
Асли зотимни сўросанг мен ўзим  
Ҳўқониман.—

сатрлари ҳам шоир оиласининг қачонлардир Наманган шаҳрига кўчиб келганини кўрсатиб туради.

3. Китобнинг 51-бетида Машрабнинг «Қилди ё» радифли ғазали келтирилган. Биз кўздан кечирган шоирга нисбат берилган нусхаларнинг қарийб ҳаммасида бу шеър «Қилдилар» радифи билан келади. Эҳтимол нашрга тайёрловчилар фойдаланган нусхада бу шеър «Қилдило» шаклида келган бўлса, нашрга тайёрловчилар эса, текстни нотўғри ўқиш натижасида шеър радифини бутунлай бузиб юборишган. Ҳазал таркибидаги бир қатор сўзлар ҳам хато ўқилган кўринади:

Дод, мен ўлдум яна номехрибонни  
дастидин,  
Шевасини кўрсатиб ошиқни расво  
қилди ё?..  
Машраби риндий Умам кўйинда жон  
берсанг, на ғам,  
Бир гуноҳе ўтса мандин товбау оҳ  
қилди ё?!

сатрларини:

Дардманд ўлдум яна номехрибоним  
дастидин,  
Шевасини кўрсатиб ошиқни расво  
қилдилар...  
Машраби Ринду Умам кўйинда жон  
берсанг не ғам,  
Бир гуноҳе ўтса мандин, товба, ғавго  
қилдилар

шаклида ўқиш тўғри бўларди.

Бундай жиддий нуқсонлар бошқа шеърларни ўқишда ҳам кўзга ташланиб туради. Айниқса, тожик тилидаги шеърлар кўп ўринларда жуда хато ўқилган. Масалан, китобнинг 97-саҳифасида шоирнинг:

Аналҳақ ғўи эжодан тажаллипарвари  
ишқам,  
Мудом аз хуни Мансурам зи дурри  
соғари ишқам,

матлаъли ғазали келтирилган. Аслида бу матлаъ қуйидагича ўқилса тўғри бўларди:

1 Машраб. Девон, ўша нашр, 51-бет.

Аналҳақ ғўи эжодам тажалли дар  
бари ишқам,  
Мудом аз хуни Мансур аст май дар  
соғари ишқам.

Кўриниб турибдики, кўп сўзлар нотўғри ўқилгани сабабли, шеърнинг умумий мазмунига жуда катта зарар етган.

Айниқса, нашр этилган «Девон»нинг 235—236-саҳифаларида келтирилган ўзбекча, тожикча ва қалмоқча муламмаъда бундай нуқсонлар кўп учрайди. Шуниси ачинарлики, бу мухаммаснинг охириги банди сифатида шоирнинг икки муламмаъ фарди ҳам ўқувчига тақдим этилган. Тўпловчилар ақалли мухаммаслар беш сатрли бандлардан иборат бўлишига эътибор беришганда эди, бу нуқсонларга йўл қўйилмаган бўлар эди.

4. Бизнинг назаримизда, «Девон»га киритилган шеърларнинг катта бир қисмини шоир асарларини бундан олдин нашрга тайёрлаган адабиётшунослар ҳам кўришган. Аммо, улар бу шеърларнинг айримлари Машраб қаламига мансуб эканлигига шубҳа қилганликлари сабабли, уларни танланган асарларга киритишмаган. Аммо «Девон» ноширлари бу масалада ҳам хатоликларга йўл қўйиб, айрим мазмунан саёз, ғоявий-баддий жиҳатдан бўш шеърларни ҳам шошилиб китобга киритиб юборишган.

«Девон»дан ўрин олган:

Эй Машраби қаландар, яхшига банда  
бўлғил,  
Ҳолвайтар тузалмас, то шакар  
ўлмағунча!

тарзидаги сатрлар бунга мисол бўла олади.

Умуман олганда, бу нашрнинг яна бир қатор камчиликлари ҳақида сўз юритиш мумкин. Бизнинг назаримизда, Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига бу «Девон»ни нашр учун топширишдан олдин шоир асарларини, шоир ҳақидаги илмий тадқиқотларни дурустроқ кўздан кечириш шарт эди. Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти билан, шу соҳада тадқиқотлар олиб боришгаётган олимлар билан маслаҳатлашиб иш қўрилганда, эҳтимол, бу танқидий мулоҳазаларни баён этишга ҳожат қолмасди.

Шунинг учун ҳам бир қатор журналистларнинг, айрим адабиётшунос олимларнинг ва айниқса, шоир ижоди мухлисларининг бу нашр ҳақидаги эътирозлари ўринлидир.

Эргашали ШОДИЕВ,  
профессор.

1 Машраб. Девон, ўша нашр, 31-бет.

# МАШАҚҚАТЛИ СИНОВ

Муроджон МАНСУРОВ, Ҳамма-нинг яшагиси келади. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1980.

«Ҳамманинг яшагиси келади» қиссасининг вўқеалари Устиурт саҳросида кечади. М. Мансуров асар учун қизиқарли сюжет топиб, ҳаётий саргузашт қисса яратган. Асарда бошга фалокат тушганда ҳам ундан яхшилик тантанаси учун оқилона фойдалана биладиган матонатли совет кишиларининг фазилатлари улуғланиб, одамийлик ҳақида баҳс юритилади. Қисса сюжети йўналишининг асосида табиат ва инсон гўзалликларини оёқ ости қилишга уринувчи, одамгарчиликни пул ва мансаб билан ўлчайдиган кишиларга қарши хураш масаласи ётади, шунингдек одамийлик, бурчга садоқат, ахлоқ масалалари ўртага ташланиб, бадий лавҳаларда тасвирлаб берилади. Муаллиф яхшилик ва ёмонлик инсоннинг туғма хусусиятлари эмаслигини қиссада бир-бирига қарама-қарши турувчи Отамурод ва Ортиқ образлари мисолида кўрсатади.

Отамурод оддий шофёр бўлса ҳам маънавий дунёси бой, олижаноб, инсонпарвар йигит. У саҳрода адашиб қолганларида, мардлиги ва тадбиркорлиги натижасида илмий экспедициянинг раҳбари профессор Салоҳиддиновни, Зулхуморни, ўзини ва қолаверса Ортиқни ҳам ўлим чангалидан қўтқариб қолади. Бу билан ёзувчи ҳаётда қаҳрамонлар эмас, оддий одамлар бўлади, лекин бу оддий одамлар ҳар қадамда қамтарлик билан қаҳрамонлик кўрсатишга қодирдирлар, деган гоёни илгари суради. Ортиқ эса унинг бутунлай акси. У мазкур экспедицияга фақатгина пул ишлаб олиш учун келган.

Ортиқ экспедицияга келгунча бир қанча эшикларга кириб чиқади. У говжаллоблик ҳам қилган, студентлик давридаёқ ноёб молларни пуллаб юрган, Москва, Ленинград шаҳарларига лола олиб бориб сотган. У бир амаллаб врачлик дипломини ҳам олган. Лекин одамларни даволайман деб ажалдан беш кун бурун ўлдиргандан сўнг бу соҳадан ҳам кетади.

Асарнинг охирида Ортиқнинг одамлар нафратига дош беролмай ақлдан оза бошлаганлигига ишора қилинади. Лекин бу китобхонда шубҳа туғдиради. Тўғри, Ортиқ йўлдаги қийинчиликлар вақтида ҳамроҳларига жуда катта азоб берди, ҳатто ўртада умумий бўлган бир қўлтум сувни ҳам олиб қочиб кетди, саҳрода ўлиб кетсам данғиллама уй-жойим, машинам, бойликларим кимга қолади, хотиним ҳам дарров мени унутиб юбориб, бошқа эр қилиб кетади, деб жуда кўп руҳий изтироблар чекди; қолаверса Султоновнинг қотили бўлди. Лекин, буларнинг ҳаммасини у қандай бўлмасин, саҳродан тирик чиқиб кетиш учун қилди-ку, ахир. Энди у дориламон кунга етганда ақлдан озиб ўтирса-я? Наҳотки, Ортиқдек кишилар халқ нафратини юракдан ҳис қилиш-

га қодир бўлса. Эҳтимол, Ортиқ оғир жисмоний қийинчиликлар ва кучли руҳий изтироблар натижасидагина ақлдан оза бошлагандир. Умуман бу масалани ёзувчи ойдинлаштириши, далиллар асосида кўрсатиб бериши лозим эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, ёзувчи Ортиқ ва Отамурод образларига ортиқча эътибор бериб юборгандек туюлади. Натижада домла Салоҳиддинов ва Султонов характерлари қиссада бир оз сустроқ ҳаракат қилдилар. Зотан Салоҳиддинов катта ҳаётий тажрибага эга бўлган олим. Лекин, домла энг қийин пайтларда, ҳаётий тажрибаларини ишга солиб, қатъиятлик кўрсатиш ўрнига барча жумбоқларни ҳал қилишни Отамурод ва Ортиқлар зиммасига юклайди. Масалан, у адашиб қолганларидан кейин Отамуроднинг таклифи ҳаққоний эканлигини ҳис қила туриб, Ортиқнинг машинани ташлаб, (рацияни ҳамроҳлари олиб кетганлиги, компас эса нотўғри ишлаб уларни янада йўлдан адаштирганлиги учун ҳам улар янада ҳалокат ёқасига келиб қоладилар) одамлар яшайдиган ерга чиқиб олиш таклифига қаршилик кўрсатмайди, шунингдек Ортиқнинг ҳар хил пасткашликларига лом-мим демаяди. Ортиқ ва Султоновларнинг нокас одамлар эканлигига фақатгина Айиқполнов ва бўрсиқ ҳикояси орқали шама чегараланади, холос. Тўғри, асарнинг бошларида домла Салоҳиддиновнинг ниҳоятда кўнгличан инсон эканлиги таъкидланади. Шунинг учун ҳам унинг юмшоқ табиатлигидан Султоновга ўхшаган кимсалар фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Қолаверса, экспедиция аъзоларининг саҳрода адашиб қолишига домланинг кўнгличанлиги ҳам сабаб бўлади, чунки профессор Салоҳиддиновга яхши кўринаман деб унинг орқасидан соядек эргашиб юрадиган ва келгусида юқори мансабларга кўтарилиш учун аскотадиган «Устиуртда ишлаб келган» деган характеристика учун «жон куйдириб» юрган лаганбардор Султонов Салоҳиддинов туғилган кунини тантанали нишонлашнинг ташкилотчиси бўлиб чиқади ва Кўнғирот шаҳрига тушиб чиқиб, зим-зиё чўлу-биёбонда дабдабали зиёфат уюштиради. Профессор Салоҳиддинов эса қизғин ижодий иш билан банд бўлганлиги учун ҳам ўзининг туғилган кунини ҳамма қатори зиёфатга ўтиргандан сўнггина, яъни Султонов Геология министрлигининг унинг номига юборган табрик телеграммасини ўқиб берганидан кейингина эслайди. Утириш туагандан сўнг, вақт алламаҳал бўлиб қолганлигига қарамай, Султоновнинг таклифи билан ҳаммалари кийик овига йўл оладилар ва чўлу-биёбонда машинанинг бензини тугаб адашиб қоладилар. Лекин асарнинг баъзи ўринларида Салоҳиддинов ақлзаковати, ҳаётий тажрибаси кучли инсон сифатида аққол намоен бўлади. Масалан, у Ортиқ билан Султоновнинг ғаразли ниъталарини амалга ошириш йўлида ивирсиб қолганликларини олдиндан пайқайди, уларнинг пасткаш кишилар чиқиб қолганлиги учун ҳам жуда катта бир ички туғён билан

ким қандай нафас олаётганлигини чуқур ҳис қилади. Шунинг учун ҳам улар ҳалокат ёқасида турганларида домланинг қалбини битта ташвиш кемиради: «адашгандан кейин улар ўзларини қандай тутишгани, ҳамма яшашни истаса-да, ҳар ким унга қандай интилиб-талпингани, ким саракка, ким пучакка ажраб чиққани — ким оғир дамда ҳам одамлигича қолгани-ю, ким саросимада ўзини йўқотгани—ҳамма-ҳаммаси бошқаларга сирлигича қолаверади. Ҳеч ким ҳеч нарсдан хабар топа олмайди. Нари борса улар беш киши эдилар, Устюрт сандиғини очаман деб, сахро билан тенгсиз олишувда мардона ҳалок бўлдилар, деб ёзадилар. Ҳаммани бир ном билан — Устюртнинг мард заҳматкашлари деб атайдилар. Бу табаррук номга, бу олий мақтовга ҳамма бирдай лойиқ эмаслиги, нолайиқлар ҳам бўлгани ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Номардлар мардлар билан тенг қўйилади». Салоҳиддиновга ҳаммасидан ҳам мана шуниси алам қилади. Профессорнинг бу ўй-хаёллари орқали ёзувчи поклик ва нопокликнинг ўзаро қарама-қарши ёвлар эканлигини кўз олдимишга келтиради. Салоҳиддиновнинг тобора таранглашаётган ички тугёнларини ўқир экан, китобхон унинг куюнишларига ҳамдард бўлади.

Қиссада Зулхумор образи ҳам анча жонли чиққан. У барча қийинчиликларни мардонавор енгади ва Ортиқ ҳамда Отамурод

характери қирраларининг очилишида муҳим роль ўйнайди.

Шу билан бирга қиссанинг айрим ўринларида сюжет линиясига зўрма-зўраки ёпишиб турган саҳифалар ҳам йўқ эмас. Масалан, экспедиция аъзолари адашиб ҳолдан тойгач, ҳордиқ чиқаргани ўтирадилар. Шунда «Спидола»нинг қўлоғини бураган Отамурод дарров радио тўлқинидан «Изларман» радиопрограммани юракларни жунбушга келтирувчи «Тошкент ироғи»нинг таниш оҳанглари эшитади. Негадир кўпгина асарларда қаҳрамон чўл-биёбонда радио қўлоғини бураганда, албатта, ё «Чўли ироқ» ёки «Тошкент ироғи»нинг оҳанглари тарала бошлайди.

Баъзи ўринларда қаҳрамонларнинг характери, дунёқарашини ифодалайдиган ички ўй-хаёллар, монологлар чўзилиб кетган, улар кўпроқ ўз ҳаракатлари орқали эмас, ўй-хаёллари орқали яхши ёки ёмон одамлар эканлигини билдириб қўядилар, яъни ёзувчининг уларга нисбатан тутган позициясини, нуқтаи-назарини баён қилувчиларга айланиб қоладилар.

Булардан мустасно «Ҳамманинг яшагиси келади» қиссаси Муроджон Мансуровнинг бадиият сирларини мукаммал эгаллаш йўлида тинмай изланаётганлигидан далолат бериши билан қимматлидир.

**Бойназар ЙУЛДОШЕВ,**  
филология фанлари кандидати.

Умаржон Исмоилов

## ГОРЬКИЙ БИЛАН УЧРАШУВЛАРИМ

### ХОТИРАЛАР

1930 йилда Москвада Бутуниттифоқ пролетар ёзувчилари ассоциацияси — ВАППнинг катта анжумани чақирилди. Унда Урта Осиёдан ўттизга яқин вакил иштирок этди. Булар ичида Ғайратий, Ғафур Ғулом, Ҳусайн Шамс, Садриддин Айний, Лоҳутий, Товшан Эсенова, Жўлмирза Оймирзаевлар бор эди. Кенгаш Советлар уйининг Коллонна залида бошланди.

Ҳар ким ўз жойида қарор топган, иттифоқ, республика вакиллари ўзларига белгиланган жойларни эгаллаган. Президиумда Д. Бедний, А. Фадеев, Н. Тихонов, А. Сурков, Л. Сейфуллина, А. Караваева, Л. Леонов, А. Безименский ва бошқа таниқли адиблар ҳамда миллий республикаларнинг вакиллари бор. Аммо негадир Алексей Максимович кўринмасди.

Буюк адибнинг йўқлиги учун худди залнинг ярми бўшдай туюларди. Анжуман бошланди. Аммо вакилларнинг асаби тараңг, қандайдир оғир вазият ҳукм сурмоқда. Чекка-чеккада ўзаро гурунғ, шивир-шивир кучайиб, нотиқларга халал бера бошлади. Умуман, мажлисда сўз сўзга қовушмас, раиснинг кўнғироқлари эса тартибсизликни баттар кучайтирарди.

Президиумдагилар гангиб қолдилар. Аҳвол жиддий... Шунда пастдан кимдир қўл кўтариб: «Горькийни таклиф қилиш керак!»— деб қичқирди. Залдагилар баробар қарсак чалиб, бу таклифни бир оғиздан қабул қилдилар. Шу ондәёқ комиссия тузилди. Вакиллар составига Украинадан Корнейчук, Озарбайжондан Меҳди Ҳусейн, Ўзбекистондан мен, яна иккита шоир — ҳаммаси бўлиб беш киши сайландик. Шундай қилиб, биз улўф адиб ҳовлисига жўнадик. Президиум Алексей Максимович келгунга қадар танаффус эълон қилди...

Горький ҳовлисига кириб борганимизда бизни адибнинг ўғли Максим қарши олди ва бирма-бир кўришиб чиқиб, ўзини та-

ништирди. У яқинда Италиядан келганди.

Максим ҳаммамизнинг исм-фамилиямизни ёзиб олди-да, бош қимирлатди. У чама-си, барча гапдан воқиф бўлса керак.

— Алексей Максимович бетоб, билмадим, боролармикан?— деганча бизга тикилди. Корнейчук илтимос қилиб, ялина бошлади:

— Айтинг. Айтинг! Аҳвол жиддий, Алексей Максимович бормасалар, ҳеч иложи йўқ!..

— Ҳўп бўлмаса, мен сўрайман, сизлар бир оз сабр қилинглар, — деганча ичкарига кириб кетди.

— Бормаса-я?— деди Меҳди совуқ нафас қилиб.

— Бормайди,— деди кимдир,— агар соғ бўлса уйда ўтирармиди? Ахир Москвани шоир босиб кетди! Ўзи бошқарарди!..

— Кеча мен кўрганман, анча тетик эди,— деди Корнейчук.

— Қани кўрамиз!..

— Агар бормаса, ўзини кўриб қоламиз-ку, — деди Меҳди.

«Қабул қилса кўрасан, акс ҳолда — афсус!», дегандай икки қўлини кўтарди Корнейчук.

Шу алфозда анча турдик. Максимдан дарак йўқ. Бир вақт у чиқиб келди ва «Исмоилов» деб чақирди.

— Мана Исмоилов,— деди Меҳди мени кўрсатиб.

— Марҳамат, сизлар кутасизлар, ҳаммани қабул қила олмайди — аҳволи парижон, докторлар рухсат этмаяпти, кечирасизлар!

— Майли, майли, сен кириб чиқ, биз кутамиз, бўш келма!— деди қолганлар орқамдан.

Мен ўзимни қўлга олиб, Максимнинг орқасидан эргашдим, йўладан ўтиб эшик олдида тўхтадик. Эшикни очиб, Максим



мени ичкарига таклиф қилди. Мўъжазгина зал, чап тарафдаги дераза ёнига қўйилган столда А. М. Горький нимадир ёзмоқда.

Стол устида сиёҳ, қоғоз ва ручкадан бошқа ҳеч нарса йўқ.

Горький бўйдор, қотмадан келган, истараси иссиқ, мўйловдор бир сиймо эди. Унинг ҳаракатлари оғир, аммо ниҳоятда дилкаш ва ғамгузор кўринарди. Кўзларидаги қандайдир меҳрибонлик одамга руҳ бағишлар, қошигда энг яқин одам ўтиргандай ҳис қилардинг ўзингни.

— Нима гаплар!

— Жанжал!— дедим гапнинг пўскалланини айтиб.

Алексей Максимович менга бир қараб олди-да:

— Масалан?— деб изоҳ талаб қилди.

Мен конференцияда бўлаётган бутун воқеаларни ҳикоя қилиб, бош бошдоқлик, тартибсизлик ва у ерда зуҳурга келаётган асабият ҳақида, пастдан туриб отилган луқмалар ҳақида бирма-бир гапириб бердим. Шундан сўнг Алексей Максимович ўйлаб қолди.

— Менинг ихтиёрим ўзимда эмас,— деди у.

Мен ҳам бўш келмадим.

Бутуниттифоқдан келган вакиллар сизга мунтазир!

— Мен докторлар нима деса шунга қилишга мажбурман,— уни яна йўтал тутди.— Яхши,— деди Горький,— сизлар мендан бирон соатдан кейин хабар олинглар, рухсат бўлса, албатта, бораман.

Мен ҳам «хўп» дедим-да, хайрлашмай чиқиб кетдим. Шерикларим тоқатсизлик билан кутган, чеҳрама қараб Горькийнинг бормаслигини билмоқчи бўлишарди.

— Борадимми?— Ҳамма баравар менга тикилди.

— Боради! Боради!.. Бир соатдан кейин келинглар,— деди.

— Бир соатдан кейин?..

— Ҳа, шундай!..

Ҳаммамиз кўчага чиқдик, яна машинага тушиб, қайтдик. Корнейчук менга қараб бош қимирлатди:

— Майли, биз кўрмасак ҳам сен кўриб чиқдинг, бахтиёрсан. Аммо Алексей Максимовичнинг съездга боришига кўзим етмайди,— деди у.

— Докторлар рухсат берса-чи?— сўради Меҳди Ҳусейн.

— Йўталаяпти,— дедим мен хўрлигим келиб.

Шерикларим дами ичига тушиб кетди. Союзлар уйига боргунча чурқ этмадик. Шундай қилиб, съезд раёсатига аҳволни тушунтирдик, орадан бир соат ўтар-ўтмас яна Горький ҳовлисига йўл олдик. Корнейчукнинг гапи тўғри чиқди. Докторлар Алексей Максимовични Москва атрофидаги дачасига олиб чиқиб кетишган эдилар. Улуғ ёзувчи конференцияга мурожаат ёзиб қолдирганини айтиб, ўғли Максим бизга бир варақ хат топширди. Биз шунга ҳам ўзимизда йўқ хурсанд бўлдик. Хатда Горький бутун ёзувчиларни ҳамжиҳатликка, халқ иши учун коммунистлар партияси атрофига жипслашишга даъват этган эди. Конференция вакиллари хатни диққат билан эшитди. Эртасига у матбуотда чоп этилди.

Алексей Максимович Горький билан сўнгги учрашувим ҳам сира ёдимдан чиқмайди. 1934 йил... Москвада Бутуниттифоқ совет ёзувчиларининг тарихий I съезди чақирилди. Ун кун давом этган бу съезд бевосита А. М. Горькийнинг раҳбарлигида ўтди. Бу ўн кун, дарҳақиқат, ўн кунлик мактаб бўлди, десак янглишмаймиз. Съездга Ўзбекистондан Ғафур Ғулум, Ғайратий, Назир Сафаров, Зиё Саид, Ҳусайн Шамс, Раҳмат Мажидий, Ҳасан Пўлат ва камина қатнашди.

Съезд президиумида Горький, Толстой, Серафимович, Бедний, Фадеев, Тихонов, Сурков ва қардош республикалар адабиётларининг вакиллари ўтиришарди. Съездда Алексей Максимович Горький катта доклад қилди. Адиб биринчи бўлиб социалистик реализм методи моҳиятини асослаб, совет ёзувчиларининг ижодий йўлларига машъала ёқиб берди. У бир қанча музокараларга яқин ясади. Бутуниттифоқ миқёсида бирдан-бир ёзувчилар союзи ташкилотини барпо қилиш ташаббускори бўлди.

Горький съездда бўш асарларни қаттиқ танқид қилиб, совет ёзувчилари олдида жиддий талаблар қўйди. У ҳам бўлса, бадий жиҳатдан юксак, яхши асарлар яратиш масаласи эди.

Съезд айна қизиган пайтлар... танаффус чоғи, вакиллар гуруҳ-гуруҳ бўлиб расм олдирмоқдалар, бир-бирига адрес ва китоблар тақдим қилмоқдалар. Колонна зали олдидаги кўча тўла одам. Булар ҳаммаси ёзувчилар, шоирларни кўриш учун тўпланганлар...

Бизлар ҳам ўз гуппамиз билан расмга тушмоқдамиз, шу пайт ўртоқлардан бири келиб мени Алексей Максимович Горький чақираётганини билдирди. Мен ҳалиги одам билан раёсат ўтирган жойга чиқдим. Уртада Горький, Серафимович, Алексей Толстой ва бошқалар... шундоқ Горькийнинг ёнида бир чол тикка турибди. Алексей Максимович менга қараб:

— Уртоқ Исмоилов, сиз бу одамни танийсизми?— деб сўраб қолди.

Мен бу чолни биринчи кўришим эди, шунинг учун бош қимирлатиб:

— Танийлмадим,— дедим.

— Танишинг, бу Сулаймон Стальский, бизнинг Гомер,— деди ва чолнинг устибошини кўрсатиб: — Сулаймон бугун сўзга чиқади. Лекин бу аҳволда чиқиши мумкинми? Уни кийинтириш керак, илтимос қиламан, сиз Стальскийни кийинтиринг, яхшилаб кийинтиринг,— очик чеҳра билан менга қаради.

— Жоним билан, Алексей Максимович!— дедим-да, Стальскийнинг қўлидан ушладим.

А. Н. Толстой ўтирган еридан:

— Яна галстук тақиб юрма!— деди.

— Қани кўрамиз,— дедим-да, чол билан ҳалиги одам йўлбошчилигида кўчага чиқдик, эшик тағида ажойиб қора машина бизга мунтазир эди. «Совет Гомери» билан ёнма-ён ўтириб йўлга равона бўлдик.

Дарҳақиқат, йўлда мен ташвишлана бошладим. Шоирни қандай ва қайси йўсинда кийинтириш лозим? А. Н. Толстой айтгандай галстук, костюм, оёғига туфли-

ми ёки ўзларининг кийимлариданми?.. Ундай бўлса кавказча куртка ва папахларни қайдан топамиз?.. Бу муаммо мени дафъатан чўчитиб юборди. Алексей Максимович чолни менга топширди, уни кийинтиришим лозим, фасон қанақа ва қайси миллатга хос бўлиши шарт?.. Ёки съездга европача кийиниб чиқиши керакми? Оббол Шуни сўрамабман... Энди магазинга боргач, телефон орқали сўрайман!.. Ёки ўзидан сўраб кўрайми, қайси тилда сўрайман! Рус тилида сўрайбераман, чала-чулпа гапирар!.. Охири мажбур бўлиб чолга қарадим, рус тилида:

— Қанақа костюм оламиз?— Шляпа, туфли ва бошқаларни демоқчи эдим, Стальский бош буриб, менга қаради, мен унга тикилдим, сўнгра чол бирдан қўл узатиб елкамдан ушлади\*ва ўзига тортди:

— Қани, магазинга борайлик-чи, ўша ерда кўрамиз, — деб авар шеvasи билан менга тушунарли тилда дона-дона қилиб гапириб кетди. Мен оғзим очилиб, ўзимни йўқотиб қўйдим.

— Яхши! Яхши!— дедим тутулиб, унга тикилганча. Лекин шу замон тортган ташвишларимдан хижолат қилдим-да, чолнинг юзига диққат билан қарай бошладим. Сулаймон Стальский ориқ, қиличдек ўткир ва бўйчан, қорамағиз юzlари гўштсиз, лочин кўз, серҳаракат бир одам эди. Шундан сўнг биз чол билан чақчақлашиб

магазинга борганимизни ҳам билмай қолдик.

Шофёр бориб тўхтаган магазин олдида бизни кутиб олдилар. Чол билан магазинга кирдик. Ярим соат ичида Сулаймон Стальский ўзига лойиқ куртка, папах, кетворган этик, кўйлак, шим топиб кийиниб, йигитлардек бўлди-қолди...


Биз келганимизда съезд бошланиш олдида эди, мен чолни А. М. Горькийга топширдим. Раёсатдагиларнинг таассуроти шунчалик кучли эдики, қарсақ чалиб юбордилар... Максим Горький менга қараб:

— Ана бу бошқа гап, мана энди Сулаймон Стальский сўзга чиқса бўлади, — деди ва менга миннатдорчилик билдирди.

Ана ўша куни Сулаймон Стальский Биринчи съездда ўзининг оташин ва тарихий нутқини сўзлади, чапак ва қарсақлар остида вакиллар таҳсинига сазовор бўлди.

Биринчи съезддан кейин ўзбек совет адабиётида катта силжиш рўй берди. Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидов, Михаил Швердин, Яшин, Миртемир, Собир Абдулла, Ғайратий Назир Сафаров ва бошқа ўнлаб катта ёзувчилар вояга етдилар. Ана шулар Ўзбекистонда шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиётнинг асосини барпо қилдилар.

# Туз қанчи



Бўлимга  
ФАФУР ҒУЛОМ  
АСОС СОЛГАН

Равшан Қодиров

## ИНТЕЛЛЕКТ

### ҲАЖВИЯ

Область театрининг бош режиссёри шаҳарда эндигина танилиб, мутахассислар эътиборини қозонаётган ёш режиссёрни ўз театрига спектакль қўйиш учун таклиф қилди.

Сўнгги модада кийинган, бўлажак шон-шўҳрат оstonасига илк қадамларини қўяётган ёш режиссёр, область театрининг актёрларини лол қолдириб, ўз измига солиш мақсадида, биринчи суҳбатни шундай бошлади:

— Ҳозирги замон театри ўз асрини тушуниши ва давр талабига жавоб бермоғи даркор. Бу деганим, замондан бир ярим қадам олдинда юришимиз керакдир, деганимдир. Масалан, кучли драматург Шекспирнинг «Макбет» асарини олайлик...

Ўтирганлардан кимдир луқма ташлади:

— Домулло, «Гамлет» демоқчимисиз?

Ёш режиссёр тутақиб кетди:

— Эй, воҳ! Бу не кўргилик! Санъат одами Шекспирнинг «Гамлет»и билан «Макбет»нинг фарқига бора олмас-я! Савод ҳам шу қадар ғовлаган бўладими? Бу... бу... бу...

Режиссёр асабийлашганидан гапира олмади. Чарм камзулининг чўнтагидан бир дона папирос олиб, лабига қистирди, қўлидаги гугуртга узоқ тикилиб қолди. Чуқур хўрсиниб, башарасини буриштирди. Зарб билан гугурт чақиб папиросини тутатди. Оёқларини чалиштириб стулга ўтирганча ўйга чўмди.

Луқма ташлаган актёр ёш режиссёрнинг тумтайганини кўриб, гапирган гапидан минг хижолат бўлиб, шолғомдек қизариб, аста ўрнидан турди.

— Режиссёр домла, қўл югуриги ошга, тил югуриги бошига, деганлари бежиз эмас экан. Бу тил қурғур бесуюяк нарса-да, тишнинг панасида туриб...

Жаҳл билан ўрнидан туриб кетган ёш режиссёр актёрнинг тумшуги остига келиб:

— Азизим, сиз ассоциация деган сўзнинг нима эканлигини биласизми?— деди.

— Тилимиз ҳам келишмайди, домулло,— деди довдираб қолган актёр.

Ёш режиссёр тўпланганларга бир-бир разм солиб чиқди. Кейин шошилмасдан, салмоқлаб гапира бошлади.

— Ассоциация — таассурот дегани. Яхшиямки, биринчи таассурот алдамчи бўлади. Йўқса, мен сиз ҳақингизда, савияси паст кимса, деб ўйлаган бўлардим. Бахтингизга мен «Фуэнкор» психологиясини чуқур ўрганганман. Инсон ҳиссий аъзоларининг мураккаб жараёнларини «Интуицион телепатия» орқали ҳис қила оламан. Гапимнинг исботи тариқасида сизнинг нима демоқчи бўлганингизни ҳозироқ айтиб беришим мумкин. Сиз мендан кечирим сўрамоқчи эдингиз!

— Во, ажаб! Авлиё экансиз, домла!— деди ўзини ўта ҳайратлангандек кўрсатиб актёр.

Ўтирганлар ҳам меҳмоннинг иззати дея, ҳайрон қолганликларини изҳор этиш мақсади-да, ҳар хил гапларни гапиришди.

Гала-говур сал пасайгач, бир кекса актёр шундай қўшимча қилди.

— Ҳай, башорат илмини ўрганган бу кишидан кўп нарсани кутиш мумкин. Имомним комилки, бўлажак томошамизни қабул қилгани келган комиссия аъзолари ҳам спектаклимизни юксак баҳолайдилар!

Кекса актёрнинг бу гаплари режиссёрга мойдек ёқиб тушди. У ҳаяжондан тўлқинланиб кетиб, навбатдаги ваъзни бошлаб юборди:

— Кекса санъаткорлардан ҳар қанча ўргансак арзийди. Улар «санъатда ўзингни севма, ўзингдаги санъатни сев» деган маталга қаттиқ риоя қилишади. Бу ибора замирида бир нарса ётади. У ҳам бўлса фидойилиқдир. Ҳаммамизга маълум, фидойилик қурбонлик талаб қилади!

Режиссёр ўз гапларидан ўзи жўшиб кетиб, қарсақ чалишни бошлаб берди. Чапак овозига ўч актёр халқи бир зумда зални гулдиратиб юборди. Қарсақларга кўмилиб кетган ёш режиссёр тавозе билан уларни тўхтатди.

Яқиндагина институтдан учирма бўлган ёш актёр содир бўлаётган майнавозчиликлардан энсаси қотди, шекилли, ўтирган жойида бақирди:

— Ўртоқ режиссёр, бугунги жадвалда «читка» бўлади, деб ёзиб қўйилганди. Қачон бўлади!?

Буни эшитиб, режиссёрнинг расмана жазаваси тутиб кетди.

— Қаердан олдингиз «читка» деган сўзни? Сиз — йигирманчи аср одами, шунчалар ҳам замондан орқада қоласизми?! Э, воҳ! Ким айтади сизни санъат одами деб!?

У ўзини ўта асабийлашган кимсадек кўрсатишга тиришиб, яна папирос тутатди. Кўзи ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб турган пўрим кийимли кишига тушди. Киши унинг оғзидан чиқаётган паға-паға тутуннинг ҳавога сингиб кетишига маҳлиё бўлиб тургандек туюларди.

— Ҳой, биродар, сиз ҳам «читка» тарафдорлариданмисиз?

Киши «йўқ» деган маънода бош силкиб қўйди.

— Офарин!— режиссёр шундай дея, ясама кўтаринкилик билан гапини давом эттирди.— Ҳозирги элмон театрларида, жаҳон миқёсида кучли самара бераётган усул импровизация методидир. Ушбу метод ёрдамида актёр ўзидаги интеллектуалликни оча олади. Замон томошабинларига айна интеллектуал даркордир. Машҳур япон режиссёри Сенико — Сенико Мусаядзо импровизацион методнинг йоглар усулини қўллаши туфайли актёрни сахнада қулоғи билан юришга мажбур қила олган! Тасаввур қиляспизми, сахнада қулоқ билан юриш! Бу — театр сахнасининг олий чўққисидир! «Аллеграцион Конъюктор» методи билан сиз, албатта, таниш бўлишингиз керак!

Киши каловланиб қолди ва:

— Меҳмон, айбга буюрмайсиз, сўзларингизга тушуна олмадим,— деди.— Аммо, бизда ҳам бола-чақа бор. Шу жужуқларни деб юрибмиз. Худо кўрсатмасин, бирор кори ҳол бўлса, яна бечораларнинг шўрига шўрва тўқилмасин. Ишқилиб, эҳтиёт бўлиб чекинг-да!..

— Нега энди?— ажабланиб сўради режиссёр.

— Шу театрда пажарний бўлиб ишлайман. Энди... чекканингиз учун сизга жарима солишга андиша қилиб турибман.

— Э, воҳ! Шу нарсани илгарироқ айтмайсизми?— деди ранги ўчиб кетган ёш режиссёр. Кейин тутаб турган папиросини туфлаб-туфлаб ўчирди-да, чўнтагига солиб қўйди. Талмовсираганлигини яшириш мақсадида қўллари билан кескин ҳаракат қилиб, сочларини текислаб, актёрларга ўгирилди.

— Мингта шап-шандан битта шафтоли яхши. Энди ишга ўтамиз. Ҳозир мен сизларга мазкур асарнинг тарбиявий-ғоявий моҳиятини изоҳлаб бераман, сўнг бўлажак спектаклнинг трактовкаси ҳақида гаплашиб оламиз.

Режиссёр гўё оғир ярани кесмоқчи бўлган жарроҳдек башарасини тундлаштириб, жиддий қиёфага киришга интилиб, шипга қараганча гап бошлади:

— Маҳаллий драматург ва шоир Кескиний ўзининг «Рубоий жаранги» деб номланган пьесасида ўта ваҳшийликларни лирик йўл билан фош қилишга уринган ва буни қайсидир аспектда уддалай олган. Ушбу асарнинг менга маъқул бўлган ва мени шу нарсани қўйишга ундаган жойи — икки севишган қаҳрамонларнинг тақдирларини ўта интеллектуал тарзда ҳал этилганлигидир. Мен айнан шу интеллектни, бўлғуси томоша учун замин ҳозирлаш мақсадида, спектаклнинг асосий йўналиши қилиб олдим...

Кимдир эснаб юборди. Биров маъноли қилиб йўталиб қўйди. «Интеллект» ҳақида ва ҳозирги замон томошабинининг эстетик дидини замон руҳида тарбиялаш тўғ-

рисида берилиб сўзлаётган режиссёр ҳеч нарсага парво қилмай, шифтга қараганича гапида давом этаверди.

Тушлик пайти яқинлашгач, ёш режиссёр ўзининг «Интеллект» ва «Замон томошабинини тушуниш» ҳақидаги узун сафсатасини тугатди-да, шифтдан кўзини олиб залга қаради. Залда, бор-йўғи уч киши қолганди. Улардан бири — театрдаги ўт ўчирувчилар командасининг бошлиғи, қолган икки киши эса бўлажак спектаклнинг бош қаҳрамонларини ўйновчи актёрлар эди. Режиссёр бу ҳолдан сира ажабланмади. Афтидан, у бундай ҳодисаларга кўникиб кетган кўринарди. Чала мудраётган актёрларнинг бирининг елкасига қўлини қўйиб, ундан сўради:

— Бош қаҳрамон ролини сиз ўйнайсизми?

— Йўқ, доирачим ўйнайди.— деди уйқусираётган актёр.

— Сиз-чи,— иккинчисидан сўради режиссёр.

— Мен уни пойлаб ўтирибман,— кўзини аранг очиб гапирди киши. Сўнг кетидан қўшиб қўйди.— Закалат олганмиз, домла. Бормасак уят бўлади.

Закалат сўзини эшитган бош қаҳрамон ролини ўйновчи актёр сергакланди.

— Репетиция нима бўлади,— хотиржам оҳангда сўради режиссёр.

— Бормасак бўлмайди. Нозик жой,— деди уйқуси ўчиб кетган доирачи.

— Репетицияни эртага кўчирарсиз. Қуруқ келмаймиз. Қўлинг ўргилсин беш юлдузли «Самтрест»дан! А... лаббай!— деди хушмадгўйлик билан илжайганча ҳамкасбини пойлаб ўтирган актёр.

— Ҳа, майли, нима ҳам қила олардик. Тўй-тўйдек ўтсин-да!— режиссёр шундай дея чўнтакларини ковай бошлади.

— Бино ичида чекиш тақиқланган!— огоҳлантириб қўйди ўт ўчирувчи. Режиссёр унга бир қараб қўйди-да, шошилиб залдан чиқиб кетаётган ҳалиги икки актёр ортидан қичқирди.

— Эртанги сўҳбатимиз «Супер драматизм» ҳақида бўлади. Тайёрланиб келинглр...

## Турсунбой Адашбоев

### Сўна

[«Нозиктаъб» ёзувчи танқид қилинганда]

Ёндириб юборгудай  
Саратоннинг қозони.  
Ғойиб бўлган қайгадир  
Дайди гирдоб тўзони.  
Қалдирғочлар анҳорга  
Тўш уради керилиб.  
Қўй ва моллар сояда  
Кавш қайтарар эриниб.  
Тўсатдан чипор буқа  
Шаталоқ отиб қолди.  
Қўйлар ҳушёр тортишиб,  
Серкалар қотиб қолди.  
Яйловнинг тўзиб чанги,  
Тўполон бўлиб кетди.

ж  
Буқанинг ғазабидан  
Кўп чивин ўлиб кетди.  
Думини хода қилиб,  
Ирғишлади, бўкирди —  
Кимдир игна санчди, ё  
Уни бехос ток урди!  
Дуч келган одамларни  
Аямай сузиб ўтди.  
Четан деворни шартта  
Шохида бузиб ўтди.  
Така сўрар Қўчқордан  
— Ҳўкиз мунча тархаш-а?  
— Бир сўна қўнганига,  
Шунча ташвиш, хархаша...

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси Республика Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти билан ҳамкорликда «Ҳозирги ўзбек прозаси асарларида коммунистлар образи» мавзuida илмий конференция ўтказди. Совет адабиётининг, жумладан, ўзбек совет адабиётининг ҳам юсак, муҳим мавзуси — ҳаётимиздаги коммунистлар раҳбарлигининг роли, аҳамияти, коммунист образини яратиш тажрибалари, бу ишдаги маҳорат масалаларига бағишланган бу илмий конференцияни Ўзбекистон Ёзувчилари союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов кириш сўзи билан очди. Сўнгра йиғилганлар филология фанлари доктори Л. Қаюмовнинг «Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар» асарида коммунистлар образи», филология фанлари доктори Х. Ёқубовнинг «Ҳозирги ўзбек романларида коммунист образини яратиш», ёзувчи, филология фанлари кандидати П. Қодировнинг «Коммунист образини тасвир этишда илғор ғояни психологик асослаш принципи», филология фанлари доктори У. Норматовнинг «Ҳозирги ўзбек ҳикоя ва қиссаларида коммунист образи», филология фанлари доктори С. Мирвалиевнинг «Адабиётимизда коммунист образини яратишда тенденция ва традициялар», филология фанлари доктори О. Тоғаевнинг «Очерк ва публицистикада коммунист образи» мавзuidaги нутқларини тингладилар.

\* \* \*

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг Ҳамид Олимжон номли Адабиётчилар уйида асримизнинг улуғ адибларидан бири — турк халқининг оташин инкилобчи шоири Нозим Ҳикмат таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий кеча ўтказилди.

Мажлисгоҳ Нозим Ҳикмат шеърляти ихлосмандлари билан лиқ тўлди: йиғилганлар отацнафас шоир номини, асарларини теран муҳаббат билан эслашди, олқишлашди.

Кечани Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин олиб борди. СССР Давлат мукофоти лауреатлари Ҳамид Ғулум ва Рамз Бобожон Нозим Ҳикмат ҳақидаги хотираларини сўзлаб, шоирнинг шеърларидан ўқишди. Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Туроб Тўла, Абдулла Орипов, Омон Матчон ва бошқа адибу шоирлар Нозим Ҳикмат ҳақидаги хотираларини сўзлаб, унинг ижодидан қилган таржималарини, унга бағишлаган шеърларини ўқиб бердилар.

\* \* \*

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи бадиий адабиётни пропаганда қилиш бюроси адиб ва шоирларнинг китобхонлар билан учрашувларини мунтазам равишда ташкил

этиб бораётир. Учрашувлар республикамиз хўжаликларидида, ишлаб чиқариш корхоналарида, ўқув юртларида, кутубхона ва маданият уйларида ўтказилмоқда.

Яқинда Тошкент Халқ Хўжалиги институтида таниқли шоир, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Абдулла Орипов ижодига бағишланган шеърлят кечаси бўлиб ўтди. Китобхонлар сеvimли шоирнинг ижод йўли, унинг асарларидан олган таассуротлари ҳақида сўзладилар.

Кечада Абдулла Орипов янги шеърларидан ўқиб берди ва ижодий режалари билан ўртоқлашди.

\* \* \*

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти Илмий кенгашининг атоқли ўзбек шоири, истеъдодли таржимон ва тарихнавис олим Муҳаммад Ризо Оғаҳий меросини ўрганишга бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Илмий кенгашда Оғаҳий асарларини излаб топиш ва ўрганишни кучайтириш, шоир асарлари қўлёзмалари каталогини нашр этиш, девоннинг илмий-танқидий текстини тузиш, келгусида адиб асарларининг мукамал нашрини амалга ошириш, унинг ижодини халқ ўртасида кенг пропаганда қилиш, шоирнинг ўзбек маданиятида турган ўрни ва халқлар дўстлиги, адабиётлар дўстлигига қўшган ҳиссасини кенг ёритиш, Оғаҳийнинг портретини яратиш, унинг форсий шеърларини ўзбек тилига, ўзбек тилидагисини рус тилига таржима қилиш, бу илмий кенгаш материалларини тўплам шаклида нашр этиш каби қатор тадбирлар белгиланди.

Оғаҳийга бағишланган йиғилишларни ҳар йили шоир тузилган куни — 17 декабрда узлуксиз ўтказиб бориш ва уни аънанга айлантиришга ҳам келишиб олинди.

\* \* \*

Ленинград Ёзувчилар союзи партия ташкилотининг январь ойида бўлиб ўтган очиқ партия мажлисида «Ёзувчининг ҳаётий позицияси ва буғунги ҳикоялардаги қаҳрамон характери» мавзуй борасида муҳокама ва мунозара юритилди. Жуда кўп ленинградлик тажрибали адиблар ва ёш ёзувчилар бу борадаги фикрларини йиғилганлар билан ўртоқлашдилар.

Маълумки, «Звезда» журнали ҳар йил бир сонини ҳикояларга бағишлайди. Утган йилдан бошлаб «Нева» журнали ҳам бу яхши аънанадан ибрат олиб, йиллик китобларидан бирини ҳикояларга атайдиган бўлди. Шунга қарамасдан, ҳикоя жанрининг муаммолари кўпайиб турган буғунги кунда Ленинградда ҳар йили битта ҳикоялар тўплами чиқариб туриш керак — мажлис аҳлининг қарори шундай бўлди.

\* \* \*

Озарбайжондаги оппоқ қорли Қорабоғ тоғлари ўртасида жойлашган Шуша шаҳри марказида озар классик шоири Мулла Паноҳ Воқиф (XVIII аср)га атаб ёдгорлик — мақбара бунёд этилди. Бу обида меъморлар — А. Саломзода, Э. Кануков ҳамда ҳайкалтарош А. Мустафоев ҳамкорлигида яратилди. Воқиф худди шу Қорабоғда яшаган, ижод қилган, муҳаббат ва ҳурликнинг оташин куйчиси сифатида донг қозонган. Шоирнинг асарларини бугунги кунда ҳам халқ севиб ўқийди, муҳаббат билан куйлайди.

Воқиф мақбарасининг тантанали очилишида Озарбайжон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси М. Ибрагимов, шунингдек, атоқли адиблардан С. Рустам, С. Григорян, Н. Ҳасанзода сўзладилар. Худди шу куни Шушадаги меъморий обидаларнинг бири Назм уйи деб эълон қилинди ва бу ерда Воқифнинг шеърлари, унга аталган бағишловлар янгради.

Воқиф мақбараси ва Назм уйининг тантанали очилишида КПСС МК сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Озарбайжон Компартияси МКнинг биринчи секретари Г. А. Алиев қатнашди.

\* \* \*

Бутуниттифоқ китоб палатасининг маълумотига кўра, ўтган 1976—1980 йиллар мобайнида мамлакатимизда хорижий муаллифларнинг совет халқлари тилларига тар-

жима қилинган 9400 дан ортиқ асарлари 577,6 миллион нусхада чоп этилди.

\* \* \*

Киевдаги бадиий адабиёт нашриёти — «Днипро» Эрнест Хемингуэйнинг тўрт жилдли асарлар тўпламини украин тилида нашр этди. Бу тўрт жилдлик машхур ёзувчи ижодини кенгроқ акс эттириши — ҳажман катталиги ва жанран ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Бу нашрга Хемингуэйнинг фақат ҳикоялари ва романларигина эмас, балки, унинг шеърлари, «Баҳорнинг тошқин сувлари» қиссаси, «Чошгоҳдан кейинги ўлим» асари, репортажлари, хатлари ҳам киритилган. Адибнинг вафотидан сўнг босилган асарлари — «Хатарли ёз», «Ҳар кунинг — байрам» китоблари, «Баҳри муҳитдаги ороллар» романи, «Ник Адамс ҳақида ҳикоялар»и охириги жилдга жамланган.

Агар XX аср америка адабиётининг асосчиларидан бири бўлган Хемингуэйнинг танланган асарлари ҳали-ҳануз ўз ватанида бирор марта чоп этилмаганини ҳисобга олсак, нечоғли ажабланарли бўлмасин, украин тилидаги тўрт жилдликни — ҳозирча Хемингуэйнинг энг тўлиқ асарлар тўплами дейиш мумкин.

Бу нашрнинг фазилатларидан яна бири шуки, ҳар бир жилд муқовасида унга кирган асарлар ёзилган вақтдаги ёзувчининг сурати берилган. Хуллас, биргина мана шу нашрнинг ўзи билан ҳам украинлик ноширлар матбаа санъатини намойиш қилганларки, бундан ибрат олса арзийди.

## ЗВЕЗДА ВОСТОКА

### АПРЕЛЬ СониДА

Журналнинг бу сонида СССР ташкил топганининг 60 йиллиги муносабати билан К. Ориповнинг «Жипслашиш ва тараққиёт йўлидан» номли мақоласи босилган. В. Никулиннинг «Пахта конвейери» мақоласи эса республикамиз «оқ олтин» ижодкорлари ҳақида ҳикоя қилади.

Проза бўлимида Д. Холендронинг «Ёлғиз шер» повестининг бош қисми, Ж. Илёсовнинг «Анахита қасоси» романи охири, шунингдек М. Қориев ва Э. Аъзамовнинг ҳикоялари чоп этилган.

Поэзия мухлислари эътиборига Д. Сейтназаров, Т. Қобулов, Р. Қодирий ва П. Любавларнинг туркум шеърлари ҳавола қилинган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Н. Сафаров ва ёзувчи Ю. Ковалевнинг «Ота маскан» номи очерки ҳам шу сондан ўрин олган.

«Хорижий Шарқ ёзувчилари» рубрикаси остида М. Закирия, Кассаман, М. Зеруни асарларидан намуналар берилган. Саргузашт-фантастика бўлимида эса Л. Млечининг «Шаҳарнинг оқшом ёруғлигидаги манзаралари» повести давоми билан танишиш мумкин.

Адабий танқид ҳамда санъат бўлимида Г. Торокопянининг «Кечаги кун — бугунги кун», Ю. Абдуллаевнинг «Афғон инқилоби куйчиси», А. Курелланчиг «Буюк шоирнинг янги кашфиёти» ва Г. Баргнинг «Истеъдоднинг ёрқин қирралари» мақолалари ёритилган.

К. Н.  
68

Бош редактор Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Н. ВЛАДИМИРОВА, Ж. ЖАББОРОВ, ЗУЛФИЯ, Т. МАЛИК (масъул секретарь), МИРМУҲСИН, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Ҳ. НИЕЗОВ (бош редактор ўринбосари), У. НОРМАТОВ, А. ОРИПОВ, И. РАҲИМ, Т. ТУЛА, УЙГУН, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, И. ЮСУПОВ, Н. ҚОБУЛ, Ҳ. ҒУЛОМ.

Техредактор М. Аҳмедов.  
Корректор А. Билолов.

На узбекском языке

**«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»**

(Звезда Востока)

№ 4

Орган Союза писателей Узбекистана  
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,  
Ташкент — 1982

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 8.02.82 й. Босишга рухсат этилди 13.04.82 й. Р—02885. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Қабарик босма. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,50+0,35 (вкл.) Нашриёт ҳисоб листи 20,3. Тиражи 198025. Заказ № 2510.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент — 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

© «Шарқ юлдузи» 1982.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

**БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:**  
**700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН ҚУЧАСИ, № 1.**  
**«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР ЎРИНБОСАРИ — 330918.  
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД  
ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479.